


Шухрат Эргашев

КАИМИНИ ШАРЖУРГАНИСЛАР



Kitob quyidagi ko'rsatilgan
muddatda topshirilishi shart

Oldingi foydalanishlar
miqdori

63.3(5У)64

1481

Э 74


Қадимги цивилизациялар / Ш.Эргашев.

Ташриқ: "Ўзбекистон" НМИУ, 2016.-360

Тарғат Ахмедов

Дилмурод Мула-

на Харитоновна



ШУХРАТ ЭРГАШЕВ

3 ба

ҚАДИМГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР



ТОШКЕНТ
НО'ЗБЕК ИБРАХИМОВ
2016

DAVLAT UNIVERSITETI
DENOY FILIALI ARM
№ 178

ик
да,
а-
у-
ан
иё
ос
а-
и-
и-
ий
й-
а-
ик
а-
н-
у-
ий
а-
и,
ар
да
шп
я-
и.
қа
ув
й
ё
ри
си

Масъул муҳаррир:
тарих фанлари доктори, профессор **Қ. Ражабов**

Тақризчилар:
филология фанлари номзоди, доцент **М. Бобоев**,
тарих фанлари номзоди, доцент **Т. Бобоматов**

Замонавий цивилизациянинг шаклланишига катта таъсир кўрсатган Месопотамия, Қадимги Миср, Қадимги Яхудий, Қадимги Эрон, Қадимги Греция ва Рим ҳамда Қадимги Турк цивилизациялари тарихи ушбу китобдан ўрин олган. Анъанавий тарих китобларида баён қилинган сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатлардан ташқари, цивилизациялар тақдирини муҳим, баъзан ҳал қилувчи роль ўйнаган дин ва дунёқараш, адабиёт ва санъат ҳамда улар таъсирида шаклланган халқ характери ва ёритишга алоҳида эътибор берилган.

Китоб цивилизациялар тарихига бағишланган тадқиқотнинг биринчи қисми, унинг иккинчи қисми «Замонавий цивилизацияларнинг шаклланиши» деб номланиб, у Европа, Осиё, Америка ва Африкадаги замонавий цивилизацияларни қамраб олган.

Китоб тарихчи, талабалар, магистрантлар, тадқиқотчилар ва инсониятнинг қадим тарихи билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.



КИРИШ

«Цивилизация» тушунчаси фақат XVIII асрда европалик олимлар томонидан киритилган бўлиб, биринчи навбатда, Ғарб маданиятидаги ўзликни аниқлаш жараёнига асос элтиради. Сўнги икки-уч аср давомида Ғарб тадқиқотчилари бу тушунча ёрдамида Ғарб жамиятининг бошқа «оддий» халқлардан фарқи, тўғриси, «устулиги»ни аниқлашда фойдаланиб келдилар. Натижада Осиё, Африка ва Американинг ўзига хос цивилизацияларига нисбатан писандсизлик қарашлари шаклланиб, улардан европаликларнинг «алоҳида цивилизациячилик миссияси» ҳақидаги рояли асослашда кенг фойдаланилди. Булок географик катифиётлардан бошлаб жаҳонда иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан етакчи бўлиб олган Европа маданият майдонида ҳам яққал ҳукмронлик қилишга интилиб келди. Натижада давлатчилик, ҳуқуқ ва сиёсат соҳасидагина эмас, кундалик турмуш ва маданият соҳаларида ҳам европаликлар ўз намуналарини бутун дунёга жорий қилишга ҳаракат қилдилар. Аслида, жаҳон цивилизациялари тарихида бу ҳол янгилик эмас.

Инсоният тарихидаги энг қадимгилардан бири бўлган Шумер цивилизациясини унинг барча юксак роялари ва ахлоқий принципларига қарамасдан, иззагалаблик, ахлоқий идеаллардан анча йироқ бўлган тажовузкорлик ва энг асосийси, алоҳида афзалликка ва ҳукмронликка иштилош каби хислатлар барбод қилди. Бугунги Ғарб цивилизациясининг характерида ҳам ушбу хислатларнинг мавжудлиги унинг ҳам ривожланиш босқичлари чексиз эмаслигидан далолат беради.

Қадимги Миср, Оссурия ва Қадимги Эрон цивилизациялари ўртасидаги рақобат уларнинг барчасини ҳалок қилди. Македониялик Александр кўшинлари шиддат билан Шарққа кириб келди ва цивилизациялар ўртасидаги биринчи тўқнашув Ғарб фойдасига ҳал бўлди. Аммо волиблар матонати туфайли юзга келган Антик цивилизация ҳам абадий яппамади. Ўз маданиятини инсоният тафаккури парвозининг энг юқори чўққиси деб билган юнонлар ва римликлар цивилизацияси

ҳам инсониятта кўплаб маданий янгиликлар қолдириб, варварлар босқини остида вайрон бўлди. Сўнги икки аср мобайнида кўплаб халқлар тараққиётининг мазмунига айланган Ғарб цивилизацияси техник ва технологик инновациялар, демократия ва инсон ҳуқуқлари каби тушунчалар билан бирга, маданий толерантликнинг шундай жиҳатларини намойён қилмоқдаки, бу цивилизация ривожининг янги босқичи экаплагни кўнчиликда шубҳа уйғотмоқда. 2014 йил «Евровидение» кўшиқлар танловида ғалаба қозошган австриялик трансвестит¹ (соқолли хошим) Кончита Вурст кўпчиликнинг назарида фақат замонавий Ғарб мусиқа маданиятининг эмас, балки бутунги Ғарб жамиятининг ахлоқий ҳолатини ҳам ақс эттирувчи тимсолга айланди. Шу ўринда аҳолисининг табиғий хуақи ва ўта ахлоқсизлиги тўғрисида худо томонидан жазолашиб, Ер юзидан сўгуриб ташланган Каньон шаҳарлари Содом ва Гоморра ҳақидаги ривоят бутун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганга ўхшайди.

Қадимги халқларнинг аксариятида улар даҳосининг тимсоли бўлган ёдгорликлар, мифлар ва афсоналар сақланиб қолган. А Тойнбининг ёзишича, инсоният тарихида 21 та цивилизация мавжуд бўлиб, улардан фақат 6 таси бутун ҳам фаолият юритмоқда². Бу қадамги цивилизацияларни, уларнинг юксак тараққиёти ва фожиали интиҳоси сабабларини ўрганиш бутунги жараёнларни ҳам тарафдор, англашга ёрдам беради. Зеро, инсоният ўз ибтидоидан ўзоқланган сари тарихини англашга, илдиэларини тарафдор ҳис этишга интилиши кучайиб бормоқда. Айниқса, бутун, дунё сиёсати янги босқичга кирган, баъзи интеллектуалларнинг фикрича, трийбализм³ ва глобализм каби қарама-қарши йўналишдаги тенденциялар таъсири остида Европада миллий давлатчилик анъаналари дарз кетаётган бир пайтда, ўзликни англаш жараёни янги аҳамият касб этмоқда. Агар шу пайтгача тараққиётнинг турли босқичларида халқлар, давлатлар ва цивилизациялар

¹ Трансвестизм (лотинча transvestire – кийимини алмаштириш) – ижтимоий ахлоқ нормаларига мувофиқ бопқа живсга тегишсан.

² Қаранг: Тойнби А.Дж. Достойение истрии. – М.: Прогресс, – 1991. – С. 77–79.

³ Трийбализм (инглизча tribe – қабила) – маданий-маиший, диний ва ижтимоий-сиёсий қабилалий бирлик. Бу бирликларнинг вазафаси асосан бойликларни ўз аъзолари орасида бўлиб олинган иборат. Ҳозирги кунда ахборот воситалари бримида бутун кўнчаларда, масалан, Европада миллий давлат чегаралари барҳам тошиб, қатъа (ёки дунё) қатъа tribla айланиб бормоқда. (М. Маклинэн).

ўртасидаги қарама-қаршиликлар манбаини иқтисодий, диний ва мафкуравий муаммолар шакллантириб келган бўлса, айрим олимларнинг тахмин қилишича, бундан буён шаклланаётган янги дунёда можазоларнинг асосий манбаини мафкуравий ва иқтисодий муаммолар ташкил этмайди. Энди инсониятти ажратувчи муҳим чегараларни, можазоларнинг асосий манбаини маданият белгилаб беради. Глобал сиёсатнинг энг муҳим можазолари турли цивилизацияларга мансуб бўлган миллатлар ва гуруҳлар ўртасида юз беради. Цивилизациялар ўртасидаги тўқнашув жаҳон сиёсатининг устувор омилга айланади⁴.

Бундан ташқари, цивилизация ўчоқлари Ер юзи бўйлаб кўчиб юрини хусусиятига эга. Бугун цивилизация тараққиётининг яловбардори бўлган Европа тарихий нуқтан назардан яқиндагина жаҳолат ботқоғига ботган эди; цивилизация бу пайтда бопқа жойда – ҳозирда тараққиётнинг мутлақо илғори бўлмаган ерда – Осиё ва Шимолий Африкада гуллаб яшнаган.

Цивилизациянинг шу хусусиятидан келиб чиқиб, бир қатор олимлар энг қадамги ижтимоий-маданий тизимларни шу ҳудудда мавжуд бўлган цивилизациянинг тақдири ва жаҳон тарихий жараёнида эгаллаган ўрнига қараб уч гуруҳга бўлишни тақлиф қилмоқдалар.

Биринчи гуруҳга ҳозир ҳам қадамги цивилизацияларнинг изи ва таъсири яққол сезилиб турган мамлакатларни киритишади. Бу хитой, ҳинд, эрон (форс), яҳудий цивилизациялари. Уларни «тирик» қадамги цивилизациялар деб аташ мумкин. Уларда фундаментал асослар, қадриятлар тизими, менталитетнинг ўзинга хос жиҳатлари, аҳолининг маълум динларга – конфуцийлик, буддавийлик, зардуштийлик (кейинчалик ислом), яҳудо динларига содиқлиги асрлар оша яшаб келаётганлиги ушбу жамиятларнинг умумий жиҳати ҳисобланади.

Қадамги «тирик» цивилизацияларнинг ўз замонавий ворисларига таъсирини француз олами Г. Лебон шундай таърифлайди: «Халқнинг тақдиринга тирикларга нисбатан марҳум авлод кўпроқ таъсир кўрсатади. Фақат улар томондан ирқнинг асослари яратилган. Улар асрлар оша юз ва ҳисларимизни, демак, бизнинг хуақ-атворимизни белгилайдиган барча сабабларни шакллантириб келдилар. Ўтиб кетган авлодлар фақат ўзларининг жисмоний тузиллишини мерос қилиб қолдирмаган; улар, шунинг-

⁴ Қаранг: Хантингтон С. Столкновение цивилизацияй. www.litmir.net/lit/?b=11594.

дек, ўй-хаёллари ва фикрлари билан ҳам бизга таъсир кўрсатиб келмоқда. Марҳумлар тириклар худосишига шак-шубҳасиз иттиқ моҳиятидир. Биз уларнинг хатолари учун жавоб берамиз, уларнинг эзгу ишлари учун мукофотга сазовор бўлишимиз¹.

Иккинчи гуруҳни шартли равишда «ўлик» деб аташ мумкин бўлган қадимги цивилизациялар ташкил қилади. Улардан мерос бўлиб номлар, турли хил иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маданий инновациялар қолган ва кейинги цивилизациялар томонидан ўзлаштирилган. Бу цивилизациявий гуруҳга Урук, Ур, Кипр ва бошқа шумер шаҳар-давлатлари; Тир, Сидон ва бошқа Финикия шаҳарлари; Қадамги Миср, Карфаген, Бобил, Оссурия, Лидия подполийи, Урарту давлати, Қадамги Греция ва Қадамги Рим империяси қабилар киради. Қадамги Турк цивилизацияси ҳам кўп жиҳатдан шу гуруҳга мансуб ҳисобланади.

Олимлар «афсонавий» деб атайдиган цивилизациялар ҳам алоҳида гуруҳни ташкил қилади. Буларга аморрийлар, оромийлар, киммерийлар, скифлар ва бошқа кўчманчи халқларнинг турли сиёсий бирикмалари киради². Бу цивилизацияларнинг жаҳон таракқиётига таъсири ҳозирча тўлиқ аниқланмаган ёки охиригача аниқланмаган.

Инсоният тарихини даврлаштирган яна бир қатор олимлар кишилик жамияти ривожланишини «ёввойилик → варварлик → цивилизация» кўринишида тасаввур қиладилар. Уларнинг аксарияти инсоният тарихида термачилик ва овчиликдан кейин деҳқончилик ва чорвачиликнинг пайдо бўлишини ёввойиликдан варварликка ўтиш, давлат, ёзув ва ҳуқуқнинг пайдо бўлишини эса варварликдан цивилизацияга ўтиш учун асос деб қарайдилар. Цивилизацияни шундай тупунишдан қилиб чиқиб, Қадамги Шарқ инсоният цивилизациясининг бешиги, деб қаралади.

Қадамги Шарқ гушунчасининг ўзи ҳам турли даврларда ўзгариб турган. Кўпчилик олимлар Қадамги Шарқда Месопотамия, Қадамги Миср, Қадамги Эрон, Қадамги Ҳиндистон ва Қадамги Хитойни, яъни Ўрта Ер ва Эгей деңизлари қирғоқларидан Тинч океанигача бўлган ерларни қирғиқдилар. Ҳозир бунга энг қадимги цивилизациялар қаторида қаралаётган Ўрта Осиёни ва Қадамги Турк цивилизациясининг илк мако-

¹ Фортуватни В.В. История мировых цивилизаций. http://www.alleng.ru/d/hist_vm/hist120.htm - С. 6.

² Қаранг: Шу асар, 6—7-бетлар.

ни бўлган, бугун Евроосиё деб аталаётган Буёқ Даштни ҳам қирғиқни мумкин.

Қадамги Шарқ мамлакатлари учун ҳўжалик юригишининг суғорма деҳқончилик усули умумий бўлиб, шу сабабли бу мамлакатлар йирик дарёлар — Нил, Дажла ва Фрот, Ҳинд ва Ганг, Хуанхэ ва Янцзи, Амударё ва Сирдарё бўйларида шаклланган, деб ҳисоблайдилар. Баъзи олимлар шу жиҳатта асосий эътиборни қаратиб, инсоният таракқиётининг бу даврини «Дарёлар цивилизацияси» деб ҳам атайдилар¹.

Шундай цивилизациялар дастлаб пайдо бўлган жой Яқин Шарқда аниқланганлиги сабабли, бу минтақа Шарқнинг бошқа хуудларига нисбатан ажратилиб қаралади.

Яқин Шарқ минтақаси цивилизациялари тарихи жуда узоқ замонлардан — Ўрта Ер деңгизи ҳавзасида тарихий жараёнларнинг бошланишидан дарак берувчи ёзма ҳужжатлардан бошланади. Ўрта Ер деңгизи ҳавзасининг шарқий қисми минтақадаги барча халқларни ўзига жалб қилувчи умумий марказ ролини ўйнайди; минтақадаги халқларнинг ҳар бири ортами, кечми бу ерга ўз нигоҳини тикади ва унинг қирғоқларида бошқа халқлар билан учрашади, маданий мулоқотга киришади. Бу ҳол олимларга минтақани янада мазмунийроқ ном билан «Ўрта Ер деңгизи Шарқи» деб аташ ва шу тарихда уш Ҳиндистон маданиятидан, айниқса, мустақил ривожланиш аънаналарига эга бўлган Хитой маданиятидан ажратиб кўрсатиш имконияти беради. Доймий Ўрта Ер деңгизига интилиб ривожланган Яқин Шарқ классик цивилизация² пойдеворининг шаклланишида Ҳиндистон ва Хитойга нисбатан анча муҳим роль ўйнайди.

«Қадамги цивилизациялар» деб номланган ушбу китобда инсоният тарихида жуда катта ўрин эгаллаган Месопотамия, Қадамги Миср, Қадамги Яҳудийлар, Қадамги Эрон, Қадамги Ҳиндистон, Қадамги Юнон ва Рим ҳамда Қадамги Турк цивилизациялари ҳақида ҳикоя қилинади. Замоनावий цивилизациявий жараёнларда маънавий омилнинг роли ортиб бораётганлигини инобатга олиб, ушбу цивилизацияларнинг юксак

¹ Қаранг: Мечников И.А. Цивилизация и великие исторические реки. <http://runkni.net/books/25844-tsivilizatsiya-i-velikie-istoricheskie-reki/>.

² Классик цивилизация назарда тутадилар, С. Хантингтоннинг фикрича, 500 йилга германлар томонидан кайтариб келинган классик цивилизация асосида Герб, Ислам ва Православ цивилизациялари пайдо бўлган. Қаранг: Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. www.litmir.net/hr/?b=11594.

тараққиётини таъминлаган ва айрим ҳолларда улар ҳалокати-ниш ҳам асосий сабабига айланган маънавий-омилни ёритиш-га алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, замонавий концеп-цияларнинг кўпчилигида ўз аксини тошмаган Қадимги Турк цивилизациясининг параметрларини умумий қабул қилинган цивилизация назарияси доирасида қараб чиқишга ҳам ҳаракат қилинди.

Цивилизациялар тарихига бағишланган китобнинг иккин-чи қисми «Замонавий цивилизацияларнинг шаклланиши» деб номланган бўлиб, унда қадимда шаклланиган ва бугун ҳам фао-лият юритаётган «тирик» цивилизациялар – Хитой, Ҳиндис-тон, Эрон цивилизациялари, шунингдек, пайдо бўлиши хрис-тианлик ва ислом каби жаҳон динлари билан ҳамда Европа ва Осиёда миллий давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёни билан боғлиқ цивилизациялар тадқиқ этилган. «За-монавий цивилизацияларнинг шаклланиши» номи иккинчи китобда цивилизацияларнинг асосини ташкил қилган миллат-лар ва давлатлар тарихи, иқтисоди билан бир қаторда, шакл-ланган сиёсий тузум, миллий онг, менталитет ва урф-одатлар, санъат ва адабиёт, фан ва таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилган.



1 БОБ

МЕСОПОТАМИЯ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ





ШУМЕРЛАР

«О Шумер, олам тира энг буюк ер, сўмас нурга бурканган дийр, Шарқдан Фарбгоча барча халқлар учун илоҳий қонунарни ўрнатувчи ўлка!».


Бу шеърни жуда қадим замонда яшаган шумер шоири ўз юрти ҳақида тўққинлашиб ёзган эди.

Дажла ва Фрот дарёларининг ўрта ва қуйи оқимида жойлашган, ҳудуди, асосан, текисликдан иборат вилоятни қадимги юнон географлари Месопотамия¹ деб аташган. Ҳозир бу ҳудудда Ироқ дашлати жойлашган. Месопотамия шимо ва шарқда Арманистон ҳамда Эрон тоғликлари билан туташиб кетган, тарбда Сурия даштлари ва Арабистон қўллари билан чегараланган, жанубий ҳудудларини эса Форс қўлтипи сувлари ювиб туради. Қадимги цивилизациянинг ривожланиш маркази ушбу ҳудуднинг жанубида — қадимги Бобилда жойлашган. Бобилнинг шимолӣ қисми Аккад, жанубий қисми Шумер деб аталган. Шимолӣ Месопотамиянинг нотекис, тепаликлардан иборат чўл қисмида Оссурия жойлашган.

Шумерлар² мил. авв. IV минг йилликнинг иккинчи ярмида Месопотамиянинг жанубида пайдо бўлиб, аста-секин бутун Месопотамия ҳудудини (шимолда ҳозирги Бағдод шаҳри атрофида жанубда Форс қўлтипигача) эгаллайдилар. Бундан олти

¹ Месопотамия — қадимги юнончадан олинган бўлиб, мезо — «ўрта» ёки «оралик», потамос — «дарё» деган маънони англатади. Дажла ва Фрот дарёлари оралиғидаги ерни қадимги юнонлар «Месопотамия» деб атаганлар. Кейинчалик бу атама «Месопотамия» шаклида кенг тарқалган.

² Шумерлар ўзларини «сангингача» — «қора бошлар» деб атаганлар. Бу халқни шумерлар деб атагани биринчи бор XIX асрда немис-иҳудий олим Юлиус Опперт (1825 — 1905) «Аккад ва Шумер шоҳи» деб ўқилган қадимги ёзув асосида тақлиф қилган.



Қадимги Яқин Шарқ.

минг йил илгари бу ерда исопоият тарихидаги энг қадимги цивилизациялардан бири — Шумер цивилизацияси яратилди¹.

Шумерларнинг келиб чиқиши ҳозирги кунгача номаълум ва баҳсла бўлиб қолмоқда. Мил. авв. II минг йилликдан этиб келган ҳужжатларни ўргашан бир қатор олимлар шумерлар Форс қўлтипидаги оролардан, аниқроқи, Делмуи (Бахрайн) оролидан келган, деб ҳисоблашади. Аммо бу тахминга қўшилмайдиган олимларнинг таъкидлашларича, шумер тилида «мамлакат» ва «тоғ» сўзлари бир хил айтылганлиги сабабли, шумерларнинг келиб чиқиши Осиёнинг тоғли қисмида бўлиши керак, Делмуида эса тоғ йўқ. Шу сабабли, олимларнинг кейинги тадқиқотларига қараганда, шумерларнинг келиб чиқиши ориёлардан олдинчи ҳинд-эрон (дравид) халқларига яқин бўлиб, Ҳиндистон яриморалининг жанубий қисмида келган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар қалш, «Энмаркер ва Аратти хоқон» деб номланган қадимий эпосни тадқиқ қилган олимлар шундай хулосага келганлар². Айрим археологик ва антропо-

¹ Батон олимлар шумер афсоналарига асосланиб, уларнинг цивилизацияси бундан 7,5—8 минг йиллар илгари пайдо бўлган деб ҳисоблашади. Аммо археологик тадқиқотлар натижасида бу даъво исботланмаган. Қаранг: Бадавий М.А. Древние цивилизации и пророки. <http://podabum.com/d.php?id=12067>. — С. 28—30.

² Шумерларнинг келиб чиқиши муаммиси ҳақида қаранг: Емельянов В.В. Древний Шумер. Очерки культуры. <http://www.twinkl.com/files/294653/>. — С. 17—19.

логик тадқиқотлар ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди¹. Эмаркер ва Лугальбанда ҳақидаги эшик достонни тадқиқ этган бопқа бир гуруҳ олимлар шумерларнинг Каспий денгизи бўйларида жойлашган Аратти шаҳар-давлати билан яхши муносабатда бўлганлигини инobatта олиб, шу ер уларнинг асл ватани бўлиши мумкин, деб ҳисоблашади². Уларнинг тили атлатинатив³ тида бўлиб, бошқа маълум тилларнинг бирортасита генетик яқинлиги аниқланмаган⁴. Альберт Оамстеднинг ёзишча, Бобилга келиб ўрнашган шумерларнинг от ва арагани бошқаришга услами, жисмоний хусусиятлари ва атлатинатив «турон» тили уларнинг Марказий Осиёдан келиб чиққанлигига ишора қилади⁵. Ўзбек олимлари Б.Р.Каримов ва Қ.Ражабовнинг тахминича, шумерлар қадимги олтой тилида сўзланган бўлиб, бу қадимги турк тилига яқин бўлган. Бушга шумер тилидаги кўплаб сўзлар ва грамматик шаклларнинг қадимги турк ва ҳозирги замон туркий тиллар билан мос тушиши асос бўлиши мумкин. Шу даврда қадимги олтой халқларининг дини бўлган тангрилик ҳам шаклланади. Бу дин шумерларда ўзининг ривожланган шаклини ҳамда «Ташри» номини олди ва уларнинг

¹ Қаранг: Чайлд Г. Ариотцы. Основатели европейской цивилизации. — М.: ЗАО Центрполиграф, 2008. — С. 47—48.

² Қаранг: Сэмюэл Крамер. Шумеры. Первая цивилизация на Земле. <http://bookz.ru/authors/samuel-kramer/bumeri-177.html>.

³ Атлатинатив — айрим тилларнинг, жумладан, ўзбек тилининг грамматик қурилишига ҳос хусусият — грамматик шакл ва исми сўзларнинг сўз ўзига ёки негизга аффикслар қўшилши натижасида ясалган.

⁴ 1853 йили машҳур шумершунос олим Генри Роуленсон (1810—1895) миҳхат кашфиётчилари тилини аниқлаш жараёнида уни «скифча ёки туркийча», шумерларни эса «хобил скифларни» деб атади. Бушга асос қилиб тилларнинг морфологик хусусиятидаги ўхшашлик, яъни атлатинативлик ҳамда худ сўзининг иккала тилда ўхшаш жаранглиги: шумерча — динтир, туркча — тангри олинади. Иккала тили тахмил қилган машҳур олим Ф.Хоммель 1915 йили шумер тилида туркчага мос тунишни 200 дан зиёд сўзларни топди. Кейинги тадқиқотлар улар сонини янада оширди. Қаранг: Мингалли Ш. Этруски и тюрки. <http://kitap.net.ru/mingalzev/etruski.php>. Ўзбек олимлари Б.Р.Каримов ва Қ.Ражабов ҳам Шумердан то Олтойгача бўлган ҳудудда яшаган аҳван притюрк тилида сўзланган деб тахмин қилади. Қаранг: Каримов Б.Р. Тангрианство и становление тюркского мира. <http://tengrifund.ru/konferencii/2-aya-konferenciya/tengrianstvo-i-stanovlenie-tyurkskogo-mira>.

⁵ Қаранг: Альберт Оамстед. История Персидской империи. www.litmir.net/hr/?b=151184. — С. 9.

инсоцияга маълум бўлган энг қадимги ёзма манбаларида ўз аксини топди¹.

Шумер тилида бу тилга ва семит тилига мансуб бўлмаган сўзлар ҳам кўплаб учрайди. Ушбу сўзларни қадимги Ироқ аҳолисининг тили билан солиштириш ҳам ҳозирча ҳеч қандай натижага олиб келмади. Шундан келиб чиқиб, баъзи олимлар шумер тили ҳеч қачон муомала тили сифатида мавжуд бўлмаган, у бобиллик хоҳналар томошидан яратилган сунъий тил бўлиб, ундан фақат диний маросимлар ва ёзувларда фойдаланилган, деб ҳисоблашади². Машҳур шумершунос олим Арно Пёбель шумер тилининг грамматик хусусиятларини тадқиқ этиб, «Шумер» ва Библиядаги «Шем» атамаларини битта деб ҳисоблайди ва шундан келиб чиқиб, шумерларнинг энг яқин аждоди ихудийлар, деган тахминни илгари суради³.

Антропологик тадқиқотлар натижаси санъат ашёларида ўрғаниш орқали олинган маълумотларга мос келмаганлиги сабабли, шумерларнинг этник типни ҳам номаълумлигича қолмоқда. Қандай бўлганда ҳам шумерлар мил. авв. IV минг йилликнинг иккинчи ярмигача Шумерда яшамагачлар. Аммо шумерлар қаердан пайдо бўлганлиги ва ўзлари билан қандай маданиятни олиб келганлигидан қатъи назар, бир нарса аниқ: уларнинг келиши маҳаллий аҳоли билан ҳайратланарли даражада упумли этник ва маданий аралашувга ҳамда цивилизация ривожини учун жуда муҳим бўлган ижодий импульсга олиб келди⁴. Икки маданиятнинг аралашуви натижасида тафаккур ривожлантирувчи омилга эга бўлди — янги воялар пайдо бўлди, бадий санъатда кескин юксалиш юз берди.

Шумерлар цивилизацияси хувармандачиликка эмас, қишлоқ хўжалигига асосланган бўлса-да, ўз характерига кўра шаҳар цивилизацияси эди⁵. Бу цивилизация тарихи иккити давр-

¹ Қаранг: Каримов Б.Р. Тангрианство и становление тюркского мира. <http://tengrifund.ru/konferencii/2-aya-konferenciya/tengrianstvo-i-stanovlenie-tyurkskogo-mira>.

² Қаранг: Генри Сартр. Величие Вавилона. История древней цивилизации джуречья. <http://bookz.ru/authors/genri-sartre/vcl4ie-630.html>. — С. 4.

³ Қаранг: Сэмюэл Крамер. Шумеры. Первая цивилизация на Земле. <http://bookz.ru/authors/samuel-kramer/bumeri-177.html>. — С. 179—180.

⁴ Қаранг: Сэмюэл Крамер. Шумеры. Первая цивилизация на Земле. <http://bookz.ru/authors/samuel-kramer/bumeri-177.html>. — С. 25—26.

⁵ Қаранг: Шу асар, 42-бет.

га бўлинади: Убайд маданияти¹ даври сувориш иншоотларини куриш, аҳолининг кўпайиши ва кейинчалик шаҳар-давлатларга айланган йирик маънавоҳларнинг пайдо бўлиши билан характерланади². Шумер цивилизациясининг иккинчи даври Урук маданияти (Ур шаҳри) билан боғлиқ. Бу давр қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, монументал архитектура, керамика ва инсоният тарихидаги биринчи ёзувнинг пайдо бўлиши билан характерланади³. Бу ёзув лойдан ясалган тахтачаларга битилган бўлиб, ўзбек тилида «михлат» деб аталади. Ундан уч минг йил давомида фойдаланилган, кейин йўқотилиб, илк бор фақат XIX асрда шумершунос олимлар Генри Роуленсон (1810 – 1895) ва Юлиус Опперт (1825 – 1905) томонидан ўқилган.

Шумерлар Икки дарё оралигида бобилликлар ва оссурияликлардан олдин пайдо бўлган ва шу пайтгача маълум бўлган ҳамда ўз ёзувлари орқали бизгача етиб келган тарихий маданиятларнинг энг қадимгиси – Шумер маданиятини яратганлар.

Жаҳон динлари, маданияти, адабиёти тарихида шумерларнинг ўрни бениҳоя катта. Бутун Яқин Шарқ, Ўрта Ер денгизи ҳавзаси, Ғарбий Европа халқлари ўз тарихида Шумер маданиятининг кучли таъсирини ҳис этганлар. Шумер математикаси ва астрономияси бутун Яқин Шарқда энг аниқ ҳисоблашган. Биз ҳозир ўрганиб қолган йилли фаслларга, ўн икки ойга, ўн икки буржга бўлиш, бурчак, дақиқа ва секундни олтимишта бўлиб ўлчаш ҳам шумерлар кашфиётидир. Биз кўлаб юлдузларни ва бошқа осмон jismlарини юнон ва араб тилларига таржима қилиниб, шу тиллар орқали бизгача етиб келган шумерча номлар билан атаймиз. Астрономия билан бирга пайдо бўлган ва минг йиллар давомида инсон тафаккурида ўз таъсирини йўқотмаган астрологияни ҳам шумерлар кашф қилганлар.

Инсонни қомиллик сари элтувчи тизимли ҳаракат, фан ва санъатни ўқитиш билан шуғулланган дастлабки мактаблар ҳам мил. авв. III минг йиллик бошларида Шумернинг Ур шаҳрида

¹ 1919 йилки ивглиз археологн Х.Р. Холл томонидан очилган Ал-Убайд кўрениши номидан олннган.

² Базан олимлар, шумерлар Убайд маданиятининг висилари, дини фикири кўнмалнмийдилар, зунки шумерлар ҳеч қачон Убайд цивилизациясининг ҳамма ҳудудини эгалламаган. Қаранг: Генри Сартс, Величие Вавилона. История древней цивилизации Двуречья. <http://bookz.ru/authors/genri-sagqs/velidie-630.html>. – С. 5.

³ Қаранг: Генри Сартс, Величие Вавилона. История древней цивилизации Двуречья. <http://bookz.ru/authors/genri-sagqs/velidie-630.html>. – С. 7.

пайдо бўлган. Инсоният тарихидаги биринчи поэма – «Олтин давр» ҳақидаги поэмани ҳам шумерлар яратган. Дастлабки торан мусиқа асбоблари – лира ва арфани ҳам шумерлар ихтиро қилишган. Дори тайёрлаш ва руҳий таъсир (гипноз) орқали даволаш билан ҳам дастлаб шумерлар шуғулланишган ва бу намни юқори даражада ривожлаштиришган. Гиббиётта оид энг қадимги китоб – дорилар рецеттини ҳам шумерлар ёзган⁴. Шунингдек, одил судлов ва қонунчилик принципини ҳам шумерлар кашф қилишган. Умуман, С. Крамернинг фикрича, инсоният тарихида кулолчилик чархи, тилдиррак, плут, елканли кема, қурилишда равоқ ва гумбаз усуллари, мис ва бронза қўйиш, игна билан тикиш, миҳларчин билан улаш, кавшарлаш, тош ҳайкал ясаш каби ихтироларнинг пайдо бўлиши шумерлар фаолияти билан боғлиқ⁵.

Аммо инсоният цивилизациясига шумерлар қўшган энг катта ҳисса – ёзувини кашф этилиши бўлди⁶. Ёзув инсон фаолиятининг барча соҳаларида тараққиётнинг қудратли омилга айланди: унинг ёрдамида мулкни ҳисобга олиш, ишлаб чиқаришни назорат қилиш, хўжаликни режалантириш имкони пайдо бўлди, муқим таълим тизими шаклланди, маданий ёдгорликлар ҳажми ошди, натижада, ёзма матн қондаларига асосланган янги анъаналар пайдо бўлди.

Ёзув ва маърифат одамлар ўртасидаги муносабатни ҳам ўзгартирди: илгариги қариндошлик (ёки қабиладошлик) алоқалари битта ёзув анъаналарига ва у асосида шакланган кадриятлар тизимига мансублик билан тўлдирилди.

⁴ Шумер медицинаси ҳақида қаранг: Оппенгейм А.А. Древняя Месопотамия. Портрет погибшей цивилизации. <http://www.twirpx.com/files/875332/>. – С. 394 – 405.

⁵ Қаранг: Сэмюэл Ной Крамер. Шумеры. Первая цивилизация на Земле. <http://bookz.ru/authors/samuel-kramer/sumer-177.html>. – С. 5.

⁶ Лео Оппенгеймнинг фикрича, бу даврда Яқин Шарқ ва Ўрта Ер денгизи ҳавзасидаги кўпчилик халқларда ёзув тизимини вужудга келтириб, улар ичда фақат тош ва синглик ёзилганларининг бизгача етиб келган. Қаранг: Оппенгейм А.А. Древняя Месопотамия. Портрет погибшей цивилизации. <http://www.twirpx.com/files/875332/>. – С. 306 – 307. Бу даврда пайдо бўлган ёзув қондасига кўра, ҳар бир предмет ўз белгисига эга бўлган ва ёзув расм-белги тарзида ифодаланган. Бундай ёзув, умуман, ёзув тараққиётида янги босқич бўлиб, идеография деб аталади. Биринчи алфбони эса мил. авв. II минг йилликда финикияликлар кашф этган бўлиб, у 22 ҳарфдан иборат эди. Қаранг: Драчук В. Дорогами тысячелетий. <http://www.booksgid.com/science/3538-viktor-drachuk-dorogami-tysjacheletij.html>. – С. 10 – 14.

Шумерлар томонидан кашф қилинган мис ва ундан фойдаланиш инсониятнинг бронза даврига ўтишини бошлаб берди.

Шумер маданияти Бобил маданияти билан бир макон ва замонда, ўзаро алоқда ривожланган. Бироқ, бу икки халқнинг тиллари турлича бўлган; улар ўртасидаги қалин алоқани ҳеч ким инкор қилмаса-да, ораларидаги фарқни ҳам нағмаслик мумкин эмас. Бу даврда шумерлар билан семитларнинг этник бириктиш даражаси номалум, бироқ тадқиқотчилар иккала халқ ҳам ўз тилларидан фойдаланган деб ҳисоблашадилар. Ҳар қалай, Месопотамия тарихида бу икки халқ тинч-тоғув яшагани, умумий сиёсатни ҳамда иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилганилиги маълум.

Баъзи олимларнинг таъкидлашларича, бу ерда фақат иккита этнос ва улар тиллари эмас, иккита алоқида маданиятлар мавжуд бўлган. Аммо мутахассис олимлар томонидан тарихий ҳужжатларни, айниқса, энг қадимгиларини ўрганиш шуни кўрсатдики, бу икки тилнинг қўлланилиши ҳамма жойда ва ҳар доим ҳам кишиларнинг этник мансублиги билан қатъий мос тушавермаган: баъзи шумерлар семитча, семитлар эса шумерча ёлганлар. Қайси тилнинг қўлланилиши, одатда, ҳужжатни ёзиш вақти, жойи ва мавзусига боғлиқ бўлган: шумер тили қадимий бўлганлиги сабабли маърифат тили ҳисобланган ва тарих осмонида бу тилни яратган халқнинг келгузи сўнгашидан кейин ҳам диний ва бадий матнларни ёзишда яна узоқ вақт қўлланилган¹. Фақат аста-секин бу тил ўз ўрнини Бобил ва оссурия тилларига бўшатиб берди.

Шу тариқа бу икки маданиятни бир-биридан фарқлаш қисмангина тўғри бўлиши мумкин. Турли келиб чиқиши ва бошланиш даражасидаги фарқда қарамасдан, улар бир-бири билан ҳамбарчас болганган. Шу сабабли, олимларнинг фикрича, бу шумер ёки Бобил-Оссурия цивилизацияси эканлиги тўғрисида баҳслашиш парт эмас: биринчи навбатда, бу — Месопотамия цивилизацияси.

Тарихи Юқорида айтилганидек, шумерлар Месопотамияда дастлаб мил. ав. IV минг йилликнинг иккинчи ярми — III минг йиллик бошларида пайдо бўлди. Аммо бу ҳужжатли тарих бўлиб, уларнинг асл тарихи анча оддийроқ бош-

¹ Шумер тили мил. ав. II минг йиллик бошларидаёқ ўлик тилга айланган эди. Аммо бу тил диний маросимлар ва фан тили сифатида маълум эрнинг I асригача ўрганилиб келинган. Кейин миср ва шумер тили бутунлай унутилиб кўрилган.

ланган эди. Ҳар қалай, шумерлар тарих тоғида улар цивилизацияси ривожига гувоҳ бўлган бу ҳудудда муқим жойлашиб олган эдилар.

Тахминларга қараганда, дастлаб шаҳар жамоалари оксоқоллар бошчилигидаги умумий йилиш томонидан бошқарилган. Америкалик олим Торкильд Якобсен (1904 — 1993) бу ҳолни «ибтидоий демократия» деб атайдиган ва у ҳақда: «Билдаги маълумотлар шундан далолат берадики, Месопотамия тарихдан олдинги¹ даврда тарихий даврдагидек авторитар тарзда эмас, сиёсий жиҳатдан демократик тамойиллар асосида ташкиллаштирилган. Билда маълум белгилар шундай бошқарув шаклидан далолат берадики, унда кундалик турмушда жамоат ишларини оксоқоллар кенгаши бошқарган, олий ҳокимият эса барча жамоат аъзоларининг, ашиқроғи, ҳамма озоғ эркинлигини умумий йилишига тегишли бўлган. Бундай йилиш жамоат ичига юзага келган можароларни, уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қилар, зарур бўлганда эса, биринчи навбатда, уруш ҳолатида, ўз аъзоларидан бирини вақтинча олий, амалда шохлик ҳокимиятини бериши мумкин эди»², деб ёзади.

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, америкалик олим кўпинча шаҳар-давлат ҳукмдори ҳузурида маслаҳат овозига эга бўлган умумий йилишнинг ролини бироз ошириб кўрсатган бўлиши мумкин. Бироқ, бу йилиш ва унда мужассамлашган аъшалар ҳукмдорнинг ҳокимиятини маълум даражада чеклаб турганлиги шубҳасиз.

Умумий йилишлар унча узоқ фаолият юритмаган. Фавқулодда ҳолатларда тез ва узил-кесил қарорлар қабул қилиш зарурати ҳокимиятнинг битта раҳбар қўлида жамланганига олиб келади. Бу раҳбар шумерларда дугал (катта одам) ёки оддийроқ қилиб эси (ҳукмдор) деб аталган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу ҳукмдор ҳақиқий олий ҳокимият эгаси — худонинг — шаҳар ҳомийсининг ердаги вақили сифатида қабул қилинган. Аввалбошданок шумерларда ҳокимият теократик³ характерда бўлган. Шаҳар битта худонга

¹ Ҳарб тарихшунослигида тарихдан олдинги, тарихсиз деген тунунчалар мавжуд бўлиб, бу, одатда, ёзма тарих пайдо бўлишидан олдинги даврни билдиради.

² Москетт Сабатини. Цивилизацияларнинг тарихи. М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 27.

³ Теократия — сиёсий ҳокимиятнинг битта олий қўлида бўлиши ва давлатнинг шу тарзда бошқарилиши.

тегишли деб ҳисобланган, аммо бошқа худоларга ҳам сингизиш тақиқланмаган. Бу моша худо шаҳарнинг музлақ эгаси ҳисобланган ва ўзининг олий иродасини турли мўъжиза ва қароматлар орқали ифода этган. Ердаги шохнинг вазифаси самовий шохнинг (худонинг) иродасини тўғри изоҳлаш орқали уш мамнун қилиш ва ҳар доим ўз шаҳрига нисбатан марҳаматли бўлишига, ўз фуқароларига раҳматлик кўрсатишига, уларни ҳимоя қилишига эришмоқдан иборат эди. Шу сабабли ҳукмдор шаҳарнинг самовий ҳомийсини эъзозлаган, унга бағишлаб ибодатхоналар қурдирган, шунингдек, шаҳарнинг ривожланишига раҳматлик қилган: буюк дарёларнинг сувиши бошқариш, тошқинларни тўсиш ва қумлоқ ерларни сувориш учун каналлар қаздирган¹.

Шу тариқа Убайд маданияти деҳқонлари дарёлар бўйларини ўзлаштириб, ботқоқликларни қуритишни бошлаганлар. Аста-секин сувориш тизимлариши барпо қилиш ва сув захираларини яратишни ҳам ўрганиб олганлар. Ошиқча озиқ-овқат маҳсулотларишиш мавжудлиги эса ҳунармандлар, савдогарлар, руҳшойлар ва амадорларни ҳам боқиш имкониятини яратди. Илгариги йирик қишлоқлар энди Ур, Урук, Эриду каби шаҳар-давлатларга айлашди. Урук маданияти даврида, мил. авв. 4000 йилдан кейин омовнинг янги, янада унумли тури яратилди. Ерши ҳайдашда ҳўкизлардан фойдаланиб, кейинроқ омовча темир тишлар ўрнатилга бошланди. Манбаларда айтилишича, донли экишлар ҳосилдорлиги «100 сам»га етган, яъни экилган бир донга буғдой 100 донга ҳосил берган². Шумерликлар буғдой, арпа, сабзавотлар ва хурмо етиштирган, қўй, ситир каби ҳайвонларни боқинган.

Шумерининг асосий бойлиги, шубҳасиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўлса-да, деҳқончилик билан бирга, ҳунармандчилик ҳам сезиларли роль ўйнаган. Ур, Шуррупақ ва Лагашда топилган қадимги ёзувларда турли хил ҳунармандчилик касблари ҳақида сўз юритилади. Ур шохларининг I сулоласи (мил. авв. XXVII – XXVI асрлар) мақбарасида олиб борилган

¹ Дожла ва Фрот дарёлари баландлиги 4 метрга етувчи Арманистон тоғларидан бошланади. Пасрга қариб жуда тез оқадиган дарёлар ўти билан қўшлаб кичик ва бозлар йирик тошларни оқилиб келади ва фақат қуманкка етишда оқим секкилашади. Аммо биҳор ва ёз пайтлари иш берадиган тошқинлар деҳқончиликка катта зарар келтиреди. Шу сабабли қадим замоналардаёқ дарёларни жоловлан, ошиқча сувларини оқилиш учун каналлар қазини қишлоқларнинг ҳаётини эҳтиёжга айланган.

² Қаранг: Форгулятов В.В. История мировых цивилизаций. http://www.allenq.ru/d/hist_vm/hist120.htm. – С. 12.

қазини ишлари натижаси мақбарани қурган усталар санъатининг юқори даражасидан далолат беради. Мақбарада жасадлар қолдиқлари билан бирга, кўшлаб олтиш, қумуш ва мис буюмлар – дубула, болга, ханжар, қалқон ва пайзалар топилган бўлиб, улар Шумерда металлсозликнинг ҳам ривожланганлигини билдиради³.

Месопотамияда металл захираларининг йўқлигига қарамасдан, мил. авв. III миш йилликка оид ёдгорликларда олтин ва қумушнинг кўплаб топилиши, шумерларда айирбошлаш шаклидаги савдонинг ривожланганлигидан далолат беради. Олимларнинг тахмин қилишларича, ибодатхоналариниш савдо вакиллари – тамкарлар (Эски Бобил даврида денгиз савдоси билан шуғулланганлар), подпо ва унинг атрофидаги қулдор зодагонлар томонидан аҳён-аҳёнда ҳақиқий савдо ҳам олиб борилган.

Шумерда ишлаб чиқариш натурал шаклда бўлса-да, товар айирбошлаш ва савдонинг ривожланиши пул айланмасининг пайдо бўлишига олиб келган. Шурушвақдал⁴ топилган битиклардан маълум бўлишича, ўша даврда мис қийматли белгилончи восита бўлиб, кейинчалик унинг ўрнини қумуш эгаллаган. Мил. авв. III миш йилликда уй ва ер оади-сотдиси қайд қилинган ҳужжатлар бизнинг давримизгача етиб келган⁵.

Шумерларнинг яшаш даражаси анча паст бўлган. Камбағаллар ва қулларнинг хом кишгадан қурилган кичкина уйлари орасида зодагонларнинг баланд, икки қаватли уйлари ажралиб турган. Аммо фақат камбағал ва қуллар эмас, ўрта ҳол одамлар ҳам кичкина чайласимон уйларида тиқилиб яшанган. Оддий соҳол идитлар, қамишдан тўқилган бўйра деярли бутун уй анжомларини ташкил қилган. Уйлар шаҳар деворларининг итқарисиди жуда тор ва тиқилинч қилиб қурилган.

¹ Кичик Освеннинг нимом-шарқий қисмида яшган халиблар тахминан мил. авв. XIV асрда биринчи бўлиб темирни эритиш ва қўланиши ўрганишлар. Латин тилидаги «schalibus» – «пўлат» айини шу қабиланинг воқидиш паниган. Рус тилидаги «калибр», «калибровка» сўзлари ҳам шу қабилга номи билан борлик.

² Қадимги Шурушвақдал шаҳри ўрнидан 1902 йили немис археололари Шумер кутубхонасининг катта қисмини топинган. Ривожларга қаратганда, Пух пайванбар шу шаҳарда яшган. Қаранг: Дрочух В. Древности тысячелетий. <http://www.booksaid.com/science/3538-viktor-drachuk-drevnosti-tysjacheletij.html>. – С. 58.

³ Қаранг: Тюменев А.И. Государственное хозяйство Древнего Шумера. http://allanbooks.ru/index.php?Itemid=24&category_id=236&fltype=flpage:tbl&option=com_virtuemart&page=shop.product_details&product_id=21961.

Шаҳар худудининг тўртдан бир қисмини ибодатхона ва поҳ саройи эгаллаган. Шумерларнинг либослари жуздан тўқилган кўпола мато – мовутдан тикилган чопонга ўхшаш кийим (ёки матони танага ўраб олган) ва белбоғдан иборат бўлган. Меҳнат куроллари дастаки сўка, (тош) кўл тегирмони сингари жуда оддий асбоблардан иборат бўлиб, жуда катта жисмоний куч ва оғир меҳнат талаб қилган. Кишиларнинг дастурхона ҳам анча ғариб бўлган, кўл бир кунга бир килограммга яқин арпа дони олган. Зодагонларнинг дастурхона анча бой бўлса-да, улар ҳам бурдой поч, балиқ ва кўй гўштини ҳар кун истеъмол қилиш имкониятига эга бўлмаган.

Шумерлар инсоният маданиятининг ибтидосида яшаганлар – айтиш мумкинки, уларнинг ўзлари шу маданиятнинг ибтидоси бўлганлар. Улар ўз оқдиларига кўйган ва унга иштирок олиш мақсад – эътиқод ва меҳнат билан безатилаган тиш ҳаёт бўлган. Шумерлар ўзларининг узок тарихи давомидаги турли ўзгаришларга қарамастан, ана шу юксак мақсадларига охиригача содиқ бўлиб қолганлар.

Бизнинг давримизгача етиб келган шумер ёзувларининг энг қадимгиси тахминан мил. авв. 2600 йили ҳукмдорлик қилган Месилим даврига мансуб; ундан бир неча қатор ёзув қолган бўлиб, унда Нингирсу худосига баришлаб ибодатхона қурдирганлиги ҳақида хабар берилди. Ўзларидан анча кўш хужжатлар қолдирган Лагаш шаҳри аҳолиси ҳақида олимлар кўпроқ маълумотга эга. Бу ерда сулола асосчиси Ур-Нанше ҳам Нингирсутга баришлаб ибодатхона қурдирган, шу тариқа ибодатхона қуриш битта шоҳнинг хоҳиши ёки инжиқлиги эмас, шумер ҳукмдорларининг энг муҳим вазифаси бўлган одатга айланади. Шу билан бирга, ибодатхоналар қурилиши инсоният тарихида монументал архитектуранинг ҳам бошлаб берди.

Шумер шоҳларининг энг қадимги ёзувларини таҳлил қилган олимлар, бу ёзувларда воқеаларнинг сабаби, характерли томонлари ва оқибатлари тўғрисида ҳеч нарса дейилмаслигидан келиб чиқиб, шумерлар тафаккуринга умумлаштириш, хулоса қилиш ва ҳукм чиқариш каби сифатлар ёт бўлган, деган хулосага келдилар. Бу фикрнинг тасдиғини бошқа кўлаб хужжатларда ҳам топиш мумкин¹.

Шунингдек, шумерларда тарихий жараённинг бирон-бир концепцияси ҳам бўлмаган; аксинча, улар юз бераётган воқеалар илоҳий ирода билан оддандан белгилаб кўйил-

¹ Қаранг: Крамер С.Н. История начинается в Шумере. – <http://goldenshara.com/viewtopic.php?t=7766>. – С. 47.

ганлигига ишонишган. Шумерлар мейталитетининг бу жиҳати С.Крамер шундай изоҳлайди: «Ўз дунёқарашига эга бўлган шумер мушаффақари тарихий воқеалар инсон билан уни ўраб турган муҳим ўрашисигаги муносабатлар нашижасида шаклланмасдан, жаҳон соҳнасига тўлиқ тайёр, тугалланган ҳолда пайдо бўлади, деб ҳисоблаган. Масалан, у ишонардики, унинг мамлақати Шумер – бу гуллаётган шаҳарлар ва қишлоқлар, яхши ривожланган сивсий, диний ва иқтисодий институтлар ҳамда қондалар – ҳар доим, қадим замонлардан бери, яъни Олам яратилгандан сўнг ҳудодлар уни қандай яратган бўлсалар, шундайлигича маъжуд. Шумер қачонлардир сийрак қишлоқлардан иборат ёввойи соҳро бўлганлиги, кўлаб аилдорнинг қалъияшлари ва интилишлари, режалари, тажриба ва хатолари, турли муваффақиятли ихтиролар ва кашфиётлари билан безалган қураш ва меҳнати нашижасида қудратли ва ривожланган юртга айланганлиги – бундай фикр шумер донишмандларининг, ҳатто, энг оқиллари ҳаёлига ҳам келмаган бўлса керак»¹.

Шаҳар жамоаларидаги шумерлар ҳаёти қурашлар ва тўқнашувларсиз бўлмаган. Ички, масалан, ҳукмдорлар ва коҳинлар ўртасида қурашлар ҳам бўлиб турган. Шаҳарлар ўртасида ташқи можаролар ҳам юз берган. Энг қадимги ички можаролардан бири кўҳна Лагаш шаҳрида қузатилган. Бу ерда бир гуруҳ юқори табақа вакиллари ҳокимиятни эгаллаб, халқни хаддан зиёд эза бошлайди; аҳолига кўлаб солиқлар солади, ибодатхона мулкига ҳам тажовуз қилади, ҳатто, кўминп маросими ҳам хазинага тўловсиз амалга оширимайди. Бундай зулмга чидай олмаган Лагаш аҳолиси Ур-Наншанинг эски сулоласини ағдариб ташлайди ва бошқа шаҳардан ҳукмдор сайлайди². Бу янги ишшакку (поҳ) Урукагинга (Уруишшигина) тартиб ва адолатни тиклайди, фуқароларнинг «эркинлиги»ни тан олади. Шу тариқа Урукагинга мил. авв. XXIV асрда инсоният тарихидаги дастлабки ижтимоий ислохотлар (Г.Чайлдининг фикрича, балки ишқилобни)ни амалга оширади³. У ўзи-

¹ Крамер С.Н. История начинается в Шумере. – <http://goldenshara.com/viewtopic.php?t=7766>. – С. 46.

² Қаранг: Гордон Чайлд. Расцвет и падение древних цивилизаций. Дамское прошлое человечества. <http://book.ru/authors/gordon-4aid/z/rasvet-694.html>. – С. 80–81.

³ Қаранг: Крамер С.Н. История начинается в Шумере. – <http://goldenshara.com/viewtopic.php?t=7766>. – С. 58.

нинг ислохотлари ҳақидаги ёзувларидан бирида шундай дейди: «*Нингирсу, Эниланинг қудратли жангчиси, Урукагинани Лагашнинг шоҳлигини бериб, 36 минг одам устидан унинг ҳокимиятини ўрнатди, унинг подшоҳи Нингирсу айтган (Нингирсунинг) қадимги фармонини тиклади ва сўзга қудрат берди. Кема назоратчисини кемалардан узоқлаштирди. Эшак ва қўйлардан қўлонлар назоратчисини узоқлаштирди... Нингирсу ялоятининг шимолий чегараларидан то денгизгача судья-назоратчилар бошқа йўқ... Кучлилар етим ва беваларни хафа қилганлиги учун, у жазо белгилади. Нингирсу худоси билан Урукагина шу тартибни ўрнатди»¹.*

Агар бу ёзувнинг қанчалик узоқ замонлардан бизга етиб келганлигини ҳисобга олсак, унинг ахлоқий жиҳати кишига янада кучли таъсир қилади. Инсоният тарихида шу даврдан бошлаб «етим ва бевани ҳимоя қилиш» адолат ўрнатишининг ўзинга хос умумий мезошига айланади; бу нишанини фақат Месопотамияда эмас, кейинчалик бошқа ҳукмдорлар фаолиятида ҳам кўп учратиб мумкин.

Урукагинанинг ислохотлари шаҳарнинг мустаҳкамланишига олиб келмади. Бир неча йилдан сўнг Умма шаҳрининг ҳукмдори Лугалзагеси бостириб келиб, шаҳарни вайрон қилади. Бу ҳақда яна бир ёзувда қўшни Умма шаҳрининг ҳукмдори Лагашга ҳужум қилиб, ибодатхоналарда қон тўққанлиги, худоларнинг ҳайкаллари ер билан яксон қилиб, қумуш ва қимматбаҳо тошларни олиб кетганлиги ҳақида ёзилган. Урукагина базаб билан худоларга мурожаат қилади: «*Уммалик кишилар Лагашни вайрон қилиб, Нингирсу (Лагаш худоси)га қарши гуноҳ қилди, унга (яъни, Нингирсунинг даласига) ҳужум қилиб, ундан ҳосилни олиб кетди. Лагаш шоҳи Уруинимгина (Урукагина)нинг гуноҳи йўқ. Майли, Умма ҳукмдори Лугалзагесининг ўл худоси Нидаба гуноҳларни унинг зиммасига қўйсин»².*

Тарихда қўп учрайдиганидек, бу ҳолатнинг ҳам якки томони бор. Агар иккинчи манабага ишонилса, албатта, ҳеч қандай гуноҳ қилинмаган. Босқинчи Лугалзагеси ёзув қолдирган

¹ Москати Сабатини. Цивилизация Древнего Востока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 28.

² Якобсен, Торвиклад. — Сикровица тьмы: История месопотамской религии. — Янко Славя, slavyana@yandex.ru. — С. 100. [С.Крайер шу матни бироз бошқача келтирган. Қаранг: Сэмюэл Крайер, Шумери. Первая цивилизация на Земле. http://bookz.ru/authors/samuel_kramer/sumeri-177.html. С. 34].

бўлиб¹, унда айтилишича, барча худолар устидан олий ҳукмдор бўлган Энил худоси унинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлаган: «*Энил, мамлакатлар шоҳи, Лугалзагесига мамлакат устидан ҳукмронлик инъом қилганда, у тўлиқ адолат ўрнатганда, унинг қудрати кун чиқишдан кун бошишгача кўлаб мамлакатларни маҳв этганда, уларга солиқ солди. У пайтда қуйи денгиздан Дажла ва Фрот дарёлари орқали юқори (ерларни) денгизгача Энил унинг учун мулк қилиб олди. Ерлар хавфсизликда тинчланди, мамлакатга қувонч сувлари оқди. (Худо Ану) менинг бу гунёдаги ҳаётимни узайтирсин, мамлакатни тинчлантирсин, халқни майса каби кўнайтирсин...»²*

Бу сўзларда мутлақо янги рояли илғаш мумкин: ҳукмдорнинг назари ўз шаҳри чегараларидан чиқиб, энди у жанубий денгиздан шимолийгача, яъни Форс кўрфазидан Ўрта Ер денгизигача, шарқий ерлардан ғарбийларгача — бутун маълум дунё устидан ҳукмронлик қиломоқчи. Бошқача қилиб айтганда, мил. авв. 2350 йили тарихда биринчи бор Месопотамияда бутун олам монархиясини яратиш рояси пайдо бўлади ва бу ижтимоий эволюция жараёнида олам тапланган катта қадам эди.

Тахминан шу даврда миштақада янги бир ҳолат вужудга келади — чет эл ҳукмронлиги ўрнатилади. Қўшни Арабистон қўлларида чиққан семитлар ўз подшоҳликларига асос солидилар ва бутун маълум худудни қамраб оладилар (тахминан мил. авв. 2350—2150 йиллар); сўшра шарқдан келган ёввойи халқлар — кутий (улар ҳам семит халқлари)лар ҳамма жойи вайрон қилдилар (2150—2050). Шумер шаҳарлари бу вайронликдан бир неча юз йил ўзига келмайди, уларнинг бирлаштириш жараёни узилиб қолади³. Мил. авв. 2050 йилдан кейин Лагаш аста-секин тиклана бошлайди. Бу пайт шаҳарда барча шумер ҳукмдорлари ичида энг буюги Гудза ҳукмронлик қилади. Унинг сокин қомати тасвирланган бир қанча ҳайкаллари ва зафарли ишлари ҳақидаги ёзувлар бизнинг давримизгача етиб келган. Ҳақиқий шумер анъаналарига риоя қилган бу шоҳ ўзининг бутун фаолиятини тинч меҳнат ва ибодатхоналар қуришга йўналтиради.

¹ Қаранг: Емельянов В.В. Древний Шумер. Очерки культуры. — <http://www.twinkl.com/file/294653/>. — С. 42—44

² Сабатини Москати. Цивилизация Древнего Востока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 28—29.

³ Багафста ҳаринг: Сэмюэл Крайер, Шумери. Первая цивилизация на Земле. http://bookz.ru/authors/samuel_kramer/sumeri-177.html. — С. 35—38.

Гудронинг ўлимидап сўнг минтақада гегемонлик Лагашдан бошқа бир шумер шаҳри Урга ўтади. Бу шаҳар ҳукмдорларининг учинчи сулоласи «ернинг тўрт тарафи шоҳи» мақомига олади ва шу тариқа, юқорида айтилганидек, бутун маълум дунё устидан ҳукмронлик қилиш даъвосини такрорлайди. Ур шоҳи яна бир мақомга эга бўлган — у ўзини «Шумер ва Аккад шоҳи» деб атайди. Демак, бу шоҳга нисбатан одатдаги мурожаат шакли бўлиб, унда Месопотамия цивилизациясининг икки — шумер ва аккад унсурларининг ажралмас бирлиги акс этади. Бу бирликка ишора қилувчи бошқа жиҳатлар ҳам мавжуд, масалан, шоҳларнинг номлари орасида шумерча ҳам, аккадча ҳам номлар учрайди; уларнинг илоҳий мақомлари ҳам монархиянинг апофеоз¹ томон ҳаракатидан далолат бериб, бу семитча бирлаштишга интилувчанлик (интерлюдиянинг)нинг характерли томони бўлиб қолган эди; диний ҳокимиятнинг сиёсий ҳокимият олдига чекинishi бюрократик давлат сари ҳаракат жараёнининг бошланиши бўлиб, бу модель ҳам семитлар томонидан яратилди ва минг йиллар давомида давлат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг мураккаб муаммоси бўлиб қолди².

Ур шаҳри ҳукмдорлари учинчи сулоласининг асосчиси Ур-Намму (тахминан мил. авв. 2050 йил) ҳукмронлик қилган) қабул қилган қонулар кодекси олимлар томонидан топилиб, нашр қилинган. Ҳозирги пайтда бу барча маълум кодекслар ичида энг қадимийси ҳисобланиб, машҳур Хаммурапи қонуларидан қарийб 300 йил олдин қабул қилинган³. Унда жаранглаган ижтимоий ахлоқ бугун, орадан тўрт миш йилдан кўпроқ вақт ўтгандан кейин ҳам кинида кучли таассурот қолдиради. Шоҳ инсофсиз ва диёнатсиз амадорлардан ёки унинг сўзлари билан айтганда: оддий одамларнинг ҳўкиллари, қўйлари ва эшаклари ҳисобида бойиганлардан халос бўлганини эълон қилади; у узунлик ва овириликнинг адолатли ва ўзгармас ўлчов бирликларини ўрнатади; етимлар ва беваларни кучлилар хафа қилмаслиги, «бир шекели»

¹ Апофеоз — улукани, мактаб мадх этган маъносига.

² Диннинг сиёсий ҳокимиятга бўйсундирилиши янги даврда тоталитар давлат сари танланган катта қадам бўлди. Ҳозирги кунги келиб эса диннинг, масалан, радикал исломнинг сиёсий ҳокимиятга қайтиш учун кураши ва яққал ҳокимиятга бирлаштирилиши интилиш жамият учун, айниқса, демократик бошқарув анъаналари ва тажрибасига эга бўлмаган жамиятлар учун катта хавфга айланди.

³ Қаранг: Сэмюэл Крамер. История начинается в Шумере. — <http://goldenshara.com/viewtopic.php?t=7766>. — С. 64.

⁴ Шекел — овирилик ва пул бирлиги, тахминан 8 граммлик қумуш танга.

бор одам бир миноси⁴ бор китининг қурбони» бўлиб қолмаслиги ҳақида қимхўрлик қилади.

Мил. авв. III миш йилларнинг охирида тахминан бир аср Ур шаҳри ўздан кўплаб ёдгорликлар ва бой адабиётлар қолдирган ажойиб цивилизациянинг маркази бўлган. Аммо, бу сўнаётган юлдузнинг сўнгги бор ёрқин чақнаши эди: Арабистон тўллари томондан келган янги босқин шумерларнинг сиёсий қудратига абадий хотима ясади; Учтинчи сулола даври (тахминан мил. авв. 1945—1745 йиллари)да Ур Месопотамия устидан ўзининг сиёсий ҳукмронлигини йўқотади; Хаммурапи ҳукмронлигининг бошланишида эса шумерлар, барча интилишларига қарамасдан, сиёсий, этник ва лингвистик бирлик сифатида барҳам топди⁵.

Инсоният тарихида энг қадимги цивилизацияни яратган халқ шу тариқа тарихнинг энг узоқ ва қоронгу кенгликларидан ўз ўрнини эгаллади. Аммо инсоният тарихида юзлаб халқларнинг ном-шаносиз кетганини, уларнинг номи ҳам сақланиб қолмаганини, қанчадан-қанча буюк маданиятлар бутун рўйхатларда йўқлигини инобатта олсак, шумерларга омад кулиб боққанини ва улар цивилизациясининг ноёблиги янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Хўш, шумер этносининг ҳалокати сабаблари нимада эди? Мутахассис олимлар бир қанча сабабларни келтиришади ва қуйидагиларни улардан асосийлари деб қараш мумкин: биринчидан, этник тизимлар унча узоқ яшамайди, айтиш мумкинки, шумерлар этнологлар томонидан битта халқ утун ажратилган ёшми (1200—1300 йил) тўлиқ яшаган ва бунда сўнг этноснинг табиий ўлими юз беради; иккинчидан, шумерларнинг ижтимоий-иқтисодий тизими ҳаракатчан ва мослашувчан эмасди, шу сабабли бу тизим, табиийки, янги даврга — империячилик амбициялари ва босқинчилик урушлари даврига мослаша олмади, Шумерлар ўз олдиларига қўйган ва унга интилган олий мақсад — элтиқод ва меҳнат билан безилган тинч ҳаёт бўлиб, улар ўзларининг узоқ тарихи давомида шу юксак мақсадларига охиригача содиқ бўлиб қолганлар; учинчидан, яна бир сабаб шумерлар дунёқарашига яширинган бўлиб, уни охиригача тушуниш учун бу халқнинг дини, мафкураси ва характериши чуқур ўрганмоқ лозим⁶.

⁴ Миво — пул бирлиги, 1 миво 60 шекел (ёки 550 гр. қумушга)га тенг.

⁵ Қаранг: Сэмюэл Крамер. Шумеры. Первая цивилизация на Земле. http://bookz.ru/authors/samuel_kramer/bimeti_177.html. — С. 20.

⁶ Қаранг: Емельянов В.В. Древний Шумер. Очерки культуры. — <http://www.twirpx.com/files/294633/>. — С. 55—56.

Цивилизациялар тарихига бағишланган тадқиқотларнинг аксариятида муаммони ёритишга соф дескриптив ёндашув¹ устувор саналади. Масалан, Шумер маданияти, одада, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маъмурий, ҳуқуқий, диний, технологик, бадиий ва адабий жиҳатларга бўлинади. Қадимги цивилизациялар этнопсихологик, яъни бу цивилизацияни яратган халқнинг характери нуқтан назаридан кайроқ тадқиқ қилинган. Шумерлар цивилизациясини ўрганишдаги бу камчиликти бартараф қилиш мақсадида С. Крамер, И.П. Вейнберг каби олимлар ўз исарларини қадимги шумер халқининг характери ни очишга бағишлаган².

Шумерлар бошқа кўплаб халқлар сингари оилага жуда боғланган кишилар бўлган. Оила аъзоларини аниқ белгиланган вазифа ва ўрнатилган тартибга қатъий итоат ажратиб туради. Аммо, бу, шумерларда ўзаро муҳаббат бўлмаган, дегани эмас. Уларда, бутун Шарқдаги каби, никоҳ ота-оналар томонидан, асосан, уларнинг хоҳиши билан амалга оширилиб, аксарият ҳолларда шартнома тарзида расмийлаштирилса-да, эр-хотин ўртасидаги ўзаро муҳаббат юксак қадрланган. Оиладagi муносабат ҳам ота-онанинг фарзандларга меҳри ва ғамхўрлиги, фарзандларнинг эса ота-онани ҳурмат ва эҳтиромга асосига қурилган.

Шумерларда «Дўстлик — бир кунлик, қариндошлик эса абадий» деган мақоланинг кенг тарқалганлигига қараганда, кишилар ўртасидаги асосий муносабатни қариндошлик белгиланган. Шунга қарамадан, дўстлик ва садоқат ҳам юқори баҳоланган. Масалан, Гилгамеш ва Энкиду ўртасидаги дўстлик афсонавий бўлиб, бутун Яқин Шарқ халқлари учун ибратга айланган.

Илоҳий муҳаббатга, яъни одамларнинг худоларга бўлган муҳаббатига келсак, шумерлардаги илоҳий назарияга биноан, ишон худолар томонидан битта мақсад — худоларга хизмат қилиш учун яратилган ва шу сабабли улар ўртасидаги муноса-

¹ Дескриптив (лотинча — deskrībtīvas) — таърифдангина иборат, таъриф билан чекланган маълумларни билдиреди. Дескриптив ёндашув — тарихан жамиятта дужрон бўлган тизимларни ёритишдаги маълумий бегарафлик ҳолати деб ҳам таърифланади.

² С. Крамернинг «Соперничество и превосходство: две доминанты шумерской культуры модели», «Лингва, независимость и страх: психологические аспекты шумерской культуры» мақолалари, И.П. Вейнбергининг «Человек и культура: Древнего Ближнего Востока» китоби шу мавзуга бағишланган.

бат «хўжайин — қул» тарзида бўлган. Умуман, шумерларнинг теологик тизимида инсонга жуда паст роль ажратилган ва у фақат илоҳий иродани амалга ошириш учун зарур бўлган восита сифатида қаралган.

Шумерларнинг ватанга муҳаббати ўз шаҳрига муҳаббати тарзида намоён бўлади, зеро, тараққиётнинг дастлабки босқичида шумерлар тасавуридаги ватан туптулчаси фақат шаҳар-давлат кўришишида бўлган. Кейинчалик шумерларнинг битта давлатга бириктирилиши ҳам кишилар онгидан шаҳарга мансублик ҳиссини сиқиб чиқара олмаган. Одамлар ўз шаҳрининг «фарзандлари», яъни бир оила ҳисобланган. Шумерликлар ўз шаҳарлари, унинг ҳомий-худоси ва ҳукмдори билан фахрланганлар, қўлларига қурол олиб, уларни қимоя қилишга доим тайёр бўлганлар.

Юқоридагилар шундан далолат берадики, Шумер цивилизациясини ҳаётга қайноқ муҳаббат беэаб туради. Шумерлар бarchа эзгу амалларини худоларга бағишласа-да, бундан ўзлари ва яқинларига ўзоқ умр ва омад кутишларини яширмайдилар. Абадий ҳаётни топиш учун беҳуда ҳаракат — шумер адабиётининг сеvimли мавзуси.

Моддий тўқинлик ва мустақилликни қадрлаш ҳам бевосита ҳаётга муҳаббат билан боғлиқ бўлган. Шумерлар бойлик ва мулкни, мўла ҳосилани, дош тўла ошборларни, турли моллар билан тўла отхона ва молхоналарни, оғдаги омадни жуда қадрлашган.

Этика ва ахлоқ борасида шумерлар диёнат ва ҳақиқатни, қонун ва тартибни, адолат ва эркинликни, донолик ва оқилликни, жасорат ва садоқатни, қисқаси, инсонга хос бўлган эзгу хислатларнинг барчасини қадрлаган ва ҳурмат қилганлар.

Барча юксак роҳлар ва ахлоқий принципларга қарамадан, шумерларда уларнинг бутун ҳаёт тарзида ўз ишчи қолдирган алоҳида психологик мойиллик — иззатгалаблик, мусобақа руҳи ва ахлоқий идеаллардан анча йироқ бўлган тажовузкорлик, алоҳида афзалликка ва ҳокимиятга интилиш бўлмаганда, улар иқтисодий ва маънавий тараққиётда бунчалар катта муваффақиятларга эришмаган бўларди.

Афсуски, моҳиятига кўра ижобий ҳодиса бўлган ана шу мусобақа руҳи ва устулик учун кураш амалда шумер шаҳар-



Уруқдан топилаган муҳр. Теласидаги кўзгичок — Думузи рамзи, пастдаги кўп бартали атиргул эса Инаннанинг рамзи.

даватлари ўртасида қонли тўқнашувларга сабаб бўлди ва охир-оқибатда Шумер цивилизациясини барбод қилган ташқи босқинга қарши бirlашип имконини бермади¹. Бу эса, биз юқорида айтган шумер этноси ҳақиқати сабабларининг этно-психологик томони эди.

Шумерларда дин ва диний тизим

Шумерлар дини – табиий политеизм², ердаги ҳосилдорлик ва мўл-кўлчиликни таъминловчи коинотнинг буюк кучларига сиёниш. Шумерларда шаҳарларнинг ҳомий-худолари билан бир қаторда, улардан юқорида самовий худолар ҳам мавжуд бўлиб, кўпинча бу икки сифдаги худоларнинг функциялари бир-бирини такрорлайди ва, ҳатто, аралшиб ҳам кетади.

Хўш, олам ҳақидаги қандай концепция бу диний қарашларнинг асосини ташкил қилади? Шумерларнинг тарихга қарашлари ҳақида юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, уларнинг коинот ҳақидаги қарашлари худолар томонидан ўрнатилган мураккаб қонуналардан иборат эканлигини тушуниш қийин эмас; бу қонуналар, моҳиятига кўра, мавжудлиқнинг ўзидир. Базан худолар коинот кучлари ва айни пайтда ердаги шаҳарлар учун ҳам жавоб беради. Бундай ҳол ўрнатилган тартибнинг барқарорлигини сақлаб туриш учун зарур. Хўш, инсоннинг коинотдаги ўрни қандай? Одамлар – илоҳий проданга амалга оширувчилар, бу прода амалга оширилиши учун зарур бўлган махсус асбоб, ҳолос. Уларнинг вазифаси ерда самарали ҳаётни таъминловчи илоҳий буйруқнинг сўзсиз татбиқ қилинишини таъминлашдан иборат. Буни амалга ошириш учун ҳар бир китя ўзининг ҳомий-худосига эга бўлади. Шу тариқа, қадимги инсон ҳар бир кишининг бир нечта ҳомий-худолари бўлишига ишонади. Бу худолар ўз моҳиятига кўра «муҳим ҳодисанинг – шахс ўзлигини идрок қилишининг муайян психологик жиҳатлари индивидуаллашган ва мифлашган ҳолда намоён бўлиши эди»³. Шахсий ҳомий-худоларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш феломени сўзсиз қадимги дунё кишинининг онги, ўзини индивидуал шахс сифатида ашлаш жараёни ўстаҳлигидан далолат беради.

¹ Қаранг: Сэювал Крамер, Шумеры. Первая цивилизация на Земле. http://bookz.ru/authors/zamisl_-kramer/bimeti_-177.html. – С. 151 – 163.

² Политеизм – кўп худоллик, кўп худолликни тав оловчи дин.

³ Оппенгейм А.А. Древний Месопотамия. Путь от погибшей цивилизации. <http://www.twirpx.com/file/875332/>. – С. 203.

Пантеоннинг муҳим функцияларини табиатнинг асосий ҳодисаларини бошқарувчи илоҳий кучлар амалга оширади. Худоларнинг энг буюги Ану осмон худоси ҳисобланади ва бутун кўриниб турган оламга ҳукмронлик қилади. Осмон ва ер ўртасидаги бўшлиқ, ҳаво Энлианинг – тамол ва момақалдироқлар ҳукмдорининг ихтиёрида; у Нипурдаги ибодатхонадан туриб шаҳарларнинг ҳомий-худоларига раҳбарлик қилади. Ер Энки худосининг мулки ҳисобланади. Мана шу учта худо – Ану, Энлиа ва Энки самовий улақини ташкил қилади. Вақт ўтиши билан Энки Эа – «сув уйи» номи билан танилади, чушк ер – каналлар, дарё ва дешталарни ҳаётни таъминловчи манба. Эа номининг нисбатан кеч, Шумер цивилизациясининг иккинчи босқичида пайдо бўлиши олимларга ердаги худо концепцияси жиддий ўзгарганлиги ва бу ўзгаришда балки «семит интерлюдияси» катта роль ўйнаганлигини тахмин қилиш имконини беради; бу ерда ҳар бир зарраси ҳаракатсиз ва ўзгармасдек туюлган оламнинг эволюциясига ишорани нафақ мумкин.

Шундай қилиб, пантеонда асосий самовий худолар ҳукмронлик қилади. Худоларнинг иккинчи улақини нурлари ердаги ҳаётни бошқарувчи, коинот жисмларига эгаллик қилувчи худолар – Ой (Наннар), Қуёш (Уту) ва тонг юдузи Зухра (Инанна) ташкил қилади. Шунингдек, Инанна мўл-кўлчилик манбаи бўлган она Ер тимсоли ҳам ҳисобланади ва унга тошини узоқ тарихгача бўлган даврга бориб такалади. Мифлар ва поэтик ижодда она Ер рамзи бўлган Инанна ёш худо Думузи шахси билан боғлаб қаралади. Думузи доимий ўлади ва қайта тирилади, шу ҳолатда табиатда ҳар йили юз берадиган янгилинишни акс эттиради.

Шумерлар ўз худоларини қандай тасаввур қилганлар? Аслида худолар шумерларда табиатнинг кучлари ва офатларини акс эттирса-да, ёдгорликлар ва ёзувларда уларга инсоний қиёфа бахш этилган⁴. Улар одамларшиқидай кўришишга, қоматга, жишга эга бўлиб, фарзадлари ҳам бор, тулас, одамларга хос барча хусусиятларга эга. Улар одамлардан фақат умрбўқийлиги ва илоҳий қудрати билан фарқ қиладилар.

⁴ Бу ҳақда батафсил қаранг: Элизаде Мирча. История веры и религиозных идей. В 3-т. Том I: от каменного века до элевсинских мистерий. http://royallib.ru/book/elzade_mircha/istoriya_veri_i_religioznih_idey_tom_1_ot_kamennogo_veka_do_elevskikh_misteriy.html. С. 76 – 77.

Худолар ўртасидаги муносабатлар ҳам кишилардаги она принципида қурилган: болалар — ота-она; бу принцип иак теологик қарашлардаёқ ўз аксини топган. Шу тариқа, Апу — барча худоларнинг асосчиси; Лаганс худоси Нингирсу — Энианнинг ўғли. Аунинг қизи Баба эса, унинг хотини; Ой худоси Наннар Нингалга уйлانган, уларнинг ўғли эса Қудш худоси Уту. Бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин¹, аммо, биз учун муҳими, бу ерда худоларни тизимлаштириш ашъанасини кузатиш ва унга китобхон эътиборини қаратишнинг ўзи етарли. Кейинчалик, Месопотамия даврида бу тизимлаштириш анча мукаммалашади.

Шумерларнинг диний тизимида худолардан пастда иблислар жойлашади. Ибодатхоналар, уйлар ва одамларга ҳомийлик қилувчи яхши иблислар ҳам мавжуд, аммо кўпчилик ҳолларда иблислар ёвуз ва баджаҳл, қоронғи ва бўм бўш турбатарда яшовчи арвоҳлар бўлиб, ерга кўрқинч ва азоб олиб келади. Улар ичида энг кўрқинчлилари — очкўз ва маккор етти Удуглар. Уларни фақат афсунгарлик ва жоду намига эга бўлган коҳинлар енгиши мумкин. Бу сатъат ҳақиқий нам ҳисобланиб, унинг кўплаб формуллари бизгача етиб келган. Масалан:

*Золим Удуг — шаккоқлик-ла ер кезаётган,
Золим Удуг — тартибсизлик таркатаётган,
Золим Удуг — илтижони эшитмаётган,
Золим Удуг — гўдакларни сувдаги балиқдек овлаётган,
Золим Удуг — муизсам бешоларни бузаётган,
Золим Удуг — чолу қаллирларни эзаётган,
Золим Удуг — кели кўчаларни кесиб ўтаётган,
Золим Удуг — даштларни буюк сахрога айлантираётган,
Золим Удуг — остоналардан ҳитлаб ўтаётган,
Золим Удуг — жамоат бешоларини бузаётган,
Золим Удуг — ерни ташвишга салаётган...
Мен коҳинман, афсун ўқимокдман, мен олий коҳин Эа,
Ҳақон юборди мени...
Ортимдан увиллай олмасан,
Ортимдан бақира олмасан,
Золим одам мени маҳв эта олмайди, эриша олмасан,
Золим Удуг мени ушлаб олмайди, эриша олмасан,
Сени Осмон ҳайдаб юборсин! Сени Ер ҳайдаб юборсин!*²

¹ Қурант Якобсен. Торвилд. — Сокровища таймы: История месопотамской религии. — Янко Славя. slavavaia@yandex.ru. — С. 156.

² Мескати Сабатнио. Цивилизация Древнего Востока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 33—34.

Ушбу афсунгарлик формуласига башорат қилишни ҳам кўпчилик керакки, у билан ҳам коҳинлар шуғулланганлар. Бу ношич ва хавотирли дунёда қудратли кучлар билан юзма-юз келган инсон келажакка боқишга, худолар иродасини тушунишга ва улар ҳаракатини олдидан айтиб беришга имкон излайди. Бу — диний ва афсунгарлик воситалари орқали инсон ўзини ҳимоя қилиш сари ташлаган дастлабки қадам.

Худоларга сирғишиш ибодатхоналарда кўп сонли коҳинлар томонидан ўтказиладиган мураккаб ва анча ривожланган маросимлар шаклини олади. Етиб келган ёзувлардан маълум бўлишича, коҳинлар ўртасида вазифалар мукаммал ва аниқ бўлишича бўлиб, бу бутун тизимнинг тараққий эитанлигидан далолат беради.

Муқаддас тақвим барча диний ибодатларнинг асоси ҳисобланади. Унга биноан икки турдаги байрамлар мавжуд: асосийлари Янги йил ва янги ой чиққан кун — қайд қилинган, ўзгармайдиган байрамлар; иккинчиси — вақти ўзгариб турадиган байрамлар. Кейингиси шаҳарларнинг ҳомий-худоларига бағишланган алоҳида байрамлар ёки ибодатхона қурилиши, шохнинг тахтга келиши ва ҳарбий ғалаба билан боғлиқ кунларнинг нишонланиши бўлиши мумкин.

Ҳар қандай байрамда асосий ҳодиса — қурбонлик. Бизнинг давримизгача етиб келган ёзувлардан маълум бўлишича, шумерларда қўй ва эчкилар, буқа, чўчка, парранда ва балиқ, пунитдек, доп, уш, ноц, хурмо, анжир, ёғ, асал, сут, май ва пиво, кийим-кечак ва зирворлар қурбонлик қилинган. Байрамнинг типик қўришиши — назр-ниёз қилинган қўлматбаҳо нарсалар, вазалар, ҳайкалчаларни ибодатхонага инъом қилиш жараёни. Ҳайкалчалар кўшича уни инъом қилувчининг ўзини акс эттирган бўлиб, бу амали билан инсон ўзини худолар ҳимоясига топширган.

Шумер диний маросимларининг асосий мақсади — ҳаётни асраш. Эътибор бериш, ердаги реал ҳаётни; шумерлар ҳосилдорлик ва мўл-кўлчилик сўраб натижа қилгашлар, уларнинг маросимлари аниқ натуралистик руҳда бўлган.

Умуман, шумерлар ҳаётида диний тасавурлар инсон фаолиятининг барча жабҳаларига кучли таъсир кўрсаттади. Инсон томонидан амалга оширилган ҳар қандай иш — тинч меҳнат ёки ҳарбий тadbир, барчаси худоларни шарафлашга бағишланган. Инсоннинг ҳар бир қадами худолар томонидан белгиланган берилган; худолар одамларнинг фақат сирғишиш билан боғлиқ фаолиятини эмас, ҳозир биз диндан анча узоқ деб ҳисоблайдиган тadbиркорлик ва тижорат фаолиятини ҳам ку-

затиб турганлар. Шумерларнинг олам концепцияси утуп характерли бўлган эътиқод уйғунлиги Қадимги Шарқда шумерлардан кейин шаклланган барча цивилизацияларнинг ҳам жуда кучли ва типик белгиси бўлиб қолади.

Адабий жанр. Мифология

Шумер адабиёти ўзининг бадий кийматига кўра, инсоният томонидан яратилган эстетик ижод намуналари орасида энг юқори ўринлардан бирини эгаллайди. У қадимги юнон ва қадимги яҳудий адабиётларининг юксак намуналари билан бемалол рақобатлаша олади ва қадимги яҳудий адабиёти каби энг қадимги цивилизациялардан бирининг маънавий ва интеллектуал ҳаётини асқ эттиради. Қадимги Яқин Шарқнинг маданий ва маънавий ривожда бу адабиётнинг роли бекиёсдир. Аккадликлар, яъни оссурияликлар ва бобилликлар шумер адабиётини тўлиқ ўзлаштириб олганлар. Хеттлар, хурритлар ва кантлар бу адабиёт намуналарини ўз тилларига таржима қилганлар ва сўзсиз унга тақлид қилганлар. Яҳудий адабиётининг шакли ва мазмунида, ҳатто, юнон адабиётида ҳам шумер матнларининг кучли таъсири сезилиб туради. Шу пайтгача бундай катта ҳажмда топилган ёзма адабиётларнинг энг қадимгиси – бундан-да қадимги адабиётнинг топилгани амримақол. Шумер адабиёти цивилизациялар тарихини, айниқса, унинг интеллектуал ва маънавий жиҳатларини ўрганувчилар учун яши, бой ва кутилмаган манба сифатида намоён бўлди. Бу қадимги ва унутилган адабиётни тиклаш, реставрация қилиш – XX асрда гуманитар билимлар соҳасига қўшилган энг катта ҳиссадир¹.

Шумер адабиётини ўрганишга астойдил киришган олимлардан бири, америкалик шумершунос С.Крамер бўлди. У ўн минглаб сопол тахтачалардаги узук-юлук парчалардан иборат Нишур миҳхат ёзувларини тартибга келтириш ва ўқиш учун ўзининг узоқ йиллик умрини сарфлади. С.Крамер ва бошқа олимлар томонидан аниқланган адабий жашрларга келсак, уларнинг асосий қисмини мифлар ташкил қилиб, биз бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталамиз. Мифлардан ташқари, шумер адабиётининг анчагина қисмини мадҳия ва ибодатлар ташкил қилади. Мадҳияларни мазмунига кўра тўртта асосий турга бўлиши мумкин: 1) худоларни парәфловчи мадҳиялар; 2) подшоларни

¹ Қаранг: Сэмюэл Крамер. Шумеры. Первая цивилизация на Земле. http://bookz.ru/authors/samuel_-kramer/sumeri-177.html – С. 96 – 97.

шарафловчи мадҳиялар; 3) худоларга бағишланган мақтовлар шохлар учун қилинган ибодатлар билан алмашиб турувчи мадҳиявий ибодатлар; 4) шумер ибодатхоналарига бағишланган ибодатлар¹. Уларнинг асосий қисми худолар ва шохларни мадҳ этишга ҳамда худоларга илтижо қилишга бағишланган.

Мадҳияларга яқин бўлган яна бир жанр – гиря (йиғи-сиги), пола. Бу мунгли илтижолар бўлиб, душман томонидан вайрон қилинган уйлар ва шаҳарларга бағишланган. Т.Якобсон ва С.Москатиининг фикрича, Инжилдаги йиғи-сиги ҳодисаси ҳам шумерлардан олинган бўлиши мумкин.

Дидактик композициянинг яна бир тури – масал. Бахтта қарши бизгача шумер масалларининг оз қисми етиб келган бўлиб, улар куш ва балиқ, дарахт ва қамиш, дастаки сўка ва оғоч, темир ва жез ҳақидаги масаллардир².

Юқорида айтганимиздек, шумерлар адабий меросининг катта қисмини мифлар ташкил қилади. Тадқиқотчи олимлар мифларни уларнинг вазифасига қараб қуйидаги турларга ажратадилар³:

- Маросим мифлари;
- Одамзоднинг келиб чиқиши ҳақидаги мифлар;
- Ибодат билан боғлиқ мифлар;
- Обрў-эътибор билан боғлиқ мифлар;
- Эсхатологик (охир замон ҳақидаги) мифлар.

Шумершунос олимлар мавжуд материалларни ўрганиб, жуда кенг тарқалган утта мифни ажратиб кўрсатадилар ва уларни таянч мифлар деб атайдилар. Ҳозир аниқланишича, бу таянч мифлар семитлар мифологиясида ҳам кенг тарқалган бўлса-да, уларнинг илдизи шумер маданиятига бориб тақалади.

Таянч мифларнинг биринчиси – Думузи (Таммуза) ва Инанна ҳақида бўлиб, Шумер семитлар томонидан забт этилгандан кейин, Оссурия-Бобил даврида маълум ўзгаришларга учраган. Бу мифларнинг иккала варианты ҳам С.Крамер томонидан тадқиқ этилган.

Шумер вариантыда бизнинг давримизгача етиб келган иккинчи таянч миф – оламнинг яратилиши ҳақида. Тадқиқотчи олимларнинг таъкидлашларича, оламнинг яратилиши ҳақидаги қадимги мифларнинг бирортасида дунё «йўқдан» яратилган-

¹ Қаранг: Сэмюэл Крамер. Шумеры. Первая цивилизация на Земле. http://bookz.ru/authors/samuel_-kramer/sumeri-177.html – С. 125.

² Қаранг: Шу асар, 132 – 138 бетлар.

³ Қаранг: Хук С. Мифология Ближнего Востока. – М.: Центрполиграф, 2009. – С. 7 – 13.

лиги тўғрисидаги воқия топип мумкин эмас. Яъни, бу мифларнинг барчасида оламнинг яратилиши – бу мавжуд хаос¹ ичида тартиб ўрнатиш. Олимлар мавжуд материаллар асосида оламнинг яратилиши ҳақидаги шумер мифларини уч гуруҳга ажратадилар: оламнинг келиб чиқиши; оламнинг тузилиши; одамнинг яратилиши.

Шумер мифологиясидаги учинчи таянч миф – олам тошқини ҳақида². С.Крамернинг таъкидлашича, тошқин орқали инсониятни йўқ қилиш ҳақидаги миф у ёки бу шаклда дунёнинг кўплаб халқларида учрайди. Мифнинг асосий воқия шундаки, худолар инсониятни йўқ қилишга қарор қилади: бу қарорни қандай восита орқали амалга ошириш иккинчи даражали – кейинчалик худолар бошқа воситалардан ҳам фойдаланадилар. Инжилдаги олам тошқини ҳақидаги миф бобилликлардан ўтган деб келинар эди, ammo, кейинчалик маълум бўлишгача, бу миф бобилликларга шумерлардан ўтган экан³.

Олимлар томонидан ҳажми 100 дан 600 мисрагача бўлган тўққизта шумер достонлари аниқланган. Шулardan иккитасининг қаҳрамони Энмеркар бўлиб, улар «Энмеркар Аратта мамлакатида» ҳамда «Энмеркар ва Энсукупсиранна» деб аталиши мумкин. Яна иккита достон Лутальбанда исми қаҳрамоннинг фаолияти асосига қурилган ва улар «Лутальбанда ва Энмеркар» ҳамда «Лутальбанда ва Хуррум Тоғ» деб номланган. Қолган бештаси бутун Қадимги Яқин Шарқда тенги йўқ адабий қаҳрамон Гилгамеш номи билан боғлиқ.

Гилгамеш шумер мифологиясининг энг муҳим қаҳрамони бўлиб, Гилгамеш ҳақидаги достонларда ёзилишича, унинг учдан икки қисми худо, учдан бир қисми эса одам бўлган. С.Крамернинг аниқлашича, шу жаҳрдаги достонлар бешта бўлиб, улар-

¹ Хаос – [ўзи тартибсизлик, алғов-далғов ҳолат] қадимги халқлар мифологияси ва фалсафасида турли ибтидоий унсурларнинг бетартиб аралашмаси, тўғ ҳамма мавжудд анга пуг аралашмадан келиб чиққан.

² Бу ҳақда қаранг: Элиаде Марча. Ислорни вери и религиозних идея. В 3-т. Том I: от каменного века до элевсинских мистерий. http://ruallib.ru/book/eliaade_mircha/istoriya_veri_i_religioznih_idey_tom_1_ot_kamennogo_veka_do_elyevsinskih_misteriy.html. – С. 5–6.

³ Бу шумер афсонаси. Унда тақводор Энсукура Энки [Эн] худосининг наслухати билан қурилган коми ёрдағида топқиндан қутулиб қолади. Бобилликлар версиясида Энсукура Утнашпистимга айланган. Кейинчалик бу афсона асудийлар томонидан ўзлаштирилиб, Инжилда Нух кемаси тарзида киритилган. Қаранг: Гордон Чаблд. Расвет и падение древних цивилизаций. Далекое прошлое человечества. http://bookz.ru/authors/gordon-4aidl/rascvet-_694.html. – С. 80.

дан иккитаси – «Гилгамеш ва Буқа-Осмон» ҳамда «Гилгамешнинг ўлими» қисман етиб келган. Қолган учтаси – «Гилгамеш ва Киш Аггаси», «Гилгамеш ва Ҳаёт мамлакатини», «Гилгамеш, Энкиду ва қуйи дунё (парити дунё)» тўлиқ сақланиб қолган бўлиб, уларнинг барчаси шумерларнинг «олтин даврида» яшаган арбобларни шарафлашга бағишланган⁴. Адабиётнинг бу соҳасида марказий ўринни жасур Гилгамеш ҳақидаги ривоят эгаллайди. Унинг тарихи буюк муаммони – ҳар бир инсонни муқаррар қутаётган, ўзининг бутун қудрати билан, ҳатто Гилгамеш ҳам сақлаша олмайдиган фожиали тақдир – ўлим муаммосини кўтаради. Қаҳрамон шахси амалда унинг мунгли қисмати билан тўсиб қўйилган, кўплаб жасоратлар битта мақсад – асрлар оша, ҳет бўлмаса, номи сақланиб қолиши учун амалга оширилди.

«Гилгамеш ва Ҳаёт мамлакатини»⁵ номли достонда қаҳрамон инсониятнинг фожиали тақдири устидан шикоят қилади ва худо Утуга мурожаат қилиб, ундан қаҳрамонни абадий шон-шарафга элтувчи Ҳаёт мамлакатига узок ва хавфли сафар қилиш учун ижозат сўрайди:

*Уту, сенга сўз айтаман, қулоқ шун менниг сўзимга!
Қулоқ шун менниг тиятимга, менниг умидларимга!
Менниг шахримда одамлар ўлмоқда, юрак куймоқда!
Шаҳар девори оша осулиб қарадим мен,
Дарёда жасақларни кўрдим мен,
Асли мен ҳам шундай кетмайманми? Чин ҳақиқат, чин ҳақиқат шу!
Энг баланг ҳам осмонга ета олмайдиги,
Энг катта ҳам ерни қоллай олмайдиги,
Фишда фол очтиш ҳаёт ватъда қила олмайдиги!
Тоғларги бораман, шон-шарафга шўламан!
Донгдор номлар ичра ўзимни шарафлайман!
Одам шарафланмаси, худоларни шарафлайман!
Илтижосига Угу мойиллик билдирди,
Валингъман унга мурувват кўрсатди!*

⁴ Қаранг: Самуэля Крамер. Шумери. Первая цивилизация на Земле. <http://bookz.ru/authors/samuel-kramer/shumeri-172.html>. – С. 110.

⁵ Самуэля Хукнинг ёзишича, «Гилгамеш ва Ҳаёт мамлакатини» номлининг шумерча вариантти бўлиб, «Гилгамеш ҳақида эпос» унинг иккадачя вариантти. Қаранг: Хук С. Мифология Древнего Востока. – М.: Центрполиграф, 2009. 32–33-бетлар.

⁶ Москати Сабатино. Цивилизации Древнего Востока. – М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. – С. 43.



Гилгамеш, Мисл. авв. VIII аср. Саргон II саройининг дарвозасига ишланган нақш.

Ўзининг фолжамали тақдирини соясидда қолган шумер адабиётининг бу қаҳрамони бизга юнон трагедияларидаги образларни эслатади. Гилгамешнинг шон-шухрат орқали абадий ҳаётга эришиш учун қилган дастлабки уришлари худоларга қарши даъват эди ва бу уларнинг вазабига сабаб бўлди. Гилгамешнинг реал боқий умрини излаши эса, бундан ҳам катта шаккоқлик — зарурат юзасидан умри чеклаб қўйилган, ўлимга маҳкум инсоннинг ярағуши табиатга қарши даъвати эди. Натижада Гилгамешнинг айнан инсоний моҳияти устуи келади: уни инсонга хос бўлган заифлик, бир лаҳзалик бевамалик нобуд қилади. У ўзидан бошқа ҳеч кимни айблай олмайдди: кечириб бўлмас хатога ўзи йўл қўйдди. Балки, айнан қаҳрамонликнинг мутлақо йўқлиги уни ҳушига келтиради. Қўрқинч Гилгамешни тарк этади, у ўзини фақат атинияшта лойиқ деб билади ва йиғлайди. Кейин ҳолатини қулғили эканлиги унга етиб боргач, ўз устидан маънос жиғмайини қолади, ҳолос. Зўр бериб қилишган эмисиз ҳаракат даярам қулғили бўлиб туюлган натижага олиб келади. Табассум, ҳазил-мутойиба ҳисси — шн оғир ҳолат енгиб ўтиланганнинг беағиси. Энди у борлиқни қандай бўлса шундайлигича, у билан бирга янги кадрияларни ҳам қабул қилиш қудратига эга¹. Гилгамеш — қадимги адабиётнинг энг гўзал ифодаланган қаҳрамонларидан бири.

Бу қадимги дostonда кўтарилган муаммо — табиат қонунларининг ахлоқий жиҳатлари ва унга инсоннинг муносабати, «борлиқни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш» муаммоси бугун ҳам ўз долзарбанини йўқотмаган. Зеро инсоният Гилгамеш замонидан бери илоҳий қонушларга, табиат қонунларига қарши борилишда ҳам анча олдилаб кетди. Кишилар, айниқса, европалықлар жинсий маңсублик, оналик каби табиий қонунларни, жинсий озчиликнинг тешиши, бир хил жинсдаги китиларнинг бирга овла қуриш ҳуқуқлари ва суррагат, сохта оналик каби кеп тарқалаётган шаккоқликлар туфайли бузишяпти ва бутун маънавий-ахлоқий оқлаш учун турли хил уйдирмаларни ўйлаб топинияпти. Аслида табиат қонушларига шис-

битан бундай даъватларнинг оқибатларини инсоният Гилгамеш замонидаёқ англаб етган эди.

Санъат | Қадимги Шумер санъати ёдгорликларини ўрнган омилар уларнинг бопқа, масалан, Парбий Европа санъатидан фарқли томонларини олиб берилишга ҳаракат қилганлар. Шумер маданияти эстетик руҳий ҳолатнинг эркин ва субъектив ифодаси тарзида пайдо бўлмаган; унинг сарчашмалари ва мақсади гўзалликка интилиш, уни яратиш эмас. Аксинча, бу диний, демак, амалий ифодадир. Бу диний дунёқарашнинг — яъни сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг ифодаси, чунки Шарқда дин инсон ҳаётининг ҳамма жабҳаларини қамраб олади. Бу ерда санъат фаол роль — ҳаётнинг тартибли, бир маъромда ривожланиши учун рағбатлантирувчи ва бирлаштирувчи куч ролини ўйнайди. Ибодатхоналар гўзал ва муҳташам бинолар қуриш учун эмас, худоларни паравлаш учун қурилади. Хайкалчалар одамларга илоҳий ҳимояни таъминлаш учун ясалади. Деворий расмлар улараа акс этирилган воқеаларни хотирада абадий сақлаб қолиш учун чизилади. Уларни биз билган санъатдан фарқловчи жиҳат шундаки, ҳар хил ёдгорликлар — хайкаллар ва рельефлар — кўз-кўз қилинмаган, кўриниб турадиган жойларга ўрнатилмаган; масалан, баъзан ибодатхоналарнинг пойдеворига қўйилган. Шумерларнинг фикрича, уларни худолар кўрса бўлди, одамларининг кўриши аҳамиятга эа эмас.

Бундай санъатнинг мавзуси ва тишик шакллари анча содда бўлган: бу ибодатхоналар, хайкалчалар ва нақшинкор расмлар. Бу расмий диний эстетика ва сиёсий ҳокимиятни паравловчи оммавий санъат эди; шахсий ва маънавий ҳаёт бу санъат учун ҳеч қандай қизиқиш туғдирмаган. Унинг услуби ҳам расмий бўлганлиги учун ўзининг қиёфасига эга бўлмаган. Шумер санъатида шахсий хусусиятларни ифода этиш учун инсоният йўқ эди, бу ерда асар муаллифи ижодқордан кўра кўпроқ хунарман, уста ҳисобланган.

Қиёфасизлик ва анонимияк шумер санъатининг яна бир хусусияти — жоҳсизлик, ҳаракатсизлик билан боғлиқ. Бу ҳодисанинг салбий томони — янгиланиш ва ривожланишга йўналтирилган ағъаналарнинг йўқлиги, ҳодисанинг ижобий томони эса — қадимги намуналардан аниқ нусха кўтирилишга бўлган интилиш билан мос тушади: қадимги намуналар мукаммалликнинг энг юкори чўққиси бўлиб, ундан ўтишни иложи йўқ деб ҳисобланган. Санъатнинг адабиёт сингари йирик жанрларида тарихий тараққиёт жараёнининг ифода этилмаслиги ҳам шу тушунча билан боғлиқ.

¹ Қараш: Яковлев, Торвальд. — Сокровища тьмы: История месопотамской религии. — Янко Слава. slavnaa@yandex.ru. — С. 134.

Шумерлар яратувчилик фаолиятининг боп мақсади ва асосий вазифаси шаҳар ҳаётининг маркази бўлган муҳташам ибодатхоналар қуриш эканлигини айтиб ўтдик. Шумер архитектураси ёдгорликлари жуда кам сақланиб қолган. Бизнинг давримизгача етиб қолган бинолар ичида энг аҳамиятлилари Урук шаҳридаги Оқ ибодатхона ва Қизил сарой (мил. авв. 3000–3200 йиллар) ҳисобланади. Ибодатхоналар сунъий туپроқ уюмлари устига асосан хом гипсдан қурилиб, уларга зиналар ёки пандуслар орқали чиқилган. Шу тариқа шаҳардаги бошқа барча бинолардан баландда жойлашган ибодатхона, Ер билан Осмон ўртасидаги абадий боғлиқлик рамзи ҳисобланган. Ибодатхона деворлари шаҳарнинг зафарли тарихи ва кундалик ҳаётига бағишланган рельефлар билан безатилаган. Бинода устунлар бўлмаган, ёки ёночдан бўлиб, уларга юк тушмаган, декоратив вазифани ўтаган.

Шумер ибодатхоналарининг ўзига хос томони, уларни сарой ёки уйлاردан ажратиб турган жиҳат – эҳром ва қурбонлик қилиш жойи. Турли даврларда ибодатхоналарнинг бир неча вариантлари мавжуд бўлса-да, уларнинг моҳияти ўзгармаган.

Шумерларнинг уйлари девор билан ўралган ҳовли ва девор бўйлаб қурилган, эшиклари ҳовлига қараб очиладиган хоналардан иборат бўлган. Уйлар, асосан, бир қаватли бўлиб, текис томлар устида кечкурун дам оладиган жойлар бўлган, хоналарнинг деразалари ҳам томга қўйилган.

Шумерда мақбаралар қурилишига Мисрдагидек катта аҳамият берилмаган. Бу Месопотамия аҳолисининг ўлимдан кейинги ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларига мос келади. Бу ерда нароти дунё тўғрисидаги тасаввурлар охиригача, айтайлик, мисрликларникидек ишлаб чиқилмаган; ўлимдан кейин ҳар бир киши зерикарли соғлаб салтанатига тушади деб ишонилган.

Ҳайкалтарошлик санъати шумерларда кам тараққий этган бўлиб, бунинг ўзига хос сабаблари бор эди. Биринчидан, ҳайкалтарошлик учун ярайдиган тош етишмаган, иккинчидан, ҳайкалчалар унда тасвирланган кишининг рамзи сифатида қаралган ва, асосан, кичик қилиб ясалгани лозим бўлган. Сақланиб қолган жуда кўп ҳайкалчаларда ҳайкалтарош инсон юзини акс эттиришга алоҳида эътибор қаратган, чунки ҳайкалчадан унда акс этган кишини таниш лозим бўлган. Ҳайкалтарошликнинг кенг тарқалган тури *адорант* деб аталувчи усул бўлиб, унда, одатда, ўтирган ёки турган ҳолатда икки қўлини кўксига қўйиб синаётган киши тасвирланган.

Санъатнинг яна бир, Месопотамияга хос ва жуда кенг тарқалган тури нафис (пластик) санъатнинг ўйма нақш тури эди. Мутахассис олимлар шумер ўйма нақш санъатининг учта асосий турини ажратиб кўрсатадилар. Булар: ёдгорлик тош, мрамор тошга ишланган нақш ва муҳрлар. Биринчисига «жўрчи қуш ёдгорлиги» деб аталувчи тош лавҳа энг яхши мисол бўлади. Лавҳанинг асосий фрагментида Лагаш худоси Нишгирсу тасвирланган. Унинг сатанг қилиб ишланган соқоли, юз тузилиши ва кўринишида санъатнинг шу туридаги шумерларга хос жиҳатлар акс этган: юз ён томондан олиingan, кўзлар тўғрита тик боқиб турибди, гавда ва оёқлар ҳам тўлиқ туширилган.

Шумер нақш санъатининг кенг тарқалган бопқа бир тури тўғри бурчакли силаяқ тошлар бўлиб, ўртасидаги тешик, тадқиқотчиларнинг фикрича, деворга маҳкамлаш учун очилган бўлса керак. Бу силаяқ тошларга ишланган лавҳаларнинг мавзуси кўпчилик ҳолларда бир хил: базм жараёни акс эттирилиб, икки киши – эркак ва аёл ўз хизматкорлари ҳамда мушакчилар қуршовида ифодаланган; ён лавҳаларда дастурхон учун мўлжалланган егуликлар ва ҳайвонлар акс эттирилган бўлиши мумкин. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу лавҳада ҳосилдорлик худоси билан ўсимликлар худосининг никоҳ тўйларига бағишланган янги йил базми ифодаланган бўлиб, бу худоларнинг ҳар йили ўлиши ва яна тирилиши рамзий маънога эга ва табиатдаги доимий янгиланиш жараёнини акс эттиради.

Шумер нафис нақш санъатининг учинчи тури тош муҳрлар бўлиб, уларнинг лойга туширилган ва қуритилган излари шахсни тасдиқлашнинг ўзига хос воситаси ҳисобланган.

Шумер санъати жуда бой, унинг барча тур ва жиҳатларига тўхталишнинг иложи йўқ, албатта. Масалан, ҳайкалчалар лойдан ташқари металлдан ҳам ясалган бўлиб, уларнинг тузилиши ва функцияси деярли бир хил бўлган.

Шу тариқа шумерлар жуда бой ва қудратли, ўз даври учун ҳайратланарли даражада етук маданиятни яратганлар. Бу маданиятни ўрганиш бизга бутун Қадимги Шарқ дунёсини қамраб олган ва Ўрта Ер денгизи ҳавзаси орқали бопқа халқларга ҳам кучли таъсир кўрсатган ўша буюк маданий тўлқиннинг қудратли илҳизларини билиб олиш имконини беради¹.

¹ Қараг: Москати Саботипо. Цивилизация Древнего Востока. – М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. – С. 63.

БОБИЛИКЛАР ВА ОССУРИЯЛИКЛАР

Икки мишг йилдан зиёд даврга тўзилган тарих, бутун Ғарбий Осиёга ва, ҳатто, Мисрга ҳам ёйилган сиёсий қудрат, қизил ва бой диний ҳаёт, ўз даври учун ўта илбор адабиёт, санъат ва фан – бобиликлар ва оссурияликлар ёки бу халқларни битта ном билан атасак, аккадликлар цивилизациясининг асосий жиҳатлари ана шулардан иборат эди.

XX аср бошларида, ҳали олимлар орасида Бобил маданиятига «сирийлик» урф бўлган даврда, аккадликлар цивилизацияси автохтон келиб чиқишга эга бўлмасдан, Шумер цивилизациясига боғлиқ ҳолда ривожланиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Аммо XX асрнинг иккинчи ярмида шумершуносликда қилинган янгиликлар Аккад цивилизацияси Шумер цивилизациясининг ҳосиласи эканлиги бир қадар исботлангандек бўлди.

Олимларнинг таъкидлашича, аккадликлар билан шумерлар ўртасидаги муносабат римликлар билан юнонлар ўртасидаги муносабатни эслатади: Месопотамияда ҳам шумерларнинг қадими ва юксак маданиятини синдириб олган ёш халқ – аккадликлар бор эди ва айтиш мумкинки, у сиёсий ғолиб бўлган ҳолда маданий жиҳатдан мағлуб эди. Бу ҳоли С. Москати Горацийнинг машҳур сўзлари орқали образли қилиб ифодалайди: «Graecia capta Ierum victorem cepit» («Забт этилган Греция ёввойи ғолибнинг ўзини маҳв этди»).

Тарихи

Бобилик ва оссурияликлар – семит¹ халқлари. Кўчманчи қўноқлар бўлган семитларнинг ватани

¹ «Семит» атамаси Библиядан олинган. Ибtido китобининг ўзинчи бобида Нуҳнинг ўғилларидан тарқалган халқлар ҳақида ёзилади. Бу генеалогик жадвалда Симонинг ўғиллари қаторида Елам, Асур ва Еввр, яъни арабийлар, оссурияликлар ва қадимги яҳудийлар санаган. Бу халқларни умумий ном билан аташ учун XVIII асрда Европа олимлари томонидан «семит» атамаси таклиф қилинган. Қаранг: Москати С. Древние семитские цивилизации. www.litmir.net/br/?b=151185&p=3. – С. 17.

Арабистон қўллари ҳисобланади; бу ерларнинг қуруқ иқлими семитларни қўшни ҳосилдор ерларга доимий интилиб яшапга мажбур қилган. Семит қабилаларининг¹ бирлашишга мойиллиги ва интилувчанлиги тўғрисидаги қосишча, айрим олимлар таъкидлаганидек², уларнинг ирқий хусусиятларига эмас, балки тарихий тақдирнинг умумийлигига ва, энг муҳими, бу гуруҳдаги қабилалар тилининг яқинлигига асосланган. Арабистон қўлини ҳалқасимон ўраб турган минтақаларда аввалбонданок семитлар турли халқлар билан алоқага киришган, аралашган ва ҳар хил манзилларда турли этник бирикмаларни ташкил қилган. Ғарбда, Нил vodiисида семит ва хамит унсурлари бирлашиб, миср халқини ташкил қилди ва бу жараён мисрликлар тилида ҳам акс этган. Тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, этник нуқтаи назардан хамитлар семитларга нисбатан қуроқ халқ бўлиб, лингвистик жиҳатдан ҳам улар тилига семитлар тилидаги бирлик етишмайди³.

Искита дарё vodiиларини бирлаштирувчи Сурия–Фаластин қироқ зонасида семитлар дуч келган халқлар тўғрисида улардан кейин сақланиб қолган географик номларга таяниб, олимлар бу халқлар семит бўлмаганлигини таъкидлашмоқда. Бу минтақада кейинчалик семитлар устун келиб, ҳукмрон халққа айланган.

Оссурия семит тилида «Ашшур» деб аталган. Француз ва немис олимлари (қадимги юнонлар каби) одатда «Ассир» деб ёзишади, инглизлар эса семитга талаффузга яқин қилиб, «ш» билан «Ашшур» тарзида ёзишади. Аслида халқнинг, давлатнинг, пойтахт шаҳарнинг аталлиги бир хил – «Ашшур» бўлиб (пойтахт кейин Калах ва Ниневия бўлган), бу халқнинг номидан келиб чиққан. Адабиётларда «Ашшур» сўзининг бирликда қўлланилиш сабаби ҳукмрон худонинг номи ҳам Ашшур

¹ Семит халқларини, асосан, лингвистик хусусиятлари бирлаштириб туради. Масалан, қуйидаги ҳолат улар учун умумий ҳисобланади: матнда улаи ҳарфлар ёзиламайди, ундошларнинг жойлашувига қараб, ўқувчи томонидан қўйилади. Аммо ифодати алоҳида эътибор берилган матналарда ундошлар ҳам ёзилади. Билми олимлар «семит» атамасини фақат лингвистик бирлик сифатида эмас, халққа, цивилизацияга нисбатан ҳам қўлланш мумкин, деб ҳисоблашади. Қаранг: Москати С. Древние семитские цивилизации. www.litmir.net/br/?b=151185&p=3. – С. 20–27.

² Қаранг: Рагозина З.А. История Ассирии: от возвышения ассирийской державы до падения Ниневии. – М.: 1998. – С. 89–91.

³ Қаранг: Москати С. Древние семитские цивилизации. www.litmir.net/br/?b=151185&p=3. – С. 20–21.

бўлиб, Оссурия шоҳлари ўзларининг барча амаллариши унинг номи билан боғлашади¹. Ўзбек тилидаги адабиётларда мамлакат номи «Оссурия», пойтахти ва бош худоси эса «Ашшур» деб зорилади.

Айтилганидек, бобиллик ва оссурияликларнинг идизлари Арабистон чўлларида чиқиб, Месопотамиядаги ҳосилдор ерларга доимий интилиб келган кўчманчи семит халқларига бориб тақалади. Уларнинг келиб чиқиши анча катта элтиборни талаб қилади. Чунки бу, бир томондан, Месопотамия билан бошқа семит цивилизациялари ўртасида боламлиқни таъминлайди; бошқа томондан — олимларни ушбу цивилизацияларнинг характерли томонларини идентификациялашга ундайди.

Семитга атамалар Месопотамияда мил. авв. Ш минг йилликнинг биричи ярмида пайдо бўлади; эҳтимол уларнинг шумерлар билан тинч аралашуви шу даврда юз берган бўлиши мумкин. Кейин, мил. авв. 2350 йилга яқин, бутун Месопотамияни қўла остида бирлаштирган ва Сурия ҳамда Кичик Осиёга бостириб келган Буяк Саргон (аккадча — Шаррукен — «ҳақиқий шох») тахтга келиши билан семитларнинг узи-кеси ҳукмронлиги ўрилади. Шу тариқа, биричи марта ўз ҳокимияти остида бутун маълум дунёни — «ернинг тўрт томонини» бирлаштирган давлат пайдо бўлади. Саргон тарихда Македониялик Александрдан то Нашоломгача, ижтимоий фикрни жунбўшга келтириш барча фотиҳлар учун намуна бўлган биричи йиллик ҳарбий империяни вужудга келтирди². Шу даврдан бошлаб оламшумул салтанатни яратиб бояси барча сиёсий концепцияларнинг унсурига ва семит халқи орзу-интилишларининг доимий мақсадига айланиб қолади; бу, асосан, шаҳар-давлат шаклида ифодаланган шумерларнинг сиёсий қарашларидан кескин фарқ қиларди. Айтган шу даврда чеклашмаган монархияни яратиб бояси пайдо бўлиб, бу боя Фарбий Осиёнинг исломгача бўлган бутун тарихи бўйлаб ўтади. Ҳукмдор қиёфаси ҳам чеклашмаган монархия боясига мос янги жиҳатлар қабул этади: у энди шунчаки худолар хизматидаги одам эмас, унинг барча атрибутлари шунга ишора қиладиги, ўз амаллари орқали энди у худо даражасига кўтарилади. Подшонинг обрўи орта-

¹ Қаранг: Рихлиня Э.А. История Ассирии: от возвышения ассирийской державы до падения Ниневии. — М.: 1998. — С. 11—15.

² Қаранг: Г.Чайлд, Воспит и падение древних цивилизаций. Далекин пропале человекства. http://bookz.ru/authors/gordon-4nild/tascvet_694.htm. — С. 114.

ди, у билан қоҳишлар ўртасидаги қарама-қаршилик ҳам унинг фойдасига ҳал бўлади; қоҳишлар подшонинг ёнида турадиган ва ўз ҳаракатларида унга бўйсунадиган амалдорлар даражасига туширилади. Шу тариқа, балки илсоният тарихида биричи марта, дин сиёсий ҳокимият манфаатларига бўйсундирилади. Бу жуда муҳим воқеа эди, зеро, кейинчалик, ҳатто, христианлик ва ислом каби жаҳон динларида ҳам сиёсий ҳокимият манфаатларига хизмат қилиш, унинг талабларига мослашнинг, жамиятда ҳукмронлик қилаётган ҳар қандай сиёсий тизимни ёқлаш, халқни бўйсунушига ундаш диннинг асосий вазифасига, дин билан сиёсий ҳокимият ўртасидаги муносабатларни белгиловчи омилга айланади.

Саргон кейинчалик афсонавий шахсга, худди македониялик Александр сингури бадиий адабиётнинг қаҳрамонига айланади, у ҳақда ривоятлар тўқилади. Бу ривоятларда уни болалигида онаси қамини саватга солиб, дарёга оқизиб юборганлиги ва мўъжизавий равишда тирик қолганлиги, қандай қилиб худо Иштарнинг муҳаббатини қозонгани ҳамда ўзининг бутук фаолиятини қандай бошлаганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Саргон асос солган сулола 200 йилдан зиёд ҳукмронлик қилгандан сўнг шарқий тоғлар томондан бостириб келган ёввойи қутийлар қабиласи Саргон сулоласини ағдариб ташлайди. Натижада шумер шаҳар-давлатларида яна мустақил ҳаёт бошланади. Аммо бу мустақиллик узоқ давом этмайди: мил. авв. 2000 йилга яқин семитлар яна ҳокимиятга қайтариб оладилар.

Ҳокимиятга келган бу семит қабиласини аморийлар деб аташади. Аморийлар кўчманчи қабилла бўлиб, шумер мифларида уларга:

*Аморрий бу шох эшигида кўзиқорин илаб ер қовлайдиган,
У ки (худолар олдида) тиз чўкмайдиган,
У ҳам гўшт ейдиган,
У бир умр уй қурмайдиган,
Ўлимдан сўнг кўмишини билмайдиган...*

дея берилган тарифлар сақланиб қолган. Бу семит қабилалари дастлаб бир қанча давлатларга бўлишиб яшаган ва маълум вақт ўтгандан сўнг аморий қабилаларидан бири кучайиб, бутун Месопотамияни ўз ҳукмронлиги остида бирлаштирган. Бу Бобил подшолиги бўлиб, у ўз қудратининг энг чўққисига тахминан мил. авв. 1700 йили, Буяк подшоҳ, Хаммурапи ҳукмронлиги даврида эришади. Маълумки, бу шох, асосан, ўзининг

қонушлар кодекси билан машхур. Олимларнинг таъкидлашича, Хаммураши кодекслари шумер намуналарининг энг яхши жиҳатлариши давом эттирган. Қадимги шумер ҳукмдорларининг идеаллари — қонун ва тартибга асосланган бузиламас тишчилик, олимларни ҳимоя қилиш, етим ва бевадаларга адолатли бўлиш юзаси Хаммураши кодексларининг ҳам асосини ташкил қилади. Месопотамия цивилизациясининг унсурлари бўлган икки маданият Хаммураши даврида тўлиқ уйғунашади ва қўшилиб кетади. Дастлабки семит сулоласи учун характерли бўлган ҳукмдорларни ялоқийлаштириш бу даврга келиб энди кўзга ташланмайди.

Мил. авв. 1530 йили Хаммураши сулоласининг ҳукмронлиги якунланади ва Бобил узоқ муддатли ишқироз даврига киради. Бу даврда ҳокимият Эрон тоғларидан чиққан касситлар қўлига ўтади. Ишқироздан сўнг Месопотамияда аста секин оссурияликлар кучайиб боради ва Оссурия кучли давлатга айланади. Мил. авв. 1110 йилга яқин Тиглатпаласар I шимолдан Ашшурга бостириб киради, Наира атрофини эгаллаб, Қора дегизизгача боради; барбда Сурия орқали Ўрта Ер дегизизига чиқади. Бу даврдан етиб келган ҳужжатларни ўргашган олимларнинг таъкидлашларича, Оссуриянинг қўпол ва жашовар характери шаклланиб, айниқса, Саргон II ва унинг ўғли Сенаххериб давридаги босқинчилик урушларида ёрқин намоён бўлади. Сўзсиз жуда катта қобилият эгаси бўлган Сенаххериб ҳокимиятта эришгач, ёввойи ва саркаш феъл-атворини намоён қилади. Унинг босқинчилик урушлари ваҳшийлиги ва бемақсад пафқатсизлиги билан ажралиб туради¹. Оссуриянинг бундай жанговар характери фақат шक्तिбий ва сиёсий ҳаётта таъсир этмасдан, қонушларда, адабиёт ва санъатда ҳам акс этади.

Оссурия шоҳларишиши босқинчилик сиёсати Тиглатпаласар III (тахминан мил. авв. 745 — 727 йиллар) ва Саргон II (мил. авв. 721 — 705 йиллар) даврида ҳам давом эттирилади. Саргон II ҳукмронлиги даврида Урартунинг пойтахти Тулиша босиб олинди, мамлакат таланади ва шундай вайрон қилишадикки, бошқа деч қачон ўзинга келмайди². Шу даврда Исроил пойтахти Самария ҳам забт этилади. Бу экспансия сиёсати мил. авв. VII асрда, шоҳ Асархаддон кўнишлари Мисрга босиб кириб, бу мамлакатни забт этишда ўзининг юқори тўққисига етади. Бу

¹ Қарағ: Оварин А.А. Восточная история и пророчества Вавилона. <http://banka.bible.com.ua/vs-istor/> — С. 8.

² Қарағ: Фрай Р. Наследие Ирана. <http://podabum.com/4.php?id=31868>. — С. 87—88.

воқеа мил. авв. 671 йили юз беради. Икки буюк вадийнинг тарихида биринчи марта бири иккинчисини забт этиди. Унча узоқ вақтга бўлмаса-да, Дажла дарёсидан Нилгача бўлган Қадимги Шарқ ягона империяга бирлашди; шоҳни «ернинг тўрт томони» ҳукмдори дея улувлан истаги энди орудан воқеликка айланди.

Бу даврнинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, Оссурия маъмурияти бўйсундирилган халқларни мамлакатнинг турли ҳудудларига мажбурий кўчириш сиёсатини олиб боради. Бу «аралаштиришлардан кутилган мақсад, турли қабилалар ўртасида мулоқотни қийинлаштириш, уларнинг Оссурия зулимига қарши исён кўтаришишиши олдини олиш эди. Бундан ташқари, Оссурия шоҳлари кўчаиб урушлар туфайли бўшаб қолган ҳудудларни ҳам тўлдиритишни режа қилган эдилар. Натижада халқлар ва тилларнинг аралашуви юз бериб, бу жараёнда оромий тили волиб чиқди ва Суриядан Эроннинг тарбий ҳудудларигача, ҳатто Оссуриянинг ўзида ҳам ҳукмрон тилга айланади.

Мисрда оссурияликлар ҳукмронлиги йиғирма йилдан камроқ давом этиди. Кейин Оссурия қандай тезлик билан юксалган бўлса, шундай шиддат билан ишқирозга юз тутди. Аفسоналарда Сарданпал деб аталган шоҳ Ашшурбанинал (мил. авв. 668—626 йиллар) Оссуриянинг охириги буюк ҳукмдори бўлса-да, унинг даврида ишқироз бутун бораиви билан намоён бўлди. Бу шоҳ тарихда ашаддий фахш ва ахлоқсизликнинг тимсоли бўлиб қолган. Ахлоқий бузуқлик фақат шоҳ саройини эмас, даярли бутун мамлакат аҳлини қамраб олди. Виждон, ахлоқ, итсоф ва қонун сингари тушунчалар йўқ бўлиб кетди. Оссуриянинг чекка ўкалари бирин-кетин ўз мустақиллигини эълон қила бошлади. Мил. авв. 625 йили Бобилнинг ноиб Набополасар ўзини шоҳ, мамлакатни эса Янги Бобил подшолиги деб эълон қилди ва оромийлар сулоласига асос солди. Бир йилдан кейин ундан ўрнак олган Мидия ноиб Киаксар ҳам ўз мустақиллигини эълон қилиб, қудрати тикланиб бораётган Бобил билан иттифоқда Оссурияга бостириб кирди. Мил. авв. 612 йили Оссуриянинг пойтахти Ниневия забт этилди. Набополасарнинг ўғли Наукудоносор мил. авв. 586 йили Яҳудиянинг пойтахти Иерусалимни вайрон қилиб, Миср чегараларига етиб борди ва Бобилни забт этишни якунлади¹.

Ишперия шу тарихқа қулади. Унинг кўркем саройлари ва ўта синчковлик билан тўланган ажойиб кутубхонаси минг йиллар-

¹ Қарағ: Москати С. Древние семитские цивилизации. www.ljmir.net/br/?b=151185&p=3. — С. 52.

га қумлар тагига қолиб кетди. Оссурия давлати қулагандан сўнг оссурияликлар ўз тилларини тўлиқ йўқотиб, оромий тилга ўтдилар.

Оссурия ҳалокатининг ҳайратомуз тезлик билан юз беришида яна бир сабаб машҳуд. Айнан инқироз арафасига келиб Оссурияда қўшин амалдорлар ва тоҳга яқин кишилардан бошқа тубжойли аҳоли деярли қолмаган эди. Оссурия «ўз талабалари оқибатида аста-секин сўниб боргани» билан бирга, юқорида айтилганидек, забт этилган халқларнинг Оссурияга ва, аксинча, оссурияликларнинг оммавий равишда забт этилган хуудларга кўчирилиши Яқин Шарқ халқларининг «миллий қаршилик кўрсатиши» лаёқатини сусайтирди ва бу ҳол Эроннинг кейинги муваффақиятларида катта роль ўйнади¹.

Шу тариқа Оссурия қулади — уш ўз қонунсизлиги ва мулоҳазасизлиги ҳалок қилди. Ҳалокат даҳшатли ва абадий бўлди².

Оссуриянинг ҳалокатидан сўнг халдейлар сулоласининг ҳукмронлиги остида Бобилнинг қисқа муддатли юксалиши юз берди. Аммо Бобилга форсларнинг таъсири ортиб бораётган эди. Мил. авв. 538 йили Буёқ Кир бошчилигидаги форс қўшнлари Бобилга бостириб кирдилар. Шу билан қадимги Месопотамия империялари тарихи яқун тоқди.

Аслида форс босқини ва Бобилнинг ўз сиёсий мустақиллигини йўқотиши Месопотамия цивилизациясининг барҳам топишига олиб келмади. Бобилликларнинг ўзлари ҳам форслар босқинини навбатдаги ҳукмрон сулоланинг ҳокимиятга келиши сифатида қабул қилдилар. Бобилнинг аввалги шоҳшухрати босқинчилар олдига маҳаллий аҳоли ўзини камситилган ва норасо ҳис қилмаслигини ташминлаш учун старам эди. Форсларнинг ўзлари ҳам бобилликлар маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлдилар.

Кейинчалик, мил. авв. 331 йил октябрда македониялик Александр Гавгамел ёнида форсларни тор-мор қилиб, Бобилга кириб келганда ва шу ерда тож кийганда ҳам Бобил ўзининг энг буёқ шаҳар мақомини сақлаб қолаётган эди. Икки дарё оралиғига эллишларнинг кириб келиши Месопотамия цивилизацияси учун бурилиш нуқтаси бўлди. Кўнлаб босқинларни бошдан кечирган ва босқинчилар маданиятини сингдириб олган бобилликлар бу сафар ўз маданиятидан анча юқори ма-

¹ Қаранг: Фрай Р. Наследие Ирана. <http://paulahunt.com/d.php?id=31668>. — С. 86.

² Қаранг: Рагозина З.А. История Ассирии: от возвышения ассирийской державы до падения Ниневии. — М.: 1998. — С. 349—350.

даният билан тўқнаш келганлиги маълум бўлиб қолди. Месопотамияликлар агар форслар билан ўзларини тенг ҳис қилган бўлсалар, эллишлардан ҳар соҳада паст бўлиб, буни ўзлари ҳам ҳис этганлар ва ана шу ҳиссиёт Месопотамия цивилизациясининг кейинги тақдири учун ҳалокатли бўлди¹. Аслида месопотамияликларнинг бу ҳиссиёти уларнинг ўзи учунгина эмас, бутун Яқин Шарқ цивилизациялари учун ҳам ҳалокатли бўлди. Шу даврдан бошлаб цивилизациялар ўртасидаги рақобатда Шарқ борган сари ортада қолиб борди.

Дин ва диний тизими

Қадимги дунёнинг бошқа машҳур шаҳарларидан фарқли равишда Бобил йирик сиёсий марказ ва, айни пайтда, дунёнинг диний маркази ҳам эди. Агар Бобил узоқ тарих давомида ўзининг сиёсий марказ родини тез-тез ва баъзан узоқ муддатта йўқотиб турган бўлса, диний марказлик ролини доимий ўзида сақлаб келган². Бу шаҳар дунё хоҳинларининг пойтахти эди. Унга Миср, Сурия, Элам, Оссурия, Эрон, Турон, Тир, Сидон, Арабистон, Мидия, Эфиопия, Лидия, Кичик Осиё ва бошқа жойлардан хоҳинлар йиғилиб, хоҳинлик сиполатини ўрганар, бош хоҳинга ўз мамлакатлари ҳақида маълумот етказар ва ундан буйруқлар олар эди.

Бобилнинг марказида баҳайбат Эсагила ибодатхоналар мажмуи — бош хоҳиннинг тураржойи, ўша давр Қадимги дунё сиёсатининг махфий маркази жойлашган. Эсагила мажмуининг марказида машҳур Бобил миносаси ўрнида қурилган Этеменанка ибодатхонасининг миносаси тўғрисида Бобилнинг буёқлиги ва абадийлигини кўз-кўз қилиб, савлат тўқиб турарди. Бобилда Эсагиладан ташқари, ўша даврдаги бутун дунёнинг худоларига бағишланган ибодатхоналар ҳам кўп эди. Аммо бобиллик семитларга руҳан энг яқин халқ шумерлар бўлиб, уларнинг худоларига алоҳида эҳтиром кўрсатилар, икки халқ ўртасидаги

¹ Орадан минг йил ўтиб айван шу ҳиссиёт чегаралари қарбда Византия, жанубда Эрон ва, ҳатто, Хиндистон билан, шарқда Хитой билан тўтланган Қадимги Турк цивилизацияси ҳалокатига ҳам сабаб бўлди. Қадимги Турк цивилизацияси ушбу цивилизацияларнинг (араб-ислам цивилизациясининг ҳам) мафқуровий экспансиясига бардин бера олмасдан ҳалок бўлди.

² Лео Опенхейм «мен шпонамани, Месопотамия динини тизиман баён қилиш — бажриб бўлмайдиган валифа ва бундай мақсадни умуман кўймаслик керак» деб ҳисоблайди. Қаранг: Опенхейм А.А. Древняя Месопотамия. Портрет погибшей цивилизации. <http://www.tvirpx.com/№/875332/>. — С. 225.



Ашшур. Ашшур шаҳридаги ибодатхона деворига ишланган бۇртма нақш.

ўзаро алоқадорлик бирон-бир соҳада диний эътиқод ва маросимлардагидек яққол аёс этмаган эди. Бобил ва Оссурия пантеонларида яна шумерларнинг самовий худолари: осмон, ҳаво ва ер худолари савлат тўкиб турарди. Уларнинг номлари ҳам ўзгармаган: Анну, Энлил ва Эа (Энки). Қуёш, Ой ва тош юддузи Зухра ҳам машҳуд, ammo уларнинг номлари энди ўзгача: Сии, Шамаш, Иштар ва Таммуз¹. Уларнинг функцияларида эса деярли ўзгариш бўлмаган.

Маҳаллий худоларнинг ҳолати бироз бошқача, улар ўз табиатига кўра бошқа халқлар томонидан енгилгиша

қабул қилиниши мумкин эмасди. Шу сабабли Бобилда ҳам, Оссурияда ҳам ўз маҳаллий худолари бўлиб, улар шу доирадагина эъзозланади. Бобилнинг Хаммураши сулоласи даврида маҳаллий худо Мардук барча худолардан юқорироқ улуғланган ҳамда Оламни яратган ва тартибга келтирган худо сифатида самовий худоларнинг энг улуғи даражасига кўтарилаган. Оссурияда маҳаллий худо мамлакат халқи ва давлат пойтахти сингарини Ашшур деб аталади. Бу худо оссирияликлар каби жангбар ва шу халққа хос бошқа хусусиятларга ҳам эга бўлган.

¹ Бобилнинг афсонавий асосчиси Нимроднинг Семирамуз исми хотини бўлиб, у жуда ўйноқ ҳаёт кечирган. Нимрод ўлгандан сўнг ўзининг никоҳсиз туғилган ўми Таммузнинг (Думуз) отасини худо деб эълон қилган Семирамуз, бивақт вафот этган ўзининг худо даражасига кўтарилади ва 25 декабрни Таммуз куни деб нишонлашни буюради. (Кейинчалик 25 декабрь Эронда Митранинг туғилган куни сифатида нишонланган). Христианлик қабул қилингандан Исо Масиҳнинг туғилган куни номасъум бўлганлиги сабабли император Константиннинг буйруғига кўра 25 декабрь «Рождество байрами» деб эълон қилинади ва шу одат бугунгача давом этиб келмоқда. Қаранг: Опарин А.А. Всемирная история и пророчества Библии. <http://nauka.bible.com.ua/vs-istor/> – С. 20.

25 декабрь. Исо Масиҳнинг туғилган куни эмаслигини бошқа олимлар ҳам таъкидлайди. Қаранг: Джеймс П., Торн Н. Тайны древних цивилизаций. <http://psidabum.com/d.php?id=19655>. – С. 148.

Бундан ташқари, бобилликлар ва оссирияликлар диний эътиқодларидаги ўзига хосликни диний ҳаётнинг ўзгаришчанлигида, ривожланишида ҳам кўриш мумкин. Бу орда шу пайтгача маълум бўлмаган худолар пайдо бўлади – масалан, олий худолар ҳузурда мулозим ва котиб ролини бажарувчи ёзуш ва дошимадлик худоси Набу. Бу худо илгариги даврларда утрамайди, чунки унинг функциялари тараққиётнинг маълум даражаси билан, яъни ёзувнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Баъзи худолар маълум этник гуруҳгагина тегишли, масалан, Адад – аморийлар худоси. Бундан ташқари, давлат марказлашгани сари пантеоннинг тузилиши ҳам у билан бирга такомиллашиб ва мураккаблашиб боради, уларнинг мақоми энди аниқ шароитдан келиб чиқиб белгиланади: Мардукнинг юксалиши, бошқа худоларга хос бўлган хусусиятларнинг унга берилиши бобилликлар сулоласининг сиёсий ҳукмронликка эришиши билан боғлиқ эди.

Айни пайтда, худолар билан бирга, иблисларга ҳам чин дилдан эътиқод қилинган. Бу ўта зарарли жинлар – одатда, таомилга хос қилиб кўйилмаган кишиларнинг арвоқлари. Улар ташасининг бир қисми инсонга хос бўлса, бошқа қисми ҳайвонларга хос бўлади. Улар қоронғу ва кимсасиз жойларда пайдо бўладилар. Бундан ҳам ёмони, улар кўришмасга айланиши ва турли шаклларга кириш қудратига ҳам эга. Шу сабабли улардан қочиш қутулиб бўлмайди. Бу ҳақда матналардан бирида шундай дейилади:

*Этлик ёки зулфин уларни тўхташи олмайди;
Балиғ ва қалин деворлардан тўлқиндай ўтади;
Улар уйдан-уйга сакрайди...
Эшиклар тагидан шондай сугралаиб киради¹.*

Месопотамия диний дунёқарашининг характерли жиҳати шундаки, инсоннинг бошига тушадиган барча бахтсизлик ва кулфатлар иблисларнинг фаолияти туфайли юз беради, деб тушунилади. Айни пайтда, иблисларнинг инсон ҳаётига аралашуви, масалан, унга жисмоний азоб келтириш (айтайлик, бот ёки қорин оғриғи), шу инсоннинг гуноҳлари учун жазо сифатида қаралади. Албатта, бундай тоя анча кейинги даврларда ҳам учрайди, ammo, Қадимги Месопотамия динига хос жиҳат шундаки, эзгу амаллар ҳам инсонларни иблислардан сақлай олмайди:

¹ Мисқати Сабатино, Цивилизация Древнего Востока. – М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. – С. 74.

иблиснинг инсон жисмига эгаллаш эҳтимали ҳар доим мавжуд бўлади.

Шу сабабли иблисларни ҳайдап керак. Бу ип қоҳинларнинг кўп сонли қатламига тошпирилиб, улар турли хил усулларда, афсун ва дуолардан фойдаланадилар. Юқори малакали қоҳинларнинг ўзига хос гильдияси мавжуд эди¹. Афсунгарлик бу қоҳинлар томонидан пухта ишлаб чиқилган маросимлар билан тўддирилади. Масалан, энг аҳамиятли бобил-оссурия маросимларидан бири – касал кишини даволаш учун у бирон-бир ҳайвон билан алмаштирилади. Иблисни алдаш учун касалнинг устига бирон-бир ҳайвон, масалан, мушук ётқизилади; иблис ҳайвонга ўтади, касал киши эса ундан фориш бўлади.

Қоҳинларнинг алоҳида гуруҳи фолбиллик ва баҳорат билан шуғулланган. Фолбилликнинг кенг тарқалган усули ҳайвонларнинг жигарини диққат билан ўрганишга асосланган. Археолог олимлар томонидан жигарнинг лойдан ясалган кўплаб нусхалари топилган, уларнинг қисмларига белгилар қўйилиб, ҳар бирининг аҳамияти ёзиб қўйилган. У даврда ҳар бир нарсада ўзига хос аломатли кўрганлар. Масалан, ит билан боғлиқ аломатлар:

Агар ит инсоннинг йўлига турса: тез орада у киши тўсиққа учрайди.

Агар ит инсоннинг ёнига турса: худолар у кишига ҳомийлик қилади.

Агар ит инсоннинг тўшагига ётса: у киши худоларнинг язабига учрайди.

Агар ит инсоннинг стулига ётса: у кишининг кетидан хотинини ҳам кулфат кутади.

Агар ибодатхонага оқ ит кирса: бу ибодатхонанинг пойдевори мустаҳкам бўлади.

Агар ибодатхонага қора ит кирса: бу ибодатхонанинг пойдевори мустаҳкам бўлмайди.

Агар ибодатхонага жигарнинг ит кирса: бу ибодатхона гуллаб яшнайди.

Агар ибодатхонага сариқ ит кирса: бу ибодатхона гуллаб яшмайди.

Агар ибодатхонага ола ит кирса: бу ибодатхона худоларнинг марҳамати кутмоқда².

¹ Қаринг: Оппенхейм А. А. Древняя Месопотамия. Портрет погибшей цивилизации. <http://www.belpix.com/file/875332/>. – С. 99.

² Москатя Сабатина. Цивилизация Древнего Востока. – М.: ЗАО Центрполиграф, 2010. – С. 76–77.

Турли ҳайвонлар, инсон танасидagi ўзгаришлар, хуллас, ҳамма нарса маълум ҳолат ёки ҳодисадан далолат беради, ўз аломатига эга.

Баҳорат илми бутун дунёни Бобилдан миниатдор қилган фаннинг, хусусан, астрономиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Ҳақдоқ турғилини пайғида юлдузларнинг жойлашуви, уларнинг ҳаракати ва бир-бирига тўғри тутиши, ҳатто, чарақлаган нурлардаги позик фарқ ҳам боланинг келажагига ишора деб қаралган ва шу сабабли зўр бериб ўрганилган. Ибодатхоналарнинг мишораларида расадхоналар ташкил қилиниб, мунажжимлар томонидан юлдузлар ҳаракати астойдил қайд қилиб борилаган; улар, ҳатто, юлдузларнинг тутилишини ҳам олдиндан айтиб бера олганлар. Астрономия билан боғлиқ ҳолда математика ҳам ривожланган, чунки ўлчамнинг аниқлиги ва тўғри ҳисоб-киتاب астрономия учун ҳам муҳим эди.

Аmmo бу ютуқларга қарамасдан, бобилликлар диний ҳаёти, асосан, ўта қайғули тасаввурларга бой ва умидсиз бўлган: инсоннинг ёвуз кучлар таъовузидан қутулиб қолишига ҳеч қандай қафолат йўқ; қачонлардир ёвуз кучлар тўлиқ маҳв этилиб, яхшилик тантана қилишига ҳам ишонч йўқ; нариги дунёда яхши амаллар мукофотланишига ҳам умид қилиб бўлмайди. Бундай диний қараш ижтимоий психология даражасида цивилизация учун жуда қудратли хавфга ва даҳшатли фожиага айланади. Бу фожиа, айниқса, адабиётда яққол акс этган; бу адабиёт ўзи ҳам жавоб бера олмайдиган бир хил саволларни доим ўртага таплайди: бугунги ҳаётнинг моҳияти нимада? Эртанги кундан нима кутса бўлади?

Бу саволларга ижобий жавобнинг йўқлиги жамиятда, эртанги кунга бўлган ишончнинг сундиради ва охир-оқибатда бутун бошли цивилизациянинг инқирозига сабаб бўлган қудратли омиллардан бирига айланади.

Бу – тарихнинг ўта қайғули сабоқларидан бири.

Адабиёт

Оссурия адабиётининг кўпчилик қисмини юқори сифатли деб бўлмайди. Лой тахтачалар, одатда, эски матнларга изоҳлар, астрологик ёзувлар, соҳр-жоду ва баҳоратлар билан тўла бўлиб, уларга шоҳ Асарходдоннинг қизиқиши, айниқса, катта бўлган. Аввалгиси ишбатан астрономия ривожланади, бироқ билгача этиб келган матнларнинг асосий қисмини забт этилган шахарлар, бўйсундирилган қабилалар, асир олинганларни даҳшатли қийноққа сомити ва қата қилишлар баёни ташкил қилади; бу матнлар тарихий

манба сифатида муҳим, бироқ уларнинг бадиий қиймати жуда паст¹. Бобил ва Оссурия адабиёти жуда бой ва кеш масалаларни, жумладан, инсоиятнинг фундаментал муаммоларини ва ҳукмрон дин доирасида улар ечимини ҳам қамраб олган. Аммо сюжетларнинг ўзига хослиги, муаммонинг муҳокамаси ва ечимида Бобил ва Оссурия маданиятларининг Шумер маданияти билан боғлиқлик масаласи яна учрайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу маданиятлар ўртасидаги боғлиқлик бирон-бир соҳада диний эътиқод ва маросимлардагидек кўзга ташланмайди, булар эса, айниқса, адабиётда ёрқин акс этади. Бобил ва Оссурия адабиётида шумер адабиётининг жанр ва йўналишлари ҳам, асосан, сақланиб қолган.

Оламнинг яратилиши тўғрисидаги шумер мифларида бутун яратувчилик фаолияти турли худолар ўртасида тақсимланган бўлиб, асосий худолар тарзида Энлил ва Энки қараларди. Бобилда² оламнинг яратилиши ҳақидаги миф Бобилнинг асосий байрами — Янги йил (ёки Акигу) билан ассоциялаштирилган сабабли, у мифлар пиллаоясида юқори ўринга кўтарилади. Бу миф «Энума Элиш» («Қачонки юқорида...») деб номланган литургиқ поэмада ўзининг тўлиқ ифодасини топган. Поэмада асосий роль ўзида самовий тартибни мужассамлаштирган худо Мардукка берилган, айнан у ибтидоий хаоснинг тинчсиз бўлган маъбуда Тиаматни енгади, «тақдирлар жадвали»ни қутқариб қолади ва поэмада баён қилинган яна бир қанча яратувчилик амалларини бажаради. Мардук мағлуб маъбуданинг тапасини иккига ажратиб, ярмидан осмонни, қолган ярмидан ерни яратади. Бу ажойиб ифода ва Қадимги Шарқ менталлигига яхши мисол: илоҳий зот самовий унсур билан бирлашади, зотан иккаласи ҳам битта ҳаётдан озикланади — Тиамат бир пайтда ҳам маъбуда, ҳам Коинотнинг бир бўлаги.

Шу тариқа ер ва осмонни ташкил қилган Мардук ўзининг оламини яратиш ишини бошлайди, айтиш лозимки, бу яратиш сўзиш шумер ва аккададаги маъносиде қўлланилган. Бу мутлақо янги материяни яратиш бўлмасдан, дунёни тартибга келтириш, мавжуд хаос ва коинотни тубдан ўзгартиришдир.

¹ Қаранг: Фрей Р. Наследие Ирана. <http://padabum.com/d.php?id=31688>. — С. 90.

² Қулайлик учун Бобил мифлари деб аталади, аслида уларнинг вўжилиси оссуриялик хаттилар томонидан ёзилиб, Оссурия шоҳи Ашшурбанивал кутубхонасида сақланган. Батафсиз қаранг: Хук С. Мифология Ближнего Востока. — М.: Центрполиграф, 2009. — С. 34.

Шу концепция поэманинг қолган қисмида ҳам асосий ўрин эгаллаб, осмон ва ердан кейин юлдузларнинг яратилиши баён қилинади:

*Буюк худоларга манзиллар қурди, у
Юлдуз сайёраларни у яратди, худолар монанд.
У бир йил тақсимлади — суратни чизди:
Юлдузми ўн икки оиларни учталаб қўйди.
Йилнинг кунларини осмонга чизганида у,
Неберу манзилини ўрнатди,
Қолган барча юлдузларга марказни кўрсатишмоқ учун.
Ҳеч ким гуноҳ қилмасди, алтифотсиз ҳам бўлмасди!
Неберунинг ёнларида у Энлил ва Эга манзиллар қурди.
Икки самовий томонлардан гарвозалар очди у.
Ўнгдан ва чапдан зулфими қўйди.*

Шундай қилиб, оламини яратиш ҳодисаси мавжуд борлиққа тартиб ва шакл бериш деб қаралади. Юлдузларни баён қилишдан ўсимликлар ва ҳайвонларни, охири эса инсонни таърифлашга ўтилади. Инсоннинг вазифаси, яратилиш сабаблари аниқ шакллантирилади. Бу жуда муҳим сабаб: инсоннинг вазифаси худоларга хизмат қилиш. Поэма Мардукнинг қолибона тантанаси билан якулланадики, бошқа худолар уни самовий иерархиянинг энг юқори поғонасига кўтарадилар.

Мифларнинг кейинги тури олам тошқини ҳақида. Узук-юлуқ парчалардан иборат шумер мифи анча кенгайган ва олам тошқини ҳақидаги мифнинг бобилча варианты «Гилгамеш ҳақида эпос»нинг бир қисмига айланган.

Қасаллик ва ўлимдан ҳалос бўлиш ҳамда абадий ҳаётни излаш муаммолари шумер мифологиясида деярли йўқ эди, аммо, бу мавзу семит мифларида кўзга яққол ташланади. «Гилгамеш ҳақида эпос»да бу муаммо қаҳрамон Гилгамеш олдиде дўсти Энкиду ўлгандан сўнг пайдо бўлади. Энкидунинг ўлимдан сўнг Гилгамешни бир кун келиб униш ҳам ўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр кўркилиб юборади: «*Мен ҳам ўлганимда Энкидуга ўхшаб қалмайманми? Мени кўрқинч босди, ўлимдан кўркилиб, мен чўлиш келиб юрибман*»¹. Ўлимдан қутулиб қолган ва абадий яшашининг сирини топган ягона одам Гилгамешнинг аждоғи Утнашштим бўлиб, у шумерларнинг олам тошқини ҳақидаги афсонаси қаҳрамони Зиусудранинг бобилча аналогиси

¹ Хук С. Мифология Ближнего Востока. — М.: Центрполиграф, 2009. — С. 42–43.

эди. Гилгамеш кўплаб қийинчиликларни енгиб, абадий яшап сириши билип учун ўз аждоди Утнапиштимни топади. Утнапиштим ушга худолар ўзлари учун ҳаёт ва ўлимнинг сирини сақлаб қолганлиги ва олам тошқини ҳақида гапириб беради ҳамда бу «худолар сирини» эжаълига тўғрисида огоҳлантиради. Худолар тошқин орқали ердаги ҳаётни йўқ қилиб ташлашга қарор қиладилар ва Эа бу сирдан Утнапиштимни огоҳ этади. Эа «ердаги барча жонли мавжудотнинг авлодиги» олиб ўтип учун Утнапиштимга кема ясашни буюради (Нух кемаси ҳақидаги воқеалар ҳам шундан олинган). Шу усулда одамларни ўлимдан сақлаб қолган Утнапиштим ва унинг хотинига Эпшл худоларгагина хос бўлган абадий ҳаётни тўхфа қилади. Шу билан олам тошқини ҳақидаги ҳикоя якунланади.

Бобил адабиётида худолар ва қахрамонлар ҳақидаги мифлардан ташқари бой лирик поэзия ҳам маъжуд бўлиб, унда диний мавзу тўлиқ устуналик қилади. Шумерлардаги сингари бу ерда ҳам худолар ва ҳукмдорларга бағишланган мадҳиялар асосий ўрин эгаллайди. Хусусан, қуён худоси Шамашга бағишланган мадҳияда шундай дейилади:

*Шамаш, осмон ва ернинг моҳияти,
товариқлар ва дўзахиларнинг хўжаси,
худоларнинг машъали,
одамларнинг йўлбошчиси,
қоронғуликни ҳайдовчи,
машъалларни ёқувчи,
кишанларни узувчи,
одамларни тириктирувчи.*

Панд-насихат ва ўқув адабиёти биз қараб чиққан шумер адабиётини деярли айнан такрорлайди. Баъзи метал ва мақоллар жуда аниқлиги билан ажралиб туради ва ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Масалан:

«*Ҳовуз қуриб қлмаганча чанқоқ ҳақида ўйламаймиз*» – демоқтики, биз бойликни, бахт-саодатни ундан ажралгандан сўнг қадрлаймиз. Биздаги «*Олдиндан оққан сувнинг қарри йўқ*» мақолига мос келади, ёки: «*Мен ўзим бормаганимда, ким мен билан бирга борарди*» мақоли биздаги «*Ҳар эзу ишга ўзинг ўрнак бўл*» насихатига мос тушади.

Поэтик асарлар ва панд-насихатлардан ташқари кўплаб прозаик матнлар ҳам сақланиб қолган. Аввало, бу тарихий йилномалар – анналлар. Бундан ташқари ёзишмалар, ҳисобот-

лар ва ёдгорлик тошлари; лингвистик характердаги матнлар; илмий ишлар, асосан, математика ва астрономия бўйича. Хужжатларнинг энг кўч соғли турухи хатлар, иқтисодий мазмундаги матнлар ва юридик ҳужжатлардан ташқил тошган бўлиб, улар бобил ва оссурия жамиятларининг тузилиши ва характерини яқиндан ўрганиш имконини беради.

Бу матнлар ичида ҳеч бўлмаса қисқача таҳлил қилиниши лозим бўлгани юридик ҳужжатлар бўлиб, улар ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб боради ва Месопотамия менталитетининг энг тишиқ томонларидан бирини акс эттиради. Шу жиҳатдан Месопотамия Мисрда тўлиқ эйд; Мисрда умуман кодекслар бўлмаган, Месопотамияда эса қону ҳам ижтимоий, ҳам хусусий ҳаётни тўлиқ тартибга солиб турган. Муҳими, бу диний қонулар бўлиб, маросимларнинг бажарилишига ўнгилик, одам ўлдириш каби жиноятлар билан бир хил даражада қаралган, зеро, месопотамияликларнинг фикр ва амаллари дин билан бевосита боғланиб кетган.

Мисол тариқасида Хаммураши кодексини қарап мумкин. Ҳозирда маълумки, бу кодекс Месопотамияда энг қадимги ҳам, ягона ҳам эмас, аммо, у энг тўлиқ сақланиб қолгани бўлиб, шу сабабли ўз даври ва дунёсида батафсил акс эттиради.

Адабий шакл жиҳатидан бу кодекс шумерлар даврида давом эттиради: муқаддима, қонуларнинг ўзи ва хотима. Қонуларнинг ўзи турли хил алоҳида ҳодисалар тўплами бўлиб, бу ҳам шумерлар учун характерли бўлган жиҳатдир. Бу ерда умумий принциплар йўқ, фақат алоҳида ҳолатлар ва уларнинг ечими келтирилган, ҳолос.

Хаммураши кодекси – Месопотамия юридик анъаналаридан бор-йўри бир повона, аммо, жуда муҳим повона. Бобилда, булук шоҳлар даврида, гуллаб-яшнаётган ва қудратли давлат ҳомийлигида адабиёт, санъат, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт мисли кўрилмаган даражада ривож топди. Шумерлар мероси билан ушга семитлар қўшган ҳисса ажойиб бир тарзда уйғуллашиб кетдики, илгари ҳеч қасрда бундай бўлмаган эди. Айнан шу уйғунлик сабабли Хаммураши даври Бобил-Оссурия цивилизациясининг энг юксак даражаси ҳисобланади. Булук шоҳ, жангчи ва дипломат, ибодатхоналар ва коналар бунёдкори бўлган Хаммураши эса ана шу цивилизациянинг энг ёрқин намояндаси ва ифодаси бўлиб қолди.

Санъат

Бобилликлар ва оссурияликлар шумер санъатининг мустаҳкам пойдевори устида улар қарашлари



Зиккурат.

ва анъаналарининг асосий жиҳатларини сақлаб қолган янги санъатга ҳаёт бахш этдилар. Бу санъатнинг шумерларчикига nisбатан узоқроқ даврга ва анча кенг маконга ёйилганлиги шиги мустақил унсурларнинг пайдо бўлиши — айниқса, турли хил бадий шаклларнинг амалий қўлланилиши учун имкон яратди.

Бу даврда Месопотамиянинг икки таркибий қисми — Бобил ва Оссурияда маданий ҳаёт бир-биридан сезиларли фарқ қилади. Оссурия маданияти nisбатан ёш ва унинг Бобил маданияти билан муносабатини тахминан Бобил ва Шумер маданиятлари ўртасидаги муносабатга таққослаш мумкин: анча қўшол ва қолоқ маданият ривожлашган маданиятга намуна қилиб олади, унинг унсурларини ўзлаштиради, кейин уни ўз табиий ва тарихий шароитларида ривожлантиради.

Агар Оссуриянинг ilk ривожланиш даврида бобилча образларга кўр-кўрона тақлид қилиш устун бўлса, кейинчалик, ишчилик даврида аста-секин маҳаллий хусусиятлар кўзга ташланиб боради. Бу хусусиятлардан айримлари моддий характерга эга бўлади, масала, тош захираларининг mavjudлиги мрамр устулларни архитектура иншоотларининг функционал унсурга айлантиради. Мавзулар ҳам ўзига хос жиҳатлар касб этиб, масала, жантовар сахналар устивор бўлиб боради. Кош-

централ ўзгариш — инсоннинг худодан узоқлашини юз беради ва бунинг натижасида худоларни акс эттириш тўлиқ барҳам тошади ёки улар тимсоллар билан алмаштирилади.

Архитектура соҳасида ашвалидек ибодатхоналар ва миноралар қуриш давом эттирилиб, айниқса, миноралар янада билац ва ҳашаматли тус олади. Ибодатхоналар қуришнинг зиккурат («муқаддас тоғ») деб ном олган янги шакли пайдо бўлади. Бу зиналар орқали чиқиладиган тежалик бўлиб, унинг устида кичикроқ ибодатхона қурилаган. Зинанинг pastки қисми — қора, ўрта қисми — қизил ва юқори қисми оқ рангли бўлаган. Бу «Осмонга йўл» деб аталиб, анча содда рамзий матнога эга бўлаган.

Бу даврда мавзу жиҳатидан биполарнинг ўзгача бир тури — шоҳ саройларини қуриш ҳам авж олади ва бундай саройлар катта шаҳарларнинг тимсолга айланиб қолади. Биполар қурилишининг шумерча тизими янада такомиллашади: саройларнинг ички ҳовлилари кўпаяди, улар атрофидаги хоналарда фақат монарх ва унинг овласи эмас, кўплай мулозимлар, амалдорлар, котиблар, хизматкорлар ва қоҳилар ҳам жойлашади.

Айниқса қоҳиларнинг саройда жойлашиши муҳим аҳамият касб этади, chunkи саройнинг айрим хоналари энди ибодатхона ролини ҳам бажаради. Шу тариқа жамиятнинг шигихани доим ўзига жалб қилиб турувчи ибодатхоналар ўрнини аста-секин тоғ саройлари эгаллайди ва бу ҳол архитектурада ҳам ўз аксини тошади: энди саройлар янада муҳташам ва маҳобатли тус олади. Оссурининг барча шоҳлари шундай саройларга эга бўлаганлар. Масалан, Семит цивилизацияси ривожланишининг ибтидосида, мил. ав. II миш йиллик бошларида Месопотамиянинг Мари шаҳрида қурилган сарой 260 та хона ва ички ҳовлилардан иборат бўлаган. Ёки ўша даврнинг энг катта шаҳри Бобилда Этеменанки худосига бағишлаб қурилган етти қаватли (ярусли) зиккурат — машҳур Бобил минорасининг баландлиги 90 метр бўлиб, у дунёнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланади. Унинг кўкаламзорлаштирилган айвони мил. ав. IX асрда яшаган Оссурия маликаси ном билан Семирамида осма боғи сифатида машҳур бўлиб, у ҳам дунёнинг етти мўъжизасидан бири саналади.

Аmmo бобил-оссурия санъатининг тантанаси, бу санъат ўзининг энг юқори даражасига етишган шакл — бўртма пақда мақол намойи бўлади. Шумерлар ҳам бу санъат тури-

ни ўзлашган, ammo фақат бобиллик ва оссурияликларда у санъатнинг устувор шаклига айланган; эски усулларга янгилари қўшилиб, уйғун тарзда бадний мукамалликнинг юксак даражасига кўтарилди.

Шумерларда мавжуд бўлган хотира тошлар, муҳрлар, тўрт-бурчак тошларга ишланган бўртма нақш ва бошқа санъат турлари ҳам Бобил-Оссурия даврида янада ривожлантирилди. Кичик шакллар — ҳайкалчалар ва металл пластинкага туширилган қабарик расмлар ҳам Оссурияда ўз ўрнига эга бўлди.

Шундай қилиб, Месопотамия цивилизацияси учун охиригиси бўлган сиёсий итқироз арафасида жуда катта ҳудудга тарқалган санъат тараққиёт даражасида ва маҳоратда ҳайратланарли ютуқларга эришади. Уч минг йиллик умумий тарих билан бовланган шумерлар ва аккадликларнинг сермахсул иттифоқи инсоният тарихидаги энг буюк маданиятлардан бирини яратди. Гуллаб-яшнаш учун қулай географик муҳит ва шундай ташкил қилинган иқтисодий ҳаёт, ўз географик чегараларидан чиқинга доимий иштиблиб келган сиёсий куч ҳамда унинг таъсирида турли қабилалар ва йрқларга мансуб аҳолининг тинч бирлашуви — буларнинг барчаси биргаликда Месопотамия цивилизациясини яратди ва у турли жабҳаларда: эътиқод ва динда, ёзув ва қонуларда, фан ва санъатда ажойиб бир тарзда акс этди. Ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини қамраб олган дин ва эътиқод бирлиги жамиятда тенглик ва уйғунликни таъминлади. Маданиятда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган субъективизм ҳали пайдо бўлмаган эди, фалсафий, илмий ва эстетик тафаккур ҳали учга бўлишмаган, бир бутун қолда мавжуд эди; ammo Месопотамия маданиятидек ҳамма соҳани қамраб олган мустақкам бутунликка эришилг кейинги цивилизацияларнинг жуда камдан-камга насиб қилди.



II БОБ

ҚАДИМГИ МИСР ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ



«Сен булжасан, Нил! Сенинг суяларинг худоларга ва одамларга ҳаёт бахш этади».



Қадимги Миср.

Осирига башиланган Қадимги Миср¹ мадҳиясида Рамзес IV айнан шундай куйлайди ва айтиш мумкинки, ушбу мисралар мамлакат тарихи ва маданиятининг моҳиятини ёрқин акс эттиради². Зотан, Геродот ўта маъмурдор ва таъсирли қилиб айтганидек, Миср – Нилнинг инъоми. Бу дарё Эфиопия тоғларидан тушиб, Ўрта Ер денгизга етиб келгунча юзлаб километр Африка қумлиқлари оралаб ўзига йўл очиб боради. Нилнинг иккала қирғовида ҳаёт қайнайди. Одамлар Нилни наоҳийлаштирадилар, уша сирнадилар.

Нил ва ушаш атрофидаги ҳосилдор ерли мисрликлар дунёда ҳамма нарсадан яхши кўрадиган, ўзларининг сағъат асарларида акс эттиришни севадиган гулга – шилуфарга ўхшатишган.

¹ Мисрликлар Нилни Хатир, кейин Хени, Пигур (қадимси фирхча номи Парана), оссурияликлар эса Тихр, Нахатра деб аташган. Қаранг: Турюев Б.А. Истрия Древнего Востока. <http://historik.ru/books/item/f00/s00/z001x044/s011.shtml>. – С. 53.

² Миср (مصر) араб тилининг миср шеъасиди «масар», араб адабий тилида эса «мисра» деб ўқилади) ерқоли тилларида Египет деб аталади, қадимги мисрликлар Хи-Ку-Пта (Ка Штанин уйи), физикшамликлар Хикунга, қадимги жопонлар «Айзюпитси» (Айрхтос) деб аташганлар, улардан аслии тилга Аедурлис шаклида ўтган ва «Едурис» тарихида бутун европа тилларига тарқалган.

³ Қаранг: Хук С. Мисрнинг Янги Восток. – М.: Цетрполиграф. 2009. – С. 70.

Агар Мисрнинг харитасига диққат билан қарасаңыз, у ростдан ҳам ингичка узун шохча охирида очилаётган гулга ўхшайди. Гул – бу елпичини эслатувчи Нил дельтаси, шохча эса эгилиб-букилиб оқайтган дарё ўзани. Бу гулнинг ҳаёт манбаи Африканинг қоқ юрагидан бошланадиган Оқ ва Мовий Нилнинг суяларидир.

Қар қандай мамлакатнинг тақдири маълум мезонда унинг жойлашуви, рельефи ва об-ҳавоси билан боғлиқ. Қадимги Миср эса дунёдаги ботқа мамлакатлардан кўпроқ даражада шу факторларга қарам бўлган³. Чунки Миср – бу Нил водийси. У икки томондан ҳам қумлиқлар билан сиқиб қўйилган тор ҳосилдор ердан иборат. Мисрликлар ана шу бир қулоч ерда, гуё олам яралганда худолар томонидан улар учун махсус тўшаб қўйилган сеҳрли пиллаи устида сиқилиб яшапди ва шу ерда абадий макон топиш учун ҳаракат қилишди.

Шу бир қулоч ҳосилдор ер ҳозирги Миср худудининг 3,5 % ни ташкил қилади. Қолган 96,5 % и қимсасиз саҳродан иборат. Бугун ҳам худди қадимдаги сингари Миср аҳолисининг 99,5 % и мана шу ўзлаштирилган ерда истиқомат қилади, бу ер уларни боқайди. Бу ерда бир кв. км. да 1200 киши яшайди⁴.

Қадимги мисрликларда ўзлари ўзлаштириб олган шу бир қулоч ҳосилдор ердан ташқарига чиқиш учун эрзиғулик сабаб бўлмаган. Бу ҳосилдор ерли икки томондан ўраб турган тоғлар ўзига хос чегара бўлиб, мисрликларни ташқи дushmanдан ҳам ҳимоялаб турган. Миср улар учун қузур-қаловат. «ноёб, қатга воҳа, ёввойи тўлдаги инсон қўли тегмаган боқира бот» эди. Улар бу «бот»ни эъзозлаб, «Кёти» – (мамлакатнинг қадимги мисрча номи сўзма-сўз таржимада: ҳосилдор тупроқ рангидан – «Қора» деб аталган)⁵ Қора тупроқ деб аташган. Қора тупроқ⁶ – бу китиларнинг тинимсиз меҳнати туфайли жилво-

³ Халқнинг тарихий тақдирини тўлиқ табиий муҳитта боғлаб қўлини географик фатализм ҳақида топ китиларини.

⁴ Қаранг: Францифурт Г., Франкфурт Г.А., Уилсон Дж., Якобсон Т. В преддверии философии. Духовные искания древнего человека. <http://www.twinkl.com/links/251404/>. – С. 32 (Тақдослағ учун: – М., ҳозирда Европанинг аҳоли энг энг жойлашган дельтаси Бельгияда 1 кв.км. да 700 киши, Ява оғлида эса 900 киши истиқомат қилади).

⁵ Қаранг: Монте Пигр. Полюсденнинг жазыи египетин во времена великих фараонов. <http://annales.info/egypt/monte/egyptind.htm>. – С. 9.

⁶ Маълумот учун: ҳозирги кунда қора тупроқ ер юзидати барча ҳайдамдиган ерларнинг 2 % ни ташкил қилади ва унинг қарийб ярми Россияга тўғри келади.

лашган Нил тошқинлари катта-катта майдонларга оқизиб келган ҳосилдор тушроқ. Мисрликлар бу Қора тупроқда йилга уч мартагача мўл ҳосил ундирганлар. Аммо бу ҳол сув етиб бортан водийтағина тегишли; ундан нарида сувсиз қумликлар — чексиз Қизил ер ястаниб ётибди.

Миср цивилизациясини кўпинча асосан равишда воҳа цивилизациялари билан таққослашади: узунлиги анча тўзилиб кетган жуда катта воҳа ҳамма томондан саҳро билан ўраб олинган ва шу тариқа ташқи дунёдан ҳимоланган. Миср тарихининг эш сўнгги давригача, ҳатто, Нил дельтаси аҳолиси ҳам ташқи олам билан жуда кам алоқада бўлган. Албатта, улар Сурия, Крит ва Финикия каби ривожланган мамлакатлардан ёғоч, нефть ва зарғарлик буюмлари олиб келишган, Нубия ва Судан билан жадвал савдо қилганлар. Аммо чет давлатлар билан савдо ҳукмрон сулола ихтиёрида бўлиб, маданий алоқалар жуда чекланган эди. Бу ҳол қадимги мисрликнинг олам ҳақидаги тасавури, хусусан, унинг учун характерли бўлган этномарказчилик феноменининг шаклланишига олиб келади. Зеро, қадимги мисрликлар тилида «одам» сўзи фақат «мисрлик» маъносини билдирган.

Шу тариқа Миср тарихи мустақил ва узвий тарзда ривожланади, аҳоли эса юзлаб йиллар давомида ташқи дунё билан аралашмайди, мисрликлар тутилиб ўсган ерларидан бир умр ташқарига чиқмайди. Улар ҳар доним дунёнинг бошқа қисмидан ажралган ҳолда яшаганлар. Улар кўнчи мамлакатлар аҳолиси қандай яшаётганига кўп ҳам эътибор бермасдан, ўзларининг алоҳида ҳаёт тарзини яратдилар. Ана шу ёпиқ муҳит Қадимги Миср халқининг характерини шакллантирди.

Ана шу воҳада инсоният тарихида энг узок давом этган маданиятни кузатиш мумкин: уч минг йиллик ёзма тарих, ундан олдин, тарихгача бўлган даврда сон-саноксиз асрлар давом этган маданият; Қадимги Шарқнинг бошқа цивилизациялари каби кескин ўзгаришларга учрамаган, узлуксиз давом этган маданий анъаналар Миср цивилизациясини характерлайди.

Мисрликлар четдан келган яшиликларни тез қабул қилган бошқа халқлардан фарқ қилган. Қандай яшаш кераклиги тўғрисида уларнинг вазияти, ўзларига хос тасавури бўлган, улар шуни қатъий риоя қилганлар. Юқорида айтилганидек, улар Шимолий Африканинг сувсиз текисликларидаги ягона воҳада яшаганлар. Ўз тарихининг якунида Яқин Шарқдаги кент ерларни забт этиш учун бу воҳани тарқ этмагуларича, улар учун ташқи дунё мавжуд бўлмаган. Ҳатто, бу анча кечиккан

босқинчилик ҳам империя яратиш мақсадида бўлмасдан, ўз чегараларини салгина суришга бўлган иштилоининг маҳсули эди. Агар ташқи дунё уларни четлаб ўтган бўлса, мисрликлар бундан қаноат ҳосил қилишган ва шундай бўлиши керак деб қабул қилганлар.

Айтилганлардан бу қолоқ халқ эди, деган хулоса келиб чиқмайди: у шунчаки дунёда алоҳида мавжуд бўлган. Кўпчиларининг фикрича, мисрликлар бошқа халқларга нисбатан мукамалроқ ҳаёт тарзига эга бўлганлар. Улардаги меҳнатсеварлик, осойишталик ва тартиб бошқаларнинг ҳавасиши уйвотган. Қадимги Мисрни инсоният тарихида мавжуд бўлган энг сокин жамият деб айтиш мумкин. Уларнинг географик изоляцияси шунчалар мукамал эдики, бу цивилизация тарихининг охиригача четдан даярла ҳеч ким бостириб келмаган. Ана шу ҳол ҳам мисрликларда босқинчиликка бўлган ўзига хос муносабатнинг шаклланишига олиб келди: уларда бошқа халқлардаги каби чет эл босқинчи кутиб ва донимий ундан кўрқиб яшаш ҳисси йўқ эди.

Уларнинг ўзлари ҳам тажовузкор эмасди; серқуёш ва тинч водийда ҳаёт инъом этган неъматлар улар учун етарли эди. Ўзларини хавфсизликда ҳис қилган мисрликлар учун ҳаётнинг бошқа қийинчиликларига бардош бериш унчалик оғир эмасди. Сокилик ва донимандлик — ҳеч нарса билан хиралашмаган ҳаёт ҳақидаги мутлақо соф мулоҳазалар натижаси эди: мисрликлар эса жуда сокин ва дониманд халқ бўлган. Мисршунос Ж.А. Уилсоннинг таъкидлашича, мисрликларнинг «ўзига ва ўраб турган оламга ишонч ҳисси» уларга хос бўлган «қувноқ урбанизмдан далолат беради». Бошқа бир олим С.Москати мисрликларнинг ошқоралик ҳолатини Месопотамия аҳолисига хос бўлган донимий кўрқинч ҳолатига қарама-қарши кўяди. У мисрликларнинг «хушчақчақлиги, ҳаётни шодон идрок қилиши, Қадимги Шарқнинг бошқа халқлари билмаган табасум ва ҳазил мutoйибага мойиллиги» ҳақида гаширади¹.

Мисрликлар ҳақида ўта ғамгин, расмиётчи, такаббуру ва совуқ одамлар деган эски, ёлгон тасавурулар ҳақиқатдан анча узок эди. Таниқли мисршунос Пьер Монте² таъкидлаганидек, «*бул энди мисрликларни залим фиръавнинг ёки очкўз*

¹ Қаранг: Уайт Джон Минчин, *Боги и люди Древнего Египта*. shantibook.ru/book/8210.html. — С. 12.

² Пьер Монте (1885—1966) — машҳур француз мисршуноси. «Повседневная жизнь египтян во времена великих фараонов», «Эпоха Рамсесов. Быт, религия, культура» каби асарлар муаллифи.

қадимнинг қамчиси остида унсиз бўйсунувчи бир шўда қулар тарзида тасаввур қила омаймиз; оддий мисрликнинг ҳаётинда қора қулардан кўра яхши дамлари кўпроқ бўлган».

Мисрликлар жуда эркин, сабр-тоқатли одамлар бўлган, уларни ҳаётга чанқоқлик ҳисси ажратиб турган. Жуда кўп-лаб, сўзсиз юқори даражада тараққий этган ва руҳан кучли халқларнинг обрў-эътиборига иснод келтирган варварлик мисрликлар тарихига дот бўлиб тушмаганлиги билан улар фахрланса арзийди¹.

Балки, айнан шунинг учун ҳам Қадимги Миср биз билган бошқа цивилизацияларга нисбатан инсоннинг анча соқин ва қувноқ ҳаётини тажрибасини ўзида кўпроқ акс эттиради. Месопотамия цивилизациясининг маъносона тантанаворангидан сўнг Миср цивилизациясига ўтар эканмиз, бу ерда, аввало, руҳий муҳитнинг ўзгарганлигини ҳис этмасликнинг иложи йўқ. Аниқ бирон-бир нарса қўшилган ёки камайиб қолган эмас, аммо ҳамма нарса ҳаётга ижобий ва ишонч кўзи билан қараш, кўрқинч ва даҳшатдан озод бўлганлик ҳисси билан ёришгандек туюлади.

Хўш, мисрликларнинг эртанги кунга ишонч билан ёритилган ҳаёт ҳақидаги концессиясига уларнинг ўлимга бўлган қандай муносабати мос тутади? Бу жуда муҳим савол бўлиб, айнан шу саволнинг жавобига мисрликлар билан месопотамияликларнинг тафаккур тарзидаги фарқ, тўғриволи, қарама-қаршилик яққол кўзга ташланади. Нарини дунёни зимистон, марҳумларни эса абадий қоронғуликда яшовчи ғариблар деб билувчи месопотамияликлардан фарқли равишда, мисрликлар тафаккури иснод вафотидан сўнг ердаги ҳаёт анча мукамал тарзда давом этади, деган тупунчага асосланади. Қадимги Мисрнинг бутун тарихида иқтисодий ва маданий ҳаёт доимо ана шу тупунча билан уйғун тарзда ривожланади.

Тарихи Узоқ давом этган Миср тарихида бир-бирига қарама-қарши икки анъана: марказдан қочувчи ва марказга интилувчи кучларнинг биргаликда машғуд бўлганлигини, қарама-қаршиликлар бирлиги ва курашининг ўзига хос қўриқилиши кузатиш мумкин.

Тадқиқотчи олимларнинг таъкидлашларича, Миср тарихининг энг қадимги даври турфа хилликдан бирилик сари ҳаракат билан характерланади. Ҳали ёзма ҳужжатлар пайдо

¹ Қаранг: Уайт Джон Мэнвил. Ёғи ва люди Древнего Египта. <http://sharedbook.ru/book/38210.html>. — С. 13.

бўлишидан олдин бутун минтақа қишлоқ хўжалик ҳудудларига бўлинган эди. Кейинги барча воқеаларда бу ҳудудлар анча фаол роль ўйнайди: улар мухториятга интиладилар, айни пайтда, гуруҳларга — конфедерацияга бирлашиш анъаналарини ҳам намойиш этадилар. Шу тариқа мил. авв. 3000 йилга яқин, ёзма тарих пайдо бўлиши арафасида иккита конфедерация, икки рақобатлашувчи подшолик пайдо бўлади: бири шимолда — Нил дарёси суви денгизга қуйилишидан олдин уни тармоқларга ажратувчи баҳайбат Дельтада; иккинчиси жанубда — дарё бўйлаб жойлашган тор ерда. Таниқли француз олими А. Морэ таъкидлаганидек, табиатнинг ўзи иккита Мисрни яратган — Ўрта Ер денгизи бўйида ва Африкада¹. Бу бўлиниш Миср тарихи учун жуда муҳим ва ҳар доим ҳал қилувчи омилардан бири бўлиб қолади. Гап шундаки, бу икки минтақа географик ва тарихий паронтлари бўйича бир-биридан фарқ қилади: Ўрта Ер денгизга интилган шимол денгизи бўйида жойлашган бошқа буюк маданиятлар билан очиқ мулоқотда бўлган; Африка қитъасига интилган жануб эса, бошқа маданиятлар учун ёпиқ бўлган ва кўпроқ шу қитъа цивилизациясига жалб қилинган.

Бундан ташқари, подшоликлар бирлашганда унинг иккала қисми ўртасидаги фарқ фақат тарихий ўзига хосликда бўлмасдан, кишилар онгида, ижтимоий психологияда ҳам сақланиб қолади ва ҳокимият шаклида, айниқса, унинг ташқи ифодасида ўз аксини топади². Подшоликнинг қўшалоқ тожида шимолий подшоликнинг қизил тожи билан жанубий подшоликнинг оқ рангли тожи уйғун тарзда бирлашади ва фиръавннинг расмий мақоми «Юқори ва Қуйи Мисрнинг ҳукмдори» деб аталади. Миср тарихини ўрганишда Юқори ва Қуйи Мисрга бўлинишининг ва уларни битта монархияга бирлаштирган кучларнинг нақадар қудратли эканлигини кўрамиз. Нил тошқинлари устидан марказлашган ҳолда назорат ўрнатиш ҳаётини эҳтиёж бўлиб, у Шумер ва Аккад шаҳар-

¹ Александр Морэ (1868—1938) таниқли француз мисршиноси, 1903 йили докторлик диссертациясини латин тилида ёқлаган охириги француз олими. Унинг 1902 йили нашр қилинган «Фиръавн ҳокимиятининг диний характери» китоби ўз соҳасининг классик асарига айланган.

² Қаранг: Морэ А. Египетские мистерии. — <http://elbooka.com/raznaja-literatura/kniga-egipterika/64935-more-aleksandr-egi-petskie-misterii.html>. — С. 19—21.

³ Бу ҳақда қаранг: Франкфорт Т., Франкфорт Г.А., Уилсон Дж., Якобсен Т. В преддверии философии. Духовные искания древнего человека. <http://www.twinkl.com/file/251404/>. — С. 54—60.

давлатларидан анча оддин Мисрда ягона монархиянинг тузилишига олиб келди. Шу сабабли Мисрда подшо ҳокимияти Шумер ва Аккаддагига нисбатан ўзгача шаклга эга бўлди¹.

Миср тарихи одатда учта йирик даврга – Қадимги, Ўрта ва Янги подшоликларга бўлинади.

Ҳали тарих тонгида иккита Миср подшоликлари буюк монарх Менес ҳукмронлиги остида бирлашади ва шу тариқа мил. авв. 2850 – 2320 йиллари, яъни 530 йил яшаган Қадимги подшоликка асос солинади. Менес ҳокимиятиги ўзига берган ва ҳокимиятнинг ворисийлик принципини яратган биринчи ҳукмдор бўлди. Шу тариқа тарихда илк бор давлат ҳокимиятига асос солинди². Шу даврдан бошлаб мамлакат пимотида жойлашган Мемфис (ҳозирги Қоҳира) шаҳри Мисрнинг ягона пойтахтига айланади.

Бу даврда монархия концепцияси маълум шакл касб этади. Бу шакл ўзининг характерли томонларига эга бўлиб, улар Месопотамияда қабул қилинган жиҳатлардан анча фарқ қилади. Месопотамияда ҳукмдор худонинг ердаги вакили ҳисобланган ва фақат истисно ҳоллардагина илоҳий сифатларга эга бўлган. Мисрда эса фиръавннинг ўзи худо бўлиб, у дунёни бошқариш учун вақтинча ҳукмдор қиёфасига киради. Месопотамияда худонинг хоҳишини билиш учун қоҳинлар мураккаб маросимлар орқали унга мурожаат қилишган бўлса, Мисрда худонинг иродаси фиръавннинг хоҳишида намойиш бўлади, аҳолидан эса фақат унга бўйсунуш талаб қилинади, холос. Ҳозирги кунда урфга айланган демократия ҳақидаги сафсаталар ортига беркиниб олган айрим Шарқ давлатларидаги бошқарув шаклига, уларда аниқ ифодаланган фиръавнизмнинг, яъни ҳокимиятнинг муқаддаслиги, битта, одатда, ўта деспотик лидернинг буюклиги, халқнинг эса шу буюкликка сўнггиб кетганлиги тўғрисидаги оммавий алаҳсирашга боқиб, ҳали Қадимги Мисрдан унчалик узоққа кетмаганлигини афсус билан таъкидлаш лозим. Фақат замонавий фиръавнлар энди ўзларини бошқача номлар билан атайдилар, бироқ худди қадимдагидек халқдан унсиз бўйсунушни талаб қиладилар.

Қадимги Мисрда бундай принципларга асосланган бошқарув марказлашган ва абсолют ҳукмронлик тарзида амалга оширилган. Месопотамияда шонинг асосий вазифаларидан бири, ка-

¹ Қаранг: Хук С. Мифология Ближнего Востока. – М.: Центрполиграф, 2009. – С. 58–59.

² Крол А. А. Египет первых фараонов: Хеб-Сед и становление древнеегипетского государства. http://mao.org.ru/books/0039_shtml. – С. 27.

налар қаздириш ва худоларга баришлаб ибодатхоналар қурдириш эди. Мисрда ҳам каналлар қаздириш фиръавнлар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган, бироқ ибодатхоналар ўрнига Месопотамиядаги каби диний характердаги, аммо, ўзгача функцияларга эга бўлган бинолар – эҳромлар қурилиши урф бўлади. Бу эҳромлар шох-худонинг даҳмаси бўлиб, у худолар ёнига қайтганидан сўнг шу ерда ўзининг абадий ҳаётини давом эттиради. Шу тариқа шох фақат қурувчи эмас, қурувчилик фаолиятининг объектига ҳам айланади. Айниқса, тўртинчи сулола ўзининг эҳромлари билан машҳур бўлган. Бу пайтда улар шунчалар маҳобатли ва улкан қилиб қурилганки, уларда бутун бошли авлоднинг заҳматли меҳнати акс этган. Аммо бу эҳромларни фақат оғир мажбурий меҳнат натижаси деб қараш, ўша давр кишининг менталитетига мос келмайди, чунки мақбара худолар қаторига қайтган фиръавн кумли билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у фиръавннинг илоҳий қадр-қимматига мос бўлиши лозим эди¹. Албатта, ҳар бир тақводор мисрлик учун бундай мақбарани қуришда қатнашиш шараф саналган.

Бешинчи сулола даврида Қадимги подшоликда бошланган ва секин ривожланаётган инқироз кўзга ташлана бошлайди. Мемфисга яқин жойлашган «Куёш шаҳри» – Гелиополь қоҳинларининг таъсири ортиб боради; диний соҳада бу куёш худоси Раннинг юксалишига, сиёсий соҳада эса Рага баришлаб қурилган ибодатхоналар учун қимматбаҳо совғалар, қоҳинлар учун кўплаб солиқ имтиёзлари берилишига олиб келади; буларнинг барчаси фиръавннинг олий ҳокимиятига салбий таъсир кўрсатиб, унинг обрўсини туширади. Маҳаллий ҳукмдорлар ҳокимиятининг авлоддан-авлодга ўтиши ҳам улар автономиясининг ортиб, «феодал давлатлар» деб номланган тизимнинг шаклланишига ва марказий ҳокимиятнинг инқирозига олиб келади. Бу Миср тарихидаги биринчи инқироз бўлиб, тахминан мил. авв. 2200 йили бошланади ва 2000 йилгача давом этади. Империя кўплаб майда давлатларга бўлиниб кетади, эртанги кунга ишончсизлик ва қашшоқлик авж олади. Бу ҳолат ўша даврдан қолган «Ишувернинг бафорати» деб аталувчи адабий ёдгорликда яққол акс этган: «Дарҳақиқат! Камбачалар хазиналарга эга бўлдилар. Илгари ўларига оёқ буюм ҳам қилмаганлар энди бойликка эга бўлдилар...

Дарҳақиқат! Сахро ҳамма ерни элламаққа, Вилоятлар вайрон қилинган. Мисрда варварлар четдан келдилар...

¹ Қаранг: Перелелкин Ю. Я. История Древнего Египта. <http://ru.wikipedia.org/wiki/Перелелкин-Ю-Я-История-древнего-египта>. – С. 36–49.

Дарҳақиқат! Қувонч абадий йўқ бўлди. Ҳамма ер йипи-сиги ва ҳасрат-наҳуматга тўлиб кетди»¹.

Шу тариқа VI сулола охирига келиб Миср цивилизацияси деярли тўлиқ ишқирозга юз тутди. Ниҳода сув сатҳининг пасайиши, ғарб томондан чўлнинг бостириб келиши об-ҳавонинг кескин ўзгаришига олиб келди. Марказий ҳокимият барҳам топди. Суриялик босқинчилар чегаралардан ўтиб, Нил дельтасига кириб келди. Йирик амалдорлар Мисрнинг турли чеккаларида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун бир-бири билан жангга киришганда, мамлакатда очлик бошланиб, ҳокимиятсизлик ўрнатилди. VII, VIII, IX, X сулола вакиллари мамлакатни бошқариш ёки йирик қурилышлар ташкил қилиш учун етарли кучга эга бўлмаган нуфузсиз ва нотавон ҳукмдорлар эди².

Давлатнинг бирлиги ва подшо ҳокимияти тахминан мил. авв. 2000 йилда XI сулола фиръавнлари томонидан тикланади. Бу билан Ўрта подшоликка асос солиниб, у ўз қудратининг чўққисига фиръавнларнинг ўн иккинчи сулоласи даврида етишади. Бу сулола фиръавнлари олиб борган ички сиёсат натижасида қишлоқ хўжалиги тикланган бўлса, фаол тапқи ҳарбий сиёсат туфайли Миср кўшинлари Шимолий Нубия ва Сурияни ҳам забт этдилар. Археологлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг тасдиқлашича, бу даврда Миср ҳукмронлиги бутун Сурия-Финикия қирғоқбўйи ҳудудига ҳам ёйилган. Ҳатто, мамлакат шимолида жойланган узоқ Библиос ва Угарит шаҳарларида ҳам фиръавннинг ҳайкалчалари топилган.

Аммо XII сулола давридаги ривожланиш узоққа бормади. Мил. авв. XVII асрда иккинчи ўтиш даври бошланди; бу давр Миср тарихидаги энг дахшатли хўрланиш билан кўшилиб кетди: мамлакат чет эл босқинчилари — гиксослар қўл остида қолди.

Шу даврда гиксосларнинг юксалиши қадимги Яқин Шарқда тоғли қабилалар босқинидан сўнг юз берган умумий жараённинг бир қисми сифатида қаралади³. Улар Сурияда катта империяга асос солиб, бир қанча вақт Мисрни ҳам эгаллаб турди-

¹ Москваги Сабатиню, Цивилизация Древнего Востока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 108 — 109.

² Қаранг: Джеймс П., Тирн Н. Тайна Древних цивилизаций. <http://radabum.com/d.php?id=18655>. — С. 160.

³ Мил. авв. 1500 йилгача Яқин Шарқдаги асосий куч Миср ва Месопотамия бўлса, шу даврдан бошлаб тоғли халқлар (касситлар, хурритлар, хетлар, гиксослар)нинг юксалиши бошланади ва бу жараён улар томонидан Ғарбий Осиёда бир нечта мустақил давлатлар ташкил қилиниши билан икунланади.

лар. Гиксосларнинг этник таркиби ва келиб чиқиши ҳали ҳам баҳсли ҳисобланади, аммо улар кўчманчи бўлганлиги ва маданий тараққиёт даражаси бўйича ўзлари забт этган халқлардан анча пастда эканлиги маълум. Шунга қарамасдан, улар Қадимги Шарқда биринчи бор орийлик белгиларини олиб келдилар. Аввалги Ўрта Ер денгизи ва Семит маданий унсурларига Нил ва Фрогбўйи маданиятининг унсурлари ҳам қўшилди; Мисрнинг маданий таъсири анча кучайди. Босқинчи хетлар эса Анатолиянинг маданий унсурларини Шимолий Сурияга олиб келди, аммо бутун Яқин Шарқда Вобилнинг аккад тили дипломатия ва савдо тили сифатида қўлланилаверди. Шу тариқа цивилизация ўз характерига кўра байналмилал бўлиб қолди¹.

Мисрнинг забт этилиши — гиксосларнинг буюк муваффақияти, айни пайтда, мисрликлар миллий гурурига берилган катта зарба ҳам эди. Мисрликларнинг жавоби жуда тез ва шиддатли бўлди: Фива шаҳрида янги миялий сулола шаклланиб, мамлакатни озод қилиш унинг бош вазифаси этиб белгиланади. Фиръавн Камос томонидан қолдирилган тарихий ёзувда у қандай қилиб ҳокимиятни тиклашга киришганлиги тўғрисида гапирилади: *«Фиводаги қудратли шоҳ Камос абадий яшовчи, муруввашли шоҳ эди. Ранинг ўзи уни шоҳ қилди ва ҳаққўйликда унга куч берди. Ҳазрати олийлари ўз саройида, олийжаноб аъёнлар кенгашида деди: «Мен билмоқчи эдим, қудратимдан менга нима наф! Бир шаҳзода Аварисда ҳукмрон, бошқа бири Эфиопияда, мен бўлсам бу ерда осибелишлар ва негрлар билан боқланиб қолдим. Ҳар ким Мисрнинг бир парчасига ҳукмрон, ҳар ким мен билан ерни бўлишди... Ҳеч ким тинч яшай олмайди, ҳамма осибелишларнинг ноҳақ солиғидан хонавайрон бўлган. Мен улар билан жанг қиламан ва қоринларини ёриб ташлайман! Мен Мисрни қутқараман ва осибелишларни енгиман!»²*

Миср яна ҳалокат ёқасидан чиқиб олди ва ўз тарихининг энг қудратли даврига қадам қўйди: Янги подшолик тахминан мил. авв. XVII асрдан XII аср охиригача давом этди. Ўтмишдаги тажрибалар фиръавнларни Фаластин ва Сурияга бостириб кириб, бу мамлакатларда мустаҳкам тинчлик ўрнатишга мажбур қилди. Айни пайтда, бу ерда тоғли қабилалар ва Икки дарё оралигидаги давлатларнинг кучлари тўпланганлиги сабабли Яқин Шарқ тарихи алоҳида иттифоқлар тарихидан рақобатлашувчи

¹ Қаранг: Альберт Ольстед, История Персидской империи. www.litmir.net/br/?b=151184. — С. 15.

² Москваги Сабатиню, Цивилизация Древнего Востока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 110 — 111.

давлатларнинг жуда катта тўқнашувига айланади. Уларнинг ҳеч бири узоқ муддатли устуналикка эриша олмайди, натижада, омонат бўлса-да, мувозанат шужудга келиб, халқлар ўртасида бир неча юз йиллик маданий мулоқат учун имконият пайдо бўлади.

Миср империясининг қудратини Осиёга ҳам ёйганлар XVIII сулола фиръавнлари бўлди: жағубда Нубияни забт этган Тутмос I айна пайтда Сурияга бостириб киради ва Фрот дарёсигача боради. Унинг муваффақиятлариши Тутмос III мустаҳкамлайди; ўн етти йиллик ҳарбий ҳаракатлар натижасида у бутун Сурия-Фаластин қирғоқ бўйини забт этди ва Месопотамия давлатларини бўйсундириб, Фрот дарёсидан ҳам ўтади. Олимлар тадқиқ қилган сономаларда айтилишича, Тутмос III ўз номини абадийлаштириш мақсадида Карнақдаги ибодатхона деворига битик ўйиб ёзишни буюрган. Бундан ташқари, турли таржимаи ҳоллар ёзилган ёдгорлик топлари, масалан, фиръавннинг қалабалари ҳақида қисқа хабар берувчи Баркаладаги ёдгорлик топи ҳам сақлашиб қолган бўлиб, ундаги битикда фиръавннинг қалабалари тўғрисидаги хабарларни ўқини мумкин. Битикларда айтилишича, Тутмос III вафот этган пайтда унинг империяси Нубиядан Фрот дарёсигача чўзилган бўлиб, мисрлик амалдорлар томонидан қаттиққўллик билан бошқарилган. Стратегик нуқталарда қалталар қурилган ва доимий қўшин жойлаштирилган. Кичик ҳукмдорлар ўлпон тўлаган, уларнинг ўғиллари гаров тарзида Мисрда яшаган, қизлари эса фиръавннинг ҳарамига тортиқ қилинган. Ҳамма жойда Миср худоларига бағишланган ибодатхоналар қурилган. Бу империя – «икки ер» подполити тараққиётидаги энг юқори нуқта. Аммо фиръавннинг қўли узунлигига қарамасдан, у ўз фуқароларини қаттиқ сиқмайди, оссурияликларга нисбатан анча сокин бошқаради. Маҳаллий сулолалар йўқ қилинмайди ва, энг асосийси, забт этилган халқлар оссурияликлар давридагидек оммавий кўчириммайди.¹

Империянинг гуллаб-яшнаган ва зафарли даврида тўсатдан ички инқироз пайдо бўлади ва эришилган қудрат бир неча ўн йил ичда вайрон қилинади; бу жуда қаройиб инқироз, зеро, монарх бу ерда жабрланувчи эмас, юз бераётган инқирознинг сабаби. Инқироз фиръавн Аменхотеп IV – сўзсиз жуда истеъдодли шахс – диний ислоҳот ўтказишга қарор қилганиши сабабли юз беради. У фивалик коҳинларнинг қудратига ва уларнинг худоси Амонга қарши қадимги қуёш қулиги тиклайди; бу қули қуёш теграстига, Атонга сиёнинида ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, фиръавн фақат Атонга сиёниниши та-

лаб қилади, бошқа худолар ҳамда уларнинг ибодатхоналарини қатъий рад этади. Бу жуда ҳайратланарли ва оғир қадам бўлган; аммо уни ҳақиқий монотеизм сифатида қабул қилиш мумкинми? Қўшни Исроил халқининг монотеистик динига монашд янги дин пайдо бўлдиши? Қандай бўлишидан қатъи назар, олимларнинг фикрича, табиатан политеистик бўлган Миср дини кучли бирлаштирувчи ва руҳлантирувчи таъсирга учраган. Фиръавн ўз исминини «Атонга маъқул» – Эхнатонга ўзгартиради ва ўзининг ягона худосини қуйидаги сатрларда мадҳ этади:²

Сен осмон уфқида гўзал чақнайсан,

Ҳаётга асос солган тирик қуёш теграсти!

Сен шарқий уфқдан кўтариласан,

Ва бутун ерни ўз гўзаллигинг билан тўлдурасан!

*Сен гўзалсан, буюксан, нурафшонсан ва бутун ер юзига улуссан!*³

Қоҳинлар ислоҳотга қаршилик қилдилар, халқ эса унинг моҳиятини тушушмайди. Эхнатоннинг ўлимидан бор-йўзи бир неча йил ўтгандан кейин унинг номи маъналанмади, у асос солган пойтахт эса вайрон қилинади. Шу тариқа ички инқироз ўтиб кетади, Осиёда эса кучли ҳарбий сиёсат шна давом эттирилади. Мил. авв. 1300 йилга яқин тахтга келган фиръавн Рамзес II ўзининг узоқ ҳукмиратиши ва кўплаб ҳайкаллари билан машҳур бўлган. Шу даврда Сурияда мисрликларга Кичик Осиёдан келаётган хеттлар хавф сола бошлади. Рамзес ўзининг кучли қўшини билан Сурияга киради ва хеттларни Кадеш ёнида кутиб олиб, сулҳ тузишга мажбур қилади. Бу сулҳ матни мисрликлар ва хеттлар ёдгорликларида ҳам сақланиб қолган. Бу энди пайдо бўлаётган халқаро қонуқчиликнинг муҳим ҳужжати бўлиб, у, биринчи навбатда, хеттларнинг тарихий дунёқарашига асосланган. Фиръавн душман шонининг қизига уйланади ва бу ҳодиса катта хурсандчилик билан Миср тошбитикларидан бирида ёзиб қолдирилган.⁴

«Хеттлар буюк ҳукмдорининг қизи пийёга аскарлар, ҳазрати олийларининг аскарлари ва зобитлари минган жинг араваси ҳамроҳлигида, хетт аскарлари ва аравалари билан бирга Мисрга келди... Хеттлар мисрликлар билан аралашиб кетдилар, улар бир қалб билан, ака-укалардек бирга еди ва ичди, бир-бирини хофа қилмади, чунки тинчлик ва биродарлик устун келди... Кейин улар хеттлар буюк ҳукмдорининг Мисрги келган қизини ҳазра-

¹ Қаранг: Вейнберг И.П. Человек в культуре древнего Египта. Восток. <http://padabum.com/d.php?id=41194>. – С. 151.

ти олийларга олиб келдилар ва унинг кетидан келаётган элкан совжаларнинг охири кўринмайди. Ҳазрати олийлари кўрдики, қизнинг юзи маъбудаларникидек гўзал экан... Шунинг учун ҳазрати олийлари хурсанд бўлди ва уни барчадан кўпроқ севиб қолди...»¹

Ҳақобатлашувчи икки асосий давлатлар ўртасидаги бу шартномадан сўнг Шарқ оламида ўриятилган тинчлик узок давом этмади. Мил. авв. 1200 йилга яқин, кўшлаб тартибсиз тўқнашувлардан кейин Ўрта Ер деңгизининг шарқий қирғоқларига «денгиз одамлари»² бостириб кириб, хетлар империясини батамом йўқ қилди ва Мисрга ҳам жиддий хавф солди. Фиръавнлар ҳужумни қайтардилар, аммо уларнинг Осиёдаги ҳукмронлигига путур етди; айни пайтда, уларнинг империяси таянчидан ажралди ва бошқа тиклана олмади. Шу даврда бошлаб Миср – оссурияликларнинг нафратомуз ибораси билан айтганда, бор-йўғи «синган қамишпоя» бўлиб қолди.

Шу «синган қамишпоя» яна бир неча аср давомида тебраниб, гоҳ тикланади, гоҳ навбатдаги инқирознинг қарғирига шўнғийди, аммо Мисрнинг аввалги қудрати энди ҳеч қачон тикланмайди. Амоннинг муқаддас қайини учун махсус ёғоч излаб мил. авв. 1100 йили Сурияга жўнатилган Венамон исмаи амалдор ўзининг ёқимсиз саргузаштлари ҳақида, айниқса, ўз мустақилликларини очик эълон қилган суриялик ҳукмдорларнинг ушга нисбатан ҳурматсизларча муносабати ҳақида ёзиб қолдирган:³

Агар Миср ҳукмдори менга хоҳон бўлганида ва мен унинг хизматкори бўлганимда, у менга: «Амоннинг топширигини бажар», деган сўзлар билан мурожаат қилиб, олдин ва кўмуш совжалар жўнатган бўлармиди?... Мен сенинг хизматкоримманми? Мен сени жўнатган кишининг хизматкориманми?»

Бу сўзларни бундан уч аср олдин фиръавнга «етти марта эгилиб, яна етти марта ўзини унинг оёқлари остига ташлайдиган», «унинг оёқлари остидаги чанг» бўлишга тайёрмиз деб ёзган ҳукмдорлар тили билан таққослаб кўриш. Мисрнинг, бу тушқунлик ҳолатида ўзининг қадимги шон-шухратиши тиклашга уринаётган ва ўзгариб қолган шароитта ҳеч кўнिका олмаётган давлатнинг гурури нечоғлик паймол қилинганлигини қаранг. Одамларни

жуда қадим замонлардан бери тарқ элмаётган хушмадгўйлик, амалшарастлик, иккиозламачилик ва хоинлик каби хислатлар кўплаб цивилизациялар тақдирига зомин бўлган.

Миср фиръавнлари — масалан, Шешонк ва Нехо шароит турғилини билан аввалги босқинчилик сиёсатини жонлангирини ва Ўрта Ер деңгизидagi давлатларга бас келиш учун яна Фаластинга юриш бошлайдилар; аммо уларнинг урғинлари фойдасиз, муваффақиятлари эса вақтинча эди. Шу даврда бошлаб Миср ташқи дунёдан узилади ва, асосан, ички инқирозга қарши кураш билан бақд бўлади. Диний ҳукмдорлар сиёсий ҳокимиятдан ажралади ва унга қарши туриб оладилар; номларда (маъмурий бўлиналарда) феодал автономия тикланади; ҳокимият тизимидаги аввалги заифликлар яна пайдо бўлади ва авж олади. Бир гуруҳ кечаги малайлар бутун одамлар устидан ҳукмронлик қилади ва, ҳатто, ўз сулолаларини ҳам яратадилар. Кейин Мисрга босқинчилар келади; аввал оссурияликлар келиб, улар мил. авв. VII асрда Фрогдаш Нилгача бутун Яқин Шарқни ўз ҳукмронлиги остида бирлаштиради ва Мисрни ҳам бир неча йил қўл остида ушлаб туради. Мил. авв. 660 йили Миср Оссурия зулмини авдариб ташлаб, кучли подполикка айланади. Кўнчилик Миср яна тараққиёт йулига кирди ва бу жараён аввалгидек, камида 300 йил давом этади, деб ўйлаган эди. Фақат ҳеч кимга маълум бўлмаган Библия пайғамбарларигина Мисрнинг яқин ҳалокатини башорат қиладилар⁴. Кейин форлар келиб, мил. авв. 525 йили фиръавн устидан валабага эринди ва бир асрдан ортиқ вақт Мисрда қолди. Мил. авв. 406/405 йили Миср ўз мустақиллигини тиклайди. Бунинг қандай юз берганлиги номаълум, бироқ Дорос II ҳукмронлигининг 19-йилидан бир-икки йил ўтиб Мисрни паҳаншоҳ ноибни эмас, фиръавн Амунардэсу мустақил бошқараётган эди. Аммо мустақиллик узок давом этмади. Артаксеркс III кўшинлари иккинчи бор македонияликлар босқинчидан сал олдил, мил. авв. 343 йили Мисрни босиб олди⁵. Мил. авв. 332 йили эса шиддат билан кириб келган македониялик Александр кўпинлари Қадимги Миср цивилизациясини батамом вайрон қилди.

Бу босқиннинг тарихий ахамияти фақат Миср цивилизациясининг вайрон бўлганлигида эмас. Букок Александр валабасидан

¹ Москати Сабатино. Цивилизация Древнего Востока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 114—115.

² Кичик Осиёда яшовчи филистимларни ва бир қатор кичик халқларни мисрликлар «денгиз одамлари» деб аташган.

³ Москати Сабатино. Цивилизация Древнего Востока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 115.

⁴ Қаранг: Опарин А.А. Всемирная история и пророчества Библии. <http://nauka.bible.com.ua/ys-isluz/> — С. 30.

⁵ Қаранг: Переделкин Ю.Я. История Древнего Египта. <http://teview3d.ru/retopolkin-ya-ya-istoriya-drevnego-egipta/> — С. 473.

кейин Ғарб цивилизацияси тарихда биринчи марта ўз устунлигини ҳис қилади. Эҳтимол, айнан шу босқин минг йиллардан бери давом этайдиган цивилизациялар ўртасидаги қарама-қаршиликни, Ғарб цивилизациясининг экспансиясини бошлаб берди.

Дин ва диний тизими

Мисрликлар — фавқулодда диңдор киптилар, ишониятнинг қолган қисмига қараганда анча диңдор, — деб ёзган эди Геродот. Евро

па тарихи отасининг Фиръавнлар цивилизацияси тушқунликка юз тугган даврдаги мисрликлар дини ҳақида дастлабки таассуроти шундай бўлган; Геродот кўп марта ҳақ эди, зеро, тадқиқотчиларнинг фикрича, Мисрда чексиз ва жуда бой диний тасаввурлар, шиддатли ва қизғин диний ҳаёт барқ урған.

Қадимги Мисрдаги кўплаб теологик марказларнинг орасида йириклари Гелиополь, Мемфис, Гермополь ва Фива бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз космологик тизимларини тақдим қилади; ўз худосини оламнинг яратувчиси, мамлакатда кенг тарқалган бошқа худоларни эса унинг зурриётлари деб эълон қилади. Фақат ибтидоий хаос тўғрисидаги воқеа бу концепцияларнинг барчаси учун умумий ҳисобланади.

Ана шу мураккаб диний оламни эътибор билан ўрганишга киришган, унга ҳозирги замон кўзи билан қараган ва унинг асосий жиҳатларини фарқламоқчи бўлган олимлар бу диний олам ўзининг чексиз хилма-хиллиги, кўплаб шаклларга ҳос бўлган ту-пунарсиллиги ва турли зиддиятлари билан кишини чалғитишини таъкидлайдилар. Улар бу диний оламни тўхтовсиз ҳаракатла-тувчи ва айланувчи, янги-янги жимжимадор шакллар ҳосил қилувчи сон-саноксиз рашлар жаммаси билангина таққослаш мумкин дейдилар. Бу нақшларни кўзга тушириш ва таркибий қисмларга ажратиб унда-да мураккаб бўлса керак. Америкалик мисршунос олимлар шундай деб ёзадилар: «Мисрликнинг у яшаган олам ҳақидаги тасаввурларини қараб чиқамиз. Биз унинг олами қарашини ягона тасвир тарзида тасаввур қиламиз ва бу қисман тўғри бўлади. Биринчидан, биз ҳали қорлардагидек тарихга бўлган даврнинг излари сезилиб турган қарийб уч минг йиллик ёзма тарих ҳақида гапирмаймиз; бу давр давомига аста-секин ўзгаришлар юз берганлиги табиий ҳол. Иккинчидан, қадимги мисрлик биз тасвирларида асос қилиб фойдаланишимиз мумкин бўлган ўз тасаввурларининг ягона тарифини ёзиб қолдирмаган. Турли манбалардан олинган воқеаларнинг парчаларини бир бутун ҳолда йиғиб, биз комплекс тасвирни кўришга бўлган ўз штилиш-ларимизни қиёшлантирамиз. Яъни, биз, ҳозирги замон киши-

лари, ўз олдимида фотографияни — ўзгармас тасвирни кўришни устаймиз, айни пайтда, қадимги мисрликларнинг тасаввурлари кўпроқ кинони эслатади, улар ҳаракатчан ва ўзгаришчан бўлиш. Масалан, биз мисрликлар осмонни устунларга таянганми ёки уни қандайдир худо елкасига ушлаб турганлигини аниқ билишни устаймиз. Мисрлик бўлса, бу саволга шундай жавоб берган бўларди: «Ҳа, осмон устунларга таянган ёки уни худо ушлаб турибди, балки у деворга ёки унга ўхшаш сийриги таянган, ёки осмон — бу қўл ва оёқлари ерга таяниб турган маъбудга». Уни ушбу тасаввурларнинг ҳар қайсиси қаноатлантирган бўларди, шекилми!».

Шу тариқа битта худо ёки ҳодиса тўғрисида турли-туман ва ажойиб тасаввурларни учратиш мумкин. Қадимги мисрликка ушбу барча вариантларнинг бир пайтда мавжудлиги ажабланирли туюлмаган ва у бунда ҳеч қандай зиддиятни ҳам кўрмаган. Ҳали тарих тоғида Мисрнинг ҳар бир минтақаси ва шаҳарида ўз худоси бўлган. Худоларнинг бутук пантеони ҳар бир шаҳарда ўзига ҳос улуғланган. Эшседа — дастлаб тўққизта худодан иборат. Агум бутун борлиқнинг ибтидоси ва абадий бирлигини акс эттирган. Гелиополь космологиясига кўра Агум ибтидоий хаос — Нуцдан ўзини ўзи яратган. Кейин ўзини ўзи уруқлаштириб, иккита эсизак худоларни — ҳаво Шу ва намлик Тефнутни яратади. Агум фарзадларининг пайдо бўлиши иккиланганини келтириб чиқаради. Тефнут ва Шу, ўз навбатида, худоларни — Геб — ер худоси ва Нуб — осмон маъбудасини яратадилар ва Шу уларни иккига ажратади. Бу Миср динининг ўзига ҳос томони бўлиб, бошқа диний тизимларда осмон — худо, ер эса маъбуда кўринишида мавжуд бўлади. Шу ўз фарзандларини ажратилишдан аввал, уларда ҳам фарзадлар тунилади — Исидда ва Нефтида, Осирис ва Сет. Ана шу тўққизта худолар эшседаани — илоҳий тўққизликни танқил қилади ва ҳар бир худо ўнг қўлида ҳаёт рамзи — аиҳ, чап қўлида эса ҳокимият рамзи — уасни ушлаб туради.

Мемфисда Агумни Птах билан тенглаштиради. Аннда Агумга бағишлаб ибодатхона қурилган. Ривоятларга қараганда, бу Ибтидоий Теналик² бўлиб, биринчи марта қуёш айнап шу тепалик ортидан чиққан экан. Кейинчалик, ашналк бешинчи сулола тахтга келиши билан Агум ва Ра қўшилиб кетади. Фиваликлар

¹ Франкфорт Т., Франкфорт Г.А., Уилсон Дж., Якобсен Т. В пред-дварии философия. Духовные искания древнего человека. <http://www.twinkl.com/file/251404/>. — С. 39.

² Худо Агум Ибтидоий Оксанда Бен Бен тепалиги — Ибтидоий Тепаликни яратади. Бошқа ривоятда айтилишича, Ра худосининг нурлари Хюсса отганда Тепаликка жон ато қилиниб, у Агумга айланади.

тахтта келиши билан эса уларнинг асосий худоси Амон қаторита Раҳам қўйилади, шатижада ягона худо — Амон-Ра пайдо бўлади.

Буларнинг барчаси ортида мисрликлар менталитетига хос бўлган диний байриқентлик руҳи турибдики, бу Қадимги Шарқнинг бошқа халқлари, айниқса, оссурияликларга хос бўлган ашаддий кескинликка мулақо қарама-қарши руҳдир. Мисрликлар характеридаги ана шу жиҳат туфайли уларнинг дунёси ўз шаклига кўра ранг-баранг ва уйғун — ўз интимлигига кўра эса кўпроқ инсоний ва маданий, мулақо ташқовузкор эмас.

Бундан ташқари, мисрликлар диний тизимида бўлмаган бирлик уларнинг этикодида учрайди. Бу ерда, диний ҳаётнинг энг қадимий шаклида ҳам ажойиб уйғунлик ва узвийликни кўриш мумкин. Ибодатхоналар қурилишидан диний маросимларгача, ибодат пақлларидаги кўчилик тоифасигача — шубҳасиз, умумий меросини алайлаб асраган ва сақлаган жамиятни на узоқ масофа, на иши йиллик вақт жиддий ўзгарира олмади.

Месошотамия диний этикодининг характери томони — мустақдам турғунлик: Мисрники эса, аксинча, очик жўшқинлик. Бу, атар бошқа унсурларни ҳисобга олмаганда ҳам, ўз-ўзича жуда катта фарқ. Месошотамияда фақат бир неча худоларнинг хронологик санасини белгилаш мумкин, у ҳам бўлса тахминан: Мисрда эса ҳаммаси — тарих, қатто, динга ҳам тарихий ёндашиш мумкин.

Мисрда қадимги саёҳатчиларни ҳайрон қолдирган ҳодиса — ҳайвонларга сиришиш. Саёҳатчилар мисрликларни буқа, қўй, ит, мушук ва қушларга илоҳий ҳурмат кўрсатишлари ҳақида масхараомуз тарзда маълумот беради. Мисрда ҳайвонларга сиришиш жуда қадим замонларда пайдо бўлган. У пайтларда Нил бўйида куш кўрадиган аҳолининг ҳар бир гуруҳида ўз тотеми — буюм, ўсимлик ёки аксарият ҳолларда — ҳомий-ҳайвон бўлиши лозим эди. Қадимда, ҳали Миср сиёсий жиҳатдан тарқоқ бўлган пайтда ҳар бир гуруҳнинг ўз байрони бўлган, асосан, ҳайвонлар шаклидаги бу байроқларнинг аксариятидаги намуналар бизнинг давримизгача етиб келган.

Ҳайвонларга сиришиш кўпгина қадимги халқларнинг гаройиб одатларидан биридир. Бу ҳол тадқиқотчиларни ҳозир ҳам ўйлатириб қўяди — ахир ҳайвонлар шохи тер қанчалар қудратли бўлмасин, инсон уни яккама-якка жангда маҳл эга олмаеса-да, ўзининг бошқа сифатлари билан ҳар доим енгил шикониятига эга. Буқанинг қудрати эса торсадорнинг шидамлиги, совуққонлиги ва абжираниги одида иложсиз бўлиб қолади. Хўш, унда нима учун Қадимги Мисрнинг қудратли ҳукмдорлари сфинкс ҳайкали ёшида ўзларини тер ёки буқа тарзида тас-

вирлашни бахт деб билганлар? Ёки нега улар ўз мақомларини «қудратли буқа» номини кўшиб айтишга ҳаракат қилганлар?

Бу саволларга барчани қаноатлантирадиган жавоб ҳамон топилгани йўқ. Аммо кўичилик олимларнинг фикрига кўра, қадимги халқлар ҳайвонларга уларнинг кучи учунгина сиришишмаган, ахир улар орасида қўзичоқ ёки балиқ сингари жуда кучсиз ва беозорлари ҳам бўлган-ку. Улар бу ҳайвонларда оламнинг жуда муҳим ҳодисалари рамзини кўрганлар. Инсоннинг ҳаёти тўлиқ қуёшга боғлиқ бўлганлиги сабабли, олимларнинг фикрича, ҳайвонларга бўлган бундай муносабат сириши ерда эмас, кўкда излаш лозим¹. Қуёшга топиниш кенг тарқалган бўлиб, қоҳиллар унинг қонинидаги ҳаракатини доим кузатиб турганлар ва навбатдаги қуёш цикли кирганлиги ҳақида одамларга хабар берганлар. Зеро, одамларнинг ҳаёти, экин экиш, ҳосилни йиғиш каби зарурий ҳаракатлар шунга боғлиқ бўлган.

Ёзув пайдо бўлиши билан тимсоллар ўзгаради: энди ҳайвонлар ўрнини одамларнинг қоматлари эгаллайди. Аммо қадимги тимсол қисман сақланиб қолади: одамнинг тавдаси энди ҳайвоннинг боши билан тасвирланади.

Қисман ёки тўлиқ ҳайвон шаклидаги маъбудалардан ташқари, тўлиқ инсон қиёфасидаги маъбудларнинг пайдо бўлиши образлар эволюциясининг яқунланганлигидан далолат беради. Шундай худолар қаторига урувлаштирувчи куч тимсоли бўлган Коһнос худоси Мин, Ўрта подполит даврида иерархиянинг энг юқорисига кўтарилган Фива худоси Амон киради. Шу қаторга яна Дельта худолари — одамларга деҳқончиликни ўргатган Осирисни ва унинг вафодор хотини Исидани ҳам киритиш мумкин. Бу ерда Осириснинг биродари Сет ҳам берилган бўлиб, у Осириснинг қудратига ҳасад қилади ва уни қонилга ўлдиради. Иложсиз аҳволга тушиб қолган Исидани эрини тириштиришларини сўраб худоларга мурожаат қилади, аммо Осирис ўзининг янги ҳаётини ўликлар салтанатида, уларнинг қонуний шох сифатида ўтказмоғи лозим. Бу мифда қадимий ўсимликлар циклиниш ўлиш ва қайта тирилиш шаклидаги янги ифодасини кўриш мумкин. Бундан ташқари, Осириснинг ўлиги Гор Сетга қарши жанг қилади ва узоқ давом этган саргузаштлардан сўнг уни ўлдиради. Гор қуёш атрибутларига эга, шу сабабли унинг қалибаси қора кучлар устидан ёруғликнинг тантанасини акс эттиради. Ва ниҳоят, бу ибратли ҳикояда мисрликлар ўзлари

¹ Қаранг: Васильев А.С. История религий Древнего Востока. <http://www.alleng.ru/d/relig/relig007.htm>. — С. 56.

учун азиз бўлган идеаллар: адолат ва садоқат, яхшилик, боқий дунёга ишончининг ғалабасини ҳам кўрадилар.

Миср худолари ҳақида бу қисқа ҳикоя самовий худоларсиз тўлиқ бўлмайди. Албатта, Мисрликлар ўзлари япайётган ерни шалққ идиш тарзида тасаввур қилганлар ва унинг тирди ерни ўраб турган ҳосилсиз товларни акс эттирган. Бу ер – идиш сувда сузиб юрган. Бу сув – Ҳаётнинг ва Оламининг ибтидоий муҳити, унсур, янг аввал, ундан ердаги Ибтидоий Топалак пайдо бўлган; куёш ҳар кунги шу топалакдан чиқиб, уша ботади. Нил еришиш тағидаги кўлаб бўшлиқлар орқали оқади ва тушроқши намлайди. Ер – идишдан топалак ҳаво бўлиб, осмон гумбази уша таянади.

Қадимги Шарқ кишинишиш тасаввурига кўра, Оламининг турли қисмлари худолар образида тавдаланишни лозим эди. Мисрликларда ҳам месопотамияликлардагидек аҳамиятли ва қадимий бўлмаса-да, ҳар қалай, ўзларининг самовий маъбудлари бўлган. Ерни улар ёнбошлаб ётган Геб исми маъбуд тарзида тасаввур қилганлар. Осмонни – ернинг устига эгилиб, оёқ ва кўллари билан унга таяниб турган маъбуд Нут шаклида ёки тўрт оёви билан ерда турган ситир кўринишида тасаввур қилишган. Ҳаво – бу маъбуд, шу, у ерда туриб, кўллари билан осмонни тутиб турибди, гўё уни тутиб кетипдап сақлагандек¹.

Юдузлар ҳам ўз кўлларига эга эди. Юдузлар орасида энг бутоғи – куёш, Ра. Бу худо ҳар кунги орталаб уймош узра кўтарилади ва ўзининг ажойиб қайишида осмон бўйлаб сузади. Ҳар кеч у яна океанга тушади ва бошқа қайишда уни кесиб ўтади. Аммо бу давр турли хавф-хатарга тўла; ботиш томонда қайишга ағдариб, худони ютиб юборишга тайёр баҳайбат илон кутиб туради; фақат қочми жангдан сўнг Ра ундан устун келади.

Ра ўзи бўлмаган пайтда (кечаси) ўрнига ойни қолдиради. Ой – бу ибис² бошли Тот маъбудаси. Аввалги диний тизимлардан фарқли равишда, ой иерархияда куёшдан пастда, тобе ҳолатда бўлади.

Аҳолининг маълумотли қисми, қоҳинлар пантеон ташкил қилиб, мавжуд турли-туман эътиқодларда қандайдир тартиб ўрнатипта уринадилар. Қоҳинлар, буцдан ташқари, Оламининг келиб чиқипта ва қонунаари ҳақидаги ҳикояларни ҳам тартибга соладилар. Шу тарзда буюк теологик тизимлар вужудга келади. Гелиополда худоларни аҳамияти ва қариндошлик да-

¹ Уайт: Артур Эдвард Болл и мода Древнего Египта. <http://magic-kniga.ru/shop/product/10930.html?z=395> – С. 54 – 55.

² Ибис – иссиқ мималекларда япайётган, донлакка ўхшаш узун оёқли қуш. Миср мифологиясида Тотнинг жувқадас қуши.

ражасига қараб энисадага жойлантиради. Бу тўққизлик океан сувлари худосидан бошланиб, кейин куёш худоси ва бошқалар рафиқалари билан жуфт ҳолда давом эттирилади. Гелиопол қоҳинлари бошқа бир пантеонни – огдоада – худолар саккизликниш паклантирадилар ва уларнинг ҳам энг юқорисида куёш туради. Мемфисда эса, афсоналарга кўра, маҳаллий худо Птах бошқа барча худоларни «фикр ва сўз» билан яратади, улар гўё Птах тапасининг айрим қисмлари: тил, юраги, хаёли ҳисобланади. «Фикр ва сўз» билан яратип кейинчалик Логос ҳақидаги таълимотта асос бўлиб, антик фалсафанинг ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатади¹.

Бу теологик тизимларнинг яна бир қизиқ ва Қадимги Шарқдаги бошқа шундай тизимлардан фарқли томони – абстракция даражасининг юқорилигидир. Бу ҳол абстракт тушунчалар билан боғлиқ бўлган бир қатор маъбудларнинг пайдо бўлишида ҳам кўзга ташланади. Улардан биринчиси – маъбуд Маат (ҳақиқат). Шу тариқа Миср мифлардан тўлиқ осод бўлмаса-да, бунинг учун зарур бўлган бир қатор шароитлар яратилади.

Агар қоҳинларнинг юқори катлами илмий фикрлар билан банд бўлса, қуйи қатламда ўзларининг маҳаллий маъбудлари ва ҳимоячи руҳлари билан халқ диний ҳаёти мавж уради. Бу ерда боши ва тапаси ҳомилдор гипопотамники, кўллари одамшики, оёқлари терники бўлган маъбуд Тауртни кўриш мумкин; бу маъбуд ҳомилдор аёлларга ҳомийлик қилади, баджаҳл, арвоқларни улар ёнидан ҳайдайди. Узун соқоли, қоплон думли, пақана оёқли, маймоқ Бес ҳам шу қаторда туради; у ҳам болалар туғилишини кузатади, шунингдек, мусиқа, рақс ва кийипнишга ҳомийлик қилади.

Мисрликларда сеҳр-жоду ва афсунгарлик жуда ривожланган; уларнинг ҳам асосий мақсади – ёвуз кучларни ҳайдаш. Оша ухлаётган фарзандининг уйқусини бузиши мумкин бўлган ёвуз кучларни ҳайдашда, ўлганлар мақбарасини таҳдирлаганларни ланнатлашда ва шу каби ҳолларда кўлланилган афсунлар маъни бизнинг кунларгача етиб келган.

Бироқ барча жоду ва афсунларда мисрликлар менталитети, демак бошқа халқлардан фарқ қиладиган тафаккур тарзи ўзини қолдирган. Шу сабабдан бу ерда Месопотамия учун халқларни бўлган йири-сиги ва полаларни эпитмаймиз. Аксинча, Миср афсунлари кўшинча хушчақчақ ва ормақдай туюлади. Ми-

¹ Карант: Матте М.Э. Искусство Древнего Египта. Очерки истории и теории изобразительных искусств. <http://rodon.org/mme/zidc.html>.

сол учун, бой даражалар жаннатта тушганларида Осирис уларни кўкдаги далаларда ишлашга мажбур қилади деб ўйлаб, ерда ўзини оқлаган тизимдаш — ўрнинг бошқаларни мажбуран ишлатишдан фойдаланишга қарор қиладилар. Шу мақсадда улар аввалдан тайёрланган мумиё шаклидаги ҳайкалчаларни қиплоқ хўжалик анжомлари билан аралаштириб ўз мақбараларига қўйишган ва тахминан қуйидагича ёзув ҳам қолдиришган: «Мени у дунёда меҳнатта чорлаб, далаларда ишлашга, қирғоқларни ситорипга жалб қилишганда, бу ишларни сен бажарасан!»

Мисрликлар эътиқоди қанчалар раш-баранг бўлишига қарамасдан, уларнинг диний амалиётлари бирлик ва бутунликка эга бўлган. Бу диний амалиёт ибодатхонада жамланган бўлиб, ички хошга худонинг ҳайкали қўйилган. Ибодатхона — кўч сопи, юқори даражада ташкил қилинган, тури ва мутахассисликлари бўйича шумерларникидан қолишмайдиган коҳинларнинг яшаш жойи. Уларнинг айрим қисми дуолар ўқип ва покланиш билан, қурбонлик қилиш, башоратчилик ва мусиқа билан шуғулланганлар. Коҳинлар орасида аёллар ҳам бўлиб, улар кўшиқчи, мусиқачи ва худоларнинг «маъшуқаси» вазифаларини бажарганлар. Коҳинлар ўзига хос мансаб даражаларига бўлинган бўлиб, Янги подшолик даврида уларнинг раҳбари — Амоннинг биринчи пайтамбари, Мисрнинг олий коҳини пайдо бўлади. Ибодатхона фақат диний эмас, маданий ҳаётнинг ҳам маркази бўлган: айнан шу ерда хаттотлар йиғилиб, матиларни тузиш, нусха кўчириш ва уларни тизиб билан шуғулланганлар. Фиръавн ҳам кўпинча бу донишмандларга мурожаат қилиб, улардан ёрдам сўраган. Шу тариқа коҳинлар ва олимлар ибодатхоналарини диний ва интеллектуал фаолият марказига айлантиришган ва уни жуда ифодали қилиб, «ҳаёт уйи» деган ном билан аташган.

Агар Миср цивилизациясини тўлиқ акс эттирувчи бирон-бир ёдгорликни ташлаш лозим бўлганда, кўпчилик мутахассислар сўзсиз эҳромларни ташлаган бўларди. Буюк эҳромлар — бу мақбара, буюк эҳромлар — бу Мисрнинг рамзи. Вафот этган шох култи эҳромларда ўзининг олий ифодасини топади: уларнинг қурилиши бир қипнинг абадий яшашини таъминлаш учун бутун мамлакатнинг силласини қурсади¹. Олимлар Қадимги Миср маданиятини бутун маҳобати билан тасаввур қилиш имконини берувчи қўлаб археологик ёдгорликлар ва хужжатларни ана шу мақбаралардан топганлар. Айтиш лозимки, мисрликлар келгуси ҳаётнинг тилч ва самарали бўлиши учун мақбараларга

¹ Қаранг: Амбергт Оамсгад. История Персидской империи. www.101mir.net/biz/?b=121184. — С. 14.

алоҳида эътибор қаратган. Қадимги Шарқнинг бошқа халқларидан фарқли равишда, мисрликлар ўй-хаёлларида шариғи дунё муаммоси асосий ўринни эгаллаган. Бундан ташқари — бу жуда муҳим! Тарихда биринчи марта бу муаммо ўзининг тўлиқ ечимини топади. Мисрликлар ердаги яхши амаллар нарийги дунёда, албатта, ўз мукофотини олишига ишонади ва бу мукофот қанча муҳдат амал қилишини ҳам аниқ билади.

Мисрликлар тасаввурига мувофиқ, одам ўлагандан сўнг нарийги дунё худоси Осириснинг ҳукмига ҳавола қилинади. Марҳум унинг ҳузурда гуноҳлари учун тавба қилади, бу тавба шакли машҳур «Марҳумлар китоби» орқали бизнинг давримизгача етиб келган:

Мен ҳеч кимга адолатсизлик қилмадим.

Мен одамларни ўлдирмадим.

Мен адолат ўрнига зolimлик қилмадим.

Мен ҳаром лўқма емадим.

Мен камбағалга зулм қилмадим.

Мен худоларга ёқмайдиган ҳеч иш қилмадим.

Мен хизматкорни хўжаси олдида ҳақорат қилмадим.

Мен ҳеч кимни қийлоққа солмадим.

Ҳеч кимни йиқлашга мажбур қилмадим.

Мен ўлдирмадим.

Мен ўлдиринишга мажбур қилмадим.

Мен ҳеч кимга азоб бермадим.

Мен ибодатхоналарда қурбонликка аталган овқатни камайтирмадим.

Мен худоларнинг номини олиб кетмадим.

Мен галанинг ўлчамини камайтирмадим.

Мен тарози тошларини оғир қилмадим.

Мен чақалоқнинг оқзидан сўтини олмадим.

Мен бировнинг даласидан молларини ҳайдаб кетмадим.

Мен худоларнинг қушларини тутиб олмадим.

Бировларнинг ҳовузидан балиқ овламадим.

Мен бошқанинг навбатига сувни олмадим.

Мен оқар сувнинг йўлига тўғон қурмадим.

Мен бировнинг навбатига оловни ўчирмадим.

Мен худонинг мулкидан молини ҳайдаб кетмадим.

Мен худони сўзидан қайтармадим.

Мен софман, мен софман, мен соф!

¹ Москатя Сабатиню. Цивилизация Древнего Востока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 126—127.

Ушбу ўзига хос декларация ўқилгандан сўнг, мархумнинг юраги Осирис ҳузурда тарозига солинади. Агар мархумнинг айбисизлиги аниқланса, у ҳузур-ҳиловат салтанатига ўтказилади; агар унинг гуноҳи аниқланса, у қирқ икки ҳакам ихтиёрига жўнатилади. Ҳакамларнинг номлари гуноҳкор кишини нима кутаётганлигини яхши аниқлаб туради: ичак-чавоқларни еювчи, сояларни еювчи, суюқларни сипдирувчи ва ҳ.к.

Мархумларга сийқини париги дунё тўғрисидаги қаратилардан бошланади ва у билан изоҳланади. Мисрликлар инсоннинг тапаси ва маънавий олами ўртасидаги фарқ тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишган. Уларнинг фикрича, инсоннинг маънавий қисmini унинг руҳи, қалби, исми, сояси ва, энг асосийси, таржима қилиб бўлмайдиган, илоҳий, абадий ҳаёт ибтидоси – *Ка* ташкил қилади. Маънавий қисм ўлим пайтида инсон ташасини тарк этсада, вақти-вақти билан унга қайтишни истайди ва қайтади. Бунга имконият яратиш учун танани айниб, бузилиб кетгидан сақлаш лозим. Миср анъаналарининг энг ўзига хос жиҳатларидан бири бўлган мархумларни мумийлаш шундан келиб чиққан. Мумийлаш жуда қўпол жараён бўлиб, биз унинг тафсилотларини баён қилмаймиз, бироқ шунга айтиш лозимки, мумийлаш натижасида Миср цивилизациясининг характерли унсурларидан яна бири – мумий¹ пайдо бўлади.

Мақбарага тошбўт (саркофаг)дан ташқари турли хил соғвалар ҳам қўйилади. Шу тариқа мархум у дунёда ҳаётини тинч давом эттиради ва ерга қайтиб, тирикларни безовта қилишни истамайди: зеро, Қадамги Шарқнинг барча цивилизациялари ичида энг соқини ва қувнони бўлган бу цивилизацияда ҳам мархумларнинг сирли кучлари олдига қандайдир даҳшатли қўрқинч бўлган. Тириклар уларга илтимослар қилишган, эслатишган ва адолат истаб мурожаат қилишган. Мархумларга хат – миср адабиётининг типик жанри.

Адабиёт Миср адабиёти шамуналари бизнинг давримизгача қисман монументал ёзувлар шаклида – ибодатхона ва мақбараларда, ҳайкаллар ва қабр топларида, қисман эса сопол тахтачалар ва папирусдаги ёзувлар орқали етиб келган.

Миср адабиётини синчиклаб ўргатиш, унинг Қадамги Шарқнинг бошқа адабиётларига нисбатан бой ва хилма-хил эканлигини кўрсатади.

Мифологик адабиёт; юқорида айтилгандек, асосан, дафн матиларига қўйилган бўлиб, у ерда жуда хилма-хил мавзулар учрайди – ҳаммаси мархумга ёрдам бериш учун. Мисол тариқасида машҳур «Мархумлар китоби»ни – маҳжиялар, ибодат матилари ва оламнинг пайдо бўлиши ҳамда худоларнинг фазилатлари ҳақидаги афсоналар битилган афсунгарлик дуомарини қараш мумкин.

Бу асарда оламнинг келиб чиқиши ҳақида бирорта ҳам ҳикоя бўлмаса-да, у мисрликлар диший тафаккурига мос тушади. Аммо битта мавзу борки, унинг илдизлари Қадамги Миср ҳаётининг узок даврига бориб тақалади ва кейинчалик ҳам тез-тез пайдо бўлганлиги учун алоҳида эътиборга лойиқ. Бу мавзу ибтидоий тепалик бўлиб, у сув хаосидан пайдо бўлади ва кейин қуёш худосини яратади, у эса, ўз навбатида, бошқа худоларга жон ато қилади. Табиат билан тақдосламасдан бўлмайди. Нил топқинлари пайтида қадамги мисрлик қўз ўнгида сув тўлакилари бутун ер устиши қоплайди, кейин секин ортга қайтади; сув устида ҳосилдор лойқа билан қопланган биринчи кичик тепалик пайдо бўлади – бўлгуси ҳосил гарови. Сўнг эрдигина узиб чиққан майсаларни қуёш ўзипинг ҳаётбахш нурлари билан қиздиради. Мисрликларнинг диший-мистик тасавури табиат ҳаётидаги ана шу муҳим босқични космик ибтидо даражасида акс эттиради ва олам мавжудлигининг биринчи, бошланғич манзараси билан бир хил деб қарайди.

Марказий образи Осирис бўлган маросимлар ва мифларнинг мураккаб тизими асосини учта мавзу ташкил қилади. Биринчи мавзу – сиёсий. Осирис ва унинг укаси Сет ўртасидаги можаро Юқори ва Қуйи Миср ўртасидаги курашни ҳамда унинг натижасида Мисрнинг битта подшоликка бириктирилганини акс эттиради.

Иккинчи мавзу – қишлоқ ҳўжалиши. Осирис – ўсимлик дунёсининг худоси. Худди Думузи каби у ҳам табиатнинг кузда ҳазон бўлиши билан ўлади ва баҳорда табиат уйқотилиши билан тирилди.

Учинчи мавзу – эсхотологик унсур. Осирис – ер ости салтанатининг ҳукмдори. У ўлганлар руҳининг тақдирини ҳал қилувчи судда раислик қилади ва шу маънода у мураккаб мумийлаш маросими билан узвий боғлиқ.

Осирис ҳақидаги мифнинг асосий мазмуни Плутархнинг «Исида ҳақида» трактатида келтирилган. Оламлар Плутарх «Эҳром матилари» каби илк Миср манбаларидан фойдаланган деб ҳисобланади¹. Плутархнинг таълимига кўра, Осирис ме-

¹ Қаранг: Бадр Э.А.У. Мумий. Материалы археологических исследований египетских гробниц. <http://bookmir.ru/izak.php?id=300882>. – С. 31.

¹ Қаранг: Хук С. Мифология Ближнего Востока. – М.: Центрполиграф, 2009. – С. 60.

талға ва ерга ишлов берип санъатини ҳамда бошқа бир қанча хушарларни мисраикларга ўргатган қахрамон бўлган. У ер худоси Гебнинг ўғли эди. Маъбудда Исидда унинг синглиси (айни пайтда хотини ҳам) бўлиб, у билан бирга Мисрни бошқарган ва унинг фаолиятида ёрдам кўрсатган. Хукмронлигининг йигирма саккизинчи йили Осирис укаси Тифон (Плутарх Сетни шундай атайди) томошидан ўлдирилади. Байрам шайти Сет ва бошқа фитначилар Осирис билан таров болаиб, уни сандиққа солиб, ёшиб қўйишга кўтидиради (айрим асарларда, масалан, С.Москатиининг «Цивилизация Древнего Востока» номи китобида Сет Осириснинг қоматига мос саркофга ясаб, шунта тушишга кўндиради¹). Кейин сандиқ Нил дарёсига отиб юборилади. Сандиқ Ўрта Ер денгизида оқиб келади ва тўлақиллар уни Библос томон элтади. Шу сабабли «Эхромлар матни»да унг «сўнга чўкиб ўлган одам» деб аташади.

Исида эрини излайди ва сандиқни Библосдан тошиб, Осириснинг жасадини тобутта солади ва Бутога олиб келади. Плутархнинг ёзишича, сандиқ Библосга сузиб келганда, унинг атрофида ажойиб бир дарахт ўсади ва шохлари билан сандиқни бетона кўзлардан яширади. Библос шохи дарахтнинг катталиги ва гўзаллигидан хайратга тушиб, уни кесишни ва танасидан ўз сароини учун устун ясашни буюради. Исида устушнинг ичида нима борлигини сезади ва шохдан унга совға қилишини сўрайди. Кейин мифда қандай қилиб Сет Осириснинг жасади солинган сандиқни тошиб олганлиги, жасадини майдалаб, бўлақларни бутун Миср бўйлаб сочганлиги ҳикоя қилинади. Исида сочиб юборилган тана қисмлари (балиқлар еб кетган жипсий аъзосидан бошқа ҳаммасини)ни топади. У синглиси маъбудда Нефтида ёрдамда тананинг қисмларини бирлаштириб, сеҳр-жоду орқали унга жон ато қилади. Бироқ қайта тирилаган Осирис ерда япанини истамайди ва марҳумларнинг руҳлари яшайдиган «Ғарбий мамлакат» шохи бўлади. Мифнинг кейинги қисми Осириснинг ўғли Гор қандай қилиб отаси учун қасос олганлигига бағишланган. Исида сеҳр-жоду воситасида ўлган эридан ҳомиладор бўлади ва Горни дунёга келтиради. Миср санъатида кўшнча нилуфар тоҳида ўтиргач ёш бола сифатида тасвирланган Гор ўзининг бутун борлигини отаси учун қасос олишга ва ўзининг қонуний хукмдорлигини тиклашга бахш этади.

«Эхромлар матни»да Гор ўз тарафдорлари билан Сет ва унинг ёрдамчиларига қарши қандай курашганлиги ҳақида узундан-

¹ Қаранг: Москати Сабатиню, Цивилизация Древнего Востока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 131.

узок ҳикоя қилинади. Жангда Гор кўздан айрилади, бу мифнинг мистик унсур бўлиб, ой тутилишининг рамзи ҳисобланади. Кейин Горнинг Сет устидан қалабаси баён қилинади:

«О Осирис, мана Гор келаяпти, у сени бағрига босади. У Сетнинг ёрдамчиларини ортга қайларинга Тотни мажбур қилди ва уларни кишанларга сенинг хузурига олиб келди. У Сетнинг юрагини қалтиришиб юборди, чунки сенинг санъатини уникидан юқори, сен уздан олдин тузилгансан, сенинг эзгу ишларинг уникидан зиёд. Геб сенинг обрў-эътиборини кўрди-ю, ўз қонуний ўрнинга жойлаштирди. Гор худоларни сен билан бирлашишга ва сенинг дўстларинг бўлишга мажбур қилди. У худоларни сен учун қасос олишга мажбур қилди. Геб ўзининг оёқ кийимларини сендан узокда яшашини душманларинг бошига қўйди. Сенинг ўглини Гор унга зарба берди, унинг кўзини олиб сenga топширди; сенинг руҳинг ичинга; сенинг қурагини ҳам ичинга. Душманларинг қочиб кетмаслиги учун уларни ушлаб олишга Гор сени мажбур қилди. Гор Сетни тутиб олиб, сени эшитиши ва сенинг олдинги шайраши учун уни сендан настга жойлаштирди.

О Осирис, Гор сен учун қасос олди!»¹

Шу мифнинг яна бир парчасида Осириснинг Геб раислик қилган худолар суди олдида жавоб берганлиги, Гор унинг қонуний вориси деб эълон қилинганлиги ва унга худолар томонидан Юқори ва Қуйи Мисрнинг хукмдорлиги инъом этилганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Гор — Осирис ҳақидаги мифнинг умумий йўналиши ва мазмуни ана шундай. У оламнинг яратилиши тўғрисидаги Аккад мифи сингари ҳеч жойда тўлиқ келтирилмаган. Олимлар унга турли манбалардан йиғишга мажбур бўлишган. Миф Юқори ва Қуйи Мисрнинг ягона подшоликка бирлашиши билан яқунланган курашнинг кескинлигини акс эттирган. Давлатнинг дастлабки иккига бўлиниши Мисрнинг қонушлар тўпламида сақланиб қолди ва таътанали марсиимларда фиръавшларнинг оқ ва қизил қисмлардан иборат тож кийишида ўзининг рамзий ифодасини топди. Оқ ва қизил ранглар Юқори ва Қуйи Мисрнинг рамзлари эди. Мифнинг этнологик² жиҳати подшо сулоласи учун анъанавий бўлган, Мисрда Птоломейлар даври ва монархия бошқарувининг охиригача сақланиб қолган

¹ Хук С. Мифология Ближнего Востока. — М.: Центрполиграф, 2009. — С. 61—62.

² Этнология — медицинада касалнинг келиб чиқуши ҳақидаги bilimларни ифодалайди. Бу ерда мифнинг келиб чиқиши сабаби ва манбаи маъносидан кўлланилган.

ака-сингиллар ўртасида никоҳ тузиш одатини акс эттиради. Яна шунинг айтиш лозимки, мифнинг кўплаб унсурлари маросимларда ўз ифодасини топган. Осириснинг тирилиши дарахт ўстириш маросимида мужассамлашган. Шунингдек, Афир ойида аёллар лойдан Осириснинг ҳайкалчаларини ясаб, Нилга ташлаганлар ва бу билан дарёга тўкаётган Осирисни ифода этганлар.

Осирис ҳақидаги миф, шубҳасиз, худолар ҳақидаги энг ажойиб миф.

Куёш худоси Ра ҳақидаги мифлар

Мисрда куёш худосига сивиниб Шумер ва Аккаддаги маросим ва мифологияларга нисбатан анча катта роль ўйнаган. Шамаш адолатнинг қафолати бўлган, аммо у ҳеч қачон худоларнинг буюк триадасидан бири бўлмаган. У оламнинг яратилиши ҳақидаги миф билан мутлақо боғлиқ эмас. Миср анъаналарига мувофиқ Ра биричи шоҳ бўлган ва худди Агум сингари оламнинг яратувчиси ҳам саналган. Гелиополь Ра культининг маркази бўлган ва олимларнинг тахмин қилишларича Қадимги подшолик даврида Осирис культининг куёш худоси култи билан кўшилгани айнан шу ерда юз берган. Анъанавий равишда Миср фиръавнларининг номлари ёзиб бориладиган лавҳаларда шу пайтдан бошлаб подшо Ранинг ўтан экашлигини билдирувчи жумла ҳам битиладиган бўлди. Хафрадаги фиръавн ҳайкалида унинг бошини ҳумоя қилиб турган Гор-лочин Ра ҳам шоҳ ҳокимиятининг ўзи каби Гор билан тўлиқ бирлашиб кетганлигидан далолат беради. Ра култи билан мустақкам алоқда бўлган Гор-Осирис ҳақидаги мифлар шоҳнинг тахтга чиқиши ва тож кийиш тартибини белгилайди. Тутмос III нинг ўлими ва Аменхотеп II нинг тахтга чиқиши қуйидагича баён қилинади:

*Шоҳ Тутмос III осмонга кўтарилди,
Ва куёшнинг гардиши билан бирлашди.
Шоҳнинг шанаси яратувчи билан кўшилди.
Эрталаб тонг ёришганда,
Куёш гардиши осмонга пайдо бўлди.
Ва осмон гўзал бўлиб ёришди,
Аменхотеп отаси ўрнини эгаллади¹.*

Вафот этган шоҳнинг Осирисга айланиши ҳақида ҳам лавҳа мавжуд бўлиб, юқоридаги лавҳа эса унинг Ра билан қўшилганлигини ҳам кўрсатади. Шубҳасиз, Ра ва Осирис

¹ Хук С. Мифология Ближнего Востока. — М.: Центрполиграф, 2000. — С. 63.

ҳақидаги мифлар бир-бири билан ҳамбарчас боғланиб кетган. Аммо куёш худоси ҳақидаги мифларда айрим унсурлар борки, улар Осирис ҳақидаги мифларда учрамайди.

Оламнинг яратилиши ҳақидаги мифлар

Биз юқорида айтган Миср динининг ўзгарувчанлиги туфайли оламнинг яратилиши ҳақидаги мифлар кўплаб шакл ва вариантларга эга. Аммо уларнинг ҳар бирида умумий мавзу — Нил тўлқинлари чекнаётганда қолдирган балчиққа куёшнинг таъсири мавзуси ёритилади. Миср мифологиясида ҳам аждахо устидан валаба ҳақидаги миф мавжуд бўлса-да, у, масалаи, Аккад мифлари сингари, оламнинг яратилиши ҳақидаги воя билан умуман боғланмаган. Бу мифнинг кейинчалик Гелиополь ва Мемфис теологлари томонидан бироз ўзгартирилган илк шакли, бизни қадимий тоғнинг устида ўтириб, «ўзига ўхшаш бўладиган худоларни» яратувчи куёш худоси Агум-Ра билан таништиради¹. Бироқ мифда айтилишича, Агумнинг ўзи океанлар худоси Нундан пайдо бўлади. Мифнинг Гермополь (Ўрта Миср)да кенг тарқалган варианты-да Агумнинг пайдо бўлиши Гермополь оғдодалари — саккизта ибтидоий худолар фаолиятининг натижаси деб қаралади. Ибтидоий худолар ҳайвонлар — тарихтача бўлган хаоснинг рамзи ҳисобланмиш тўртта илон ва тўртта қурбақа кўренишида яратилган. Уларнинг исмлари Нун ва унинг рафиқаси Наувет, Кук ва Каукет, Хух ва Хаухет, Амон ва Амаунет эди. Сувдан пайдо бўлувчи Агум хаоснинг бу унсурларини тартибга келтиради, шу сабабли миф матнида уларнинг ҳар бири ўз жойида фаолият кўрсатувчи худолар тарзида пайдо бўлади. Мифнинг илк шаклига кўра эннеаданинг пайдо бўлишини биз юқорида қараб чиққан эдик (76-бетга қараг).¹

Мифнинг бошқа варианты Миср подшолари биринчи сулоласи даврида мамлакатнинг янги пойтахти бўлган Мемфиснинг ўз обрўси ҳақида қайғуришидан келиб чиққан. Птах Мемфиснинг маҳаллий худоси бўлган ва мифнинг бу варианты битилган «Мемфис теологияси» (одатда, бу ҳужжат шундай аталади) да оламнинг яратилиши жарафнида устуворлик Птахга берилиб, шу тариқа Гелиополь эннеадаси трансформацияга учрайди. Птах ибтидоий океан Нун билан теплаштирилади. Айнан Птах ўзининг илоҳий сўзи билан Агумни ва Гелиополь эннеадасидани

¹ Батафисил қаранг: Уайт Жон Мичелл. Боги и люди Древнего Египта. sharedbook.ru/book/58210.html. — С. 76 — 84.

бошқа худоларни яратади. Қуйидаги матндан парча «Мемфис теологияси»нинг асосий мазмунини ифодалаш мумкин:

Буюк тахтда ўтирган Птах,

Птах — Атумга ҳомиладор бўлган Нуи;

Птах — Атумни туққан Наунет;

Буюк Птах — эннеаданинг юраги ва шили,

Буюк Птах — барча худоларни яратувчи¹.

Мисрликлар ўта аниқ образлар орқали фикрлаган. Улар тушунчасида юрак ва тил, фикр ҳамда нутқнинг рамзи бўлиб, улар яратувчига молик ҳисоблашган Гор ва Тот сингари илоҳийлаштирилган. Птах фикр ва нутқ орқали худоларни яратади, хаосдан тартибни вужудга келтиради. Худди Мәрдуқ сингари у ҳам тақдирни белгилайди, китиларга таом беради. Мисрни шаҳар ва провинцияларга бўлади, «худоларнинг таъсир доираси»ни белгилайди. Птах яратувчилик фаолиятининг ушбу баёни қуйидаги сўзлар билан якунлашади: «Шундай қилиб, ҳаммасини яратган Птах дам оларди (ёки мамтун эди)». Бу сўзлар Ицжилдаги оламини яратиб жараёнини илоҳий баёни якунловчи жумласини эслатади². Птахни Атум-Ра билан идентификациялаш оламининг яратувчиси Ра ҳақидаги Гелиополь мифи билан бу мифни ўзининг мураккаб космологик фалсафаси учун асос қилиб олган «Мемфис теологияси» ўртасидаги алоқани ташкил қилади. Қизиқарли томони шундаки, инсонни яратилишига Миср мифологиясида алоҳида ўрин ажратилмайди. Маълумки, Хнум одамларни кулолчилик чарҳида ясаган: Миср мифологиясида Хнумнинг яратувчилик фаолияти иқтибослар кўп учрайди. Аммо бу ерда худолар билан инсон ўртасидаги алоқа семит динидагидек аниқ кўзга ташланмайди ва шу сабабли Миср мифологиясида инсоннинг яратилиш жараёни нисбатан кам ўрин эгаллайди.

Миср адабиётида шу мавзудаги мифлардан «Ранинг кексалиги», «Ашшнинг ўлдирилиши», «Рашиг яширин исми», «Ранинг ўрнини эгаллаган Тот» кабиларни келтириш мумкин.

Кейинги мавзудагилар — Нил дарёсига бағишланган мифлар. Нил Миср мифологиясида муҳим ўрин эгаллаши табиий ҳол, албатта. Маълумки, Мисрда фалсафий фикр консерватив ва айни пайтда ўзгарувчанликка мойил бўлган. Мисрликлар ҳеч нарсадан воз кечмагашлар, аммо илгарити ва унинг ўрнига

¹ Хук С. Мифология Ближнего Востока. — М.: Центрполиграф, 2009. — С. 65.

² Қаранг: Хук С. Мифология Древнего Востока. — М.: Центрполиграф, 2009. — С. 65.

келган тизимларни синтезлаштирган. Биз бу жараёни Осирис билан Ра ҳақидаги мифда кўриб чиқдик.

Нил ҳақидаги мифларнинг яна бир муҳим жиҳати, уларнинг кўмити маросимлари ҳамда Осирис ва Ра ҳақидаги мифлар билан чамбарчас боғланиб кетганида.

Одамлар дарёни илоҳийлаштирган ва унга Хани исмига худо сифатида сиришгашлар. Ватикандаги музейда Нил худосининг машҳур ҳайкалчаси сақланади: у кўлида бир тутам бўвдой ва мўл-кўлчилик рамзи бўлган шохни ушлаб турибди; унинг атрофида бўйлари тирсақдай келадиган ўн олтига ёш болалар ўраб турибди. Ҳайкалда рамзий маъно бўлиб, агар Нил дарёсида сувнинг сатҳи ўн олти тирсақдан пастга тушса, мамлакатда очарчилик бошланишини билдиради. Абидосдаги даҳмалардан бирида паширус, пилуфар ҳамда озиқ-овқат ва ичимлик олиб келаётган иккита Нилнинг тасвири ишланган. Икки Нил тўтрисидаги миф Атон (ёки куёш гердипити)га бағишланган машҳур мадҳияга ҳам киритилган. Унда эълон қилинишича, Атон Нилни қуйи дунё (нариги дунёда)да яратади ва Миср аҳолисини қўллаш учун уни ер устига олиб чиқади. Шунингдек, у бошқа мамлакатлар аҳолисини ҳам сув билан таъминлаш мақсадида илоҳий Нилни ҳам яратади. Аммо, Нил ҳақидаги мифнинг муҳим ва аҳамиятли томони унинг Осирис билан боғлиқлигидир. Юқорида айтилганидек, Осирисга бағишланган мадҳияда Рамзес IV: «Сен буюксан, Нил! Сенинг сувларинг худолар ва одамларга ҳаёт бахш этади», дея қуйлайди.

Ушбу мисрлар фақат мамлакат тарихи ва маданиятининг эмас, умуман, мисрликлар ҳаётининг моҳиятини ҳам акс эттиради.

Миср мифологияси ҳақида ҳикояни якунлашдан олдин шунга айтиш лозимки, унда Месопотамия, кейин юнош эпик поэзияси учун характерли бўлган ярим худо-қаҳрамон образи мутлақо йўқ. Буцдан ҳам ҳайратланарлиси, унда шу образни доимий ҳаракатта келтирувчи абадий ҳаётни топиб учун қилинадиган бесамар ҳаракат ҳам учрамайди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди, зеро мисрликлар ўлимдан сўнг париги дунёда ҳам ҳаёт шундай давом этишига астойдил ишонишган.

Мисрда Янги подшолик даврида диний ва дунёвий лирик поэзия ҳам ривожланади. Худди Месопотамиядагидек бу ерда ҳам лирик поэзияни худолар ва подшоларга бағишланган мадҳиялар ташкил қилади. Бу мадҳиянинг янги жиҳати шундаки, у одадаги диний шакллар билан чегараланмайди, балки табиатнинг жонли тасвирини ифода этади; ҳатто айтиш мумкинки, Месопотамия халқларига табиатни бундай тўлиқ ва қушқоқ ҳис

этиш ташиш ҳам бўлмаган. Буни ушбу жанр пайдо бўлган илк даврда, масалан, Амон-Рага бағишлаган мадхияда кузатиш мумкин:

*Барча мавжудоғнинг ибтидоғи, ёлғиз,
Бутун борлиқни яратувчи, Ягона.
Одамлар яралди Сенинг кўз қарашларингдан,
Худолар эса Сенинг сўзларингдан.
Майсаларни ўстирадиган Сен,
Дарёдаги балихлару осмондаги қушларга
Ҳаёт берувчи ҳам Сен.
Бутун олам қўшайди Сени:
Осмону фалак ҳам,
Ернинг усти ҳам,
Денгизлар қаъри ҳам,
Худолар маҳв бўлди буюклигинг олдида Сенинг,
Яратувчи руҳини шарафлайди улар,
Унинг ҳузурда шодланади ва куйлайди:
«Дунёнинг тишимни, барча худоларнинг катта отаси,
Осмону фалакни ер устига ўрнатган,
Мавжудоғнинг ибтидоғи, моддийликнинг Бунёдкори,
Оламнинг Ҳоқони, худоларнинг Раҳимаси!»¹*

Миср адабиётининг яна бир характерли айтиш мумкинлиги ноёб жанри – дунёвий поэзия. Таъкидлаш лозимки, Миср поэзиясида соф ва поэтик муҳаббатни куйловчи шеърлар ҳам мавжуд. Куйидаги муҳаббат кўшиғини эшитиб, бунинг Қадимги Шарқда айтилганлигига кичкинлик ишонгани ҳам келмайди:

*Мен муҳаббат ҳақида ўйлаганимда,
Юрагим тўрт қарра тез уради.
Йўл кўймайди бошиқалардай қадам босишга,
Шошириди, боқанса-да чопади.
Киёлмайсан либосни ҳам,
Ололмайсан елпичини ҳам,
Кўзингни ҳам олиб қоча олмайсан,
Хушбўй қашрондан ҳам сура олмайсан.
Азизим ҳақида ўйлайман – мени ҳаракатини ундайди:
«Имиллама, сусткашлик қилма! Орзуингга иштил!»
Сен шошқалоқсан, юрагим менинг!
Ташчан, қийнама мени тентақлик билан,
Севгилимнинг ўзи келади сенга,
Ишққа чорловчи қарашлари билан.*

¹ Москити Сибягино. Цивилизация Древнего Востока. – М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. – С. 133.

*Йўл кўймигин одамлар айблаб мени:
«Севгидан жинни бўлган аёл!» – дейишларига.
Азизимни ўйлаганимда, чидаммироқ бўлган юрагим:
Дуккиллаб уравер, аммо, тўрт марта секинроқ.*

Мана бу эса севгилисини бир ҳафта кўрмаган ошпақ йигитнинг полалари:

*Битти кун кўрмадим севгилимни,
Касаллик бутунлай йиқитди мени.
Қаддигини қандайдир оғирлик босди.
Ақдан озганига ўхшайман.
Олимга табиблар келмоқда –
Улар дорисидан не наф касалга?
Фолбин-дуохоилар ўйланиб қолди:
Дардимга айтолмай бирор давони.
Қўлоғимга шивирлаш Унинг номини –
Оғир касалдан ҳам туриб кетаман!»*

Зиёфатлар учун ёзилган поэзия ҳам шундай ўзинга хослик билан ажралиб туради. Ноаниқ келажак ишаб қолишга, айни шират суришга бўлган интилишни янада кучайтиради. Одамлар ҳар лаҳзадан лаззат олишга интилади.

Миср лирикасининг яна бир характерли томони шундаки, Месопотамияда вайрон қилинган шаҳар учуп пола, йиритилиши алоҳида адабий жанр бўлса, бу жанр Миср лирикасида мутлақо мавжуд бўлмаган. Олимларнинг кўплаб уринишларига қарамасдан Миср адабиётида шунга мос мавзу топилмади. Фақат юқорида келтирилган Ипувернинг «башорати» Миср тарихида кам учрайдиган ҳолат – инқироз ва вайронгарчилик даври ҳақида ҳикоя қилганлиги ушун юқоридаги мавзуга яқин келиши мумкин.

Адабиётнинг панд-насихат жанри ҳам Мисрда қадим замонлардан мавжуд бўлган. Кўплаб ҳикоятли иборалар Миср цивилизациясининг ҳамма даирларига сочилган бўлиб, уларнинг реал ёки ўйлаб топишган муаллифлари номи донишмандлик рамзи сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Қадимги подшолик давридан етиб келган панд-насихат кекса вазир Птахостепга тегишли бўлиб, у фиртавидан ўзини лавозимидан озод қилишини ва бу ишга ўз панд-насихатлари билан тарбиялаган ўғлини ўтказишни сўрайди. Мана, ўғлига берган насихатлардан бир парча:

¹ Минта Пьер. Последняя жизнь египтян во времена великих фараонов. <http://annales.info/egypt/monta/egyptmind.htm>. – С. 85–86.

*...нинг билан бекорга гурурланма!
 Димасини биларман ҳисоблама ўзингни!
 Фақат доғиминглардан эмас —
 Таърибосиллардан ҳам маслаҳат ол.
 Санъат чегара билмайди.
 Ахир расом маҳоратнинг чуққисига чиқа оладими?
 Янши гапни, яшириб қўйилган зумрад сингари,
 Топасан доғ янчаёвиги кул оёллар орасида.*

Мисрда, асосан, тарихий қисса ёки эртақ шаклидаги ҳикоя жанри ҳам кенг тарқалган. Тарихий қисса шаклига, одада, Ўрта подшолик даврида ўзининг тили ва услуби бўйича классик даражага етган асарларни киритишда ҳамда Қадимги Миср адабиётининг шу жанридаги энг муҳим ва аҳамиятли асарлар деб ҳисобланади. Бу — Синухенинг саргузаштлари.

Синухе — сарой пайрашлари туфайли у ердан қочинга ва Осиёдаги бадавийлар қабиласидан ўзинга жой топишга мажбур бўлган зодагон. Унинг помидан қилинган ҳикояда, жумладан, шундай дейилади: *«Бу қизил ер, исми унинг — Иса. У ерда анжир, узум ўсарди, май сувдан ҳам кўп эди, миё ҳам мўл эди. Зайтун ёни ҳам кам эмасди; дарахларда турли хил мевалар; арпа, бутғой, сон-саноксиз моллар бор эди. Унинг меҳру муҳаббатидан менга наф кўп эди».*

Синухени қабила йўлбошчиси қилиб сайлайдилар, у кўчманчиларнинг ҳурмат ва муҳаббатига сазовор бўлади. Бироқ, ҳамма кўрқадиган бошқа қабила йўлбошчиси уни жашта чақиради. Дахшатли жангда Синухе ғолиб чиқади ва ўзининг мавқеини янада мустаҳкамлаб олади. Аммо у ватанини қўмсайди, сонинч ҳисси унинг тинчлиги бузади. Синухе худого илтижо қилиб ёрдам сўрайди.

Ва, шўҳоят, унинг орзуси амалга ошади. Фиръавн уни чақириб, катта ҳурмат билан кутиб олади. У яна Миср ҳаёти-нинг барча афзалликларидан фойдалана бошлайди.

Шу билан ҳикоя якунланади. Синухе ҳар бир мисрлик қилиши лозим бўлган энг асосий ишни: ўзинга муносиб мақбара тайёрлаб, ўз уйида ўлишдек буюк вазифани удралайди.

Санъат | Қадимги Мисрда санъатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёни жуда узок даврни — 4,5 минг йилни қамраб олади. Фақат шунинг ўзи ҳам бу санъатни қизиқиб ўргатиш учун етарли асос бўларди.

Миср санъати ўзининг ажойиб ёдгорликлари ва улар инсоният тарихида биринчи бор яратилганлиги билан ҳам муҳим

аҳамият касб этади. Мисрликлар монументал архитектурада, ўзининг реалистик руҳи билан ажралиб турувчи ажойиб ҳайкалтарошлиқда, возик дид билан безатилаган бадиий ҳунармандчилик бутомларини ясаганда улкан муваффақиятларга эришганлар. Миср меъморлари ва ҳайкалтарошлари турли хил тошларга ишлаб беришда юксак маҳорат намойиш этганлар. Бу ҳақда улар томонидан яратилган фиръавиларнинг муҳташам мақбаралари — эҳромлар, ибодатхоналарнинг устуллар билан безатилган кенг заллари, жуда катта тошдан ўйиб ясалган обелисклар, оғирлиги минг тоннадан оғир келадиган монологит ҳайкаллар яққол далилат беради.

Миср санъати — бу ибтидоий даврдан кейинги санъат ривожланишида муҳим босқич. У воқеликни аниқ тасвирлаши, инсонга бўлган катта эътибори ҳамда илк бор мураккаб ва зиддиятли инсоний муносабатларни акс эттириши билан қимматлидир.

Инсоннинг ички дунёсини, унинг ҳислари ва кечинмаларини очишда Миср санъатининг хизмати беқиёс. Унда яқин кишининг ўлими учун изтироб чекаётган одамларнинг қайғуси, Миср ҳарбий араваларидан қочаётган дўшманнын кўрқинчи, она аъзоларининг ўзаро самимий муҳаббати каби инсоний кечинмалар кўзлаб саҳналарнинг асосий мавзусига айланган.

Бу санъат инсоният тарихида биринчи марта оқалик каби чуқур инсоний ҳиссиётга мурожаат қиладди ва қўлида Горни ушлаган Исидга образи орқали уни юксакка кўтарди. Халқ мифологияси асосида яратилган бу образда ўзининг ўлими Горни ўлим хавфидан қутқариб қолган Исидга фарзандларини касаллик ва ўлимдан сақлаб қолади, дея ишонтан барча мисрлик оналарнинг орзу умидлари мужассамлашган эди. Миср санъати яратган Исидга — она образи бутун Қадимги Шарқ тарихи бўйлаб халқ орасида жуда кенг тарқалди ва кейинчалик христианлик иконографиясининг шаклланишида ҳам муҳим роль ўйнади.

Миср санъати, умуман, Қадимги Шарқ санъати сингари, асосан, соф амалий мақсадларни кўзлайди — албатта, диний тасаввурлар доирасида: агар қурилиш ҳақида гап кетса, шохлар ва худолар учун уйлар ёки мақбаралар қурилган; ҳайкаллар ўлган кишининг руҳи ерга одатий ҳолатда қайта олиниш учун ясалган;



Мабуда Исидга ўғли Горни кўтарган ҳолда. Бронза. 26-сулола. МП.лавв. 664 — 525 йиллар.

радаги рельеф ва расмлар инсоннинг нариги дунё тас-
вирини аниқ кўришига ёрдам беришга утун тизилган. Бундан
ташқари, Мисрда сапъатта ҳам ҳушёрмадчилик деб қаралади
ва шу сабабли муаллифлар жамоаси томонидан аноним тарзда
яратилади. Масалан, агар расмю мақбаранинг деворига ўз пор-
трети ёки номини қолдирса, сеҳр-жодунинг мўъжизавий кучи
кўпинча маросимга келтирилган соғалар ва марҳумга янги
ҳаётда аталган барча нарсалар, шу жумладан, қулайликлар ва
уйин-қулагларнинг бир қисми ноҳақдан санъаткорга ўтиб ке-
тиши мумкин деб қаралади. Бу, умуман, Қадимги Шарқ сапъ-
атида хос хусусият бўлса-да, Миср санъатида айрим чеки-
нишлар ҳам учраб туради. Масалан, агар Қадимги Шарқнинг
бошқа цивилизацияларида одамларнинг хусусий ва оилавий
ҳаёти деярли акс эттирилмаса, Миср санъаткорлари хусу-
сий ҳаётда ижод учун фавқулодда бой манбаларни кўради.
Аммо, энг асосийси, мисрликлар инстинктив бадний сезгига
эга бўлиб, бу уларга тасвирлашнинг анъанавий доирасидан
четга чиқиб ва тез таъсир кўрсатадиган ўта субъектив, чуқур
ва ораста бир уйғунликка эришиш имконини беради. Миср
бадний асарларидаги реализм ва дидактика Шарқнинг бошқа
цивилизацияларида яратилган биров бейхитов, ҳаракатсиз ва
жонсиз асарлар билан фақат контрастлик нуқтаи назардан-
гина таққослаш мумкин. Француз олими Дерош-Ноблькур¹
таъкидлаганидек, мисрлик камтарини санъаткор буюртмани
бажариш жараёнида ўзининг эрксизлик ҳолати ва муҳит то-
монидан ўрнатилган чеклашлардан усталлик билан чиқа олган:
*«Фикан камдан-кам учрайдиган фавқулодда ҳолатларда биз
муаллифнинг исмини биланми: касбий курур унинг учун мушакко
ёки бўлиш: аммо санъаткор ўзи ҳақида баён қила олмаслик фак-
тини ўта олайжаноблик билан ешказа олган. Агар буюртмачи
ҳайкал мумий каби ҳаракатсиз бўлишини хоҳлаган шаклда
ҳам, санъаткор ўта усшалик билан асарга жон ато қила олган
ва асар чуқур маънави бўлиб, муаллифнинг яширин ҳисларини,
қалб гўзаллигини очиб беради, шу билан бизга кучли таъсир
кўрсатади. Айнан икки хоссиётларнинг боғлиги санъаткор-
га, мавзуларининг бир халлиги ва услубларнинг анъанавийлиги»*

¹ Кристиана Дерош-Ноблькур (1913–2011) — француз мисршунох
олими, ёзувчи, Қадимги Миср ёдгорликларини кутқариш ва сақлаш
бўйича катта ишларни амалга оширган жамоат аربоби. «Кристиана
Дерош-Ноблькур», «Жизнь на земле фараонов» каби асарлар муаллифи.
Корона: www.ititit.net/br/?b=144576 ва peter.pavel.ru/denisk.html.

га қарамасдан, нақшга ҳаракат ва
шиораниш қушилмаган реализминг
бериш, кундалик ҳаётнинг барча
тафсилот ва рангларини, жумла-
дан, унинг қулагли ва ҳувончли жи-
ҳатларини ҳам жўда аниқлик билан
таъсирлаш имконини беради. Расм-
ларда спонтанликка тўла, тиниқ,
ҳеч нарса билан боқланмаган ижо-
дий руҳ пайдо бўлади — шу даражада пайдо бўлодики, охи-
р-оқибатда хусусий санъат расмий санъатга гўё таъсир кўрсатиш
бошлайди»¹.



Катта Сфинкс — Ер юзиди
сақланиб қолган энг қадимги
монументга ҳайкал.

Шарқ санъатида хос бўлган ҳаракатсизлик ҳам тўсатдан
юз берган ва реалистик ижодий руҳнинг жўшқинлиги олдидан
чекинади. Шубҳасиз, аниқ ва хатосиз таниш мумкин бўлган
мисрча услуб мавжуд, унда — чекланганлик ва уйғунлик анъ-
аналар давоми сифатида намоён бўлади ва Миср тарихининг
узок, деярли ўзгармас йўли бу санъат учун амалда идеал муҳит
бўлиб хизмат қилади. Аммо мана шу чекланганлик доирасида
бадний шакл ва объектлар ривож топади ва тарихий жара-
ённинг турли босқичларида бир-бирини алмаштиради; дар-
ҳақиқат, Миср санъатини фақат тарихий тараққиёт жараёни-
дагина аниқлаш мумкин бўлади.

Миср санъати ривожидан иккита юксалиш даври мав-
жуд: Қадимги подшолик — эҳромлар даври, айтиш мумкин-
ки, қутилмаганда санъат гуллаб-яшнаган, аммо алақачон
шакл бўйича монументал, тафсилотларнинг акс эттирили-
ши бўйича нафис санъат шаклланиб бўлган давр; Янги под-
шолик — анъанавий мерос кўпаяиб янги мотивлар билан бо-
йилган, фиръавнларнинг муҳташам ибодатхоналари пайдо
бўлган давр.

Шу тарихда Миср санъатида эволюциялар йўқ, одатда-
ги куйидан юқорига, оддийдан мураккабга ривожланиш йўқ,
аммо анъанавий чекланганлик доирасида турли омиллар бир-
бирининг ўрнига келаётган ва цивилизация ўзини бутун
қудратини билан намоён қиладиган тарих бор.

Агар Месопотамияда архитектуранинг асосий вазифа-
си ибодатхоналар қуриш бўлса, Мисрда — бу мақбара у

¹ Москатх Сабатиню, Цивилизация Древнего Востока. — М.: ЗАО
Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 147.

марҳумнинг, айниқса, худо-шоҳнинг нарити дунёдаги тўлиқ ва қуввоқ ҳаётини тазминлаши лозим. Макбараларнинг тузилиши ҳам турли даврларда ўзгариб борган. Унинг қадимги тури мастаба¹ деб аталувчи усти кесик конусга ўхшаш эҳром бўлиб, кейингилар ундан келиб чиққан.

Бир-бирининг устига тобора кичрашиб борувчи бир неча мастабани қўйганда, зинасимон эҳром келиб чиқади. Бу турдаги эҳромлар ичида энг дастлабкиси ва машҳури м.в. авв. XXVIII асрда Саккарада қурилган бўлиб, III сулола фиръавнларидан Жосерга тегишли. Жосер эҳромини қурган Имхотеп замонасининг энг машҳур дошшамонларидан бири, тош биноларнинг биринчи меъмор, олим, астроном, врач сифатида Қадимги Миср тарихининг охиригача ёдга олинган. Кейинчалик Имхотеп худо Птахнинг ўли сифатида илоҳийлаштирилган², юнонлар эса уни ўзларининг шифокорлик худоси Асклесий билан тешлаштиришган. Зинали эҳромнинг ташқи кўриниши Месопотамиядаги зиккуратга ўхшайди ва улар бир-бирининг шаклланишига таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Аммо, бу икки меъморий типларнинг ривожланиш жараёни турлича. Агар Месопотамия зиккурати минг йиллар давомида ўзгармаган, фақат шакли мукаммаллашиб борган бўлса, зинали эҳром IV сулола даврида кескин ўзгариб, янги меъморий очим касб этади ва у бошқа ўзгармасдан қолади: бу квадрат асосга қурилган, деворлари симлиқ, тенг томонли учбурчаклардан ташкил топган ҳақиқий эҳром. Биз мисол тартиқасида келтиришимиз мумкин бўлган бундай эҳромларнинг энг машҳури – бу Хуфу (қадимги мисрликлар тилида Хуф-и-Хнам, юнонларда эса Хеопс дейилган) эҳроми: асосининг ҳар бир томони 230 метрни, баландлиги эса 146 метрни ташкил қилади. Унга ҳар бири ўртача 2,5 тонна келадиган 2.300.000 дона блок сарфланган. Геродот ёзиб қолдирган афсонага кўра, эҳром қурилишида 100 минг киши 20 йил банд бўлган³. Эҳромдаги даҳмага мурақаб даҳлизлар тизими орқали борилади. Одатда эҳром ўз ичига ибодатхона, пастла, дарё водийсига элтувчи усти ёшиқ айвони

¹ Мастаба (арабча «қриндоқ») – ўтирданган жой маъносини англатади.

² Қаранг: Джеймс П., Торп Н. Тайна древних цивилизаций. <http://padabum.com/d.php?id=18655>. – С. 159.

³ Қаранг: Чайлд Г. Расцвет и падение древних цивилизаций. Далекое прошлое человечества. <http://lxxkz.ru/authors/gordon-4o1d/rasxet-694.html>. – С. 94.

ҳам олувчи меъморий мажмуа таркибига киради⁴.

Вақт ўтиши билан эҳромнинг ўлчамлари қисқариб, аҳамияти ҳам пасайиб боради. Албатта, улар чексиз катталаниб бориши мумкин эмасди – ҳамма нарсанинг ҳам чеки бор. Бу баҳайбат иншоотларнинг қурилишига сарфланган йўқотишлар мамлакатнинг силласини қуритади ва VI сулола эҳромлари меъморчилик санъатининг дурдонаси бўлса-да, Хуфу эҳромига нисбатан жуда кичкина бўлиб кўринади⁵. Янги подшолик

даврига келиб эса қояга ўйиб ишланган тош сағана шоҳлар жасади қўйиладиган асосий даҳма турига айланади. Даҳлизларнинг ҳақиқий лабиринтига жуда пухта япирилган кийриш макбараларнинг янги турига биринчи қарашда ҳосил бўладиган фикрни тасдиқлайди: уларнинг келиб чиқиши макбараларни талон-торож қилувчилардан сақлаш билан боғлиқ. Олимларнинг таъкидлашларича, қадимги матилар ҳам бундай ўнирликларнинг кўлаб бўлганлигини тасдиқлайди. Айнан шу сабаб одамларни макбара қуриш учун бориш қийин бўлган узок жой ташлашга ҳам мажбур қилади. Шундай жойлардан бири Фивадан тарбда жойлашган Шоҳлар водийси бўлиб, у ердан Тутанхамоннинг жуда бой макбараси ва кўлаб бошқа шоҳларнинг қабрлари топилган. Яна битта шундай жой – Маликалар водийси, у жануброқда бўлиб, фиръавнларнинг хотинлари ва болалари қўмилган.

Мисрда қурилган дастлабки макбаралардан бошлаб янги жиҳат кўзга ташланади: қурилиш материали сифатида тошдан кенг фойдаланиш. Бу Қадимги Шарқдаги дастлабки топ биполяр эди. Қурилишда тошдан кенг фойдаланиш Миср меъморчилигини Шарқнинг бошқа қисмидаги архитектурадан ажратиб туради, ушга ўзига ҳослик бахш этади.

Ҳайхал-тарошлик

⁴ Бетсфил қаранг: Томпкинс П. Тайна Великой пирамиды Хеопса. <http://lajforum.ru/viewtopic.php?t=508&l=2603>.

⁵ Қаранг: Джеймс П., Торп Н. Тайна древних цивилизаций. <http://padabum.com/d.php?id=18655>. – С. 160.



Гизадаги эҳромлар – Қадимги Мисрнинг энг буюк меъморий ёдгорликлари, улар орасида дунёнинг илти мўъжизасидан бири⁶ бўлган Хуфу (Хеопс) эҳроми ҳам бор.



Тутанхамон ширкиби.

Агар Месопотамияда ҳайкалтарошлик санъатининг ривожига жуда текланган бўлса, Мисрда бу санъат катта тараққиёт йўлига тушади. Бу ерда материаллар борасида ҳеч қандай чеклашни йўқ эди. Миср ҳайкалтарошлари тошдан бошқа материаллар, масалан, ёвотдан ҳам усталик билан фойдаланганлар.

Миср ҳайкалтарошлиғи, албатта, ўз қонунарига эга бўлган. Месопотамия учун характерли бўлган принципга пути қўшиш лозимки, эди санъаткорнинг мақсади факт ёки воқеани эмас, инсонни, шахсни акс эттиришдир. Бу, айниқса, худолар ва фиръавнларнинг ҳайкалларида тегишли бўлиб, уларда, ҳатто, ҳолат ҳам бир неча қонуний типлар билан чегараланган (тахтда ўтирган ёки бир оёғини олдишга қўйиб тик турган, аммо мутлақо турғун ҳолат).

Бироқ ҳолатни тасвирлашнинг бир хил усулига эътиборини қилиб, юзни тасвирлашда хилма-хиллик мавжуд бўлган. Олимларнинг таъкидлашича, бўлиш асосий сабабларидан бири – диний мотив бўлган. Зотан, марҳумнинг руҳи бу дунёга қайтиб келганда ҳайкалда жойлашиши лозим бўлганлиги учун иккаласи ўртасидаги ўхшашлик айнан ва мукаммал бўлмоғи керак. Қадимги мисрликларда бадний маҳорат кучли бўлган, шу сабабли ҳайкаллар юзи санъаткорнинг кузатувчанлиги, мавзуларнинг ажойиб хилма-хиллиги ва фикр баённинг қудратидан далолат бериб туради.

Мисрда бадний мукаммаллик эволюция натижасида юзага келган жараён. Ҳатто, Қадимги подшолик даврида ҳам бу борада ажойиб ютуқларга эришилган. Шу даврдаги асарлардаёқ мутлақо геометрик усул билан ифодадаги субъективизми уйғунлигини кузатиш мумкин.

Умуман, Миср санъатида идеалистик ва реалистик йўналишларнинг қарама-қаршилиги Янги подшолик давригача кўзга яққол ташланмайди. Бу ерда биз, бир томондан, нафис уйғун чизиқлар ва енгил табассум билан юмшатишган сокин юз ифодасини кўраемиз. (Мисол тариқасида Қохира музейида сақланаётган Геперал ҳайкалини келтириш мумкин). Боник томондан, юзага келган диний инқироз тўғрисида реализмга бўлган чуқур ташналикни кузатиш мумкин (масалан, Қохира музейида сақланаётган Менофис IV ҳайкали). Бу суякларни бўртиб чиққан юз, қалин лаблар ва чўзишган ияк орқали санъаткор чуқур реализмни ифода қила олган.

Миср ҳайкалтарошлиғининг характерли томони табиатни ҳаққоний акс эттириш эканлигидан келиб чиқиб, мисрликлар санъатига, айниқса, диний тасаввурлар ва эътиқод соҳасига, фантастик унсурлар ёт деган ҳулоса келиб чиқмаслиги керак. Аксинча, бу ерда тасаввурлар реалистик билан ҳамбарчас бир-

лашиб кетган, тўғривоғи, тасаввур энг олий реалистик дея қабул қилинган. Миср ёдгорликларининг тирик тури бўлган сфинкс бундай бирлашганга мисол бўлиши мумкин. Барча сфинкслар ичида энг қадимгиси ва энг монументали IV сулола фиръавини Хофрен (Хафри) топширишга биноян мил. ав. 2500 йили Гизада қурилган сфинкс бўлиб, у дастлаб ўзининг қўриқлиги билан ётган шерни эслатувчи қоя бўлган. Инсон тасавури ва қўллари бу ўхшашликни кучайтиради ва тошдан одамнинг бошини ясади, натижада фиръавн қудратининг муҳташам рамзи шайдо бўлади. Кейинчалик сфинкс ҳайкалтарошлиқнинг алоҳида турига айланади ва ибodatхоналарга кираверишни бутун боғли сфинкслар таласи қўриқлади.

Мисрда барельеф ва деворий нақшлар умумий техника ва умумий мавзуга эга бўлиб, амалда санъатнинг битта жанрига ташкил қилади. Иккаласи ҳам Мисрда кенг ривожланган. Агар Месопотамия рельефлар сони бўйича Миср билан қайсидир даражада тенглана олса, нақш бўйича бундай деб бўлмайди. Чунки Месопотамия нақшларининг жуда кам қисми анча ёмон ҳолатда бизнинг давримизгача етиб келган бўлса, Миср нақш санъати ёдгорликлари жуда кўп ва яхши сақланган ҳолда ҳозирги давргача сақлаб келинди.

Миср санъати ўзининг назарий принциплари бўйича Шарқ дунёсининг қолган қисми билан мутлақо ўхшаш, аммо бу принципларнинг амалий қўлланилиши бўйича – жуда ноёб. Мисрлик санъаткор ўзининг месопотамиялик ҳамкасби сингари тасвирлаш муаммосига субъектив эмас, объектив ёндашади, одамлар қиёфаси ва царсаларни зохирий туюлганидек эмас, реал, қандай бўлса шундайлигича чизади. Шунга қарамасдан, санъаткорга хос бўлган ички ҳиссиёт тасвири механик равишда андозалашдан сақлаб қолади, у кўриниб турган реаликка эътибор қилмайди, муаммоларнинг ечимини топинг имконини берадиган тасвирлашнинг янги ифодасини афзал кўради. Миср санъатида ҳам инсон қоматини ифодалашнинг йўналишларини белгилаб берган кўплай анъаналар мавжуд. Бу ерда ҳам, асосан, Месопотамиядаги қоидалар амал қилган: юз, қўл ва оёқлар ён томон (профиль)дан кўллари, оёқлари ва тос тўғри (фронтал)дан акс эттирилади. Аммо барча қисмларни уйғун бир эркинлик билантириб, ҳаракатсизлик таассуротини камайтиради ёки бутунлай бартараф қилади. Бундан ташқари, Месопотамия ҳайкалларида етишмайдиган ҳаракатни бу ерда илғаш мумкин; ҳарҳол Миср санъатида қарор топади ва унинг ажралмас унсурига айланади.

Нақш ва расм ёдгорликларнинг икки турида амалий ифодасини тошади: ибодатхоналардаги нақшларда ҳарбий саҳналар устун бўлса, мақбара деворларидаги нақш ва расмларда оила ҳаётидан саҳналар кўпроқ акс эттирилган. Қадимги Шарқнинг бошқа жойларидаги ошқора ва расмий санъатдан Миср санъатининг биринчи ва асосий фарқи ана шу лавҳаларда ифодаланган. Мисрликлар одамларнинг шахсий ҳаётини пунчаки акс этгирмасдан, уларни шакл ва ҳолатининг турли хилма-хиллигида, қатъо, рақс тушвётган ҳолатда ифодалашга эришган.

Оммавий саҳналарга келсак, улар реалликни беэбаб кўрсатишга эмас, уни тасвирлашга хизмат қилган, келажак бўлсада, ҳаётни акс эттирган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Миср цивилизациясининг табиати ва вазифаларини қисқача шакллантиришга ҳаракат қиламиз. Миср Қадимги Шарқ доирасида, унинг чегарасида жойлашган, шу бовис бошқа цивилизацияларнинг принциплари ва ўзига хос жиҳатлари сўзсиз Миср цивилизациясига ҳам тегишли. Бироқ шунан ҳаёти ва табиатига мисрча қараш, бу ҳаётни акс эттиришга қодирлик, мисрча услубнинг мумтоз вазни ва ҳисларни ифода этишининг бежиримлиги койишчалик Греция ва Ғарб цивилизациясининг мулкига айланган маданиятга муқаддима бўлди. Аммо мана шу узвийликка қарамасдан, бу маданият ўзигагина хос бўлган принциплар билан яшайди, ўзи машуб бўлган «воҳи цивилизацияси» ҳаётини акс эттиради. Миср санъатининг аҳамияти ва вазифалари ҳақида С. Донадони қуйидагича ёзади: «Миср санъати араб босқинчилиги бардони бера олмади. У қаршилар ва қаринларнинг ўзтиришига қарамасдан, авлоддан-авлодга ўтиб борулчи шимилли айсанилар ширзида санъаниб қрламоди. Аммо бу бизга, Миср санъати — ўлик санъат дейиш ҳуқуқини бермайди: зеро, санъат фақат бошқа санъатга ҳаёт бахти этгандагина яшайди, у шу санъатининг муиммоларини ва мавжудлик сабабларини тушунишга иштилаган барча учун очик бўлишига ҳам мшайверади. Миср санъатининг хронологик жиҳатдан узок ўтмишига йкуллаштилиши бизга уни қайта-қайта ҳис қилиш, ҳар қандай умуминсоний тажриба бизниш шахсий тажрибамизниш ширик унсурига айланishi мумкин бўлган ҳақиқий абадийликка дахлдор қилиш учун халақини бермайди»¹.

Донадонининг ушбу сўзларини бемалол, умуман, Миср цивилизациясига нисбатан татбиқ этиш мумкин.

¹ Қаранг: Москати Сабатинно. Цивилизация Архивети Постока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 156. Ёки инглиз тилида SergioDonadoni. TheEgyptians. (Мисрликлар) www.amazon.com/The-Egyptians-SergioDonadoni/dp/0226135266 ёки немис тилида Donadoni S. Der Mensch des Alten Agypten [Қадимги Мисрлик Инсон]. <http://nitrocker.org/forum/viewtopic.php?t=3702363>.

III БОБ

ҚАДИМГИ ЯҲУДИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ



Рабби Зейра ибодатни тугатиб, шундай деди: «Эй худо тооло, Парвардигоримиз! Сендан ўтинамиз, бизни гуноҳкор қилма, шарманга қилма, биз учун ажодларимизни уялтирма».

Бу жумлаларда нафақат диний мурожаатни, балки бутун яҳудий халқи тарихи бўйлаб ўтадиган ўзига хос халқ характерини ҳам ашлаш мумкин. Зеро яҳудийлар ҳам бошқа кўплаб халқлар сингари, гуноҳкор бўлмаслик учун худога натижо қилади, ўтган ажодлардан мадад сўрайди, айти пайтда, улар оқдида маънавий жавобгарликни ҳам доимий ҳис этади. Ана шу жавобгарлик ҳисси мукамал диний дунёқарап билан қўшилиб, сиёсий ташкилот борасида доим султ бўлиб келган яҳудий халқига шундай яшовчанлик бахш этдики, натижада улар атрофдаги буюк халқлардан фарқли равишда мшиг йиллар давомида ҳам диний, ҳам этник жиҳатдан ўзликни сақлаб қола оқди.

Қадимги дунё ва жаҳон цивилизациялари тарихида яҳудийлар ва улар яратган цивилизация алоҳида ўрин эгаллайди. Яҳудийлар – семит халқи¹. Улар барча семитларнинг биринчи авлоди ҳисобланган Иброҳимнинг набиралари ва Исроилнинг (Яъқуб) ўилларидан таркаган 12 уругдан иборат халқ.

Яҳудийлар тарихининг ибтидосида юз берган воқеалар Яқин Шарқнинг исбатан кичик бир қисми билан боғланган ва, асосан, Исроил Ери атрофида жамланган. Яҳудийлар та-

¹ Яҳудийларни диний ва этник жиҳатдан ажратип оқим. Қадимги яҳудийлар деганда, Яҳудияда яшган қадимги семит халқи тушуналади. Ақмо, кейинчалик яҳудо динини қабул қилган бошқа халқлар, масалан, хазарлар, қадимги турклар, славянарнинг авлодлари ҳам яҳудий саналади. Яҳудо динининг мураккаб томони шундаки, уни қабул қилган халқлар бошқа динлардан фарқли равишда этник ўзликни сақлаб қолмайди, «яҳудийлашади». Масалан, ислом динини қабул қилган халқларнинг ҳаммаси этник жиҳатдан араб ҳисобланмайди, «арабланимайди». Яҳудий дини эса битта «худо браќагани» халқ дини ва бу динни қабул қилганлар ўз ўзидан фақат диний эмас, этник жиҳатдан ҳам яҳудийлар таркибига қўшилади. Шу сабабли ҳамма яҳудийлар қадимги нузейлардан келиб чиқмасан дейишади.

риқининг географик ўзига хослиги яҳудий маданияти паклалинишига катта таъсир кўрсатди. Фаластиндаги цивилизациялар чорраҳасида жойлашган Қадимги яҳудий маданияти ўз ватанида ҳам, кейинчалик дунё бўйлаб тарқалиб кетган диаспорада¹ ҳам атрофдаги халқлар билан доимий маданий алоқада риножлақди. Яҳудийлар христиан ва ислом цивилизацияларига арзигудик таъсир кўрсатди, ўзи ҳам ташқи таъсирдан холи бўлмади. Бошқа халқлар ичида камчиликни ташкил қилган яҳудийлар улар билан доимий сермахсул мулоқот олиб борди, шу мулоқот доирасида ўқинаш томонларни ашиқлашга, улардан фойдаланишга, аммо ўзликни сақлаб қолишга ҳаракат қилди.

Оқие қитъасининг ғарб томонида жойлашган йнрик яриморол уч томондан денгизлар билан қуршалган ва қуруқлик орқали Африка билан боғланган. Бу яриморол Арабистон деб аталади. Унинг катта қисми чўллар ва ярим чўллардан иборат, шимода эса тоғ тизмалари Шарқий Ўрта Ер денгизига – жанубда Фаластин ва шимода Сурияга туташиб кетган. Шимоли-Шарқда Арманистон ва Эроннинг баланд товлари табиий чегаралар ҳисла қилади. Шу ерда, ички буюк дарёлар – Дажла ва Фрот оралиғида, чўллар ва тоғлар ўртасида ҳосилдор Месопотамия ерлари жойлашган.

Шу учта минтақа – Арабистон, Сурия-Фаластин ва Месопотамия яқоца географик бирикки ташкил қилиб, бу ерда инсоният тарихининг энг муҳим воқеалари киз берган.

Юқорида айтилганидек, «денгиз халқлари»нинг Қадимги Шарққа кириб келиши бу ердаги буюк давлатларнинг инқирозига олиб келди ва мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида Сурия-Фаластин минтақасига чет эл таъсирини сусайтирди, кучли мустақил давлатларнинг ташкил топиши учун имконият яратди. Бу давлатларни минтақада жуда қадим замонлардан бери яшаб келаётган ва фақат қулай фурсат вужудга келганлиги туфайлигина сиёсий бирликни ярата олган семит халқлари ташкил қилдилар. Улардан энг муҳимлари – Фаластинда қадимги яҳудийлар ва Сурияда оромийлар эди.

Шу тариқа, яҳудийлар ва арабийлар тарихи сиёсий нуқтан назардан фақат минтақадаги бошқа семит халқлари тарихи билан эмас, Қадимги Яқин Шарқнинг буюк давлатлари тарихи билан тақдослаганда ҳам бор-йўри катта воқеалар оралиғидаги кичик бир ҳодиса, аммо сўзсиз жуда муҳим ҳодиса эди.

¹ Диаспора (инонча diaspora, «тарқатиб юбориш») – халқнинг, этноснинг ўз мамлакатидан ташқарида яшовчи, этник ўзликни сақлаб қолиш учун барқарор ижтимоий институтларга эга бўлган қисми.

Яхудийлар халқ сифатида бизнинг давримизгача яшаб келмоқда. Аммо халқнинг буцдай узок вақт мавжуд бўлиши уни бирлаштирган сиёсий кучнинг хизмати эмас. Бунинг сабабини қадимги яхудий динидан, бу диннинг собит консерватизмидан илаши лозим. Айни шайтда бу дин яхудийларни бошқалардан ажратиб қўйди, зеро, у худо билан Исроил халқи ўртасидаги Аҳд концепциясига асосланган эди. Бу концепциянинг мохияти жуда оддий: Исроилнинг ўз худоси бор; бу худо Исроил халқи билан аҳдланган; шу аҳднинг ижроси яхудий халқининг тарихиши таъкил қилади.

Шунингдек, бу концепция яхудийлар динишиг консерватизмини янада кучайтиради, чунки ушбу концепцияга асосланган дин худо бўлақатган халқнинг барча тарихий бахтсизликларини вақтинчалик, одамларнинг гуноҳлари натижасида келиб чиққан илоҳий порозиликнинг намоён бўлиши, деб тушунтиради.

Қадимги яхудий пайғамбарлари ўз халқининг бошига тушган кўргуликларни шуцдай талқин қилганларки, бу фалсафа яхудийларни ўз диний ва этник анъаналарини қатъийлик ва ҳатто, ўжарлик билан сақлаб қолишга ундаган. Буцдан тапқари, уларнинг дини ўз-ўзица ҳайратланарли даражада ҳаётий кучга эга эди. Бу фикрнинг тасдиғини фақат ибтидоий динишиг иудаизмга ўсиб ўтганлиғида эмас, балки христианлик ва исломга тарқалганлиғида ҳам кўриш мумкин. Христианлик ва исломда у битта халқ дини доирасидан чиқиб, универсал динга айланган бўлса, иудаизмда битта халққа хос бўлган дин хусусиятларини ва унга сиғинувчиларнинг этник ўзлигини аниқлаб қобилиятини шу даражада сақлаб қолдики, яхудий халқи ўз давлатчилигини йўқотгандан икки минг йилдан зиёд вақт ўтиб, XX аср ўрталарида Исроил давлатини сиёсий бирлик сифатида тиклаш мумкин бўлди.

Тарихи | Қадимги яхудий халқи тарихишиг бошланиши Библия¹ даври билан боғлиқ. Уларнинг Қадимги Аҳдда

¹ Библия (юнонча — «китоблар», Қуръонда «Китоб», христиналарда «Муқддас Китоб») дейилади. Китоб мазмундан тапқари, ҳажми жиҳатидан ҳам ажратилган ва бир ўрам шариғуста ёзилган битта битта «китоб» дейилган) икки қисмга — Қадимги Аҳд ва Янги Аҳдга бўлинади («аҳд» сўзи худонинг инсонлар билан махсус алоқасини билдиради). Қадимги Аҳд (или, Таврот ва Забур) Исо Масих туғилганидан аввал, Янги Аҳд (или, Инжил) эса Исо Масих туғилганидан кейин, биринчи исрам ёзилган. Қадимги Аҳд матни иврий ва арабий (эски яхудий) тилларида, Янги Аҳд матни эса юнни тилда ёзилган. Библиянинг Исроил халқи тарихи ёритилган қисми Қадимги Аҳд деб аталади. Библияга кўра Қадимги Аҳд худо билан Исроил халқи ўртасида, Янги Аҳд эса худо билан бутун одамниг ўртасида тузилган. Библияни кирган китоблар сони 66 та (православларда — 73 та), шундан 39 таси Қадимги Аҳдга, 27 таси Янги Аҳд (Инжил)га оид.

баён қилинган тарихи яхудийларнинг дастлабки аجدоди бўлган Иброҳим даврида бу халқнинг тарих сахнасида пайдо бўлишидан бошланиб, Яхудиянинг македониялик Александр томонидан забт этилишигача бўлган даврни қамраб олади.

Қадимги яхудийлар халқ сифатида қадимги Кашьот (Ханаан)¹ ҳудудида м.в. ав. II мишг йилликда шаклланган. Яхудий халқининг шаклланиши қадимги цивилизацияларда ёзувнинг пайдо бўлиши билан бир пайтга тўри келади. Географик жиҳатдан эса яхудийларнинг «милий ўчоғи» Қадимги дунёнинг чоррахасида — Месопотамия ва Миср, Кичик Осиё, Арабистон ва Африкаши бир-бири билан боғловчи йўллар туташган ерда жойлашган.

Яхудий халқининг қадимги тарихиши ўрганиш бўйича асосий манба Қадимги Аҳд, шунингдек, Иосиф Флавий («Қадимги Яхудия» ва «Яхудия урушлари»), Филон Александрий ва ботқаларнинг асарлари ҳисобланади. Иудаизм, христианлик ва исломдаги боғ диний адабиёт ҳам кўп жиҳатдан яхудий халқи тарихиши акс эттиради.

Қадимги Аҳдда келтирилган маълумотлар ҳар доим ҳам тўлиқ ва кенг қамровли бўлмаса-да, айтиш мумкинки, яхудий халқининг тарихи жуда яхши ҳужжатлаштирилган. Узок асрлар давомида Яқин Шарқ цивилизациялари ҳақида Библияда ёзилганидан ботқа деярли ҳеч нарса маълум эмасди. Айни пайтда, яхудий халқи тарихи жуда яхши маълум бўлиб, бу тарих яхудийларда диний таълим ва маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб келган.

Бирок манбаларнинг, Библиянинг дастлабки қисмлари — Бешкитоб²нинг яратилиш вақти ва усули билан боғлиқ кўплаб

¹ «Ҳосиядор примойивит» тарбий қисми, қадимги Финикия. Ҳосир бу ерлар Сурия, Ливан, Исроил ва Иордания давлатлари ҳудудида киради.

² Бешкитоб (яхудийларда Тора, арабларда Таврот) — яхудийлар ва христиналар Библиясининг дастлабки беш китоби («Ибтидо», «Иқтиш», «Левит», «Иўлда» ва «Қонуи тўплами»). Мусо Қонуларни ёки Мусо Бешкитоби деб ҳам аталади. Таврот — анъанавий яхудий қонулари мажмуаси. Агар Таврот иудаизмининг пойдевори бўлса, унинг асосий устун Талмуд бўлиб, унда яхудий халқининг бутун маънавий ва фалсафий бойлиғи жамланган. Талмуд — озаки таълимниг мажмуаси. У икки қисмдан: иврий (иврит) тилда ёзилган Мишна ёки Галахи (Қонун) китоби ҳамда унга шарҳлардан иборат ва бу шарҳларнинг ўзи Талмуд д-й аталади. Талмуд Мишна ҳақидаги бахслар ва тушунтиришлардан иборат бўлиб, асосан, арабий лажжасида ёзилган. Аммо Талмуднинг аҳамияти бутун шундангина иборат эмас, у донишманд яхудий халқининг кўп мишг йиллик маънавий казinasидир.

муаммолар мавжуд, бу манбаларда яхудий халқининг тарихи, айниқса, унинг даслабки даври шундай тасвирланадики, бу анча эддиатга ва ипонарсиз туюлади¹.

Яхудийларнинг келиб чиқиши ҳақида Бешкитобда келтирилган ҳикоялар унга фундаментал воқеа атрофида бириктирилган. Биринчиси, бу — Қуйи Месопотамияда қадимги яхудий қабилаларининг пайдо бўлиши: Ибнидо китобида Иброҳимнинг (Авраам) Ур шаҳридан кўчгани, Фрот дарёси бўйлаб сузиб, Харангача, у ердан пастга, Фаластинга келгани ва худо унга бу ерларни паъда қилгани ҳақида ҳикоя қилинади. Иккинчиси — бу яхудийларнинг вақтинча Мисрда қўним топгани, фиръавн қўлида изтироб чекагани ва яхудийларнинг Мусо (Моисей) бошчилигида Мисрдан чиқиб кетгани ҳақидаги ҳикоя. Учинчиси — Мисрдан Фаластинга чиқиш бўлиб, унинг давомига худо Яҳва номи билан ўзини Мусога намоён қилади, у билан Иброҳим қавми ўртасидаги Аҳдни қайта тиклайди, Қонун ишлом этади. Тавротда баён қилинган аъёналарга кўра, яхудий халқи Мисрдан чиқиши ва Синай тоғларида Тавротни қабул қилиши натижасида шакланган. Яхудийлар тарихининг аъёнанинг баъзи Библиядан бешқа манбаларда ўз тасдиғини толмаган, ammo ҳозир кўпчилик олимлар Библиядеган ҳикоялар тарихий асосга эга бўлиши мумкин деб ҳисоблайдилар. Библияга кўра, яхудий халқининг асосчиси Иброҳим (Нухнинг набираси, Сомнинг ўғли Евердан тарқатган) Месопотамиянинг Ур шаҳридан бўлган. Сўнги тадқиқотлар ва археологик ёдгорликларнинг далолат бериптича, Иброҳим Канъонга кўчиб келганда маданиятнинг барча унсурларига эга бўлган, анча бой ва обрўли қавмнинг йўлбошчиси эди. Иброҳим Канъоннинг баъзи жойларида аҳолининг ахлокий бузуқликка чуқур ботганини ҳам учратган бўлса-да, асосан, анча маданиятга халққа дуч келади. Канъонда худо билан Иброҳим ўртасида Аҳд тузилиб, бу шартнома яхудий халқининг кейинги тақдирини белгилаб берди. Бироз вақт ўтгандан сўн Иброҳим Нил дарёси бўйларига келди, бу ерда Қадимги Шарқнинг доно халқи яратган мадҳабатли эҳромлар, кўркам саройлар ва, айниқса, шакланган диний татанмотга эга бўлган Миср цивилизацияси билан танилди.

XVIII асрда Бешкитоб, айниқса, ундаги китоблар жойлашуни таъқидий қайта таҳлил қилиб чиқилди (Ю. Вельяхулен). Унга кўра Бешкитоб, гўргирова, Олтикитоб, яъни унга Ешуа Нун китоби ҳам қўшилган. Мусонинг ўлимидан бир неча аср кейин яратилган деб ҳисобланади эди. Ammo кейинги таъқидотчилар (Интвел ва боник) китоблар, асосан, Мусо даврида яратилганлигини тасдиқлашмоқда.

Биз бугун Фаластин деб атайдиган ерда — Ўрта Ер денгизи билан Арабистон тўллари ўртасидаги ҳосилдор минтақада мил. авв. XVI асрда турли хил халқлар яшаган. Бу халқларнинг бир қисми Арабистон тўлларидаш чиқиб, кўпманча ҳаёт тарзидан ўтроқликка ўзинга қарор қилган семит халқи — аморрийлар томонидан сиқиб чиқарилди. Шимолдаги пасттекисликларда, асосан, денгиз бўйида савдогар қанъон халқи яшарди. Шу халқнинг номидан бу ер Библияда «Қанъон Ери» деб аталган. Қудратли Миср империяси турли даврада ўз таъсирини пшмолга қараб ёйишга ҳаракат қилиб, бу ерларда кўплаб мустақкам қалъалар буида қилган. Миср билан бўлган урушларда Оссурия ҳукмдорлари ҳам маҳаллий қабилла бошлиқларини бўйсундириш мақсадида бу мамлакатта бир неча бор бостириб кирган эди. Ўз навбатида, арабийлар ҳам Месопотамиянинг ҳосилдор ерларида ўрнашиб олишга интилади. Кўчкнчилар афсонага кўра қандайдир Эвер (Евер) нинг авлодлари бўлганлиги ёки дарёнинг — Фротнинг нариги томони (эвер та-нахар — дарёнинг нариги томони)дан келганлиги учун уларни иврим ёки еврей деб аташган¹. Кўчиб келганлар орасида Халдейнинг Ур шаҳридан бўлган Иброҳим ҳам бор эди. Олиб боришган археологик қазиниларнинг тасдиқлашича, Иброҳимнинг она шаҳри шу даврдан қадимги ва юксак маданият макони бўлган. Тахмин қилишларича, Иброҳим манавий мукаммалликнинг янада юксак босқичига эришиб истагида ўз юртига тарк этади. Шу мезоода уни ҳақли равишда яхудий халқининг отаси, яхудо динига кирганларнинг эса бугунги кунда ҳам «Иброҳим отамизининг болалари» деб аташади.

Яхудийлар тарихининг Иброҳим даври тахминан мил. авв. XVIII — XV асрларни ўз ичига олади.

Иброҳим кўчманчиликда ҳаёт кечиради ва қунардан бирида очлик уни Мисрга етаклаб келади. Ammo қалбида Қанъон ерига бориш орзуси сақланиб қолади ва фурсат туғилганда бу ерга, албатта, қайтиб келади. Иброҳим ўзини қанъонликларга писбатан юқорироқ цивилизацияга машуб деб ҳисоблагани учун ўзга Исҳоққа келишни Месопотамиядаги қабилалар орасидан олишга қарор қилади. Исҳоқ урушининг кейинги йўлбошчиси бўлиб, у Иброҳим сингари обрўга ва таъсирга эга эмасди. Урушнинг кейинги авлодига қабиллага биришади.

Исҳоқдан кейин унинг ўғли Исроил (Исроил — Ятқуб пайғамбарнинг исмларидан бири) қабиллага бошчилик қилади. Унинг ўн икки нафар ўғли бўлиб, оила ҳаёти саргузаштлар

¹ Рот Сесиль. История евреев с древнейших времен по постбиблейскую эпоху. <http://www.htmlbooks.ru/ru-375008p=2> — С. 3 — 4.

ва қийинчиликларга тула бўлган. Ёшлғида акаси Эсов билан келишмагани сабабли уйини тарк этган Исроил, онасининг вагани Месопотамиядаги қариндошлари олдига келади, бобоси ва отаси сингари кўчманчи ҳаёт тарзини танлайди. Аммо очлик уш ва энди бани Исроил (Исроил болалари) деб аталаётган онасини Мисрга келишга мажбур қилади. Ибтидо китобида ёзилишича, яҳудийлар Мисрга бу ерда фиръавннинг биринчи вазири бўлиб олган ва фиръавнни фақат олий ҳокимият тизимига айлантириб, амалда Мисрни ўзи бошқарган Юсуфнинг ортидаш келишади. Юсуф ўз отаси Исроилга бутун онаси билан (67 киши) Мисрга кўчиб келиши учун ёрдам беради ва ҳосилдор Гошен ҳудудидан жой ажратади.

Яҳудий халқининг оталари – Иброҳим, Исҳоқ ва Исроил камтарона кўчманчи ҳаёт кетиришган, шу сабабли уларнинг исмлари Бобил архивларидаги миҳхат тахтачаларида ҳам, Миср фиръавнларининг ёдгорлик тошларидаги битикларда ҳам учрамайди. Айни пайтда, Библия қадимги бобилликлар, мисрликлар ва бошқа кўлаб халқлар тўғрисида хотираларни минг йиллардан бери сақлаб келмоқда.

Яҳудийларнинг Мисрга кўчиб келиши бу ерда чет эллик тиксослар ҳукмронлик қилган давр (мил. авв. XVII аср)га тўғри келади. Тахминан шу сулола вакилларида биришнинг ҳукмронлиги даврида Юсуф Мисрни бошқарган бўлиши мумкин, чунки ҳақиқий мисрликлар назар-писанд қилмайдиган кўчманчи тўпон мамлакатнинг ҳукмдори лавозимига фақат шу даврдагина тайинланиши мумкин эди. Тиксослар ўзларишнинг мавқеини мустаҳкамлаш учун четдан келганларга ҳомийлик қилади, уларга яхши ерлардан жойлар ажратади, ўз иттифоқчиларига айлантиришга ҳаракат қилади. Янги келган кўчманчилар – яҳудийларга мамлакатнинг энг ҳосилдор ерларидан биришнинг ажратилгани ҳам шу билан изоҳлаш мумкин.

Ҳосилдор ерда жойлашган, юқори даражада ривожланган маданиятнинг кучли таъсирида бўлган ва мамлакат ҳукмдорининг доимий ҳомийлигини ҳис қилиб турган яҳудийлар тез кўпайиб борди. Аммо Миср ҳаётида муҳим ўзгариш юз берди. Фивада бошланган озодлик ҳаракати тиксослар ҳокимиятини алдариб ташлади ва уларни мамлакатдан қувиб чиқарди.

Бу сиёсий ўнгариш яҳудийлар тақдирини учун маътум аҳамиятга эга бўлди. Тахтга маҳаллий фиръавнларнинг XVII сулоласи келди. Тиксосларга қарши шиддатли кураш давомиде мисрликларда илгарги кўзга ташланмаган жанговарлик ва босқинчилик

руҳи ҳамда барча мисрлик бўлмаганларга, айтиқса, чорвалдор кўчманчиларга нисбатан шубҳаланиш ҳисси шаклланди. Албатта, яҳудийларнинг тиксослар билан алоқасидан хабардор бўлган янги сулола уларга нисбатан шубҳа ва дўшманилик кайфиятида бўлди. Яҳудийлар сон жиҳатидан анча кўпайиб, каттагина сиёсий кучга айлангани сабабли, уларга нисбатан зулм сиёсати юришди ва бу сиёсат ҳар бир янги ҳукмдор тахтга келиши билан янгида кучайиб боради. Четараларни деворлар билан мустаҳкамлаш ишлари бошланиб, бу оғир ишда яҳудийларнинг текни меҳнатидан фойдаланилди. Фиръавнлар фақат ҳарбий қудратда эмас, шу қудратнинг тимсоли бўлган улкан қурилишларда ҳам бир-биридан ўтишга ҳаракат қилдилар. Бу мусобақа руҳи кучайган сари халқнинг сийласи қуриб борди. Яҳудийлар Цилдан сув чиқариш ва бошқа қиплоқ хўжалик ишларига ҳам жалб қилинди.

Алғанавий яҳудий тарихига кўра Мисрдаги қулик 210 йил давом этди.

Мисрни тарк этишдан олдинги йилларда яҳудийларнинг аҳволи чидаб бўлмас даражага етади. Аммо барча қийинчиликлар ёш халқнинг ўсишини тўхтата олмади. Буни кўрган фиръавн аввалига зимдан, кейин эса очикчасига исроил қавмида тутилган ўтил болаларни ўлдиришга буйруқ беради. Оғир меҳнатдан чекилган оқ-воҳларга энди фарзандини йўқотган оналарнинг фарёди ҳам кўпилади. Аммо шу нола ва фарёлар ичиде яҳудий халқининг буюк халоскори Мусо тутилади.

Мўъжизавий равишда тирик қолган Мусо фиръавннинг синглиси Хатасу – воёга етмаган укаси, кейинчалик машҳур фиръавн ва саркарда Тутмос III га васийлик қилиб, мамлакатни бир қанча вақт мустақил бошқарган аёлнинг асранди ўлими сиёсатида саройда тарбияланди ва мисрлик қозинлар томонидан допинимандликнинг барча сирларидан воқиф қилинди. Аммо ўз халқининг оғир аҳволини кўрган Мусо саройдаги ҳаптаматли ҳаётдан нафратланади. У «вақтинчалик гуноҳқорона роҳатдан кўра, худо ёрлаққан халқ билан бирга азоб чекишни маъқул кўради». Мусо азоб текаётган қабиладошини кўриб, жаҳл устида мисрлик назоратчинини ўлдиради. Жиноят овоза бўлгандан сўнг, муқаррар ўлим жазосидан қочиб, тоғли Синай яриморлига кетиб қолади ва шу ерда қирқ йил тинчгина тўпошлик қилади.

Фурсат етиб, худодан ишора бўлгандан сўнг Мусо ўз халқини Миср тутқишдан халос қилиш учун фиръавн ҳузурига келади ва унга худо помидан келганлигини айтиб, мўъжизалар намойиш қилади. Бу мўъжизалар мисрликларга ўн жазо поми-

ни олган ва уларнинг ҳар бири мисраликларга катта талафот келтирган. Шу тариқа давомли ва саботли курашдан сўнг Мусо ўз халқини Миср тутқинидан олиб чиқади (яҳудийларнинг Мисрдан чиқиб кетгани айрим олимлар мил. авв. 1445 йил десалар, кўпчилик олимлар мил. авв. 1227 йил дейишади). Аммо бир ҳафтадан сўнг фиръавн қўшини яҳудийларни Қизил денгиз бўйларида қувиб етади. Шунда мўъжизаларнинг охиригиси юз беради: денгиз суви яҳудийлар олдига чекиниб, улар ортидан, фиръавн қўшинлари олдига ёпилади ва қўшин ҳалок бўлади. Бу мўъжиза ҳақида Библияда батафсил баён қилинган:

*Биз оталаримиз қатори гуноҳ қилдик,
Йўлдан олдик, бузуқлик қилдик.
Ота-боболаримиз Мисрда бўлганида,
Сенинг ажойибовшингни фаҳламасдилар.
Беҳад лутфу карамингни эста олмасдан,
Денгизда, Қизил денгиз бўйида исён қилдилар,
Хушованд эрса, қудратини кўрсатай дея,
Ўз исми ҳурмати учун уларни қушқарди.
У Қизил денгизга дуқ урди,
Денгиз қоқ-қуруқ бўлди.
Худди чўл ўртасидан келдиргандай,
Уларни гирдоб ўртасидан қуруқ ўшказди.
Аёл қўлидан уларни қушқарди,
Душман дастидан ҳалок қилди.
Биларни сувлар босу,
Уларнинг ҳеч бири қолмади!*

Фаластинда мисраликлар ҳокимияти кучли бўлганлиги учун бу ерда кела олмасдан Фаластин билан Миср ўртасидаги Синай тўлини кезиб юрган яҳудийлар учун бу давр катта сино даври бўлди. Бу даврда эришилган асосий муваффақият шу бўлдики, Мусо тарқоқ қабилаларни битта халқ қилиб бирлаштирди ва уларга соф монотеизм тоғсини сингдирди; шу ерда, Синай тоғи этакларида худо билан кейинчалик бутун инсоциётга тарқатилган лозим бўлган асл диннинг ва ҳушалоқнинг соҳиблари сифатида У ёрлаққан халқ — яҳудийлар ўртасида яшувчи Аҳд тузилади¹. Аҳд «Ўн Амр» деб аталиб, худо уларни

¹ Инъон. Тааритдан Мусо пайғамбарнинг биринчи хатоби. Ибтидо. Забур. — Библияга таржима қилинган институт. Спиксманн. 1992. Забур, 243-бет.

² Аҳднинг ятти «Аҳд савдони» деб аталган, олин билан қопланган ёвоқ сандиқда, гондак эса қалимий яҳудийларнинг Шаҳодат Чидирида, кейинроқ маъбаднинг Муқаддаслар Муқаддаси деган жойида сақланган.

иккита тош лавҳага ўйиб, Мусога берган, деб ҳисобланади. Бу «Ўн Амр» яҳудийлар дини ва ахлоқий тизимининг шойдеворини ташкил қилди. Улар бизнинг кунларимизгача яҳудийлар ҳаёти ва ҳуқуқининг асоси бўлиб қолаётган ва Янги даврда гуманистик тоғлар шаклланишга ҳам арзигулик таъсир кўрсатган қонушлар мажмуини яратди. Халқни диний ва ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ҳам шу ерда юз беради: Шаҳодат Чидири (Скиния — кўчма ибодатхона) қурилиб, Парвардигорнинг амрига кўра левий уруғи (левийлар) унга хизмат қилиш учун ажратилади, Мусонинг акаси Аҳароннинг (Хорун ибн Имрон) авлодларидан руҳонийлар тайинланади.

Муқаддас тоғ этагида бир йил тургандан сўнг яҳудийлар Жаннатмакон Ерга¹, яъни Каньонга қараб йўлга тушадилар. Мисрдан чиққан шайтандоқ сафарнинг мақсади аниқ — Каньон ери бўлишига қарамасдан, яҳудийлар Мисрдан чиқиб кетганининг муваффақиятига ишонмасдан худога шак келтиргашлари учун тўлда қирк йил санғиб юришга мажбур бўладилар². Каньон чегараларига Ўлик денгиз (Туз деңизи) томондан фақат янги авлод етиб келди ва Иордан дарёси қирғоқларида охириги марта чодир қурдилар. Ривоятга кўра Мусо пайғамбар Жаннатмакон Ер кўришиб қолганда мил. авв. 1406 йили вафот этади ва уни забт этишни ўз иориси, қудратли Эфраим (Яъқуб ўғли Юсуфнинг иккинчи ўғли) уруғидан бўлган Ешуа Нун (Иисус Навин)га васият қилади. Яҳудийлар Фаластинга мамлакатнинг маркази, шимоли ва жашубига қараб интилган бир неча оким бўлиб кириб келганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Археологик ёдгорликлар бу воқеалар мил. авв. XIII асрнинг иккинчи ярмига тегишли эканлигини билдиради.

Яҳудийларнинг Фаластинга кириб келиши шиддатли ҳарбий юриш тарзида юз берган эмас. Олимларнинг фикрига, уларнинг кириб келиши аста-секин тинч йўл билан юз берганлиги ҳақиқатга яқинроқ. Масалан, яҳудийларнинг қадимда икки марта Каньон ерига кириб келиши Ибтидо

¹ Бу ибора Библияда олинган бўлиб, Фаластинни англатади. Худонинг амрига кўра Мусо пайғамбар Мисрда тутқинда бўлган яҳудий халқини шу ерга бошлаб келади. Шу сабабли бу ибора «сизга қайнган ер», унга етишни ороқ қилинган — «орзудати ер», «жаннатмакон ер» маъноларини билдиради.

² Яҳудийларнинг бу гувоҳлари ва уларнинг худо томонидан афв этилганлиги ҳақида Қуръоннинг «Вақора» сурасида ҳам батафсил ёзилган. Қаранг: Қуръон қарим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: «Ўзлон», 1992. 10-бет.

китоби¹ матнариининг асосини ташкил қилади ва бу Исроил халқи тарихининг бошланishi ҳисобланади.

Кўчманчилар тезда янги жойга, янгича ҳаёт тарзига кўчикишди. Улар алоҳида шаҳарларда, кўпчилик ҳолларда бўш ерлар кўп бўлган қишлоқларда жойлашади. Кўчиб келганлар бу ерда канъонлардан ташқари семит бўлмаган бошқа қабилаларни, шунингдек, Мисрга кўчишда қатнашмаган бошқа яҳудий қабилаларини ҳам учратган бўлиши мумкин. Бу яҳудий қабилалари кўчиб келганлар билан тезда тўлиқ қўшилиб кетади. Бироқ канъонлар билан ассимиляциялашув анча оғир кечди ва бир неча аср давом этди. Иерусалим фақат Довуд хукмронлиги даврига келиб забт этилди.

Қадимги яҳудий жамоасининг асосини қabila ташкил қилади. Ишқилда ёзилмишча, забт этилган ҳудуд ўн икки қabila ўртасида бўлиб олинган. Қабилалар, ўз навбатида, уруғларга бўлинган.

Ишқирозлар даврида халққа йўлбошчилик қилган судьялар яҳудий халқининг бутун бошли тарихига ўз номини берганлар — бу давр (Судьялар даври) Фаластин забт этилгандан сўнг икки асрдан кўпроқ (мил. авв. XII—XI асрлар) давом этди. Хукмронлик даражаси ва муддати бўйича чекланган судьялар ҳокимияти қадимги семитларга хос бўлган кўчманчи қabila бошлиғи ҳокимиятини эслатади.

Судьялардан олдин, Ешуванинг ўлимидан сўнг яҳудийлар сиёсий йўлбошчисиз қолади ва амалда уларни фақат дин, қонулар ва қондошлик ҳисси бирлаштириб турган ўн иккита мустақил республикаларга бўлиниб кетади. Бу бўлиниш, табиийки халқнинг сиёсий ва, албатта, ахлоқий жиҳатдан кучсизлашишига олиб келди, улар канъонлар таъсири остида будпарастлик одатларини қабул қила бошладилар. Бундан маҳаллий аҳоли ҳам, атрофдаги бошқа халқлар ҳам фойдаланиб, аввалги қалабалари учун яҳудийлардан ўч олдилар, уларга зулм қилдилар.

Халқни бу кулфатлардан судьялар халос қилди. Улардан халқ хотирасида доно аёл Девора, жасоратли Гедеон ва баҳодир Шимшон (Самсон)ларнинг номлари сақланиб қолган. Аммо айрим шахсларнинг жасоратига қарамасдан, судьялар дав-

¹ Таврот бешта китобдан иборат: «Ибтидо», «Чиккиш», «Асонга», «Чўлда» ва «Қилув тўламини». Билан Қадимги Аҳдда учрайдиган китобларнинг ҳаммиги (яъни, Библиянинг дастлабки 39 китобининг) Тавротга киритилмади. Аслида яҳудийларда бу китоблар мажмуъаси Танах деб аталиб, унга Таврот (ибрий тилда [תּוּרָה] Тоҳ), Пийтамбарлар китоби ([כְּתוּבֵי הַנְּבִיאִים] Невийим) ва Муқддас Ёзув ([כְּתוּבֵי הַכְּתוּבִים] Ктувим) қиради.

ри — бу гумроҳлик, қонунсизлик ва будпарастлик даври, шулар оқибатида халқ бошига тушган кулфатлар даври. Халқ орасида Ягона худога ситинувчи дин унутилди, унинг ўрнини хурофот эгаллади. Ахлоқсизлик шунчалар ужумий тус олдики, бир неча жазман билан никоҳсиз япаш одатий ҳол бўлиб қолди. Айрим шаҳарларда шундай жирканч иллатлар ёйилдики, бир пайтлар айнан шу иллатлар учун Содом ва Гоморра¹ шаҳарлари худонинг қаҳрига учраган эди.

Мил. авв. XII асрда вужудга келган шундай оғир бир шароитда қандайдир ички сабабга кўра Крит оролидан ва Китик Осиёнинг қирроқ бўйларидан жанубга қараб аҳолининг катта кўчилиши юз беради. Кўчкинчи филистийлар — «депиз одамлари» Синайдан шимолдаги ҳосилдор ерларга ўрнашиб, Осиё билан Африкани боқловчи йўлларни эгаллаб олдилар. Филистийларнинг кўчилиши қадимги дунёга шунчалар катта таъсир кўрсатдики, бу ерни уларнинг номи билан «Фаластин» деб аташ бошладилар.

Кўчкинчилар катта тезлик билан яҳудийлар ерларини забт эта бошлади. Ўзaro келишмай юрган яҳудий қабилалари катта хавф олдида бирлашдилар. Аммо шунга қарамасдан, Афека ёнидаги жашга мағлубиятга учрадилар. Исроил узок йилларга филистийлар қўл остида қолди.

Афека ёнидаги мағлубият битта муҳим ўзгаришга олиб келди: қадимги қоҳинлар сулоласи ўрнига жанговар саркарда Шомуэл (Самуэл) ҳокимиятга келди. Шомуэл мамлакат мустақиллигига хавф солаётган ташқи кучга қарши курашиш учун ягона кучли ҳокимият зарурлигини, фақат подшо ҳокимияти филистимлар хавфини бартараф этиши мумкинлигини англаб етади. Шу пайт Иордан дарёсининг нариги томонидан келган душманга қарши курашга Бениамин қавмидан чиққан Шоул (Саул) исми деҳқон бошчилик қилиб, душманни чекинишга мажбур этади. Бу қалаба жуда катта руҳлантирувчи таъсирга эга бўлди. Шомуэлнинг розилиги билан халқ мил. авв. 1030 йили Шоулни шоҳ деб эълон қилди. Шу тариқа Яҳудияда анча кучли ягона марказга бирлашган Исроил давлати ташкил

¹ Содом ва Гоморра — Библияда беён қилинган бешта Канъон шаҳарларидан иккитаси. Содом (Sodom) ябрий тилда «ёнаётган», Гоморра (Gomorrah) — «сузга ботаётган, чўкаётган» деган маънони англатади. Қадимги Аҳдда ёзилишича, Ўзак дептис атрофида жойлашган бу шаҳарлар аҳлиси ахлоқсизликлари, хусусан, ахлоқсиз жинсий алоҳи билан шуғулланганликлари учун худонинг қаҳрига учраган ва бутун аҳолиси билан йўқ қилинган. Шундан келиб чиқиб, жинсий алоҳанинг ахлоқсиз шақллари «содомчи» деб ҳам аталади.

қилинди. Бу давлат мавжуд бўлган давр — яхудий халқи учун ўз тарихининг энг сеvimли, олтин даври. Бу даврда узоқ курашдан сўнг мамлакат филистимлардан тўлиқ озод қилинди. Бироқ маълум бўддики, Шоул истеъдодли ва кўрқмас жашчи эди, ammo шoҳ эмасди. Айниқса, кучли Иуда қабиласи Шоул ҳокимиятидан норози эди. Бир қатор ўзаро жанглардан сўнг мил. авв. 1006 йили бутун Исроил устидан ҳокимиятни Иуда қабиладан чиққан жангчи, кўшин орасида катта обрўга эришган Довуд (Шоулнинг куёви) эгаллаб олади¹. Унинг подшолиги давридаги энг муҳим сиёсий воқеа филистимлар устидан қозонилган галаба ва улар хавфининг бутунлай бартараф этилиши бўлди. Довуд даврида Исроил кучли ҳарбий давлатга айланиб², агрофдаги яхудий бўлмаган қабилалар ерларини кўпинча олди. Жанубда Миср чегаралари ва Акаб қўлтиридан шимолда Фрот дарёсигача бўлган ерларда Довуд ҳокимияти ўрнатилди.

Мамлакатни бошқариш тузуми тубдан ислоҳ қилинди. Чет эллик ёлланма кўшинга асосланган кучли армия шаклланди. Фуқаролик ҳокимияти, ҳатто қочқинлик ҳам қайта ташкил қилинди. Натижада аввалги озод қабилалар иттифоқи кучли марказлашган давлатга айланди. Ammo шoҳ ҳокимияти чекланган, зотан кўчманчи қабилаларда ҳали эркинлик руҳи жуда кучли ва шу сабабли Довуд ташкил қилган ҳокимият ҳозирги замон тили билан айтганда, конституциявий монархия эди. Яхудийларда подшо ҳокимияти ижтимоий фикр ва ахлоқ нормалари билан чекланган бўлиб, XVII — XVIII асрларда қайта тикланган ушбу концепция Европада ва Америкада конституция рояларининг шаклланишига олиб келди ва баъзирият тақдирига фавқулодда катта таъсир кўрсатди³.

¹ Айрим яхудий олимлари (м., д-р И.Финкельштейн) Довудни ваҳший шoҳ бўлган, тахтга келиш учун ва шoҳлик қилган даврида ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун минглаб яхудийларнинг ўмирига зомин бўлган, деб ҳисоблайдилар.

² Ривоят қилишларича, Довуд кўшини олти қиррали (гексограмма) қалқондан фойдаланган экан. Бу қалқон ҳозир Исроил давлатининг расмий рамзи бўлиб, «Довуд юлдузи» (идин тилида жогендоид) ёки «Довуд қалқони» номи билан аталади⁴. Бу белги Яқин Шарқ ва Европада маълум бўлишидан энча олдин ҳиндларда пайдо бўлган (чакра). Айрим олимлар (м., В.Мещеряков) гексограмма дастлаб свастика билан бирга ориентал тинсоли бўлган деб ҳисоблайдилар. Кейин турли хил маънуда Яқин Шарқ халқларининг кўпчилиги ундан фойдаланган. Яхудийларда «Шoҳ Сулаймон муҳри» деб ҳам аталади.

³ Рот Сесиль. История евреев с древнейших времен по шестидневную поину. <http://www.litmit.net/In/?b=325XK&u=2> — С. 14.

Довуд ўлими олдидан кичик ўзини, афсоналарда инсон доминимандлигининг намунаси сифатида таърифланган Сулаймон (Соломон)ни тахт вориси этиб тайинлайди. Унинг даврида мустаҳкам тишчилик ҳукми суриб, Фаластиннинг Осиё ва Африка, кейин Европа ўртасида боғловчилик ўрнидан ҳар қачонидан ҳам унумли фойдаланилди. Ҳали Ўрта Ер денгизи билан Ҳинд океанини боғловчи Сувайш кашали қазилмаган пайтда Эрион-Гевер шаҳри билан кўшини Элай портдан чиққан кемалар Ҳиндистон ва Узоқ Шарққа йўл оларди. Фаластин билан Эрион-Геверни эгаллаган давлат учта қитъани боғловчи кўпротка эгаллик қиларди. Сулаймон шу ерларни ўзига буйсундирди. Исроил давлати бевосита Ўрта Ер денгизига чиқиб имкониятига эга бўлди. Миср ва Финикия билан иттифоқ тузиб, Қизил денгиздаги Акаб қўлтири устидан назорат ўрнатди, бандаргоҳ, қурди ва финикияликлар билан бирга халқаро савдо билан шуғулланди. Халқаро савдонинг чорраҳасида жойлашган мамлакат жуда тез бойиб кетди.

Мамлакатда ягона солиқ тизими ва меҳнат мажбурияти жорий қилинди.

Сулаймон подшолигининг чўққиси шoҳ саройи ва Сион тоғида маҳобатли Иерусалим ибодатхонасининг қурилиши бўлди. Ибодатхона мил. авв. 953 йили Суккот¹ (чайла) байрами кунини тантанали равишда очилди. Сулаймон ибодатxonани худо Иегова² ёрлаган халқ — яхудийлар ибодат ва қурбонлик қилиши мумкин бўлган ягона марказ, уни амалга оширишни эса муқаддас бурч деб эълон қилди. Агар яхудий халқи зиммасига тоқлатилган маша шу муқаддас бурч бўлмаганда, бошқалар қатори уларни босиб олган халқларга сингиб кетса, ўз сиёсий ошнини йўқотган бўларди. Шу бурчини ва хотираши бутунги кунгача мажбурий ва муқаддас билан келадиган яхудийлар, талати тақдир уларини сочиб юборган бутун ер юзи бўйлаб барча халқлар ичидан ўзларини алоҳида сақлаб, узоқ масофага қарамасдан ўзаро маънавий бирлигини доимий ҳис этиб келдилар³.

Шу тариқа ибодатхона яхудийларнинг маънавий марказига айланиб, мошотевстик диннинг маркази мустаҳкамлашга

¹ Қадамги яхудийларча янги йилнинг 15-кунини, ҳасил йиғиб олингандан сўнг биринчи йилни биланлуғча ўтказиладиган байрам. Суккот — «тадир», «чайла» митоларнинг аниқлиги ва байрамнинг кўчманчилик даврига хослигини билдиреди.

² Иегова (Jehovah) — Парвардигори олам. Қадамги Аҳуд ҳудудининг исми-ларидан бири.

³ Қаринг: Риксонга З.А. История Ассирии: от вавилонской ассирийской державы до падения Ниневии. — М., 1966. — С. 125.

хизмат қилди ва ибодатхона вайрон қилингандан кейин ҳам иудаизмнинг сақланиб қолиши учун замин тайёрлади.

Мил. авв. 933 йили Сулаймон вафот этгандан сўнг унинг фарзандлари давлатнинг бирлигини сақлаб қола олмади¹. Мамлакат икки юз йилга иккита қондош, аммо доимий рақобатланувчи давлатларга — Исроил ва Яхудия (Шимолий ва Жанубий) подшоликларига ажралиб кетди.

Исроил тарихининг бу даври Шом ва Оссурия билан доимий рақобатда ўтди. Ниҳоят мил. авв. 721 йили Оссурия шоҳи Саргон II Исроил пойтахти Самарияни эгаллади ва вайрон қилди. Оссурияда ўша пайтда ҳукм сурган одатга кўра аҳолининг асосий, айниқса, бой қисми ишериya ичкарисига қайдаб кетишиб, бўшаган ерга Оссуриянинг бошқа қисмидан келтирилган халқлар жойлаштирилади. Мил. авв. 715 йили босқин янада даҳшатли тусда такрорланди. Кўчирилган аҳоли билан маҳаллий яхудийларнинг аралашуvidан пайдо бўлган халқ самариялик помиси олди. Қайдаб кетилган яхудийлар маҳаллий аҳоли билан қўшилиб кетди. Энди яхудийларнинг миллий онги ва ҳаётий манфаатлари Яхудия подшолигида мутассамланди. Яхудиянинг тарихи Исроил давлати тарихидан асча фарқ қилди. Бу ерда давлатнинг охириги кунларигача тахт учун кураш бўлмаган, чунки Довуд сулоласига бўлган ҳурмат ва мишаддорлик ҳисси халқ қалбидан доим яшаган.

Яхудиянинг сиёсий тарихида бирон-бир элтиборга лойиқ воқеани топши қийин. Аммо бу подшоликнинг яхудийлар тарихидаги маънавий аҳамияти унинг сиёсий аҳамиятидан асча кучлироқ. Яхудиянинг ана шу бир қулоч келаётган ери яхудий халқи ва яхудо динининг бешигига айланди. Бу ерда пайдо бўлган юзлар Афина ва Рим юзлари билан қўпшилиб, замонавий Ғарб цивилизацияси шаклланишига жуда катта таъсир кўрсатди.

Исроил давлати барҳам тошгандан сўнг тапқи ва ички мураккабликларга қарамасдан, Яхудия яна 130 йил яхудий халқини бирлаштириб турди. Мил. авв. 587/586 йили Бобил шоҳи На-

¹ Сулаймон ўлимидан сўнг давлатнинг бўлиниб кетиши шохнинг гуноҳкорлиги ва шаккоклик учун ҳудо томоғидан берилган жазо, деган ривоятни айрим яхудий олимлари ҳақиқатга яқин деб қисқабайдилар. Ривоят кўра, Сулаймон подшолигининг маълум даврида бойлик ва айб-шпорто берилиб кетган. Унинг 100 нафар хотини ва яна 300 нафар жириси бўлган. Чет эллик жириялари учун улар ҳудумарига бағишлаб ибодатхоналар қурдирган, ҳуллас жамиятнинг диний-ахлоқий асослари бузилган. Бу эса қабилалар ўртасидаги лийднинг кучайтириб, оқибатда давлатнинг бўлиниб кетишига сабаб бўлган.

вуходоносир Иерусалимни забт этиб, шаҳарни вайрон қилди. Яхудийларнинг катта қисми Бобилга қайдаб кетилади. Шу тариқа яхудийлар тарихида Бобил асирлиги деб аталувчи давр бошланди.

Кейинги воқеалар тўлақини билан маълум ва вайрон қилинган барча семит халқлари ичида фақат биттаси ўз бирлиги ва қадимий анъаналарини сақлаб қола олди — бу кичгина яхудий халқи эди. Бу халқ шунинг учун ҳам бунга эришдики, улар Бобилда ўзларининг адабиётини, ўз Библиясида ягона китоб ҳолида йиға олдилар. Шу маънода яхудийлар Библияни эмас, Библия яхудий халқини яратди¹.

Мил. авв. 538 йили Бобилни забт этган Булук Кир ўз эдикти билан яхудийларнинг Яхудияга қайтиши ва ибодатхонани тиклаши учун руҳсат берди. Иерусалимга қайтиб келганлар шаҳарни тикладилар, яъни ибодатхонанинг биринчи топларини қўйдилар. Кирдан сўнг ҳокимиятта келган Дор I империяни янада мустаҳкамлади. Унинг даврида бутун мамлакат бўйлаб жуда катта қурилиш ишлари олиб борилди. Ўн олти йиллик танаффусдан сўнг мил. авв. 520 йил қишда ибодатхона тиклаш ишлари қайтадан бошланди. Ҳозирги замон Исроил фани бу даврни ҳақиқий миллий тикланишнинг бошланishi деб ҳисоблайди. Мил. авв. 515 йил баҳорида ибодатхона қайта қурилиб, муқаддас даргоҳга айлантирилди. Ибодатхонанинг қайта тикланиши яхудийлар миллий руҳининг юксалишига ҳам катта таъсир кўрсатди. Илгариси уруғларга бўлиниш аста-секин барҳам тошиб, бутун аҳоли иудейлар (еврейлар ёки яхудийлар) деб атала бошланди. Мил. авв. 456 йили Эрон шоҳи Артаксеркс томоғидан Иерусалим ноиб қилиб тайинланган Нехемья (у ҳам яхудий қавмидан) шаҳар деворларини тиклади, катта таъаббус билан халқнинг маънавий тикланиш ишини олиб борди. Бутун яхудий халқи вакилларини йитиб, Мусо қонунларининг тўлиқ устуворлигини таъминловчи шартномани имзолади. Бу йилги халқ хотирасида Булук Мажлис (Сангердин) номи билан сақланиб қолган.

Фаластиннинг Нехемьядан кейинги тарихи асча маъдум. Бу даврда форслар томоғидан олиб борилган таъқибларга қарамасдан, яхудий халқининг жипслашув жараёни давом этади. Ва ниҳоят, мил. авв. 334 йили македониялик Александр шиддат билан Яқин Шарқда кириб келди ва Форс империясини

¹ Қаранг: Уэллс Г. История цивилизации: В 2 кт. Кт. 1: От зарождения жизни до возникновения христианства. — М.: ТЕРРА — Книжный клуб, СПб.: Северо-Запад, 2000. — С. 112.

барбод қилди. Александр Иерусалимни босиб олишга тайёрланганда бош қохин катта совғалар билан таширф буюриб, уни бу юришдан қайтаради. Яхудийлар янги ҳокимиятнинг хотиржам қабул қилдилар. Александрнинг ўлимидан сўнг Мисрда ҳокимиятни эгаллаган Птоломейлар диний багрикентлик сиёсатини намойиш қилиб, Яхудияга даяраи тўлиқ автономия берди. Айнан птоломейлар сулоласидан бўлган иккинчи шоҳ даврида Библия юнон тилига таржима қилинди.

Мил. авв. 198 йили Яхудия Буюк Антиох бошчилигидаги Салавкийлар ҳокимияти остига ўтди. Мил. авв. 195 йили ҳокимиятга келган Антиох IV даврида юнонлаштириш сиёсати кучаяди. Бу ҳукмдор ўзининг юнончилиги билан шунчалар фахрланидики, қолган барча халқларни юнон намунасида «цивилизациялаштиришни» ўзининг ҳаётий мақсади деб билади¹. Эллинилаштириш учун ҳамма нарса қилинди: шаҳар эллини намунасида қайта қурилди; ҳатто, яхудийлар эҳромга соқолли Зевс ҳайкали ўрнатилиб, яхудий халқига шу уларнинг худоси эканлиги, унга синишиш лозимлиги тушунтирилди. Қурбонликка тўғра сўйдириб, Антиох яхудийларнинг диний гуруҳини ҳақорат қилди. Яхудия тоғларида норози яхудийлар отрядлари тузилиб, улар ўзларини «хасмидим» («тақводор») деб атадилар.

Шу тариқа пайдо бўлган хасмонийлар (улар шундай деб аталди) йилirma йилдан ортиқ озодлик учун кураш олиб бориб, мил. авв. 140 йили ўзларининг давлатини таъкил қилдилар ва Яхудиянинг диний мустақиллигини сақлаб қолдилар. Хасмонийлар ўрнига мил. авв. 37 йили шоҳ Ирод I Буюк келиб, милодий 4 йилгача давлатни бошқарди. У Римга бориб, удабуронлиги ва катта совғалар эвазига икки ҳукмдор – Антоний ва Октавианнинг розилигини олишга муваффақ бўлди ва Яхудиянинг шоҳи этиб тайинланди. Ирод хасмонийлар авлодини ўлдириб, тахтни эгаллагани учун яхудий халқи унга нисбатан душманлик муносабатида бўлади. Ирод халқнинг унга бўлган муносабатини юмшатиш мақсадида Иерусалим ибодатхонасини қайта қуришни бошлади. Бу воқеалар хусусида Иосиф Флавий «Қадимги Яхудия» асарида шундай ёзади: «Ирод ўз ношуолигини ўн саккизинчи йили бошланганда (мил. авв. 19 йил) шу пайтгача ҳеч ким кўрмаган ишга, айнан худо ибодатхонасини қайта қуришга киришди. У ўз қурилишлари ичида энг муҳимини ҳисоблайман деб, ибодатхона ҳажмини кенгайтириш-

¹ For: Сасиль. История евреев с древнейших времен по шестидесятому веку. <http://www.litmir.net/br/?b=37500&p=2>. – С. 36.

ни, баланглигини оширишни истади. Ҳақиқатда шундай бўлди ва бу билан Ирод ўз номини абадий шон-шарафга буркади»¹.

4 йилдан 66 йилгача Яхудия Рим бошқаруви остида ўз автономиясини сақлаб қолди. Бу даврда масихлик ҳаракати кучайиб, миллий-сиёсий тус олади: масих келиб Исроил давлатида тинчлик ва адолатни тиклашга ишонч кучаяди. Яхудий диаспораси билан Яхудия ўртасида мунтазам алоқа ҳам шу даврда ўрнатилди. Рим ва Бобилдан, Александрия ва Афинадан яхудийлар Иерусалимга келиб, Тавротни ўрғанади ва ибодатхона маросимини кузатади. Улар турли тилларда сўзлашади, турли хил кийимлар кияди, аммо ўзларини битта халқ деб ҳис қилади. Шу миллий руҳ 66 йили Римга қарши кўзволоннинг бошланишига олиб келди. Бу тарихда «Яхудия уруши» номи билан маълум бўлиб, 70 йили Римнинг Суриядаги ноиб Веспасианнинг ўғли Тит томонидан Иерусалимнинг забот этилиши, Иккинчи ибодатхонанинг вайрон қилиниши² ва яхудийлар қувғини билан яқуллаши. I – II асрлардаги кўзволонлар (Яхудия урушлари) натижасида II асрнинг 30-йилларидан Иерусалимда ва, умуман, Яхудияда яхудийларнинг яшаш таъқиқланди, қадимги Александрия жамоаси йўқ қилинди. Италияга олиб кетилган яхудий жамоалари эмиграциянинг биринчи йирик тўққини бўлиб, Яхудия чегараларидан ташқаридаги «диаспора»нинг шаклланишини бошлаб берди. Яхудийлар бутун ер юзи бўйлаб тарқалиб кетдилар. Уларни битта нарса – Таврот ва уни ўқиш бирлаштириб турди. Уларнинг ҳақиқий пойтахти Иерусалим эмас, шу Китоб бўлиб қолди. Яхудийлар янги воқелик – поҳсияз ва ибодатхонасиз, фақат ёзувнинг кучи бирлаштириб турган халқ эди³.

Иккинчи ибодатхона вайрон қилингандан сўнг Қадимги Иерусалим шаҳри деворининг сақланиб қолган қисми Фарбий Девор ёки Йижи Девори номи билан машҳур бўлиб, буғун ҳам яхудийларнинг энг табаррук саждагоҳларидан бири бўлиб қолмоқда.

¹ Иерусалимский Храм царя Ирода. <http://www.israicity.com/jerusalem/history/trod.html>.

² Ҳозир бир қисм яхудийларнинг назарида Исроил давлатини фақат Учинчи ибодатхона қурилиши сақлаб қолиши мумкин. «Исроил давлати фақат битта ҳолатда – марказида Учинчи ибодатхона қад кўтарган ҳолатида яшаб қолиши мумкин, акс ҳолда – бу бошқа мамлакатлар қатори шунчаки мамлакат», дейди раввин Ариэль. Қаранг: Дорфман М. Евреи и жизнь. Как евреи произошли от славян/Михаэль Дорфман. – М.: АСТ; Красноярск: Абу; Владивир: ВКГ; 2008. – С. 59.

³ Қаранг: Уэлс Г. История цивилизации: В 2 кн. Кн. 1: От зарождения жизни до возникновения христианства. – М.: ТЕРА – Книжный клуб, СПб.: Северо-Запад, 2000. – С. 113.

Дин ва диний тасаввурлар

Агар тарихда кўплаб халқлар тақдирини сиёсий ташкилот билан бевосита боғлиқ бўлиб, шу сиёсий ташкилот — давлат емирилгандан сўнг халқ ҳам этник бирлик сифатида барҳам тошган бўлса, яҳудийлар тарихи сиёсий ташкилотдан кўра кўпроқ дин билан боғлиқ бўлганлиги учун улар қадимги Яхудия ва Исроил давлатлари ағдарилгандан кейин ҳам этник ва диний бирлик сифатида ўзликни сақлаб қолдилар.

Қадимги яҳудийларда диний тизим монархия пайдо бўлишидан анча олдин шаклланган. Уларнинг диний тасаввурлари ҳам бошқа Шарқ халқлариники сингари табиат кучларини илоҳийлаштиради, арвоҳлар ва жинларга, марҳумлар руҳига эътиқод қилишга асосланади. Яҳудийларнинг Фаластинга келиб ўрнашиши ва кўчманчи чорвачилиқдан ўтiroқ ҳолга ўтиши бу дин тарихига нисбатан бурилиш нуқтаси сифатида қаралади. Яқкахудоликнинг руҳий табиатини ва кучини биринчи бўлиб Иброҳим англаган бўлса-да, фақат Мусо даврига келиб, тахминан мил. авв. XII асрда, ягона худо — Яхвага сиёсат бошладилар ва иудаизм¹ анча аниқ шаклга эга бўлди. Қадимги дин шаклланиши яҳудий халқининг ягона худога — Мусо орқали ўз Қонунини юзла қилган Яхвага ишончидан келиб чиқади, зеро Яхванинг иродаси яҳудий халқини Миср қулағидан озод қилганлигига яҳудийлар чин дилдан ишонишади. Аммо фақат мил. авв. VII асрда Яхудияда ҳукмронлик қилган подшо Иосий битта худога эътиқод қилиш ва бошқа барча худоларни тақиқлаш тўғрисида фармон чиқаргандан сўнг иудаизм тўлиқ қарор топди. Бошқа худоларга сиёсат яҳудийлар ҳукумат томошидан қатъий жазоланди, кўпхудоликнинг барча рамзлари вайрон қилинди. Бу замонавий иудаизм асосларининг яратилишига олиб келди.

Шу тариқа яҳудийлар диний понтеонига ягона худо — Яхва қолди. Яхвани Яратувчи деб ҳам аташади. У камдан-кам ҳолларда маълум қисфада намоён бўлиб, бошқа пайтлари одамларга мутлақо кўринмайди. Бундан ташқари, уни тасвирлаш ҳам маъно қилинган. Кўчманчилар худоси бўлгани учун унинг диний япапп жойи йўқ. У ҳамма жойда яшашни мумкин. Унинг

¹ Яҳудийлар (ибрий тилда халқ ўзини йехудим [יְהוּדִים] деб атайдилар) дини иудаизм, яҳудо шаклларида ноҳанади. Аслида мил. авв. 933 йили Сулаймон ифротидан кейин пайдо бўлган иккинчи давлатнинг бири — Яхудияга яҳудийларнинг Иуда (ёки арабларда Яхудо) уруғи асос солган. Кейинчалик, Иккинчи ибодатхона даврида (мил. авв. 516 — миладий 70 йиллар) «иудей» атамаси халқнинг умумий номига айланган ва унинг диний, маънавий ва эдик дунёқарашини ифода этади.

ойласи ҳам, жиғси ҳам йўқ. У муқаддас ва адолатли. У яҳудий халқи билан Аҳд тузиб, уни худо ёрлақган халққа айлантирган.

Ана шу тушунчалар асосида яҳудийларнинг илоҳий тасаввурлари аста-секин такомиллашиб боради ва кадрятлар тизимидаги ўзгаришлар, айниқса, уларнинг олам концепциясида яққол кўлга ташланади. Агар барча Қадимги Шарқ халқлари учун умумий бўлган олам концепциясида Ер, Осмон ва бошқалар алоҳида худолар тарзида табиатнинг ажралма қисми сифатида мавжуд бўлиб, шу сабабли табиатнинг ўзи муқаддас ҳисобланган бўлса, яҳудийлар мутлақо янги концепцияни тақлиф қилади. Қадимги Аҳднинг 102-оятда худо қуйдагича шарафланади: «Даслаб Сен (худога тасло) ерга асос солдинг, осмон ҳам — Сенинг қўллариндан яради; улар нобуд бўладилар, Сен эси яшайверсан; улар, риза² каби эскирадилар ва Сен кийим каби уларни алмаштирасан, (улар) ўзгарадилар; аммо Сен ўша ўша ва Сенинг давринг тутамайди». Бу оятда илгари сурилган олам концепцияси олдинги концепцияларга мутлақо қарама-қарши: фақат битта худо бор ва бу худо ўзи яратган табиатдан ташқарида, унда устун ҳолда мавжуд². Табиат Унга тобе ва табиатнинг умри тугаши мумкин, аммо Яратувчининг умри ҳеч қачон тугамайди, у абадий. Агар табиатнинг ўз мустақил функцияси мавжуд бўлса, у ҳам худони шарафлашдангина иборат. Инсоннинг ҳолати ҳам худди шундай: уни ҳам худо яратган ва тақдир билан таъминлаган.

Бу ипсоният тафаккури таракқиетидаги жуда муҳим, инқилобий ўзгариш эди. Унинг моҳияти шундаки, агар яҳудийларнинг ушбу рояси пайдо бўлганга қадар худолар табиатнинг кучларини акс эттириб, унинг бир қисми ҳисобланган бўлса, яҳудийлар рояси худони табиатдан, унинг кучларидан устун маъқога олиб чиқди, уни бутун борлиқнинг ягона Яратувчисига айлантирди. Шундан кейин пайдо бўлган динларнинг деярли барчаси учун ушбу концепция умумий бўлиб қолди.

Шундай қилиб, бу фикрларда аввалги кадрятларнинг кескин ўзгарганлигини, оламнинг янги концепцияси пайдо бўлганлигини яққол ашлан мумкин. Табиат кучлари энди ўзларининг илоҳий мақомидан маҳрум бўладилар. Аммо яҳудийлар

² Риза — яҳудийлар ва христианларда руҳинийлар ибодат пайти кийилган диний либос.

³ Кўчманчиликнинг фикрича, яҳудийлар ягона худога сиёсат биринчи халқ бўлса-да, бу диннинг асосчиси ҳисобланган Мусон ифротидан айланган Амосхотен IV нинг монотеизми катти таъсир кўрсатган. Бу ҳақда қаринг: Гетте Г. Библикские истории. М., 1990. — С. 92.

худоси эски имманент¹ худоларга зид равишда фақат трансценден² эмас; у илгариги кўплаб худолар ўрнига ягона, шу сабабли кошнот ягона бошқарув остида бўлади. Бундан ташқари, у адолатли ва марҳаматли, инсонлар сингари эҳтиросларга берилмайди; энди худога шима ёқипти ёки ёқмаслиги тўғрисида шубҳаланишлар йўқ, одамлар кўрқинчдан халос бўлиб, эркинлик ҳис этди, хотиржам ва ишончли тобалик пайдо бўлди. Бу ҳақда Забур китобининг 4-сапасида шундай куйланади:

*Кўплаб сўрамоқдалар:
Ким бизга бахт-саодат келтирар экан?
Жамолиш нурини устимизга солгин, эй Худованд!
Уларнинг бунғойи ва шарофи кўнайган, бироқ
Сен меншиг дилимга шодлик бердинг кўпроқ,
Особишша ёшаман, ҳам уйғонаман;
Чунки, эй Худованд,
Хотиржамлигимга ёлтиз Сен носбон³.*

Шу тариқа яҳудийлар илоҳийни инсонийдан ва табиғийдан ажратип ҳамда сиёсий чегаралардаш ўтиб кетувчи мустақил маънавий куч деб эълош қилиш мумкинлигини кўрсатиб, шу пайтгача ҳукмрон бўлган олам концепциясига нисбатан шубҳа уйғотди⁴. Бу эса кўпхудолик дини ва у билан боғлиқ диний бағрикенглик ашъаналарини ҳам бузиб ташлади. Кейинчалик пайдо бўлган христіанлик ва ислом динларининг бир-бирига қарши (масалан, Салиб юришлари) ҳамда мазҳаблар ва оқимлар ўртасидаги ўзаро урушлари (масалан, христіанликда – католиклар ва протестантлар, исломда – суннийлар ва шиалар ўртасида) да ҳар бир томон ўз эътиқодининг устуқлигини ва ягона тўри йўл эканлигини фақат сўз ва иймон кучи билан эмас, аввало, қурол кучи билан исботлашга ҳаракат қилди. Пайдо бўлаётган христіанликка қарши Рим империясида олиб борилган кураш,

¹ Имманент (латинча immanens (immanentis) ўзига хос) – бирон-бир ҳодисанинг ички хусусиятига хос бўлган, унинг табиғатидан келиб чиққандан моҳият. Бу ерда маълум табиғат кучларининг инъикоси бўлган худолар ҳақида айтивмоқда.

² Трансценден (латинча transcendens (transcendentis) чегаралардан ташқарида) – «ириги дунё», ўз моҳиятига кўра ҳар қандай билиш доира-сидан ташқарида тажриба билан ҳам билиб бўлмайдиган дунё.

³ Муқаддас Китоб-Илҳиз. Таъриқдан кейинги Мусо пайғамбарнинг биринчи китоби. Ибнида. Забур. – Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм. 1992. Забур, 114-бет.

⁴ Қарап: Москва С. Диниёе семитские цивилизация. www.istina.net/or/?b=151185&p=3. – С.74.

христіанлик ва ислом динларини ўрнатип ва ёйиш учун олиб борилган урушлар (масалан, жиҳод), ўрта асрлардаги инквизиция, дин софлиги учун кураш каби жараёнлар миллионлаб кишиларнинг умрига завол бўлди. Эски диний тупунчаларни яши замонда ҳам сақлаб қолаётган ақидапараслар олиб бораётган урушлар, амалга опираётган террористик ҳаракатлар бугунги кунда ҳам инсониятни таъвипшга солмоқда.

Яҳудийлар дини тарихи билан шуғуланган кўпчилик олимлар Декалог¹ матиларида илоҳийликнинг исроилча концепцияси янада аниқлик билан ифодаланганлигини таъкидлашади:

*Мен сениг Худовандман, сени Миср еридан,
Қуллак уйдан озод қилган;
Сениг Мендан бошқа худоларинг бўлмайди.
Юқорига – осмонда, пастда – ерда,
сувосида шасавурлардан ўзини
соланлар яратма; уларга сизинма ва хизмат қилма...
Ўз Худовандинг номини бекорга ашаман, зеро
Худо унинг исмини бекорга атаганларни жазосиз қолдирмайди.*

Бу матнда Исроил диний таълимотининг баъзи энг муҳим жиҳатлари ўз аксиши тошган. Биринчидан, фақат бията худо мавжуд; буни эътироф этиш билан Исроил ўзини атрофдаги халқларнинг бебош политеизмга қарама-қарши қўйди. Иккинчидан, худони тасвирлаш мумкин эмас; бу ҳам расмий сашъатнинг асосий вазифаси худони тасвирлаш бўлган Қадимги Шарқ ашъаналаридан кескин фарқ қилади. Нихоят, Яқин Шарқ халқларидан бирортасида худонинг исмини атамаслик одати йўқ. Яҳудийларда ҳам худосининг исми аниқ бор, уни Қадимги Аҳд матиларига кўра Яҳва (Yahweh) деб аташ мумкин. Аммо тақвадор яҳудий унинг номини айтивипни худони таҳдирлаш, катта гуноҳ деб билади.

Шу тариқа Исроил ўз худосига инсоний қиёфа бахш этмайди, аксинча, унинг инсонлардан фарқини таъкидлайди.

Декалогнинг яқуловчи қисмида яқкахудолик дини билан боғлиқ ягона хислат – ахлоқ ўзининг аниқ ифодасини тошган:

*Худо сениг берган ердаги умринг узок бўлиши
(сениг хшии бўлиши) учун отанини ва онагни ҳурмат қил.
Ўлдирма.
Бешифалик қилма.*

¹ Декалог (юпонча дека – ўн ва logos – сўз, таълимот дегини) – Фарбий Европа диний ва маданый ашъаналарида Ўрта Америкнинг умумий қабул қиланган ном.

Ўғирлама

Ўз яқинингга қарши ёлгон гувоҳлик берма.

Ўз яқинингнинг уйига кўз олайтирма; ўз яқинингнинг хотинига кўз олайтирма (унинг ерига ҳам), кулига ҳам, чўрисига ҳам, хўкизига ҳам, эшагига ҳам (унинг ҳеч қанақа молига), яқинингнинг ҳеч нарсаши кўз олайтирма.

Тадқиқотчи олимлар ахлоқий монотеизм бошидан-охиригача исроил диний тафаккурининг асосий йўналиши бўлганлигини таъкидлашади. У. Олбрайтнинг ёзишича, «Мусодан Эзрагача асосан изчил яхвочилик ўзгармасдан қолди. Исроил дини судьялар даврининг соддагина қарашларидан мил. авв. V асрдаги юксак маданий даражага кўтарилди йўлида кўлаб инқирозларни ешиб ўтган бўлса-да, ахлоқий монотеизм бошидан-охиригача исроил динининг қалби бўлиб қолаверди»¹.

Бу сўзларда Мусо динининг асосий муаммоси яширинган. Сўзсиз пайғамбарлар даврига келиб монотеизм бутун борлигича намоён бўлади. Аммо ушгача бўлган даврда-чи? Бу монотеизмиди ёки бошқа халқларнинг худолари ҳам мавжуд бўлишини инкор этмаган миллий худога ситинишмиди? Олимлар монотеизм фақат пайғамбарлар даврида ўрнатилганлигини таъкидлашади ва ушгача муҳимроқ бирор нарса бўлганлигини рад этишади: «Монотеизм аввалбошданоқ Мусо динининг муҳим қисмини ташкил қилган. Мусо монотеизми кейинги асрлардаги сингари (ҳеч бўлмаганда мил. авв. VII асрда) эмпирик-манتيқий монотеизм эди; у қулай, тушунарли осон, аммо интеллектуал ва батафсил эмасди. Батафсил ишлаб чиқилган монотеизм мантиқий эрдан, яъни тахминан мил. авв. VI асрдан олдин пайдо бўлиши мумкин эмасди, лотан имплицит² этиқодни ёки концепцияни эксплицит³ доктрина ёки янги айлантуриши учун аниқ тавсиф ва мантиқий таъриф зарур эди»⁴.

Қадимда кўпроқ ёки камроқ кўзга ташланган диний концепциялар энди аниқ тавсиф ва таърифга эга бўлади. Бигга тушунча вақти-вақти билан, хусусан, сиёсий инқирозлар ва подшоликлар алдарилиши даврида оддини ўринга чиқади. Бу — масих-

¹ Қаранг: Москва Советско, Цивилизация Древнего Востока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 244.

² Имплицит (французча *implicite* — назарда тутилган, лотинча *implicit*) — бу тавсифланмаган, назарда тутилган, ёйилмаган) — бирон-бир тушунчанинг гада назарда тутилган, аммо очик баён қилинмаган, яширинган шакли.

³ Эксплицит (инглизча — *explicit*) — очикора, очик баён қилинган.

⁴ Москва Советско, Цивилизация Древнего Востока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 245.

лик¹ тушунчаси. Исая² Масих келадиган кунни қуйидагича баён қилади: «Иессей наслдан авлод пайдо бўлади, унинг илдиридан новда ўсиб чиқади, ва унда ақл ва доншимағлик руҳи, ёруклик ва мустақкамлик руҳи, тасарруф ва диёнат руҳи, худонинг Руҳи яшайди; ва қиёмат кунни худонинг ваздаси бажарилади. У масалан У з кўлари кўрганидек, Ў з кулоқлари эшитганидек ҳал қилмайди. У фақирларни ҳақиқат бўйича суғ қилади, захматкашлар ишини адолат билан ҳал қилади. У ўз ҳасасининг уч билан ерни вайрон қилади, ўз руҳининг худрати билан гуноҳқорни ўлдирди. Ва Унинг белбоғи — ҳақиқат бўлади. Шунда бўри хўличоқ билан бирга яшайди, шунда қоплон улоқча билан ва бузоқча билан бирга ётади, ва ёш шер ва хўкиз бирга бўлади, ва ёш бола уларни боқиб юради. Ва сугур айиқ билан бирга боқилади, ва уларнинг болалари бирга ёшади, ва шер ҳам хўкиз сингари сомон ёйди. Ва гўдаклар илон инаниши устида ўйнашади, ва ишдаги илонга болалар қўллари чўзишади. Ва менинг бутун муқаддас тоқларимда (ҳеч ким) ёвузаш қилмайди ва зиён етказмайди, зеро сув денгизни тўлдиргани киби, ерни худонинг продаси тўлдирди. Ва у кун: мажусийлар ҳам халқлар учун санжовқа айланган Иессей наслиги ўтадилар, ва унинг шон-шавкати абадий бўлади»³.

Масихликка ишонч — бу олтин давр ва кундалик муаммолардан холи бўлиб кўринган Довуд подшолиги даврига қайтиш орзуси. У яҳудийлар диний тафаккури ривожланишининг шу босқичига хос бўлиб, христианликда вахийликнинг бошлангиш нуқтаси бўлди. Кейинги муқаддас китобларда яҳудийларнинг ўзгарувчан феъл-атвори ва худонинг ўзгармас собитлиги, кишиларнинг гуноҳқорлиги ва худонинг муқаддаслиги, китиларнинг худдан қайтганлиги ва яҳудий халқини худо ёрлақатганлиги гуноҳни ювиш юяси контекстида берилди. Худо ёрлақатган халқнинг гуноҳи ювилганини башорат қилувчи Исонинг пайғамба-

¹ Масихлик (яҳудий тилида — машиах, қадимги ишоналарда — христос) — сўзма-сўз «ёй сурилган» дегани. Зайтун ёйи (елеем) суриш черков маросимларидан бири.

² Яҳудийларда «машиах» сўзи «подшо» маъносини ҳам беради. Яҳудийлар Довуд авлодидан бўлган энг адолатли подшо худо томонидан юборилганига ишонади.

³ Христиан анъаналарида Исо масих, яъни — «халоскор» дейилди. Исо яҳудий тилида Ешуг, яъни «Худованд ваҳот беради» деган исм.

⁴ Исая — яҳудийлар пайғамбарларидан бири. У Иессей (Шоҳ Довуднинг отаси) авлодидан Масих чиқади деб башорат қилган. Христианлар Исонг шу Масих деб ҳисоблашади (унинг Исо Масих исми ҳам шундан) ва Иессей насли — бу Исо насли дейилди.

⁵ Москва С. Древние семитские цивилизации. www.lilmit.net/br/3b=101185&p=3. — С. 156 — 157.

Уғирлама.

Уз яқиништи ва

Уз яқиништи

хотини

ўғи

Қадимги цивилизациялар

Юна тимсоли Исроил халқининг
таарифи ва инсониятнинг

Моҳиятига кўра, ма

қадимги яхудийларнинг

билан ҳудо ўртасида

гиланада ва ўзининг

лавридаги қатъий

ер юзида абад

бахтли давр

Шу тариқани

яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

ҳининг христианлик ва исломга мерос

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

нинг тарихини Масихнинг

тарихи билан боғлайди.

Тарихини – бу бор-йўри

қадимий ишончи, Иброҳим

шонинда қайтарилди, эн-

да Исроилнинг синовлар

ўтув унга кўрқинч тугаб,

муҳаббат қарор топадиган

бу сависиде турган қадимги

на – найвambarлик ва ко-

анча чуқур ва умумий, ик-

қилоқий тушунчалар асосига

қий қучининг ўзаро ҳамкорлиги

қадимги яхудийларнинг бирдамлик руҳи аср-

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

қадимги яхудийларнинг астойдил сақлаб келган бир

Библия таркибида етиб келган. Қадимги Исроилнинг тарихий ва диний концепцияси Қадимги Аҳд сифатида маълум бўлган китоблар мажмуасида баён қилинган ва қайд этилган. Бу китоблар турли даврларда ҳар хил муаллифлар томонидан турли хил мавзуларда ёзилган асарлардан ташкил топган. Бу китобларнинг диний моҳияти улар таркибидан дунёвий жанрлар – тарихий солломалар, ҳаётий афоризмлар, тўй ва муҳаббат қўшиқларишиш ўриш олишига монелик қилмаган. Аммо бу китоблардаги матнларнинг ҳар бири дастлабки ёки қайта ишланган шаклида тўғридаш-тўғри ёки биалосита диний воя билан боқланган. Қадимги Аҳд пайдо бўлган икки минг йилдан зиёд вақтдаш бери икки диннинг муқаддас китоби тарзида яшаб келмоқда: у иудаизмга Ёзув ёки Библия («библия» юнончада китоб дегани. Қуръонда ҳам китоб дейилган), христианларнинг Инжилга (Библия) эса унинг биринчи қисми – Қадимги Аҳд бўлиб кирди¹. Унинг матнлари ҳар бир авлод томонидан амалдаги диний таълимот, этикада ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари сифатида қабул қилинган. Улар ўз долзарблигини сақлаб қолган ва доимий қайта баҳолашиб келинган. Ёзилганлар золимлардан адолат, золимлар эса халқдан иттибат талаб қилганларида бир-биринга Китобдан исботлар келтирганлар². Шу тариқа матнларнинг диний моҳиятига эътибор кучли бўлиб, қадимги яхудий адабиётининг адабий, эстетик томонлари узоқ вақт ангамай келинган. Уларни фақат диний эмас, поэтик ижоднинг ҳам қимматбаҳо намуналари сифатида ангап XVIII аср немис файласуфи ва шоири И.Г. Гердердан бошланди.

Қадимги Шарқ маданиятида адабий мероснинг диний китобларда сақланиб келиши анча кенг тарқалган ҳолат эди. Ведаларда жамланган қадимги ҳинд адабиёти ёки Авестани ташкил қилган қадимги Ўрта Осиё ва Эрон халқлари адабий мероси муқаддас ёзувлар сифатида асрлар оша сақланиб

¹ Инжилга Қадимги Аҳднинг барча қисмлари эмас, фақат Тавриотнинг Иблидо номли биринчи китоби, шунингдек, Забур китоби тўлинича кирган.

² Бу одат кейинчалик христианлик ва исломга ҳам ўтган ва, айниқса, диний сиёсий ҳокимиятга бўйсундирилиб, унинг хизматига ўттидан сўнг халқдан фақат худода эмас, унинг «ердаги соясин» бўлган ҳукмдорлар ҳам бўйсунини лозимлиги, сиёсий ҳокимият ўрнатган тартибларни доим шукроналик билан қабул қилиш, уларга риоя қилиш заруралиги Инжил ва Қуръондан иқтибослар келтирилиб асосланган, маълум маънода шундай давом этмоқда.

³ Қадимги яхудий ағъаналарига кўра Мусонинг бешта китобидан («Иблидо», «Чикиш», «Левит», «Чўлда» ва «Қонун тўплаш») тўрттаси митцаги биринчи сўз билан аталади, аммо тўртинчи китобда бу қондага амал қилинмасдан китоб номи маънадаги бешинчи сўз номидан олинган.

Адабиёт

Мил. ав. XII–II асрлардаги қадимги яхудий адабиёти намуналари бизнинг давримизгача

¹ Қаранг: Москати Сабатини. Цивилизация Древнего Востока. – М.: ЗАО Идательство Центрполиграф, 2010. – С. 252.

кедди. Яхудийларнинг диний ва адабий ижоди намунаси бўлган Қадимги Аҳд ёзувлари учта қатга қилга бўлинади: 1) Таврот ёки Бешкитоб — Мусога тегишли деб ҳисобланувчи муқаддас сонома шаклидаги китоблар; 2) «Пайғамбарлар китоби» — қадимги сономалар жамланган бўлим («Ешпа Нун китоби», «Исроил Судьялари китоби», «Шамуэл китоби» ва «Шоҳлар китоби»), шунингдек, пайғамбарлар Исайя, Иеремия ва Иезекияга ва ўн иккита «кичик пайғамбарлар»га тегишли деб ҳисобланадиган асарлар; 3) ёзувлар, турли жанрларга оид матнлар тўшмаи (мадҳиялар, афоризмлар, пандномалар, «Қўшиқлар қўшиғи» муҳаббат поэмаси ва яна сономалар). Албатта, бу исбий бўлиши. Бундан ташқари, Инжил китобларини адабий жанр жиҳатидан тарихий, бапоратчилик, лирик ва панднома турларига ҳам ажратиш мумкин.

Бу китобларда Исроилнинг тарихи изчил баён қилинган бўлиб, монархия тўрисида сўз юритилган «Шомуэл китоби» ва «Шоҳлар китоби»да бу тарих катта зийраклик билан ҳужжатлаштирилган.

Қадимги яхудий адабиётидаги бундай бурилишдан сўнг, албатта, савол туғилади: хўш, Шарқ адабиётида шунчалар муҳим ўрин эгаллаган мифологик ва эпик адабиёт, ундаги ҳудолар ва афсонавий қаҳрамонлар тўрисидаги ҳикоялар қайқда қолди? Янги диний тафаккурнинг характеридан келиб чиқиб, бу адабий жанрлар барҳам топди, улардан деярли из ҳам қолмади. Мифлар устидан қозонилган талаба — Исроил адабиётининг характерли томони.

Ибтидо китобишинг дастлабки иккита бобида Исроилда дин ривожланишининг икки босқичини акс эттирувчи иккита воқеа ҳикоя қилинади. Олимларнинг фикрича, биринчиси — яхудийлар қувғин қилишгандан кейин ёзувчилар томонидан мифологик материалнинг қайта ишланиши натижасида юзага келган бўлса, иккинчиси — Исроил тарихининг аввалги даврига, эҳтимол шох ҳокимияти шаклланиши даврига тўғри келади.

Қадимги Аҳд ўзининг ҳозирги шаклида кўп асрилик «муҳаррирлик» фасолятининг маҳсулидир. Кўнлаб унсурлар силликланган ёки Яхванинг табиати ҳақидаги пайғамбарлар концепциясининг ривожига мос равишда ўзгартirilган. Бу жараён, айниқса, мифологик материалга катта таъсир кўрсатган. Шу сабабли Қадимги Аҳдни ўрганиш жараёнида олимлар учта муаммони ажратиб кўрсатадилар. Булар: биринчидан, Қадимги Аҳдда учрайдиган мифларнинг манбаи ва дастлабки шаклини аниқлаш; иккинчидан, кашгонлар ва бошқа халқлардан олин-

ган материалларга яхудий муаллифлари кўрсатган таъсирни ва «муҳаррирлар» киритган ўзгаришларни тушуниш; учинчидан, яхудийлар ўз мифларини яратганлиги ҳам аниқлаш лозим.

Қадимги Аҳднинг сўнги таҳририда мифологик матннинг катта қисми Ибтидо китобишинг дастлабки ўн бир бобига жойлаштирилган; бошқа мифлар ва афсоналар парчалар шаклида сагалар ва исроил шеърий асарларида сочилиб кетган.

Анъанавий мувозийликка асосланган яхудий лирик поэзияси Оятлар китобида ўзининг юқори чўққисига эришади. Бу китоб турли даврлардаги муаллифларнинг ибодатга ва худони шарафлашга бағишланган 150 та диний шеърни ўз ичига олади. Мана, масалан, бахтсизлик пайтида ўқилган ибодат:

*Қачонгача, эй Худо, мени эсдан чиқарасан?
Қачонгача менидан юзингни яширасан?
Қалбимда дард, алам кечашо кундуз,
Қачонгача ўзимга насихатлар тўқийсин?
Қачонгача рақибим менидан устун бўлади?
Мени эшит, паноҳингга ол, эй Худойим!*

Мана бу оят эса қувонч ва мишнатдорчиликка тўла:

*Эзгуликдир Худони шарафламоқ ва Сенинг исмингни куйламоқ,
Парвардигор.*

*Ўн торлаи пластирга ва гуслида қўшиқ билан
Эрталаб Сенинг марҳаматингни ва кечаси Сенинг адолатингни
эълон қиламоқ.*

Зера, эй Худо, Сен мени қувонтирдигини ўз ижодинг билан,

Сенинг яратганингдан ҳайрашланаман.

*Қандай буюк, Сенинг ишларинг, Худо! Жуда чуқур ўйларинг
Сенинг!*

Қадимги яхудийлар эътиқодининг бош мавзулари худонинг трансцендентлиги¹, чексиз қудрати, адолатчилиги ва эзгу ишлари ҳамда инсон табиатининг эифлаши эди. Шу мавзулар адабиётда ҳам изчиллик билан акс этади.

Яхудий лирикасининг яна бир кўзга кўринган асари — Иеремия йиғиси Қадимги Шарқда кеш тарқалган адабий жанрнинг ажойиб намунаси. Унда вайрон бўлган Иерусалим учун яхудийлар йиғиси акс эттирилади:

¹ Трансцендентлик (латинча — transcendens — салмоқдан юрғичи, ўз афализини билувчи, оятдаги чегарадан чиқувчи) — тажриба орқали ёки тажрибага асосланган бўлиб бўлмайдиган ҳодисани характерловчи фалсафий атам. Кенг маънода трансцендентлик нарғи дунё, охириат тушунишида қўлланилади.

Қачонлардир тавжум шаҳар қандай ёлғиз қолибди! У бевақоф бўлиб қолди; халқлар орасида бузоғи ва пилонлар кияли энди, қарим бўлиб қолибди. У кечаси аччиқ йишлайди, кўз ёшлари икки юзига. Уни севганларнинг ичига юпатувчи йўқ; барча дўстлар хошлик қилди, унинг душманига айланди. Иуда мусибат ва оғир қуллак туфайли кўтиб кетди, мажусийлар орасида жойлашди, ўзига ором топмади; барча пайғамбар қилувчилар уни шор жойларда қувиб етидилар. Сион йўллари нолидди, чунки байрамга боровчилар йўқ; унинг барча дарвозалари бўшиб қолди, хоҳинлари хўрсинади, қизлари тамгин, унинг ўзи ҳам қайғули. Унинг душманлари бошлиқ бўлди, пайғамбар роҳатда, чунки унинг кўлаб қонунсизликлари учун худо унга офат юборди¹.

Бу кўшиқдаги охириги сатрлар, айниқса, характерли. Ашъанавий адабий жанрга муаллиф тарих тўғрисидаги ўз талқинини киритади: ҳалокат халқнинг қонунсизликлари туфайли юз берди, душман эса халқнинг илоҳий покликни унутди худо қўлидаги восита эди, холос.

Бир қарашда мазмунига кўра дунёвий туюлган лирик асар диний талқин қилиниб, Муқаддас Ўзунга киритилган. Кўшиқлар кўшиги ёш чўпонлар – йигит ва қизнинг муҳаббатини жуда поэтик ўхшатишлар билан байн қилади:

Севикми ёримнинг овози меншиг!
Ана келаяпти товлардан сакраб, қирлардан ҳашлаб.
Дўстим менинг ёш кийикка ўхшайди ёки ёш букуга.
Ана у, бизнинг девор ортисида, деразага боқади,
кўзга чалинади, панжари оралаб,
Севиклим айтиб бошлади менга:
тур, азизам, менинг, гўзалим, уйшигдан чиқ!
Мана, қиш ҳам шуғари, ёмғир ўтиб кетди, тўхтади;
Ерда менга гуллар кўришди; куйлаш фурсати етди,
бизнинг мамлакатда қумри овози эшитилмоқда;
анжирлар қуршиқ ёймоқда,
ва ток новдаси қуршақ ёйиб, атрофга бўй тарашмоқда.
Тур, азизам, менинг гўзалим, уйшигдан чиқ!

Кўшиқлар кўшиги ўзининг очиклиги ва ҳаётийлиги, шартли тўсиқларнинг йўқлиги билан жуда нафис ва жозибадор туюлади. Бу шетрийт – яратилганда ўзга машуб бўлган макон ва замон доирасида, панд-насихат жанридаги айрим асарлар сингари қадимги яҳудий адабиёти учун характерли бўлган фикр яхлитлигининг қатъий белгиланган чегарасида чикади.

¹ Москати С. Древние семитские цивилизации. www.ititit.net/br/?id=151185&p=3. – С. 168.

Исроил подпомида панд-насихат жанридаги адабиёт ҳам ривожланган; бу жанрда ёзилган кўлаб асарлар бошқа шарқ халқларининг шу хилдаги асарлари орасида ўзининг муносиб ўрнига эга. Шундай асарлардан бири Қадимги Аҳддаги Сулаймон маталари китоби. Мана ундан эйтиборги лойиқ бир неча парча:

Камдир ўзини бой кўрсатади, аслида ҳеч вақоси йўқ; бошқа биров яриб синар ўзини, бўлса ҳамки чексиз бойлиги.
Нафрат билан берилган семиз буқа ўштиган,
меҳр билан берилган бир коса кўкат яхши.
Мана ер юзигаги кичик, аммо доно жониворлар:
чумоли – кучсиз жонивор, аммо қиш тамина ёзда ёйди;
тоқ сичқони – намжан зоғ, аммо уёни чўққини қуради;
чигирткаларнинг ногириси йўқ, барабар ҳужум қилади;
ўргимчак панжалари билан ширмашади, шохона кўшқда ҳам бўлади¹.

Масал ва афоризмлардан ташқари маслаҳатлар ҳам бор. Мана Сирах ўғли Йисонинг донишмандлиги китобида келтирилган шундай маслаҳатлардан:

Йисонни гўзаллиги учун мактама, ва унинг ташқи кўриниши учун ундан нафратланма,
Учаб юривчилар ичига ара энг кичкиниси,
аммо унинг асали ширинишлар ичига энг азлоси.

Месопотамия дostonларидаги сингари тақводор кишининг азоб-уқубатлари мавзуси машҳур Иов Китобида яққол тасвирланади:

«Мен Сенга мурожаат қиламан, Сен мени тинглайсан, турибман, Сен эси фақат менга тақиласан. Сен мениг нисбатан шафқатсиз бўлиб қолдинг, қаттиққўллик билан мениг душманлик қилайтсан. Сен мени баланд кўтардинг, шамолда учиб юришга мажбур қилдинг, Сен мени янчиб ташламоқдасан. Баламан, Сен мени ўлимга олиб келасан, барча яшаётганларнинг мажлислар уйиги. Тўғри, У суяклар уйига Ўз кўларини қоқмайди; улар вайрон қилишаётганларида бақирадиларми? Мен азият чекаётганлар учун йилмайдими? Қалбим ачшамайми, бечораларга? Мен яхшилик қилганимда ёмонлик келди; ёруғлик қилганимда зулмат келди².

Азоб-уқубат муаммоси ҳақидаги саволга, худди Месопотамия адабиётидаги сингари дастлабки жавоб шу ерда бери-

¹ Москати Сабитиво. Цивилизация Древнего Востока. – М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. – С. 257–259.

² Москати С. Древние семитские цивилизации. www.ititit.net/br/?id=151185&p=3. – С. 169.

лади: инсон ҳукм тикаришга қодир эмас. Иккичиси — азоб-укубатнинг покловчи аҳамияти билан боғлиқ. Бу тезис Месопотамия достонидагида яхшироқ намоён бўлади, зеро, маълумки, илоҳийликнинг бошқа концепцияси мавжуд бўлиб, у Исроилда олий даражада адолатли бўлиб кўринади ва Иов азоб-укубатлар орқали покланиб, аввалгидек равишда топади.

Панд-насихат адабиёти парсаларнинг беҳудалиги ва бу дунё ишларининг бемақсадлиги ҳақидаги Екклесиаст китоби билан яқуллашади. Бу асарда юнонлар таъсири яққол сезилади — у фикрлаш шакли бўйича яхудийлардан кўра юнонларга яқинроқ.

Яхудий адабиётининг катта қисми умумий маънода юридик мазмунга эга. Аммо бу кўрсатмалар фақат юридик эмас, ахлоқий ва диний характерга ҳам эга бўлиб, яхудий жамиятининг ўзига хос паровитига мослашган ва бошқа қўшни халқларникига нисбатан ахлоқ мавзуси оҳангининг кучлилиги билан фарқ қилади.

Ҳуқуқий адабиётдаги этим ва бевани ҳимоя қилиш мавзуси Қадимги Шарқнинг бошқа халқлари адабиётида учрайди. Аммо яхудий адабиётида янги жиҳатлар пайдо бўлади: масалан, фақат дўстларга эмас душманларга ҳам меҳр қўйиш, фақат бизга меҳр қўйганларга эмас, бизни кўра олмайдиганларга ҳам ёрдам бериш талаб қилинади. Бу — замонавий цивилизация ва ундаги ахлоқ нормаларининг шаклланишига жуда катта таъсир кўрсатган Инжил ва Қуръон васиятларининг даражаси эди.

Санъат Шарқ мамлакатлари, айниқса, Исроилга хос бўлган диннинг фавқулодда устувор роли ёрқин ифода этилган маданият соҳаси сўзсиз санъатдир. Юқорида айтилганидек, исроилликлар дини худони тасвирлашни ман этади; шу тақдир тасвирий санъат — рассомчилик ва ҳайкалтарошликнинг ҳар қандай ривожини тўхтатиб қўйиш учун етарли эди. Демак, Исроил санъатида ривожланишга қодир бўлган фақат архитектуранинг анъанавий майда шакллари, айниқса, кичик бўртма нақшлар қолади, холос. Шу сабабли баъзи олимлар, умуман, Исроил санъати ҳақида сўз юритиш мумкинми, деган саволни қўядилар ва сақланиб қолган ёдгорликлар бу саволга юзаки бўлса-да, ижобий жавоб берип учун етарли деб ҳисоблашади. Аммо бадиий санъатни ривожланишга ундовчи жиддий имкониятлар, уларнинг характери ва амалда қўлланилишига келсак, бу ерда диннинг тақдирловчи роли тўлиқ намоён бўлади.

Ҳатто, айтиш мумкинки, санъатга нисбатан исроилча душманлик ҳисси ёзувга ҳам таъсир кўрсатади. Шундан бўлса ке-

рак, Исроил тарихидаги буюк шоҳларнинг бирортасидан топ битик ёки калаба шарафига ўрнатилган ёдгорлик лавҳалар сақланиб қолмаган. Зотан, уларда ҳам шундай ёдгорликларга муносиб калабалар, албатта, бўлган. Бундан ташқари, калаба ва байрамлар шарафига ташбитиклар ўрнатиш анъанаси анча кенг тарқалган бўлиб, атрофдаги кичик подполликлардан қолган шундай ёдгорликлар бундан далолат беради.

Архитектурага келсак, Самария, Лахис ва Хазорда қалъа деворларининг қолдиқлари топилган. Қалъа деворлари канъонча анъаналар асосида қурилган. Саройлар ҳам канъон саройларига монанд қилиб, асосан, Месопотамия архитектураси принципаларига мос равишда қурилган. Аммо, яхудий саройлари анча камтарона кўринишга эга бўлган. Бу саройларнинг асосини битта ёки бир нечта ҳовли ташкил қилиб, ҳовлини унча катта бўлмаган хоналар ўраб туради. Албатта, 260 га хонадан иборат Маридаги шоҳ саройига нисбатан Самария саройи анча кичик бўлиб, бор-йўти ўн учта хонадан иборат эди.

Диний иншоотлардан ҳеч нарса сақланиб қолмаган. Аммо архелогик ёдгорликларнинг ўрнини Библия анъаналари тўлиқ қошлайди, зеро унда Иерусалимда Сулаймон томонидан қурилган машҳур ибодатхона таърифи батафсил келтирилган. Бу ибодатхонада ташқи ҳовли ҳам бўлиб, унда қурбонликлар учун эҳром ва сув сақлайдиган катта идийп бўлган. Икки томони бронзадан ясалган устулар билан безатилган дарвозалардан кириш йўлагига, ундан марказий залга кирилган. Бу залда хушбўй тутатқилар учун олтин эҳром ва кедр дарахтидан ясалган хайрия дастурхони ёзилдиган стол ўрнатилган. Ва ниҳоят, ҳовли тўрида парда билан тўсилган ибодатхона жойлашган; у куб шаклидаги қоронғу хоша бўлиб, унда Аҳд сандиғи сақланган. Бу хошага йилда бир марта, Гуноҳни ювиш кунинда фақат беп қоҳин кирган. Ибодатхона орқа ва ён томонларидан бир неча қаватли кичик хоналар билан ўралган.

Ибодатхона ўзига хос меъморий иншоот эмас, яхудийлар бунга интилмаганлар ҳам, уларда бу ўзига хосликка эҳтиёж ҳам бўлмаган. Бу ўтмиши кўчманчиликдан иборат бўлган халқда, албатта, қурилиш анъаналари бўлмаган. Ибодатхонани эса Сулаймон тақриф қилган финикиялик усталар ўз анъаналари асосида бунёд этган. Аммо фишикияликлар ҳам мустақил меъморчилик анъаналарига эга бўлмасдан, тўлиқ мисрликлар таъсири остида бўлган. Шу сабабли Сулаймон ибодатхонаси ўзининг биринчи-иккинчисига ўтиладиган қатор заллари ва ҳовли охиридаги ёшиқ,

ибодатхонаси билан Миср ибодатхоналаришнинг кўринишини айнан такрорлашга ажабланмас ва бўлади¹.

Қадимги яхудийларда ҳайкалгарошлик ва тасвирий санъат мавжуд бўлмаган. Санъатнинг бошқа шаклларига келсак, бу, асосан, кичик буюмлардаги, масалан, муҳр ёки фил суюги парчасидаги ўйма нақшлардан иборат. Муҳрлардаги тасвирлар сфинкс, кўёш теграси ва бошқа Миср сюжетларига хос тасвирлардан иборат. Камдан-кам ҳолларда ҳайвонлар: шерлар, буқалар, қўшлар ва маймулар тасвири, ундан ҳам кам ҳудодлар тасвири учрайди. Бу тасвирлар соф безак мақсадида чизилган, худодлар эса ҳар доим бошқаларники. Инсон крэфасининг тасвири ҳам жуда кам учрайди, унда ҳам ибодат ўқитган ҳолатда тасвирланган.

Тақинчоқлардаги тасвирлар ҳам ҳаракатсиз ва декоратив кўринишга эга. Бу ерда ҳам тасвирлар Миср мотивларини такрорлайди, уларда мустақил ривожлашиш йўли кўзга ташланмайди.

Яхудий цивилизациясининг тасвирига яқин ясар эканми, унинг ҳайратланарли даражада барқарорлигини таъкидлаш лозим. Бу цивилизациянинг сиёсий, адабий, ҳуқуқий шакллари сиқари Исроил санъати ҳам битта ягона йўналиш – диний эътиқод йўналишини танлайди. Қайсидир даражада бу ҳол бутун Қадимги Шарқ халқларига хос бўлиши мумкин. Аммо бошқа халқлар ҳаёти ва санъатида диний принциплар маълум шаклларда акс этган бўлса, яхудийларда дин шу шакллари акс этиришнинг ягона шарт ва мавзусига айланади. Яхудийларнинг диний принциплари содда ва оддий баён қилинган, шу сабабли бошқа халқларнинг тарқоқ маданий унсурлари битта уйвонликка бириктирилган бир пайтда, яхудийлар маданияти ўта хусусий ва уйвон тутолади. Бу соҳада Исроил подшолиги келажакнинг мустақкам пойдеворини яратди. Бу ерда халқ дини давлат динига айланмади, шу сабабли давлат кулагандан кейин ҳам дин минг йиллар давомида халқни бириктирувчи ва астойити куч бўлиб қолаверди. Балки бу қараш ривождаги кейинги қадам бошқалардан фарқ қилувчи алоҳида, худо ёрлақанган халққа эҳтиёж йўқлигини ангаш бўлиши мумкин эди. Аммо бу қадамни яхудийлар эмас, христианлик қўйди. Исроил бутундай қадамни қўя олмасди, зеро, у минг йиллар давомида яхудийларни халқ сифатида бириктириб келган ва уларга янаб қолиш имконини берган тарихий концепциянинг ҳам барқам тошини бўларди².

¹ Қаранг: Москаги Сабитино. Цивилизация Древнего Востока. – М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. – С. 266.

² Қаранг: Москаги Сабитино. Цивилизация Древнего Востока. – М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. – С. 270.

IV БОБ

ҚАДИМГИ ЭРОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ



Яқин Шарқнинг кўҳна саҳнасида форслар пайдо бўлган пайтда, бобилликлар ва мисраликлар кўп асрлик маданий тарихга эга бўлиб, уларнинг вақт синовидаги ўтган ташкилотлари ва урф-одатлари жамиятда чуқур иддис оттаи, диннинг обрўси билан мустаҳкамлашган эди. Месопотамия Хаммурапидан анча илгари ҳам қонулар мажмуига эга бўлган. Миср маданияти ва цивилизацияси эса худо-фиръавиларнинг буюк даври абадиятга юз тутгандан кейин ҳам бошқа халқларга, хусусан, эронликларга таъсир этишда яна узоқ вақт давом этди. Бу ерда марказлашган империялар ва кичик давлатлар пайдо бўлди, ривожланди ва таъаззулга юз тутди¹. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, юксакликка кўтарилиди, оламнинг тақдирини белгилади ва вақти келганда саҳнадан тушиб, тарихнинг узоқ ва қоронгу саҳифаларидан ўз ўрнини эгаллади. Энди Эроннинг даври келган эди.

Эрон² — қадимги ва юксак ривожланган цивилизация мамлакати. Бу ерда яшаган халқлар мил. авв. III миш йиллик бош-

¹ Қаранг: Фрай Р. Наследие Ирана. <http://padabum.com/d.php?id=31668>. — С. 86.

² «Эрон» атамаси сиёсий, диний ва маданий тугунча сифатида мил. авв. III асрда сосонийлар томонидан киритилган. Сосонийлар империяси қулаши билан «Эрон» сиёсий атама сифатида барҳам топди ва кўплаб асрлар давомида «Парса», «Парс» деб атади. Фақат 1934 йил «Эрон» атамаси расман тикланди. Бёъзи олимларнинг фикрича, «Эрон» атамаси орийлар ноҳидан келиб чиққан бўлиб, «Ориванак» — «орийлар мамлакатини» маъносини аниқлатади (худди шуунингдек, Эрон ёки Ирландия атамаси ҳам қадимги орийлар номидан олинган). Ахомонийлар ўзлари асос солган давлатни «Парса», «Парсида» деб аташган. Бёъзи олимларнинг фикрича, «Парса» туркийча сўз бўлиб, «Йўлбарс» деган маънони аниқлатади. Қадимги Эрон санъатида кейин пайдо бўлган қавотли дўлбарс ҳам олтойлик туркий халқлар томонидан олиб келинган. Қаранг: Аджи М. Азиатская Европа/Мурад Аджи. — М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2008. — С. 526.

ларида ўз ёзувиши, миш йиллар давомида сайқал топиб борган ноёб маданиятини яратганлар. Қадимги Эрон динлари Антик дунё фалсафий дунёқарашининг шаклланишига, христианликда ва исломда эсхотология таълимотларининг пайдо бўлишига арзигулик таъсир кўрсатди. Қадимги ва илк ўрта аср форс адабиёти намуналари араб, сурия, арман ва бошқа қатор тилларга таржима қилинди, кейин эса — Уйғониб даврида ва ундан сўнг — Ғарб ва Шарқ адабиётларидаги кўплаб асарлар учун манба ва намуна бўлди. Қадимги Эроннинг ижодкор усталари томонидан яратилган санъат асарлари жаҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

Эрон худуди кенг ясси тоғликлардан иборат бўлиб, унинг марказини кескин континентал иқлимга унумсиз чўл зонаси эгаллаган. Ясси тоғликлар ва тоғ тизмалари атрофида кичик дарёлар ва уларнинг irmoқларидан сув оладиган, иқтисод ва маданиятнинг ривожини учун қулай бўлган воҳалар жойлашган. Эроннинг птомолида Элибрус тоғ тизмалари қад кўтариб турибди. Унга Туркман-Хуросон тоғлари туташган бўлиб, унинг бир қисми Ўрта Осиёдан ўтади ва Копетдоғ деб аталади. Ясси тоғлик ғарб ва жануби-шарқ томонлардан Загрос ҳамда Ғарбий Эрон тоғлари билан чегараланган. Қадимда бу тоғларнинг ёнбағирлари ям-яшил ўрмонлар билан қоплашган, тепаликларда ёввойи арна ўсган, тоғ эчкиси ва қўйлар ўтлаб юрган. Эроннинг кўплаб худудлари суний сугоришни талаб қилади. Фақат жануби-ғарбий қисми — Хузистоп сув билан нисбатан яхши таъминланган, бу ердан Қаруқ ва Керха дарёлари оқиб ўтади, қуруқ иқлим ва унумдор тупроқ эса мўл ҳосил олиш имкониши берган. Қазилма бойликлардан мис, тешир, қумуш ва нефть захиралари мавжуд бўлиб, нефтдан қадимда деярли фойдаланилмаган.

Месопотамия ва Мисрга нисбатан табиати анча поқулай бўлган бу худудда Қадимги Яқин Шарқ цивилизациясининг ўзига хос яқини бўлган Қадимги Эрон цивилизацияси шаклланди. Бу цивилизация доирасида келиб чиқиши ва ҳаёт тарзига кўра турлича бўлган кўплаб халқлар фаолият юритишган; айнан шу халқларнинг Форс империяси ҳукмронлиги остида бирлашиши ва ўзаро ҳамкорлиги минтақа тарихининг кейинги йўналишини белгилаб берди.

Қадимги Шарқ тарихига бутунлигича назар солиб, унда доимий пепқадам бўлган бирор-бир халқ ёки гуруҳни ажратиб бўлмайди; улардан ҳар бири навбат билан етакчилик ролини эгаллаб, тарихнинг шу давридаги яна ўз изини қолдиради.

Шу сабабли Шарқ тарихи жуда мураккаб бўлиб, унинг бир бутунлиги турли хил унсурларнинг синтезига қурилган. Бу синтез Форс империяси бошқаруви даврида ўзининг тўлиқ ва узил-кесил ифодасини топади. Бу империя қулашидан салгина олдин бутун мишгақаш ўз ҳукмронлиги остида бирлаштиришга муваффақ бўлган.

Америкалик ташқи тарихчи Амберт Олмстеднинг «Форс империяси тарихи» номли машхур асари: «*Мил. ав. 539 йили Кир Бобилга кириб келганида, дунё кўҳна эди. Ва бундан ҳам муҳими, дунё ўзининг кўҳналигини билар эди. Бобил олимлари узун сулолавий рўйхат тузган бўлиб, уларни оддий жамлаш ҳам ҳали ҳайкалларини учратиш мумкин бўлган шохлар гўё бундан олдин тўрт миш йилдан ортиқ ҳукмронлик қилганлигидан далолат беради*»¹, — деган сўзлар билан боғланади. Дарҳақиқат, Қадимги Яқин Шарқ тарихи саҳнасида Эрон пайдо бўлган пайтда бу тарих жуда кўҳна бўлиб, ўз интиқосига яқинлашаётган эди. Шунга қарамасдан айнан сўнгги ишқироз арафасида у жуда катта ҳудудни эгаллайди, мустақкам бирликка ва мисасиз қудратга эришади. Ҳиндистондан то Ливиягача бўлган кенг ҳудудда кўлаб турли-туман халқларни бирлаштирган ягона империя вужудга келади; Оссурия ҳукмронлиги остида аҳён-аҳёнда пайдо бўлган сиғтез, энди форсларнинг либерализми ва бағрикенглик сиёсати туфайли барқарор жараёнга айланади. Бу оламшумул монархия, «ернинг тўрт томони»ни бирлаштирган салтанат ҳақидаги концепциянинг орзудан реалликка айланиши эди. Фақат нарб бу бирлашишдан ташқарида қолди; шу сабабли цивилизациялар ўртасида муқаррар ва ҳал қилувчи тўқнашув ўтун шароит пайдо бўлди² (бу тўқнашув ҳаффи ҳамон сақланиб қолмоқда)³.

Ўтган вақт давомида тарих саҳнасида буюк сулолалар бири-кетин келиб кетди, кўлаб халқлар алмашди, бутун тарих давомида маданиятларнинг ўзаро таъсири кўзга яққол ташланиб турди, маданий ишқилоб эса Яқин Шарқнинг барча қисмида бир хил йўналиш бўйича юз берди. Яқин Шарқ неча марта четдан босқинга учраган бўлса, у ҳар сафар янги келган босқинчиларда ўз маданиятининг изларини қолдирди. Эрондаги Мидия давла-

¹ Қаранг: Амберт Олмстед, История Персидской империи. www.litmir.net/hr/?b=151184. — С. 10.

² Қаранг: Москати Сабативо, Цивилизация Древнего Востока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 271.

³ Цивилизациялар тўқнашувининг бугунги ҳаффи ҳақида. Қаранг: Хаггинтон С. Столкновение цивилизаций. www.litmir.net/hr/?b=11594.

ти ўпа замон кишилари учун фақат Шарқнинг тўртинчи буюк империяси, синчков юнонлар эса, улардан олдинги микенлар ва минойлар сингари, қадимги шарқона маданиятларни ўрганаётган кишилар бўлиб тузолиши мумкин эди. Аммо воқеаларнинг кейинги ривожини шуни исботлаш лозим эдики, тарих саҳнасида форслар ва юнонлар пайдо бўлиши билан Яқин Шарқ ўз тарихининг ҳозирги замон босқинига қадам қўйди⁴.

Тарихнинг бу янги босқинида асосий фаол куч қачонлардан бери Эроннинг тоғ ёнбағирларида яшаб келаятган, фақат мил. ав. I минг йилликка келиб кучли сиёсий ташкилотни шакллантира олган орий⁵ халқлари эди. Улар шиддат билан ўзга ерларни забт этишга киришди. Бу Қадимги Шарқ мивтақасига кириб келган ҳинд-европа этносининг иккинчи тўлақили бўлиб, бу ерда тарихнинг маромини жадаллаштиришга уришган охириги этник куч бўлди⁶. Орий халқлари борган сари кучайиб, удабурон ва энчил бўлиб бордилар ва охири-оқибатда семитлар, мисраликлар ва эгейлар дунёсини, бутун кўҳна дунёни бўйсундирди. Ташқи кўринишдан орий халқлари тўлиқ ғолиб эдилар, аммо улар билан семитлар ва мисраликларнинг мафкуралари ва услублари ўртасидаги кураш ҳокимият орийлар кўлига ўтгандан кейин ҳам узок вақт давом этди. Бу чинакам кураш бўлиб, бутун кейинги тарих бўйлаб ўтади ва маълум маънода бизнинг давримизда ҳам давом этмоқда⁴.

Хуллас, шу тарихда чекка ўлка устун келиб, марказни эгаллаб олди. Миш йиллик тарихта эга бўлган водийнинг буюк цивилизациялари ўта қолсизманган, борган сари тез-тез содир бўлаятган

⁴ Қаранг: Амберт Олмстед, История Персидской империи. www.litmir.net/hr/?b=151184. — С. 23.

⁵ Қўришавик, боъзан орий деганда қачонлардир қадимги Эронда яшаган асладолар вақиларини, яъни тоза қонли халқни тушуниди. Моҳиятига кўра бу тушунча орий сўлини том маънода қабул қилган ва шу сабабли ёллон асладоларнинг қонини тўлалиги билан боғловчи ирқий назарияга бириб тақалади. Учинчи реиҳ назарийчилари томонидан орий сўзининг ҳақиқий маъноси — асладоларнинг қонини кимёвий таркиби эмас, соғлом фикр, эзгу ният ва ижодкорлик белгиланиши ишобатга олинмаган. Қаранг: Левин Г.Г., Федорова А.Г. К вопросу арийства и тенгравства. <http://tengrifund.ru/konferencii/1-aya-konferentsiya/k-voprosu-arijstva-i-tengravstva>.

⁶ Ҳинд-европа халқларининг Яқин Шарққа кириб келиши ҳақида қаранг: Г. Чайлд, Арийцы. Основатели европейской цивилизации. — М.: ЗАО Центрполиграф, 2009. — С. 25–30.

⁴ Қаранг: Уэллс, Г. История цивилизации: В 2 кт. Кн.1: От зарождения жизни до возникновения христианства. — М.: ТЕРРА — Книжный клуб, СПб.: Северо-Запад, 2009. — С. 99–100.

инқирозлар уларнинг кекса организмни катта тезлик билан емириб бораётган эди. Бу даврга келиб тоғ ва саҳро халқларининг ҳам катализаторлик¹ функцияси тугади — мақсадга эришмагач ва мустақил давлатлар барҳам тошгач, уларнинг ҳам роли йқуналди.

Қадимги Яқин Шарқ цивилизацияси марказининг Эронга қараб силжиши, бу цивилизация тарихининг чегараларини ҳам кенгайттирди ва унинг олдида янги вазифаларни қўйди: империянинг бошқа бир чеккасида, тәрбида, чегаралар ҳаётини муҳим нуқтада — Босфорда кесишган бир пайтда, Ўрта ва Узоқ Шарққа томон йўл очилди. Ҳали ҳарбий инқироздан олдин Қадимги Шарқни бошқалардан ажратиб турувчи, унинг тарихини белгиловчи географик чегаралар ва улар сизгари Қадимги Шарқ деб аталувчи бирликнинг ўзи ҳам барҳам топди.

Қадимги Шарқ цивилизациясининг якуни дунёқарашнинг инқирозиди, айниқса, яққол кўзга ташланади: инсонни ўраб турган дунё, Олам концепцияси дарз кетди. Яҳудийлар таклиф қилган бутун борлиқнинг Яратувчиси, ягона, ўзгармас ва абадий худо тўғрисидаги янги концепция бутун Қадимги Шарқ бўйлаб ўзига йўл очиб борди.

Кейин замон ва маконга кўра марказдан анча узоқда жойлашган Эрон эски концепцияни бутунлай парчалаш учун охириги зарбани беради: у фақат сиёсий эмас, этник чегараларни ҳам енгиб ўтишга қодир бўлган ахлоқий нормаларни ўрнатади.

Бунинг исботи сифатида зардуштийлик динининг Форс империяси тақлланиши ва ривожланишига боғлиқ бўлмаган ҳолда тарқалишини айтиш мумкин. Айнан шу сабабли Эрон цивилизациясининг икки йўли — сиёсий ва диний йўллари ўртасидаги муносабатда муаммо пайдо бўлади: шунга қарамасдан, маълумки Қадимги Шарқ энди давлатлар мавжудлиги билан боғлиқ бўлмаган дунёқарашни пайдо қилиш қудратига эга эди. Бу унинг буюк муваффақияти, айни пайтда, катта мағлубияти ва интиҳосининг бошланиши бўлди².

¹ С. Москати катализаторлар деб Ҳарбий Осиёда бир нечта кучли давлатларни эритган учта халқни — касситлар (Жанубий Месопотамия), хурритлар (Шимолий Месопотамия) ва хетларни (Анатолия) атайдди. Мил. авв. 1500 йилгача Яқин Шарқдаги асосий куч Миср ва Месопотамия бўлса, шу даврдан бошлаб тилан халқларнинг катализаторлик функцияси бошланади ва улар томонидан бир нечта мустақил давлатлар тинкил қилиниши билан бу функция йқуналди. Қаранг: Москати Сабатино. Цивилизация Древнего Востока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 157—270.

² Қаранг: Москати Сабатино. Цивилизация Древнего Востока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 272.

Айнан энди диннинг ривожланиши давлатга боғлиқ бўлмай қолган бир пайтда, руҳнинг юксакликка эришиши ҳеч қандай сиёсий ҳокимият билан боғлиқ эмаслиги аён бўлиб қолди. Тўғрирои, аксинча, шундай таассурот ҳосил бўлдики, дин ривожланган сария у билан давлат ўртасидаги зиддият кучайиб боради ва бу зиддият чуқурлашиб, инқирозни юзага келтиради: Ахоманийларга хос бағрикенгликнинг зардуштийча монотеизм билан алмашинуви халқлар ўртасида ўзаро дўшманлик ҳиссини пайдо қилди ва охири-оқибатда империянинг ҳалокатига олиб келган асосий сабаблардан бирига айланди¹.

Тарихи Эроннинг жануби-ғарбида қадимдан яшаб келётган халқлар эламлар, лулибейлар, касситлар, кутийлар ва бизга яхши таниш бўлмаган бошқа кичик халқлардан иборат эди. Улар ҳинд-европа тилларига мансуб бўлмаган тилларда сўзлашганлар. Аммо, элам тилидан бошқа бу тиллар ҳақида маълумотлар жуда кам сақланиб қолган. Эламлар ўзларининг келиб чиқиши ва тилига кўра улардан шарқда яшаган дравид қабилаларига яқин ҳисобланади. Эҳтимол мил. авв. IV—III минг йилликларда бу мишқада дравид ва элам қабилаларига яқин халқлар кенг тарқалган бўлиши мумкин. Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбида яшаган энг қадимги аҳоли ҳам шу қабилаларга мансуб бўлган. Кейинчалик ўзларини орийлар деб атаган ҳинд-эрон қабилалари кириб келиб, бутун Эрон тоғ ёнбағридаги ерларни эгаллаб олади ва бу ердаги аҳоли билан қўшилиб кетади.

Қадимги Эрон тарихида куйидаги босқичларни ажратиб кўрсатиш мумкин: Элам цивилизациясининг пайдо бўлиши ва гуллаб-яшшани (мил. авв. IV минг йиллик охиридан мил. авв. VII асргача); мидийликлар даври (мил. авв. VII аср ўрталари — мил. авв. VI аср, яъни 550 йили Кир II (тарихда Буюк Кир деб аталади) томонидан забт этилгунча); ахоманийлар даври (мил. авв. VI аср — мил. авв. 330 йилгача); парфияликлар даври (тахминан мил. авв. III аср ўрталаридан мил. авв. эраниш 224 йилгача).

Элам сиёсий тарихининг асосий босқичлари Форснинг кенг ҳудудларини босиб олиш ва тاربга, Месопотамия аҳолисига қарши доимий босқинчилик ҳужумларини уюштириш билан

¹ Ягона мафқуранинг ҳукмронлигига асосланган давлатларда шу мафқуранинг ўзи охири-оқибатда давлатнинг инқирозига олиб келганлигини инсоният тарихининг ҳамма босқичларидан кузатиш мумкин. Коммунистик мафқуранинг яққа ҳукмронлигига асосланган Совет давлатининг инқирози бутун сўнгги мисоллардан бири.

борлиқ бўлган. Мил. авв. 1175 йилга яқин Элам шоҳи Шутрук Наххунте қадамги даврниш буюк шаҳри Бобилни босиб олди. Бу ерда у бий ўлка жумладан, Хаммурапи қонунари ўйиб ёзилган диорит стелла (1901 йили француз экспедицияси томонидан тошлан)ни қўлга киритди ва ўз пойтахти Сузага олиб кетди. Мил. авв. 1150 йилдан кейин Элам инқирозга тоз тутатди ва манбаларда бошқа утрамайди — энди уларнинг эътибори шимолда тоз бераётган воқеаларга қаратилади. Эламликлар тарих сахнасида иккинчи бор мил. авв. VII асрда, бу сафар Оссурияга баъзан дўст, баъзан эса душман бўлган кичик давлатчалар қоришмаси кўринишида пайдо бўлади. Эламликлар кўп йиллар давомида Оссурияга қарши фитна уюштириб келди, баъзан кичик муваффақиятларга ҳам эришди, бироқ бу қалтис ишнинг хотимаси ўта фожиали бўлди: Ашшурбанипал бутун мамлакатни яқсон қилиш ва ер юзидан сунуриб ташлашга қарор қилди. Мил. авв. 636 йили Суза шаҳри талон-торож қилинди, мамхур зиккурат ер баробар вайронага айланди, худоларнинг ҳайкаллари эса Оссурияга олиб кетилади. Элам мустақил давлат сифатида барҳам тоқди¹.

Мил. авв. VII асрда форслар билан яқин қариндош бўлган мидияликлар қудратли давлатга асос соладилар; Шоҳ Киаксар бошчилигида улар Оссурияни мағлуб этиб, Арманистон ва Анатолияга кириб борадилар ва Галис дарёси ёнида лидияликлар томонидан тўхтатилади. Мидия империяси жуда қисқа муддат тарих сахнасида тура олди². Мил. авв. VI асрнинг ўрталарида Кир бошчилигидаги форслар мидияликлар асоратидан халос бўлиб, ўз экспансиясини бошладилар.

Мидияликлар ва форслар Шимолий Қора денгиз бўйларидан ҳозирги Афғонистонгача бўлган ҳудудда тарқалган кўп-лаб форсий қабилаларнинг бир қисмини ташкил қиларди. Бу қабилалар форсий тилнинг турли шеваларида сўзланган. Улардан кўнчилиги кўчманчи чорвачилик билан шуғулланган.

Яқин пайтгача олимлар форсий қабилаларнинг ватани Ўрта Осиё ва унга туташ ҳудудлар бўлиб, уларнинг бир қисми мил. авв. IX—VIII асрларда Эрон платосига келиб жойлашган, деб ҳисоблашарди. Аммо ҳозирги пайтда кўнчилик олимлар форсий қабилалар Жанубий Русь чўлларидан Кавказ орқали Эронга

¹ Қаранг: Фрай Р. Наследие Ирана. <http://padabum.com/d.php?id=31668>. — С. 89.

² Қаранг: Дьяконов И.М. История Мидии от древнейших времен до конца IV века до н.э. <http://www.kniqa.ru/books/677700>.

келган деган фикрни қўлламоқдалар¹. Масалап, рус тарихчиси В.И.Абаевнинг фикрича, мил. авв. II минг йилликнинг бошларида форсий қабилалар Жанубий Русь орларида яшаганлар, кейинчалик уларнинг бир қисми Кавказ орқали ва Каспий денгизининг шимолий қирноқлари бўйлаб Эронга ва Ўрта Осиёга келишган, айни пайтда скифлар² Жанубий Россияда қолиб кетганлар³. Аммо олимлар орасида бошқача тахминлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг бир қисмини Гордон Чайлд санаб ўтади⁴.

Ҳар қалай, айтиш мумкинки, мидияликлар ва форслар мил. авв. I минг йиллик бошларида Эрон платосида пайдо бўлишган. Улар ҳақида Оссурия ёзма манбаларида илк бор мил. авв. IX асрда айтилади. Мил. авв. 843 йили ёзилган Оссурия шоҳи Салманасар III нинг йилномасида Персау вилояти ҳақида маълумот берилган.

Кир II мил. авв. 559 йили Ашшанада форс қабилаларининг вассал шоҳи бўлиб тахтга ўтирди ва ўз пойтахти Пасаргардан туриб давлатни бошқарди. Бу пайтда тўртта буюк давлатлар — Мидия, Лидия, Бобил ва Миср бутун Яқин Шарқни ўзаро бўлишиб олинган, аммо улардан фақат Мидияни империя деб аташ мумкин эди. Бундан ҳам муҳими, Мидия форсий тилда сўзланувчи шимолдан келган жангари қабилалар томонидан ташкил қилинган биринчи империя эди. Бу пайтда империя тахтида Киаксарнинг ўғли Астиаг (Астьяг) ўтирарди. Унинг исми эроний тилда Арштивайга бўлиб, «найза отувчи» маъносини билдиради. Аммо Астиаг бу номга мутлақо муносиб эмасди. У ўзининг узок ҳукмронлиги даври (мил. авв. 585—550) да фақат ожизлигини намойён қилди, холос. Астиагнинг қизи гўзал Мандана Кирнинг ўғли Камбиз I (Камбуджийя) га турмушга чиққан бўлиб, Кир II уларнинг фарзанди эди⁵.

¹ Қаранг: Шамбаров В.Е. Великие империи Древней Руси/Валерий Шамбаров. — М.: Алгоритм, 2012. — С. 112—142.

² Насимхон Рахмоннинг фикрича, бу даврдан турк қавмлари «искит» номи билан қоритилган ва улар форсий эмас — туркий бўлган. Искит — скиф дегани. Қаранг: Н.Рахмон Турк ҳоконлиги. — Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. 7-бет. Гордон Чайлд ҳам скифларнинг форсий халқлардан эканлигига шубҳа билдириб, мўғул халқларидан бўлса керак, деб ҳисоблайди. Қаранг: Чайлд Г. Арштивай. Основатели европейской цивилизации. — М.: ЗАО Центрполиграф, 2008. — С. 52—55.

³ Қаранг: Дандамаев М.А. Цивилизации Древнего Ирана. www.persia.ru/main/?page=515. — С. 54—55.

⁴ Қаранг: Чайлд Г. Арштивай. Основатели европейской цивилизации. — М.: ЗАО Центрполиграф, 2008. — С. 49—51.

⁵ Қаранг: Альберт Олехстед, История Персидской империи. www.himik.net/br/7h-151184. — С. 26—27.

Кир II мил. авв. 553 йили ўзи қарам бўлган Мидия шоҳи Астияг (Бобосига)га қарши уруш бошлайди. Уруш уч йил давом этиб, мил. авв. 550 йили Кир II ниш тўлиқ қалабаси билан яқунланади. Кир номини бўлса-да, Мидия подпоминини сақлаб қолди ва уларнинг «буюк шоҳ, шоҳлар шоҳи, мамлакат шоҳи» деган мақомини қабул қилди¹. Қадимги адабиётларда ҳам Ахоманидлар салтанатидаги қўлаб одағлар мидияликлардан олинганлиги айтилади. Страбоннинг маълумот беришича: «*Мидияликлар, одитишларича, арманлар, ундан ҳам аввал уларнинг ҳукмдори ва Осиёга эгалик қилишда вориси бўлган форслар урф-одитишларининг асосчиларидир. Масалан, форсларнинг ўқ-ёйдан отиш ва отда чопишга ишқибозлиги, шоҳларга хизмат қилиши, шоҳани лабислар ва фуқаролар томонидан шоҳларнинг илоҳий даражада ҳурмат қилиниши форсларга мидияликлардан ўзини*»².

Мидияни забт этган даврдан бошлаб шу пайтгача номатлум чекка вилоят бўлган Форс жаҳон тарихининг кенг сахнасига чиқиб, кейинчи икки юз йил давомида унда сиёсий етакчилик ролинини ўйнайди. Мил. авв. 549 – 548 йиллари форслар илгари Мидия подшоҳлигига қарашли бўлган Парфияни, Гиркания ва Арманистонни бўйсундирди. Мил. авв. 547 йил май ойида унча узоқ давом этмаган қамадан сўнг Лидиянинг пойтахти Сард шаҳри таслим бўлди ва Лидия давлат сифатида барҳам топди. Шундан сўнг Кичик Осиёдаги грек давлатлари ҳам Кирнинг ҳокимиятини тап олдилар.

Мил. авв. 545 – 539 йиллари Буюк Кир шарқий эрон қабила-ларининг – (ҳозирги Эроннинг шарқий вилоятлари, Ҳиндистон, Афғонистон ва Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларини) Дрангиана (Ореядан жанубда, Ҳамуш кўли ҳавзаси ва Гильменд дарёси-нинг қуйи оқимидаги қадимги Эрон ерлари, Заранг деб ҳам аталган), Марғиёна, Хоразм, Суғдиёна, Бақтрия, Орея (ҳозирги Афғонистоннинг Ҳирот музофоти), Гедросия вилоятларини, сак қабилаларини, Сагтагидия (Ҳиндикуш тоғ тизмалари эта-гида, ҳозирги Афғонистон ҳудудида, айрим манбаларда Тагта-

¹ Баъзи маълумотларда айтилишича, ўз лиянларини таслири остида топ кўрган Астиянинг ўзи Кирни Мидия тахтининг ириси деб элаген қилган ва мил. авв. 550 йили Кир Мидия тахтининг ҳам элаган. Шу даврдан бошлаб Эронда иккита марказ – Мидия шийахти Экбатан ва Пасаргара вужудга келади. Қаранг: http://ini.ru/topics/dia/persia/articles/persia_article_03.htm. Ёзи батафсил қаранг: Фрай Р. Наследие Ирана. <http://padabum.com/d.php?id=31668>. – С. 117 – 118.

² Қаранг: Фрай Р. Наследие Ирана. <http://padabum.com/d.php?id=31668>. – С. 132.

гунг деб аталган). Арахосия (ҳозирги Қандаҳор) ва Гандхарани бўйсундирди. 539 йилнинг кузида форслар Бобилини забт этдилар. Шундан сўнг Миср чегарасигача бўлган ғарбий давлат (Сурия, Фаластин ва Фшикия)лар кўнгилли равишда Кирга бўйсундилар.

Мидияликлар устидан қозонилган биринчи қалабадан кейин Кир ишонч ҳосил қилдики, унинг олдида бутун дунёни бирлаштириш, оламшумул империяни, умумий «бир бутунлик»ни яратиш, айни пайтда ҳар бир халққа ўзалигиши сақлаб қолтиш имконини бериш вазифаси турибди. Кичкина Аншан давлатининг шоҳи бўлган Кир Ўрта Ер денгизидан Форс қўлигигача, Сирдарё қирғоқларидан Нилгача бўлган кенг ҳудудларда шундай мамлакатни яратмоқчи эдики, унда ҳар бир халқ фаровонликка, ҳудолар марҳаматига, атрофдаги-лар ҳурматига ва энг асосийси – тинчликка эга бўлади³.

Шу тариқа Кир, Ахоманидлар⁴ сулоласининг асосчиси, Қадимги Шарқ тарихидаги энг буюк фотиҳга айланди ва Қадимги Шарқ империяларининг энг буюгиши яратди. Бундай ҳайратомуз муваффақиятнинг сабаби бир томондан, яши босқичилар бўлган ёш халқнинг эгиз қувватида, пассионарлигида бўлса, бошқа томондан, шу даврда қадимги империялар бошидан кечираётган шижирода эди. Хеттлар империяси ва Оссурия таслим бўлди, Миср империяси фақат Мисрнинг ўз ҳудуди билан чекланди, Бобил ички низолар оқибатида ҳаласиланиб қолди. Албатта, таркибига бунчалар кўп турли-туман халқларни ва маданиятларни бирлаштирган империя ўз сиёсий қайдаси – эски ва яшнини келаштиришга, эгизиятлар ва можароларни тинчти-тишга, бирлашишга бўлган тенденцияни кутайтиришга қодир бўлган сиёсий тизимсиз яшай олмасди. Аслида, Кирнинг энг катта муваффақияти, унинг бутонлиги – шу тизимни ярага олганида⁵. У ҳамма жойда маҳаллий ашаналарни ҳурмат қилар, хатто, уларга мослаша оларди. Бундан ташқари, тарихта нисба-тан ўз қарашига эга бўлган Кир ҳамма жойда ўзини маҳаллий ҳукмрон сулоланнинг қонуний вориси деб элаген қилади ва: «Мен

³ Жерар Израэль, Кир Великий. <http://www.twirpx.com/file/1067431/>. – С. 13.

⁴ Баъзи олимлар ахоманидлар туркий қиллардан, Кир Олтойдан келган шоҳлар сулоласининг биринчи вакили бўлиб, «Парса» номли жуда катта давлатга асос солган, деб ҳисоблайди. Қаранг: Адж М. Азиатская Европа/Мурад Адж. – М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2008. – С. 326.

⁵ Қаранг: Жерар Израэль, Кир Великий. <http://www.twirpx.com/file/1067431/>. – С. 31.

Кир, олам шоҳи, буюк шаҳ, қудратли шоҳ, Бобил шоҳи, Шумер ва Аккад шоҳи, бутун дунё шоҳи... ҳокимиятини Бел ва Набу севадиган, унинг ҳукмронлиги чин юракдан хурсанд бўладиган, қадим замонлардан буён шоҳ ошласи»¹, деган таъриф билан бунинг исботини келтиради. Кир мавжуд бошқарув механизмларини сақлаб қолиб, қандай бўлса шундайлигича, ҳат қандай ўзгаришларсиз улардан фойдаланди; у ўзгалар худоларини ҳурмат қилди ва ўзиники қилиб ўзлаштириб олди.

Кир ўзининг Бобилга кириб келишини, Шумер ва Аккадни эгаллашини қуйидагича таърифлайди: «Мен марҳамат қилиб Бобилга кирганимда, хурсандлик ва мамнуният билан шоҳ саройига жойлашдим. Буюк ҳудо Мардук олийҳиммат Бобил халқини менга бўйсундирди ва мен ҳар кун унга эҳширом кўрсатдим. Менинг қўл соғли кўшиним Бобилга тинч кириб келди. Шумер ва Аккадга мен маҳаллий аҳоли билан ёмон муносабатда бўлишларига йўл қўймадим. Шармандали жабр-зулм асорати улардан олиб ташланди. Мен уларнинг уйларини тикладим; харобаларни мен тозалашдим.

Буюк ҳудо Мардук менинг шақводорлигимдан хурсанд бўлди ва менга, Кирга, уни савнаётган шоҳга ва менинг ўқлим Камбизга, менинг барча аскарларимга, биз барчамиз унинг олийҳимматлиги чин дилдан ва хурсандчилик билан тасанно айтаётган пайтимизда оқ фотиҳа берди. Юқори денгиздан Қуйи денгизгача, дунёнинг қамма бурчақларидан саройларда яшовчи барча шоҳлар, чодирларда яшовчи (ароблар) аморийлар мамлакатларининг ҳамма шоҳлари менга ўларининг оғир (қўл) совғаларини олиб келдилар ва Бобилда менинг оёқларимни ўнгилар»².

Албатта, буларнинг бир қисми ташвиқот, мослашувчанлик эди; аммо ахлоқий принципларни ўрнатиш, багрикентликни принцип даражасига кўтариш, сиёсий заруратлардан қоли мавжуд бўлишга интилиш — буларнинг ҳаммаси Кирининг сўзсиз юксак ахлоқий сифати ва либерализмдан далолат беради³.

¹ Альберт Олмстед, История Персидской империи. www.bibliya.net/bg/?b=151184. — С. 37.

² Альберт Олмстед, История Персидской империи. www.bibliya.net/bg/?b=151184. — С. 38.

³ Каранг, Москати Сабитина, Цивилизация Древнего Востока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 294. Айрим олимларнинг фикрича, Кири анъанавий равишда келган подшоҳ деган ривоят кейинчалик бۇрттирилган, шунингдек, Иерусалимдаги Ихва ибодатхонасини тиклаётганлигини ҳам яҳудий қоҳинлари ўйлаб топган. Каранг: Филипп Гюис, Древняя Персия. <http://www.vostok.ru/81917-filipp-guyiz-drevnyaya-persiya.html>. — С. 19-20.

Ахоманийлар империяси Оссурия ва Мидиянинг тўғридан-тўғри вориси, айни пайтда, Яқин Шарқ давлатчилиги тарихида янги босқич эди. Шундай қатта империяни яратган Кир эди унинг чегараларини мустақамлашга эътибор қаратди. Шу мақсадда империянинг шимоли-шарқий қисмига тинимсиз ҳужумлар уюштираётган Ўрта Осиёдаги сак ва массагет қабилаларига қарши юриш бошлади. Аммо мил. авв. 530 йилнинг августида Амударёнинг шарқий соҳилида бўлган жангларда форслар мағлубиятта учради, Кир эса ҳалок бўлди.

Кирдан кейин тахтга келган унинг ўғли Камбиз II (мил. авв. 528—522 й.) империя ерларини қарбга қараб янада кенгайттирди; у Мисрни забт этди, Нубия ва Эфиопияга кириб борди. Бу воқеалар жуда қатта тарихий аҳамиятга эга: барча мустақил давлатлар барҳам топгандан сўнг Қадимги Шарқ умумий бирликка эришди; Эрон ўз моҳиятига кўра оламшумул давлатга, йирик ижтимоий ислохотлар амалга ошириладиган кенг майдонга айланди.

Камбиз Мисрда ўзини легитимлаштириб, Мисрут номи билан фиръавн мақомини олди. У отасининг маърифатли сиёсатини давом эттирганми ёки йўқлиги ҳақида маълумотлар жуда кам⁴, аммо сўнгги тадқиқотларга қараганда, Камбиз мисрликларга, уларнинг маданиятига нисбатан тушушиб бўлмас бир нафрат билан қарайди ва жазо сиёсатини юритиб, Миср цивилизациясини бутунлай вайрон қилишга уринади. Мисрнинг кўплаб ибодатхоналари шу даврда вайрон қилинган. Айни пайтда шунини таъкидлаш лозимки, Мисрдаги Иегова ибодатхонаси мутлақо зарар кўрмэган⁵.

Мисрдан ортга қайтаётган Камбиз Эронда кўзюлон бошлангачлиги ҳақида хабар топади. У кўзюлонни укаси Бардия (Геродот Смердис деб атаган) ташкил қилган деб ўйлаб, уни қатл қилдиради. Аммо кўзюлон бу билан сусаймайди. Гаумат исми қоҳин ўзини шоҳнинг қатл этилган (тасодиф туфайли тирик қолган) укаси деб эълон қилиб, ҳокимиятни эгаллаб олади. Камбиз ақддан озиб қолади ва уйига қайтаётиб йўлда тасодифан ўлдирилади⁶.

⁴ Камбиз Мисрда фақат маҳаллий эҳдотонларга нисбатан отасининг сиёсатини давом эттириб, уларнинг хайрихоҳлигига эришмоқчи бўлди. Каранг: Филипп Гюис, Древняя Персия. <http://www.vostok.ru/81917-filipp-guyiz-drevnyaya-persiya.html>. — С. 20.

⁵ Каранг: А.А.Оларин, Всемирная история и пророчества Библии. <http://nauka.bible.com.ua/vs-istor/>. — С.62.

⁶ Бошқа бир манбада айтилишича, мамлакатнинг иридан кўли қўлқолончилар қўлга ўтганлигини билган (қадимги туркий олдти кўри қурбонлик қилининидан кўрққан (Ш.Э.) Камбиз ўзини ўзи ўлдирди. Каранг: Оларин А.А. Всемирная история и пророчества Библии. <http://nauka.bible.com.ua/vs-istor/>. — С. 76.

Ахоманийларнинг бошқа бир вақли, Кирнинг бош маслаҳатчиларидан бири бўлган Гиастаннинг ўғли Доро I (Дорони ҳиндистонлик ҳам дейишади) Гауматни ўлдириб, сулола ҳукмронлигини тиклайди. Бу воқеаларга баришланиш узундан-узоқ ёзувда ташталган ва қайта тикланган адолат тўғрисидаги ўша эски мавзу такрорланади: тоҳ очикдан-очик ўзининг тахтга келишини легитимлаштиришга ҳаракат қилади. Аммо бу ёзувда яна битта жиҳат бўлиб, у диний муаммони олдинта қўяди: Доро Зардушт эълоп қилган худо — Ахурамазданинг ҳомийлиги тўғрисида қайта-қайта гапирди. Жумладан, ёзувда айтилади:

«Мен Доро, буюк шоҳ, шоҳлар шоҳи, Форс шоҳи, мамлакатлар шоҳи, Виштаспнинг (Гистасп) ўғли, Аршамнинг набираси, Ахоманий...

Шоҳ Доро дейди: Ахурамазданинг иродасига кўра мен шоҳ бўладим, Ахурамазда менга подшолик берди.

Шоҳ Доро дейди: бизнинг сулоламиздан олиб қўйилган подшоликни мен қайтардим, уни аввалги ҳолида тикладим. Гаумашакоҳин вайрон қилган ибодатхонани мен тикладим. Мен халққа Гаумата-коҳин ундан шортиб олган (унинг) мулкни: чорвасини, уй хизматкорларини, ерларини қайтариб бердим. Мен мамлакатни аввалги ҳолида тикладим, Форсни ҳам, Мидияни ҳам, бошқа мамлакатларни ҳам. Нимаши олиб қўйилган бўлса, мен ҳаммасини қайтардим. Мен бу ишларни Ахурамазданинг иродасига кўра амалга оширдим»¹.

Юқоридатилардан келиб чиқиб, слямлар Форсда зардуштийлик дини Доро томонидан ўрнатилган деб тахмин қилинади; Авестада Зарагустра ўзининг ҳомийларидан бири сифатида Гистаспнинг номини тилга олган. Албатта, бу бироя баҳсли, чунки Доро Ахурамаздадан бошқа худоларни ҳам тап олган. Авестадаги Гистасп эса шунчаки тасодиф бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, агар Доронинг дини зороастризм бўлса, унда ахоманийларга хос бўлган диний багрикенглик билан зардуштийлик мопотезизми бир-бири билан қандай келиштириш мумкин эди?

Доро тахтга келгандан сўш империянинг турли ҳудудларида кўплаб кўзголашлар бўлиб ўтди. У барча кўзголашларни қаттиққўллик билан бостирди. Камбиз даврида империя таркибига кирган барча ерларни эгаллади, ҳатто, бу чегаралардан ҳам ўтиб, шарқда Ҳиндистонга ва ғарбда Европага кириб борди. Грецияда, Марафон ёшидаги мавлублиятдан кейин у Европани

ташлаб чиқишга мажбур бўлди. Шунга қарамасдан, бу юришлар ўз чегараларини тўхтовсиз кешайтириб бораётган ёш давлатнинг жаңговар характери ва улкан режаларидаш далолат беради.

Мил. авв. VI асрнинг охирига келиб Ахоманийлар давлатининг чегаралари шарқда Ҳинд дарёсидан ғарбда Эгей денгизигача, шимолда Арманистондан жанубда Нилгача бўлган жуда катта ҳудудга ёйилди, ўнлаб давлатлар ва халқларни бирлаштирди. Шу тариқа ишоният тарихида биринчи марта оламшумул давлат вужудга келди. Ахоманийлар даврида шаклланган ижтимоий-иқтисодий ташкилотлар ва маданий анъаналар жаҳон тарихида катта роль ўйнади ва юзлаб йиллар давомида сақланиб, македониялик Александр, савалкийлар, парфияликлар ва сосонийлар даврида ҳам улардан фойдаланилди.

Ахоманийлар давридаги ижтимоий-иқтисодий ташкилотларни шакллантиришда Доро I нинг машҳур маъмурий ислохотлари муҳим роль ўйнади. Ислохотлар натижасида мамлакат йиғирмата сатрашликка бўлишиб, уш сатраплар бошқарадиган бўлди. Сатрап лавозими Кир ва Камбиз даврида ҳам мавжуд бўлса-да, энди уларнинг функциясига ўзгариш киритилди. Илгари сатраш ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятини ўз қўлида бирлаштирган бўлса, Доро уларни ажратди ва сатрашнинг функцияси энди фақат фуқаролик бошқарувини амалга ошириш билан чекланди. Мамлакат фақат шоҳга бўйсунадиган бешта ҳарбий округга ажратилди. Ҳозирги замон тили билан айтганда, «ҳокимият вертикаль» яратилиб, шоҳнинг шахсий ҳокимияти мустаҳкамланди. Буларнинг барчаси ўз тизими ва анъаналарига эга вилоятлардаш ташкил тошган империянинг бирлигини сақлаб туришда, сепаратизм кайфиятларини баргараф қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Доро ҳарбий ислохот ўтказиб, кучли флот ва армия яратди. Бутун мамлакат бўйлаб почта бекатларига эга бўлган йўллар тизими қурилди, бу мамлакатнинг ягона организм сифатида фаолият юритишида муҳим роль ўйнади. Почта назоратчилари айни пайтда шоҳнинг «айроқчилари» ҳам эди. Тарихда биринчи марта бутун улкан мамлакат учун ягона олтин танга — *горий* зарб қилинди. Сатраплар ўз ҳудудларида қумуш ва мис тангалар зарб қилишлари мумкин эди. Арабий тили давлат тили сифатида жорий қилиниб, бу кўп миллатли мамлакат аҳолиси ўртасида алоқани енгилаштирди. Ягона пул тизими, йўллар, Эроннинг турли минтақаларида ишлаб чиқарилган ҳар хил товарлар мамлакатнинг муқим иқтисодий юксалишини татминлади².

¹ Қаранг: Фрай Р. Писемное Иран. <http://pesalun.com/d.php?id=31668> — С. 126.

² Қаранг: Фортунатов В.В. История мировьих цивилизаций, http://www.alleng.ru/d/hist_vov/hist120.htm. — С. 31.

Дордан сўнг тахтта Ксеркс ўтирди. Юнон манбалари унинг ҳарбий юришлари ва Саламин ёнидаги денгиз жангида маълум бўлганлиги ҳақида маълумот бериб, Ксерксни золим ҳукмдор сифатида тасвирлайди. Бироқ, шохнинг ўзи қолдирган ва Персеподан топилган ёзув ҳамда Шарқ манбалари уни ўзгача таърифлайди. Ксеркс аини кутга тўлган пайтида – ўттиз беш ёшлар ағрофида тахтта ўтиради. У тахт вориси пайтида ўн икки йил Мисрга шайб бўлиб, бошқариб соҳасида анча катта тажриба орттирган эди. Кейинчалик юнон тарихчилари жуда бўрттириб ёлган Саламин жангидаги маълумият аслида Ксеркснинг обрўсига салбий таъсир кўрсатмаган. Унинг маълумиятига нисбатан талабалари жуда улкан эди. Ксеркснинг яратувчилик фаолияти ҳам унинг шухратини оширишга хизмат қилди. Асрлар давомида кўнчиликини ҳайратга солиб келётган Персеполиснинг қурилишини ҳам Доро бошлаган бўлса-да, ўғли Ксеркс қайта режалаштирди ва муҳташам пойтахт ҳолига келтирди.

Ксерксни қотиб ўлдирди. Унинг ўрнига келган Артаксеркс (мил. авв. 464 – 424 й.) ўз ҳукмронлиги даврида доимий фиғналар ва суиқасдлар орасида омонат барқарорликни сақлашга иштиблиб келди. Аммо шунга қарамасдан, бу барқарорлик, барибир, барбод бўлди. Кейин бутун аср ички можаролар билан ўтди; бу даврда империянинг пойдевори емирилди, унинг қудратидан эса фақат ташқи кўриниш қолди, ҳолос. Зўравонлик, мансәб-парасглик иллатлари империянинг иштиҳосини яқинлаштирди. Бошқарув концессиясининг ўзи салбий томонга ўзгарди: турли халқларнинг ҳуқуқлариши ҳурмат қилган ҳолда уларши бириштирган либерализм, золимон бошқарув ва жабр-зулм билан алмашди; империя халқлари бир-биридан ажралди ва ўзгаларга нисбатан душманлик ҳисси пайдо бўла бошлади. Шу тариқа, илқироз бошланганда унинг муваффақияти учун замин алақачон тайёрланган эди. Македониялик Александр шиддат билан Яқин Шарқда кириб келди, бирин-кетин жангларда юлиб чиқиб, минтақани эгаллай бошлади. Мил. авв. 330 йили жараён якунланди. Яқин Шарқнинг қадимги цивилизациялари тарихи ўз иштиҳосига етиб келган эди.

Аслида Шарқ ва Ғарб рақобатида юлиб бўлиш учун Шарқда Эрон тимсолида катта имконият берилган эди. Тарихдан аёнки, Греция Форс империясига ҳеч қачон жиддий сиёсий хавф сола олмаган, чунки Греция ягона сиёсий бирлик сифатидаши мавжуд бўлган эмас, фақат грек давлатлари бўлган ҳолос. Форслар жуда тезлик билан бу грек давлатларининг эш катта, бой ва маъри-

фатли қисмини босиб олди ва улар асосан империя таркибиди бўлди¹. Македониялик Александрнинг Эронга қарши юриши ҳам жуда қалтис таваккалликдан бошқа нарса эмасди. Замондошлари юнонлар армияси биринчи жангдәк маълум бўлади, йитирми ёшли тоҳ эса нобуд бўлади, дея бапорат қилишган эди. Зеро ўз даврининг энт қудратли давлати бўлган Эрон фақат Александрнинг кичик армиясидан эмас, балки бутун Грециянинг умумий аҳолисидан ҳам кўи кўпинта эга эди. Аммо тарих тақозоси шу бўлдики, македониялик Александр ўзининг нисбатан кичик кўшини билан бутун Шарқни забт эди. Шу тариқа цивилизациялар ўртасидан дастлабки йирик тўқнашувда Ғарб юлиб чиқди. Шарқ узок муддатта бўлмаса-да, дунёдаги ўз максисини йўқотди².

Аммо айрим тарихчиларнинг ёзишча империянинг маълумияти – бу цивилизациянинг маълумияти эмас, шунингдек, империя тарихининг якуни – бу цивилизация якуни дегани ҳам эмас. Юқорида асаридан иқтибос келтирилган А.Олмстед бу ҳақда шундай ёзади: *«Персеполиснинг ёқиб юборилиши бутун дунё учун шунинг рамзи бўлдики, бузоқ ҳарбий юриш ўз мўлжалланган ниҳожига етиб келди. Афсуски рим ҳам, юришини ўзи ҳам ҳайтан ортда қолган эди. Александр ўзининг дастлаб истило қилинган ерларини форс сатрапликлари намунасида ташкиллаштирди. Мисрда у худонини ўғли, демак ўзи ҳам Шох худо эканлигини билди. Александр борган сари кўпроқ Шарқ элтиқодлари таъсирига тушиб қолди ва тез орада форсча дабдабиликни қабул қилди. У аслида форс ҳамда юнон халқлари ва маданиятларини барлаштиришини орзу қилган эди. Шарқ ўзининг шифқатсиз истилочиси устидан талаба қозонди»³.*

Бироқ бу муаммонинг тарихий эмас, кўпроқ фалсафий томони. Чунки Эроннинг маълумияти бу жузлий хато ёки тасодиф туфайли юз берган одатдаги ҳарбий маълумият ёки айрим олимлар таъкидлаганидек, илоҳий бапоратнинг вожиб бўлиши ҳам эмасди⁴. У, эҳтимол, таъсири миш йиллардан кейин ҳам сезилаётган тарихий маълумият эди.

Александрнинг сафдошлари Персеполис ютиб юбораётган ённинг боқиб, иштиқом мукаммал бўлди дея, энди ортга, Ғарб-

¹ Альберт Олмстед. История Персидской империи. www.litmir.net/br/?b=151164. – С. 7.

² Шу асар, 7-бет.

³ Альберт Олмстед. История Персидской империи. www.litmir.net/br/?b=151164. – С. 316.

⁴ Қаранг: Опарин А.А. Всемирная история и пророчества Библии. http://nauka.bihiv.com.ua/vs_istor/. – С. 62–65.

га қайтилишига ишониб турганларида, фотиҳ Шарққа томон юришга қарор қилди. Ўз сафдошлари томонидан ўлдирилган Доро III шунинг жасадини оддий аравада кўргандан кейин ҳам Александр қайсарлик билан армиясини Шарққа томон ундашда давом этди. Навбат Бактрия сатраплигига, Амударё қирғоқлари ва Суғд мамлакатидиҳи бой шаҳарларга келган эди. Кейин Александр тоғ доғонлари орқали Ҳиндистонга бостириб кирди.

Узоқ ва номаълум ерларга буцдай мардонавор, айни пайтда, таваккалчилик юриши қилишга Александрни пима мажбур қилганлиги ҳақида тарихчилар ҳозиргача баҳслашадилар. Шўхратпарастликми? Дунёга ҳукмронлик қилиш истагини? Бехисоб бойликларга бўлган ташналикми? Ёки бутун дунёни эланилаштиришга иштиломи? Ахир Суғд мамлакатини, марғур ва жасур массагетларни забт этиш осон эмасди-ку, Буёк Кир ҳам айнан массагетларга қарши жангда ҳалок бўлганди. Амударё қирғоқларида македониялик Александр томонидан қурдирилган шаҳарлар ҳақида BBC томонидан суратга олинб, 2014 йил бошида «VIASAT HISTORY» телеканали орқали рус тилида намойиш қилинган «Буёк Александрнинг бойиб бўлган дунёси» («Затерянный мир Александра Великого». Alexander's Lost World) номи кўч серияли ҳужжатли фильмда фотиҳнинг уйига ёзган хатидан келтирилган парча диққатга сазовор. Унда Буёк Александр бизнинг қадим аجدодларимиз бўлган массагетларнинг жасоратига қойил қолиб, «мен ўз ватанимда ягона Александрман, бу ерда эса менга қарши қуршаётган ҳар бир йигит Александр деб аталишга муносибдир», деб ёзган экан. Бу нафақат аجدодларимизнинг буёк жасоратидан, балки уларга рақиб бўлган ва бу жасоратни тан олиб ёзган Александрнинг ҳам катта мардидан далолат беради.

Персеполига Александр қадимги ёки ривожланаётган цивилизацияларнинг яқин доирасида ҳаракат қилди. Бу пайт у, шўхратпараст ва музаффар македониялик фотиҳ эди. У бунёдкор эмасди. Аммо Персеполидан шарққа, Осиёнинг номаълум ерларига келиб қолиб, у ўзида шундай сифатни ҳис қилдики, бунинг аҳамияти Александрдан кейин ҳам узоқ вақт яшайди. Эҳтимол, энди у ўзини мутлақо яшича англаган цивилиза-

¹ Доро ўзи миясуб бўлган Олий туркибларининг айтганларига бининг ўлдирилган. Бу айтганга кўра, агар шўх халққа фаровонлик бери олмаса, омма олдда ўлдирилган, тўғирини, қурбонлик қилган. Бу айтган. Туркийларни ҳукмдор халқ қилишга даъват бўлмаган. Қаранг: Аджи М. Азиатская Европа/Мурад Аджи. – М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2008. – С. 327.

циянинг тайрагли ёпти сифатида ҳис қилади; одатдаги «ўзимизники ва бегона»га бўлинган эмас, тенг дунёқарапта асосланган цивилизациянинг кашфиётчиси сифатида ҳис қилади¹. Агар Персеполига Александрни, биринчи навбатда, ўч олиш ҳисси ва фотиҳлик бошлаб келган бўлса, массагетлар ерида. Суғднинг бой шаҳарларида европаликлар томонидан ҳали англалмаган ўзига хос цивилизация уни ром этди.

Аммо забт этилган халқлар учун Александр уларни форслар зулмидан озод қилувчи халоскор эмасди. У ўзини фақат қасоскор ёки халоскор деб эмас, энг аввало, Ахоманийларнинг сўнгги вориси сифатида ҳис қилади ва форс аъёнларига ривож қилишга урияди. Бу ҳол Александрни ўз кушини ва сатрапларидан узоқлаштиради², унинг ҳалокатини бошлаб берди.

Диний тизим ва адабий жанр

Эронликларнинг дини оддий, орийлардан мерос қолган бўлиб, ҳали-ҳамон девлар ва асл худоларга сийнишдан иборат бўлиб қолаётган эди. Уларнинг пантеонидан боп худо осмон худоси – Диоус бўлиб, у юнонлардаги Зевсга қариқдон эди; кўпчилик ҳолларда у «худо» – Ахура ёки «донишманд» – мазда эди. Кейинчалик олий қудратнинг бу мужассамликлари «допишманд худо» – Ахурамаздага биришадилар. «Ва шўх Ариарамин (Орийарамин) айтади: «Мен бошқараётган, яхши отлари ва адамлари бўлган, Форс деб ашалувчи бу мамлакатни буёк худо Ахурамазда инъом этди. Ахурамазданинг марҳамати билан мен бу мамлакат подшоҳиман. Ахурамазда мени қўлласин!». Шўх тахтта ўтираётганда шундай дейиши лозим эди³.

Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярида Шимолий Эрон ва Ўрта Осиёда, хусусан, Хоразмда зардуштийлик – асосчиси Заратустра (юнонлар Зороастр дейилган ва зороастризм шундан келиб чиққан) бўлган диний таълимот пайдо бўлди. Олимларнинг тахмин қилишларича Заратустра Ўрта Осиёни Ахоманийлар забт этишидан алта олдиш бу ерда яшаган. Маълумки, Ахоманийлар ҳукмронлиги Форс империяси таркибига кирувчи барча халқлар маданиятига чуқур таъсир кўрсатган, уларнинг диний бағрикенглиги мавжуд динларнинг

¹ Қаранг: Морлимер Уилер. Пламя над Персеполием. <http://book.tr200.net/y.php?id=1582814>. – С. 4.

² Қаранг: Филип Гюнз. Древняя Персия. <http://www.sakym.ru/61917-filip-gyonz-drevnyaya-persiya.html>. – С. 25.

³ Қаранг: Альберт Олмстед. История Персидской империи. www.litmir.net/br/?b=151184. – С. 22.

янада ривож топишга, янги диний-фалсафий қарашлар билан тўлдирилишга имкон яратди.

Зардуштийлик Мидия, Форс ва Эрон дунёсининг бошқа мамлакатларида тарқала бошлади. Қадамги орий кохинларида зардуштийликни қабул қилиши натижасида Заратуштра барча эронликлар учун шона бўлаётган янги синкретик диннинг асосчисига айланди¹. Тахмин қилишларича, Мидиянинг охириги шоди Астиаг даврида (мил. авв. VI асрнинг I ярми) зардуштийлик бу ерда расмий дашаг дини сифатида қарор топган. Геродотнинг ёзишича, зардуштий кохинлари Астиагнинг саройида асосий роль ўйнаганлар.

Мил. авв. VI—V асрларда Форснинг халқ оmmasи табиат кучлариши акс эттирган ўзларининг қадамги худолари — Митра (қуёш ва ёрулик худоси), Анахита (сув ва қосилдорлик худоси) ва бошқаларга, бир сўз билан айтганда, ёрулик, қуёш, ой, памол каби табиатнинг стихияли кучларига сиғинганлар. Қир II ва Камбиз ҳали эроний қабилаларнинг қадамги диний тасаввурлари таъсири остида бўлганлар ва уларнинг диний пантеонида асосий ўрин Ахурамаздага эмас, Митрага тегишли бўлган. Форсда зардуштийлик мил. авв. VI—V аср чегараларида, Дор I ҳукмронлиги даврида тарқала бошлаган².

Заратуштра таълимотишиши олдинги элтиқодлардан фарқи ва мохияти немис эроншуноси Г. Хумбах томонида куйидагича таърифлашади: «Заратуштра шурларга эътиқод қилишни ўзиниш ўтмишдошларидан олди. У эҳшимол бу эътиқодларнинг кўринишиши ўзгартирган, балки Ахурамаздашиши номини яратган ва ахурларни Ахурамазда сифатларининг мужассамлиги дея ҳисоблашни тақлиф қилган. Аммо, бундай теологик муаммалар билан бутун бошли халқни диний ҳаракатга жалб қилиш амримаҳол эди. Арталар учун яратилган ва пайгамбарлиши рақиблари томонидан ҳам мақбулган импозант ҳолат ҳам, Заратуштранинг ўзи киви Вишпастининг афсонавий аждоғи Фриянага болашиши сугирга сиғиниши ҳам асмида яшилик эмасди. Балки, ҳашто, дуализмнинг асосий белгилари ҳам Зардуштийнинг ўтмишдошлари томонидан ишлаб чиқилган. Аввалгилардан фарқи, сугирга сиғинувчи ҳамма кохинлар ва брахманларни маҳв этган, Заратуштраги эш буюк диний ислоҳотчилардан

¹ Қаранг: Фрай Р. Последнее Ирана. <http://padabum.com/ci.php?id=31668>. С. 110.

² Қаранг: Гордон Чейлд, Аршад. Основатели европейской цивилизации. М.: ЗАО Центрполиграф, 2009. — С. 50.

биринги айлантирган юянинг мохияти ишмада эди? У дуис ўз машжудлигиниши сўинги басқичиши белосита яқшлашганлиги, энди эзулик ва ёвузлик бир-биридан ажралганлиги тўғрисидаги шасаввурда мужассамлашган эди — бу тасаввурни инсониятга Заратуштра берди. Бу иш ҳар бир киши ёвузликни йўқ қилишга ва эзулик салтанатини ўриатишга қаршилиши мумкинлиги, унда чўронлик ҳаётига берилган барчанинг тенглиги ва шу тариқа ер юзида сутли дарёлари бўлган жашаини тиклаш мумкинлиги ҳақидаги юяда мужассамлашган эди»³.

Зардуштийликнинг ўрпатилиши Эрон цивилизацияси тарихида муҳим воқеа бўлганлиги ҳақида италиялик олим А. Пальаро шуңдай деб ёзади: «Эрон цивилизациясининг шаклланишида ва унинг минг йилдан энёд давруда алоҳида саёсий барликка айлашишида эш муҳим роль ўйнаган ошл. сўзсиз, дин бўлди. Зеро, атар тоғлик эроний қабилалар зардуштийликни қабул қилиб, тарихий мишли сифатида шаклланиш, Юнон-Рим дунёси чегараларида ўз давлатини ташкил қилган ва уни сақлаб турлиш бўласалар, Марказий Осиёнинг уларга қаршидош бўлган ва бу диндан ташқарида қолган бошқа қабилаларни қадамга умумий ном билан скифлар деб атаган кўчмончи ва варвар халқлар дунёсида йўқ бўлиб кетишдилар. Бундан ташқари, таъкидлаш лозимки, эрон цивилизациясининг, айниқса, маданият даражада ўзини намоён қилиши кўлаб соҳаларда диний қадриятларниши қарор топиши билан мувазий равишда борди ва у билан чамбарчас болақ эди»⁴.

Авестани тадқиқ қилган олимлардан П. Каранья, Р. П. Масгани, М. де Ваэн асарларида таъкидланишича, Авеста⁵ пайгамбар Заратуштрага тўсатдан поэла бўлган эмас. У — ўрта Осиё ва Эрон халқлари цивилизацияси ва маданиятларишиши узок давом этган ривожланиши жарайида англанган ва умумлаштирилган тарихий эволюция маҳсули⁶. Шу сабабдан зороастризмнинг ақамияти

¹ Кляшторный С. Г., Сулганов Т. И. Калехстан. Летписи. трех тысячелетий. <http://padabum.com/d.php?id=31669>. — С. 19.

² Москваи Сибатано. Цивилизация Древнего Востока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 276.

³ Зардуштийликда Авеста ҳеч қачон христианликдан Ишжид ёки ислоҳотчи Куршон каби роль ўйнамаган. Қаранг: Филип Гюкс. Древняя Персия. <http://www.konon.ru/31917-ййр-дуиш-павияа-рерия.html>. — С. 145.

⁴ Қаранг: Махсудова Г. Т. Историко-философский анализ учения Зороастризма (на материалах «Авесты»). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора философских наук. http://znanor.ru/uzo/library/izucheniye.html?libid=0&seotch_dizayn=%D0%D0%D0%R2%D0%R3%D1%81%D1%82%D0%BE. — С. 8.

эронийлар дуёси билан чеклашмайди, у бутун Қадимги Шарққа тарқалади. Бу диннинг ривожланиши, маълум маънода Фаластинда, яхудий қабилаларида юз берган воқеалар билан мувозий равишда боради, зеро иккалаида ҳам ягона ахлоққа асосланган монотеистик дин қарор топади. Аммо икки дин ўртасидаги фарқ жуда чуқур: Исроилда эътиқод ва сиёсат бир бутун, ажрамас бўлиб қўшилиб кетди, Эронда алоҳида ва бир-биридан мустақил равишда мавжуд бўлиб қолаверди; Исроилда монотеизм эмоционал асосга қурилган, Эронда интеллектуал ёндашув устун ва уни ҳинд-европа қабилаларининг ахлоқи ва ўзига хос хусусиятларидан ажратиш кийин; ва ниҳоят, Исроилда монотеизм борган сари мутлақлашиб борди, Эронда эса вақт ўтиши билан унинг позицияси юмшайди. Аммо барча омилларга, айниқса, яшаш шароитларининг бир-бирига мутлақо ўхшамаслигидан келиб чиқадиган фарққа қарамастан, бу икки динни муҳим бир жиҳат боғлаб туради: иккала ҳолатда ҳам эътиқод мустақил равишда мавжуд бўлади ва жамғолар, айниш мумкинки, сиёсий ҳолатга боғлиқ бўлмаган диний бирликларни ташкил қиладилар¹.

Қўлиб тадқиқотларга қарамастан, Зардушт сиймоси ҳақидача сирлиликча қолмоқда. Гатларда² ҳам у ҳақда жуда кам маълумот бор. Зардуштнинг айтишича, уни татқиб қилаётган дупмашлар мавжуд бўлган. Бу ҳақда у Ахурамаздага юзланиб дейди:

*Кий ерларга қочайми, қаредан папоҳ топаини?
Ҳам қабилла, ҳам юртлардан айирмоқдалар мени.
Ғараз билан қарайди менига, ҳатто, урув оқсоқоллари
Ва жшларга сивинувчи мамлакат Хукмдорлари,
О, Ахурамазда, қандай эришамон Сенинг марҳаматишга?!
Биламан мен о, Мазда, нега ишим юришмаслигим;
Ким менинг молларим ва қўлайдигиш одамларим,
Ёлвориман қошингда, марҳамат қил, Ахура!
Дўст дўстни қўлагандай, ҳиммаш қил менига!
Ашу орқала ўргат менига Элу Фикрни!*

¹ Албан жамоаларининг сиёсий ҳолатга, сиёсатга дахлсизлиги яхудий ҳақида тарихнинг жуда оғир келишига қарамастан, яхудо диннинг катта ўзгаришларга яшаб келаётганлиги, бутун дунёга тарқлиб кетган яхудий халқининг ўзгариши сақлаб қолиётганлигини асосий сабабларидан бири бўлса керак.

² Авестани тушуниш бўйича иккита қарама-қарши назария мавжуд: биринчи кўра, у диний жамоанинг ташкил топган бўлиши, бундан назарияга мувофиқ, худоларга бағишланган кўниклар тўплами. Қаранг: Филлип Гюз. Древняя Персия. <http://www.razym.ru/81917-III-p-ryuiz-drevnyaya-persiya.html>. — С. 145.

Гатларда айтилишича, Заратустра эътиқод қилган янги дин унинг ватанида қабул қилинмайди ва у қувғинга учраб, бир мамлакатнинг қависи (хукмдори) Виштасп саройида паноҳ топади. Виштасп Заратустрага фақат бошлага бермасдан, унинг динини ҳам қабул қилади. Баъзи олим (масалан, Холл ва Жексон)лар бу хукмдор Доронинг отаси Гистасп бўлган деб тахмин қилишади. Одатда, Зардуштнинг ватани Сутдиёна, Бактрия ёки Аррагозия бўлган ва унинг ислохотлари Доронинг тахтга келишидан олдин амалга оширилган, деб ҳисобланади¹.

Гатларда Заратустра қайси мамлакатдан келганини ва Виштаспнинг мамлакати қандай аталгани ҳақида айтилмайди, зеро гатлар тингловчиларига бу яхши маълум бўлган. Аммо Яштларнинг бир қисмини тадқиқ этган баъзи олим (масалан, М.А. Дашдамаев)лар Виштаспнинг мамлакати ҳозирги Эроннинг Сивистон вилоятида бўлиши мумкин, деб тахмин қиладилар.

Кўришиб турибдики, олимлар орасида зороастризмнинг ватани ва Заратустра яшаган йиллар тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас. Ўзбекистонлик олимлардан А. Аскарлов, Э. Ртвеладзе, М. Исоқов, А. Сағдуллаев ва бошқа бир қатор чет эллик олим (М. Бойс, Х. Нюберг, Г. Виденгрет, М. М. Дьяконов, Ж. Дюшен-Гийемен, В. И. Аббаев)лар зардуштийликнинг ватани ўрта Осиё, хусусан, Хоразм бўлиши мумкин деб ҳисоблайдилар. Айрим олимлар, масалан, Г.Т. Махмудова зардуштийликнинг ватани Хоразм эканлиги ўзбек олимлари томонидан исботланганлигини таъкидлайди².

Заратустранинг яшаган даврига келсак, олимлар орасида кеш тарқалган бир фаразга кўра, у Буюк Александрдан 258 йил олдин яшаган. Бу сана дастлабки Сосонийлар давридаги коҳиларга ва Абу Райҳон Берунийга ҳам яхши маълум бўлган. Шундан келиб чиқиб, Заратустра яшаган даврни аниқлашда қуйидаги воқеалар асос қилиб олинishi мумкин: Буюк Александр хукмронлигининг бошланиши (мил. авв. 336 йил), Буюк Александр томонидан Эроннинг заб этилиши (мил. авв. 333 йил), охири Ахоманиийлар шоҳи Доронинг ўлими (мил. авв. 330 йил), Заратустра яшаган йилларни ҳисоблашда Салавкийлар даврининг бошланиши (мил. авв. 312 йил) асос қилиб олинган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Юқоридаги саналардан

¹ Қаранг: Чейлд Г. Аррийс. Основатели европейской цивилизации. — М.: ЗАО Центрполиграф, 2008. — С. 50.

² Қаранг: Махмудова Г. Т. Историко-философский анализ учения зороастризма (на материалах «Авесты»). Автореферат на соискание ученой степени доктора философских наук. http://www.library.ru/searchby=library&offset=D&search_query=%D0%B2%D0%B3%D1%86%D1%82%D0%BE. — С. 14.

келиб чиқиб, ишлиз олим В. Хешинг Заратустра яшаган йилларнинг қуйидаги вариантларини таклиф қилади: мил. авв. 630—553, 618—551, 618—541 йиллар. Демак, Заратустра мил. авв. VII асрнинг иккинчи ярми — VI асрнинг ўрталарида яшаган бўлиши мумкин. Ўзбекистонлик Авеста тадқиқотчиларидан М. Исоқов ва Б. Абдолниёзов Заратустра мил. авв. 618—541 йиллари яшаган деб ҳисоблайдилар.¹ Ривоятларга кўра «хақиқий» дин Заратустрага 30 ёшида нозил бўлган, 42 ёшида кави Виттаспни бу динга жалб қилган, 77 ёшида вафот этган.

И. Гертель, Ф. Кенинг, Э. Герцфельд сингари бир қатор олимлар Заратустра мил. авв. 522—488 йиллари яшаган Доро I нинг замондоши бўлган деган фикрини ҳам айтишган². Бошқа бир қатор олимлар эса, Заратустра даслабки Ахоманийлар даврида яшаган деб ҳисоблашади.

Заратустранинг Бузук Александрдан 258 йил олдин яшаганлиги тўғрисидаги фараз ҳам бироқ-бир тарихий асосга эга бўлмаса керак, зеро Сосонийлар давридаёқ мамлакатнинг қадимги тарихи тўғрисида аниқ хронологик тасаввурлар мавжуд бўлмасдан, улар ўрнини эпик аъёнлар эгаллаган.

«Заратустра» сўзининг маъносини америкалик олим Р. Фрай «туғилган етуклаб бораётган киши» деб, рус эроншуноси В.И. Абатов эса, «қари туяларга эга бўлган киши» деб изоҳлайдилар.

Зардуштийлик дини ва Авестанинг ваташи тўғрисида турли, баъзан мутлақо қарама-қарши тахминлар мавжудлигига қарамасдан, қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолдагина бу муаммонинг тўғри ечимига келиш мумкин: Авеста асрлар давомида яратилган ва бир кишининг ижод маҳсули эмас; унда турли даврларда яратилган диний, мифологик асарлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, кўшиқлар тўпланган. Фақат шундай методологик ёндашув Авестада ўз аксини тошган кўплаб ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий эстетик муаммоларнинг ечимини топип имкоини беради³.

¹ В. Абдолниёзов, М. Исоқов. Авеста ва қадимги чорвачилик. http://ziyounet.uz/uz/library/?searchby=library&offset=0&search_query=%D0%90%D0%B2%D0%B5%D1%81%D1%82%D0%BE%20%D1%82%D0%80%D1%80%D0%B8%D1%82%D0%B8 10—6ет.

² Қаранг: Дорнштенко Е.А. Зороастризм в Иране. (Историко-этнографический очерк). Глава I. Краткий очерк истории зороастризма. <http://www.azut.ru/pauk/obozr/islouiya/55064-dornshenko-e-a-zoroastriy-u-irane.html> — С. 57.

³ Қаранг: Махмудова Г.Т. Историко-философский анализ учения зороастризма [на материалах «Авесты». Автореферат на соискание ученой степени доктора философских наук. http://ziyounet.uz/uz/library/?searchby=library&offset=0&search_query=%D0%B0%D0%B2%D0%B5%D1%81%D1%82%D0%BE — С. 19—20.

Заратустра таълимотининг мазмун-моҳиятини ашгали қийин эмас. Аммо унинг манбалари ёки ундаги янги унсурларни аниқлашга келганда, олимлар орасида ягона фикр мавжуд эмас. Гап шундаки, Заратустра давридаги Турон ва Эрон динлари ҳақида ва бу динларга нисбатан Заратустранинг мутосабати ҳақида маълумотлар деярли сақланиб қолмаган.

Заратустранинг фаолиятига келсак, унинг фикр-хаёли яқка худодликни қарор топтиришга қаратилган. Худонинг исми — Ахурамазда — унинг характерини тўлиқ очиб беради, зеро «ахура» сўзи — «хоқон» — илтари ҳам илоҳларни аташда қўлланилган, «мазда» кўшимчаси — «донитманда» ёки қатъ, «мутафаккир» — унинг табиатида интеллектуал фаолият бирлашти эканлигидан далолат беради. Бу Қадимги Шарқ учун мулақо янги унсур, тунки фикр ва унинг зоҳирий тасвирини Олам миқёсига олиб чиқишга илгари ҳеч қачон эришмаган эди. Бу умуман онгни ҳаракатлантирувчи куч ва Оламнинг қонунини деган омишга яқинлаштирди. Шу сабабли зардуштийликда абстракт тупунчалар муҳим роль ўйнайди. Ахурамазданинг ўзи бир қатор орий худодларнинг ўрнини босади, уларнинг функциялари эса Ахурамазда моҳиятининг абстракт ифодаси тарзида намоён бўлади: Воху Мана — Эзгу Фикр, Аша Вахишта — Аъло Ҳақиқат, Хшагра Варья — Танланган Ҳокимият, Спента Армати — Дирет, Амэртат — Боқийлик, Харватат — Яхлитаяк. Бу абстракт моҳиятлар олтита Амеша Спешта — «табаррук боқийлик»ни ташкил қилади. Бу яқка худо Ахурамазда ваифаларининг олти эманацияси — яратувчилик жараёни эзгу пиятларга, яхши фикрларга асосланиши лозим, фақат шундагина яхши ҳаётга умид қилса бўлади, деган умумий ғоя билан узвий боғлиқ.

Бу ғоя билан христианлик ва ислом таълимотлари ҳамда бошқа халқларнинг мифологиялари ўртасида қатъа ўхшашликлар мавжуд. Зардушт ҳақидаги мифлар қадимги юнонларга ва улар орқали Европанинг бошқа халқларига кириб борди. Бу мифлар ўзги халқларда кўплаб янги жиҳат ва тафсилотларга ҳам эга бўлди. Ўрта асрларда европаликлар Зардуштни астролог ва қочин деб ҳисоблашган. XIX асрда ижод қилган германиялик машҳур файласуф Фридрих Ницше фалсафасининг моҳиятини руҳнинг озодлиги ва «қомил инсон» ҳақидаги таълимот ташкил қилади. Унинг эш машҳур асари «Заратустра шундай деган эди» деб номланади. Жисмонан интижон ва қасаманд, деярли кўр ва шол бўлган Ницше қадимги дошмандининг сеҳрли киёфасига мафтун бўлиб, ўзини у билан

таққослайди ва Зардуштни инсон имкониятларининг чегарасидан ҳам ошган оғт буюкларнинг рамзи сифатида улуғлайди. Шу тариқа қадимги донишманд образи иккинчи бор жаҳон фалсафасига кириб келди¹.

Тадқиқодчиларнинг фикрича, зардуштийлик дини жуда чуқур тарихий-маънавий илдиизга эга ва унинг кўплаб жиҳатлари жуда қадимги эътиқодлар, китиларнинг қадимги ҳаёт тарзи билан боғлиқ. Зардуштийлик инсоният тарихидаги энг қадимги тизимлаштирилган дин бўлиб, унда олам ҳақидаги ибтидоий диний-фалсафий тасаввурлар қайта ишланган ҳамда Заратуштра амалга оширган ислохот ва динни тизимлаштириш туфайли улар аниқ ахлоқий йўналиш касб этган. У диний онгнинг турли шакллари оламишг яратувчиси – ягона худо Ахурамазда тимсолида умумлаштиради. Ана шу фаолият туфайли Заратуштра бизнинг кўз ўнгимизда инсониятнинг диний-фалсафий юксалишига, олами билиш жараёнининг кенгайиши ва чуқурлашувига таъсир кўрсатган буюк ислохотчи, файласуф ва донишманд сифатида намоён бўлади².

Заратуштранинг ислохотчилик фаолияти туфайли вужудга келган худо концепциясида ахлоқий йўналиш ва интеллектуал унсурнинг устиворлигини Ахурамаздага берилган таъриф ҳам тасдиқлайди:

<i>Шунда Хумрузд сўз очди:</i>	<i>Тўққизинчи – Билимдон.</i>
<i>«Менинг номим –</i>	<i>Ҳиничи ном – Валилик,</i>
<i>Рахштия, менинг номим –</i>	<i>Ҳн баринчи – Авали,</i>
<i>О Содик, Заратуштра,</i>	<i>Ҳн иккинчи – Ахура,</i>
<i>Бир унвоним – Подабон,</i>	<i>Ҳн учинчи – Энг кучли,</i>
<i>Яна бир номим Қудрат,</i>	<i>Ҳн тўртинчи – Бегазаб,</i>
<i>Яна бири Ҳақиқат,</i>	<i>Ҳн бешинчи – Жўмардлик,</i>
<i>Бешинчиси – Эзгулик,</i>	<i>Ҳн олтинчи – Ҳисобдор,</i>
<i>Бу чин номим Маздаган,</i>	<i>Ҳн еттинчи – Қарағу,</i>
<i>Олтинчи номим Хирод,</i>	<i>Ҳн саккизинчи – Табиб Ҳозик,</i>
<i>Ештинчиси – Хирадманг,</i>	<i>Ҳн тўққизинчи – Холик номим,</i>
<i>Номим Билик – бу саккиз,</i>	<i>Йигирманчи – мен Мазда³.</i>

¹ Қаранг: Зороастризм. <http://www.kabeza.ru/content/view/273/>.

² Қаранг: Махмудова Г.Т. Историко-философский анализ учения Зороастризма. [на материалах «Авесты»]. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора философских наук. http://elibrary.uz/uzc/library/?searchby=library&isset=0&search_query=%D0%B0%D0%B2%D0%B5%D1%81%D1%82%D0%BE – С. 19.

³ Авеста: Яшт китоби/М. Исҳоқов таржимаси. – Т.: «Шарқ», 2001. 10–11-бетлар.

Ўз моҳиятига кўра ақл-идрок тимсоли бўлган Заратуштра юқорида айтилганидек, чуқур ахлоқий заруратни ҳам акс эттиради: унинг олам устидан ҳукмронлиги жамиятнинг асл устунлари ахлоқ ва адолат эканлигидан далолат беради.

Шунга қарамасдан, жамиятда ахлоқнинг олий принцип сифатида жорий қилиниши оламдаги ёвузлик муаммосини бартараф этолмайди; аксинча, бу муаммо кескин кучаяди. Натижада Заратуштра таълимотида ёвуз руҳ концепцияси пайдо бўлиб, тезда муҳим аҳамият касб этади, зеро ёвуз руҳнинг эзгу кучлар билан кураши оламдаги ҳаётнинг моҳиятини ташкил қилади. Шу тариқа пайдо бўлган дуализм элементлари зороастризмнинг кейинги даврида ривожлантирилади. Заратуштранинг фикрича, ёвуз руҳ олий руҳга халақит бермайди, зотан, у олий принципга бўйсунувчи ёвуз ва эзгу кучларнинг кураши тарзида тасвирланади. Ёвуз ва эзгу кучлар ўртасидаги кураш олам бошлангандан бери давом этади; инсон эзгулик йўлини таълаганида ёвузлик жазоланади, эзгулик эса оламда абадий ҳукмронлик қилади.

Бу анча мураккаб концепция бўлиб, ундаги зардуштийлик учун характерли бўлган интеллектуал концентрациялашув жараёни эътиборни жалб қилади. Бу зороастризмдаги менталлик¹ билан Қадимги Шарқнинг бошқа минтақаларидаги шундай қараш ўртасидаги чуқур фарқни акс эттиради. Ёвузлик муаммосининг ҳал қилиниши эронийларда мавжуд бўлган мажусийлик эътиқодига Заратуштранинг қараш билан боғлиқ. У мажусий худоларни рад этади, тўвирони, уларни эзгу руҳлар билан мувозий равишда мавжуд бўлган иблисларга айлантиради ва бу билан бўлғуси дуализмнинг пойдевориши яратади. Айни пайтда у эрон культларига, қонли маросимларига ва маст қилувчи наошани² истеъмол қилишга қарши чиқади. Олдинги даврдан фақат битта одат сақланиб қолади – оловга сиғиниш.

Олов култи орийларнинг қадимги тушунчаларидан бири Арта – Ҳақиқатнинг мужассамлиги ҳисобланади. Олов (Атар)

¹ Менталлик (*лотинча mens, mentis* – «ақл, идрок, заковат») – тафаккур шакли, шахс ёки гуруҳга хос бўлган умумий руҳий кайфият.

² Наоша («худома», «есом») – орийларнинг маст қилувчи ичимлиги. И.А.Емещинг фикрича, аслида илдииз фин-угор тилига бориб тақалади ва уларда мухоморнинг (захарли замбурут тури) маст қилувчи димламаси шундай аталган. Қаранг: Чайлд Г. Арийцы. Основатели европейской цивилизации. – М.: ЗАО Центрполиграф, 2008. – С.265. [Шу даврда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудда яшаган сакларнинг бир қисмини форслар «сак-хаумаварга» яъни – «хюмани севувчи саклар» деб аташган].

турли кўринишларда намоён бўлади: осмон олови, дарахт таънасига яширинган олов, яшин олови, инсон таънасига наиклик ва ҳаёт бахш этувчи олов, ва ниҳоят, оташқадалар (зардуштийлар ибодатхонасида)да ёқиладиган олий, муқаддас олов. Ҳар ойнинг тўққизинчи куни ва йилнинг тўққизинчи ойи (ҳозирги тақвим бўйича 16 ноябрдан 15 декабргача тўғри келади) тўлиқ оловга баришланади (шу боис зардуштийларни оташпарастлар ҳам деб аташади).



Авеста илоҳаси Ардвиз Сурейна авестонавий қуш Семурз билан самога кўтаришмоқда. Кумуш идишдаги тасвир.

Дастлаб зардуштийларда худоларни одамсифат қилиб тасвирлаш одатлари бўлмаган. Аммо дастлабки Ахомашийлар, аниқрови, Дор I даврида Аҳурамаздани бир қадар ўзгартирилган Оссурия худоси Ашшурга монанд қилиб тасвирлай бошлашади. Биҳистун қоясида Аҳурамазда қанотларини ёйган, бошида куёш теграси туширилган, гулчамбарли тиара¹ кийган ҳолда тасвирланган; қўлида ҳақиқий ҳокимият белгиси — жевак ушлаб турибди. Вақт ўтиши билан кўшлар оташқадалар қурилиб, худоларнинг ҳайкаллари ҳам кенг тарқалади.

Ибодатхоналарда ёқиладиган оловлар ҳам ўз иерархиясига эга бўлган. Шоҳлар тахтта келганда ўз оловларини ёқишган ва бу олов доимий сақлаб турилган. Энг бузук олов Ва-

раҳраш (кейинчалик Баҳром) олови бўлган. Қадимий анъаналарга кўра Вараҳраш олови тақводорлик рамзи бўлиб, ёвузлик устидан назаба қилишда одамларга куч ва ишонч бахш этган.

Умуман зардуштийлик ўзининг тузиллиги, ташкилий жиҳатлари, таълимотидаги табиатга кўра фавқулодда содда дин. Ботқа Шарқ динларидаги қўплаб омиллар бу динда мавжуд эмас. Масалан, зардуштийликда мифология йўқ, фақат ибодат маросимлари ва шаклларининг жуда суст излари бор; кўпинча ботқа Шарқ динлари амалиётида қўлланилган сеҳр-жоду ва фолбиллик ҳам бу динда мавжуд эмас, ва ниҳоят, дастлаб қоҳинлар алоҳида диний қатлам сифатида ажратилмаган.

Заратуштранинг ўлиmidан кейин бу ҳолат маълум даражада ўзгаради. Таълимотта жаҳолатшарастлик унсурлари кириб келадиги, уларнинг илми Авестанинг сўнгги қисмларида кўриш мумкин. Мажусийлик қолдиқлари ва оддий халқ эътиқодлари

¹ Тиара — Қадимги Шарқда подшоларнинг бош кийими.

ина пайдо бўлади, монотеизм ўз шаклини ўзгартиради ва охирикубатда ундан воз кечилади. Воқеаларнинг бундай ривожланишида асосий ролни қоҳинлар ўйнайди.

Заратуштранинг ўлиmidан сўнг унинг таълимотида қуйидаги ўзгаришлар юз берди: биринчидан, монотеизм ўрнига дуализм келди²; эзгу руҳ Аҳурамазда тимсолида мужассамлашди ва шу тариқа у ёвуз руҳ Ахриманнинг душманига айланди. Ахриманнинг оламдаги қудрати Аҳурамазданикидан кам эмасди. Иккинчидан, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги азалий можаронинг иккала томони ҳам қадимги мажусийлик вакиллари ҳисобига кўпайиб борди ва улар том маънодаги мустақил худоларга айланди. Масалан, эзгулик томонда орийларнинг қадимий худоси Митра ва ҳосилдорлик маъбудаси Анахитани кўриш мумкин; ёвузлик томонда Қадимги Эрон пантеонидати яна бир худо — Индра пайдо бўлади. Ривожланишнинг маълум бир босқичида бу дуализмга нисбатан қизиқ муносабат шаклланди; гап зурванизм ҳақида — унда иккала олий принцип, эзгулик ва ёвузлик битта унсурдан, вақтдан келтириб чиқарилади. Бу муаммонинг диний эмас, кўпроқ фалсафий ечими эди.

Аммо Ахриман бошчилигидаги ёвуз руҳлар қанчалик кучли бўлмасин, кундалик ҳаётда одамлар кўпроқ «мурдалар иблиси» дўжа Насудан кўрқардилар. Ўликни кўшилар ёки душманлар кўмиши ёки кремация² қилиши мумкин эди. Бироқ, жасаддан бундай осон қутулиш йўли қоҳинларга маъқул эмасди. Барча эҳтиёткорликларга қарамасдан «мурдалар иблиси» тирикларга кинна, юкумли касалликлар ва бошқа расволикларни жўнатиши муқаррар эди. Жасад нафас олмасдан ётган пайтдан бошлаб у инфос ҳисобланади, чушқи «мурдалар иблиси» тирикларга ёмонлик келтириш учун унга ўришади. Фақат ўрнатилган маросимларни қатъий бажариш орқали хавфсизликни сақлаб қолиш мумкин: жасад муқаддас ерни ва сувни

¹ Айрим олимларнинг фикрича, зардуштийлик икка худодик тоънага асосланса да, аслида кўп худодик элементларини сақлаган дуалистик дин бўлиб қўлланган. Бунга сабаб Зардушт таълимотидаги мураккаблиги оқибатида унинг умумий номи Дини, Дайва (осмон) бўлган турли худоларга сўнгги оташпарастлар томонидан қўйибчилик билан қабул қилинганлигидир. Қаранг: Ш. Ёвқочев ва бошқ. Марказий Осиё динлари тарихи. http://znanck.ru/uz/Library/?searchby=library&offset=0&search_query=%D0%B6%D0%B0%D2%B3%D0%B6%D0%BD%D0%B4%D0%B8%D0%BD%D0%B7%D0%B2%D1%80%D0%B8%D1%82%D0%B0%D1%80%D0%B6%D1%87%D0%B8

² Кремация (лотинча crematio — ёқиш) — махсус печда мурданни қуйдириш.

ифлос қилмаслиги керак; жасади итлар ва қузғунлар еб кетиши учун оёқлари ва сочидан маҳкам боғлаб, баланг тепалиқда қолдирип озим. Ва фақат шунда, сужлар хавфдан ўлик ташадан халос бўлганда, уни кремпия қилиш учун махсус идишга — ўлган киши куётни кўриб туриши учун атайлаб тешиклар қўйилган *ostagona* йиғиш мумкин. Бу ёқимсиз савана хиди сўпти давр бутун форс адабиёти бўйлаб ўтади ва ёвуз руҳлар тўдаси билан бирга, ўқувчида оғир таассурот қолдиради¹.

Таълимнинг янги босқичида эсхотология янада аниқроқ ва ифодали бўлиб боради. Марҳумларнинг руҳи Чишад кўчригишиш бир томонида, ҳакамлар олдида саф тортади, уларнинг гуноҳ ва савоб ишлари махсус тарозиларда ўлчанади. Савоб ишни кўп қилганлар дўзахгача етиб борадилар. Гуноҳдорлар эса кўчрик остидаги тубсиз жарликка улоқтириб юборилади. Аммо дўзах ҳам, фалак ҳам вақтинча; охирзамон келганда эриб турган металл дешизи оламни поклайди ва эзгу амал қилганлар абадий ҳаётга қайтадилар.

Қадимги маросимлар яна пайдо бўлади: маст қилувчи «наша» муқаддас ичимлик деб тан олинади ва художўйларга ундан истеъмол қилиш тақлиф қилинади; йилига бир марта, Митрага бағишланган байрам пайтида ахоманиёлар сулоласидан бўлган ҳукмдор маст қилувчи «наша»дан истеъмол қилиб, «эронча рақсга» — ибтидоий даврдан қолган ҳарбий рақсга тушиши шарт бўлган²; покланиш маросимларида муқаддас олов бош роль ўйнайди.

Маросимлар тақомиллашуви билан мувозий равишда коҳинлар қатлами ҳам кешгайиб боради: масалан, тўхтовсиз ёнадиган олов тушу кун уни ўчирмасдан ёқиб турадиган махсус тайёрланган коҳинлар бўлишини талаб қиларди. Жамият боқиши лозим бўлган коҳинлар қатлами кишилар ҳаётига тобора кучлироқ таъсир ўтказа бошлайди.

Шу тариқа зороастризм фаолият юритади, кучларини бирлаштиради, янни пайтда инқирозга юз тутиб боради: дин учун балати тақдир — у ўзи йўқ қилишга қатъий қарор қилган унсурлар ҳисобига яшаб қолади.

¹ Қаранг: Альберт Олмстед, История Персидской империи, www.lib.ru/olmstet/olmstet.htm. — С. 19. (Бироқ Филип Гюнзнинг ёзиниша тармақларида ўликни ёқиб амада қўлланмаган, чунки зардуштийлик дини томонидан тақиқланган.) Қаранг: Филип Гюнз, Древняя Персия, <http://www.ruvm.ru/81917-filip-gyuz-drevnyaya-persiya.html>. — С. 139.

² Қаранг: Альберт Олмстед, История Персидской империи, www.lib.ru/olmstet/olmstet.htm. — С. 23.

Зардуштийлик дини ривожланишини Форс империясининг сиёсий тараққиёти билан боғлаб ўрғатиш биров мумкин. Юқорида айтилганидек, сиёсий ва диний жараёнларнинг алоҳида-алоҳида ривожланиши эрон жамиятининг муҳим хусусияти бўлиб қолади. Айтиш мумкинки, диний бағрикенглик мавжуд бўлгандагина сиёсий фаолият ижобий бўлади: Ахурамазда ягона худо бўлиб қарор топиши билан сиёсий фаолият салбий тус олади¹. Бу иккала жараён ўртасидаги муносабат принцип жиҳатидан иккиламчи. Зардуштийлик дини ўзлигича мавжуд. У тарихи сиёсий воқеаларга ҳеч қандай боғлиқ бўлмаган Қадимги Шарқдаги биричи дин эди².

Зардуштийлик ва Авестанинг кишилик цивилизацияси тарихидаги аҳамияти шундан иборатки, бу дин фалсафасининг марказида тақводор инсон қиёфаси туради. Инсон ҳақида вамаҳурлик, ижтимоий-сиёсий ва диний-ахлоқий товларнинг кеш кўлами зардуштийлик фалсафасининг ҳаётбахш, оптимистик руҳидан ва гуманистик моҳиятидан далолат беради³.

Адабиёт Эрон адабиёти инсониятнинг буюк адабиётларида бири ҳисобланади. У ўзининг қадимги асосларига эга бўлган, юнонлар ва араблар босқинлари даврида деярли тўлиқ йўқотилиб юборилганига қарамасдан, асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб, узвийлик ва ворисийлик аштаналарини сақлаб келаётган жаҳондаги камдан-кам адабиётлардан бири. Эроний қабилалар жаҳон майдонига Қадимги Шарқнинг бошқа халқларига нисбатан кеч чиққанига сабабли улар адабиёти ҳам шумер, аккад, миср ва яҳудийлар адабиётига нисбатан анча ёш ҳисобланади. Бунинг устига, Персеполдаги кутубхона македониялик Александр босқини даврида виёрон қилинганлиги сабабли Ахоманиёлар даври адабиётидан бизнинг давримизгача бир чечма намуна етиб келган холос. Улардан кўнчилигини ахоманий шоҳлар — Дорю ва униш ўғли Ксеркснинг битиклари ташкил қилади. Зардуштийликка оид кўплаб

¹ Шунга ўхшаш ҳолатли замонавий жамиятларда ҳам кузетиш мумкин: ягона мафқуриятнинг ҳукмронлиги охир оқибатда жамиятнинг инқирозига олиб келади.

² Қаранг: Москати Сабатиню, Цивилизация Древнего Востока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. — С. 285 — 287.

³ Қаранг: Махмудова Г.Г. Историко-философский анализ учения зороастризма (на материалах «Авесты»). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора философских наук. — http://diss.ac.ru/uzc/library/?searchby=library&offset=0&search_query=%D0%B0%D0%B2%D0%B3%D1%81%D1%82%D0%BE — С. 40.

матилар Эроннинг араблар томонидан забт этилиши даврида йўқ қилиб юборилган. Хиндистонга қочган форслар бир қисм китобларни, жумладан, Авестанинг қисмларини ва унга ёзилган қадимги шарҳларни (Зенд) олиб чиқишга эришганлар. Исломгача бўлган даврда ёзилган адабий танқид ёки адабиёт тарихига бағишланган бирорга ҳам асар сақланиб қолмаган.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, исломгача бўлган давр эрон адабиёти ичида махсус асарлар, масалан, ишқиқлик ёки мусика санъатига бағишланган асарлар ҳам бўлган. Аммо, бундай асарлар бизнинг давримизгача етиб келмаган.

Эрон адабиёти атамасиниш мазмуни ҳам турли тарихий даврлар учун бир хил эмас. Бу қадимги адабиёт Эроннинг кенг даштларида ва унга туташ бўлган Ўрта Осиёда яшаган халқлар томонидан яратилган. Жуда бой адабий-бадиий қадриятларни ўзига синдириб олган бу адабиётни яратилганда бир пайтлар Форс империяси таркибига кирган жуда катта худуддаги форсийзабон халқларнинг барчаси иштирок этган. Бу халқлар ўртасида адабий алоқаларнинг мустақкам илдиз отишида юқорида айтилган форс либерализми катта роль ўйнади.

Қадимги Эрон адабиётида ахоманийлар давридан боплаб (мил. авв. VI аср) сосонийлар даврининг охиригача (мил. авв. VI аср) — миш йил давомида овзаки адабиёт анъаналари ҳукмрон бўлди. Қадимги эронликларнинг мифларида ёзма матнга нисбатан катта ишончсизлик билан қаралади, зеро улар тасавурида ёзув худолар инъоми бўлмасдан, иблис қўлидан тортиб олинган хунар ҳисобланган. Шу сабабми ёзув узоқ вақт мирзалар имтиёзи бўлиб, шоҳлар, йирик зодагонлар ва қоҳинларга хизмат қилган. Ахоманийлар давридан қолган сопол тахтачаларга, асосан, хўжаликка тегишли матилар битилган бўлиб, адабий асарлар жуда кам учрайди ва муаллифлари ҳам номаълум қолган. Бу ҳолат IV асргача давом этиб, фақат шу даврда ёзувга бўлган муносабат ўзгаради ва айнан шунда Авестанинг ёзма нусхаси яратилади¹.

Эроннинг адабий ёдгорликларини, асосан, унинг диний доктринаси белгилаб беради: бу Авеста, яҳудийларнинг муқаддас китоби Таврот ёки ҳиндларнинг Ригведаси сингари бири-бирдан мазмунан ва ёзилган вақти билан фарқ қилувчи турли қисмлардан ташкил тошган муқаддас китоб. «Авеста» китобини ўз асос эътибори билан Заратустра ва Ахурамаздашнинг са-

вол-жавобларидан иборат дейиш мумкин. Бу китоб 21 та қисм (наск)дан иборат бўлган. Шундай замонлар оша тўрт қисми ҳозиргача етиб келган: «Видевдот», «Ясна», «Виспартат», «Яшт» насклари². Академик Е.Э. Бертельснинг фикрича, Авестанинг дастлабки ёзилган нусхасида 8 миллиондан ортиқ сўз жамланган эди. Сосонийлар ҳукмронлиги даврида (224—651) қайта тикланган Авестага эса 350 минг сўз кирган ҳолос. Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида маълумот беришича, Авестанинг бешдан уч қисми сақланиб қолган³. Китобнинг шу сақланиб қолган ва тадқиқ этилган қисми ҳам ундаги турли хил адабий жанрларни ажратиб кўрсатиш имконини беради. Булар: мадҳиялар, ибодатлар, ҳуқуқий кўрсатмалар ва маросимлар тавсифи. Бугунги кўринишида бу китоб фақат замон билан бирга ривожланганини эмас, услубда такомиллашганини ҳам намоён қилади: унинг энг қадимги қисми бўлган гаглар («гоҳлар» — кўшиқлар) ва ўн еттита мадҳиялар олимларнинг тахмин қилишларича бевосита Зардушт даврига мансуб бўлиб, улардаги хис-ҳаяжоннинг ошқора ва гўзал изҳори кейинги қисмларда бир оқашлик, баъзан зерикарилик, оэмалик ва, ҳатто, тилдаги хатолар билан алмашади. Аммо, энг асосийси, бу муқаддас китобда мазмун эволюциясини кузатиш мумкин. Бу ерда гап ҳар доимгидек қояларнинг макон ва замондаги табиий ривожланиши ҳақида эмас, реал ўзгаришлар ҳақида, примитив мажусийлик унсурларининг қайтиши ҳақида бормоқда. Улар зороастризм ривожланиши тарихида иккига қарама-қарши фазалар мавжудлигини кўрсатади.

Авеста билан бир қаторда, Ахоманийлар сулоласи шоҳларининг (мил. авв. 558—330) миҳлат ёзувларини ҳам қадимги форс адабий анъаналарининг илк намоёни сифатида қараш мумкин.

Кейинги давр қадимги форс адабиётида форсий тил шеаларида адабий асарлар пайдо бўлиши билан характерланади. Бу даврдан бизгача етиб келган адабий ёдгорликлар ичида «Зарра ҳақида достон», сулолавий йилномалар, «Оссурия дарахти ва эчки» дидактик поэмаси каби асарлар кейинги форс адабий анъаналарини боплаб беради. III—VII асрлардаги кўплаб асарларнинг фақат номи маълум, улар орасида «Шоҳлар китоби» сулола-

¹ Қўранг: Филлип Гюиз. Древняя Персия. <http://www.sazym.ru/81917-31fr-gyuz-zitovnyuzya-persiya.html>. — С. 181.

² Қўранг: Б. Абдуллаев, М. Исоқов. Авеста ва қадимги зороастризм. http://xyonet.uz/uz/library/14444:liby=library&offset=0&search_query=%D0%90%D0%B2%D0%B3%D1%81%D1%82%D0%BE%20%D1%82%D0%80%D1%80%D0%B8%D1%85%D0%BE. 8—бет.

вий солномаси ҳам бўлиб, кейинчалик бу китоб асосида Фирдавсийнинг буюк «Шоҳнома»си яратилган. Бу давр форс адабиёти жаҳон маданиятининг муҳим қисми бўлиб, кейинги давр Шарқ ва Ғарб адабиётлари шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Сакъат

Қадимги Форс империяси Қадимги Шарқ тарихида жуда катта роль ўйнади. Ахоманийлар ягона империяга жамлаш олган халқлар бирлиги турли унсурлардан шу birlikнинг ифодаси бўлган ягона синкретик санъатни яратди. Ахоманийлар забт этилган халқларнинг маданий тажрибасидан кенг фойдаландилар. Жумладан, Месопотамиядан миҳхат, Урарту ва Мидиядан меъморлик усуллари ўзлаштирилади. Ахоманийлар давридаги Эрон маданиятини яратишда, шунингдек, Ўрта Осиё халқлари – бактрияликлар, хоразмийлар, сувдалар, саклар ва массагетлар ҳам катта роль ўйнадилар.

Ахоманийлар империяси уч минг миляга чўзилган Осиё ҳудудларида бириктирди ва ягона ҳокимиятга бўйсундириди. Ҳеч қандай ривожланган бадий мактабга эга бўлмаган ахоманийлар ўзларининг империячилик дунёқарашларини шакллантирдилар ва бошқа мамлакатлар ижодкорларининг истеъдодидан ҳам ётсирамасдан ўзига хос услубни яратдилар. 200 йил ичида яратилиб, жаҳон санъати тарихидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган архитектура ва ҳайкалтарошлик асарлари «Ахоманийлар санъати» деган шарафли ном билан тарихдан абадий жой олди¹.

Эронийлар – ёш халқ ва шу сабабли ҳар қил янгиликларга мойил бўлиб, империянинг турли томонларидан материаллар ва санъаткорларни йиғишни ўзлари утун шараф деб билдилар; айнан шу йўл билан улар birlikни ўрнақидилар. Доро Сузадаги сарой қурилишини шундай тарифлайди: «Кегр Лобнана деб аталувчи тоғдан келтирилди. Оссурия халқи уни Бобилгача олиб келди. Бобилдан қилиқчиликлар ва ионийликлар уни Сузагача етказдилар. Уақо дарахти Гандар ва Кермандан олиб келинди. Бу ерда фойдаланилган олтин Сарг ва Бактриядан келтирилган. Бу ерда ишлатилган ялтироқ тошлар, лазурит ва сердолит Суғдийнадан олиб келинган. Қўланилган тўқ кўк ялтироқ тош Хоразмдан келтирилган. Бу ерда ишлатилган кумуш ва бронза Мисрдан олиб келинган. Деворларни безашда қўланилган ҳашамлар Ионийдан келтирил-



Суза. Сарой деворининг кўриниши.

¹ Қаранг: Мортимер Уилер, Пламя над Персеполем. <http://book.tr200.net/v.php?id=1382814>. – С. 2–3.

ган. Бу ерда ишлатилган фил суяклари Эфиопия, Ҳиндистон ва Арахосиядан олиб келинган. Бу ерда ишлатилган тош устунлар Угж деган жойнинг Абирадуш қишлоғидан келтирилган.

Тошни йўнган ишчилар ионийлар ва мидияликлар бўлган. Олтин билан ишлаган зарғар усталар мидияликлар ва мисраликлар бўлган. Ёвоч усталар лидияликлар ва мисраликлар, деворларни безатганлар мидияликлар ва мисраликлар эди².

Ахоманийлар сулоласининг тахтга келиши эстетик, сиёсий ва диний инқилобга олиб келди. Албатта, форслар ўз ўтмишдошларининг тажрибасини инобатга олдилар. Эриштирилган муваффақият ҳайратланарли бўлди. Ахоманийлар санъати Яқин Шарқда шумерлар замонидан бери номаълум бўлган мўътадиллик ва реализм билан характерланади, у оддинги асрларнинг барча ютуқларини ўзига сингдириб олган эди. Унинг энг ёрқин жиҳати инсон жисмининг акс эттиришдаги жонли индивидуаллик бўлиб, бу хетлар, бобиликлар ва оссурияликлар санъатидаги қотиб қолган ва жонсиз тишларга асло ўхшамайди. Бу фақат орийларга хос бўлган жиҳат эди³.

Универсалликка интилиш ҳам кучли таассурот уйротади. Гўё Қадимги Шарқ ўз тарихининг муқаррар интиҳосини тўла ашлаган ҳолда маданиятлар синтезини амалга оширишга интилган кўринади. Кўплаб халқларни бириктирган синкретик маданият илгари ҳеч қачон ўзини бунчалар ошкор ва маънодор намоён қилмаган эди.

Ахоманийлар санъати худди Оссуриядаги сиғари ердиги хоқонини шарафлашга хизмат қилган ва шу сабабли сарой санъати характерига эга бўлиб, бу, айниқса, меъморчиликда яққол кўзга ташланади.

Олтин суви юритилган шайталар қошланган ва серҳашам ҳайкаллар билан безатилган улкан ва муҳташам сарой архитектураси империянинг қудрати ва буюклиги рамзи эди. Олд Осиёнинг бошқа мамлакатлари билан солиштирилганда Қадимги Эрон меъморчилигининг конструктив хусусияти тошдан кенг фойдаланишда ва алоҳида турган устунларнинг қўлланилганлигида эди.

Қадимги форс меъморчилигининг энг яхши намуналари Ахоманийлар империяси гуллаб-яшнаган пайтда улар давлатининг пойтахти бўлган Персепол ва Сузада қурилган саройлардир.

² Москваги Сабатини, Цивилизация Древнего Востока. – М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. – С. 287.

³ Қаранг: Г.Чайлд, Арийцы Основатели европейской цивилизации. – М.: ЗАО Центрполиграф, 2008. – С. 259.

Ашадана – форс меъмориюлигининг энг мухташам намунаси, бутун сарой мажмуасининг асоси. Бу бино Персеполда 10000 кв.м. жойни эгаллаш ва алоҳида платформага қурилган. Тош томонли баҳайбат зал (62,5x62,5 м.) уч томондан ёноч устунаи (икки қатордан, ҳар бир қатори 6 тадан устунаи) пешайвон билан ўралган. Ясси қилиб ишланган томни 36 та баланд (18,5 м.) устуналар кўтариб турибди, улар бир-биридан анча узок ўрнатилган бўлиб, бу залнинг ичкарасини кеш ва ёрут қилиб кўрсатади. Марказий дахлизга қўйилган шохнинг тахти ён-атрофдан кўза яққол ташланиб туради. Форс ашаданаси Мисрдаги шундай заллардан фарқ қилади. Мисрда тивиз жойлаштирилган устуналар «сирли нимқоронғулик» муҳитини яратмоғи лозим эди. Форс ашаданасида эса кучли таптанаворлик руҳи уфуриб туради.

Форс меъмориюлигининг аҳамиятган ёдгорликларидан яна бири мил. ав. V асрда Персеполда қурилган «юз устунаи зал» ҳисобланади. Унинг ўлчамлари ва баландлиги ашадананикидан бироз кичик. «Юз устунаи зал»га киришдаги пешайвон буқаларнинг ҳайкалчалари ва ҳар бир қатори 8 тадан устуналар билан безатилган. Устуналар безакдан ташқари функционал мақсадга ҳам хизмат қилган: одаги кўра саройнинг марказий қисмиши ташкил қилган жуда қатта гўртбурчак шаклидаги залнинг томини юзга устуна кўтариб турган. Буцай биналарни қуришда мисрча услуб ҳам иштирок этган бўлса-да, устуналарнинг баландлиги, серҳаттам ва уйғунлиги биного меъморий ўзига ҳослик ва таптанаворлик бахш этиб туради.

Диний меъмориюликка келсак, уни, асосан, оловга сипатиши учун фойдаланилган куб шаклидаги кичик иншоотлар ташкил қилади. Айниқса, дафн иншоотларининг архитектураи диний биналарга нисбатан кўпроқ эътиборни жалб қилади. Пасаргаддаги (Кир даврида Эронниш шайтахти) ва Нақши-Рустамдаги шундай иншоотлар Эроннинг қадамги ноёб ёдгорликларидан



Кир IIнинг Пасаргаддаги мақбараси.

дан ҳисобланади. Қирнинг мақбараси (мил. ав. 530 йил) ёноч устуналар билан ўралган ҳовлининг ичкарасида жойлашган. Гўри бурчакли қатта топ бўлақларидан қурилган мақбара бирин-кетин ичкарайиб борувчи олтита бўлақдан ташкил тошган бўлиб, жуда ихчам, мухташам ва айни пайтда ўта маҳобатли кўринади. Мил. ав. V аср учун Нақши-Рустамдаги тошга ўйиб

ишланган мақбара дафн иншоотлари учун характерли ҳисобланади. 20 метр баландликдаги тошга хот¹ шаклида ўйиб ишланган мақбара киравертида ўйма нақш билан безатилган. Безак композиция бўлиб, унда тахтада ўтириш шох ва атрофда тахтни тутиб турган одамлар тавдаланган; одамлар Форс империясига бўйсунган мамлакатлар рамзи эди. Композициянинг юқори қисмида шох, Ахурамаздаги ибодат қилаётган ҳолда, Ахурамазда эса оссуричча соқоли кўришида ва Миср худумари каби куёш теграида қанотли қилиб тасвирлашган. Хотнинг кесишган жойида устуналар бўлиб, ўртадаги яшик орқали мақбара ичкарасига кирилади. Форслардаги буцай мақбараларнинг келиб чиқиши борасида олимлар ўртасида битта умумий фикр мавжуд эмас. Албатта уларни Мисрдаги шундай мақбаралар билан боғлаш осонроқ бўларди, аммо бу мақбаралар Мисрдаги сишари бориш қийин бўлган узок жойларда эмас, шох қароргоҳининг ёни-насида жойлашган. Бу ерда ахоманиларгача бўлган маҳаллий анъаналар акс этган бўлиши ҳам мумкин.

Қадамги Эронда алоҳида ҳолда турган ҳайкаллар топилмаган. Шунга яқин бўлган бағдий образ – ортастатлар, дарвозаларни ушлаб турган одам боғли, қанотли, жуда баҳайбат буқалар Месопотамия тасвиридаги далолат беради; аммо бу ерда тасвирлаш услуби ўзгача, афсонавий маҳлуқ ўзининг маҳобатига қарамасдан тажовузкор эмас, анга нафис ва ораста қилиб ишланган.

Одатда ўйма нақшдан Месопотамиядаги сишари саройларнинг ички ва ташқи деворларини безатда кенг қўланилган. Аввало, бу топ ўймакорлиги бўлиб, саройга элтувчи зинанинг икки томонида ва сарой ичкарасида ўлпон тўловчи қабилалар ва шох соқчилари тасвири ўйиб ишланган. Анча шухта ишланган этник типлар ва уларнинг кийимлари бу даврни тадқиқ қилиш учун яқингина машба ҳисобланади. Нақшнинг ўзи ҳам қизиқарли, зеро унинг мавзуси ва ишлаш техникасига жиддий ашвиликлар киритилган. Масалан, мавзу борасидаги ашвиликлардан, бу ерда Месопотамиядаги каби жанг лавҳалари акс эттирилмаган, улар ўрнини тинч намоёнларнинг ажойиб тасвири эгаллаган.

Ўйма нақшларга оид яна бир мавзу бевосита шохга тегишли. Уни баҳайбат маҳлуқ билан жанг қилаётган ҳолда тасвирлашади; бу Месопотамия тасвирий санъатидаги йирткич билан

¹ Хот, айнақса, теги томонли хот дастлаб Олғийда, қадамги туркларда пайдо бўлиб, уни ориилар Эронга, Ҳиндустонга ва кейин Европга олиб келган ва бу ерда христиан динининг асосий рамзига айланган. Бу ҳақда қараг: Аджид М. Азиатская Персия/Мурад Аджид. – М.: АСТ; АСТ МОСКВА, 2008. – С. 214–215.

курашаётган одам мавзусига мос қолади, ammo уни зардуштийликнинг оламда яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш концепциясига ҳам боғлаш мумкин.

Айрим нақшлар нишга ўйиб ишланган. Санъатнинг бу тури ништ асосий қурилиш материали бўлган Сузага кўпроқ хос ҳисобланади. Нишлар сирланган бўлиб, бобилча услубда турли ранглارга бўялган ва нақшлар билан безатилган. Бу тасвирларнинг мавзуси — афсонавий ҳайвонлар ёки бир гуруҳ аскарлар худди тош нақшлардаги сингари ишланган.

Қадимги Эрон санъатида кўплаб кичик шакллар ҳам мавжуд. Усталарнинг юксак маҳоратига Суза шаҳридан топиладиган, сакранга шайланиб турган шернинг бронзадан ишланган ҳайкали ва жуда реал, айни пайтда юзлик қилиб ишланган қанотли тоғ эчкиси шаклидаги гулдон тўтичлари мисол бўлади. Бундан ташқари, кўплаб зарғарлик буюмлари ҳам топилган бўлиб, уларда Қадимги Шарқнинг бошқа жойларидагига нисбатан анча кўп янгиликларни учратиб мумкин. Масалан, олтидан ясалган буюмга рангли тошлардан қадама нақш тушириш кенг тарқалган.

Кичик усуллар ичида ана бир алоҳида эътиборга лойиқ тангаларга чеканка тушириш бўлиб, бу санъатнинг мулақо янги тури эди: улар ичида кенг тарқалгани «дорийи» деб аталувчи таша пулларга камон ушлаб турган шох тасвириниш туширилиши бўлган.

Шундай қилиб, Эрон цивилизацияси Қадимги Шарқ кенгликларида ўздан олдинги барча маданий тажрибаларни тўплаб, уларга яқин ясайди. Эрон цивилизациясига ўзининг географик яқинлиги туфайли Месопотамия маданияти катта таъсир кўрсатган; ammo айтиш мумкинки, бу ерда Қадимги Шарқнинг ҳеч истисносиз барча маданиятлари таъсирини кўриш мумкин. Бироқ барча маданий таъсирлар ягона форса услубга бирлаштирилган ва бу услуб унинг таркибий қисмларига айланган бошқа кўплаб турларнинг ҳаммасидан устуун бўлиб чиқади ва авлоддан-авлодга ўтади.

Шак-шубҳасиз Қадимги Эрон цивилизацияси муҳим тарихий ва диний аҳамиятга эга. Тарихий нуқтаи назардан, турли халқларни битта империяга бирлаштира олган барриконглик либерализми кўплаб жиддий оқибатларга олиб келди ва ишсоният цивилизациясининг ривожига кучли таъсир кўрсатди. Айнан эроний либерализм Фаластинда яҳудийлар диний жамоасининг тиклалишига имкон яратди ва бу кейинчалик христианлик ва ислом цивилизацияларининг шаклланишига аристулик таъсир кўрсатди. Диний нуқтаи назардан, Зардушт таълимоти Қадимги Шарқ интеллектуализмининг энг олий нуқтаси бўлди.

V БОБ

ҚАДИМГИ ҲИНД ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ



Исоният тарихида ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг, шаҳар маданияти ва ёзувнинг, ҳульяс, цивилизациянинг илк ватани Яқин Шарқ бўлиб, исониятнинг маданий ютуқлари шу ердан бутун Кўҳна Дунёга, тарбу шарққа тарқалган деган фикр XX аср бошларида ҳам ҳукмрон илмий қараш эди. Аммо кейинги тадқиқотлар бу қарашта тузатишлар киритиб бормоқда. Дастлабки шундай кашфиётлар XX асрнинг 20-йилларидаёқ амалга оширилган. Ҳинд археологлари Сахни ва Банержи Ҳинд дарёси бўйида Месопотамиядаги шумерлар ва Мисрдаги илк фиръавнлар давридаёқ мавжуд бўлган қадимги цивилизация қолдиқларини очдилар. Олимлар кўз олдига ривожланган ҳунармандчилик, ажойиб шаҳарлар ва ўзига хос маданиятга эга бўлган цивилизация намоён бўлди. Дастлаб археологлар ушбу цивилизациянинг энг йирик шаҳар марказлари – Хараппа ва Моҳенжо-Дароши очдилар. Бу цивилизация олинган биринчи шаҳар помидан келиб чиқиб, Хараппа цивилизацияси деб аталди.

Шу тариқа Ҳинд цивилизациясини қадимийлик бўйича ер юзиде Месопотамия ва Миср цивилизациялари билан тенгдош бўлган учинчи цивилизация деб аташ мумкин. Аммо баъзи тадқиқотчилар бу цивилизациянинг энди ўрганилаётганлигини назарда тутиб, энг қадимги бўлиши ҳам мумкин, деган тахминини айтмоқдалар¹. Ҳинд цивилизацияси ҳам бошқа қадимги цивилизациялар қатори дарёлар бўйида шаклланиб ва суворча дехқончиликка асосланган. Ҳиндлар ўз дарёсини «Синдху» деб аташган, форсларда «Хинду» деган ном олган, юнонлар эса бу сўзни янада бузиб, «Инд» деб атаганлар (хиндлар ўз ватанини хинду тилида Бхорат деб атайдилар).

Бундан тўрт минг йилдан ошқроқ вақт илгари Ҳинд дарёсининг бешта йирик irmoқлари: Желам, Чинаб, Рави, Биас ва

¹ Қаранг: Элена Олк. Индия <http://elena-olk.narod.ru/Ancient-civilizations/India.html>. – С. 3.

Сатлеж сувлари билан сувориландиган, жапуби-тарбга қараб Уммош кўрфази ва Гужоратгача тўзилган Пашжоб («беш дарё» ёки «беш суви») пасттекисликларида ривожланган цивилизация вужудга келади. Ҳинд дарёси ўзининг қуйи оқимида Покистоннинг қачошлардир сувориландиган ва ҳосилдор бўлган, ҳозир эса саҳродан иборат Синд минтақасини кесиб ўтади. Ҳинд дарёси ҳавзасини Тар саҳроси ёки Рожастон ўзининг баланд тепаликлари билан Ганг дарёси ҳавзасидан ажратиб туради. Ганг текислигининг тарбий қисми, Ганг дарёси билан унинг йирик irmoғи Жамна ўртасида жойлашган, Дехлидан Патна (Дуб минтақасини ҳам қўптанда)гача бўлган ҳудуд Ҳиндистоннинг юраги ҳисобланади. Орипварта (орийлар ери) номи билан аталувчи бу ерда Ҳинд классик цивилизацияси пайдо бўлди. Ганг дарёси Бенгал қўлига томон оқиб келиб, бу ерда дешизга тутшиб кетувчи кенг дельта ҳосил қилади. Шу ерда Ганг дарёси Тибет тоғларидан оқиб келувчи Брахмапутра дарёси билан қўшилиб кетади ва Ҳинд цивилизациясининг тарқ томон силжишида таянч ҳисобланган Ассам водийсини кесиб ўтади.

Буёқ Ганг текислигидан жанубда Вандхя тоғлари билан ўралган тепаликлар ястаниб ётади. Уларни, албатта, Ҳимолай билан тенглаштириб бўламайди, аммо бу тоғлар Ҳиндистон деб аталган шимол билан Декан деб аталувчи жануб ўртасида табиий тўсиқли вужудга келтиради.

Ана шу кенг водийга ёйилган Қадимги Ҳинд цивилизацияси Рим империяси вужудга келгунга қадар энг катта ҳудудда ўзига хос сиёсий экспериментни амалга оширади¹.

Бироқ сиёсий аҳамиятидан ташқари Қадимги Ҳинд цивилизацияси маданий бирлик сифатида ҳам ноёб ҳодиса ҳисобланиб, унинг вужудга келиши муаммоси ҳамон баҳсли бўлиб қолмоқда. Яъни, бу цивилизация қай даражада маҳаллий тирақчиёт натижаси ва қай даражада ташқи таъсирининг маҳсули эди? Қадимги Ҳинд цивилизациясининг қирғоқ бўйлаб тарқалиш мойилигига қараб олимлар унга Месопотамиянинг таъсири кучли бўлганлиги ҳақида тахмин қилишади. Дарҳақиқат, Месопотамия цивилизацияси Қадимги Ҳинд цивилизацияси мавжудлигидан далолат берувчи дастлабки маълумотлардан бир неча аср олдин вужудга келган. Бундан ташқари, уларнинг шаҳар ҳаётида ҳам анъанина умумийлик бор: «ўрта синф» шаҳарликларининг шисбатан тўхис яшап даражаси,

¹ Қаранг: Мортимер Уилер. Древний Индостан. Раннеиндийская цивилизация. <http://www.kz.ru/authors/mortimer-wiler/drevni-323.html>. – С. 57.

юқори даражадаги фуқаролик онгишиг шаклланиши (бу фақат Месопотамиядаги манбалар билан исботланган бўлиб, буни тасдиқловчи ҳинд манбалари топилмаган) бу умумийликнинг энг муҳим жиҳатларидир. Олимларнинг тахмин қилишларича, Моҳенжо-Даро кишилари ўз қизиқишлари ва яшаш тарзига кўра Месопотамиянинг Ур шаҳри аҳолисида кам фарқ қилган. Аммо шаҳарни режалаштириш, ичимлик суви таъминоти ва оқава суви чикаришининг пухталлиги Моҳенжо-Даро аҳолисининг юксак турмуш маданиятидан далолат беради. Бу икки цивилизацияларнинг ўхшаш томонлари умумий характерга эга бўлиб, майда фарқлар билан изоҳланади¹. Аммо сиёсий соҳага келсак, бу ерда умумий жиҳатларда ҳам ўхшашликлар кузатилмади: Ҳинд цивилизацияси учун давлатнинг муштараклик принципи хос бўлса, Месопотамия бир қатор майда шаҳар-давлатлардан ташкил топган. Олимларнинг тахмин қилишларича, мил. авв. 2400 йили Аккада империя тишидаги режимнинг вужудга келиши, ўша даврдаги савдо алоқаларининг кенглигига қараганда, ўзининг гулаб-яшнаган даврини бошдан кечираётган Ҳинд цивилизациясининг сиёсий анъаналари таъсири остида юз берган бўлиши мумкин². Икки цивилизацияни солиштириб, шунга айтиш лозимки, улар ўртасида умумий ўхшашлик кўзга яққол ташланса-да, майда жиҳатлардаги фарқ ҳам анчагина ва Қадимги Ҳинд цивилизацияси бирданига ёки босқичма-босқич Шумер томонидан босиб олинishi натижасида вужудга келган деган тахминни ҳозир олимлар етарли асосга эга эмас, деб ҳисобланади. Албатта, Ҳинд водийсида цивилизация шаклланишининг ички манба ва сабабларини ҳам излаш лозим. Бироқ бундан Месопотамия ушбу жараёшга ҳеч қандай таъсир ўтказмаган, деган хулоса келиб чиқмайди. Месопотамия шаҳар ҳаётини «кашф» этган эмас, аммо, айнан Месопотамия дунёга ўзининг йўлга қўйилган ҳисоб-китоби ва назорат тизими, зарур ахборотни сақлаш ва тизимлаштириш намуна билан яқунланган ва расмийлаштирилган цивилизацияни – бошқача айтганда, цивилизация воясиши берди. Бу воя Месопотамиядан қуруқлик орқали Мисрда

¹ Қўшлай археологлар Қадимги Ҳинд цивилизациясида Ҳинд ҳилоси ва кўпини Шимолай Белужистондаги маҳаллий деҳқончилик маданияти асосида вужудга келган автохтон цивилизация деб ҳисобланади. Қаранг: Древняя Индия – цивилизация древней Индии. <http://www.historie.ru/civilizacii/drevnyaya-indiya/228-drevnyaya-indiya-civilizatsiya-drevney-indii.html>.

² Қаранг: Мортимер Уилер. Древний Индостан. Раннеиндийская цивилизация. <http://books.ru/authors/mortimer-wiler/drevnii-323.html>. – С. 56.

кириб келди ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинди. Айтиш мумкинки, ўз ичига ёзувни олган яхлит цивилизация вояси Месопотамиядан Ҳиндистон қирғоқларига етиб келиб, Ҳинд водийсига кенг тарқалди ва бу ерда ҳам маҳаллий анъаналарга мос равишда қабул қилинди¹.

Қадимги Ҳинд цивилизациясини ўрганишнинг мураккаб томонларидан яна бири, ёзма маълумотларнинг деярли сақлашиб қолмаганидир. Ҳиндлар ўзларининг иероглифи ёзувга эга бўлганлигига қарамасдан, уларда тарихий воқеаларни қайд этиб бериш одат бўлмаган. Масалан, Хитойда бу иш кенг йўлга қўйилган бўлиб, бошқа халқлар, жумладан, Ҳиндлар ҳам ўз тарихига оид маълумотларни Хитой манбаларида топшишти. Месопотамия ва Қадимги Мисрда ҳам шундай ёзувлар олаб борилган.

Қадимги Ҳинд цивилизацияси дастлаб ҳозирги Покистон ҳудудида, Ҳинд дарёси бўйларида шаклланиган. Тахминларга қараганда, бу ерда ҳам худди Мисрда Нил дарёси бўйларидаги сингари серҳосил ситорма деҳқончилик зонаси пайдо бўлган.

Шимолда Ҳиндистон сайёрамизининг энг баланд тоғ тизмаси – Ҳимолай тоғлари билан чегараланган. Гербда эса Ҳимолайнинг тармоқлари, тоғ чўллари ва ярим чўллар билан ўралган. Кейин Эрон тоғликлари ва аста-секин Месопотамия пасттекисликлари бошланади. Шарқ томон ҳам тоғлар билан ўралган. Бу тоғлар Ҳимолайдан анча паст бўлишига қарамасдан, одамлар ўтиши учун жуда ноқулай. Шу тариқа, бугъзи олимларнинг фикрича, Ҳиндистон иккита яқин цивилизация ўчоқлари – Хитой ва Месопотамиядан ажралиб қолган². Аммо бошқа бир қатор олимларнинг таъкидлашларича, Қадимги Ҳинд цивилизацияси шимолда дунёдаги энг катта тоғ тизмаси – Ҳимолай билан чегараланган ва бу тоғ тизмаси шарқдан тарбга чўзилиб, Ҳинд-гаш субконтинентини Осиёнинг қолган қисмида ажратиб турган бўлса-да, Ҳиндистонга келаётган савдогарлар ва кўчманчилар учун ҳам, тижорат



Қадимги Ҳиндистон.

¹ Қаранг: Мортимер Уилер. Древний Индостан. Раннеиндийская цивилизация. <http://books.ru/authors/mortimer-wiler/drevnii-323.html>. – С. 54–61.

² Қаранг: Елена Элк. Индия. <http://elena-elk.nauka.ru/Ancient-civilizations/India.html>. – С. 4.

билан шугулланган ҳамда ўз маданиятларини тарқатган ҳиндлар учун ҳам ҳеч қачон ўтиб бўлмас тўсиқ ҳисобланмаган. Шу сабабли Ҳиндистоннинг тўлиқ изоляцияси ва Ҳинд цивилизациясининг тарқалишида Ҳимолайнинг чекловчи роли ҳақида олимлар орасида тарқалган фикр анча бўрттирилган ва тўғри эмас¹. Бундан ташқари, Ҳиндистон яриморалига яқинда Арабистон денгизи, шарқда Бенгал қўлига туташган бўлиб, бу денгиз йўллари ҳам Ҳиндистон яриморалини ташқи дунё билан доимий боғлаб турган. Аммо бу йўлларнинг бирортаси Ҳиндистон цивилизациясининг шаклланишида муҳим роль ўйнамаган. Улар фақат мил. авв. I минг йилликда буддавийлик дини ва маданиятининг Ўрта Осиё ва Хитойга ёйилишидаги йўллар сифатида хизмат қилган².

Ҳинд океани кўпчилик ҳолларда жуда тўққили бўлишига қарамасдан, қадимдан ғарб ва шарқ билан алоқа қилишнинг асосий йўли бўлиб келган. Жуда қадим замонлардаёқ Ҳиндистон Қадимги Шарқ ва антик дунёнинг бошқа мамлакатлари билан яқин алоқалар ўрнатган бўлиб, бу маданий ютуқларнинг алмашигувига олиб келган. Хараппа цивилизацияси давридаёқ Месопотамия, Эрон ва Ўрта Осиё билан, Маурийлар даврида Миср, Жануби-Шарқий Осиё ва Узоқ Шарқ билан маданий ва савдо алоқалари ўрнатилган. Антик муаллифларнинг хабар беришларича, ҳинд элчилари императорлар Август, Траян, Адриан ва Аврелианлар даврида Рим империясига ҳам етиб боришган³.

Мамлакатнинг жануби ва шимоли ҳам тоғ тизмалари билан чегараланган бўлиб (улардан энг каттаси – Вицхья тизмалари), қадимда қалин ўрмонлар билан қопланган. Овир географик шароитга қарамасдан, шимоли-ғарб томондан Ҳиндистонга ўтиш йўли бўлиб, қадимда бу йўлдан орийлар ва Ўрта Осиёлик зироатчи қабилалари фойдаланганлар.

Ҳаёти табиат инжиқликларига боғлиқ бўлган аҳоли сувга чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлган. Минг йиллик тарихга эга бўлган сувга сифиниш бутун ҳам давом этмоқда: ҳиндлар серсув дарё – Гангга муқаддас санайдилар, унга сивинадилар.

¹ Қаранг: Артур Бешем. Цивилизация Древней Индии. <http://razum.ru/paukaubiaz/istoriya/41271-artur-byeshem-civilizaciya-drevnej-indii.html> – С. 7.

² Қаранг: Морример Уилер. Древний Индостан. Раннеиндийская цивилизация. <http://bookz.ru/authors/morrimer-wiler/drevni-323.html> – С. 3.

³ Қаранг: История мировых цивилизаций. Древнеиндийская цивилизация. http://godsbay.ru/civilizations/civilization_indiya.html – С. 6.

Ҳиндистон бутун ҳам ўсимлик дунёсипинг хилама-хиллиги, нисон қўли тегмаган тропик ўрмонларнинг боқира гўзаллиги билан кишини ҳайратга солади, минг йиллар оддин эса бутун мамлакат ҳудуди шундай ўрмонлар билан қопланган эди. Ўрмонлар бу эртаксимон мамлакат аҳолисига фақат ёғоч, хунармандчилик учун хомашё, уй-жойларни иситиш учун ўтиш бериб қолмасдан, ўзининг ёнғоқлари, реза мевалари, бананлари, манго меваси, цитруслари ва бошқа бойликлари билан уларни боқар ҳам эди. Ўрмон доривор ўсимликлар ва зирavorларга бой бўлиб, ҳиндлар ўз дастурхонини шуларсиз тасаввур қила олмадилар. Европада олгиндаш ҳам қиммат саналган, ўрта асрларда шу ўрнида ишлатиш ёки келинга сеп сифатида бериш мумкин бўлган хушбўй ва хуштаъм зирavorлар Ҳиндистонга нисбатан доимо қизиқиш уйротиб келган ва Христофор Колумбнинг Американи кашф этишида катта туртки бўлган.

Тарихи Археологик товималарга қараганда Ҳиндистонда қадимги топ асридаёқ одамлар яшаган. Эпоэлит, айниқса, бронза даврида Ҳиндистоннинг ғарбий ҳудудларида ўннга хос Қадимги Ҳинд цивилизацияси шаклланади. Унинг энг ривожланган даври мил. авв. III минг йиллик – II минг йиллик бошларига тўғри келади. Бу цивилизациянинг марказлари йирик шаҳарлар бўлиб, уларнинг харобалари замонавий Хараппа (Панжоб вилоятида) ва Моҳенжо-Даро (Мархумлар тепалиги, Синд водийсида) ҳудудларида топилган ва умумий ном билан Хараппа маданияти деб аталади.

Қадимги Ҳинд цивилизациясини олимларнинг тахмин қилишларича, дравид¹ қабилалари ёки улардан ҳам олдинги қабилалар яратганлар. Улар, албатта, матонатли ва бунёдкор кишилар бўлганлар. Аммо ҳар қандай тоя уни қабул қилишга тайёр ва яроқли замидагина томир отиши мумкин. Шу маънода мил. авв. III минг йилликнинг ўрталарида Ҳинд водийсида жуда шиддатли ва ўта муҳим воқеалар юз беради. Шу даврда ёки ундан сал олдинроқ Белужистон тоғларида яшовчи айрим жамоалар бир таваккал ишга қўл урадилар. Одамларни

¹ Санскрит манбаларида дравидлар ва дамилар (тамиллар) шаклида келтирилади. Дравид халқларининг келиб чиқиши ҳақи яхши ўрганилмаган. Эҳтимол орийлар кириб келгунга қадар улар субконтинентнинг асосий қисмини эгаллаган бўлиши мумкин. Жанубда қўластимланган дравид тилининг шевалари санскритга яқин тиллар ҳисобланмайди. Қаранг: Артур Бешем. Цивилизация Древней Индии. <http://razum.ru/paukaubiaz/istoriya/41271-artur-byeshem-civilizaciya-drevnej-indii.html> – С. 394.

товлардан чангалзорлар билан қошланган ёввойи текисликларга бошлаб келган қабилла бошлиқларини ҳам, уларни бушга унданган сабабларни ҳам эди аниқлашнинг ҳеч иложи йўқ. Улар жамоадан ҳайдалган қувғиндилар эмас, сўзсиз мард ва жасур кишилар бўлганлар. Янги жойда қарор топиш уларнинг айрим-лари, балки кўнчилиги учун амалга опмайдиғачи вазифа бўлди ва уларнинг ўлими билан якуланди. Олимлар Хинд водийсида қолдиқлари топишган айнан шу кичик маъзилгоҳлар улар ўршига келган кенг микросдаги цивилизацияга асос бўлган деб ҳисоблашади¹. Масалан, Моҳенжо-Дародан 40 км. узоқликда жойлашган Кот-Дижги деган жойда 1957 йили олиб борилган археологик қазинмалар пайтида Қадимги Хинд цивилизациясига мансуб бўлмаган шаҳар қолдиқлари топишган. Шаҳар усти ёнғин қолдиқлари билан қопланган бўлиб, бу ёнғин тахминан мил. авв. XXI асрда юз берган. Бу қатлам устидан кейинчалик Хинд цивилизациясига мансуб маъзилгоҳ бунёд этилган.

Водийни ўзлаштириш, олимларнинг тахмин қилишларича, онда-сонда ва нотекис амалга оширилган, омадсизлик кетидан омадсизлик келиб, бу ҳол охир-оқибатда жасур ва удабурон йўлбошчи муваффақиятга эришмагунча давом этган. Уларнинг фаолиятига баҳо бериш учун кўчкнчилар дуч келган қулайликлар ва муаммоларга эътибор қаратмоқ лозим.

Қулай жиҳатлардан шунини таъкидлаш лозимки, водий йирик дарё хавзасида жойлашган бўлиб, ҳар йили юз берадиган тошқинлар қирроқбўйи тупроғи таркибидаги ўнг сифатида қўлланиладиган амлювийни² янгилаб туради. Қирроқ бўйидаги чангалзорлар фил, йўлбарс, буйвол, каркидон ва тимсоҳ каби ёввойи ҳайвонларга, дарёлар эса балиқларга лиқ тўла эди. Балиқ Хинд водийсининг энг кўп учрайдиған ёзма тимсоларидан биридир. Шу дарёлар транспорт тармоғи ҳам бўлиб, бир томони Арабистон денгизига ва Форс қўлтиғига, иккинчи томони – ўрмонлар билан қошланган Ҳимолай тоғларига туташади. Шу йўллар ва уларга бевосита туташган тармоқлар орқали баъзан жуда узоқ масофадан Хинд водийсига металл ва қимматбаҳо тошлар келтирилган ҳамда улардан ҳам муҳими, илгари фанда старли даражада эътибор берилмаган ҳодиса – кенг тарздаги воялар алмапинуви юз берган. Албатта, тоғ

¹ Қаранг: Мортимер Уилер. Древний Индостан. Ранневндийская цивилизация. <http://bookz.ru/authors/mortimer-uiler/drevnii-323.html>. – С. 60.

² Амлювий – сувга оқиб тушиб, бирор жойда тўпланадиган тоғ жинслари. Уларнинг ўнг сифатида фойдаланиш ернинг унумдорлигини оширади.

ёнбағридаги унумсиз тупроқ, сув танқислиги ва чекланган маконга нисбатан кенг водийда истиқболнинг улкан имкониятларини очилади.

Аммо муаммонинг бошқа томони ҳам мавжуд эди. Ҳар йили юз берадиган дарё тошқинлари ўнг билан бирга, вайроқгарчилик ҳам олиб келарди. Мўл-кўл, шунини пайтда шафқатсиз муҳит бу ерда яшовчи одамлардан катта матонат ва тadbиркорлик талаб қиларди. Акс ҳолда, бу одамлар улар матонати ва меҳнатининг ўчмас ёдгорлиғи бўлган Моҳенжо-Дарога ўхшаш шаҳарлар бунёд бўлишидан анча олдин қирилиб кетган бўларди. Шу тарикка атроф-муҳитга мослашиш ва тез муваффақиятга эришиш Қадимги Хинд цивилизацияси учун яшаб қолиш ва ривожланишиш шартига айланади. Аммо, тез муваффақиятга эришиш салбий оқибатларга ҳам олиб келган бўлиши мумкин. Хинд цивилизацияси кишиларининг ҳаёт тарзини кўпинча юзлаб йиллар давомида ўзгармай келган монотон ва бир хил ҳолда тасаввур қилишади. Олимлар бунинг сабабларини Хинд цивилизацияси ҳақида маълумотларининг етишмаслигида, шаҳарлар харобаларида олиб борилган археологик қазини натижаларининг яхши анализ қилинмаганилигида деб ҳисоблашади. Аммо юқоридаги қарапда бироз ҳақиқат ҳам бор: ориқча ўзига ишонганлик ва беамалик ривожланишга халақит берган бўлиши ҳам мумкин. Бу муаммо бўйича мавжуд билимлар Хинд цивилизацияси доимо ижтимоий ва маданий тараққиётда янги юксакликларга интилган, дея хулоса қилиш имконини бермайди. Аксинча, бу цивилизация мавжуд табиий муҳит билан юз йиллар давомида хотиржам муносабатлар ўрнатган: ундан фойдаланишда ҳам, у билан курашда ҳам. Хинд дарёси бир қисмининг қуриши натижасида ҳосил бўлган тупроқ қатламлари остидаги кўмилиб кетган ерларда хиндлар ўзига хос суғориш тизими ёрдамида озиқ-овқат маҳсулотлари ва пахта етиштиришнинг илгари сақланиб қолган; чорвачилик ҳам анча яхши ривожланган; Месопотамия шаҳарларидан топишган қадимги муҳр, тамға ва бошқа буюмларга қараганда, Хинд водийси аҳолиси қирроқ бўйлаб 1300 км. га тўзилган худудда жойлашган кўпчилари, Форс қўлтиғи мамлакатлари билан савдо алоқалари олиб борганлар¹. Хинд шаҳарларидан фил суяги, ётоқ ва мис ўша пайтда халқаро

¹ Қаранг: Мортимер Уилер. Древний Индостан. Ранневндийская цивилизация. <http://bookz.ru/authors/mortimer-uiler/drevnii-323.html>. – С. 61 – 62.

савдо ва айирбошлаш маркази бўлган Делмуи (Барейн) оро-ли орқали Месопотамиянинг Ур шаҳрига отказилиб, у ердан бошқа шаҳарларга тарқатилган¹. Фил суягига ишлов бериш ҳунари Ҳинд цивилизацияси учун характерли жиҳатдир.

Археологлар томонидан топилаш меҳнат қуролилари, бронза, мис ва тош ҳайкалчаалар бу алоқалар мавжуд бўлишини тасдиқлайди ва Моҳенжо-Даро кинилари шима билан путуллангани, қандай турмуш кечирганини ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Маълум бўлишича, кўпшаб шаҳарлар қурилган, уларда ҳунармандчилик, савдо, фан ривожланган, хуллас, ҳаёт қайнаган.

Хўш, шундай ривожланган Қадимги Ҳинд цивилизациясининг инқирози қандай юз берди? Олимларнинг таҳмин қилишларича, дастлаб цивилизациянинг асосини ташкил қилган шаҳарлар инқирозга юз тутиб, вайропаларга айланган. Аммо бу инқирознинг миқёси қанчалик кенг бўлганини ва кулашини қанчалар тез юз берганини умумий сўзлар билан характерлаб бўлмайди. Таҳмин қилинишича, бунчалар ривожланган ва кенг ҳудудга тарқалган жамиятнинг таназзули унинг ҳар бир ҳудудда ўзгача юз берган; цивилизациянинг инқирози ва унинг бошқача шаклда қайта тиклашиши ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Моҳенжо-Дарога келсак, унинг инқирози узоқ давом этган, интиҳоси эса фожиаи бўлган. Олимлар асосий сабаб қилиб ер ости сувларининг кўтарилиши ва дарё тошқинларини кўрсатишмоқда. Бундан ташқари, табиат офатларига қарши тўхтовсиз куралишга, диний руҳий ҳаяжон ҳолатида туринга мажбур бўлган жамият охири-оқибатида чарчатаган, қийинчиликлар олдида таслим бўлган ва таназзулга юз тутган бўлиши ҳам мумкин.

Таназзулга олиб келган кейинги фактор ҳам табиат билан боғлиқ. Моҳенжо-Даронинг қурилишига миллионлаб пипиқ ёши сарфланган ва бу ёшларни пишириш учун атрофдаги ўрмонлар ёқиб битказилган. Натижада намлик ва бувланиш жараёни бузилиб, ёгингартчилик камайган ва атроф чўллارга

¹ Шумер ва Элам билан алоқаларнинг мавжудлиги Ҳинд цивилизациясини яратувчилар орий бўлишини ва орийлардан олдин Месопотамияда яшagan халқлардан бири билан қариндошлик муносабатида бўлган дея ҳулоса қилиш имконини беради. Аслида, доктор Холмнинг айтишича, антропологик жиҳатдан Ҳинднинг дравидлари Месопотамия шумерларидан даяран фарқ қилмайди. Шу асосда шим шумерларнинг Ҳиндистондан келишини ҳақида ҳулоса қилади. Қаранг: Чайд Г. Арийцы. Основатели европейской цивилизации. — М.: ЗАО Центрполиграф, 2008. — С. 47—48.

айлана бошлаган. Шу тариқа шаҳар бу цивилизация интиҳосига пуқта қўйган орийлар босқинидан анча олдин таназзулга учраган. Свастика белгиси остида жанг араваларида кириб келган орийлар¹ (свастика орийлар пипони бўлиб, санскрит тилида свасти дейилган) эса мардикни, жаш қилишни унутган Ҳиндларни даҳшатта солган ва цивилизациянинг тўлиқ ҳалокатига сабаб бўлган².

Орийлар босқини ҳақида кўп ёзилган³ ва бу анча таъсирли манзара бўлганлиги учун унинг аҳамияти бироз бўрттирилган бўлиши ҳам мумкин. Шаҳарнинг шимолий қисмида эркаклар, аёллар ва болаларнинг қилич ва болталар излари сақланиб қолган суяклар топилаган. Суяклар уюм ҳолатида бўлиб, улар босқинчилар шаҳарни олган пайтда ўлдирилган, деб таҳмин қилинади. Бу Моҳенжо-Даро ҳалокатта учраган пайт эди⁴.

Бу воқеанинг тарихий аҳамиятига келсак, Мортимер Уилер, Рам Шаран Шарма ва бошқа бир қатор олимларнинг фикрича, Қадимги Ҳинд цивилизацияси ўз характерига кўра орийлар цивилизацияси бўлмаган. Археологик маълумотларга қараганда, бу цивилизация мил. авв. II минг йилликнинг биринчи ярмида мавжуд бўлган. Мил. авв. XVIII—XV асрлар оралигида инқирозга учраб, Ҳинд водийси ўзининг маданий марказ мақомини йўқотган. Бу даврга келиб шимоли-ғарб томонда норий қабилалари кириб келиб, маҳаллий аҳолини бўйсундиради. Шу даврда маҳаллий аҳоли билан орийлар ўртасида шакланган ўзига хос муносабатни акс эттирувчи каста тизими вужудга келди ва маълум даражада ҳозиргача сақланиб қолмоқда⁵.

¹ Мурад Аджининг ёзишича, орийлар Олтойдан келган қадимги туркий қабилалар бўлиб, бу ҳақда Ҳинд афсоналарида кўпшаб ишорилар сақланиб қолган. Ҳиндистон диний маданиятининг пойдеворларидан ҳисобланган «Пражняпарамита» ҳам туркийлардан олинган, деб ҳисоблайди олим. Қаранг: Аджи М. Азиатская Европа/Мурад Аджи. — М.: АСТ АСТ МОСКВА, 2006. — С. 506.

² Қаранг: Чайд Г. Расцвет и падение древних цивилизаций. Далекое прошлое человечества. <http://bookz.ru/authors/gordon-4aidd/rasvet-624.html>. — С. 121.

³ Орийларнинг Ҳиндистондан кириб келиши ҳақида қаранг: Чайд Г. Арийцы. Основатели европейской цивилизации. — М.: ЗАО Центрполиграф, 2008. — С. 41—49.

⁴ Қаранг: Мортимер Уилер. Древний Индостан. Раннеиндийская цивилизация. <http://ixxxkz.ru/authors/mortimer-wiler/drevni-323.html>. — С. 67.

⁵ Қаранг: Бонгард-Левин Г. М., Грантовский Э. А. От Скифии до Индии: Древние арии: мифы и история. <http://mltracket.org/forum/viewtopic.php?t=1189005>. — С. 37.

Хўш, бу гуллаб-яшнаган цивилизациянинг инқирози сабаблари нимада? Ҳинд цивилизацияси ўрнига шима келди? Юқорида айтилганideк, иқлим ўзгариши натижасида Ҳинд дарёсининг тошқинлари Хараппа цивилизациясини вайрон қилган, деган тахминдан, аксинча, куртоқчилик бу цивилизацияни ҳалокатга олиб келган, деган тахмингача илгари сурилган. Аммо бир қатор олимларнинг фикрича, ҳақиқатга энг яқини шунки, бу цивилизациянинг кўплаб шаҳарлари шимоли-ғарб томондан келган босқинчи орийлар томонидан вайрон қилинган ва эгаллаб олинган.

Шимолий Ҳиндистонда тўпланган тарихий манбаларга асосланиб Будда яшаган давр мил. авв. VI асрга тўғри келади, деб ҳисобланади. Агар Ҳинд водийсининг марказий минтақаларида цивилизациянинг вайрон бўлиш жараёни юз йил давом этди ва мил. авв. XVI асрда якулланди деб ҳисобланса, унда Буддагача бўлган минг йил ичида юз берган воқеалар тўғрисида Қадимги Ҳинд достонлари — ведалардаги романтик баёнлардан ташқари бирон-бир тарихий манба мавжуд эмас. Шу сабабли Ҳиндистон тарихининг мил. авв. XV—VI асрлар оралиғидаги миш тил ведалар даври деб аталади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ҳинд археологлари томонидан бу давр воқеаларига аниқлик киритиш мақсадида мамлакат шимолида ва жанубида археологик қазитишлари олиб бориламоқда.

Ҳинд цивилизацияси шаклланган маконларда ундан кейинги маданиятга хос ашёлар ҳам сақланиб қолган. Хараппада Ҳинд цивилизациясига хос, илгари ишлатилган пишик ёштлардан фойдаланиб, примитив қурилган уйлариинг қолдиқлари топилган. Кўчкннчиларнинг даҳмаларидан топилган сопол буюмлар эса маҳаллий илдиэга эга эмас. Моҳенжо-Дародан 130 км. узоқликда жойлашган Чошху-Дарода Хараппа маданиятидан кейин келган маданият қолдиқлари мавжуд. Бу маданият кўчкннчилар томонидан олиб келинган бўлиб, Синд водийсида топилган жойнинг номидан «Жхукар» маданияти деб аталади. Жхукар маданияти одамлари Хараппа маданиятига нисбатан анча қўлол, бўзрант, пақшинкор сопол буюмлар тайёрлаганлар, кўриниши ва шаклига кўра Шимолий Эрон ва Кавказда кенг тарқалган юмалоқ муҳри эслатувчи муҳрдан фойдаланганлар. Жхукар маданияти Хараппа маданиятидан юз йил кейин вужудга келган, аммо олимлар бу ерда анъаналарнинг меросийлиги ва изчиллиги ҳақида таъбириш учун асос йўқ, деб ҳисоблашади¹.

¹ Қаранг: Муртимер Уилер. Древний Индостан. Раннеиндийская цивилизация. <http://bookz.ru/authors/murtimeer-wiler/drevnij-india-323.html> — С. 114.

Бироз вақт ўтгандан сўнг янги кўчкннчилар Жаукар маданияти ўрнига «Жхантар» деб аталувчи янги маданиятни олиб келдилар. Бу воқеа аниқ қачон содир бўлганлиги номатлаум, аммо Хараппадан кейин умумий маданиятнинг тушиб кетганлигини, янги маданият Эрон ва Кавказ билан боғлиқлигини кўплаб археологик топилмалар тасдиқлайди. Бундан ташқари, Ҳиндистоннинг жанубий ҳудудлари, масалан, Катхиявар ярим-ороли орийлар босқинига утрамаганлиги сабабли бу ерда нисбатан юқори, илгариги маданият илзари кўплаб топилган.

Шу тариқа, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарига келиб, Қадимги Ҳинд цивилизацияси инқирозга учрайди. Олимларнинг тахмин қилишларича, бунинг асосий сабаби, юқорида айтилган табиий ва этнопсихологик факторлардан ташқари, шимоли-ғарб томондан Ҳинд-европа тилларида сўзлашувчи янги этник гуруҳларнинг кириб келиши бўлган. Уларнинг тили асосида янги адабий тил — санскрит («тозаланган») шаклланди. Янги тил ҳозирги фин, эстон, венгер, баск ва турк тилларидан ташқари, барча Европа тилларининг узоқ ўтмишдоши эканлиги алақачон исботланган. Тўрт минг йиллар илгари Жанубий Россия чўлларида яшаган кўчманчи қабилаларнинг тили кейинчалик шаклланган Европа тиллари учун асос бўлган².

Шу тариқа тил ва маданият ўзгаради. Аммо бу қандай юз берганлиги, Ҳинд-европа қабилалари билан маҳаллий авхотон аҳолининг ассимиляцияланув даражаси ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган. Кўчкннчилар аста-секинлик билан кириб келган бўлиши мумкин. Ҳар қалай, олимларнинг тахмин қилишларича, Хараппа ва Моҳенжо-Даро улар томонидан вайрон қилинган бўлса керак.

Орийлар босқинидан кейинги Ҳиндистон тарихи бизга асосан шеърин асарлар — ведалар ҳамда Маҳабхорат ва Рамайна эпик достонлари орқали таниш.

Олимларнинг фикрича, босқинчи орийлар иқтисодий ва маданий тараққиёт даражаси бўйича қадимги Ҳиндлардан анча пастки даражада турганлар. Уларнинг талабаси Қадимги Ҳиндистон иқтисодиёти ва маданияти ривожланишини узоқ муддатга тўхтатиб қўйди. Жамият ибтидоий жамоа тузумига қайтди. Фақат мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида яна давлат вужудга келади. Бу Ганг дарёсининг қуйи оқимида шаклланган ўша даврнинг энг катта ва кучли дашлати Магадха эди.

² Қаранг: Артур Бэшем. Цивилизация Древней Индии. <http://razum.ru/paukaobraz/istoriya/41271-artur-byeshem-civilizaciya-drevnej-indii.html> — С. 135.

Бу эртаксимон мамлакат Қадимги Дунёнинг буюк фотиҳи македониялик Александрни ҳам ўзига жалб қилади. Унинг кўпчилиги Ҳиндикуш тоғларидан ўтиб, Кофан водийси (ҳозирги Кобул)да иккита бўлинади. Бир қисми Александр бошчилигида шимолга қараб торади, иккинчи қисми эса Пердикки ва Гесфестия бошчилигида Ҳинд довоидан ўтиб, жангга ҳозирланади. Маҳаллий Таксила шаҳри рожаси юнонлар билан келишиб, уларга жанговар қўшиси шоҳ Пор (санскрит тилида Паураву) га қарши курашда от ва филлар совна қилади, иттифоқчи бўлади. Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбидаги қудратли давлат шоҳи Пор босқинчиларга қарши жангга киради, бироқ мил. ав. 326 йили Ҳинд қўшинлари мағлубиятга учрайди. Яраланган ва асир олинган Порни Александр ҳузурига олиб келганларида, у ўзи билан шоҳ сифатида муомала қилишларини талаб қилади. Порнинг жасуралигидан ҳайратланган Александр вассал даражасида унга мамлакатини қайтариб беради ва кейин юнон қўшинлари тарк этган Пашкобни ҳам унга тоштиради¹.

Александр Ҳиндистонни тўлиқ босиб ололмади. Босиб олинган қисмида ўз шовбини қолдирди. Улардан охиригиси Эвдем мил. ав. 317 йили, Александр ўлимидан олти йил кейин, Ҳиндистонни тарк этади. Умуман, Александр босқини Ҳиндистон тақдирига бевосита таъсир кўрсатмади. Шунга қарамасдан Бақтрияда, Афғонистоннинг шимоли-ғарбида юнон колониялари ташкил қилиниб, улардан баъзилари анча ривожланди: бу босқиндан кейин яна 70 йил Қиндаҳор аҳолиси мулоқотда юнон тилидан фойдаланди. Археологлар томонидан топилган Ашока битиклари бу фикрни тасдиқлайди².

Икки маданиятларнинг қисқа муддатли учрашуви изсиз қолмади: Шимолий Ҳиндистондаги Гандҳара³ ҳайкалтарошчилигининг ажойиб намуналарида юнон маданиятининг кучли таъсири сезилиб туради.

Магадха давлатининг юксалган даври мил. ав. IV – III асрларга, ўз ҳокимияти остига деярли бутун Ҳиндистон ҳудудини бирлаштирган маурийлар сулоласи даврига тўғри келади. Иқтисодийнинг ривожланиши, давлат бошқарувининг тако-

миллашуви ва маданиятнинг гуллаб-яшнаши учун қулай шароит пайдо бўлади. Маурийлар империясининг асосчиси ва биринчи подшоҳи афсонавий Чандрагушта бўлса, унинг набираси Ашока (мил. ав. 268 йили тахтга ўтириб, мил. ав. 232 йили вафот этган) Ҳиндистон тарихидаги энг буюк шахзодалардан ва жаҳон тарихидаги энг машҳур ҳукмдорлардан бири эди. Бугунги Ҳиндистон Республикаси давлат гербининг тинсоли қилиб Ашока устунарининг копияси олинганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки Ашока даври моддий нуқтан назардан ҳам, маънавий нуқтан назардан ҳам ҳиндларда миллий ўзликни англаш жараёнининг илк намоёни бўлиб, бу даврда амалга оширилган ишлар империя барҳам тошадан кейин ҳам ҳинд интеллектуал, маънавий ва маданий ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Бугун ҳам шундай бўлиб келмоқда⁴. Ашоканинг танида ҳинд ва юнон қонлари оққани учун ҳам⁵ (унинг бобоси Чандрагушта Салавқинг қизига уйлانган), у ўзида шу икки маданиятнинг энг илғор жиҳатларини мужассамлаштирган эди.

Мил. ав. 330 йили Персеполис забт этилиб, ёқиб юборилгандан сўнг Ахоманийлар даври маданияти ва санъатини юксакларга кўтарган ҳунармандлар ва меъмор усталар Маурийлар пойтахти Паталишутрада макон топдилар⁶. Ашока ҳукмронлиги даврига келиб алақачон побуд бўлган Ахоманийлар давлатидан ҳунарманд ва меъмор усталарнинг борган сари юксалиб бораётган Маурийлар империясига келини шунчаки тарихий эпизоддан кўра муҳимроқ ҳодиса эди. Бу усталар ўзларининг ҳинд шоғирларига ўз маҳоратларини ўргатдилар, ҳиндлар эса бу билимларни ижодий ўзлаштирди ва Ашока даври архитектура санъатида энг форсларникига ҳос бўлмаган, ҳиндча унсурларни жорий қилдилар. Бу – шаклнинг юмшоқлиги ва бежиримляги анъаналари бўлиб, унга Рамшурна ва Бихарадаги буқа тасвири билан безатилган устунарда ҳамда ҳайвонларнинг ҳайкали тарзида форс услубида ишланган энг машҳур устунар – сарнат шерларида кўриш мумкин. Бу форс маданий меросининг чуқур ижодий қайта ишланганли-

¹ Қаранг: Артур Бэшем. Цивилизация Древней Индии. <http://razum.ru/nauchkaobraz/istoriya/41271-artur-byeshem-civilizaciya-drevnoj-indii.html>. – С. 30.

² Қаранг: Шу асир, 31-бет.

³ Гандҳара – Пашкоб (Покистон ва Ҳиндистоннинг шимоли-ғарби) да Кобул дарёси водийсида жойлашган қадимги минтақа. Гандҳари ёки Юнон-Буддистон маданияти деб аталади.

⁴ Қаранг: Мортимер Уилер. Древний Индостан. Раннеиндийская цивилизация. <http://books.ru/authors/mortimer-wiler/drevnij-indostan-323.html>. – С. 110–111.

⁵ Артур Бэшем бу фактга катта шубҳа билан қарайди. Қаранг: Артур Бэшем. Цивилизация Древней Индии. <http://razum.ru/nauchkaobraz/istoriya/41271-artur-byeshem-civilizaciya-drevnoj-indii.html>. – С. 32.

⁶ Қаранг: Мортимер Уилер. Плани под Персеполем. <http://book.u2001.net/y.php?id=1582814>. – С. 6.

гити, маҳаллий шароитта мослаштирилганлигини, айни пайтда, айниқса, Маурийлардан кейинги даврда яққол кўзга ташланган «ҳиндлаштириш»нинг борган сари кучайиб бораётган қудратини намойиш қилади. Бу Ҳиндистон тараққиётида янги давр бошланганлигидан далолат беради. Бу ерда воя, шакл ва техника Осиёнинг бир қисмидан бошқа қисмига, буюк бир диний, этномаданий ва географик ҳудуддан бошқа бир шундай буюк маконга ўтганлигини кузатиш мумкин. Аммо бу ўтиш оддий кўчиришга олиб келмайди, аксинча, олинган маълумотни ижодий қайта ишлаш ва ўзлаштиришга, янги шакл ва услубларни излашга даъват этади. Бошқача қилиб айтганда, бу жараён биологик эволюциядан бироз фарқ қилади: тарих Ҳиндистонга тўсатдан имкониятларнинг бутун бошли комплексини тақдим этади ва улар ичидан Ҳиндистоннинг миллий маданий ва интеллектуал ўзига хослигини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун энг маъқулан ташлаб олинади. Маурийлар империяси Шарқ маданий тараққиётида Ахоманийлар империясидан кейинги босқич эди, бироқ унинг ойнадаги акси эмасди¹.

Ашोकанинг ўлиmidан сўнг империя иккига — ғарбий ва шарқий қисмларга бўлиниб кетди. Ашоканинг ворислари империянинг қудратини сақлаб қола олмадилар ва Паталипутрада ҳокимият янги сулола — гупталарга ўтди.

Маурийлар империяси қулагандан сўнг Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбида бир неча Ҳинд-Юнон давлатлари вужудга келди. Уларнинг сиёсий тарихи ҳақида ҳозирча умумий маълумотларгина мавжуд. Ҳинд-Юнон подполари мил. ав. I асрда Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга кириб келган сак қабилаларига қарши кураш олиб бордилар. Дастлаб ҳинд-юнонлар мувафаккият қозонди, аммо кейин сакларнинг кўли баланд келди ва натижада Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбида бир неча Ҳинд-Сак давлатлари вужудга келди. Шундан сўнг Ҳиндистоннинг сиёсий ҳаритаси янада майда қисмларга бўлиниб кетади: ҳинд-парфияликлар сулоласи юксалиб, ҳинд-юнон ва ҳинд-сакларнинг ерлариши босиб олишга интилади. Ҳинд-парфияликлар, айниқса, шоҳ Гонфарар даврида ўз қудратининг тўққисига эришади. Аммо тез орада улар ўрнини янги сулола — кушонлар эгаллайди. Дастлаб Ўрта Осиё ва Бактрия ҳудудини эгаллаган кушонлар² ўз те-

гараларини шиддат билан кенгайтира бориб, тез орада жуда катта империяни вужудга келтирдилар. Шоҳ Каджула Кадзиф даврида Парфиянинг катта қисмини эгаллаган кушонлар, Каджуланнинг ўғли Вима Кадзиф даврида Ҳинд дарёсининг қуйи оқимигача етиб бордилар. Кушонларнинг ҳиндлаштириш жараёни Вима Кадзифнинг тангаларида ўз аксини тоқди: ташгаларда Шива худосининг акси туширилган бўлиб, тоқ кўпинча Маҳешвара — Шиванинг номларидан бири билан аталган. Кушон подполарининг ичида энг машҳур Канишка (қадимги туркийча Кан Эрка ёки Хон Эрка) бўлиб, унинг даврида урбанизация жараёни юксалди, иқтисод ва маданият гуллаб-яшнади³. Ҳиндистон ва Эронда Канишка илоҳийлаштирилади, у буддавийликда шимолий йўналиш асосчиси ҳисобланади⁴. Канишка даврида Кушон давлати Ҳинд, Рям ва Парфия билан рақобатлаша оладиган дунёнинг энг кучли давлатларидан бирига айланди. Канишканинг ворислари ичида энг машҳурлари Хувишка ва Васудева бўлиб, улар Эронга ва маҳаллий айирмачи сулолаларга қарши доимий кураш олиб бордилар. Мил. ав. III асрда Кушоннинг ғарбий ҳудудлари Эрон давлати таркибига кирди, кушонлар фақат Гандҳарани ўзларида сақлаб қолдилар. Кейин эса кушонларнинг Ҳиндистонда эгаллаган деярли барча ерлари Гупталар империяси таркибига ўтиб кетди. Гупталар давлатининг юксалиши мил. ав. IV аср бошларида ҳукмронлик қилган «буюк шоҳлар ҳукмдори» деган дабдабали маконга эга бўлган Чандрагупта I даврига тўғри келади. Самундрагупта ҳукмронлиги даврида империя ўз қудратининг тўққисига эришади: Ганг водийсининг катта қисми забт этилиб, Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмидаги ҳудудлар уларга ўлшоҳ тўлаб туради. Самундрагупта даврида империя Қадимги Шарқнинг энг йирик давлатларидан бирига айланди. Кейин тахтга унинг ўғли — ҳинд анъанавий маросимларининг энг машҳур шахси, буюк ҳинд шoirи ва драматурги Калидас шеърларида Викрамидитъя (Қудрат Кўёли) номи билан улуғланган Чандрагупта II келади. Гупталар Ҳиндистонда 200 йилдан зиёда ҳукмронлик қилди. Гупталар сулоласи ҳукмронлик қилган давр Ҳиндистон маданиятининг олтин даври ҳисобланади. Бу босқич Қадимги

¹ Қаранг: Шарма Р.П. Древнеиндийское общество. — М.: Прогресс, 1987. — С. 47.

² Канишка Осмон ҳудуди — Улуғ Тавгрига сиёсий бўлиб, у узок Ҳиндистонда кидомий турклар маданиятининг ислоҳоти бўлиб қолди. Қаранг: Аджи М. Азиятская Европа/Мурад Аджи. — М.: АСТ. АСТ Москва, 2008. — С. 29.

¹ Қаранг: Мортимер Уилер. Древний Индостан. Раннеиндийская цивилизация. <http://bookz.ru/authors/mortimer-wiler/dostupni-323.html>. — С. 117—118.

² Бир қисм олимларнинг фикрича, Кушонлар империяси Осиёдан келган қадимги турклар томонидан ташқил қилинган. Қаранг: Аджи М. Азиятская Европа/Мурад Аджи. — М.: АСТ. АСТ МОСКВА, 2008. — С. 29.

Ҳиндистон цивилизацияси тарихини яқинлайди ва ундан сўнг баъзилар ва босқинлар даври бошланади.

**Дин ва диний
тизими. Қадимги
худолар**

Ригведанинг минглаб мадҳиялари ва веда адабиётининг кейинги даврлари тегизлиги кўплаб ёдгорликлари бизга ориёнларнинг диний эътиқодлари ҳақида тасавурулар беради. Бошқа халқларнинг мифлари билан таққослаш баъзан веда динининг узок ўтмишдаги ҳинд-сиропа манбаларига ишора қилади. Ведаларнинг Қадимги Эрон дини ва маданиятига яқинлиги, айниқса, сезиларли, зеро орий қабилаларининг ҳинд гуруҳи асча кейин эроний орийлардан ажралиб чиққан. Ҳиндистонда ҳам, Эронда ҳам Митра худосига сивинишган, наркотик хусусиятта эга бўлган муқаддас «хаома» («хаома») ичимлигини истеъмол қилишган. Ҳатто қадимги ҳиндлар ва эронийларнинг айрим мифлари ҳам умумий бўлган.

Ригведа мадҳияларидаги мифология тавсифлар кўпинча табиат ҳодисалари билан боғлиқ. Худоларнинг муқим иерархияси кузатилаётди (бу даврда жамиятда ҳам шундай ҳолат мавжуд эди), аммо айрим персонажлар мифларнинг сеvimли қаҳрамонига айланади. Масалан, Ригведанинг кўплаб мадҳияларида ўз ланкарларига боти бўлиб, қўлига «тақмоқ» тутиш матбууд Индранинг² шаклсиз махлукларга қарши кураши ҳақида ҳикоя қилинади. Аждаҳо малути қилингандан сўнг сув оқими худди поддодек кела бошлайди — бу далаларга ҳаётбахш ёмғирнинг ёиши эди. Ригведа мадҳияларининг катта қисми Индранинг аждаҳога қарши курашини куйлаш маросими билан боғлиқ бўлиб, олимларнинг фикрича, аҳоли бу мадҳияларни Янги йил байрамида айтган.

Матбуудлар осмонда³ япайди деб ҳисобланган, уларнинг номи — дэва ҳам осмон, ёрувалик тушунчалари билан боғлиқ. Веда матнларининг айрим қисмлари дэваларнинг одамсифат қиёфасига ишора қилади, аммо бу қиёфанинг аниқ ифодаси йўқ ва фақат орийлар худоларнинг тасвирига сивинмаганлар, деб ҳисоблаш қабул қилинган. Веда динининг кўплаб мифология персонажлари эркалар, аммо аёл персонажлар ҳам учрайди. (масалан, Тонг, Оқшом, Ер). Одатдаги қурбонлик шун-

¹ Ориёнлар босқинидан олдинги дин ва диний эътиқодлар тўғрисида маълумотлар сақланиб қолмаган.

² Индра — уруш, жонқалдирик ва чармоқ худоси, веда пантеонда инг олий худо. Ҳиндуизмда иккинчи даражали худого айланган.

³ Баъзи олимлар ҳиндлардаги Осмон худоси (Кўк Тангри)га сивинишгани қадимги турклар шиб қолган деб ҳисоблайди. Қўриқ: Аджи М. Азиатская Европа/Мурод Аджи. — М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2008. — С. 29—30.

дан иборат эдики, муқаддас майса устига ёзилган дастурхонга худолар тиклиф қилинган. Ўртада гулхаш ёқилиб, оловга ёр қуйилган, донлар ва бошқа поз-печматлар ташланган ва олов худоси Агнига мурожаат қилинган. Қурбонлик тутуи билан бирга осмонга кўтарилиб, худоларга етиб боради, худолар эса ердаги одамларга мўл-кўлчилик ато қилади, деб ҳисобланган. Шу тариқа ўзига хос «материянинг айланиши» юз берган. Бу космик жараённинг марказида қоҳин — худолар дунёси билан одамлар ўртасидаги воситачи шахс турган.

Дастлаб орийларда ибодатхоналар бўлмаган, аммо кейинчалик улар муқим тадбирлар учун алоҳида эҳромлар кура бошлаган. Сўнги веда матнларида бу мураккаб, масалан, баҳдийбат қуш шаклидаги, эҳромларнинг тўлиқ режаси ва тавсифи берилган. Бу эҳромдаги бир неча гулханларда қурбонлик бир неча кунлаб, баъзи маросимлар эса бир йилдан ортиқ давом эташ. Маросимларда қоҳинларнинг бутун бошли гуруҳи қатнашган ва ҳар бири алоҳида вазифани бажарган. Бу давр қоҳиннинг ҳайкалчаси сақланиб қолган. Қоҳиннинг кўзлари ярим қисилган, ибодат пайти тасвирланган. Чан елкаси узра ташланган ридо муқаддас уч барг кўриновидаги нақш билан безатилаган. Астойдил қиртишлаб олинган сочлари елка томондан кеш жияк билан боланган; пешанасида — юмалоқ эпиялган ип. Оқ стеаритдан тарошланган ҳайкалчада қизил ранг қолдиқлари сақланиб қолган. Кўзлари оқ садафдан ясалган, худди тирикка ўхшайди.

Сехр жоду характериға эга бўлган ҳар қандай ҳаракат тартиби батафсил ишлаб чиқилган ва унга қатъий риоя қилинган. Бунда худоларга мурожаат қилиш кам аҳамиятга эга бўлмаган. Кўпинча бу «Мен — сента, сен — менга» мазмундаги ёки мақтаганларга мукофот берувчи худоларнинг ҳотамтойлигиға ишора қилувчи содда мурожаатлар эди. Осмон ва Ерға бағишланган мадҳияда улардан деҳқонларга марҳамат қилишлари сўралади:

*Осмон ва ер бизни асал билан шўйдирсин,
Асал билан шўйинганлар,
Асал томизадилар,
Асал билан таъсир қиладилар,
Худоларни қурбонлик
Ва бойлик келтирувчилар,
Биз учун буоқ шараф, бойлик ва жасорат.*

Баъзан худонинг номини астойдил қайтариб, афсуи ўқилар ва ушга таъсир кўрсатиб, илтижоларнинг мустажго бўлишиға

эришмоқчи бўларди. Илтижо бу ерда талаб кўринишини олади. Масалаи, уй қуришдан олдин қуйидаги мурожаат тарзидаги афсуи ўқилган:

*Шу жойда мустақом шур, о кулба,
Ошларга бой,
Сигирларга бой,
Қуғратга бой,
Ёвга бой,
Сувга бой.
Юксал буюк тақдирга!*

Маросим қатнашчиларининг тасаввурига, расм-русумлар космик ҳодисаларнинг рамзи бўлмасдан, фақат уларни рўёбга чақиради: агар қурбошлик қилувчи тун охирида эхромда олов ёқмаса, тонг отиши билан қуёш чиқмайди. Қурбошлик олам жараёнларини ҳаракатга келтирувчи восита сифатида қаралади. Худолар ўзбошимчилик билан ҳеч нарсаи ҳал қилмайдилар, улар ирода эркишлигидан маҳрум қилинган, шу маънода уларнинг қудрати одамларшиқидан фарқ қилмайди. Маросимлар оташин ҳис-ҳавжонларни мўлжалламайди. Худоларга илтижо қилинмайди, тўғрироғи, уларни бошқаришга йўналтирилади, холос. Худолар баъзан ибодат ҳаракатларининг оддий ҳисобчиси, иродасиз шахс бўлиб кўринади. Брахманлар¹ прозаси учун бутун оламнинг моддийлиги (жумладан, руҳлар олами ва абстракт тушунчалар ҳам), айни пайтда, бу материянинг худо – дэвалар кўришишида моддийлашуви тўғрисидаги тасаввурлар характерлидир.

Бу дунёда ҳамма нарса ўзаро боғланган, шу сабабли биринчи иккинчисига таъсир ўтказиш қуролига айлантириш мумкин. Фақат бу ўхшашликни англаш, ифода қилиш ва ундан фойдалана билиш керак. Маросимчилар худоларнинг ўзлари бўйсунадиган умумий қонуниятлар мавжудлигидан келиб чиқадилар. Сўнгги веда даври дунёқарапнинг асосини афсунгарлик тапқил қилади.

Сўнгги веда даври маросимлари Қадимги Ҳинд маданияти шаклланишида катта роль ўйнайди. Матнни шарҳлар билан қўшиб олиб борувчи брахманча проза шакли ҳиндча таълимнинг асосини тапқил қилди ва кейинги даврнинг илмий ва фалсафий асарларида ривожлантирилди. Брахманларда маросимларга

¹ Брахманлар прозаси — ибодатни амалга оширишга мўлжалланган ишончли бўлмаган матнлар мажмуи бўлиб, дастлабки учта Ригведада тиривланган маросимларни изоҳлайди.

ишбатан олган муносабат шаклланди — кейинги қадам инсон фаолиятининг бошқа жиҳатлариши англаш бўлиши лозим эди.

Бевосита брахманларга *араньялар*² ва *уянишадлар*³ қўшилади. Уянишадлар брахманларда ҳам яққол кўзга ташланадиган «материянинг айланма ҳаракати» тўғрисидаги тасаввурга таянади. Қурбошлик одамлардан худоларга боради ва мукофот тариқасида яна одамларга қайтади. Аммо инсоннинг ўзи ҳам ўзига хос қурбошлик тарзида қаралади: инсон у дунё билан бу дунё орасида мавжудликнинг «айланма ҳаракати»дан ўтади. Шу тариқа руҳнинг ўлмаслиги, кўчиб юриши ва қайта туғилиш ҳақидаги воя — *сансара*⁴ таълимоти шаклланади.

Уянишадларда қурбошлик тушунчаси кўпроқ мажозий маънода қўланилади ва истиhora бўлиб қолади. Фақат ноз-неъмат билан эмас, эзгу амал, яхши сўз ва фикр билан ҳам назр-ниёз қилиш мумкинлиги ҳақида гапирилади. Инсоннинг бутун умри — қомилдан бошлаб то ўлимгача маросим тадбирлари цикли тарзида қаралади. Марҳумга ёқиш — охирги қурбошлик. Қуддалик юриш-туриш маросимлашган ҳаракат бўлиб, инсоннинг ўзи — тоза ва нотоза (ҳалол ва ҳаром) амаллар мажмуи тарзида қаралади. Ҳиндуизм дини учун энг муҳим бўлган *карма* назарияси — кейинги ажр-мукофотнинг сабаби инсоннинг эзгу амалларида ёки гуноҳ-қилмишларида эканлиги тўғрисидаги тасаввур шаклланади.

Карма қонуни тақводорлик қилиб савоб тўшлаганларнинг юқори варнада, гуноҳкорларнинг эса энг қуйи варнада қайта туғилишини таъминлайди. Гуноҳкор киши ҳай-

² Араньялар — ўрмон худоси Араньяни номинан олинган. Ҳар бир ведаги тўққизинчи, ўзининг эхлерики (сирли, ёшиқ) характерида кўра ўрмонда, яъни аҳоли йиғилмаган мавқалардан ташқарида ўқиладиган рисола.

³ Уянишадлар — сўзма-сўз тенг қийматлилар дегатни. Билмасларни аналoгия орқали умумлаштиришга, борлиқнинг умумийлигини навашти бўлган дастлабки уриниш. Карма тушунчаси билан муштаракликда қайта туғилишлар доктринасининг дастлабки баёни, формал веда чегараларидан чиқиб, инсонни халос қилувчи билимларни очинга интилувчи фалсафий мутоҳада. Мил. ав. IV — Шасрларда халқаси бўлиб ўн тўртта уянишадлар яратилган. Кейинги уянишадлар сонин тўрттадан ортик.

⁴ Сансара — илтижо ва шукҳоси бўлмаган туғилиш ва қайта туғилишлар кармаси туғайла юзга келган оқим. Сансара мавжуддорларнинг олтига турига мос келувчи, қайта туғилишлар қонунига тортилган олти соҳани ўз ичига олади: худолар, асурлар (будда мифологиясида ялти соҳани қайта эчкинига мў бўлган, аямо худолар билан қураш олиб бормайдиган мавжудлар, фолк жинлари), одамлар, ҳайвонлар, притлар (будда мифологиясида одамсифат клефадаги салбий сифатли руҳлар), паряда (ўзига хос дўзахда) яшовчилар. Ўлимдан сўнг бу мавжудлар ўз гоҳларида ёки тирликда қилган эзгу амалларига ираш (карма қонунига мувофиқ) бошқа кўчирок соҳада қайта туғиладилар.



Будда. Топш. IV
аср. Сарнахт,
Ҳиндустон.

вон, қурт кумурсқа бўлиб туғилиши мумкин, тақдоришиш эзу амаллари учун эса олий мукофот худо бўлиб туғилишдир. Шу тарзда қайта туғилишлар занжири ва ажр-мукофотдан — кармадан худоларинишг ўзлари ҳам озод бўлмаганлар.

Буддавийлик | Мил. авв. I мишг йиллик ўрталарида Ҳиндистонда шиги диний оқимлар пайдо бўлади. Улар ичида эшг муҳими дастлабки жаҳон динига айланган буддавийлик бўлди. Ашганаший қондата кўра буддавийликнинг «учга зийнати» мавжуд бўлиб, булар: *буғга*, ушшг таълимоти — *дхарма* ва издошлари жамоаси — *сангха*.

Буддавийликнинг асосчиси шахсда Сиддхартха Гаутама ҳисобланади. Жонли мавжуддларнинг азоб-уқубатлари ва ўлими ҳақидаги фикр ушг зоҳидлик сари бошлайди. Узок жаҳонгшпалиқдан сўнг Магадхадаги баҳдайбат анжир дарахти остида унга ваҳийлик нозил бўлиб, илоҳий ҳақиқатта эришади. Шу тариқа Сиддхартха Буддага — «илоҳий ҳақиқатта эришган» шахста айланади¹. Паталипутра яқнидаги Буту бовида у дхарма ҳақидаги ўзишиш биринчи ваъзини айтиб, таълимотишишг асосларини баён қилади. Ушшг номи кенг тарқалиб, умришишг охирида кўш соами шогирдлари ва издошлари қуршовида бўлади.

Ҳаётни азоб-уқубат деб қарап Будда таълимотишишг ўзига хос жиҳати саналади. Азоб-уқубат фақат касалликлар ва ўлимнинг келиши билан эмас, яхшироқ қайта туғилишга интилиш, умуман, қайта туғилишлар занжиришишг ўзи билан боғлиқ ҳолда қаралади. Будда азоб-уқубатларинишг сабабиши ишашга, бойлик орттиришга ва ҳузур ҳаловатта бўлган эҳтиросли истақда ёки қайта туғилгандан кейинг ҳаётда яхшироқ тақдирга эришиш хоҳишида деб билади. Азоб-уқубатлардан ҳолос бўлишнинг йўлиши Будда инсоннинг ўз руҳияти ва ҳулқ-атвори устидан тўлиқ назорат ўрнатилишида кўради ва шировад мақсад — нирвана (сўзма-сўз таржимаси — «ўчиш», «сўлиш» дегани) бўлиб, ушдан сўнг инсон қайта туғилишлар занжиришии узади ва бошқа туғилмайди.

Бу ерда веда дини билан буддавийлик ўртасидаги фарқ яққол кўзга ташланади. Агар ведадаги қурбонлик култи асосан оиланишг, жамоашиш фаровонлигига қаратилган бўлса, будда таълимотишишг мақсади шахсни қутқариш, уни эҳтирослардан ҳалос қилишда на-

моён бўлади. Гап, албатта, диний ҳалоскорлик ҳақида боравшти ва таълимот ашганаший карма, туғилиш ва қайта туғилиш тупунчалари остида шаклланади. Шу билан бирга, илмий адабиётларда асосли равишда буддавийлик худосиз дин эканлиги ҳақида тилқидланади. Ҳақиқатан, бу диний тизимда бошқа динлардаги каби борлиқнинг бунёдкори бўлган Яратувчи-худо мавжуд эмас, аммо одамларга ҳаётда ёрдам бериш имкониятига эга бўлган райритабитий мавжуддлар — матбудлар ҳақида будда матнарида бир неча бор ёзилган. Бу матбудлар, ҳатто, Будда ваъзларинишг илҳосида тингловчилари бўлиб ҳам кўринади, аммо бу диндаги эшг асосий мақсад — нирванага эришишда матбудлар тўсиқ ҳам бўлолмайди, ёрдам ҳам бериолмайди. Агар веда даврида худолар билан одамлар ўртасидаги мулоқотда кохин-браҳманлар воситачилик қилган бўлсалар, илҳ буддизмдаги тасаввурга кўра руҳни қутқариш, нирванага эришиш йўлида ҳеч ким воситачи бўлиши мумкин эмас. Шу тариқа ташқи шакллагиша эга бўлган маросимлар фойдасиз бўлиб қолади, веда давридаги қонли қурбонликлар эса энди, ҳатто, гуноҳ ҳисобланади. zero буддавийликда тирик жонзотларга зийн етказмаслик воёси кенг тарқалади.

Маросимлар софлигига риоя қилиш ҳам муҳим аҳамиятта эга бўлмай қолади, аммо кастали-табақавий тизимнинг мавжудлиги шубҳа остига олинмайди, руҳни қутқариш кишинишг ижтимоий ҳолатига боғлиқ қилиб қўйилмайди. Буддавийлик кишиларнишг қабиливий ёки каставий даҳдорлигига аҳамият қаратмайди ва улар ўртасидаги мулоқотта тўсиқ бўлмайди. Руҳни қутқаришга эришиш учун дунёвий ҳаётдан — оила ва мулкдан, ашганаший ташқи алоқалардан, руҳий боғлиқликдан воз кечиш лозим. «Илоҳий ҳақиқатта эришган» шахсинишг — Будданишг издошлари сочларини қириб олдириб, сариқ кийимда, кўлаарида хайр-эхсон учун хумча кўтариб, шаҳар ва кишлоқларни кезиб юрадилар. Улар бхикшу, яъни «қапшоқ» (ёки «тиланчи») деб аталади.

Қапшоқ биродарлар бир йилда тўрт ой — ёмғирлар мавсумида — йорларда, кейинчалик улар учун махсус қурилган ибодат-хоналарда яшайди. Бхикшулар роҳиблар жамоаси — сангхани ташкил қилади. Роҳибларнишг асосий пазифаси инсоннишг ўзи устидан тўлиқ назоратта, охир-оқибатда озодликка — нирванага эришиш имкониятини яратувчи руҳиятни чинштиришдан иборат деб қаралади.

Дастлаб буддавийликда устозни¹ тасвирлаш ашганашии бўлмаган, фақат Будданишг рамзларига сизинишган. Бу рамзлар

¹ Берзин А. Краткая история буддизма в Индии до вторжения в XIII веке. <http://cruilib.net/b/3639>.

¹ Устоз (Пятрия) — буддавийликда та ҳинд диний философияда ўзлигини ашгалаган калб, ўзи ўрнак бўлиб, одамларни руҳий ашгалаш ва поклавтиш даражасига етказлиши мумкин бўлган шахс.

ва айрим муқаддас шёллар будданинг ўзидан анча олдидан пайдо бўлган. Масалан, анжир дарахтини эълонлаш (унинг сояси остидан Сиддхартха алоҳий ҳақиқатга эришади) тахминан қадимги дарахтлар култига бориб тақалади. Гиддирак — қадимда Қуёш ва шох ҳокимияти рамзи — буддавийликда таланилган рамига айланади (буддавий ватъхонликнинг ўзи эса «ахарма гиддирагининг айланishi» деб аталадиган бўлди). Култининг асосий иншооти сушый тешалик — ступа бўлиб, одатда унинг устига соябон ўрнатилади. Эътиқод қилувчилар ступага, унда мужассамлашган табарруқ ашёлар (будданинг соқоли, будданинг тиши)га сирпадилар ва уш чандан ўнг (қуёш ҳаракати бўйлаб)га қараб айлашадилар.

Роҳиблар тақводор кишилардан йирилган хайр-эҳсонлар ҳисобига кун кечирганлар. Кейинчалик доимий даромад келтириб турадиган эҳсонлар, масалан, ер мулклари ҳам пайдо бўлган, зотан, мулкка эгаллик қилишнинг тақиқланishi фақат алоҳида роҳибларга тегишли бўлиб, бу тақиқ жамоаларга татбиқ қилинмаган. Монастирлар қишлоқларни ҳам совғага олиши ва у ердан солиқ йиғиши мумкин эди. Айрим монастирлар сиёсий ҳаётда ҳам катта роль ўйнаган. Шри Ланка йилномаларида сангхаларнинг давлат сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки ва катта таъсирга эга бўлган монастирлар ўртасидаги қонли тўқнашувлар ҳақида ҳам маълумотлар сақланиб қолган.

Буддавийлик турмушдаги маросимларга катта аҳамият қаратмайди ва шу сабабли аҳоли тўйларга, мотам ва бошқа маросимларга ҳамон брахманларни тақлиф қиладилар. Одамлар улардан кундалик юмушларда — экишлардан мўл ҳосил, хайвонлардан яхши паса ва ҳ.к. олишда ёрдам кутади, аммо Будда яхлосманцлари роҳибларга моддий ёрдам кўрсатиб, қайта тунишда ўз аҳволларини яхшилаш учун ҳам ҳаракат қиладилар. Маҳаллий тилларда битилган буддавийлик матнлари санскритда ёзилган брахманлар адабиётига нисбатан маҳаллий аҳоли учун тушунарли ва яқин эди. Буддавийлик шаҳарликлар орасида алоҳида муваффақият қозонади, зеро шаҳарларнинг пайдо бўлиши анъанавий ижтимоий муносабатларнинг бузилиши, хусусий мулкнинг ривожланиши ва шахсий хислатларнинг шаклланиши билан боғлиқ эди.

Мил. авв. I миш йиллик ўрталарида буддавийлик, одатда, йирик дашаатлар ҳукмдорларининг ҳимоятлигида бўлган. Шу сабабли бўлса керак, буддавийлик матнларида билга Месошотамия ва Мисрдан таниш бўлган ўша бутун олам салтанати тўғрисидаги поя нагари сурилади ва тақводорлар жамиятини тузиш шу сал-

танатнинг идеал ҳукмдорига боғлиқ деб қаралади. Тақводорликнинг тарқалиши («ахарма гиддирагининг бурилиши») айни пайтда бу диний идеал талабларига жавоб берувчи тоҳ ҳокимиятининг мустиқкамланишидан дарак беради. Аҳолининг катта қисмиши буддавийликка жалб қилиш учун уриниш бу диши веда дишидан фарқлаб туради, чунки веда диш фақат «икки бор тутилганлар» парнасига мўлжалланган эди.

Буддавийликнинг кенг тарқалишида пайдо бўлган диний мактаблар, йўналишлар ва диннинг тақомилангуви катта роль ўйнади. Дастлаб тақводорлик бурчи ва амалларини бажариб юрган, жонли мавжудотларга зарар етказмаган ва ибодатхоналарга садақа қилишда хасислик қилмаган кишиларга қайта тунишда яхшироқ тақдир буюради, деб ҳисобланган. Аммо руҳни қутқариш — нирвана уларга насиб қилмайди, чунки нирванага фақат роҳибларгина эришиши мумкин. Кейинчалик айрим буддавийлик мактаблари зоҳидлик йўлига ўтмаган, бу душ бойликлари — оила ва мулкдан воз кечмаган кишилар ҳам нирванага эришиши мумкинлиги ҳақида айта бошлайдилар. Қутқаришнинг бу «кеш йўли» табиийки мулкдор кишиларга — роҳибларга ва ибодатхоналарга сахий совғалар қила оладиган ва айни пайтда, ўзлари дин йўлида риёзат чекишни истамайдиганларга маъқул келди.

Бундан ташқари, қутқаришнинг «кенг йўли» тарафдорлари фақат ўзини қутқариш учун ҳаракат қилувчи роҳиб ўз шахсий «мен»идан воз кеча олмаган деб, ўз муҳолифларини худбинликда айблайди. Ўз яқинларига ҳамдардлик янги диший идеалга айланади ва ўзини қурбон қилиб, нирванадан воз кечиш, одамларни қайта тунишлар зағжиригини қийноғидан халос қилувчи олийҳиммат воғлар — бодхисатвалар ҳақида тасаввурлар пайдо бўлади. Шу тариқа дастлабки таълимотга энд равишда одамларга қайта тунишлардан халос бўлишда ёрдам берувчи шайблар ҳақида тушунча шаклланади.

Бодхисаттванинг дабдабали култи, кишиларнинг уни раҳм-шафқатга чақирувчи ибодати буддавийликни анъанавий дишлар билан яқинлаштиради, жаҳон дини бўлиб тарқалиши жараёнида унинг маҳаллий эътиқодлар билан аралашувишга кўмаклашади. Будданинг ўзига нисбатан ҳам муносабат ўзгара-



Бодхисаттва ва Геракл.
I аср.

ди: ушш тасвири пайдо бўлади: унга бағишлаб ибодатхоналар қурилади: илоҳий маъжудод сифатида ушш култи ўрнатилди; охирзамон ва унда Будда-Халоскорнинг келиши ҳақидаги тоя ривожлантирилади. Бунда зардуштийликдаги Халоскор (Саошьянша) ҳақидаги таълимотта катта таъсир кўрсатган. Милодий эра бошларида келиб бўлувчи Будда Майтрея (Халоскор) тўғрисидаги тоя буддавийликнинг барча йўналишлари томонидан қабул қилинди.

Буддавийликнинг кўплаб мактаблари иккита асосий йўналишга: «кичик арава» («қутқарилишни тор» йўли — ханаяна) ва «буюк арава» («қутқарилишни кең» йўли — махаяна)га бўлинади. Улардан бириктириси «амиллар таълимоти» — тхеравада сифатида ўта қадимчиликка эга қилади — ҳали Апока давридаёқ буддавийликнинг бу йўналиши Ланкада, кейин эса бутун Жануби-Шарқий Осиёда қарор топади. «Буюк арава» мактаби анча катта муваффақият қозонади. Хусусан, улар Кушон подшоҳлари ҳомийлигида Шарқий Эронда, Ўрта Осиёда, кейинчалик Хитой, Япония, Тибет ва Мўғулистонда буддавийликни тарқатадилар. Бу мамлакатларнинг ҳар бирида буддавийлик ўзини хос жиҳатлар касб этади. Масалан, Шри-Ланкада ҳозир ҳам буддавийликнинг тхеравада йўналиши ҳукмрон дин ҳисобланади. Ҳиндистоннинг шимолда қадимдаёқ «буюк арава» мактабининг таъсири кучли эди, кейин эса буддавийлик борган сари ҳиндуизм билан яқинлашиб, охири у томонидан бутунлай сиқиб чиқарилади.

Ҳиндуизм Ҳиндуизмнинг асосини Ҳиндистонда яшовчи кўплаб халқларнинг қадимги эътиқодлари: дарахлар, тоғлар, сув ҳавзалари ва ҳайвон (масалан, илон, ситир, маймун, фил)лар ташкил қилади. Ҳозиргача ҳиндуизмда қадимги она-маъбудани сизиниш катта роль ўйнайди, ўта оддий ирим-сиримлар ҳам кенг тарқалган. Айни пайтда, ҳиндуизм учун парвардигори олам — бутун коптолининг асоси бўлган Яратувчи-худо тўғрисидаги тоя характерли ҳисобланади. Барча ботқа худолар ва байритабний кучлар унинг мужассамлиги ёки мулозимлари ҳисобланади. Бу худога сизиниш оддий қурбонлик билан боғлиқ эмас — уни ҳурмат қиладилар, эъзозлайдилар, унга садоқат кўрсатадилар. Ҳиндлар учун бундай олти худо Вишна бўлиб, у ҳайвон (тўғуз, балиқ, тошбақа)лар ёки ипсон (қора тагли шох ёки шодачи Кришна) қиёфасига кириши мумкин. Вишнанинг турли қиёфаларда паноён бўлиши ҳақидаги таълимот келиб чиқишига кўра турлича бўлган култарнинг ягона образда бириктириш имконини берди. «Рамаяна» эпик достонининг машҳур қаҳрамони Рам ҳам, Будда ҳам

(буддавийликнинг ассимиляциялашувида кўмаклашди) Вишнанинг тинсоллари деб тан олинади.

Ҳиндуизм издошларининг бошқа бир қисми тарки дупб қилган зоҳид ёки раққос кўринишида тасвирланадиган Шивани олти худо деб тан оладилар. Шива билан кўпинча ушга бағишда қилинган буқа бирга юради. Шу тариқа қадим (ҳозир ҳам)да ҳиндуизм жамоалари Вишнанинг ва Шиванинг илосмақдларига бўлинади, аммо улар орасида худонинг номларидаги фарқдан бошқа жиддий келишмовчиликлар бўлмаган.

Ведалар ҳиндуизмнинг муқаддас ёзувлари ҳисобланади, аммо эшик достонлар ва жуда катта ҳажмдаги мифларни бириктириган дурачалар амалда асосий роль ўйнайди. Ведалардан фарқли равишда, дурачалар сир сақлашмайди, бу ёзувлар барча учун очик ва уларнинг илмий таҳлили пураи мифологияси Ҳиндистоннинг орий бўлмаган халқлари билан боғлиқ экаплагини кўрсатди.

Ҳиндуизмда ибодатхоналар қуриш ва у ерда диний маросимларни ўтказиш ҳам одат тусига киради. Байрам маросимларининг ажралмас қисми тантанали намойиш бўлиб, намойишчилар маъбудларнинг тасвирларини кўтариб оладилар. Қонли қурбонликлар аста-секин маъбудларни «қадрлаш» маросими билан алмаштирилади: уларнинг тасвирларига гулчамбарлар кийдириш, кушбўй хидли ўтларни тутатиш, шамлар ёқиш ва худоларга бағишлаб ичкиликбозлик қилиш одатлари жорий қилишиб боради. Бу маросимлар кўпинча рақс тутиш, мусиқа чалиш ва эшик достонларни куйлаш билан кўпинча олиб борилади. Ибодатхоналарда кокишлардан ташқари мусиқачилар, раққосалар ва турли хизматчилар ҳам яшардилар. Ибодатхоналарни молиявий таъминлаш қавм аъзолари ва зибратчиларнинг эҳсонлари ҳамда ибодатхонага тегишли ердан олинадиган фойда ҳисобига амалга оширилади.

Ҳиндуизм мафкурасининг асосий белгилари «Бхагавадгита»да — «Махабҳорат»нинг таркибинга кирган достонда ёрқин акс этган¹. Бхагавадгита («Худонинг кўшиги») да бир-бирига душман икки содагонлар гуруҳининг кўшинлари жанг майдонига тўпланиши ва қаҳрамонлардан бири душман лагериди ўзининг қариндошлари ва дўстларини кўриб, олднда турган қонли жашдан кўркиб кетганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Шунда Кришна (у худо — Вишнанинг мужассамлиги) бурт

¹ Бенафис қаран: Шри Шривад А.Н.Бхактиведента Свами Прабхупада. Источник вечного наслаждения. — М.: Бхактиведента Бук Траст. «Воздушный транспорт», 1990.

(дхарма) ҳақида узундан-узоқ нутқ сўзлайди. У бурчини бажаришдан бош тортиш ўрнига унга беминнат хизмат қилиш орқали ўлим топиш лозимлиги, зеро кшатрийнинг вазифаси жанг қилишдан иборат эканлиги тўғрисида сўз юритади. Бурч ноёси машҳур «Гита»ни ёздан билган кўлаб хитлар учун руҳий мадад манбан бўлди. Аммо, «Гита»га бошқа цуктан назардан ҳам қараши муҳим. Сухбатдошини унга эргашинга даъват этган Кришна ахлоқнинг инсонийлиги ва инсоннинг келиб чиқishi билан боғлиқлиги ҳақида баён қилади. Бу дунёда ҳар бир кишининг ўз вазифаси ва бурчи бўлиб, булар ким учундир эзгу иш, бошқа бирор учун эса тупоҳдан иборат, деб қаралади.

Хинд ахлоқи учун чексиз чидам ва сабр-тоқат характери, зеро ҳар бир кишига ўз маҳалласи ва қишлоғида, ўз кастаси ва оиласида ўрнатилган ҳаёт тартибига, ўз урф-одати ва дини раво кўрган қоидаларга риоя қилиш лозимлиги уқтирилади. Аммо бу эркинлик турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари ўртасидаги муносабатга тааллуқли бўлиб, бир гуруҳ ичиде эса ўз жамоавий ва каставий бурчини бажариш эҳтиёжи билан қатъий чекланган. Хиндуизм ноёсидаги турли-туманлик ва зиддиятлар шунчалар яққол кўзга ташланадими, ҳатто, баъзи тадқиқотчилар уни ягона дин сифатида қабул қилишни ҳам лозим тошмайдилар. Аммо диний таълимот ақидалари маросим қоидалари ва ижтимоий нормаларга риоя қилиш сингари қатъи аҳамият касб этмайди. Хиндуизмнинг ижтимоий муносабатлар соҳасидаги умумий принциплари қуйидагилардан иборат деб қаралади: муомала ўз ижтимоий гуруҳи доираси билан чекланмоғи лозим – турли каста вакилларининг биргалиқда овқатланиши, никоҳдан ўтиб, оила қуриши ва каставий касбини ўзгартириши тақиқланади. Хайвонларни, айниқса, сийраларни ўлдириш қатъи гуноҳ ҳисобланади. Ёш болалар ўртасида никоҳ қуриш одати кеш тарқалади (айниқса, келинлар – баъзан келинни эҳром атрофида қув кўтариб ўтади, зеро келин ҳали юролмайдиган гўлак). Беваларнинг турмуш қуриши қораланади (ҳатто, қизчалар ҳам аёл бўлмасдан бева қолган бўлса ҳам), эришнинг жасадини куйдириш чоғида гулҳанда ўзиши ўзи ёқтиш энг маъқул тақводорлик ҳисобланади. Қоидаларга риоя қилмаган шахслар ёки бутун бошли оилалар, айниқса, улар юқори кастадан бўлса, энг оғир жазога – кастадан қувилишга маҳкум қилишан. Инсоннинг жамиятдаги ўрши ва ҳафсизлиги унинг маълум бир кастага мансублиги билан боғлиқ бўлганлиги сабабли кастадан қувилганлар ўз айбларини ювиб, кечирилишга эришади ва кастага қайтади ёки ижтимоий пиллажонинг энг пастки қисмидан ўрин эгаллайди.

Хиндуизм дини билан қувватланган каста тизими жамиятдаги барқарорликни, унинг ҳар қандай ёт ноёлар таъсирига қарши тура олишини таъминлаб, айни пайтда, жамиятта фашкулодда консерватив характер бахш этади.

Жайнизм¹ Буддага замондош бўлган кўш соған ноортодоксал² устоалардан бири, ўз издонлари томонидан Махавира (буюк қахрамон) деб номланган кшатрий Вардхамана (шайбамбар Жиса) эди. У асос солган жайнизм толиблар (жита-толиб) дини бўлиб, ўз тарихий ривожланишига кўра буддавийликдан туқур фарқ қилади. Жайнизм (дхарма дини) мил. ав. VI асрда Хиндистоннинг шимоли-шарқида пайдо бўлган. Баъзи бошқа миттақаларда ҳам қатъи таъсирга эга бўлишга қарамасдан, жайнизм Хиндистондан татқарига ёйилмаган. Бугун бу динга эътиқод қилувчилар сони саккиз миллиондан зиёд бўлиб, кўпчилигини йерик тижоратчилар ташкил қилади.

Жайнизм фалсафаси учта Тритапта – Жина таълимотига кўра турмушнинг учта тўғри асослари: тўғри тасаввур, тўғри билим ва тўғри ҳуқ-аъвордан ташкил тошган. Жайнизм таълимоти билан брахманизмдаги каста тизими ўртасидаги келишмовчилик яққол кўзга ташланади. Жайнизм таълимотига кўра қайси кастага мансублигидан қатъи назар, ҳар бир киши қийноқлардан халос бўлиш (нирванага)га эришиши мумкин. Йўналиши бўйича буддавийлик билан бир хил бўлган жайнизм ўз доктринасининг марказига шахснинг борлиги муаммосини қўяди. Буддавийликдан фарқли равишда жайнизмда ички муштарақлик камроқ, догматизм ва ритуализм белгилари кўзга яққол тапаланиб туради. Жайнизмнинг асосида яратилмайдиган ва йўқ қилинмайдиган иккита абадийлик, субстанцияларнинг (таттвалар) – жива (ҳаёт) ва аживанинг (эфир) ҳал қилувчи аҳамиятини тан олиш ўтади. Жива билан аживанинг боғлиқлик даражасига қараб моҳиятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик жараёнини белгиловчи жива борлигининг иккита шаклида намоён бўлади: мукамал ва номукамал. Борлиқнинг номукамал ҳолатида жива материя билан қўшилган бўлиб, ўзининг сифат имкониятларини йўқотади ва руҳий азоб ҳолатига тушади; борлиқнинг мукамал ҳолатида материядан халос бўлган жива ўз борлигини бошқариш имкониятига эга бўлиб, дузур-ҳаловат – ширвана ёки мокша ҳолатига ўтади.

¹ Қаранг: Асабедаев М. Ф. Индия: беспредельная мудрость. <http://www.bxix.ru.com/file/336223/>.

² Ноортодоксал – унчалик соған, изчил бўлмаган.

Боранининг помукаммал ҳолатдан мукаммал ҳолатга ўтишида шахсниш ахлоқий тарбияси асосий роль ўйнайди. Буддавийликдан фарқли равишда, жайнизм ахлоқий нормаларнинг қатъий бажарилганини талаб қилади. Буниш оқибати дунёвий ва диний ахлоқнинг фарқида намоён бўлади. Жайнизмда руҳоний белгта Буток махавратта (тақиққа) қатъий риоя қилмоғи асосий:

— ўлдирмаслик;

— ёлғон гапирмаслик;

— ўғирламаслик;

— жинсий алоқа қилмаслик;

— фотий дунёнинг бойликларини йиғмаслик.

Жайнизмда ўзининг алоҳида ижтимоий концепцияси мавжуд эмас. Тутилиш, ниқоҳ ёки вафот этганда амалга ошириладиган маросимлар ҳиндуизм дишдагилариникидан деярли фарқ қилмайди. Фақат зоҳидона ҳуқ-ағвор қодалари ва тапқи шаклларишш мукаммал ишлаб чиқилганини ва уларга қатъий риоя этишини талаб қилиниши жайнизмнинг ўзига хос томони ҳисобланади.

Буддавийлик сингари жайнизм ҳам ўз ақидаларига кўра соф атеистик диш, яъни, шу маънодаки, у ҳудолариниш мавжудлиғиш тащ олса-да, олам тизимида уларга асосий ролни ажратмайди. Жайнлар учун олам аниқ битта худо томонидан яратилмаган, демак ҳеч қандай худо уни сақлаб қолиш ёки йўқ қилишга ҳам қодир эмас; олам ўз-ўзига универсал қонушларга бўйсунган. Бошқа дишлардан фарқли равишда жайнизмда охирзамон, қиёмат-қойим ҳақидаги роя мавжуд эмас. Олам доимий бир-бирини алмаштирувчи ривожланиш (утсарпини) ва тушқунлик (авасарпини) циклларидан иборат. Ҳар бир циклининг охиридан одамлар баланд бўйли бўлиб, узок умр кўрадилар. Жайнларга кўра ҳозир олам тушқунлик циклини бошдан кечирмоқда. Яна қирқ минг йилдан сўнг ҳолат ижобий томонга ўзгариб, утсарпини цикли бошланади.

Жайнизм фалсафаси ва амалиётининг асосида руҳни мукаммаллаштириш орқали абадий ҳузур ҳаловатта эришиш воиси ётади. Аслида бу роя кўпчилик қадимги диний ва фалсафий оқимларнинг яққол ёки яширишган шировада мақсади ҳисобланади. Шумерлардан бошланган, мисраликлар ва семитлар томонидан такомиллаштирилган инсон руҳини моддий қобикдан ҳалос қилиш ва шу асосда уни нариги дунё алоҳларидаш қутқариш каби инсониятнинг абадий муаммоси Қадимги Ҳинд цивилизациясида ҳам китиллар олдида турган энг йирик муаммога айланади.

Адабиёт Юқорида айтилганлардан маълумки, Қадимги Ҳинд маданиятида марказий ўринни диний ада-

биёт ёдгорликлари эмалмайди. Бу давр адабиётидан сақланиб қолган илк памуталар мил. авв. XIV—XIII асрларда шимоли-ғарбдан Ҳиндистонга кириб келган орий қабилаларининг диний ва маросимий поэзияси ҳисобланади. Бу поэзия бизгача веда («веда» — «билгим», «муқаддас билим»), асосан, ҳиндуизмгача бўлган даврда шаклланган, ҳиндуизмда ҳам муқаддас ёзувлар мақомини олган диний ва маросимий матнларнинг катта мажмуи орқали етиб келган. Ведалар, асосан, ўқигувчи ёддан айттапларини ўқувчилар қайтариши йўли билан авлоддан-авлодга ўтиб, ёзма шакли анча кеч пайдо бўлган. Ёзув Ҳинд водийси аҳолисида мил. авв. III—II минг йилликларда маълум бўлса-да, кейин йўқотилиб, фақат мил. авв. I минг йиллик ўрталарида қайта тикланган. Авлоддан-авлодга оғзаки ўтказиш жараёни анча узок давом этган ва бу даврда жонли мулоқот тили билан веда тили ўртасида катта фарқ вужудга келган, шу сабабли кўшичча ўқувчилар ҳеч нарса-ни тушулмаган ҳолда бутун бошли китобни ёд олганлар. Брахманлар орасида шаклланган адабий матнларни ёд олиш ва аниқ қайтариш тизими Қадимги Ҳиндистондаги таълим ва фаннинг умумий харақтерига ҳам катта таъсир кўрсатди.

Қадимги Ҳинд адабиёти (шарғли равишда милодий эрнининг I асригача)нинг кўплаб ёдгорликлари тўртта улкан адабий мажмуалар: веда, буддавий, жайнизм ва эпик адабиётлар таркибига киради. Ҳинд ашъаналарига кўра, бу адабий мажмуаларининг ҳар бири мил. авв. I минг йилликда Ҳинд жамиятида мавжуд бўлган диний оқимлар билан боғлиқ тарзда қатъий бир бутунлик ҳолида қаралади. Айни пайтда, улар кўлаб мустақил матнлардан иборат бўлиб, ўзида гетероген ва қарама-қарши унсурларни уйғунлаштиради. Веда, будда, эпик ва, ҳатто, жайнизм адабиётлари ўз микёслари ва ёдгорликларининг хилма-хиллиги бўйича ўзига хос «адабиёт ичидаги адабиёт» саналади ва ҳар қандай адабиёт сингари узок эволюция жараёнида катта ўзгаришларга учрайди. Бу адабиёт мураккаб тарихга эга.

XX асрнинг иккинчи ярмида Хараша маданияти ҳудудида олмллар томонидан қилинган янгиликлар тили бўйича турлича бўлган Ҳинд адабиётига муносабат масаласиши яна куш тартибига қўйди. Бизгача етиб келган дастлабки ёдгорликлар тамил (дравид) тилига ва тахминан мил. авв. III минг йилликка машуб бўлганлиги сабабли «қадимги Ҳинд адабиёти» тушунчасининг ўзи орийлардан олдинги тилларда — дравид ва унинг шеваларида тузилган матнларга нисбатангина қўлланилар эди. Орийлар кириб келиши билан улар маданияти, автохтон ва янгидан яратилган маданиятларнинг мураккаб сингези асосида шундай

сипкретик маданият вужудга келдики, унинг заминда қадимги ҳинд адабиётининг дастлабки асарлари — ведалар пайдо бўлди.

Муқаддас веда матнлариши ёддан айтиш ва шорхлашнинг аниқлигига қаратилган катта эътибор фонетика ва этимология каби махсус фанларнинг шаклланишига олиб келди. Улар асосида кейинчалик Қадимги Ҳинд тилшунослиги ривожланди. Қурбонлик учун маъқул бўлган вақтни аниқлаш осмон жисмларини кузатишни, мураккаб эҳромлар қурилиши эса геометриядан билимларга эга бўлишни талаб қиларди. Шу тариқа сўшти веда адабиётида фақат олдига қўйган мақсадига кўра эмас, методлари жиҳатидан ҳам ҳозирги замон фанидан анча фарқ қилаётган, ўзига хос фаннинг белгилари пайдо бўлади.

«Веда» сўзи «билим» деган маънони, тўғрироғи, олий маънавий билишни англатади ва веда ёдгорликлари ҳиндуизм тарафдорлари томонидан абадий мавжуд бўлган паҳлвий мўъжиза сифатида қабул қилинади. Эътиқод билан болаёқ бўлган ведаларнинг ушбу вазифаси келиб чиқиши ва моҳияти турлича бўлган матнлар ва парчалардан ташкил топган адабиётни яхлит асар деб қараш имконини беради. Ведалар таркибига теърий ва проза шаклидаги асарлар, худоларга бағишланган мадҳиялар, фольклор кўшиқлар, қаҳрамонлик афсоналари, масаллар, пандномалар ва фалсафий шарҳлар киради. Веда ёдгорликлари бир неча туркумга бўлинади. Биринчи туркумга мадҳиялар ва афсоналардан иборат тўртта тўплам (самхитлар); иккинчисига — брахманлар, проза шаклидаги диний трактатлар, учинчисига — арањьяклар ва ушанишадлар, фалсафий насихатлар ва диологлар киради.

Самхитлар, брахманлар, арањьяклар ва ушанишадларга нисбатан ҳиндларда шрут атамаси қўллашилади (сўзма-сўз таржимаси — «эшитилган»). Бу ведаларнинг маросимий моҳиятини ва ёзма шаклда мавжуд бўлмаганлигини яна бир бор таъкидлайди. Шрут категориясига веда адабиётининг тўрттинчи туркуми — веданглар («веданинг қисми» дегани) ҳам киради. Веданглар веда адабиётини тўғри тушуниш учун олтига ёрдамчи фанлар: маросим, фонетика, грамматика, этимология, метрика (шеър вази) ва астрономияни баён қилади.

Веда адабиёти билан бир қаторда ҳинд достончилиги аъёнлари ҳам шаклланади. Бу жараёнда қадимги ҳиндларнинг икки буюк поэмалари — «Махабҳорат» ва «Рамаяна» муҳим роль ўйнади. Бу поэмаларнинг дастлабкиси Махабҳорат бўлиб, у Жамна ва Ганг дарёлари оралиғида вужудга келган. Унда баён қилинган асосий воқеалар «қаҳрамонлик асрита» — қабилаар ўртасидаги урушлар ва Ганг дарёси бўйларида дастлабки дав-

латнинг шаклланиш даври бўлган мил. авв. II—I минг йилликларга бориб тақалади. Бу достонларни циклаштириш ва бир бутун ҳолда эпопеяга бириштириш жараёни мил. авв. I миш йилликнинг ўрталарида (мил. авв. IV асрдан олдин) якунланади. Мил. авв. I минг йилликнинг иккинчи ярмида коҳин (брахман) лар томонидан поэмага диний-фалсафий матнларнинг кўплаб қўшилиши поэма ҳажминиш кескин ошишига олиб келди. Поэмани ёзма ҳолга келтириш ҳам шу даврда брахманлар томонидан амалга оширилган бўлиб, шу ҳолда бизгача етиб келган.

Поэма сюжетининг марказида қудратли куру қабиласи ҳукмдорлари ёки улар поэмада атамичча бхаратлар уруш ўртасидаги низо ётади («Махабҳорат» — «Бхаратлар буюк жанги ҳақида достон»). Қаҳрамонларнинг икки гуруҳи — вафот этган шоҳ Панданинг бешта ўнгалари (Юдхитхир, Бҳим, Аржун, Накул, Сахадев) ва уларнинг амакилари, шоҳ Дхитарипитрининг юзга ўнгалари бир-бирига қарши турадилар. Поэмада биринчилари умумлаштирилиб Пандавалар, иккинчилари — Кауравалар деб аталади. Поэма муаллифларининг меҳри Пандавалар томонда. Панданинг бешта ўғли ҳам аслида худодан бунёд бўлган. Уларнинг иттифоқчиси бўлган Кришна поэмада худо Вишнанинг муҷассамлиги деб аталади. Куравалар — иблиснинг муҷассамлиги, улар тақводор эмас, қабила ўртасидаги низо ҳам уларнинг аслида Дхитарипитрга тегишли бўлган тахтга адолатсиз даъвосидан келиб чиққан. Узоқ давом этган низо ва ўзаро жанглардан кейин пихоят Пандавалар ентиб чиқди.

Достондаги айрим эпизодлар трагизми, ядавларнинг кириб ташланиши ва худоларнинг ўлими ҳинд мейгалигетти учун мутлақо характерли эмас. Еврошаликларнинг эпик достонларида кўпроқ учрайдиган ялпи зиёфатдаш кейин умумий қирин билан якунланганига баҳс, битта қалтис жойидан яралиган қаҳрамоннинг ўлими, дешизга тўқиб кетган катта шаҳар мавзуси бошқа бирорта ҳинд достонларида ҳам, ведаларда ҳам учрамайди. Яқин Шарқда кенг тарқалган худонинг ўлими мавзуси ҳинд мифологиясида мавжуд эмас. Кришна ҳақидаги афсонанинг айрим эпизодлари орий халқининг Ҳиндистонга келишидан олдинги даврига мансуб бўлган қадимги афсоналарига бориб тақалиши мумкин¹.

«Рамаяна» тадқиқотчиларнинг тахмин қилишларича, мил. авв. II асрда Шимолий Ҳиндистоннинг шарқий худудларида (қадимги Кошала ва Видеха давлатлари худудиде) шаклланган. Достон алта кеч пайдо бўлганга қарамасдан, унинг сюжети

¹ Қирин: Артур Бешем. Цивилизация Древней Индии. <http://azym.ru/paukacbrnz/istoriya/41271-artur-byeshem-civilizaciya-drevnej-indii.html>. — С. 217.

жуда қадимги воқеаларни қамраб олади ва эртатка яқин туради. Копаланиш шоҳи Дашаратха ўзининг ўкли жасур Рамни тахтга ўтказмоқчи бўлади. Аммо бушга Дашаратханинг хотинларидан бири Кайкез қарши чиқади. Қачонлардир Кайкез Дашаратхани ўлимдан асраб қолган бўлиб, эвазига Дашаратха унинг иккита истагиши бажаришни ватда қилган эди. Кайкез ўзининг ўкли Бхаратани тахтга ўтқозиши ва Рамни ўн тўрт йиллик сургушга жўнатилиши талаб қилади. Шоҳ ваъдасига вафо қилади. Рам ўзининг сеvimли хотини Сита ва укаси Лакшман билан бирга Айодхья подшолигининг пойтахтиши ташлаб кетади. Улар дарвешлар кийимини кийиб олиб, одамхўрлар – ракшасалар тўлиб-тошган катта ўрмонга кириб келадилар. Рамнинг жасорати ракшасалар ҳукмдори ўн бошли Раваннинг жаҳлини чиқаради. Раван Рамни жазолаш учун унинг хотини Ситани ўтирлаб кетади. Ситани излаб юрган Рам маймуналар мамлакатига тушиб қолади. Уни тинглаган маймуналар ҳукмдори Рамга ёрдам беришга қарор қилади. Маймуналар Ситаниш қасрдамлигини аниқлайдилар ва Рам бошчилигидаги маймуналар армияси ўзлари қурган кўприк орқали океандан ўтиб, Ланкага кириб келадилар. Бу ерда бўлган шафқатсиз жангда маймуналар толиб чиқади, ракшасалар ва Раван ўлдирилади. Бу пайтга келиб Рамнинг сургун муддати ҳам якунланади. Ака-укалар Сита билан бирга Айодхья подшолигига қайтиб келади ва бу ерда Бхарата тахтни бажонидилар Рамга бўшатиб беради.

«Маҳабҳорат» сингари «Рамаяна» ҳам милодий эранинг бошларида ёзма шаклга келтирилган. Аммо олимларнинг таҳмишларича, «Маҳабҳорат»дан фарқли равишда «Рамаяна»нинг ёзма тахрири сарой доираларига яқин бўлган саводли киши томонидан амалга оширилган. У, умуман, ўзининг анъанавий санъатига содиқ қолса-да, айни пайтда, ўша давр сарой доирасида ҳукмрон бўлган шеърий услуб талабларига ҳам жавоб беришга ҳаракат қилади. Шу боис қаҳрамонлар хатти-ҳаракатининг психологик жиҳатларига, лирик ҳолатларнинг баёнига, табиатнинг поэтик тасвирга қаратилган катта эътибор «Рамаяна»ни биринчи аср адабиётидаги эпик поэмалар билан яқинлаштиради.

Ўзининг тугал кўринишидаги «Маҳабҳорат» ва «Рамаяна» ҳиндуизмнинг ҳақиқий қомусига, кейинчи давр шоирлари ва рассомлари учун эса образларнинг битмас-туганмас хазинасига айланади. Бу дostonлар ҳинд жамиятидаги ахлоқий ва фалсафий анъаналарни ёрқин акс эттириши билан характерланади. Айтиш лозимки, улар ҳозир ҳам отзаки шаклда кенг тарқалган

бўлиб, миллионлаб саводсиз хицлар дунёқараётининг шаклланишига аригулик таъсир кўрсатишмоқда.

Мил. авв. I миш йилликнинг иккинчи ярмида буддавийликнинг трехавада мактаби адабиёти – Типитаки шаклланади. Типитаки услублар, жанрлар ва шаклларнинг мутлақо эркин ўзгариши, келиб чиқиш вақти ва мазмунига кўра турлича парчаларнинг бир китобга жамланиши билан характерланади. Аммо улар биргаликда ва ўзаро болашган ҳолда буддавийлик жамомсидаги кундалик ҳаёт ва ахлоқ нормаларини, этикаси ва дидактикасини изчил баён қилиб, буддавийлик таълимоти илк даври ҳақида кенг маълумот беради. Типитакилар, биринчи навбатда, буддавийлик дини тарихи билан шуғулланувчилар учун катта қизиқиш уйқотади.

Буддавийликнинг бошқа мактаблари – «бузук арша» – асарлари баъзан санскритда, кўичилик ҳолларда хитой, япон, тибет тилларидаги таржимасида тўлиқ бўлмаган ҳолда сақланиб қолган.

Милодий эранинг дастлабки асрларида Қадимги Ҳинд маданиятининг гуллаб-яшгани дунёвий адабиётнинг кўплаб жанрларида намоён бўлади. Ҳам сарой театри, ҳам шаҳар театри учун мўлжалланган санскрит драмасыни алоҳида таъкидлаш лозим. «Панчатантра» номи масаллар тўплами катта мунаффакият қозонади ва кенг оммалашади. Панчатантранинг арабча таржимаси «Калила ва Димна» номи билан машҳур. Панчатантра новеллалари, адабий асарнинг тузилиш усули ўрта асрларда кўплаб миллий адабиётларга катта таъсир кўрсатди («Минг бир кеча», «Декамерон» ва бошқалар).

Шеърий лирика, поэма, дидактик афоризмлар тўпламларидан ташқари, кўпинча, овзаки материални етказиш ва ёд олишни осонлаштириш мақсадида илмий асарлар ҳам шеърий услубда битилган. Сиёсат ҳақидаги трактат – Артахашаструга ҳам кўплаб шеърлар жамланган. Бу асар сарой найранглари, маккорона иволар ва сирли қотилишларни ёрқин бўёқларда ифодалайди.

Илмий ва дидактик асарлар ичда, энг аввало, мил. авв. VI асрда Панини томонидан яратилган санскрит грамматикасини кўрсатиш лозим. Бир неча ўзаро рақобатлашувчи мактабларни ўз ичига олган ҳинд фалсафаси ҳам катта шухрат қозонган. Айниқса, хицларнинг мантқиқ, тил фалсафаси соҳасидаги ютуқлари ва атомистик назарияси катта эътиборга лойиқ.

Санъат | Ерқин ва ўзига хос ҳинд санъати жуда қадим замонларда шаклланган. Мифология, тўлиқ муболағига берилиш ва чексиз фантастик тасаввур бу санъатнинг характериши бошлалаб беради. Ҳиндистон табиатишиги ўзи тўғи қадимги афсона ва ривоятлар билан йўтрилганга ўхшайди. Чўққилари

қуёшнинг шафақ нурларидан ва шамолдан емирилган улкан қомалар гүй жуда қадим замонларда баҳайбат одамлар томонидан қурилган қасрларни эслатади; бир-бири билан чамбарчас болаётган архитектура, ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъат заминий, ҳиссий ва баъзан кўрқинчли образларда ҳинд халқ бадиий тафаккурининг ўзинга хос томошларини очиб беради.

Қадимги Ҳиндистоннинг санъат ютуқларидан бизгача етиб келган ва маълумлариниш барчаси диний характерга эга ёки диний мақсадларда яратилган. Дунёвий санъат ҳам, албатта, мавжуд бўлган, зеро адабиётларда ёзилганча шоҳлар ҳайкаллар ва тасвирий санъат асарлари билан безатишган ҳашаматли саройларда яшаган, аммо бу асарлардан ҳеч бири бизнинг давримизгача етиб келмаган. Кўнчаллик европалик ва ҳиндистонлик олимлар ҳинд санъатиниш диний ва мистик жиҳатини таъкидлайдилар; улар дастлабки санъат асарларида реализм мавжудлигини кўрсатиб, бу санъатнинг бедагга ва буддавийликдан наҳом олганлигини татқиқланади. Бу асарларнинг айримлари сўзсиз, қайшоқ диний ҳиссий билан йўтрянган, умуман, Қадимги Ҳинд санъати бу даврдаги кундалик турмушга акс эттиради.

Агар қадимги юнон санъатиниш устивор жиҳати гўзаллик, Мисрники эса дин бўлса, ҳинд санъатининг тоқсак намуналари учун гўзаллик асосий жиҳат эмас, дин ҳам ягона устивор мавзу ҳисобланмайди; дунёвий ва диний томонларнинг уйғунлиги ҳинд санъати учун характерли жиҳат ҳисобланади. Гап шундаки, агар диний адабиёт ўзини динга бағишлаган китоблар: брахманлар, коҳинлар ва зоҳидлар томонидан яратилган бўлиб, уларда зоҳидона диний руҳ устивор бўлса, санъат асарлари ҳунармандлар томонидан яратилган ва улардаги сишо диний тақл ортида яратувчиларнинг ҳаётга қайшоқ муҳаббати ўфуриб туради.

Қадимги Ҳиндистонга турли даврларда бостириб келган оришлар, форслар, юнонлар, мўғуллар ва туркийлар бу санъатда ўз изларини қолдирганлар. Ҳинд санъатиниш асосларини буддавийлик ва ҳиндуизм (ислом дини билан гўддирилган) динлари татқил қилади.

Қадимги ҳинд санъати тарихида кўпидати даврлар ажратилиб кўрсатилади: 1) мил. авв. III минг йиллик ўрталари — мил. авв. I минг йиллик ўрталари; 2) Маурийлар даври — мил. авв. 322 — 185 йиллар; 3) Шунгалар ва Кушонлар даври — мил. авв. III аср — мил. авв. I аср; 4) Гунгалар даври — IV — VI асрлар.

Жуда қадим замонларда Ҳиндистон ҳудудида Ҳарашша маданияти вужудга келган. Қадимги Ҳинд подийсидаги Моҳенжо-Даро ва Ҳариппа ҳудудларида кўчалари мукамал режалаштирилган, сув татаммоти йўлга қўйилган бронза даври (мил. авв. 2500 — 1500

йиллар) саройлари ва жамоат биноларининг қолдиқлари сақланиб қолган; коҳинлар, раққоса, ҳосилдорлик худосининг бронзадан қўйилган ҳайкалчалари, зоб-зийнат буюмлари, ҳайвонлар акси гуширилган муҳрлар, поэтик қилиб безатилган сопол идишлар топилаш. Бу қадимги маданиятоқлар маданияти мил. авв. II миш йиллик ўрталарида орийлар бостириб келиши натижасида вайрон бўлган.

Мил. авв. I минг йилликда яна ириқ давлатлар вужудга келади (энг каттаси Шимолий Ҳиндистондаги Магадха давлати). Браҳманизм ҳукмрон динга айланади. Худолар пантеонининг тоқорисини триада эгаллайди: Браҳма — яратувчи, Вишна — сақловчи, Шива — вайрон қилувчи. Шунингдек, момақалдироқ худоси Индра — подшо ҳоқимиятининг ҳомийси ва бошқа худолар ҳам эъзозланади. Бу даврда архитектура шиддат билан ривожланади, қимматбаҳо тошлар билан безатилган саройлар қурилади. Мил. авв. I минг йилликнинг ижодкор усталари учун қадимги эпослар — Маҳабҳорат ва Рамайна сюжетлар ва образлар манба бўлиб хизмат қилади.

Маурийлар сулоласи даври — Чандрагупта томонидан бошланган ва кейин Ашока томонидан якунланган мамлакатни бирлаштириш даври. Бу қудратли давлатда йўллар ва саройлар қурилади. Пойтахт Паталипутрада тош пойдевор устига ёвочдан қурилган Ашока саройи мрамор ҳайкаллар билан безатилган. Ашока даврида буддавийлик давлат дини деб эълоп қилингандан сўнг бутун мамлакат бўйлаб будданиш шишоналарини сақловчи мемориал иншоотлар — ступалар ҳамда қадимжоларда яхлит топдан устулар — стамиллар қурилади. Сарнатдаги машҳур Ашока стамилли (мил. авв. 243 йил) тўртта пернинг қоматидан (будда тимсоли) иборат устуи қоши (капител) билан безатилган бўлиб, улар «қошун индирраги»ни кўтариб туради. Мил. авв. III асрдан бошлаб ёрларда буддавий монастырлар ва чайтъя — ибодатхоналар қуриш бошланади. Қояларнинг ичкарисига чуқур кириб борган совуқ ва маҳобатли заллар монолит устулар қатори билан ажратилиб, кўплаб ҳайкаллар билан безатилган (Карнадаги чайтъя, мил. авв. I аср).

I — III асрларда купонлар санъатида биришчи марта инсон қиёфасидаги будда тасвири пайдо бўлади. Будда тилуфар ҳолатида тахтда ўтирган ҳолда тасвирланади. Нап елкаси бўйлаб орқага ташланган плашт кезиб юрувчи дуохон, зоҳидлик белгиси эди. Қумоқларнинг анча узун солинчаклари, пешанада «учинчи кўз»ниш мавжудлиги ва бошқалар унинг инсониятниш кутқариш йўлини кўрсатувчи авлиё экашлигидаш далолат беради.



Рақс тушаётган Шива.

Архитектурада декоратив шакл кучаяди. Гипт асосий қурилиш материалга айланади. Бу даврнинг энг кўзга кўринган бишоларидан бири, маурийлардан кейинги даврда Сангида қурилган баҳайбат буддавий монастир ҳисобланади. Монастир ва зиёратчилар учун қурилган меҳмонхонанинг жуда кам қисми сақланиб қолган. Сагчининг энг диққатга сазовор меъморий ёдгорлиги эса мил. авв. II–I асрларда қурилган катта ступа ҳисобланади. Ступани тўрт томондан будда афсоналаридан лавҳалар билан безатилаган тош дарвозалар ўраб туради. Тош ступалар тордаги ибодатхоналарнинг ажрамас қисмига айланади. Ланкадаги шундай ступалардан бири катталиги жиҳатдан Миср эҳромлари билан тенглашади.

Ҳинд ҳайкалтарошлигининг энг қадимги намуналаридан бири, Ашока ёзувлари битилган устуналар ҳисобланади. Устунларни безаб турган ҳайкалларда, масалан, машҳур теърларда, форс, ҳатто, юнон санъатининг таъсири сезилиб туради. Бу ҳинд усталарининг ҳали тош билан ишлаш кўникмаси ва ўз услублари шаклланимаганидан далолат беради.

Маурийлардан кейинги даврда ҳайкалтарошлиқнинг маҳаллий мактаблари шаклланади. Улар ичида энг машҳурлари Гандҳара (Ҳиндистоннинг шимоли-ғарби), Мадхури (Ҳиндистоннинг шимолий қисми) ва Декан мактаблари ҳисобланади. Эллиш ва Рим санъатлари таъсири остида шаклланган Гандҳара мактабида гуллаб-яшнаган даври милодий эранинг биринчи асрига тўғри келади. Гандҳара услуби Кушонлар давридан бошлаб Марказий ва Шарқий Осиёда буддавийлик санъатига катта таъсир кўрсатади. Мадхури ва Декан мактаблари ҳам ҳинд тасвирий санъати аъёналари билан боғлиқ. Айнан улар асосида фақат Ҳиндистоннинг ўзида эмас, балки маълум миқнода бутун Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида ўрта аср ҳиндуизм санъати ривожланади.

Ҳинд тасвирий санъатининг машҳур ёдгорликлари Ажанта (Ғарбий Ҳиндистон)да жойлашган. Ажантанинг ёр ибодатхоналари ва монастирлари маурийлардан кейинги даврда қарийб минг йил давомида қурилган. Айрим заларнинг деворлари буддавий афсоналардан сахналар тасвири билан безатилаган. Шундай тасвирий санъат намуналари Ажантадан ташқари Шри-Ланкада ҳам сақланиб қолган.

Қадимги Ҳинд цивилизацияси Шарқнинг кўплаб мамлакатларига жуда катта таъсир кўрсатади. Ҳиндистон тарихини билмай туриб Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё халқларининг тарихи ва маданиятини ўрганишнинг иложи йўқ. Жаҳон цивилизациявий жараёнида ҳинд маданиятининг обрўси ва таъсири бутун ҳам жуда кучли.

VI БОБ

ҚАДИМГИ ХИТОЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ



Инсоният тарихи давомида жақон сахнасига кўлаб халқлар, қабилалар ва давлатлар келиб кетди, цивилизациялар алмашди. Қадимги мисрликлар ўтмишта айланди, Шумер ва Аккад подшоликлари ҳам энди йўқ, қадимги юнонлар ва римликлар ҳам узок тарихдан ўз ўринларини эгаллаган. Бу жараёнда энг ҳайратланарлиси шундаки, Хуанхэ дарёси бўйларида бир неча минг йил олдин вужудга келган, Шумер ва Аккад цивилизациясининг деярли тенгдоши бўлган Хитой цивилизацияси ҳозир ҳам мавжуд. Бу гузал мамлакат, матонатли ва меҳнатсевар халқ текдирнинг оғир синовларига қарамасдан минг йиллар давомида ўз маданиятини сақлаб қолишга эришди.

«Хитой» (Китай) атамаси фақат рус тилига хос бўлиб, қадимда Узок Шарқда, Хитойнинг шимоли-шарқий чегараларида яшаган қабила – киданлар номидан олинган¹. Еуропада бу мамлакатни охириги сулола – Цишъ номидан олиб «Шиша» деб аташади. Ўзбек тилида ҳам илгари «Чин» атамаси қўлланилган. Хитойликлар ўз мамлакатларини қадимдан «Чжун Го», яъни Марказий, Ўрта подшолик ёки «Тянь Ся» – Осмон остидаги давлат деб атайдилар. Хитойликлар ўз цивилизациясини ноёб ҳисоблайдилар, мағрурланиб уни оламнинг марказида жойлашган, атрофини варварларнинг майда давлатлари ўраб олган «Марказий давлат» деб атайдилар. Бу ўзига хос ноёб цивилизация, уни европаликларнинг анъанавий кадриятлар тишидан келиб чиқиб баҳолаш ва шундай англашга интилим доимо қўтилмаган патияталарга олиб келган. Чунки қадимги хитойликларнинг олам ҳақидаги тасавури европаликларникидан фарқ қилади. Масалан, хитойликлар учун дунёнинг тўртта

¹ Бошқа бир захмига кўра Хитой билан Каспий денгизининг шарқий қирчоқлари оралигида яшовчи қабилалар Китай («Гуллаётган ўлка») деб аташган ва «Хитой» атамаси шундан келиб чиққан. Қаранг: Грей Д.Г. История Древнего Китая. <http://nemaloknig.info/read-50324/>. – С. 1.

эмас, бешта томони мавжуд бўлган: Шимол, Шарқ, Ғарб ва Жанубдан ташқари Марказ (Чжун) ҳам алоҳида томон сифатида қаралган. Шундан келиб чиқиб, Хитой оламининг маркази сифатида тасаввур қилинган. Хитойни осмоннинг ердаги инъикоси, атрофини варварлар ўраб турган ягона цивилизациялашган мамлакат деб ҳисоблашган. Дунёнинг беш томонида бешта ранг рамзий мос деб қаралган: сариқ ранг (хуан) – Марказ; кўк-яшил ранг (цин) – Шарқ; қизил (хуанчи) – Жануб; оқ (бай) – Ғарб; қора (хэ) – Шимол. Сариқ ранг ҳукмдорга тегишли, интиёзли ранг ҳисобланган. Қора ранг олимлик белгиси, оқ ранг эса мотам ранги бўлган.

Қадимги Хитойда йил ҳам бешта мавсумга бўлинади: одатдаги баҳор, ёз, куз, қишдан ташқари йил ўртаси ҳам бўлиб, у ёзги тенг кунлик – 22 июнга тўғри келади. Хитойда янги йил ҳам шу кундан бошланади.

Ташқи таъсирларга деярли учрамаган бу цивилизация ривожига ўзига хослик унинг бениҳоя катта ҳудуди ва ёпиқлиги билан характерланади. Қадимги Хитой цивилизацияси шушчалар ёпиқ ҳолда ривожланадики, гўё у бошқа планетада мавжуд бўлгандек. Фақат мил. ав. II асрда Чжан Цзяннинг Ўрта Осиёга саёҳати туфайли илк бор бошқа бир юксак маданият билан алоқа ўрнатилди. Аммо улар четдан келган маданий ҳодиса – буддавийлик билан жиддий қизиқишлари учун яна 300 йил ўтиши керак бўлди¹.

Каспийдан Сариқ денгизгача, Камбоджа (Меконг) дарёсидан Байкал кўлигача бўлган ниҳоятда катта ҳудудда жойлашган Хитой цивилизацияси ўз ўлчалари бўйича қадимги цивилизацияларнинг барчасини ортада қолдиради; бу ерда Ер юзи аҳолисининг катта қисми яшайди.

Бугун биз билган Хитой икки қисмдан – Хитойнинг ўзи ва чекка ўлкаларидан ташқил тошан. Қадимги ҳудудий бирлик – бу Хитойнинг ўзи бўлиб, ўз цивилизациясининг чегараларини мил. ав. I миш йиллик бошларида ўриштишга эришган. Бу чегаралар шарқ ва жанубда Тинч океанига туташган денгизлар бўлса, ғарбда Тибет тоғлари, шимода эса Мўғулистон ва Манчжуриянинг чўл ва саҳролари бўлган. Мана шу «ички» Хитой классик хитой цивилизациясининг бешини ва шаклланиш ҳудуди бўлди. Ҳудуднинг иккинчи қисми кейин кўпиб олинган ерлар – чек-

¹ Қаранг: Засутин А. Особенности и основные этапы развития древнекитайской цивилизации. http://antonvaz.de.am/pohl/24_osobenosti_i_ osnovnyye_etapy_razvitiya_drevnekitsajskoj_civilizacii/1-1-0-65.

қа ўақалар ёки «ташқи» Хитой, Ушш Тибет, Шарқий Туркистон, ички Мўғулистон ва Маньчжурия киради. XVIII асргача бу ҳудуд доимий равишда империя таркибига кирмаган. Қадамда «ташқи» Хитой қадимги турк ва мўғул халқлари тўғриси остида бўлиб, уларнинг ҳужумлари Хитой цивилизацияси учун доимий хавф туғдириб келган. Хитой армияси ва дипломатияси бу тўқнашув чегараларини марказдан узокроққа силжитиш учун минг йиллар давомида курашиб келган. «Ташқи» Хитой Қадамги Турк цивилизацияси шаклланишида ҳам муҳим роль ўйнади.

Бошқа минтақаларда бўлгани сингари Хитойда ҳам географик шароит ҳаётнинг маромини белгилаб келди: тоғлар, дарёлар, об-ҳаво ва тупроқ – бу унсурларга ўсимликлар ва одамлар ҳаёти боғлиқ эди. Хитой табиати жуда хилма-хил. Хитой текисликларидан иккита буюк дарё – Янцзи ва Хуанхэ оқиб ўтади. Хуанхэ «Сариқ дарё» деган маънони аниқлатади, чунки унинг сувлари сариқ тупроқли қўлаб оқиб келади ва шу сабабли сариқ лойқа бўлиб оқади, дарёнинг қирғоқлари ҳам юмшоқ сариқ тупроқдан ташкил тошган. Дарё ўз қирғоқларини осошгина юшиб, йўналишини тез-тез ўзгартириб туради. Бундай пайтда жуда катта ҳудудларни сув босиб, хитой деҳқонларига сон-саноксиз қулфатлар келтиради.

Нил, Дажла ва Фрот дарёлари водийларига нисбатан Хуанхэ бўйларида иқлим анча оғир бўлган. Бу ерда Месопотамия ва Мисрдагидек иссиқ эмас, айниқса, қиш жуда соғуқ. Бироқ олимларнинг айтишларича, қадимда бу ерларнинг об-ҳавоси ҳам бирмунча мўғладил, деҳқончилик цивилизацияси шаклланиши учун қулай бўлган. Дарё бўйининг анча қисми қалин ўрмонлар билан қопланган.

Қадимги Хитой цивилизацияси Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимида мил. авв. V–III минг йилликларда шаклланиган неолит маданияти асосида пайдо бўлди. Хуанхэ дарёси ҳавзаси қадимги хитойликларнинг этник бирлиги шаклланиган асосий ҳудуд бўлиб, узок вақт давомида нисбатан ёпиқ (изоляция) ҳолда ривожланган инсониятнинг илк цивилизацияларидан бири ҳисобланади. Фақат мил. авв. I минг йилликка келиб Янцзи дарёси ҳавзаси ва ундан жанубдаги ерлар ўзлаштирилади. Айниқса, темир меҳнат қуролларининг кашф қилиниши натижасида хитойликлар қаттиқ ерларни ҳам ўзлаштириш имкониятига эга бўлаётганларидан сўнг аҳолининг кенг ҳудудларга бир хил тақсимланиши юз берди.

Хуанхэ водийсининг неолит даври қишлари қайси тилларда сўзлашганлиги тўғрисида маълумотлар йўқ. Яншао (бўялган сопол)

маданиятини (мил. авв. V–IV минг йиллик) яратувчилар протосинотибетликлар бўлиб, улар бу ерда қадимдан яшаган палеосиёликларни сиқиб чиқарган ёки қисман ассимиляциялашиб кетганлиги ҳақида фақат тахминлар бор ҳолос. Бу аралашув натижасида пайдо бўлган қадимги аҳоли шанш-жонг ёки шанглар протохитой тили ва этник гуруҳига киради. Мил. авв. XIV асрда улар ўрнини итлар эгаллайди. Иньлар, олимларнинг тахмин қилишларича, протосинотибетликлар билан жашубий қабилалардан бирининг аралашуви натижасида пайдо бўлган. Хитой этносининг шаклланишида сўнгги неолит даври Яншао ва Лушань археологик маданиятлари (мил. авв. III–II минг йиллик) катта роль ўйнади. Яншао маданияти вакиллари мил. авв. III минг йиллик ўрталарида деҳқончилик ва чорвачиликни билган¹. Деҳқончиликнинг ривожланиши дастлабки давлатнинг пайдо бўлиши учун ҳам асос яратди. Аслида мил. авв. V минг йилликдан Хитойда дастлабки деҳқончилик мамулилари пайдо бўлган. Масалан, олимлар томонидан Сиань шаҳри яқинида қолдиқлари топилган Башань манзилгоҳи шу даврга мансуб ҳисобланади. Мил. авв. III минг йилликда хитойликларнинг аждодлари виадиректни, қулчилик чархити яратганлар, мис ва кўрөшнинг эритилиши, бронза олиш технологиясини кашф этганлар.

Мил. авв. XII асрда хитой этносига мансуб бўлмаган тжоу қабилалари кириб келади. 900 йил ичида улар маҳаллий аҳоли билан аралашиб, итларнинг анъаналари, тили ва маданиятини қабул қиладди. Натижада мил. авв. III асрга келиб хитой этноси – ханш шаклланди ва ҳозиргача сақланиб келмоқда. Ханш этносининг бир бутунлиги Қадамги Хитой цивилизациясига асрлар давомида кучли барқарорлик бахш этиб келмоқда.

Қадимги Хитой жамияти хитой давлатчилигининг ўзига хос томони ва у билан боғлиқ бўлган табақавий бўлиниш, шунингдек, мартаба ва ушшоқлар пояпасидан иборат ривожланган бюрократиянинг ҳам ноёб мамулидир. Олжавий назорат тажрибаси, умумий гумошчилик ва қақимчилик ҳам, афсуски Қадамги Хитой жамиятининг «югуви» эди. Шунга қарамасдан, Қадамги Хитой цивилизацияси жаҳон цивилизациялари тарихида доимо олма интилувчи ижодкор куч ва анъаналар уйғуналигининг таптанасига ёрқин мисол бўла олади.

Тарихи | Хитой афсоналарида дастлабки давлат асосчиси деб гўёки мил. авв. 2697–2597 йиллари ҳукмронлик қилган Хуан-ди – Сариқ императорга айтади. Қўн-

¹ Крафт: Файзрахманов Г. Древние торки в Сибири и Центральной Азии. <http://padabum.com/d.php?id=9651>. – С. 39.

чилик олимлар мил. авв. XVIII асрда Хитойда давлат пайдо бўлганини ҳақиқатга яқин деб ҳисоблашади. Шу даврда ҳукмдор саройи ва ибодатхона биолари бўлган шаҳар қалъалари пайдо бўлади. Мамлакатнинг энг қадимги пойтахти Чжэнчжоу (ҳозирги Хэнань вилоятининг маркази) таҳри бўлиб, мил. авв. XIV асрдан пойтахт Аньань шаҳрига кўчирилади.

Дунёнинг бошқа мамлакатларида бўлгани сингари Хитойда ҳам йил ҳисобининг ягона тизими бўлмаган. Мил. авв. I миш йилликдан бошлаб саналар ван (олий ҳукмдор)нинг ҳукмронлик йиллари билан белгиланадиган бўлди ва шу сабабли воқеалар хронологиясини тўғри белгилаш маълум қийинчиликларга дуч келади. Масалан, ҳозирги замон тадқиқотчилари Инь давлатининг қулашига олиб келган чжоулар босқини санасини турлича белгилайдилар: бу воқеани айрим тарихчилар мил. авв. 1122 йил, бошқалари эса 1076, 1050 ёки 1027 йил деб ҳисоблайдилар. Фақат мил. авв. 341 йилга келиб Қадимги Хитой тарихида ишончли хронология пайдо бўлади.

Хитойда илгари кунларни аташда қўлланилган олтинчи цикли махсус иероглифлардан I асрдан бошлаб йилларни белгилашда ҳам фойдаланиш бошланди. Уша даврдан бери қўлланиладиган олтинчи йиллик цикл саналарни белгилашда юз бериши мумкин бўлган янглишишларга тўлиқ барҳам берди. Хитой аптолави тарих фаһи учун Қадимги Хитой тарихини сулолалар бўйича белгилаш характерли жиҳат ҳисобланади. Масалан, афсонавий «беш император» ҳукмронлиги давридан кейин «уч сулола» (Ся, Шанг-Инь ва Чжоу) ҳукмронлиги даври келади. Цинь сулоласи ўрнига (мил. авв. III аср) Хань сулоласи келади. Албатта, сулолавий даврлаштириш замонавий тадқиқотчининг талабларини тўлиқ қондира олмайди. Шу сабабли бир қисм олимлар жамият тараққиёти босқичларини ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланганлик даражаси ва асосий меҳнат қуроллари ясалган металл турига қараб ажратадиган археологик даврлаштиришдан фойдаланадилар. Унга кўра, масалан, «уч сулола» ҳукмронлигидан олдинги давр неолит цивилизациясига мансуб, шанг-инь даврида эса Хитой жамияти бронза босқичига ўтади, чунь-цю даврининг охирида (мил. авв. VI–V асрлар) темирдан меҳнат қуроллари яшаш бошланиб, Хитой темир даврига қадам кўйди.

«Қадимги» тушунчасида Хитой тарихига шисбатан олимлар мил. авв. II миш йилликдан милодий эранинг III асригача бўлган даврга қўллашади. Уша кўра Қадимги Хитой тарихи ҳар бири ҳукмрон сулола бошқаруви билан боғланган тўртта асосий босқичга бўлинади: 1. Шанг (Инь) даври мил.

авв. XVIII–II асрлар (қадимги синфий жамият ва давлатнинг пайдо бўлиши билан характерланади); 2. Чжоу даври – мил. авв. XII асрдан мил. авв. 221 йилгача; 3. Цинь подполиги даври – мил. авв. 221 йилдан мил. авв. 207 йилгача (Хитойда биринчи марказлашган давлат – Цинь империяси ташкил топади); 4. Хань империяси даври – мил. авв. 206 йилдан милодий 220 йилгача (куддорликдан феодал давлатга ўтиш билан характерланади).

Мил. авв. 1764 йилги тўнгариниш туфайли Хитойда Ся сулоласи ўрнига Шанг сулоласи ҳокимиятга келди. Уша пайтда шанг қабиласининг оқсоқоли бўлган Чэн Тан кейинчалик Шанг номия билан аталган янги сулолага асос солди. Бу ном ҳукмрон сулолага ҳам татбиқ қилинди. Шанг сулоласи қулагандан кейин уш ва давлатни «инь» иероглифи билан белгилай бошладилар. Шу сабабли Қадимги Хитой тарихининг биринчи даври Шанг ва Инь (Шанг-Инь) деган иккита ном билан аталади. Чэн Тан Хитойнинг биринчи подшоҳи бўлган. Унинг даврида Қадимги Хитой цивилизациясининг асослари шаклланди ва қадимги хитой халқи таркиб топди. Бу даврнинг энг муҳим маданий ютуғи иероглифли ёзувнинг кашф этилиши бўлиб, бу Хитойнинг кейинги тараққиётида муҳим роль ўйнади¹.

Дастлаб давлат бошқаруви ўзида уруғ-қабилачилик ва ҳарбий демократия қолдиқларини сақлаб қолган. Аммо, тез орада шоҳ тўлиқ ҳокимиятни эгаллаб олишга эришади. Қабилла бошлиқларидан ташкил топган шанг-инь оқсоқоллари яққоҳокимларга айланиб олдилар. Аҳоли ўртасида улар ҳақида «Осмон фарзандлари», ҳокимиятга илоҳий кучлар иродасига кўра эгаллаган, деган тасавурлар шаклланиб боради. Шоҳ биринчи ва энг йирик қуддор, олий ҳарбий бошлиқ, судья ва боп руҳоний ҳисобланади. Барча амалдорлар уч қисмга: фуқаровий амалдорлар; ҳарбий амалдорлар; турли хил маслаҳатчиларга бўлинади.

Шанг цивилизацияси қадимги ҳарбийлашган жамиятга ёрқин мисол бўлиб, унда уруш кундалик ҳаёт тарзига айланади. Уруш, асосан, дushman томонинг уй ҳайвоцлари, дон маҳсулотларини эгаллаш ҳамда аҳолисини асир олиш ушун олиб борилиб, асирлар кейин оммавий қурбонлик маросимларида қата қилинган.

Мил. авв. XII асрда Шанг (Инь) давлати ички зиддиятлар натижасида вужудга келган инқирозни бошдан кечиради. Айни пайтда шанглар ҳукмронлиги остида бўлган чжоу қабиласи кучайиб боради ва Шанг давлатига қарши курашга бир қатор

¹ Қаринг: А.Н.Гужилев. История народа хунца. <http://www.klex.ru/724> – С. 9.

қабилаларни бириктиради. Мил. авв. 1076 йили чжоулар Шанг армиясини мағлубиятга учратади. Шу тарихи Шанг давлати кулаб, ўрнига Чжоу давлати вужудга келади. Қадимки Хитой тарихининг кейинги катта даври шу ном билан боилади.

Чжоу сулоласининг ҳукмронлик даври уш қисмга бўлинади: Ғарбий Чжоу — мил. авв. 1122—743 йиллар, Шарқий Чжоу — мил. авв. 770—403 йиллар, «Урушаётган подшоликлар» даври — мил. авв. 403—221 йиллар.

Ғарбий Чжоу даври Қадимки Хитой давлати ривожланишидаги нисбатан юқори босқич бўлиб, давлат ва уш бошқаринг тизимлари такомиллашади. Ҳокимият тўлиқ олий ҳукмдор — Ван қўлида тўплашади. Ривоятларга қараганда шох Чэн Ван (мил. авв. 1115—1076 йиллар) давлат бошқарувини мустақамлашга қаратилган ислоҳотни амалга оширади. Шохнинг маслаҳатчилари «уч туш» — «буюк мураббий», «буюк муаллим», «буюк ҳомий» деб аталган. Бундан ташқари, давлат ҳаётида учта бошқарувчи анча муҳим роль ўйнайди: бири диний идорани бошқарган, иккинчиси жамоат ишларига раҳбарлик қилган (ер фонди ва ирригация тизимлари ушнинг ихтиёрида бўлган), учинчиси, «отларнинг буюк бошлиғи», ҳарбий ишларга бошчилик қилган.

Барча ҳаракатларга қарамасдан, Чжоулар даврида марказлашган давлат мавжуд эмасди. Ван фақат пойтахт вилоятида доимий ҳукмронлик қиларди. Мамлакатнинг қолган ҳудуди ерга эгаллик қилувчи қишлар — чжухоулар томонидан бошқарилган. Чжухоулар ҳокимиятини Ван қўлидан олади ва маълум вақтда унинг ҳузурига келиб туради, бу князнинг қарамлигини бийдиради.

Мил. авв. IX асрдан бошлаб марказий ҳокимият кучсизланади. Қишлар Ван ҳузурига келмай қўядилар. Зулмнинг кучайиши халқ оммасишнинг норозилитига олиб келади ва улар тоҳди қувиб юборадилар. Кўчмашчиларга қарши олиб борилган муваффақиятсиз кураш ҳам Ғарбий Чжоунинг кулашида катта роль ўйнади, мамлакат бир нечта мустақил давлатларга бўлиниб кетди. Чжоу ванлари кичик бир ўлка — Шарқий Чжоу ҳукмдорларига айланиб қолдилар.

Шарқий Чжоу даври мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги йирик ўзгаришлар билан характерланади. Хунармандчилик ва савдонинг ривожланиши мамлакат ҳаётида савдогарлар ролининг ошишига олиб келди.

Ғарбий Чжоу кулашидан сўнг вужудга келган давлатлар орасида ўзаро кураш кучайиб боради, натижада кучли давлатлар кучсиз давлатларни қўшиб олади. Мил. авв. IV асрдан Цинь под-

шолини кучайди, ўзаро курашларда кучсиз подшоликларни ешиб, мил. авв. III асрда янги Цинь подшолигига асос солади. Циньлар томонидан ўлказилган ислоҳотлар натижасида кулли давлат вужудга келади ва шрофдаги давлатларнинг бўйсундирилиши натижасида кенг ҳудудни бириктирган катта империя шаклланади. Давлатта император (Хуан-ди) бопчилик қилади. Қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти тўлиқ император қўлида мужассамлашади. Мамлакат ўн мишгаб амалдорлардан иборат бўлган аппарат томонидан қаттиққўллик билан бошқарилади.

Ўлказилган ислоҳотлар натижасида киска муддатта мамлакатни жишлантиришга муваффақ бўлиди. Бироқ тобора чуқурлашиб борган ижтимоий зиддиятлар тез-тез содир бўладиган кўзволонларни олиб келди ва улар ичида энг йириги мил. авв. 206 йили юз бериб, Цинь сулоласининг ҳалокати билан якунланади. Мамлакатда янги — Хань сулоласининг ҳокимияти ўрнатилди.

Кўзволон раҳбари, қишлоқ оқсоқоли Лю Бан янги сулоланинг асосчиси бўлди. Ўз ҳукмронлигининг дастлабки даврида Лю Бан қуллар ва деҳқонларнинг аҳолини ешилантиришга қаратилган бир қатор ислоҳотларни амалга оширди. Бу ислоҳотлар жамиятдаги ташлиқни бироз юмшатган бўлса-да, ижтимоий зиддиятларни келтириб чиқарётган асосий сабаблар — қуллар сонининг ошиб бориши ва катта ер эгаллигининг келгайиши жараёниши тўхтата олмади.

Мил. авв. I асрнинг охирида император Ай-ди ер эгаллиги ва қуллар сонини чекловчи қонун чиқарди. Ушга битован ҳар қандай ер эласи 138 га. дан ошиқча ерга ва 200 нафардан зиёд қулга эгаллик қилиши мумкин эмасди.

Марказий ва маҳаллий ҳокимият тизими аввалгидай ўзгармасдан қолди; мамлакат император ноиблари томонидан бошқарилмаган 13 та округга бўлинди.

Сарой тўнтариши натижасида 8 йил ҳокимиятини Ван Мен эгаллаб олади ва 9 йили ўзини император деб эълон қилиб, ижтимоий зиддиятларни юмшатишга қаратилган анча дадил ислоҳотларни бошлайди. Ислоҳотларнинг юзвий илҳомчилари конфуцийчилар бўлди. Ислоҳотларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат эди: ер савдоси тақиқланди; барча ерлар император мулки деб эълон қилинди; қадимки жамоа ер эгаллиги тикланди; қуллар савдоси ҳам тақиқланди; давлат қуллари сонини оширилайиб, улардан армияни шакллантиришда фойдалана бошланди.

Бироқ, ислоҳотлар аҳоли ўртасида ижтимоий зиддиятларни кучайтирди. Натижада 10 йил кўзволон бошланиб, ушга тахтдан

туширилган хань сулоласи пакиллари ҳам кўпнади. 28 йили хань сулоласи кўзрологчилар ёрдамида ўз ҳокимиятини тиклади.

II асрнинг иккинчи ярмида сиёсий туруқлар ўртасидаги кураш туқур сиёсий инқирозни келтириб чиқарди. 184 йили «Сарик боғичилар» кўзролоши бутун мамлакатни қамраб олди. Бу кўзролош жуда катта қийинчилик билан бостирилади – кўшаб аҳоли ҳалок бўлди, катта ҳудудлар бўшаб қолди, шаҳарлар вайрон бўлди. Кўзролошнинг қудратли тўққиллари Хань империясини қулади. 220 йили империя учта мустақил давлатга бўлиниб кетди.

Дин, диний тизим ва дунёқараш

Агар Ҳиндистон – динлар салтанати, ҳиндлар тафаккурида метафизик сафсатабозлик асосий ўринни эгаллаган бўлса, Хитой ўзгача цивилизация мақоли ҳисобланади. Бу ерда мистик абстракция ва руҳни қутқаришнинг шахсий тажрибасига нисбатан ижтимоий этика ва маъмурий бошқарув тажрибаси анча катта роль ўйнайди. Соғлом фикрловчи ва омилкор хитойлик турмуш сирлари ҳамда ҳаёт ва ўлим муаммолари устида кўп ҳам бош қотирмайди, аммо унинг кўз ўнгиде доимо фозиликнинг буюк тимсоли турадики, унга интилиб яшапши ҳар бир хитойлик ўзининг муқаддас бурчи деб биледи. Агар ҳиндларнинг этнопсихологиясидаги характерли жиҳат зоҳидликка, йогага ва зоҳидона роҳибликка, шахсни абсолют билан қўшилиб кетиш истаги (нирвана)га элтувчи ва шу билан унинг абадий руҳини моддий қобикдан ҳалос қилувчи интровертлик¹ бўлса, хитойлик барчасидан моддий қобикни, яъни ўзининг ҳаётини қадрлайди, улар этнопсихологиясида экстравертлик аломатлари устуналик қилади. Хитойда одамларни нариги дунё азобларидан қутулиш ва абадий роҳат-фароватта интилиш эмас, шу дунёда умумий қабул қилинган нормалар асосида муносиб ҳаёт кечириниш кўпроқ қизиқтиради. Бунда хитойликларнинг ижтимоий ва оилавий ҳаётини белгиловчи устувор жиҳат детерминистик ахлоқий рационализм² бўлади.

¹ Интровертлик (лат. Intro – ички ва verso – элтибор қаратиш) – психолог-олим К.Г. Юнг томонидан пайлий жуовналага киритилган ва шахс назарияси билан боғлиқ тушунча бўлиб, шахснинг тини ва таъсиби интровертлик/экстравертлик шкаласи бўйича баҳоланади. Интровертлик шахснинг ижтимоий алоқалардаги босиклиги, ёпиқлиги, тортинчоқлиги ва даъмилигида намоён бўлади. Интровертлар экстравертларга нисбатан пасхив ва ўз ички дунёси билан чегараланган ҳисобланади.

² Детерминистик рационализм – инсон продасининг қонунийлиги ва ақл-идрок биланнинг бирдан-бир манбаи эканлигини аниқловчи фалсафий тушунча.

Диний тизимнинг ўзига хослиги, тафаккурнинг психологик хусусияти, умуман, Хитойдаги маънавий ҳаётнинг йўналиши кўшаб жиҳатларда намоён бўлади. Диний ғоя юқори даражада фалсафий абстракцияга эга эди. Масалан, жуда қадимдан хитойликлар Олий Илохий Ибтидо – Тянь (осмон) ёки Шань-Ди (худо) ҳақида тасаввурга эга бўлганлар. Аммо хитойликлар Осмонни Яҳва эмас, Исо Масих ёки Аллоҳ ҳам, Брахман ёки Будда ҳам эмас. Бу абстракт ва совуқ, инсонга нисбатан талабчан ва бефарқ олий бош умумийликдир. Уни севиш, у билан бирикиб кетиниш мумкин эмас, унга тақдир қилишнинг иложи йўқ, унга қойил қолиш, у билан завқлашини ҳам бефойда. Буюк Осмон ноқобилларни жазолайди ва эзгу шайтанларни мукофотлайди, яъни у Ақл-идрок, Адолат ва Эзгуликнинг буюк тимсоли ҳисобланади. Император «Осмон ўли» деб аталган ва унинг алоҳида ҳомийлигида бўлган. Осмон култи Қадимги Хитойда сиёсийнинг асосий объекти бўлиб қолади.

Қадимги Хитой динининг азаллий принципларида яна бири, бутун мавжудотни икки ибтидога – инь ва янга ажратиш бўлади. Бу тушунчаларнинг ҳар бири кўп қиррали, аммо, биринчи навбатда, янғ эркалик ибтидосини, инь эса аёллик ибтидосини аниқтайди. Янғ ёрутаник, ёрқинлик, мустақкамлик ва кучлилик каби сифатлар билан боғлиқ ҳолда қаралади ва энг умумий маънода ижобий сифат ҳисобланади. Аёллик инь эса ой билан боғлиқ, барча қоронғу, зимистон ва кучсиз сифатлар ибтидоси деб қаралади. Иккала ибтидо ҳам бир-бири билан узвий боғланган, уйғун тарзда бир-бирига таъсир кўрсатади ва бутун кўриниб турган олам шу таъсирнинг натижаси ҳисобланади.

Мил. ав. III асрда Хитой ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида жиддий ўзгаришлар бошланади. Босқичма-босқич, аста-секин қуддорлик барҳам топиб боради. Ўзига хос, «шарқона» кўринишдаги феодал муносабатлар¹ шаклланади. Маънавий ҳаётда жиддий ўзгаришлар юз беради, давлат тизи-



Инь ва янғ.

¹ «Феодал муносабатлар» тушунчасини унинг марксизм маъносиде Хитой тарихининг бу давридаги муносабатлар турини таърифлаш учун қўллаб бўлмайди. Бу муносабатлар европалликлар тушунчасидеги шахсий ҳовийликка кўпроқ мос келди. Хитойда марказий ҳокимиятнинг таъсир доми шаҳарлар бўлган. Қаранг: Елисеефф В., Елисеефф Д. Цивилизация классического Китая. http://thebiglibrary.ru/load/istorija/civilizacija_klassicheskogo_kitaja_vadim_eliseeff_daniel_eliseeff/12_1_0-1026. – С. 105.

ми ва унинг маънавий асослари қайта тапқил қилинади. Шу маънода конфуцийликнинг пайдо бўлиши Хитой тарихида бурилиш нуқтаси бўлади.

Конфуцийлик¹ Хитойнинг дастлабки донитомандларидан бири Кун. Кун-цзи ёки Кун-фу-цзи бўлган. Бизга бу исмиш латинчалаган кўришиши – Конфуций кўпроқ маълум. Конфуций тафаккур тараққийнинг мислига гуллаб-яшнашини. Хитой маданияти асосларининг яратилиши даврини бошлаб берди. Олимлар орасида кенг тарқалган фикрга қарамасдан, уш том маънода Хитой динининг асосчиси деб бўлмайди. Унинг исми кўпишча Заратуштра ва Будда билан ёнма-ён айтилса-да, дин ва эътиқод масалалари уш дунёқарашда унча катта аҳамият касб этмаган.

Конфуций ҳайратланарли даражада оддий, ҳатто, зоҳидона ҳаёт кечиринишга қарамасдан, бу инсон ўз халқининг маданияти тарихида жуда катта из қолдирган ва ватандошлари орасида унинг обрўси доим юқори бўлган. Хўш, Конфуций таълимотишнинг кучини нима билан изоҳлаш мумкин?

Конфуций мамлакат бирлаштиридан уч аср илгари. Хитой ҳозирги ўз ҳудудининг кичик бир қисмини эгаллаган даврда яшаган. Анъанавий тарихпunosлик бу даврда мамлакатни чжоу сулоласи (мил. авв. 1122 – 249) бошқарган деб ҳисоблайди. Аслида ҳам «Осмон ўғли» мақомига эга бўлган бу сулола вакиллариининг обрў-элибори юқори бўлган, лекин уларда реал ҳокимият бўлмаган. Чжоу ванлари муқаддас шахслар саналиб, Осмон уларга «ишониб топширган» мамлакатда фақат маросимий вазифаларни бажарарди, холос. Ҳақиқатда Хитой бир қанча йирик ва майда подшоликлар ва князликларга бўлишиб кетган бўлиб, Конфуций шулардан бирида – Хитойнинг шарқдаги Лу подшолигида туғилган ва бутун умр шу ерда яшаб ўтган. Цивилизациявий оқимлардан четда жойлашган бу подшоликка қачонлардир (мил. авв. X асрда) қишлоқ Чжоунинг ўғли Бо Цишинг ўзи асос солганлиги билан аҳли гурулангиб торарди. Ривоятларга қараганда Конфуцийнинг отаси жангчи Шулин Хэ бўлиб, унинг биринчи хотинидан тўққиз нафар қизи ва иккинчи хотинидан икки нафар ўғли бор эди. Эрақ ворис қолдириниш ниётида Шулин Хэ 70 ёшга кираганида 16 ёшли Чжанцзэйга уйланади. Мил. авв. 551 йил 22

¹ Қаранг: Каравин К. М. Конфуций // Будда. Конфуций. Саванарола. Торквемади. Лейола, СПб., 1993. Мартынов А.С. Конфуцианство: классический период. СПб.: Азбука-классика: Петербургское Востоковедение, 2006; Мартынов А.С. Конфуцианство: эпоха развития. СПб.: Азбука-классика: Петербургское Востоковедение, 2006.

сентябрда, кузги тенг кунликда ушш учияти хотини соёлом, аммо унча хушрўй бўлмаган ўғил туғди. Мил. авв. II асрда тарихчи Сима Цян ёзишича, боланинг бошида гурра бўлган, шу сабабли уни Цю (теңалиқ) деб атаган. Цю икки ёшга кирганда отасидан айрилади, ўн тўрт йилдан кейин эса онаси ҳам вафот этади. Конфуцийнинг биринчи лавозими раёла оғборида кичик амалдорлик бўлди. Кейин эса бошиқа бир зодагоннинг хонадонига хизматга киради. Маросимлар ва мусиқани яхши билганлиги туфайли 27 ёшида бош қозинга қурбонлик маросимларида кўмаклашувчи ёрдончи бўлиб ишга киради.

«Мен ўттиз ёшда оёққа турдим», – деб ёзади кейинчалик Конфуций.

Ўзининг билими туфайли у Лу подшолигида машҳур бўлади ва бу давлат подшоҳи Чжоун-Гуи уш саройга яқинлаштириб, қабул маросимларига таклиф қилади. Ўз билимларини мукаммаллаштириб бориб, Конфуций ҳамма вақтини чжоуларнинг маросим рақсларини тизимлаштиришга, халқ кўшиқларини тўплашга, тарихий матнарни тузишга ва энг асосийси, сеvimли машғулот – ўқитувчиликка бағишлайди. Конфуций келиб чиқши буйича зодагонлардан эди. Лу подшолигида у юноларнинг академиясига ўқшаш, мақсади донитомандликни излаш ва уни ўқитиш бўлган тизимни яратди. Уш пайтда Хитойда ҳукмронлик қилган қонунсизлик ва тартибсизлик Конфуцийни қаттиқ ранжитди. Бу ҳол уни энг яхши бошқарув ва яхши ҳаёт идеалини яратишга ундайди. Аммо бу давр жанжалли ва жўшқин замон эди, Конфуций воқяларидан ҳеч ким фойдаланишни истамди.

Маъқум ва воқялик муаммолар Конфуцийни қизиқтирмасад, ушш таълимотида нариги дунё, барибир, илтирок этади: қадимги худо – Осмон – энг олий бахт-саодат ва уйғунлик тимсоли, олий намуна сифатида қаралади. Шу сабабли конфуцийликнинг асосий тамойиллари самовий уйғунликка таклид қилишга таялади, зеро улар инсонни ерда ҳам Адолат Подшолигини ўриятишга ундайди.

Файласуфнинг фикрича, давлат таяниши лозим бўлган устунлар садоқат ва иттиқдир. Жамият ҳаётининг барча жаҳдаларида ана шу икки унсур ҳукмрон бўлиши керак. Болалар ота-оналарига, кичиклар катталарга, фуқаролар ҳукмдорга садоқат кўрсатмоғи ва иттиқда бўлмоғи лозим. Аммо давлат ҳам фуқаролар ҳақида ваъжурлик қилишга мажбур, деб ҳисоблайди файласуф¹. Конфуцийнинг шогирдларидан бири

¹ Қаранг: Конфуций. Я перво в древность. – М., 1995.

Мэн-цзи (Менций) конфуцийлик қилари ва принциплариши шакллантириш ва тартиб қилишда устозидан ҳам ўтиб кетади. Мэн-цзи: «Оддий инсон ер юзидаги ҳаммадан улур ва қадри, ундан кейин даҳолар туради ва фақат ундан кейинги ўрини ҳукмдор эгаллайди», деб ёзади. Шу битта, мазмуни бўйича қадимги деспотияларнинг энг асосий сиёсий аксиомасига мулақоқ зид бўлган жумла билан Хитойнинг бошқа биронта қадимги монархия эриша олмаган тараққиёт чўққисига етишганилиги исботланади. Дарҳақиқат, шоҳлар ва қоҳинларнинг истибодидан қутулиш учун ҳиндлар ўзларини касталик заңжирларига китпанлашдан яхшироқ ҳеч нарса ўйлаб топмади; Миср ва Халдея эса бу соҳада янада сустроқ ҳаракат қилдилар¹.

Инқилобий руҳ, ғазаб руҳи – бу тараққиётнинг муҳим омилли – у ёки бу шароитда ҳар қандай мамлакатда пайдо бўлади. Узоқ асрлардан сўнг бу руҳ Хитойда ҳам пайдо бўлди. Конфуций асарларида инқилобий ва анархистик воқаларнинг узоқ садосини эшитиш мумкин. Масала, Шу-цзиннинг биринчи китобида: «Ким бошқалар устидан ҳукмронлик қилса, доимий қўрқинида бўлиши керак эмасми?» – деб ёзади допишмад. Мэн-цзи янада олдинилаб кетади ва ўз қарашлари учун замонавий ҳукуматларнинг кўпчилиги томонидан таъқиб қилиниши мумкин эди. У бир асариде: «Барча одамлар тенгдир, гар шундай экан, улар нима учун ҳукмдорлар ва тобеларга бўлиниши керак? Халқ очликдан ўлаётган ва ўликлар катта йўлларда ётган бир пайтда, бошқа бировларнинг ошхонасида пириш ва мўл-кўл овқатлар тайёрланса ва отхоналари отларга тўла бўлса, бу бизни ёввойи ҳайвонлар, халқни эзаётган зolimлар бошқараётганлиги учун юз бермаяптими? Агар шоҳ, халқнинг отаси, ёввойи йирткичга ўхшаш бўлиб қолса, уни ўз фуқароларининг отаси деб аташимиз мумкинми? Агар меннинг шохим яхши бошқариш лаёқатига эга бўлмаса, унга қароқчинга боққандек қарашга меннинг ҳаққим бор»², – деб ёзади.

Мил. авв. VI асрга келиб Хитойда таълим тизими вужудга келди. Мил. авв. 532 йили Конфуций Шу-цзи («Маълумотли кишилар мактаби») га асос солади. Бу ерда тарих (Шу-цзин),

¹ Қаранг: Мечников И.А. Цивилизация и великие исторические реки. <http://ruknig.net/books/23844-tsivilizatsiya-i-velikie-istoricheskie-riki/>. – С. 269.

² Қаранг: Мечников И.А. Цивилизация и великие исторические реки. <http://ruknig.net/books/23844-tsivilizatsiya-i-velikie-istoricheskie-riki/>. – С. 269–270.

поэзия (Ши-цзин), маросимлар (Ли-цзи), эҳтиромли фарланлар қонуни (Сю-цзин) ва мусиқа қондалари (Юэ-цзин) ўргатишган; таълимнинг охири босқичи «Ўзгаришлар китоби» (И-цзин)¹ ва фол очил қамда гексограммаларнинг² таърифлаш қондаларини ўрганиш билан якулланган.

Мактабга турли ижтимоий навке ва ёшдаги кишилар, кўпинча ўғиллари билан бирга оталари ҳам келарди. Мактаб Конфуцийга катта моддий бойлик келтирмади, аммо устознинг шуҳрати кун сайин ортиб борди. Конфуцийнинг шогирдлари турли подшоликларда муҳим давлат лавозимлариши эгалладилар.

Конфуций, аввало, шу фоний дунёнинг муаммолари билан яшайди. У ҳаётнинг моҳияти тўғрисида ўйламайди, худо ва абадий ҳаёт масалалари унинг ҳаёлини банд этмайди. Уни табиат сирлари ва инсон ҳаётининг фожиаси ўйлантиради. Жамиятнинг сокин ривожланиш йўлини топиш унинг учун энг муҳими эди. Бу, Конфуций олий ибтидои рад этган, дегани эмас. Олий ибтидо уни кам қизиқтирарди, унинг учун узоқ ва манҳум бўлиб кўринарди.

Конфуций барча сирли ва тушунарсиз парсалардан ўзини олиб қочган. У ибодат қилишни шарт эмас деб ҳисобларди, зеро Осмонни қиёфасиз Тақдир тарзида тасаввур қиларди.

Шунингдек, у руҳлар ва сирли кучлар тўғрисида ҳам эслашни ёқтирмайди. Абадий ҳаёт ва ўлим ҳақидаги саволга Конфуций: «Ҳаёт нималигини билмаган бизлар, ўлим нималигини қаёқдан ҳам билардик», деб жавоб беради. Аммо шунга қарамасдан, этиқод унинг кўз ўнгиде биринчи даражали аҳамият касб этган, зеро, этиқодда у умумий ахлоқий-сиёсий тартибнинг энг муҳим жиҳатини кўрарди.

¹ «Ўзгаришлар китоби» – И-цзин узоқ вақт оддий фол очил китоби сифатида қабул қилинган. Немис олим Мартин Шонбергернинг И-цзин тилханага базишлаб ёзилган ва 1973 йили нашр қилинган китоби И-цзинни илмий ўрганиши бошлаб берди. И-цзин ҳозирда айрича олимлар томонидан аждодлардан қолган илмий жумбоқ сифатида қарилмоқда. Бу ҳақда бетиқсил қаранг: Маслов А.А. Утраченные цивилизации: в поисках потерянного человечества. – Ростов н/Д: «Феникс», 2005. – С. 23–60.

² И-цзин матни верогиформдан ташқари икки хил хислатли – горионтал – «ян» (эрхаклик, фол куч белгиси) ва ўртда ўнлишлари бўлган – «инь» (дёллик, насин куч белгиси) белгилардан ҳам ташқил тошган. Ҳар бир белгиде шундай хислатларнинг олтиниси турли комбинацияда жойлаштирилган. Ҳаммаси 64 та белги булиб, китобча «гуа» деб аталади ва бутун олам жарайиши ҳолатларнинг навбат билан алмашинуви тарзида таъбирлайди. Европада гуаги «гексограмма» деб аташ қабул қилинган.

Пифагор ва Сукрот сингари Конфуций ҳам ўз таълимотиини ёзма тавсифини қолдирмаган. Аммо донишмандиш дўстлари ва издошлари униш айтганларини «Лунь-Юй» – «Муҳокамалар ва суҳбатлар» номли китобга ёзиб қолдиришган. У устоднишг ҳеч қандай тизимсиз тақлаштирилган алоҳида иборалари тўпламидан иборат. Тўпламда Конфуцийниш сўзлари билан бир қаторда, 22 нафар шоғирдлариники ҳам келтирилган бўлиб, Сима Цянишг ёзишича уларнинг сони «уч мингдан ортиқ» бўлган. «Лунь-Юй» Хитойда жуда омманган бўлиб, ўзини саводли ҳисоблаган ҳар бир хитойлик унишг маъини биланиш лозим бўлган.

Рисола хитойликларнинг миллий характери шаклланишида катта роль ўйнади. Конфуций мурожаат қилган барча муаммолар инсон ва инсоний муносабатларга ҳос эди. Шу боис унишг таълимоти Хитойда халқ характерининг тақлалишига салмоқли таъсир кўрсатди. Бу диний-фалсафий таълимотига мувофиқ Хитой жамиятининг барқарорлиги одамлар ўртасидаги тенгсизликка асосланади. Шунинг учун ҳам ижтимоий муносабатларда жамиятдаги табақаланишни ҳурмат қилиш лозим, хўжайиннишг ҳоқимини муҳокама қилиниши мумкин эмас. Лекин хўжайинлар ҳам, ўз навбатида, ким ўзининг тобелигиши ва садоқатини намойиш қилса, уларни ҳимоя қилишлари, уларга сакхийлик қилишлари шарт. Хитойда хўжайинларга қарши чиқиш одати бўлмаган.

Ҳозирга қадар хитойча исм-шарифларда, сирозаликларникидан фарқли равишда, насаби шахснинг исмидан олдин кўйилади: аввал уруш, кейин шахс. Хитой маданиятида жамоадан ажралган шахс билан боғлиқ бўлган барча нарсалар жуда паст маънога эга. Маънавий муҳаббат ва меҳр жисмоний яқинликка нисбатан анча ҳурматга лойиқ тўғри ҳисобланади, айнан маънавий муҳаббат жамоавийликни мустақкамловчи асос деб тушунилади. Лекин хитойликларнишг тасаввурига кўра, фақат шахснинг жамият олдидан эмас, жамиятнинг ҳам шахс олдидан мажбурияти мавжуд, бу ўзаро мажбуриятлар ҳеч қандай шартларсиз бажарилиши лозим. Жамоавийлик психологияси миллий характерда чидамлик, қарам-қаршиликдан қочиниш каби белгиларни шакллантиради. Эзгуликка иштилош олдидан ҳақиқат излаш иккичи ўрнига чекилади, чунки яқиний мақсад муноосибликка ва ҳамкорликка эришиниш бўлади. Хитойликлар учун «ўзликни саклаш» муҳим ҳисобланади, улар ўз обрўсиши, қиёфасини йўқотиниш хавфи олдидан очикча эидишга бормайдилар. Лекин жамоавийлик қондаларинишг кучлилигига қарамасдан, хитойликларда шахсий маънафог бу қондалар соясида бутунлай йўқ бўлиб кетмайди. Буни

Хитойда кеш тарқалган қуйидати мақолдан ҳам билса бўлади: «Умумий ўчоқ учун деч қамшинг ўтин тапитиси келмайди».

Шунингдек, хитойларнишг миллий характерига камтарлик ва зоҳидликни, тартиблилик ва ўжарликни, тежамкорлик ва меъёрийликни, камсукумлик ва чидамликни, самизийлик, садоқат, хушмуомалалик ва ашъаналарни ҳурмат қилиш, ишонч, фидойилик, бурч тўғрисиши ва ўз нуруриши саклашни ҳам китритиш мумкин. Хитой маданиятида маънавий қадриятлар пулдан ва бир зумлик фойладан юқори кўйилади.

Қарийб барча ҳолатларда хитойликлар интизомли ва хушмуомалали бўлишга иштиладилар. Улар табиий меҳмондўстликни ва хушмуомалаликни намойиш қиладилар. Болқалардан ажралиб турмасликка интилиш, ўз нурурини пасайтиришга мойилик ҳиссини келтириб чиқаради. Шу тарзда, масалан, лиёфат пайтида қадахларни уриштираётган хитойликлар онгли равишда ўз қадахларини меҳмонликдан паст тутадилар.

Баъзи олимларнинг фикрига кўра хитойликлар дунёнинг «ягона ишончи» образини изламайдилар, уларга кўлаб халма-хал локал маданиятлар ичида ўзликни ашъанга интилишнинг анча суст ҳолати ҳос. Хитойликнинг ҳаётий идеали – пулғани меҳнат эмас, байрамона руҳ, ички хотиржамлик, яъни «ҳаёт тарзининг расмий қондаларини мазе қилиб япаш билан мослаштиришиди»¹.

Конфуций мил. ав. 479 йили 73 ёшида вафот этди.

Мил. ав. 174 йили император У-ди Конфуцийнинг қабри устида қурбонлик маросимини бажо келтиришдан сўнғ устоз миллатинишг энг буюк донишманди ва Осмон вақили деб эълом қилинди.

Император У-ди даврида Конфуцийлик давлатнинг расмий мафкураси деб эълом қилиниб, файласуф таълимоти давлат имтиҳонлари тизимига асосий фақ сифатида киритиладди. Фақат Конфуцийлик таълимотини жуда яқини билган кишини на давлатда бирод-бир лавозимга даъво қилиниш мумкин эди. 1911 йилгача шундай бўлиб қолди.

Даосизм

Конфуций билан деярли бир пайтда Хитойда Олий Қонун, Олий Ҳақиқат ва Адолатнишг ўз ичига олган концепция ишлаб чиқилди. Бу концепциянинг асосчиси мил. ав. VI асришг охирида япган файласуф Лао-цзи бўлди. Лао-цзи фалсафаси Хитой маданиятининг барча соҳа-

¹ Қаринг: История мировых цивилизаций: учебное пособие / коллектив авторов; под науч. ред. Г.В.Духач, Т.С.Панипатовой. – М.: КНОРУС, 2012. – С. 360–361.

² Батафсиз қаранг: Вонг П. Даосизм. <http://www.dynipr8.de/de/books/product/19529/357>.

ларига — фан, адабиёт, саяхат, сийсий таълимот, астрономияга жуда катта таъсир кўрсатди. Натихада, файласуфнинг ўлимидан саккиз аср ўтгандан сўнг Лао-цзи издошларидан бири Чжан Даолин (Чжан Ши) унинг таълимоти асосида хитойликларнинг яши дини — даосизмга асос солди. Бу воқеага доир афсонада айтилишича, Лао-цзи мил. авв. 145 йили Хөминшнинг тоғига келиб, Чжан Даолинни ўзининг ердаги «вақили» этиб тайинлайди ва яши дунёвий тартиб тўғрисидаги таълимотни эълон қилади. Шу даврдан бошлаб гўё Лао-цзи бу дунёнинг ишларини Чжан Даолин ва унинг авлодларига топшириб, ўзинсон қиёфасида бошқа қайта тутилмайди, деб ҳисобланади.

Манбаларда Лао-цзининг таржиман ҳолига тааллуқли ёзувлар бўлмаганлиги сабабли айрим замонвий тарихчилар уни афсонавий шахс деб ҳисоблашади. Қадимги Хитой тарихчиси Сима Цянининг таъкидлашича, Лао-цзи Чу подполитидан бўлган ва дастлаб Ли насаби билан аталган. Унинг биринчи исми — Эр, иккинчиси — Дан бўлган. У кўп йиллар давомида подшо саройи архивининг бош назоратчиси лавозимида ишлаган, аммо ахлоқнинг умумий тушқунлигини кўриб истейфота чиқади ва «варбга кетади». Унинг кейинги тақдири ҳақида ҳеч нарса маълум эмас. Лао-цзи подшолик чегарасидан ўтаётиб, чегара назоратчисига ўзининг ягона асари — «Дао дэ цзин»ни қолдиршига рози бўлади. Бу асарда даосизмнинг асослари баён қилинган эди. Шу тариқа Қадимги Хитойда тизимли дин пайдо бўлди.

Жуда қадимийлиги сабабли бу кичкина рисола ўзидаги фалсафий фикрнинг қудрати билан ҳозиргача кишиларни ҳайратта солади. Лао-цзи доктринасининг марказида буюк Дао тўғрисидаги таълимот ётади. Бу тушунча шунчалар кўп қирралики, унга аниқ бир тариф беришнинг деярли иложи йўқ. Дао сўзма-сўз таржимасида «Йўл» дегани, аммо хитой тилида худди зотино тилидаги «Логос» сизгари жуда кўп маънони аниқлатади. Бу сўз билан, жумладан, қонда ва тартибни, мазмуи ва қонунни, олий руҳий моҳиятни ва шу моҳиятта сипдирилган ҳаётни белгилеганлар.

Демак, Дао бутун борлиқнинг манбаи ва ҳамма нарсадан устун туради. У жисмсиз, поаник ва номғалум. Дао — руҳий ибтидо, шу сабабли уни кўриш, эшитиш ва ҳис қилиш орқали ҳам аниқлаш мумкин эмас. Моддий олам ундан чексиз настрада туради. Шу сабабли файласуфлар Дао — Фашо (йўқлик) дейишга журъат қиладилар. У тоғлар, дарахтлар ва одамлардан бошқача ҳолатда мавжуд. Унинг реаллиги ердаги ҳиссий реалликдан анча устун туради. Лао-цзи айтадики, Даоши аниқлаш нисон ҳаётининг асосий мазмуни бўлмоғи керак.

Милодий эрнинг биринчи асрларида Лао-цзи ўз издошлари томонидан плохийлаштирилади ва Даонинг тинсоли сифатида қабул қилинади. У «Олий хоқон Лао» (Тайшан Лао-цзиюш) ёки «Сарик хоқон Лао» (Хуан Лао-цзиюш) номи билан даосизмнинг энг олий маъбулларида бирига айланади.

II асрнинг охирида «Лао-цзининг бошқа қиёфага айланишлари ҳақида китоб» пайдо бўлади. Унда айтилишича, Лао-цзи олам пайдо бўлишидан олдин мавжуд бўлган, у «Ер ва Осмоннинг асоси», «барча маъбуллариини ҳукмдори», «янь ва яининг аждоди» бўлган. Шу тариқа Лао-цзи бутун борлиқнинг ибтидоси, ҳаёт тарзи саналган. Китобда бу маъбуднинг трансформациялари ҳақида ҳикоя қилинади. Унда айтилишича, Лао-цзи 9 та «ички» қиёфа алмаштиришлардан ташқари, бир нечта «ташқи» ўзгаришларга ҳам из тутган ва умарда ўзини оламга намоён қилган. Бир неча бор у қадимдаги донишмад давлат бошлиқларининг маслаҳатчиси сифатида намоён бўлади. Унинг энг муҳим мужассамликларида бири м.л. авв. VI асрда ваппитт маслаҳатчиси ва архив хизмачиси Ли Дань (яъни, Лао-цзининг ўзи) кўринишида намоён бўлишидир. Шундан сўнг у фақат Хитойда эмас, дунёнинг бошқа жойларида ҳам яна бир неча марта пайдо бўлади. Ўрта асрларда Лао-цзининг намоён бўлишларидан бири Будда ҳисобланган, зеро Будда таълимоти билан Лао-цзи тоғлари ўртасида жуда кўп ўхшашликлар мавжуд.

Адабиёт Юқорида қараб чиқилган цивилизациялардаги сингари Хитойда ҳам адабиёт соф эстетик ҳодиса бўлмасдан, амалий фаолиятнинг ажралмас қисми сифатида пайдо бўлди. Хитой тилидаги дастлабки ёзувлар фол очиш матилари бўлиб, улар ўткир асбоб билан топбақанинг косасига ёки кўйини курак сувига, кейинчалик эса бронзадан тайёрланган маросим идишларига ёзилган. Мил. авв. I асрдан бошлаб бамбук таёқчаларига ёзила бошлади. Бу даврда энг кичик китоблар ҳам қанчалик ноқулай ва катта бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин. Мил. авв. III асрдан бошлаб хитойликлар шойидан ёзув материали сифатида фойдалана бошладилар. Аммо бу матонинг жуда қимматлиги милодий эрнинг бошларида қорознинг катф қилинишига олиб келди ва ёзув омманинг мулкига айланди.

Ёзма сўзга бўлган утилитар-амалий муносабат қадимги хитойликлар «сўз саяхати» — «вэнь» (дастлаб — расм, нақш) деб атаган терминда ўз ифодасини тошган. Вэнь иероглифи пиктограмма — тагуировкали одамиш акс эттирган деб ҳисобланган. Конфуций даврига келиб, яъни мил. авв. VI асрда вэнь ёзма сўзни ва шунга мувофиқ қадимги донишмандлар ўз асарларида қолдирган меросни аниқлата бошлади.

Хитой мифологияси ҳақидаги бизнинг тасаввурларимиз орзакки сабаб ёдгорликлари асосида шаклланган бўлиб, улардан дастлабкилари уруғ қабила тузумининг охирига, сўнгилари эса милодий эрнинг бошларига тўғри келади. Бу жуда хиёма-хил материал: маросим мадҳиялари ва фалсафий ёдгорликлар, тарихий тўпламлар ва шеърлий асарлар, география, астрономия ва бошқа фанлар бўйича каталоглардан иборат. Қадимги адабиётнинг ана шу хиёма-хил материалларида мифология яшайди, қайта баҳоланади, янги шакллар касб этади. Бу даврга келиб мифология ўзининг тарихий миссиясини бажариб бўлган, унинг ўрнига янги дунёқараш шаклланган бўлса-да, мифология қадимги даврнинг охиригача ўз долзарблигини йўқотмайди.

Мифологиянинг мақсади оламни билиш эди, билишнинг қуроли эса образ ва фантазия бўлиб, уларда ўша пайтда ашланмаган, бироқ кейинчалик мифологиянинг тараққиётини белгилаб берган илк бадиий ижод намуналари акс этади.

Мифология – бу оламнинг яқунланган ва мукамал тасвири. Оламнинг тартибсиз жойлашган ва мўъжизавий кучга эга бўлган кўпилаб хиёма-хил кучлардан ташкил тошганлиги ҳақидаги тасаввурдан бошлаган ишсон, бу кучларни фетишлар, бутлар ва сасамларга айлантиради, яшаб қолиш учун уларга сивиниш, хизмат қилиш лозимлигини тушунади ҳамда мифологияда хаос кучларига қарши курашиш мумкинлигини ашлаш даражасига етиб келади ва ёвузлик кучларини ешиб, одамларга эгулик олиб келувчи қаҳрамонларни яратади. Ишсон аста-секин кўрқинчлардан халос бўлган оламни яратади, унда маълум тартибни шаклантиради.

Бу борада Хитой мифологияси жуда бой. Хитой афсона-ларига кўра оламшумул хаосда дастлаб Пань-гу Хуан исми паҳлавон пайдо бўлади. У улкан болта билан ибтидоий хаосни шарчалаб ташлайди. 18 минг йилдан кейин хаоснинг тоза бўлаги юқорига кўтарилади ва осмонни ташкил қилади, лойқа, хира бўлаги эса пастга тушиб ерни шаклантиради. Шу тариқа биз билган олам пайдо бўлади.



Пань-гу Хуан.

Мифологиянинг ўрнига келган фалсафа оламни уйғун ва тартибга келтирилаган бир бутун ҳолда таърифлайди.

Албатта, Хитой мифологиясидаги оламнинг пайдо бўлиши, унинг уйғунлиги муаммоси фалсафа билан бир пайтда адабиётда ҳам акс этади. Қадимги Хитой адабий анъаналарининг илдизи милоддан аввалги биринчи миш йилликнинг бошларидаги халқ орзаки

ижодига бориб тақалади. Бу даврда поэтик анъаналар (халқ ва маросим кўшиқлари) билан бир қаторда, проза анъаналари (тарихий ҳужжатлар) ҳам шаклланди. Адабий анъаналарнинг бу икки туридаги асарлар Конфуций ва унинг баъзи бир шогирдлари томонидан ёзиб олинган ва қайта ишланган. Улар бу асарларга «Кўшиқлар китоби» ва «Ҳужжатлар китоби» деган номларни берганлар. «Кўшиқлар китоби» – бутун мамлакат бўйлаб кезиб юрвчи уста бахшлар томонидан мусиқа сандолари остида ижро этиладиган поэтик асарлар тўплами эди. Цюан Юаннинг (мил. авв. 340 – 278 йиллар) «Чус бандлари» асари хитой поэтик анъаналарининг давоми бўлиб, у ҳам Хитой адабиётининг энг қадимги муаллифлик асари ҳисобланади. Хитой поэзиясининг етакчи жанрларига оди-фу (ритмик проза ёки прозаик шеърлар), юэ-фу кўшиқлари (маросимий кўшиқлар, халқ кўшиқлари ва муаллифлик асарлари), шунингдек, ши – шеърлар (асл-муаллифлик лирикаси) киради.

«Кўшиқлар китоби» сиғари асарлар билан бир қаторда, конфуцийлик қоидаларига бағишланган асарлар ичда машхур «Тарих китоби» ва, айниқса, Бань Гунинг библиографик тўпламида келтирилган «Баҳорлар ва Кузлар» солнома-си сўзсиз катта бадиий қийматга эга. Қадимги солномачилар қаторида «Баҳорлар ва Кузлар» китобига мил. авв. IV асрда «Цзо солномалари» номли шарҳлар ёзган Цзосю Миш билан бир қаторда Бань Гу ва машхур «Тарихий хотиралар» китобининг муаллифи Сима Цынь (мил. авв. 145 – 86) ҳам бор эди. Сима Цынь ўз асарини расмий тарихий ёдгорлик сифатида яратган. У ўзининг поэтик тили ва бой ифода услуби билан ҳамда прозасининг қудратли таъсири, жамият ва шахс тақдири муаммоларини чуқур тушуниши ва байн қила олиш маҳорати билан кўп асрлардан бери ўқувчиларни ҳайратга солиб келмоқда. Мамлакат тараққиётига ўз ҳиссасини кўшиб, тарихда номини қолдирган бирорта шахс ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, Сима Цяньнинг эътиборидан четда қолмаган.

Машхур хитойшунос олим Э.Шаванн Хитой тарихий солномаларини «дунёдаги энг ҳайратли тарихий ёдгорликлардан бири» деб баҳолаган.

Мумтоз матнарининг йирик ва илк шарҳловчиларидан бири Чэи Сюань (127 – 200) эди. Унинг шарҳлари даосизм ва буддизмнинг айрим томонларини қабул қилган ва конфуцийликка ҳиссиётлилик ҳамда метафизик тус берган Чу Ци (1130 – 1200) мактаби пайдо бўлганга қадар шундай асарлар учун намуна бўлиб хизмат қилди. Чу Ци ўз таълимотининг моҳиятини Ма-

росимлар Китобининг иккита — «Буёқ таълимот» ва «Пасткаплик ҳақида трактат» бобларида асослаб беради.

Янги эра бошларида Хитой поэзияси ҳам шиддат билан ривожланиди: мураккаб шеъринг метр яратилди, шеър ва қофия назариялари ишлаб чиқарилди, сўзлар қофияли жойлаштирилган фонетик луватлар тузилди. Шунингдек, ритмик шакли бадиий проза (улар шеърга ўлаш бўлган) пайдо бўлди ва соф прозаик асарлар (ажойиботлар ҳақида ҳикоялар ва халқ афсоналари) яратилди. Бадиий ташқи ва адабиёт назарияси шакллани бошлади.

Тан сулоласи даври Хитой поэзиясининг олтин асри ҳисобланади. Бу даврда дунёга машҳур шоирлар — Ли Бо, Ду Фу, Лю Цзунюань, Мэн Хаожань кабилар ижод қилдилар. Хитой адабий тили ислоҳ қилинди, халқ ижоди асосланган, лиски адабий тилда ёзилган машҳур тан новеллалари пайдо бўлди. Тан сулоласининг охирида жонли сўзлашув тили яқин бўлган тилдаги биринчи адабий асарлар — бянъ-вэн жанридаги адабиёт юзага келди.

Сун сулоласи даврида янги поэтик жанр — цзи ва сўзлашув тилида ёзилган биринчи асарлар (пинхуа) пайдо бўлиб, улар дастлаб кўча ҳикоячилари учун либретто сифатида ёзилган эди. Кейинчалик, сўзлашув тилида ёзилган адабиёт ривожланганидан сўнг Хитойда ҳозирга қадар машҳур бўлган романлар — «Уч подшолик», «Дарё қўлтиқлари», «Ғарбга саёҳат», «Олтин вазадаги олхўри гуллари», «Болохонадаги туш» каби асарлар яратилди.

Хань империяси даврида Хитой жамияти интеллектуал ҳаёт тарзи ва ўз маданиятининг мазмунига кўра Александр давридаги юнон маданиятини эслатади. Македониялик Александр империяси ташкил топгандан кейин ўз чегараларини кенгайтириб,



Аянқдан тошдан ёлбар-одим ҳайкали. Мил. ав. II эринг йиллик.

уни Шарқ — Эрон, Ҳиндистон ва Ўрта Осиё маданияти билан бойитгани сишари, Хитой маданияти ҳам Хань империяси давридан бошлаб кўпчи мамлакатлар — Корея яриморали, Индонезия ва, ҳатто, Японияга кириб боради. Эллини олами мамлакатлари учун юнон тили билим ва маърифат тили, юнон адабиёти жа маърифатчилик белгиси бўлганидек, Хитой тили ва адабиёти ҳам атрофдаги халқлар учун шундай роль ўйнайди. Айни шайда Хитой маданиятига бошқа халқлар, эн аввало, Ўрта Осиё халқлари маданиятининг кириб бориши кузатилади¹

¹ Древнеэллинская литература. Поэзия древности. <http://www.abitur.ru/cabinet/564/623/625/645/654/11654.html>. — С. 190.

Санъат. Ҳайкалтарошлик

Хитой ҳайкалтарошлиги сарчашмалари Иш ва Чжоу даврига бориб тугашади. Хань давридан саркарда Хо Цюй-биннинг қабрида дунманни тешкилаётган отини тош ҳайкали сақланиб қолган. Хань даврига оид қабрларда хизматкорлар, музикатчилар, раққосалар ва турли хайвонларнинг лойдан ясалган ҳайкалчалари кўплаб учрайди. Хань даври давомида одамларнинг ҳайкаллари ясси ва шартли қолаётган ҳажмли ҳолатга ўта бошлайди, уста ишон танасини тасвирлашда тўғри нисбатлардан фойдаланади. Хитойда буддавийлик пайдо бўлиши билан торларда ҳайкаллар ва расмлар билан безатилган ибодатхоналар қурила бошлайди. Ҳайкалларнинг катталиги турлича бўлиб, Будданинг 13—16 метрлик баҳайбат ҳайкалларидаш тортиб, жуда кичик, 9—12 см. лик ҳайкалчаларгача учратили мумкин. Бундай ҳайкалчалар ибодатхоналарда бир неча юзтадан бир неча мингтагача тошилган. Ҳайкаллар шакли вақт ўтиши билан ўзгариб борган. Вай ҳайкалтарошлиги учун қадимги хань санъати билан Марказий Осиё орқали Хитойга кириб келган ҳинд санъати намуналарининг қўшилиши характерли ҳисобланади. Кейинчалик Тан сулоласи даврида ҳайкалтарошликда чет эл унсурлари камайиб, Будда тасвири ҳам хитойлаштиб боради.

Бу даврда шифис санъат ҳам юқори мукамалликка эришади. 1974 йили Сиань шаҳри яқинида император Цинь Шихуандининг макбараси топилгани катта шов-шувга сабаб бўлди. Унда сафарда кетаётган отлик, шибда ва аравадаги 7 минг кўшидан иборат «лойдан ясалган армия» (терракота) топилди. Ҳайкаллар аскарларининг табиий бўли баробар қилиб ишланган; қуроллар, кийимлар ва аскарларнинг юз тузилиши ҳам индивидуал хусусиятга эга.

Бу даврда ҳайкалтарошликда эришилган муваффақиятларга қарамастан, санъатнинг бу соҳаси Хитойда тасвирий санъатдан анча орда қолаётган эди.

Архитектура | Хитой миллий архитектураси бир қатор ўзига хос композицион ва конструктив жиҳатларга эга. Хитойда уйлар жуда қадим замонларда ишлаб чиқилган алоҳида усул билан қурилган. Бунда уйнинг синтини татқил қилган устунлар мустақкам асосга ўрнатилган, деворлар эса фақат синч устунлари орасидаги бўшлиқни тўлдириб туриш



Император Цинь Шихуандининг «лойдан ясалган армия» сие. Мил. ав. III эр.



Буюк Хитой девори.

учун хизмат қилган (Ўзбекистонда ҳам шундай сингли уйлар жуда қадим замонлардан бери қурилади). Кўшинча уйнинг ички деворлари йишилтириладиган қилиб қурилади. Устунларга уч қаватли, учи қайрилган, сирланган чересицами том таяниб туради. Хитой архитектура-расита хос бўлган оғир томни кўтариб туриш учун қадимги Хитой метморлари

устунларга маҳкамланадиган қаватли таянч нуқталаридан фойдаланувчи ўзига хос усул (доугун) ишлаб чиққанлар.

Қадимги метморлар ништ ва топдан иморатлар қуришда катта муваффақиятларга эришган. Улар жуда катта ҳимоя ва ирригация нишоотлари, кўприклар ва мақбаралар қурганлар. Мил. авв. III асрда қурилган Буюк Хитой девори бутун дунёга машҳур. Бир неча бор қайта қурилган ва таъмирланган деворнинг узунлиги 8850 км. ни ташкил қилади. Қадимги кўприклардан энг машҳури Хэбэй провинцияси Чжаосянь уезди Буюк ништ кўприк бўлиб, у бундан 1300 мил илгари қурилган, дунёда биринчи аркали кўприк, унинг узунлиги 37,5 метрни ташкил қилади.

Хитойда кеш тарқалган ништ иншоотлар ичда «пагода» («та») деб аталувчи Будда ибодатхоналарини ажратиб кўрсатиш лозим. Бу ибодатхоналар Ҳиндистонда кенг тарқалган ступалардан келиб чиққан. Улар кўп қаватли, одатда тоқ қаватли қилиб қурилган. Сақланиб қолган энг маҳобатли пагода 523 йили Хэнанда қурилган 15 қаватли ибодатхона бўлиб, у Хитойнинг «беш буюк чўққиси»дан бири ҳисобланади.

Илк Хитой тасвирий санъати амалий характерга эга эди (сополга нақш бериш). Шунингдек, маросимий тасвирулар ва портретлар ҳам машҳуд бўлган. Индивидуал ижод сифатидаги тасвирий санъат эраизининг III асридан кейин пайдо бўлган.

Тасвирий санъат

Анъанавий Хитой тасвирий санъати Фарб тасвирий санъатидан жиддий фарқ қилади. Шакл бўйича у европача импрессионизмга яқин туради. Тасвир — бу ўзга дунё, унда майсалар қора рашда, одамлар юзи қизил рашда бўлиши мумкин. Аммо ҳаммаси бирга, ягона композицда табиий кўринади, рассом инсоний ва табиийнинг уйғунлашиб кетганлигини акс эттира олади. Анъанавий тасвирий санъат монохром, бир хил рашда тасвирга интилади, зеро даосизм руҳидаги тасаввурга кўра, «одамни беш хил ранг яратди» деган нақдга амал қилинади. Тасвирдаги ташқи ранглариниш кўпчилиги, ташқи гўзаллик ички уйғунликни ёпиб қўйиши мумкин деб қаралади.

Хитой тасвирий санъатининг ривожланишига ўзиниш таракқий топган иконаграфияси — Будда дишининг илоҳлари тасвирланган пластик қиёфалари ва ҳайкалчалари билан буддизм катта таъсир кўрсатган. Шу даврда тасвирий санъатнинг жири сифатида Хитой ҳайкалтарошлиги пайдо бўлди, анъанавий Хитой тасвирий санъатининг асослари яратилди, тасвирий санъат ҳақидаги дастлабки назарий асарлар ёзилди. Тасвирларни яратишнинг асосий қонунлари шундан иборет эдики, улар жонли ҳаракатнинг илоҳий маромини, тасвирланаётган нарсаниш тузилишини акс эттириши, предметларга ўхшаши керак эди. Бўёқлар тасвир объектларига мос равишда кўлланилган, объектлар эса суратини мазмунига мос равишда жойлаштирилган.

Хитой тасвирий санъати Европа санъатига нисбатан материал, техника ва бадиий воситаларнинг хилма-хиллиги ва кўпчилиги билан ажралиб туради. Хитой расмлари туш, минераллар ва ўсимликлардан олинган акварелга ўхшаш бўёқлар билан шойи (баъзан пахта ёки канопдан тўқилган) матога ёки қорозга чизилган ва ўрам шаклида бўлган. Чизиқлар «булутдай енгила ёки аждаҳодай қудратли» бўлиши лозим эди. Қадимги Хитой тасвирий санъатида икки хил услуб мавжуд бўлган: суратини энг кичик тафсилотларини ҳам пухта ва назик қилиб стказувчи «гун би» («тиришқоқ мўйқалам») ва «се и» («ғояни стказиш») — эркин, дадил, умумлаштирувчи услуб. Иккаласида ҳам мўйқалам ҳаракати ўта аниқ бўлиши лозим, чунки туш билан бўёқ назик шойи ёки қорозга жуда тез сингади ва расмини ўзгарттиришиниш иложи бўлмайди. Шу сабабли Хитой тасвирий санъатида рассом суратни чизиқдан олдин унинг барча тафсилотларини мулақо аниқ тасаввур қилмоғи лозим.

Хитой сурати — тасвирий санъат, ҳуснихат ва поэзиянинг бирлиги. Деярли ҳар доим Хитой расмларида ана шу уч жиҳат ёрқин акс этади.

Анъанавий Хитой тасвирий санъати шарли, у, энг аввало, умумий, жуда маъхум тояларни ифодалашга йўналтирилган. Анъанавий Хитой тасвирий санъатининг асосий жанрларига портрет, пейзаж ҳамда жониворлар, гуллар ва қушларни тасвирлаш кирди.

Хитой портрет санъатининг ўзига хослиги шундаки, унда фақат ижобий сифатлар тасвирланади ва бу ҳол тасвирланаётганларни бир-бирларига ўхшаш қилиб қўяди. Лекин тасвирланувчининг хизмат вазифаси ва даражаси пубха уйғотмаслиги утун кийимлар барча майда тафсилотлари билан тасвирланган.



Яншао мадавизитинг оғд сопол идишлар. Мил. авв. III минг йиллик.

Пейзажнинг асосий элементлари сув, тоғ ва дароҳт. Сув дарёлар, жиабалар, ҳовузлар, шартаралар, булутлар шаклида, тоғ — тоғ ва алоҳида уқан тошлар кўринишида, дароҳт — турли хилдаги ўсимликлар кўринишида тасвирланган ва уларга турли хил рамзий маъно берилган.

Хитой тасвирий санъати гуллар ва қушларни тасвирлашда ҳам пейзаждаги каби одамлар дунёси билан алоқа излайди. Бу изланишлар гуллар ва қушларнинг рамзийлигида иққол кўзга ташланади. Масалан, архидеяни тасвирлаган рассом, айни пайтда иккиошга ҳос олийжанобликни ҳам кўрсатади ва улуғлайди, тунки архидея соддалик, софлик ва ички олийжаноблик рамзи сифатида намоён бўлади. Ўз навбатида, ёввойи роз ёлғизлик ва эрикинликни, бамбук — ақл ва қалб софлигини англатади. Аёлларнинг энг яхши фазилатларини хризантема ўзида мужассам қилган: у гўзаллик, камтарлик ва ақллилик рамзи.

Борлиқни кузатишнинг бевосита реалистик шакли Хитой тасвирий санъатида бир қатор шартли қондалар билан мослаштирилади. Улуғвор соддалик ва олийжаноб талабчанлик ундаги назик ипораларни истисно қилмайди. Хитой тасвирий санъати намуналари чуқур фалсафий ғоялар билан суғорилган. Бу санъат шакалланишнинг турли даврларида унга конфуцийлик, даосизм ва буддавийлик ўз таъсирини ўтказган.

Хитой пейзажи (хитойча «шаньшуй» яъни, «тоғлар ва сувлар») намуналари қадимги космогония ғоялари билан боғлиқ рамзий маънога эга. Масалан, тоғлар эркаклик ибтидоист бўлган «ян»ни, сув эса — аёллик ибтидоист «ин»ни акс эттирган ва қадимги афсонага кўра Олам уларнинг аралашувида пайдо бўлган. Тоғлар — ернинг суяги, оқар сувлар — ҳаёт ва ҳаракат олиб келувчи қон томирлари. Хитойда манзарани тасвирловчи рассом моҳиятни, олам уйғуналигини, табиат ҳодисаларининг маромини акс эттиришга интилади, шу сабабли унга натурализм, табиқ уқшатишга интилиш ёт бўлган.

Шундай қилиб Қадимги Хитой цивилизацияси унда шакалланиш дин, дунёқараиш ва маданиятнинг мазмунига кўра юқоридаги бошқа цивилизациялардан катта фарқ қилиб, табиий ва маданий чегаралар билан чеклашган ҳудудда ривожланади. Бироқ, мил. ав. II ва I асрларда иккиош тарихи ўзининг янги босқичига қадим қўяди. Месопотамия ва Ўрта Ер денизининг шарқий қирғоқлари энда жаҳон сиёсатининг эллибор маркази бўлмай қолди. Бу даврда икки булук империялар — янги пайдо бўлган Рим ва шиклашган Хитой империялари дунёга ҳукмронлик қилади. Шу даврдан то билим куллариямизгача юксалиш, жаҳон сиёсатининг яловбардорига айланиш ва яна инқирозга юз тутиб, юксалиш Хитой цивилизацияси учун характерли жиҳат бўлиб келмоқда.

VII БОБ

АНТИК ЦИВИЛИЗАЦИЯ



ҚАДИМГИ ЮНОНЛАР

Антик цивилизация тарихи билан қизиққан ҳар бир киши нигоҳини, албатта, мәрмәр устулларнинг сийган қолдиқлари ўзига тортади. Улар минг йиллар давомида бутун бошли цивилизацияни яратган ва кўтариб турган, самога чўзилиб, асрлар бўйи шу ҳолатда қотиб қолган мажруҳ қўлларни эслатади.

Қадимги юнон¹ ибодатхоналарининг устулларини баъзан шарқча кийинган аёллар – кариадиталарнинг² ҳайкаллари беэаб туради. Бу ҳолга қадимда берилган изоҳлардан биринда айтилишича, тўсинларни кўтариб турган ҳайкалларда қул қилинган Кария шахри аёллари абадийлаштирилган экан. Антик цивилизациянинг муҳташам биносини яратиш ва асраб туришда ҳам қуллар тахминан шундай роль ўйнаган.

Қадимги даврнинг машҳур архитекторларидаш бири, Приендаги Афина ибодатхонасини ва ўз ҳамкасблари билан бирга Галикарнас мавзолейини қурган Пифейнинг ёзишича, меъмор санъат ва фаннинг турли йўналишларидан хабардор бўлмоғи лозим. Машҳурлиги Пифейдан кам бўлмаган римлик архитектор Витрувий санъат ва фаннинг бу йўналишларига аниқлик киритиб, меъмор тарих, фалсафа, музика, тиббиёт, юриспруденция, геометрия, астрономия, механика ва диниғуносликни билмоғи лозим, деб ҳисоблайди. Янги давр олимларининг айтишларича, фан ва санъатнинг шунчалар кўп ва турли-туман йўналишларини ўзида мужассамлаштирган Антик цивилизация тарихини ўрганиш ва ёритишда ҳам юқоридаги ақидага амал қилиш лозим бўлади.

«Антик» атамаси латинчадан таржимада «қадимги», «кўҳна» маъносини англатади. Антик цивилизация ҳаққатта утраган-

¹ Юнонлар (греклар) ўзларини элливлар, мамлакатини эса Эллада деб атаганлар, ҳозир ҳам шундай атайдилар.

² Кариадиталар – йоннинг аёллар гилдаси шаклидаги таянч устуллари архитектурада шундай аталади.

дан сўнг унга бўлган қизиқиш XIII–XV асрларда қайта тикланди ва ҳозир ҳам долзарблигича қолмоқда.

Антик дунё географик жиҳатдан Европа, Шимолий Африка ва Осиёдаги жуда катта ҳудудни қамраб олади, аммо унинг пайдо бўлини, ривожланиши ва ҳалок бўлиши тарихи Қадимги Греция ва Қадимги Рим билан, шу даврда кўплаб халқларни ўзига тортган марказ – Ўрта Ер денгизи, Апеннин ва Болқон яримороллари билан боғлиқ.

Кўпчилик олимлар Антик цивилизацияни иккига: Қадимги Греция ва Қадимги Рим цивилизацияларига ажратадилар. Шунлардан биринчиси, Болқон яриморолининг жанубида жойлашган Қадимги Греция цивилизациясининг инсоният тарихидаги роли ниҳоятда буюк, мураккаб ва кўп қиррали. Бу Ўрта Ер денгизи атрофида шаклланган даврдаги шунчаки қудратли цивилизациявий тўққиз эмасди. Инсоният тарихида Қадимги Греция ўзига хос устахона ролини ўйнади, зотан унда шаклланган тоялар кейинги цивилизацияларда сайқаланиб, мукаммалликка эришди ва бутун инсониятнинг мураккаб айланди. Демократия, сўёсат, ҳусусий мулк, инсон эркинлиги ва фуқаролик бурчи, материализм ва идеализм каби замонавий цивилизациянинг муҳим таркибий қисмлари бўлган тушунчалар Қадимги Грецияда пайдо бўлган эди. Шундан бўлса керак, Европа тарихидаги уйғонинг туптуғчаси ҳам Қадимги Греция цивилизацияси билан боғлиқ. Кейинги асрлар кишилари инсоннинг маънавий оламини янада юксакликка кўтариш учун бу цивилизациядан мадда излаганлар, зеро, Қадимги Греция цивилизациясининг энг катта ютуғи – инсон шахсининг камолотидир. «Инсон борлиқнинг асосидир», деган гапни айнан қадимги грек файласуфи Пифагор айтганлиги ҳам бежиз эмас.

Тарихнинг парадокси шундаки, инсониятга шахс озодлиги ва эркинликка асосланган кишилик жамиятининг илк намунасини берган Қадимги Грециянинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини қулдорлик ташкил қиларди. Шаҳар-давлатлар юнонлардан олдин ҳам мавжуд эди. Аммо айнан юнонлар подшоликдан ортга, уруғ-жамоа даврига бир қадам ташлаб, демократик уюшма – полисни яратипта эришди, ўзини ўзи бошқаришини демократик намунасини берди ва бу намуна кейинчалик адолатли жамиятни яратип устида ўйлаган мутафаккирлар учун ўрганиш объектига айланди. Тарихда илк бор юнонларнинг эркин жамоасида илмий тафаккур олами билишнинг усули сифатида шаклланди. Юнонлар оламга идеалистик ва материалистик

қарашларнинг диалектик бирлиги тарзидаги фалсафа фанининг асосларини ишлаб чиқдилар. Айнан улар ўтмиш, бугун ва келажакнинг аҳамиятини англаб, тарих фанини яратдилар. Этика ва психология, география ва тригонометрия, физика ва анатомия каби кўплаб фанларнинг фақат номи эмас, шайдо бўлиши ҳам топонлар билан боғлиқ. Қадимги Греция бугун илмий ҳақиқатга айланган материяниш атомистик тузилиши, ернинг ўз ўқи атрофида айланиши, планеталарнинг қуёш атрофида айланиши ва бошқа кўплаб қосиқчул товларнинг ҳам ватандидир.

Қадимги Грециянинг жаҳон маданияти ва санъатида кўпган ҳиссаси ҳам жуда ноёб. Бугун биз китоб дўқоқларида Навоий, Толстой, Достоевский, Ойбек, Хемингуэй каби алломалар асарлари билан бир қаторда, Гомернинг Илиадасини, Сапфонинг шеърлари тузилишини кўрганда, уларни табиий равишда замонавий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида қабул қиламиз. Қадимги Греция архитектураси, ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъатининг энг гўзал намуналари жаҳон маданиятининг гўлтоғисини ҳисобланади. Бу цивилизация дунёга инсон гўзаллигининг шундай уйғун намунасини бердики, кейинги миш йиллар давомида маданиятда кўплаб янги образлар пайдо бўлишига қарамасдан, бу намуна ҳамон мукаммаллигининг энг юксак чўққисини қолмоқда.

Қадимги буюк цивилизацияларнинг ҳар бири пайдо бўлган, ривожланган, гуллаб-яшнаган, сўнтра сўнган ўз жойи, маконига эга бўлиб, ўз бунёдкорларининг қабрлари, улар қўллари билан яратилган топ, сопол, металл буюмлар, санъат асарлари ҳамда ёзув ва адабиёт тарзидаги ёдгорликларни қолдириб кетган. Антик цивилизациянинг макони Ўрта Ер денгизи, ундаги яримороллар ва оролар бўлиб, қадимда уларни «Ички» деб аташган. Бу кеш денгиз ҳавзасининг аҳамияти «orbis terrarum» («ернинг теграси») деб аталган қадимги латинча номида сақланиб қолган, зеро антик цивилизация ривожланган бу ерлар ҳақиқатда ҳам денгиз бўйлаб, ҳозир ҳам ўзларининг қадимги номларини сақлаб қолган учта қитъа – Осиё, Европа ва Африка (элмилар бу қитъани Ливия деб аташган) туташган ерда жойлашган.

Антик дунё кишиси учун Ўрта Ер денгизи ўшлаб майда денгизлардан иборат бўлиб, унинг атрофида «кичик» цивилизация ўчоқлари жойлашган. Қадимгилар қаторига иккита яримороллар – Эгей ва унга туташ бўлган Митрой¹ денгизлари атрофида жойлашган Кичик Осиё ва Болқон яримороллари киради.

¹ Митрой денгизи – Пелопоннес яриморолининг шарқий қисми, Лаконика ва Арголида виллояларининг соҳилларини қилиб турувчи Ўрта Ер денгизи сувлари маҳаллий аҳоли томонидан шундай аталган.

Апеннин яриморали билан Сицилия, Сардиния, Корсика ороллари ўртасидаги ҳудуд антик давр арафасида Кичик Осиёдан чиққан, ўзларини расеплар деб атаган тирренлар – тарихда «этрусклар» номи билан маълум бўлган халқлар томонидан ўзлаштирилган. Ҳозиргача сақланиб қолган Тиррен денгизи номи ҳам шундан олинган. Апеннин ва Болқон яримороларини ажратиб турувчи денгиз ҳам этрускларнинг Адрия шаҳри томонидан олиниб, Адриатика деб аталган.

Карнат, Альп, Пиреней сингари тоғ тизмалари Антик цивилизациянинг шимолий чегараларидир. Узок вақт Шарқий Ўрта Ер денгизи ҳавзасида бу тоғлар тўтрисида жуда кам маълумотга эга бўлишган. Масалан, Геродот Карнис ва Альписия тоғлар эмас дарёлар деб билган. Аммо Геродот даврида ва ундан анча олдин ҳам Карнат ва Альп тоғлари орқали фақат савдо қарвонлари эмас, кўчиб юрган бугун бошқа халқлар ҳам ўтган. Ўрта Ер денгизидagi оролар ва яримороларнинг кўпчилиги тоғлар билан қопланган эди. Аҳоли сонининг ошиши билан деҳқончилик ва чорвачиликка яроқли ерлар одамларни озиқ-овқат билан таъминлай олмай қолди. Бу ҳол аҳолининг миграциясига туртки бўлди ва савдонинг ривожланиши рақбатланганди. Юмшоқ ва қаттиқ жинсли тоғларнинг қўланиги эса қуриланг ва санъатнинг гуркираб ўсишига олиб келди. Тоғлар тоғлардан бошқа қазилма бойликларнинг ҳам қони эди.

Миш йиллар давомида табиий жараёнлар ва инсон феолиятининг таъсири натижасида табиий муҳит ўзгариб борди. Бу ўзгаришларни инобатга олмасдан, цивилизациялар ривожланиши жараёниши тўлиқ тасаввур қилиб бўлмайди. Инсонларга боғлиқ бўлмаган табиий ҳалокатлар, масалан, сув тошқинлари, қуроқчилик, элизилмалар ёки антик цивилизациядан олдин юз берган музмиқлар кишилик жамиятига баъзан ҳал қилувчи таъсир кўрсатган. Балки шундай ҳалокатлардан бири мил. авв. XIII – XII асрларда Европанинг қўл ва ўрмонларидан у ердаги халқларни кўчишга, қадимги эгей маданиятини вайрон қилиб, унинг ўрнида антик цивилизацияни яратилган ундаги бўлиши мумкин. Кичик Осиёда кўч йиллар давом этган ва юқорида айтилган тирренларни ҳамда шу даврда Нил водийсига бостириб кирган ва мисрликлар «денгиз халқлари» деб атаган бошқа халқларни кўчинга мажбур қилган отарчилик ҳақидаги ривоят ҳам айнан шу даврга тааллуқли.

Олимларнинг Шимолий Африкада қояларга чирилган расмларни ўрганиши натижасида маълум бўлдики, мил. авв. III миш йилликда мишгақа иқлими анча нам бўлиб, саҳролар ўрнида

чўллار бўлган. Айнап чўлларнинг саҳроларга айланиши иқлим ўзгаришларига олиб келган. Антик цивилизация даврида ҳам бу ерларнинг иқлими ҳозирги кундагига нисбатан анча нам, саҳронинг чегаралари эса анча жанубда бўлган.

Антик даврдёқ инсон фаолияти уш ўраб турган муҳитта ўз таъсирини ўтказа бошлаган. Қиплоқ хўжалик экиллари майдонларини кенгайтириш, кемалар қуриш ва металл эритиш учун ўрмонлар кўплаб кесила бошлайди. Марказий Италияда ҳали мил. авв. IV асрда ҳам ўтиб бўлмас ўрмонлар мавжуд бўлган. Улар кесилиши оқибатида энди сув тошқинлари ҳамма жойиши вайрон қилади. Бу даврда Элада умуман ўрмони йўқ мамлакатга айланган эди. Албатта, антик цивилизациянинг табиий муҳитга таъсирини бугунги кундаги шундай жараёнлар билан таққослаб бўлмайди, аммо у даврда ҳам инсон фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири салбий оқибатларга олиб келганлиги шубҳасиз.

Антик цивилизация ривожланиши жараёнда Босфордан то Геракл Устуларигача¹ бўлган кенг ҳудудда икки тил — юнон ва лотин тиллари галаба қилади. Шу сабабли Ўрта Ер деиғизи цивилизацияси Юнон-Рим цивилизацияси деб ҳам аталади. Бу икки тил ўрнатилиши билан ўилаб бошқа тиллар йўқ бўлиб кетди, ўлик тилларга айланди. Кейинчалик лотин тили ҳам ўлик тилга айланди, бироқ лотин тилидан роман тиллари деб аталувчи бошқа кўплаб тил (француз, италийн, испан, португал, румин ва бошқалар)лар келиб чиққан бўлса, мавлуд бўлган, юнон ва лотин тилларига қисман сингиб кетган бошқа ўлик тиллардан янги тиллар келиб чиқмади. Бу тиллардан хотира бўлиб жойлар, тоғ ва дарёлар номларитига сақланиб қолган. Уларни ўрганиш ўша давр тарихини англаш учун жуда муҳим ҳисобланади.

Рим учун ҳудудни кенгайтириш тарихнинг мазмунини ташкил қилади. Ҳарбий куч ёрдамидаги экспансия принцидида бу қадимги шаҳарнинг генетик коди жойлашганга ўхшайди. Қолган барчаси — ички сиёсий ҳаёт, иқтисод, санъат — иккинчи даражали. Ақсинча, Афина ташкил тошган даврдан бошлаб савдогарлар, хувармандлар пәхри, трагедия, фалсафа ва демократиянинг ваташи ҳисобланади. Афинанинг ҳарбий тақдири эса форс экспансиясининг натижаси бўлиб, уруш

¹ Геракл (ёки Геркулес) Устулари — қадимги эллинлар Гибралтар бўғизининг қарома-қарши қирроқларида, Атлантик океанига чиққинда жойлашган иккига қирини шундай аталган. Ҳозир улар Гибралтар ва Сеута қолири деб аталади.

Афинани Спарта билан биргаликда юнон шаҳарларининг форсларга қарши ҳаракатини бошқаришга мажбур қилади. Форсларнинг биринчи мавлубиятидан сўнг қуруқлик давлати бўлган Спарта урушдан чиқди, денгиз давлати бўлган Афина эса урушнинг давом эттирди, шаҳарлар конфедерацияси — Делосс иттифоқини тузди. Шу тариқа Афинанинг таъсири, айни пайтда демократик лидерлиги сақланиб қолинди¹.

Тарихи | Қадимги Греция тарихининг даврий чегаралари бу цивилизация ривожланиши билан узвий боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Қадимги Греция тарихи учта йирик босқичга бўлинади. Биринчиси — бу мил. авв. II минг йилликда Грецияда илк синфий жамиятлар ва давлат бирикмаларининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва инқирози (яъни, Крит ва Ахей)даври. Иккинчи босқич, Антик Греция ривожланишидаги полислар даври бўлиб, мил. авв. XII—XI асрларда дорийлар босқини патижасида Микен давлатчилигининг ҳалокатидан то мил. авв. IV асрнинг охири чорагигача бўлган даврни қамраб олади. Қадимги юнон жамияти ривожлашишидаги ушбу босқичнинг гултожи, жаҳон иқтисодий-иқтисодий, сиёсий тизимида ва давлатчилиги тарихида ноёб ҳодиса — қадимги юнон полисининг яратилиши ва гуллаб-яшнаши бўлди. Крит-микен давлатчилиги ва маданияти кулагандап сўнг янги типдаги давлат органларининг шаклланиши натижасида пайдо бўлган қадимги юнон полиси ушбу цивилизациясининг асосий унсурига айланиб, қадимги юнон жамияти ва маданиятининг ноёблиги ҳамда ўзинга ҳослигини белгилаб берди.

Хўш, полис цивилизациясининг ўзинга ҳослиги нимада? Полис одатда жуда кичкина, 5—10 минг аҳоли яшайдиган давлат, унинг таркибига шаҳардан тапқари атрофдаги қишлоқлар ҳам киради. Энг кагга полислар Спарта ва Афина бўлиб, уларда 200 минггача аҳоли япаган. Шаҳар-давлат бўлган грек полисида подшо ҳокимияти жуда эрта барҳам топди, эдагонлар ва кохтлар роли сезиларли даражада пасайди, кичик ва ўрта мулкдорлар иқтисодий ҳаётнинг олдинги сафши чиқди. Полис шаҳар-давлати — бу ошод мулкдор-фуқаролар жамияти.

Мил. авв. IV асрнинг охири чорагида юнонлар ва мақсодчиликлар томонидап Аҳоманийлар давлати зафит этилгандан сўнг Қадимги Греция тарихининг охири, учинчи босқичи бошланади. Бу босқич қарийб уч асрни қамраб олади ва унда

¹ Қаранг: Эсманюэль Тодд. После империи. Pax Antiqua — начало конца. http://bookz.ru/authors/esmanuel_todd/toddemanuel01.html — С. 34.

тараққий этган иқтисод, ўзида Ғарб ва Шарқ унсурларини бириктирган синкретик¹ маданият яратилди. Эллинистик давлатлар ғарбдан Рим, шарқдан Парфия давлатларининг босқинчилик даъволарига учраб, мил. авв. I аср охирида улар томонидан забт этилгандан сўнг бу босқич яқун топади.

Қадимги Шарқ давлатларини эслатувчи илк синфий давлат бирикмаларининг ташкил топиши ва ривожланиши Крит ва Ахей Грецияси ёки крит-микен цивилизацияси (биринчи босқич) тарихи учун ҳам муҳим белгилар ва характерли жиҳатлар саналади. Дастлаб юнон бўлмаган аҳоли яшаган Крит оролида давлатчилик Болқон Грециясидагига нисбатан олдин шаклланган. Мил. авв. III миш йиллик охирида бу ерлар шимолдан — Дунай атрофидан келган юнон-ахейлар томонидан забт этилган.

Мил. авв. II—I миш йилликлар чегарасида Болқон Грециясида кескин ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва этник ўзгаришлар юз беради. Мил. авв. XII асрдан бошлаб бу ерда янги қабилалар гуруҳи — юнон-дорийларнинг аралашуви юз бериб, улар илгари Крит давлат бирикмаларини ўзларига бўйсундирган микен цивилизациясини маҳв этадилар. Кўчкитчиларнинг бу тўлқини ижтимоий тараққиётнинг уруқ-қабил муносабатлари босқичида эди. Грециянинг дорийлар томонидан забт этилиши натижасида давлатчилик ҳалокатга учрайди, жамиятнинг ижтимоий тизими кескин соддалашади, ёзув ва «чизикли хат» унут бўлиб кетади. Юнон жамияти яна уруқчилик муносабатлари босқичига қайтади.

Қадимги Греция давлатчилигининг янги даври тахминан мил. авв. XI асрда бошланади ва Антик Греция тараққиётидаги полис босқичи бошлаб беради. Бу босқич уч даврга бўлинади:

1. Полисдан олдинги («қоронғу асрлар») ёки Гомер даври — мил. авв. XI—IX асрлар — Болқон Грецияси ҳудудида уруқ-қабил муносабатларининг ҳукмронлиги билан характерланади.

2. Архаик Греция (мил. авв. VIII—VI асрлар) — полис тизимларининг шаклланиши, Буюк юнон колонизацияси ва илк юнон тираниялари даври.

3. Классик Греция (мил. авв. V—IV асрлар) — қадимги юнон полисларининг, улар иқтисодининг гуллаб-яппиши, қадимги юнонлар ўз маданий тараққиётининг энг юқори чўққисига эришган давр.

¹ Синкретик — нарсларнинг (ҳодиса ёки жараённинг) бир-биридан ажралмагани, қириниқ ҳолати.

Ўзининг юксак тараққиёт даврини бошидан кечирган полислар дунёси мил. авв. IV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб узок инқироз даврига киради. Бу инқироз ўзида эллинистик ва Қадимги Шарқ давлатчилиги хусусиятларини мужассамлаштирган янги тизимли давлат бирикмалари ва ижтимоий тизимларни яратиш орқали енгиб ўтилди. Бу муваффақиятга македониялик Александрнинг оламшумул салтанатидан қолган вайроналар устида эллинистик давлатлар тизимини шакллантириш тўғрисида эришилди. Бу давр (мил. авв. IV асрнинг охирилари — мил. авв. 30 йил) Қадимги Греция тарихида эллинизм даври номини олади. Мил. авв. 30 йил расман Қадимги Греция тарихининг якуни ҳисобланади. Шу йили охириги эллинистик давлат — Мисрдаги птоломейлар давлати Рим томонидан забт этилиб, ўз мустақиллигини йўқотди. Шу даврдан бошлаб Қадимги Греция минтақаси ва эллинистик давлатлар тарихи Қадимги Рим тарихи доирасида ўрганилади.

Қадимги Греция цивилизациясининг этник тарихи ҳам сиёсий тарих сингари майда бўлақлардан иборат. Мил. авв. III миш йилликда Болқон яриморали ва Эгей денгизидagi ороларда индик ағъаналарга кўра *пеласлар* деб аталган юнонлардан олдинги халқлар яшаган. Мил. авв. III—II миш йилликлар чегарасида Болқон яриморали ҳудудига шимолдан юнон қабилалари — ахейларнинг келиши бошланиб, улар мил. авв. XV аср ўрталарида Крит оролини босиб оладилар ва крит (миной) давлатчилиги ва маданиятини узиб-кесиб йўқ қиладилар. Мил. авв. XIII аср охири ва XII асрда кўчиш ва босқинчиликнинг янги тўлқини авж олади. Энди юнон-дорийлар ахей давлатчилигининг барча марказларини забт этиб, Болқон яриморали ҳудудини вайрон қиладилар.

Бу жараёнлар Болқон яриморали ва Эгей денгизи ороларида турли диалектларда сўзлашувчи юнон аҳолисининг жойлашини тизимида жиддий ўзгаришларга олиб келади. Юнонларнинг ахей, дорий, ионий ва эолий қабилалари мил. авв. XII—XI асрлардаёқ Эгей денгизидagi ороларда ва Кичик Осиёнинг ғарбий соҳилларида жойлашиб оладилар.

Шу тариқа мил. авв. I миш йилликда, Қадимги Греция тараққиётининг полис даврида, унинг аҳолиси этник жиҳатдан бир хил бўлиб, битта тил (қадимги юнон тили)да сўзлашувчи ва ўзларини «эллилар» деб атаётган халқдан иборат эди. Улар бир-биридан қадимги юнон тилининг шевалари билангина фарқлашар эди.

Мил. авв. VIII—VI асрлардаги Буюк юнон колонизацияси даврида қадимги юнонлар Ўрта Ер ва Қора денгизлари соҳил-

ларида кўплаб колониялар ташкил қилдилар. Мил. авв. IV аср охирида бошланган македониялик Александрнинг шарққа юришлари ва забт этилган ерларда эллинистик давлатларни яратиш жараёни шунга олиб келдики, юнонлар ва македонияликлар Болқон Грециясини тарқ этганларидан сўнг улар таъсири шарққа – Миср, Олд ва Марказий Осиёнинг кенг ҳудудларигача етиб борди.

Дин ва диний тизим | Дин – ҳеч қандай истисносия барча цивилизацияларнинг доимий йўлдоши, ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини қамраб олган улар маънавийтининг моҳияти. Антик ҳақлар динининг биз юқорида қараб чиққан шумерлар, бобилликлар, оссурияликлар, мисрликлар ва бошқаларнинг динларидан фарқига қараб, антик цивилизациянинг ўзига хос ва тақрорланмас қиёфаси ҳақида сўз юритишимиз мумкин. Айни пайтда Шарқ динлари антик давр кишиси учун маънавийнинг битмас-туганмас хазинаси бўлиб, улдан қадимги дунёнинг бутун тарихи давомида ғоялар ва таълимотлар олинади, улар антик цивилизациянинг этник муҳити ва ижтимоий талабларига мос равишда ўзлаштириб борилади.

Шарқнинг таъсири антик цивилизациядан олдин, миной ва микен маданиятлари давридаёқ кўзга яққол ташланади¹. Болқон яриморали ва Эгей денгизи оролларидаги диний ҳолат «қоронғу асрлар»дан сўнг кескин ўзгаради. Пеласлар ва ахейлар сиғинган худолар ва қахрамонлар ўрнига шаҳар ҳаётини билмаган босқинчиларнинг содда худочалари келади. Кичик Осиёда яшовчи ионийлар босқиндан камроқ зарар кўрди ва тезда ўзини ўнглаб олди. Айнан шу ерда дастлабки полислар ва уларнинг диний бирикмалари пайдо бўлиб, Посейдон уларнинг ҳомийсига айланади. Дорий босқинчилари Болқон халқлари хотирасидан номини деярли ўчириб ташлаган Мнемозина (хотира) ҳам шу ерда намойён бўлади. Айнан шу ерда тарихий эпос пайдо бўлиб, унинг яратувчиси ilk мисраларданоқ Мнемозинанинг қизи Музага мурожаат қилади:

Қоҳр худоси, Ахиллени шарафла, Пелейнинг ўлими...

Эпос ионий худоларни Кичик Осиёнинг маҳаллий худоларидан, бутуц Грециядаги полислар ва қабилалар устидан, колонизация ривожланиши билан эса бутуц «orbis terrarum» устидан юқорида Олимп чўққилари қадар кўтаради. Диний

¹ Қаранг: Фрэзер Д. Д. Золотая ветвь: Исследованиями магии и религии. – М.: Политиздат, 1906. – С. 335–345.

ақидаларастликдан асар ҳам бўлмаган «Илиада» ва «Одиссея» Шарқнинг муқаддас китоблари ўринини эгаллайди, уларнинг қахрамонлари Ахилл, Диомед, Одиссей эса жангчи-истилочилар ва денгизчилар учун ўзига хос намуна бўлади, улар ўз характерини шу намунага ўхшаш ва монанд қилиб яратадилар. Гомер ва Гесиод томонидан мадҳ этилган Зевс, Афина, Аполлон ва Музалар кўчмашчилар ҳаётига кириб бориб, варварларни ўз динларига жалб қилди, уларнинг худочалари ва шайтончаларини ўзлаштириб, ўзишики қилиб олдилар.

Антик дунёнинг асосий динлари – юнонлар, этруссклар, рим-италия динларининг ҳар бири узок ва мураккаб шаклланиш йўлини босиб ўтган, шу сабабли алоҳида-алоҳида ўрганиши лойиқ.

Олимда яшовчи ўн икки худолар

Биз юнонлар дини ва мифологияси деб атайдиган ҳодиса – бу Болқон ярим-орали, Эгей денгизи ороллари ва Кичик Осиёнинг тарбий соҳилларида шакланган тасаввурлар, ривоятлар ва афсоналар мажмуаси бўлиб, улар фақат юнон қабилаларининг (ахейлар, ионийлар, эолийлар, дорийлар) эмас, юнон бўлмаган халқлар – пеласлар, тирренлар, фракияликлар, карияликлар, лидияликлар, минойликлар, шунингдек, мил. авв. II минг йиллик бошида Эгей денгизидagi ороллари забт этган финикияликларнинг ҳам маънавий ва маданий меросидир. Шу боис худолар ҳақидаги тасаввурлар ва сиёсий қойдалари турли-туман бўлиб, юнон мифларининг тарқалиш майдони ҳам шунчалар кенг бўлган.

Худолар ҳақидаги тасаввурлар қанчалар беқарор бўлса, уларнинг қиёфалари ҳам шунчалар хилма-хил бўлган. Бу худолар ва уларга сиғинувчилар илдилари ибтидоий даврга бориб тақалувчи узок ва мураккаб йўлни босиб ўтган. Юнон мифлари тарихий образларда инсоннинг атроф-муҳитни ўзлаштириши ва шу муҳитда ўзига муносиб ўрин топиш учун кураши жараёнини акс эттиради.

Динда ва мифларда мил. авв. XII–XI асрларда кўчкинчиларнинг келиши ва микенлар полигининг кулаши натижасида «orbis terrarum» аҳолисининг ҳаётида юз берган ўзгаришлар акс этади. Бузоқ Худо-Она култи ўз ўринини қадимий ҳоқон Худо-Ота култига бўшатиб беради ва бу худо ролни микен даврида ўзозланган ва Зевс-



Зевс.



Посейдон.

ниш рақибни бўлган Посейдон датов қилади. Охир-оқибатда юнонлар ошдида Зевс волиб чиқади ва барча бошқа эркак-аёл худолар устидан ҳокимият унга берилади. Олимп тоғи Зевснинг ва барча бошқа худоларнинг қароргоҳига айланади. Атрофида ўнга яқин тоғлар «Олимп» номи билан атаган, аммо Зевс улардан бирига — Грециянинг шимолий чегарасида, босқинчилар ошиб ўтишга мажбур бўлган тоққа эгалик қилган. Мифга биноан худолар ўртасида ҳокимиятни бўлиш чоғида Посейдонга денгизлар берилади ва унинг мулкига Зевс аралашмайди.

Посейдон образида Қадимги Ўрта Ер денгизи ҳавзасида қадрланган худо-буқани, Олимпта кўчиб ўтган аёл-худоларда эса унинг рафиқаси сицирийнинг хислатларини илаб олиш қийин эмас. Масалан, дастлаб Аргиснинг хомийси бўлган Зевснинг рафиқаси Герани «пахлоқўз» деб аташган, унинг кундоши Ио эса гунажинга айлана олган. Юнон мифологиясида Гера — шикох, ва оилавий ҳаёт хомийси, никоҳга хиёбат қилганларни қаттиқ жазоловчи.

Посейдон ва Зевснинг «синглиси» Деметра худолар ўртасида дунёнинг қайтадан бўлинишида қатнаша олмасди, чунки у — Оца-Ер ва рафиқа (аввал Посейдоннинг кейин эса Зевснинг рафиқаси), табиғатнинг буюк ҳоқони. Зевс Олимпнинг хўжайинига айланиши билан Деметра қойинига ўришга суриб қўйилади, унинг айрим вазифалари Зевснинг қойини рафиқаси Герага ва унинг

«қизлари» ҳамда «ўтай қизлари»га ўтади. Эрсиз қолган Деметра ўзининг меҳри ва муҳаббатини ягона қизига, ҳар йили ўлиб яна тириладиган ўсимликлар худоси Персефонага беради. Мифга кўра Персефонанинг эри Аид бўлиб, у Зевснинг, Посейдоннинг ва Деметранинг укаси бўлган.

Аиднинг ер ости салтавати тўғрисидаги тасаввурлар ҳаётнинг доимий йўлдоши, унинг абадий сояси — ўлимни кузатиш натижасида пайдо бўлади. Дастлаб одамлар ўлган кишининг руҳи унинг ташқи қобилида (мурасида) — кўмилган жойда ёки мурдани еган ҳайвон ва қушларнинг қоршида кўним тошади, деб ўйлаганлар. Кейин самовий худоларга топиниб бошлаганда, ер ости худолари ва уларга тобе бўлган марҳумларнинг руҳлари яшайдиган «ер ости Олимини» тўғрисида тасаввурлар пайдо бўлиб, унга топина бошлайдилар. Таъдан ажралган руҳ бивиз ёки ўлимнинг йўлдоши ва хизматкори бўлиш ибодатлар ҳамроҳлигида ернинг ўпирилган жойларидан бирига тушади ва Стиксга, ерни тўққиз марта



Гера.



Деметра.

ўраб олган ер ости дарёсига дуч келади. Дарёдан ўтишда руҳ Туннинг ўғли, қора кеманинг эгаси қария Хароннинг ёрдамига таянади. Руҳ кеманга фақат ҳаққини тўлагандан сўнггина ўтириши мумкин. Шу сабабли марҳумнинг оғзига майда ташгалар солиб қўйилган. Ўлим дарёсининг ортда, худди бой кишиларнинг уйидатидек, баджаҳд, уч бошли кўриқти ит Цербер пайдо бўлади, у кираётганлар олдида думиши ликиллатиб, чиқиб кетаётганларга тапланади. Аиднинг ўзи тахтада ўтирган қудратли киши сифатида тасаввур қилинган. Қиш ойларида унинг ёнида Персефона бўлган, бошқа ойларда Аид бу аёлга ерга қўйиб юборган.

Дастлаб Аидга ҳаракатдаги вулқонларга яқин жойларда яшайдиган одамлар топинадиган ер ости олови худоси Гефест яқин бўлган. Зевс ва Геранинг ўғли деб эълоп қилинган Гефест, мифга кўра, чақалоқ пайтида Олимп тўққиларига кўтарилади. Аммо онасининг нафратига утрав, у ердан ерга улоқтириб юборилади. Денгизга тушиб, доинишманда Перейнинг қизлари — не-реидалар томонида тарбиялаб олинади, темирчилик ҳунарини эгаллаб, яна Олимпга қайтади ва бу ерда Геранинг ижозати билан худоларнинг энг гўзали Афродитага уйланади.

Афродита мафтункор муҳаббат, жозибадор севги худоси — Зевс ва Океанияда Диониснинг қизи. Бошқа бир ривоятга кўра, у осмон худоси Ураннинг денгизга тушган урувидан пайдо бўлган. Юнонлар динида Олимпнинг кўлаб бошқа маъбудалари сингари Афродита ҳам келтирилади. Унга сиринадиган асосий жой азалдан финикияликлар томонидан эгалланган Кипр ороли эканлиги ҳам бежиз эмас. Оролдаги Пафос шаҳрида Афродита ибодатхонаси қурилган. Шундан унинг бошқача номи Афродита Киприда, Пафия, Пафос худоси бўлган. Афродитанинг келиб чиқиши шарқдан эканлигини унинг сарвиқомат ўспириш Адониста бўлган эҳтиросли муҳаббати ҳам тасдиқлайди. Адонис (Таммуз) исми семитларга хос бўлиб, улар тилида «adon» — «хўжайин», «жаноб» деган маънони аниқлатади¹. У ўладиган ва доим қайта тирилади-

Худолар муҳаббати.
Зевс ва Гера.

Афродита.

¹ Қарағ: Фрозер Д.Д. Золотая ветвь: Исследование мифа и религии. — М.: Политиздат, 1986. — С. 306.

ган ўсимликлар худоси сифатида Шарқда улувланган. Тахмин қилишларича, финикияликларнинг севги ва ҳосилдорлик худоси Астарта Афродитанинг тимсоли бўлган.

Афродита муҳаббат худоси бўлганиги сабабли унинг худолар ва оддий одамлар орасида маъшуқлари кўп бўлган. Олимпда бу Зевс ва Геранинг ўғли, шафқатсиз, дарназаб ва ҳақоратли сўзлар устаси Орес бўлиб, у меҳнатсевар Гефестнинг хуфия рақиби эди. Гефест — яратувчи, Орес — вайрон қилувчи. Геродот томошидан берилган маълумотга кўра, бир кун Гефест айёрона режа тузиб, Орес билан ўз рафиқасини хиёнаткорона фохш пайти кўлга туширишига эришади. Бопқа бир мифда айгилишича, типчиликка интилувчи кишиларни хурсанд қилиб, икки баҳайбат одам Оресни тутиб олиб зиндонга ташлашади, аммо бу ерда у ўн уч ой ўтиради, холос. У зиндондан чиққанидан сўнг ер юзиде урушлар ҳеч тўхтамайди.

Олимпда Оресни ҳаммадан ҳам Афиша, микенликлар «Атапа» деб улувландирган, полислар даврида эса дорийлар босқинидан қутулиб қолган Аттика аҳолиси томонидан эъзозланган худо ёмон кўради. Афина қиёфасида шаҳар ҳаёти ва тиш меҳнат ҳомийсининг хислатларини илғаш мумкин. Афина ҳалоо ва адолатли уруш худоси эди. Куч-қудрат ва ақлда Зевсга тенг бўлган Афина худоларнинг тишиб-тинчимас эски авлоди — титанларга қарши курашда Зевснинг энг яқин ёрдамчиси бўлган. Деҳқончилик маданиятини яратган ҳам, ҳайвонларни қўлга ўргатган, хунарманчилик ва кemasozликни касбга айлантирган ҳам Афина. Яна шу ҳам диққатга сазоворки, Аттика устидан ҳокимиятни эгаллашда Афина дастлаб чучук сув худоси, кейин эса денгиз худоси бўлган Посейдон билан рақобатлашади.

Гомер Афинаши «бойқуш кўзи» деб атайдди. Бойқуш юнонларда муқаддас қуш саналган. Аслида Афинага сининиш, уни бопқа Олимп худолари билан таққослаганда, моддий ва маънавий ютуқлар кўрғинишидаги маданиятта сининиш эди. Унинг номини олган шаҳар ҳам маданиятнинг марказига айланган.

Минг йиллар давомида инсон билан уни ўраб турган табиат ўртасида муносабат шаклланди. Инсон овчи эди, у ёввойи ҳайвонларни овларди, аммо у табиат устидан муғлақ ҳукмрон эмаслигини биларди, бунга дельфо ҳам қилмасди. У яна шуни ашлардики, ёввойи табиатнинг ўз ҳукмдори бор ва кимда-ким бу ҳукмдорнинг мулкига дельфо қилса, унинг ҳайвонларини овласа, овнинг бир қисмини у билан бўлиниши керак.

Олимп диний тизими шаклланиши даврида юнонлар ёввойи табиат маъбудаси деб Зевс ва Латонанинг қизи Артемидани ҳисобланган. Аммо бу маъбуданинг кўлаб номлари — Браврония, Таврогения, Ифигения ва бошқа олимларни ҳар бир ўрмон худудидаги ёввойи ҳайвонларнинг алоҳида ҳомийси бўлган, фақат кейинчалик буюк маъбуданинг образига кирган, деб ўйлашга ундайди.

Артемиданинг муқаддас ҳайвонлари она айиқ ва бугусимон лаш бўлаган, аммо дастлаб у қурбонликка қизларни ҳам қабул қилган (бу маросим ҳақидаги ҳикояда Трояга юритилган олдидан Агамемнонанинг қизи Ифигения қурбонлик қилишгани айтилади).

Мил. авв. VIII — VI асрларда Кичик Осиёнинг маҳаллий аҳолиси юнийлар худоси бўлган Аполлон («Илиада»да — Троянинг ҳомийси) зодагонлар орасида катта ҳурматга сазовор бўлади. У анча илгари юнон шайгонига кириб келди ва Дельф Олимпда (Ўрта Греция) ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ҳа даврда кенг тарқалган мифга мувофиқ, Аполлон бу ерда баҳайбат аждаҳони (шифония) ентиб, унинг исми — Пифейни ўзида олади. Аполлон Марсей сатиригинг¹ терисини шилиб, даҳшатли жазолайди, Гермесдан эса лирани (илҳом парисини) олиб кўйди. Бу Аполлонга санъат ва Муза² ҳомийси бўлиш имконини беради.

Деҳқонлар ва бозорлар, айниқса, винобоп узум етиштирувчилар орасида Дионис худоси улувланган бўлиб, унинг онаси Семела (Ер), отаси эса Зевс ҳисобланган. Мифга биноан Диониснинг онаси Семелани Гера ўлдирганидан сўнг ҳомилани Зевс давом эттирган ва кейин тарбия утун Ниса шаҳри (Шарқда) нимфалари (дарё қизлари)га берилган. Диониснинг дунё бўйлаб қилган саёҳати ҳақидаги мифда Европа учун беғона бўлган дарахт — узумнинг ва вино тайёрлашниш тарқалити баён қилинади³.

Дионисийлик тоялари олимпия тартибларига ва унга мос, ўзини «худоларнинг авлодлари» деб ҳисобловчи зодагонларга халқнинг бўйсунити лозимлигини таъкидловчи давлат тизимига зид эди. Диониснинг Олимпга қабул қилиниши полис-

¹ Сатир — юнон мифологиясида май ва айш-ипрат худосининг ҳамроҳи.

² Муза — илҳом манбаи, илҳом париси. (Юнон мифологиясида адабий, санъат ва фан худоси).

³ Қаранг: Фрэзер Д.Д. Золотий векъ: Исследования магии и религии. — М.: Политиздат, 1986. — С. 362—368.

лар шаклланиши даврида эодагонлар билан аҳолининг қуйи қатламлари ўртасидаги келишувни акс эттиради.

Худди шундай Зевснинг ўғли, чушонлар ҳомийси Гермес ҳам Олимпга қабул қилинади. Донишмандлик ва олам ҳақиқати сирли билимлар эгаси Гермес ўлгашларнинг руҳини Андга кўзатувчи ҳам бўлган. Энцил ва удробурон Гермес кейин топарлар ва савдогарлар худосига, шунингдек, ўтрилар ҳомийсига ҳам айланади.

Олимпнинг ўн икки худолари ана шулар. Уларнинг ҳар бири юнош халқининг кўп асрлик тараққиёти ва унинг бошқа халқлар билан мулоқоти асосида шаклланган тасаввурларнинг мураккаб қосилмасини акс эттиради. Буцдан ташқари, худолар образлари истиснодан халқ томонидан қайта ишланиб, антик тарихнинг турли давраларида ҳукмрон бўлган фалсафий қарашларни ҳам ўзига сиқдириб олади. Гомер давридаги Зевс — бу Гесиод давридаги ёки юнош драматурглари ва фойласуфлари давридаги Зевсга ўхшамайди. У энди ўз даврининг дунёқарши ва фалсафаси билан бойитилган Зевс.

Адабиёт | Ёзув — белгилар орқали мулоқот қилиш усули бўлиб, унга эҳтиёж сезган ва уни яратган жамиятнинг ўзи билан бирга такомиллашиб боради. Мил. ав. III—II миш йилликлардан бизгача лой тахтачаларга, тошга, металлга ва папируста битилган бехисоб иероглиф ва миҳлат ёдгорликлари етиб келган. Мил. ав. II миш йиллик охирида Финикиянинг шаҳар-давлатларида 22 ҳарфдан иборат, сўз ёки сўз бўгинини эмас, ундош товушларни ифодаловчи алифбе яратилади. Бу ёзув ривожланишидаги ишқалобий ҳодиса эди. Юнонлар финикияликлар алифбесини такомиллаштиради, юнон алифбесининг 26 белгисидан ҳар бирига унли ёки ундош товушлар мос келади. Юнонлар алифбесидagi «альфа», «бета», «гамма», «дельта» ҳарфларининг аталishi ва жойлашув тартиби финикияликлар алифбеси билан мос тушади ва юнонлар алифбесининг улардан олтигаланиши ша бир бора исботлайди.

Ёзув юнон қабилаларини бир-бири билан яқинлаштирувчи восита бўлди. Қўшлаб қабилалар умумий ёзув мағнидан фойдаланганиги натижасида турли диалектлардан ягона юнош тили шаклланди. Фақат сараланган китилариниша фойдаланиш имкониятига эга бўлган Шарқ ва Эгей дунёси ёзуви янги алифбе туфайли барчанинг мулкига айланди. Шунингдек, янги алифбенинг жорий қилиниши адабиёт ва фаннинг ривожланиши учун катта туртки бўлди, улар ютуқларининг кенг тарқалиши

учун асос яратди, антик маданиятни ундаш олдинги маданиятлардан ва у билан ёндош бўлган, унинг вориси ҳисобланган Европа цивилизациясидан фарқ қилдириб турган деярли омавий саводхошлиқнинг пойдевори бўлди.

Алифбе. Шарқда мисли кўрилмаган ҳодиса, ўқийдиган инсоннинг, кенг халқ оммаси орасида ўқишга бўлган эҳтиёжнинг шаклланишини рабатлангирди. Илгари фақат қоғизлар ўқийдиган ва шарҳлайдиган Муқаддас китобларни энди кўпчиликнинг ўқий олгани, қачонлардир қудратли бўлган қоғизлар қатламнинг кучсизланишига олиб келди. Дунёвий китоблар эса олам тўғрисидаги билимларнинг муҳим манбага айланди. Антик полисарнинг деярли ҳар бирида ўз шоирлари ва тарихчилари пайдо бўлди. Папирус ва пергаментга ёзилган қўлаб асарлар бизгача етиб келмаган бўлса-да, етиб келганларининг ўзи ҳам «orbis terrarum» аҳолисининг ҳаёти ҳақида тўлиқ маълумот бера олади.

Бу даврда шаклланган энг муҳим қадриятлардан бири ҳам ўқини ва ўқитиш тизими билан боғлиқ. Қадимги Грецияда жарангларан: «Қуллик психологиясига ва қулнинг ҳолатига эга бўлган ўқитувчи озод шахсни тарбиялай олмайди», деган фикр замонавий таълим тизимининг ҳам муҳим шарти бўлиб қолмоқда.

Гомер | Финикияликлар алифбеси асосидаги ёзув юнонларда муомаллага киритилган даврдаёқ кейинги антик адабиётнинг асосини ташкил қилган бадий асарлар пайдо бўлади. Улардан энг машҳурлари «Илиада» ва «Одиссея» дostonлари бўлиб, уларни Гомер ёзган деб ҳисобланади¹. Аммо иккаласи ҳам Гомер қаламига мансубми, ёки фақат биринчисини деган савол, Гомер ўзи умуман бўлганми деган савол билан бирга ҳалигача олимларнинг баҳс мавзуси бўлиб келмоқда. Бироқ «Илиада» ва «Одиссея» қайси муаллиф ёки муаллифлар томонидан ёзилганигидан қатъи назар, ёзма ҳолига келтирилгунча бир неча юз йил эллиларнинг ташталаи йиғинлари ва базмларининг севишли йўлдоши — кўптиқлар тарзида авлодан-авлодга озакин ўтиб келган. Базмларда кўптиқ куйловчилар «аздлар» деб аталган. Шундай кўптиқчилар ҳақида «Илиада» ва «Одиссея»да ҳам айтилади. Фақат Гомерники ҳисоблашган кўптиқларни куйловчилар «гомерид» деб атаган. Шундай гомеридлардан бири, Хисос оролидан бўлган Кицеф «Илиада» ва «Одиссея»га қўшлаб ўз шетрларини қўшаганиги ҳақида ривоят

¹ Қаранг: Грoкский И.М. История античной литературы: Учебник для уч. тов. в пед. зап.-тов. — 4-е изд., испр. и доп. — М.: Высш. шк., 1993. — С. 34—60.

сақланиб қолган. Тахминларга кўра бошқа аэдлар ҳам шундай қилинган. Фақат мил. авв. VI асрнинг иккинчи ярмига келиб Гомер поэмалари ёзма ҳолга келтирилган.

«Илиада» ва «Одиссея»нинг сюжетлари Гомер давридаш бир неча аср илгари бўлиб ўтган воқеаларга бағишланган. Муаллиф асарлари учун мифлар манба бўлиб хизмат қилган. Гомер мифлар асосида гўёки тарихий воқеликни тиклайди («Илиада») ва Троя уруши қаҳрамонларидан бирининг ватанига қайтиши ҳақида ҳикоя («Одиссея») қилинади. Гомер воқеанинг майда тафсилотлари орқали тасвирининг ҳақиқатга шундай яқинлигига эришадик. Гўё муаллифнинг ўзи жангларда қатнашган ва Одиссеяга ёноч гўлаларидан сол ясада ёрдамлашган деган тасаввур пайдо бўлади. Фақат жангларда қудоларнинг иштироки, ўз арзандасига ёрдамлашиб, душманларга қулфат ёддиришигина эмас, Гомер шунчалар завқланиб тасвирлаган ўтмиш ҳақида унинг ҳеч нарса билмаслиги ҳам тасвирдаги реаликни бузиб туради. Троя остоналаридаги жангнинг ёрқин тасвирида Гомерга замондош бўлган жамиятнинг, унинг «ишчанлар» ва «дангасалар»га бўлинишини, эл-дагонлар билан жамиятнинг оддий аъзолари ўртасида шаклланиб келаётган зиддиятни илғаш қийин эмас.

Гомер яратган Олимп худолари дунёси билан ёзма манба-лар ва тасвирий ёдгорликлар орқали бизгача етиб келган микен даври диний тизими ўртасида умумийлик даярли мавжуд эмас. Микенликлардаги Она-Худо ўрнини Гомерда Ота-Худо — Зевс эгаллайди ҳамда патриархал оиладаги сишари эркак ва аёл худоларнинг барчаси унга бўйсунди.

Гомер тасаввурга билан яратилган оламнинг реал тарихий воқелик билан мос тушмаслиги ҳозирги замон адабиётшунослари ва тарихчиларидан фарқли равишда «Илиада» ва «Одиссея»нинг дастлабки ўқувчилари ва тингловчиларини — ҳаёти шайқатсиз курашлар ва муҳтожликлардан иборат бўлган илк темир даври одамларини кўп ҳам ўйлантирмаган. Гомер Эгей дегизи минтақасида дастлабки полисларнинг яратувчилари ва Гарбдаги биринчи колониялар асосчиларига замондош бўлган. Шу сабабдан Гомер асарларининг соҳол синиқларида сақланиб қолган нусхалари юнон колониялари етиб борган турли ороларда топилган. Гомер ўз фантазияси билан одамларга улар ҳаётда топа олмайдиган нарсаларни бера олди. У одамларга Олимпни, барча жиҳатлари билан инсонларга яқин бўлган худолар оламини очди. Гомерникидай «японий» худолар на Қадимги Шарқда, на Эгей дегизи дунёсида бўлмаган эди.

Гомернинг рақиблари

Гомер дунёси қандай бўлишидан, қапақа баҳсларга сабаб бўлаётганлигидан қатъи назар, Гомерсиз, унинг оламисиз бутун биз антик адабиёт, кенгроқ маънода эса, антик маданият деб атайдиган тарихий воқеликни тўлиғича англаш мумкин бўлмасди.

Антик ҳаёт тарзи ва тафаккур усулига баҳс-мунозара ва рақобат хос бўлиб, уни юнонлар «агон» сўзи билан атаганлар. Шаҳар-давлатлар ҳам ўзаро рақобатда эди. Ҳар бир шаҳарда эса ўз махсулотларини доимий мукаммаллаштириб борган хунарманлар, ҳокимиятда асосий ўринга интилган ҳарбий саркардалар ва сиёсатчилар ҳам ўзаро рақобатлашарди. Олимпия ўйинлари ҳам худолар ёрлақанган атлетларнинг бир-бири билан беллашуви, рақобатлашувидан бошқа нарса эмасди. Шу маънода, юнонлар тулғунчаси бўйича, адабиётда Гомер ҳам рақобатлашмаслиги, рақибларга эга бўлмасдан ўзи яқка ҳукмронлик қилиши мумкин эмасди. Бундай рақибларни халқнинг ўзи излаб тошарди. Улардан бири, бестийлик эпик шоир Гесиод¹ эди. Гомер билан Гесиоднинг қайси бири «биринчи шоир» деб аталишга ҳақли эканлигини ҳал қилувчи суд мажлასига уларнинг ташрифи тўғрисида ҳикоя қилувчи поэма сақланиб қолган. Судда Гомер юлиб бўлишига тўлиқ ишонч билан ўз шеърларини ўқийди. Аммо ҳақимлар Гесиодни ҳам эшитиб, уни юлиб деб топипади, чунки у қонли урушларни эмас, тиш меҳнатни қуйлайди.

Албатта, бу юнон тафаккурининг ўзига хос характерини акс эттирувчи ўйлаб топилган афсона. Гомер билан Гесиод учрашиши мумкин эмасди, чунки улар турли замонларда яшаган. Аммо бу афсона янги шоирнинг эскиси устидан қалабасиши белгилаб берган жамиятнинг уруш ва тинчликка бўлган янгича муносабатидагина эмас, Гесиоднинг, Гомердан фарқли равишда, ўз таржимаи ҳолига эгаллигида, реалигида ҳам эди.

Гесиоднинг таржимаи ҳоли тўғрисидаги манба мил. авв. VII асрда ёзилган «Меҳнат ва қунар» поэмаси бўлди. Ундан маълум бўлишича Кичик Осиёдаги Кима шаҳридан бир киши ўзининг икки ўғли — Гесиод ва Перс билан Фосфия полиси ҳудудидagi Беотия қишлоғига кўчиб келади ва бир нарча ерга ишлов бериб, кун кўра бошлайдди. Ҳикоя марказида ер доимий танқис Греция учун одатий ҳол бўлган оилавий можаро ётади. Отасининг вафотидан сўнг ака-укаларнинг кичини одагга кўра бошқа колонистлар билан бирга ўз бахтини излаб кетини ўрнига, суд орқали

¹ Қўрғин: Троицкий И.М. История античной литературы: Учебник для учителей и пед. ин-тов. — 4-е изд., испр. и доп. — М.: Высш. шк., 1983. — С. 61—66.

акасидан бир парча ерни бўлиб олади. Аммо порахўр судьялар Персни хонавайрон қиладилар. Шунда у иложсизликдан ҳалол ва тўғрисиўз акаси Гесиодга мурожаат қилади, у эса Персга қаншоқ бўлиб қалмаслик учун қандай ишлаш ва яшап кераклигини ўртадади. Аша шу марказий воқеа атрофида кўплаб мақоллар, маъсаллар ва маталлар билан безатилган ҳикоя – худоларга маъқул бўлган ҳалол меҳнат қилиш зарурлиги баён қилинади.

Поэмада мил. авв. VIII–VII асрларда ҳунармандчилик ва савдо ривожланмаган вилоятда жойлашган полис ҳаёти намоян бўлади. Аммо ҳикоя давомида бу ерда ҳам баъзи иқтисодий ўзгаришлар юз берганлиги денгизчилик тўғрисида маслаҳат берувчи уч юз сағрдан маълум бўлади. Поэманинг якуловчи қисмида ҳаётини маслаҳатлар берилган: неча ёшда уйлашиш ва оғир меҳнат билан топилган бойликни ҳавога совурмай диташ хотинни қандай танлаш керак, қариндошлар ва худоларга қандай муносабатда бўлиш керак ва ҳ.к. Олимларнинг тахмин қилишларича, поэманинг якуловчи қисми кейинчалик қўшилган бўлиши мумкин.

«Меҳнат ва куплар» поэмасида инсоният тарихи авлоддан-авлодга сўзсиз ёмонлашиб боровчи жараён, регрес тарзида тасвирланган. Дастлабки авлод меҳнат инсонга роҳат бахш этган, одамлар худолардан муқаррар ажал билан фарқ қилган, аммо ўлим ҳам уқубатли туюлмаган фаровон олтин даврда яшаган. Олтин давр кишиларига хос бўлган диёнатни йўқотган кумуш даври авлоди эса Лидда, унинг энг ёмон қисмида бўлмаса-да, ҳар қалай у ерда яшапга маҳкум этилганлар эди. Кейинги авлод – бу мис даври кишилари, жанговарлиги ва пафкатсизлиги билан оддишлардан фарқ қилувчи авлод. Тўртинчи, шoirнинг ўзидаш оддинги авлод, аниқгина эзгу жиҳатларга эга бўлса-да, уларни уруш хароб қилади. Бу Фива ва Троя остоналарида ҳалок бўлиб, кейин содатчилар оромига кўчирилган қаҳрамонлар авлоди. Бешинчи авлод ҳақида Гесиод шундай ёзади:

*Меида имкон бўлса эди, бешинчи аср авлоди билан яшомасликка!
Мен истардим ундан олдин ўлишни ёки кейин туғилишни.
Ер юзига босиб кетди темир асри одамлари,
Улар энди қушумайди оғир меҳнат ва кулфатлардан!*

¹Немировский А.И., Ильинская Л.С., Уколова В.И. Античность: история и культура: Пособие для учащихся ст. классов общеобразов. учреждений и студентов пед. вузов: В 2 т. Т. 1. – М.: АО «Аспект пресс», 1994. – С. 110.

Темир асри одамларининг келажаги тўғрисидаги Гесиод қарашлари тўлиқ пессимистик руҳда бўлиб, темир асри ҳақидаги ҳикоядан кейин «кучли билан чирашма» деган давр ахлоқини ўзида мужассам қилган булбул ва қирғий ҳақидаги масал баён қилинади.

«Теогония» («Худоларнинг келиб чиқиши») номли бошқа бир поэмада Гесиод дунё тақдирини хаос ва турғунликни енгиб ўтиш тарзида тушунишга ҳаракат қилади. Гесиод жадвалида бу шундай акс этган бўларди: дастлаб Хаос, кейин «бағрикент Гея» («Ер»), Тартар (энг туқур ерости), Эрос (муҳаббат рамзи) ва унинг оқибатлари Зимистон ва Тун пайдо бўлади. Уларнинг бирлашувидан Ерувлик, Эфир ва Кун туғилади. Ер ўз-ўзидан Осмонни, Товларни ва «ҳосилсиз денгиз»ни пайдо қилади ва кейин эркаклик ибтидося Осмон билан жуфтлашиб, Титанлар туғилади, сўнг улар ўрнига худолар келади.

Олимларнинг аниқлашича, оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги бу тизимни Гесиод, одатда Гомерга маълум бўлмаган Шарқ мифларидан олган. Гомер худоларни оламнинг изчил ривожланишидаги босқичлар тарзида эмас, алоҳида мавжудоқлар тарзида тасаввур қилади. Гесиодда эса худолар одамлардан ажралган, улар билан даярли мулоқот қилмайди ва одамларнинг илатлари уларга ёт. Баъзан Гесиод Фива ва Трояга қарши юришларда қатнашган қаҳрамонларни ҳам тилга олади, фақат уларнинг «бағтол уруш»да даҳшатли вафот этганликларини эслатиш учунгина ёд олади. Гесиод урушга маъқулламайди, уруш тимсолида у адоват маъбудаси Эридашнинг қийла-найрангити, худолар томонидан инсониятга берилган энг олий жазони кўради.

Янги давр поэтик ғоялардан анча узоқ бўлишига қарамасдан, эпос Гомер ва унинг рақибни Гесиод билан якунлашмайди. Даҳоларнинг ҳар доим тақлидчилари бўлган. Гомер тақлидчиларини, унинг эпигонларини «кикликлар» («кикрос» ёки «цикл» – доира) деб аташган, чунки улар Гомерни, кейин эса бир-бирини давом эттириб, ўз поэмаларида мифологиянинг тўлиқ доирасини яратдилар. Гомер ўз поэмалари ушун Троя урушидан фақат «Ахиллнинг тазаби» ва Одиссейнинг саёҳатларини ажратиб олган бўлса, бу урушга бағишлаб «Киприя», «Эфиопида» ва «Илионнинг вайрон қилиниши» каби бир қатор киклик поэмалар яратилди. Алоҳида шаҳар ва уларнинг жасур жашгчиларига бағишланган поэмалар ҳам ёзилган. Барча киклик поэмалар гекзаметр¹ тар-

¹ Гекзаметр – олти миятрал шеър, муқаддас муқаддас услуби.

зида ёзилган бўлиб, образларни жойлаштиришнинг гомерча усули сақлаб қолинган, бироқ энди уларнинг бадиий қиммати аввалгидек юқори эмасди.

Гомерга тақлид қилиш жуда кеш тарқалган бўлиб, унинг поэмаларига породилар ҳам учраб турарди. Уларда гомерча жўшқинлик ва Гомер адабий усуллари устидан кулади.

Худоларга бағишланган мадҳиялар ҳам Гомерга тақлид йўналишида яратилган бўлиб, улардан энг йирик ва қадимийлари «гомерча» деб аталади.

Эпос ортидан қадим замонлардан бери мавжуд бўлган меҳнат жараёнида, зиёфатларда ва тўйларда айtilадиган кўпиклар асосида лирик поэзия шаклланади. Мил. авв. VII—VI асрлардаги юнон поэзияси — бу Миср «омборхоналари»дан топилган, паширус ўрамларида ажойиб бир тарзда сақланиб қолган антик проза парчалари. Аммо уларнинг ҳар бири — қадимгунос олимнинг меҳнати билан тошилган, ўтган асрларнинг чанги оралаб бизгача етиб келган, тўё қадим замонлар акси туширилган безакли сополнинг бир бўлаги. Вутунлигича ёки деярли бутунлигича тошилган шеър — бу жуда ноёб ҳодиса. Алоҳида бўлакларни эса қанчалик айланторма, бир-бирига ҳеч ёшишмайди. Аммо ана шу бир неча сатрда ҳам буюк Гомерга ёт бўлган хиссиётлар дунёсининг бадиий ифодасини кўриш мумкин. Антик ва унинг кетидан Европа поэзияси учун лирик шоирлар томонидан кашф этилган хиссиётларнинг нотаниш дунёси айни пайтда янги шеъринг вази ва ўлчамлар дунёси ҳам эди. Зеро, қатъий ва бир маромли гекзаметрчи на назокатли севги шивирини, на жўшқин муҳаббат изҳори ва на алдашган ошқиннинг ноласи учун қўллаб бўлмасди.

Мил. авв. VII аср шоири Архилох ўз ёри Небулага хиссиётларини изҳор қилиш учун маъқул сўзларни тошади:

*Жўшқин муҳаббатим-ла ҳолсизланган,
Аянчли ҳолатда ётибман, худолар ҳам хоҳламагин азоблар
Суюк-суюгимни тешиб ўтмоқда...*

Небуланинг отаси Архилохнинг алдаганида захарханда ва истехзолар ёмбирини ёдирди:

*Мияннга нима келди сенинг, отахон Ликаиб,
Ким сени ақлдан оздирди?
Қачонлардир оқил эдинг. Ҳозир эса шаҳарга
Ҳаммага масхара бўлдинг.*

Бошқа бир лирик шоир Алкей, бир сафар оғир қалқонини ташлаб қочипга мажбур бўлади. Шармандамик! Бошқа бирор сир сақлашни маъқул кўрган бу воқеани Алкей ўз шеърларидан бирининг сюжетига айлантиришга уялмайди:

*Мен ношарх уни бутазорга ташлаб келдим,
Эвасига ўлимдан қутулиб қолдим. Майлига, қалиб кетсин
Қалқоним менши, Янғисини олишга етади қурбим.*

Ўй бу қалқонни кимдир тошиб олиб, Дельфадаги ибодатхонага осиб қўйган эмиш. Жанг майдонида келтирилган иснод шеъринг майдонида ювилади!

Ўн минглаб сатр Гомер қаламига мансуб бўлса-да, у ўзи ҳақида бир сатр ҳам ёзмайди ва ишчилик учун абадий жумбоқ бўлиб қолади. Архилох ва Алкейни эса бир-бирлари ёки бошқа шоирлар билан алмаштириш мумкин эмас, чунки улар шеърлари билан ўз шахсиятларини яратганлар.

Антик дунёни хайратта солган Саффо, Феогнид, Анакреонд каби шоирлар ҳам шундай қилганлар. Қадимда месбосслик шоира Саффонини «ўшшчи муза» деб аташган. Унинг, бу гўзал аёлнинг, профилани танга пулчи туширишган. У ўз муҳаббати ҳақида ҳали ҳеч бир шоир етиша олмаган кучли бир эҳтирос билан куйлайди. Эрос Саффо шеърларида илохий қудрат касб этади:

*Эманга урилган тоғ шамолдек,
Ер ости титратоғи қалбларимизни.*

Афинага яқин бўлган Метара полисидан чиққан Феогнид (мил. авв. VII аср) — эллин шоирлари орасида ўзига хос шахс. Ўз еридан ҳайдалиб, камбала бўлиб қолган шоир полисини унга хавф солаётган фалокатдан қутқариб қолиши мумкин бўлган феъл-атвор қондаларини ҳамшаҳарларига ўргатишнинг мақсад қилиб кўяди. Шоир учун ҳамма бахтсизликларнинг манбаи — оломон, шоир уларни атагандек — цасткан ва тубаш кишилар. Феогнид даврида бойиб кетган кишилар ҳам бор эди, аммо унинг учун қаролнинг бой ёки камбағали фарқ қилмайди. Бойлик учун «зоти паст» келиши ҳам уйига киритишга тайёр турган обрўли кишиларнинг хулқи уни кўпроқ назарга солади. Унинг фикрича оломошга ҳар қандай ён берип полис учун ҳалокатли бўлади, шу сабабли у оломошни бостириш, эзиб танлашга тақиради. Феогнид яна бир хавфни кўради: шаҳарда туғилган бола ким бўлиб етишишини ҳеч ким билмайди. Балки у фуқароларни ўз найрағига ўйнатадиган

мустабид ҳоким бўлиб етишар. Натижада бу давлат худди оқил дарғаси қушлаган, жамоаси эса кема денгиз қаърига чўкаётган бир пайтда уни кутқариш ўрнига, мулкани талани билан овозра бўлган кема каби оқ елканларини кўтариб, денгиз бўронлари узра зулмат сари сузиб боради.

Мил. ав. 570—487 йиллари аввал Самос тирани Поликрат, кейин эса Афиға тиранилари Гиший ва Гиппарх саройларида Апакреонт исми шоир яшаган бўлиб, ушга ҳамшахарлари Афина акрополида хайкал қўйишган. У ҳазил ва ишқий шеърлар, зисфатларда шитилдуган кўниқлар, эниграма ва маҳкумлар ёзган. У енгилтак, маишатпараст шоир бўлган, унинг Эрол¹ эса Саифо улувланган ўпа Афродитаниш ўла бўлмаган, шектали:

*Қирмиза шарини ташлаган менга,
Сочлари тиллараш Эрол.
Чорламақда юпунгина қари қиз билан,
Вақтичоврак қилгани мени.
Аммо менинг оқсоч бошимни,
Масхаралаб кулар экан ул
Саршқомат, гўзал қари қиз,
Кўзин қисар бошқа йиғитга.*

Эзоп ва унинг масаллари

Дастлаб поэзиянинг антиподи, соғлом фикр ва оддий иш тили бўлган бадний проза поэзиядан анча эрта ажралиб чиқади. Прозаниш энг биринчи жанрларидан бири масал бўлиб, Эзоп унинг яратувчиси ҳисобланади. Айтишларича, гўё у фригийлик қул бўлиб, Самос оролида яшаган ва «файласуф» Ксаифа хизмат қилган экан. Самосликлар Эзопни жуда яхши кўришганликлари учун уни озод қилишга эришганлар. Шундан сўнг Эзоп уни башоратчи деб тан олган Лидия шоҳи Крез саройида яшайди. Бобна ва Мисрга саёҳат қилади, кексайиб қолганда эса Дельфани зиёрат қилади. Ўзларининг фони бўлишидан кўрққан тамагир кохишлар уни муқаддас идипни ўирлағанишда ёлдин айблаб, чўққидан ўлоқтириб тоборадилар. Ривоятларга қараганда адолатли Аполлон ўз хизматчилари билан Эзоп ўртасидаги можарога гувоҳ бўлган ва Дельфани ўлат билан жазолаган экан.

Эзоп шахси бутун инсоният тарихи бўйлаб ўтадиган қулғил фольклор шеърлигига мансуб. Кўриниши анча хунук, танаши букри бўлган бу зотда уни ўраб турган олам ўзидан ҳам

бадбатарга эканлигини кўра олин ва уни фонт қилиш имкониини берувчи соф қалб ва психий ақл яширишган эди.

Айни пайтда Эзоп — халқ билан полислардаги ҳукмрон эоддонлар ўртасидаги зиддиятни, аристократлар расмий дин билан халқ дини орасидаги фарқни, оддий халқ ва хўжайишлар фалсафасини аниглаб етган ўз даврининг кишиси эди. Эзоп масаллари яқинлашиб келаятган демократия ва адолат подшолиги таштанасидан хабар беради. Бу подшоликнинг мустаҳкам бўлмоги учун қадимги ашаналарга кўра одам қурбонлик қилиш талаб этилади. Шу тартиқа башоратчи, дошишмақд ва маскарабоз Эзоп қурбон қилинади.

Эллинистик адабиётнинг энг гуллаган даври мил. ав. III аср бўлиб, бу даврда Александрия, Сиракуза ва Эгей денгизидан ороларда ўз даврининг бутук шоирлари Каллимах, Фсоокрит, Арат ва Ликофонлар яшаган ва ижод қилган.

Каллимахни юнон шеърлигиде новатор ҳисоблашади. Каллимах катта, оғир шеър ва поэмаларга қарши чиқар экан, у шеърлий образларнинг аниқлигига ва ифоданинг аўнлалигига эришади.

Фан ютуқлари билан чин дилдан завқланган Каллимахнинг дўсти Арат александриялик астроном Эвдокс ихтироларини шеърлий шаклга солади. «Ҳодиса» поэмасида юлдузми осмонни гўзал шеърларида ифода этади, ути юлдузлар ҳақидаги мифлар ва об-ҳаво тўтрисидан халқ аломатлари билан тўлдиради. Поэма қадимда логии тилига кўлаб марта таржима қилишган, ўрта асрларда эса ўқув кўланмаси сифатида фойдаланилган.

Индивидуализм култи ва шеърнинг ноизклити учун иштилий кучли бўлган эллинизм даврида қисқа лирик шеър — эпиграмма жанри ривожланади. Каллимах, самослик Асклешиад, таретлик Леонид ва бонқа ўз даврининг машҳур шоирлари эпиграмма жанрида ижод қилишган.

Идиллиялар, эпиграммалар даврида адабий дид қондаларини ўрнатган Каллимах томонидан рад этилган жанр — эпосга муурожаат қилиш осон эмасди. Шунга қарамасдан, Каллимахнинг шогирдларидан бири родослик Аполлоний шунга қарор қилади. Унинг «Аргонавтика» деб номланган эшик поэмаси Ясон ва унинг сафдошлари томошидан амалга оширилган Колхид сафарига ва у ердан қутилган ўлжа — катта олтин сапдиқ билан қайтишига бағишланган.

Бу даврда фандан фарқли равишда шеърлиг давланиш ёрдамисиз ҳам кун кўриши мумкин эди. Аммо шеърлиг шу ёрдамнилади ва бу, умуман, ижоднинг мазмунига катта таъсир кўрсатади.

¹ Эрол (Эрос) — Қадимги Грек мифологиясида шахсиний муҳаббат худди. Афродитаниш ўла, унинг диний ҳамроҳи.

Хукумат муруватига шоирлар олимлар сингари илмий кашфиётлари билан эмас, Птолемейлар шаъши ёзилган мақтов шеърлар, тўридан тўри хушомад билан жавоб берадилар. Шоирларнинг катта қисми ҳукмдорларни, улар ўринатган тартибни жон куйдириб мақташни ўз шеърларининг вазифасига, шунинг ортидан тўкин кун кечирини эса ҳаётий мақсадга айлантириб олади. Шундан бўлса керак мил. ав. II асрда — эллинистик адабиётнинг кескин бурилиши ва тушқунлиги даврида бу шоирлар эътиборга лойиқ ҳеч нарса яратмаганлар. Бу эса шундай буюк адабиётнинг жуда ажаблანарли, айни пайтда, ўта ибратли интиҳоси эди.

Санъат Қадимги Грек санъати гуллаб-яшнаган даврдан бизни иски ярим минг йил ажратиб туради. Аммо антик санъатнинг кучи ва сўзи шундай буюк қудратга эгаки, гўё Ника Самофракиялик йўқолган бошини ҳамон талаб қилаётгандай, унинг мармар қашотларидан чиқаётган унсиз шовқинни асрлар тўлқини ҳам босиб кета олмайдигандай туюлади. Ўзининг шундай жозибадор кучи туфайли антик санъат ўқувчиларнинг абадий мактабига айланиб қолган. Энди рассомликни ўрганаётган ўқувчи дарси ҳамон Гераклнинг тавдасини ёки Антинойнинг бошини чизиндан бошлайди. Ўқувчи уста бўлгандан кейин ҳам ўз нигоҳини қайта ва қайта антик давр образларига тикади, улардаги ҳаёт уйғунлигининг сирини англашга интилади. Асрлар бўйлаб шундай давом этади. Гўзалликка ошно қалбларни бугун ҳам оҳанрабо каби ўзига жааб қилиб келаятган антик санъатни кўнчилиқ олимлар «грек мўъжизаси» деб аташади.

Умумий қилиб «грек мўъжизаси» деб аталган шу санъатни Крит-Микен, Архаик Греция, Классик Греция ва эллинистик санъатга ажратиб ўрганиш қабул қилинган.

Крит санъати ўзининг кўлаб жиҳатлари билан Қадимги Миср санъатига ўхшаб кетади. Критликлар оролда яшаганликлари учун денгизда сузининг устаси бўлганлар, сув орқали Миср билан савдо алоқалари олиб борганлар ва, албатта, улар маданияти билан таниш бўлганлар. Миср ва Крит санъатларида ўхшашлик бўлса-да, асарларда улар дунёқарши ва услубидаги тўб фарқи англаш мумкин. Мисрга хос бўлган маҳобатлилик, ўлчамнинг қатъийлиги, симметриклик, тасвирда муайян қоидаларга бўйсуниб эгей санъатида учирамайди. Бу ердаги санъатда тасаввур эркинлигини кўпроқ кузатиш мумкин. Айниқса, XX асрда инглиз археологи



Ника Самофракиялик.

Артур Эванс (1851—1941) томонидан афсонавий шох Миноснинг Кноссдаги саройи қолдиқлари отилгандан сўнг ҳали фақат афсоналар орқали маълум бўлган цивилизацияга қизиқиб кучайиб кетди ва Крит санъатининг ўзига хос жиҳатлари намоён бўлди. Кносс саройининг тузилиши олимларга Минотаврни ўлдириб, шох Миноснинг қизи Ариадна ёрдами билан Лабиринтдан тирик чиққан Тиссей ҳақидаги грек мифини эслатди. Кносс саройининг деворлари суратлар билан безатилган бўлиб, уларнинг парчалари жуда яхши сақланиб қолган. Бу суратларда, шунингдек, тошдан ва олтиндан ясалган крит идишларида домий равишда буқа акс эттирилган. Буқа критликлар ҳаёт тарзи ва динида маълум роль ўйнаган, улар учун тизсол бўлган, дег тахмин қилиш мумкин. Қизини шундаки, афсонага кўра шох Миноснинг ўзи ҳам Фишикия малikasi Европа билан уни Критга олиб қочиб кетган буқа кўринишидаги Зевснинг ўғли бўлган.

Мил. ав. XVI асрда Критда ҳалокат юз берди. Аввал кучли зилзила шаҳарларни вайрон қилди, кейин Фере оролида отилган вулқон Критда ҳаётни бутунлай издан чиқарди. Мил. ав. XV асрда ахей қабилалари босқини Крит маданиятига бутунлай яқун ясади. Аммо Критдан кейин қитъадаги унга яқин бўлган Микен маданияти яна уч юз йил гуллаб-яшнади. Микен маданияти Критникига яқин, аммо унинг аниқ инъикоси эмасди: расмлар қатъий чегараланган, назокат камрок, архитектура эса бир хил ва совуқ, бу санъатда жозибадорлик йўқ эди.

Крит шаҳарларида қалъа деворлари бўлмаган, оролда жойлашгани учун фақат ўз флотига ишонган. Микенликлар эса ўз шаҳарларида катта тошлардан қурилган девор билан ўраб олган. Греклар бу деворларни циклопик деб аташган — уларнинг фикрича бу тошларни фақат девсифат улкан одамлар — циклоплар кўтариши мумкин эди. Микен Акрополига элтувчи йирик оҳақтошлардан қурилган «Шерлар дарвозаси» ва унинг ёнларида иккита шернинг бўртма нақши — Эгей дунёси монументал ҳайкалгарошлигида сақланиб қолган ягона намуна.

Крит-микен санъати («Эгей санъати» деб ҳам аталади) шаклланаётган грек санъати учун ажойиб муқаддима бўлди. Мил. ав. VII—VI асрлардан Архаик Греция санъатининг аниқ ифодаланган услублари шакллана бошлайди. Бу даврдаги грек санъати учун маҳобатлилик хос эмас. Бу санъат ҳар жабҳада табиий ўлчамга интилади, унинг учун инсон — барча нарса-нинг мезони. Бу санъатнинг энг сеvimли образи — бакуват ва хушқомат ўспирни. Грек архитектураси ўлчамларининг улкан-

лиги билан ажралиб туради, ammo у битоларнинг барча қисми аниқ ва мақсадга мувофиқ тектоникасига асосланган.

Архаика даври нафис санъатидаёқ пайдо бўлган асосий тиш ва шакллар антик санъатнинг олтин даври ҳисобланган илк ва етук классика даврида ривожлантирилади. Ammo архаика классик санъатга ўтиш учун тайёргарлик даврига бўлган эмас, архаика санъати ўзини тақрорлашмас қиёфасига эга. Архитектурада агар олдинги асосий материал ёғоч ва лой бўлиб, улардан қурилган битолар сақланиб қолмаган бўлса, энди полсларнинг ҳомийлари – худоларга бағишланган ибодатхоналар тепаликлар устида тошдан қурила бошланди. Битоларнинг тузилишидаги яшилликлар улар қурилишини техник жиҳатдан бойитибгина қолмасдан, уларга эстетик руҳ ҳам бағишлайди.

Архаик давр ҳайкалтарошлигида хушқомат ялантоқ ўсиришлар ва гулдор парда билан ўралган қизлар образлариши яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Болалик ва кексалик санъаткорларни қизиқтирмайди, зеро ҳаётини қудрат ва мувоzanат фақат ёшлиқда мужассамлашади. Илк грек санъати эркак ва аёлнинг идеал образларини яратади.

Грек классик санъати ўз ривожини давоминида архаик санъат томонидан яратилган асосга таянди, унинг асосий жиҳатлариши сақлаб қолди. Грек классикаси услубида ҳаётга яқинлик, яъни ҳиссий самимийлик ва рационаллик мужассамлашган. Бу сифатларнинг ҳар бири ўз-ўзича ҳеч қандай жумбоққа эга эмас, ammo ҳамма сир уларнинг бир-бирига сингиб, уйғунлашиб кетганлигида эди. Кейинги тақлидчилардан ҳеч ким ана шу уйғунликка эриша олмаган.

Эллинистик санъатнинг асосий шакллариши ҳали ҳам классика даври тамойиллари тапқил қилса-да, энди санъатнинг мазмуши ўзгаради. Давлат ва хусусий ҳаёт ўртасида кескин ажралиш юз берадики, бу демократик Афинада бўлиши мумкин эмасди. Афина фуқароси учун ижтимоий феолият унинг шахсий манфаатлари билан қўшилиб кетганди. Давлат тепасида турган шахс эса унинг учун «тенглар ичида бириши» эди, холос. Эллинистик монархияларда битта шахснинг яққа ҳукмронлиги ўрнатилди. Қадимги Шарқ деспотияларида бўлгани сишари, у худого тенглаштирилади.

Энди расмий давлат санъати шайдо бўлиб, йирик ижтимоий ишчиолар ва ҳайкалларда аввалги анъаналар қайта ишланиб, дабдабаликка иштилош кучаяди.

Дабдабалик ва ишгимлик – қарама-қарши томонларга ҳос; эллинистик санъат ўта улкан ва жуда кичкина, тапчанавор ва ҳаётини, мажозий ва табиий томонларнинг контрастидан тапқил топган. Олам мураккаблашди, эстетик талаб ҳам хилма-

хил ва мураккаб бўлиб борди. Бу давр санъатидаги асосий йўналиш – инсоннинг умумлашган образидан қайтиш ва инсонни алоҳида, индивидуал мавжудод сифатида англашга иштилош, бунинг натижаси ўларок, унинг психологиясига, шахснинг миллий, ижтимоий ва бошқа жиҳатларига қизиқишнинг ортиши бўлди. Ammo буларнинг барчаси ўз олдига шундай вазифаларни қўймаган классик даврнинг талаб ва услуби орқали ифода этилади, шу боис эллинистик даврнинг новаторлик санъати асарларида қандайдир жонсизлик сезилиб туради, улар ўзининг буюк ўтмишдоши каби муқаммаллик ва уйғунликка эриша олмади.

Ammo бу айнилаганлардан эллинизм санъатининг буюк ёдгорликларини қолдирмади, детал матно келиб чиқмайди. Булдан ташқари, бу даврда шундай асарлар яратилдики, улар бизнинг тасаввуримизда антик нафосиниши буюк ктуқлари ҳисобланади. Мелослик Афродита, самофракиялик Ника ҳайкаллари, Пергамдаги Зевс эҳромн – бу давр санъатининг буюк ёдгорликлари. Бу машҳур ҳайкаллар эллинизм даврида яратилди. Уларнинг муаллифлари ҳақида ҳеч нарса мълум эмас, улар классик анъаналар асосида ишлаганлар, шу анъаналарини ижодий ривожлантирганлар.

Архитектура

Инсондаги ўз уйини яратилта бўлган иштилош дастлаб унинг совуқдан ёки қуёшнинг ўткир нуридан сақланиш, иловлар, түрт оёқли ёки кейинчалик ўзи-дек икки оёқли душманлардан ҳимояланиш каби эҳтиёжларидан келиб чиққан. Техник имкониятлар уйнинг материали ва ўлчамларини белгилаб берган. Ammo бу имкониятлардан фойдаланиш даражаси уй эгасиниши жамиятдаги ўрнн ва мақоми билан ҳам боғлиқ бўлган. Тириклар учун уйлардан ташқари, ўялқлар учун ҳам уйлар – мақбаралар қурилган. Қадимги Шарқдаёқ энг катта маблаг, исгоьдоод ва меҳнинг ибодатхоналар – худолар учун абадий уйлар қурилатилта сарфланган. Худоларнинг кўнглини овланг учун бутун бошпа мамлакатлар райрон қилинган, уларнинг аҳолиси эса кул қилинган, умрбод отир мажбурий меҳнатга маққум этилган.

Антик душ ўз тарихиниши ибтидосида улкан ибодатхоналар қуриш учун етарли воситаларга эга бўлмаган. Антик давр кинишчиши худолар ҳақидаги тасаввурн ҳам Шарқдагидан фарқ қилади. Бу тасаввур антик ибодатхоналарнинг кўринишида акс этади: ибодатхона унинг яратувчисига мос ва у илоҳийлаштирган табиатнинг бир қисмига айланади. Қадимги ибодатхона икки қолонпалн, «стилобат» деб аталувчи зинали цоколь, кўринишига эга бўлган. Ибодатхона томи икки ишшабали бўлиб, сонол черепица-

* Цоколь – деворнинг пастки қалинроқ қисми. Одатда унга меворнинг бошқа қисмидан ажралиб турувчи бизак бертади, масалан, мермор ёки бошқа таш билан қопланади.

лар, кейинчалик мрамор плиткалар билан қопланган. Деворлари дастлаб хом гишдаш, колонналар эса ёғочдаш қурилган. Пишиқ вишга ўтин жараянида ибодатхонанинг тузилиши ва мутаносиблигида ўзгариш кўз беради. Томнинг оғирлиги, устуларнинг пакли ва силобатнинг характериши ҳисобга олган «ордер» деб аталувчи мукамал бир меъморий тизим вужудга келади. Дорид ордерни услубидаги ибодатхоналарни ўраб турган устулар (колошда) жангчи-гошлар қаторини эслатиб, уларнинг ягона беаги мардик ва матонат бўлган. Аксинча, ионий ордер, айниқса, унинг Кичик Осиёча варианти, аёлларга хос латофат ва назокат ҳиссини уйроғлади.

Полислар даврида шаҳарсозлик мутлақо янги кўриниш касб этади. Форслар ва карфагенликлар билан бўлган урушларда кўплаб грек шаҳарлари ва ибодатхоналари вайрон бўлган эди. Уларни тиклаш полислар фуқаролари томонидан фақат «хўжалик зарурати» деб эмас, ўзига хос адолатнинг тикланиши, полислар худоларига етказилган зарарнинг қопланиши сифатида қаралади. Тикланган шаҳарлар қайтадан режалаштирилиб, мутлақо янги кўринишга эга бўлди.

Мил. ав. 479 йили форслар томонидан вайрон қилинган Милет шаҳри тикланади. Қайтадан режалаштирилган, тўғри бурчак остида кесилувчи магистрал кўчаларига эга бўлган Милет кейин тикланган бошқа шаҳарлар учун намуна бўлди. Милетлик архитектор Гишодам Афинанинг савдо порти ва айни пайтда ҳарбий базаси бўлган Пирей шаҳрини қайта қуришга ва Афина колонияси Фурияши қуришга бошчилик қилди. Гипподам томонидан қурилган бу мухташам шаҳарга кўчиб келганлар орасида ўзининг буюк асарини «Мен, фуриялик Геродот...» дея бошлаган Европа тарихининг отаси ҳам бор эди.

Исон заковатининг маҳсули бўлган Афина акрополи асрлар мулки бўлиб қолди. Уруш оловида куйиб, ян-яланғоч бўлган шаҳар тежалати ҳали «ёмонлар ҳокимияти» бўлиб улгурмаган демократиянинг Олимшига айланади. Ксеркс томонидан вайрон қилинган эскиси ўрнига қурилган янги Акрополь Афина демократиясининг қиска, аммо ҳайратланарли даражада юксак шароити, унинг Шарқ деспотияси устидан қозонган валабаси рамзи бўлиб қолди. Акрополь солиб авлод тантаси, унга кирити эса — «зафар аркаси» деб аталди. Акрополь ҳунар устидан яқоднинг, хаос устидан уйғунликнинг валабасини акс эттиради. Ҳатто, ҳозир, орадан икки ярим минг йил ўтгандан сўнг ҳам колошлар ва рельефлар сишири оралаб «Мен, Фидий, афиналик...» деган мрамор ёзув кўзга яққол тапиланади.

Бу гуруҳ ва озолик маддиясининг, умуман, Парфенонши безатинининг муаллифи Периклнинг дўсти Фидий бўлган. Одамлар ва худолар образини яратган Фидий қоҳинларнинг қандайдир ақдаларига амал қилмади — у инсоннинг оламдаги ва жамиятдаги ўрни тўғрисида, худолар оламини оқиллик билан бошқараётган инсоннинг табиати ҳақидаги ўз даври тасаввурларини шу образларда мужассам этди.

Машҳуриликда Афина акрополидан кам бўлмаган архитектура ансамбли Алфей ва Кладей дарёлари оралигидаги Олимпда, умуман унинг ўлкасида жойда қад кўтарди. Унинг марказида мил. ав. 470—445 йиллари архитектор Либон томонидан қурилган Зевс ибодатхонаси жойлашган. Ибодатхона деворлари одатдагидек мрамордан эмас, оҳактошдан ясалиб, гишдан қоришма билан сувоқ қилинган. Ибодатхона фризи билан ҳошияланган бўлиб, уларда Олимшидаги мусобақалар асосчиси ҳисобланган Гераклнинг жасоратлари акс эттирилган. Ибодатхона ичкарисини Зевснинг 15 метрлик баҳайбат ҳайкали беаиб турган.

Эллинизм — Буюк Александр давлати парчаланишидан Шарқий Ўрта Ер дегизи худудларининг Рим томонидан забт этилишигача бўлган давр — қадимдаги энг дахшатли урушлар даври, шу билан бирга, ютуқлари инсониятни ҳамон ҳайратга солиб келаётган моддий ва маънавий маданиятнинг юксак тараққиёти даври ҳам бўлди. Афина, Милет, Коринф сингари эски шаҳарлар билан бирга, Шарқда пайдо бўлган, аҳолиси, асосан, ионлар ва ҳаёт тарзи ионча бўлган янги шаҳарлар ҳам эллинистик маданиятнинг марказларига айланади. Уларнинг асосчилари Александр ва унинг империяси ўрида пайдо бўлган давлатларнинг ҳукмдорлари эди. Фақат Салак I нинг ўзи 60 та шаҳар қурди, шулардан 16 таси отасининг шарафига унинг номи билан «Антиохия» деб, тўққизтаси — «Салаккия» деб аталди.

Александрнинг шахси ва ишлари қадимги даврда ҳам, янги замонда ҳам турлича баҳолашиб келинган. Қадимда унинг Шарқ армиялари ва шохлари устидан қозонган ақолий валабаларида олимлар ҳайратга тушган, гурулашган. Бопқалари эса, аксинча, босқинчиликнинг маъносиз эканлигини, инсониятга ҳеч нарса бермаганлигини, империя Александрнинг ўлимида сўнг тезда тарқаб кетганини таъкидлашади. Александрни асосан равишда пайқатсиз босқинчи, халқларни қул қилган ва ўзига қарши пафратда эллишлар ва варварларни бирлаштирган «эолим» деб аташди.

Аммо, Александрни ўзидан фақат вайроналиклар қолдирган бошқа босқинчилардан фарқ қилдириб турувчи жиҳат ҳам бор.

Бу — Шарқда маърифат ва фаннинг марказларига айланган шаҳарларнинг қурилиши. Шулардан бири дабт этилган Мисрда Александр томонидан асос солинган шаҳар — Александрия бўлиб, у билан Фалес ва унинг шогирдлари ижод қилган Милет ҳам, Платон Академияси ва Аристотель Лицейи фаолият юритган Афина ҳам тенглаша оламасди.

Александриянинг илмий марказга айланишига бир пача омиялар имконият туғдиран. Миср қадимги маданият маркази бўлиб, Александр босқинидан анча олдин ҳам Грециянинг машҳур кишилари (Гекатей, Демокрит, Геродот, Платон) мисрлик хоҳиналар ҳузурига илм ўрганиш учун келишган. Бундан ташқари, Миср бой ўлка бўлиб, унинг янги ҳукмдорлари — птолемейлар фан ва маданиятга катта маблағ сарфлаш имкониятига эга бўлганлар.

Хайкалтарошлик | Қадимги Шарқ ва Ғарбда кўплаб муҳташам биналар қурилган. Улардан еттига энг буюклари ажратилиб, уларга «дуённинг етти мўъжизаси» дея ном беришган. Шу еттигадан иккитаси — эҳромлар ва Александрия маъли Мисрда жойлашган. Маёқ бандаргоҳга киришда қурилган бўлиб, баландлиги 120 метрлик уч қаватли минара шаклида бўлган. Бу бинoning юқори қисмидаги фокус Александрияга келувчи кемаларга йўл кўрсатувчи йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, маёқда метеорологик ва бошқа илмий кузатувлар ҳам олиб борилган.

Антик санъат, фалсафа ва адабиётнинг бош қаҳрамони — инсон ва айнан шу ҳодиса антик гуманизм ҳақида сўз юритиш имконияти беради. Антик давр тушунчасининг ўзи — жамият урув-қабилачилик тасаввуллари қобитидан озод бўлишнинг ўзоқ давом этган жараёни. Антик давр китписи хайкалтарошликда инсонни ўртача, шартан қилиб тасвирлашга асослашган ашъанларни ва материаллар қаршичилиши енгиб ўтиши лозим эди. Одам шаклидаги худоларнинг дастлабки хайкалчалари мил. авв. VII асрга оид бўлиб, улар «афиналик хайкалтарош Дедал томонидан ясалган» деб ҳисобланувчи ёроч хайкалчаларга тақлид қилиб ясалган. Самос оролидан топилган Герацин тошдан ясалган хайкалчаси эса катта дархат танасида яшайдиган ва ҳали ундан чиқдшга улгурмаган Дриадани эслатади. Хайкалтарош унга топдан озод бўлишда ёрдам беради. Мил. авв. VI аср бошларидаги постаментда қуйидаги ёзувни ўқиш мумкин эди: «Мени хайкал ва постаментни тўлавишча битта тошдан ажратиб олишган».

Мил. авв. VII—VI асрлардаги хайкалчаларнинг персонажлари фақат худолар бўлмасдан, уларга спитиувчилар, ди-

ший маросимларнинг қатнашчилари — худолар ва маъбудалардан мутлақо фарқ қилмайдиган йигитлар (курслар) ва қизлар (корлар) ҳам бўлган. Йигитлардан бирининг елкасида бузоқча. Бузоқни туёқларидан ушлаб, қўларини маҳкам кўксига босган. Бузоқ билан уни қурбоналикка атаган йигитнинг бошлари бир-бирига яқин турибди. Қўзлари битта чизикқа жамлашган — бузоқчаники маъсум ва бироз намлашган, йигитчаники эса интилувчан, гўё худоларга мурожаат қилаётгандек туюлади.

Дельфида топилган аравакат хайкалида энди арханк чекланганликдан асар ҳам йўқ. Бу ўсмир баланд бўйли, бели анча тешидан боғланган, одада аравакатлар мусобақа пайтида киядиган кийимда тасвирланган. Гава бенуқсон, жиддий, юз ифодасида, бошнинг салгина бурилиб туришида ҳеч қандай сунъий жўпқилик сезилмайди. Ҳар бир майда икир-чикиригача ўта пухта ишланган хайкалда самимийлик, олийжаноблик ва таштанавор улуғворлик уфуриб туради.

Мил. авв. V асрга юнон хайкалтарошлиги хайратланарли ўзгаришларни бошидан кечиради. Энди одамлар ва худоларнинг хайкалларида сиқиклик ҳамда уларни ҳаракатсиз қилиб кўрсатиш шартлиликдан асар ҳам йўқ — тасвир реалликка яқинлашади. Ўз кучига ишонмаслик рамзи бўлиб кўринган «арханк табассум» ҳам энди мармар ва бронза юзларни абадий тарқ этади.

Ривожданган полис даври санъат ютуқлари Фидий, Мирон ва Поликлет номлари билан боғлиқ. Мирон ясаган «Диск улоқтирувчи» хайкалида спортчи танасининг эгиллиги ва бурилиши, мушаклар таранглиги спунчалар ишонарлики, томонбаитга худди диск ҳозир отилиб кетадигандек туюлади.

Мироннинг «Афина ва Марсий» хайкаллар гуруҳи фақат миғни эмас, характерлардаги валеги зиддиятни ҳам акс эттиради. Мирон Марсийга сивитиувчи қўнни боотийликлардан афиналикларнинг устучилиги ифодаламоқчи бўлган.

Поликлет ижодишиг асосий мавзуси — инсон-фуқаро ва полис ҳимоячисининг баркамоллиги. «Арифор» хайкали ўзида куч, гўзаллик ва хотиржамликни уйғуллаштирган ўсмирни акс эттиради.

Эллистик хайкалтарошлик олдинги давр санъатига нисбатан хайкалнинг жуда катталлиги



Диск улоқтирувчи.



Поликлет. Яраланган Афиналик.



Дорифор.

ҳамда композициянинг мураккаблиги билан ажралиб туради ва кўпроқ майдонлар, ибодатхоналар, жамоат бинолари учун мўлажалланган эди.

Родос оролига Деметрий Полиокрет армияси ва флотининг ҳужуми муваффақиятли қайтарилгандан сўнг ороликлар қалабанинг асосий ҳомийси Гелиос худосипи бадишлар мисли кўрилушига катта ҳайкал ўрнатилишига қарор қилдилар. Гелиоснинг 35 метрлик ҳайкалини родослик ҳайкатарош Харес лойihalаштириб, бронзадан қуйди. Ҳайкал шунчалар бахайбат эдики, у

бандаргоҳ яқинидаги қояларга ўрнатилганда оёқлари остидаги қомалар бемалол сузиб ўтарди. Аммо ҳайкал тағтанамли ўрнатилганидан 56 йил кейин юз берган zilzila оқибатида алдарилиб тушди. Бу даврда яратилган бошқа ҳайкаллар ҳам гўзаллик ва маҳоратда Гелиос ҳайкалидан кам эмасди.

Ҳайкалтарошлиқдан ташқари яна бир ривожланган ва кенг тарқалган санъат тури, антик давр кишисининг доимий йўлдоши — сопол буюмлар бўлган. Инсоният абадий қоронғуликдан ёруғликка чиққанда ҳамунинг бешинчи ёнида сопол идиш турган. Инсон биринчи култур сўяти ундан ичган, ўзининг тарихи кулбасини ҳам у билан боғлаган, қора қунлар учун йиғиб асраган бойлигини унда сақлаган. Мусобақа юлиблари учун муюфот ҳам ундан ясалган. Сопол антик давр киши ҳаётининг ҳамма жабҳаларини қамраб олган, образли қилиб айтганда, унинг Луври ҳам, Британия музейи ҳам, Эрмитажи ҳам ва барчасининг жамланмаси ҳам сопол бўлган. Қадимшунослар ва тарихчи олимлар учун эса сопол антик жамият ҳаётини ўрганишнинг битмас-туганмас манбаидир. Антик давр кишиси ўз эхтиросларини, олам ҳақидаги тасаввурларини, чексиз қувонч, қўрқинч ва аламларини, орзу ва армонларини — ҳуллас, бутун ички оламини сополдаги тасвирлар орқали янги йиллар кейин яшаган авлодларга қолдирган.

Тасвирий санъатнинг одатдаги тури ҳам мавжуд бўлса-да, рассомлар фойдаланган материаллар мустақкам бўлмаганлиги сабабли улар давр синовига дош беролмаган. Бу расмлар ҳақида ўша замон китпилари ҳайрат билан ёзган ва бизгача етиб келган битиклар орқалигина фикр юритиш мумкин. Фидийнинг замондоши бўлган рассом Полигнот, айниқса, машҳур бўлган. Унинг Дельфдаги дам олиш уйига қўйилган «Вайрон қилинган Илион» картинаси замондошларнинг юксак эстетикасига сазовор бўлган.

ҚАДИМГИ РИМЛИКЛАР

Таракқиёт даражаси турлича бўлган цивилизациялар ўртасидаги мулоқот кўпинча улардан бири учун ҳилоқатли яқун топади. Буюк географик кашфиётлар натижасида Колумбгача бўлган Америка цивилизациялари йўқ бўлиб кетди. Ривожланган юнон цивилизацияси билан учрашган Месоамтария цивилизацияси ҳам тинчгина тарихдан ўз ўрнини эгаллади. Ғарбий Рим империясининг ҳилоқатида асосий роль ўйнаган варварлар билан тўқнашган цивилизациянинг аҳволи бундан ҳам аялчан бўлди. Мил. авв. V асрда Эсхил, Софокл ва Эврипид давридаги афиналик юнон учун кетганина (мил. авв. 510 йили) охири шохини қувиб юборган, пайдеёга — юнонча тарбия ва маърифатга эга бўлмаган, қалати тилда сўзлашадиган римлик варвар бўлиб кўринарди. Аммо шу варварлар уч асрдан сўнг (мил. авв. 176 йили) Грецияни забт этиб, ўз давлатлари таркибига қўшиб олдилар. Қадимги юнон цивилизацияси абадийдан ўрни оладигандек туюлган эди. Аммо, кейинчалик Римнинг бошига тушган шум тақдир унга насиб этмади. Римликлар гўё юқоридаги қондони рад этишга қарор қилгандек, ўз ажодлари билан гуруралиб, ўзларининг римча қадриятларини қарор тоштириб, мағрур римлик бўлиб қолаётган бўлсалар-да, юнонларнинг барча ижобий томонларини қабул қилди ва шундай ривожланишда давом этди. Шу ўринда Горацийнинг юқорида келтирилган «Забт этилган Греция ёввойи юлибининг ўзини маъд этди» деган сўзларини яна бир бор эслатиш лозим.

Юнонлар дунёга давлат қурилишининг янги типи бўлган полисларни берди, римликлар тузилиш принциплари қўлаб мамлакатларда ҳозир ҳам сақланиб қолаётган давлатни яратди. Буюк Александр оламшумул империя мавжуд бўлиши мумкинлигини бутун дунёга исботлади. Римликлар оламшумул империяни яратди, у бир печа аср яшаб, авлодларга империячилик юясини. Римнинг алоҳида юксак миссияси ҳақидаги юяни қолдирди ва бу юялар кейинги цивилизацияларнинг ҳам асосий жиҳатига айланди. Юнонлар ҳуқуқ пойдеворига асос солди, римликлар эса ҳозиргача қўлаб давлатларда ҳуқуқнинг ўзаги бўлиб келаётган ҳуқуқ тизимини яратдилар. Юнонлар дунёга қомил инсон юясини берди, римликлар эса фуқаролик идеали ва фуқаровий қадриятлар: марданлик, одиялик, эркинлик (virtus, ius, libertas) тизимини шакллантирди. Юнонлар худоларнинг улуввор оламини яратди. Римликлар ўз худоларини рад этмасдан, бошқа халқлар худоларига ҳам баърикешлик қилдилар, уларга Рим ва

римликлар манфаатларига хизмат қилиши мумкин бўлган куч сифатида қарадилар ва бугун ҳам жуда муҳим бўлган диний баррикешлик намунасини яратдилар. Бу соҳада улар форслар ва юноплардан ҳам оддича кетди, зеро, Рим цивилизацияси тараққиётининг энг муҳим натижаларидан бири кейинги минг йилликларда умуман цивилизация тараққиётига қудратли таъсир кўрсатган янги монотеистик дин — христианликнинг қабул қилиниши ва ёйилиши бўлди. Юнонлар кўплаб халқларнинг тили ва маданияти ривожига катта таъсир кўрсатган тилни яратдилар. Римликлар яратган тилда эса бутун Европанинг фан, санъат ва адабиёт аҳли сўзлашди, асарлар яратди, кейинчалик шаклланиб кўлаб европа тилларига асос бўлди.

Римликлар юнонлардан фарқли равишда, янги фалсафий мактаблар ва космогонияга оид назариялар яратмади. Улар ишбилармон ва омиakor кишилар эди. Аммо, айнан Римда фаннинг математика, астрономия, агрономия, медицина каби шундай соҳалари ривожландики, улар кундалик амалий муаммоларни очшида катта аҳамиятга эга бўлди. Шундан бўлса керак, Рим Колизейининг мадҳобати юнонлар Пантеонидан кам эмас, Рим Базиликаси эса кейинги асрлардаги кўплаб ибодатхоналар учун намуна бўлди.

Римликларда ўзларининг Фидий ва Поликлетлари бўлмаган. Уларни худолар ва афсонавий қаҳрамонлар образларидан кўра реал инсон кўпроқ қизиқтирган. Шундан бўлса керак, римликлар инсошиятга ўзининг психологик тарашиги ва реаллиги билан китпни ҳайратта солувчи кўлаб асарлар қолдирди. Уларнинг деворий нақшлари ҳам юнонларникидан ҳеч қолшимайди. Инсонни, унинг ўй-хаёллари, орзу-умидлари ва амалларини очиб беришга йўналтирилганлик Рим адабиётининг ҳам характерли томонидир. Қадимги Римда яратилган прозаик асарлар асрлар ўтиб адабиётда яратилажак яши адабий жанр — романтикнинг муқаддимаси бўлди.

Рим жамияти ўз тараққиёт босқичларининг умумий жиҳатлари билан юнон жамиятини такрорлайди, аммо уни бошқа даврда ва ўзгача суръатларда, бошқа тарихий ва географик муҳитда, ўзгача халқаро шароитда, ўзгарган ва мураккаблашган шаклда такрорлайди. Қадимги Рим цивилизациясига ҳам юнонлар ёки бошқа цивилизациялар сингари ўз тарихий муҳлати ўлчаб берилган эди. Аммо римликлар, худди юнонлар сингари, ўз цивилизациясининг умрбоқий эканлигини исботладилар. Агар юнонлар даҳоси бадиий истеъдод бўлса, римликлар даҳоси — бу сиё-

сий даҳо. Катта ерларни забт этиш билан қадимги халқларнинг кўпчилиги шуғулланган, аммо байроналари устида бугунги Европа цивилизацияси барпо бўлган давлатни яратиш фақат римликларгагина насиб қилган. Римликлар фақат қурол билан эмас, қонуни билан ҳам бошқариш мумкинлигини яхши тушунишган. Шу боис Қадимги Рим цивилизацияси бугун давлатларнинг конституциялари ва қонунларида кўлаб халқлар менталитетинда, жаҳон маданияти намуналарида яшамокда. Прагматик римликлар учун тарих фани ҳам муносиб машғулот ҳисобланган, тарихий асарларнинг жозибадорлиги Цицерон нутқлариникидан кам эмасди. Улар ажодлар хотирасисиз инсон ўзининг англай олмаслигини, тарихи йўқ давлат муқаммад бўмаслигини яхши билишарди. Бу ўғитларнинг бутун ҳам долзарблигини татқиқлаган ҳолда шунга айтиш лозимки, бутунги цивилизацияни инсониятнинг умумий тарихисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қадимги Рим цивилизацияси эса, европаликларнинг бироз бўрттиришига қарамасдан, шу тарихда ўзининг улуғвор ўрнига эга.

Ўрта Ер денгизининг марказида, Апеннин яриморотида шаклланиб Қадимги Рим цивилизацияси ҳам юнонларники сингари денгиз цивилизацияси эди¹. Бутун яриморотнинг географик жойлашуви ва қудай об-ҳаво шароити имкон яратди.

Апеннин яримороти шимолда Алья товлари, шарқда Адриатика денгизи билан тегараланган. Яриморотни жануби-шарқ томонда Ион денгизи Болқондан, шарқда Тиррен денгизи Сардиния ва Корсикадан ажратиб туради. Шимол-шарқ томонда Лигурий денгизининг сувлари ювиб туради. Апеннин яриморотининг соҳил бўйи ҳудудлари Грециядагичалик ривожланмаган: бу ерда оролар кўп эмас ва шу сабабли денгизчилик юнонлардагидек тараққий этмаган. Бутун қирроқ бўйлаб Апеннин товлари чўзилиб кетган бўлиб, бу товлар яриморотни учта катта вилоятларга: шимоллий, марказий ва жанубийга ажратиб туради. Пад дарёси (ҳозирги По)дан ташқари йирик дарёлари йўқ. Қитъда, айниқса, баҳорги тошқин пайтида тўлиб оқадиган кўлаб майда дарёлар ёзга бориб қуриб қолади ва шу сабабли кема қатнови учун ярамайди.

Апеннин яриморотининг об-ҳавоси ҳам турлича. Масалан, шимол ёмтирли, қирли мўътадил иқлим зонасига кирса, жашуб ва марказ серёмлир субтропик иқлим ҳисобланади ва бу ерда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг мўла-қўла бўлишига

¹ О. Швенглер ва А. Тойнби Римнинг мураккаб цивилизация сифатидаги аҳамиятини рад этишган. Улар Рим даврини Антик цивилизациянинг инкироз босқичи деб ҳисоблашган.

имконият яратади. Апеннин тоғлигининг ёнбағри қалин ўрмонлар билан қопланган бўлиб, бу ерларда қарағайнинг бир неча тури, эман, каштан, водийда ва қирроқ бўйларида эса савр ва дағна каби дарахлар ўсарди. Мил. авв. I миңг йилликнинг бошидаш топонимлар таъсири остида бу ерда зайтузорлар, ўрик ва шафтоли боғлари пайдо бўлди. Тоғлар ва ўрмонлар тўғриси, тулки, бўри, айиқ каби йирик ва бир қанча турдаги майда ҳайвонларга бой эди. Маҳаллий аҳоли жуда қадим замонлардаёқ қўй, сиғир ва чўчкаларни хонакиллантирган. Бу ернинг ўсимлик ва ҳайвонларга мўллигини кўрган қадимги юнонлар ярим-оролнинг жанубини бузоқлар мамлакати — Италия (италиячада «vitella» — бузоқ дегани) деб атаганлар¹. Бу ном кейинчалик бутун Апеннин яриморолга нисбатан қўлланилди.

Италияда қазилма бойликлар нисбатан кам, олтин, қумуш, мис ва кўрғошнинг кичик захиралари мавжуд бўлган, холос. Яриморолнинг маркази аҳолини мрамар ва қурилишбоп тош билан, Кампанья гил тупроқ билан, Тибр дарёсининг қуйи оқими эса туз билан таъминлаган.

Рим империясининг юраги бўлган Апеннин яриморолда тили, дини, этник ва маданий жиҳатлари бир-биридан фарқ қилувчи турли халқлар яшарди. Яриморолнинг энг қадимги аҳолиси Ўрта Ер денгизи халқлари: Италияда литурлар, Сицилия оролда сиканлар, Корсика оролда корслар, Сардиния оролда сардлар эди. Мил. авв. II миңг йиллик охири — I миңг йиллик бошида Ўрта Ер денгизи ҳавзасидаги халқларнинг оммавий кўчмиши юз беради. Иллирия, Дунай ҳавзаси ва Кичик Осиёнинг ғарбий ҳудудларидан яриморолга турли қабилалар оммавий кўчиб келади ва улар ичида энг кўч сонлиси ҳинд-европа халқларига мансуб италиклар эди. Яриморолнинг энг қадимги аҳолиси Алья тоғлари водийсига сиқиб чиқарилади, кириб ташлашди ёки кўчкннчилар билан ассимиляцияланиб кетди.

Мил. авв. I миңг йилликда яриморол аҳолисининг асосий қисмини италик қабилалар ташкил қилиб, уларнинг ичида латинлар (Лацио вилояти улар номидан олинган), оскарлар, умбрлар ажралиб туради, шунингдек, сабель қабилалари ҳам бўлиб, улар ичида самнитлар энг кўп сонлиги эди. Лацио атрофида кўлаб қабилалар, жумладан, сабинлар ҳам истиқомат қиларди. Латин ва сабин қабилалари аралашуви натижасида римликлар пайдо бўлди. Мил. авв. VIII асрда Тибр дарёси қирғоғида асос солинган

¹ Билки бир жазбаларда «Италия» — «Слован орол» (ҳадимом вулкннлар собабли) деган маънони аниқлади дейилган. Қаранг: Дмитриева Н.А., Адамюк А.И. Античное искусство: Очерки. — М.: Дет. лит., 1988. — С. 118.

Рим паҳрининг шимоли-ғарбида Қадимги Рим цивилизациясига муҳим таъсир кўрсатган этрусклар яшарди. Бугун «римликларники» деб ҳисобланадиган инсониятнинг кўлаб ютуқлари аслида этрусклар цивилизациясига мансуб бўлган ва римликлар ўз империясини ана шу цивилизация пойдеворига қургншлар.

Этрусклар ҳақида Геродот, Тацит, Страбон, Тит Ливий ва бошқа тарихчилар томонидан кўп ёзилган ва уларнинг кўпчилиги таъкидлаганки, этрусклар — Шарқдан келган. Этрускларнинг Шарқдан келиб чиққанлиги ҳақидаги тахмин, ҳатто, Ғарбий Европа фани учун ҳам асосий фараз ҳисобланади. Сенека ҳам, «Осиё тусқларни ўзики деб ҳисоблайди», дея ёзган эди¹.

Қадимги Грецияда архаик маданият гуллаб-яшнаган даврда Италияда этрусклар маданияти ривож топди. Этрурия кудратли денгиз давлати эди. Қадимда «денгиз одамлари» деб аталган этрусклар савдогарлар ва денгизчиларга дахшат солган. Италияни ювиб турувчи иккита денгиз этрускча номлар билан — Адриатика, Адрия шаҳрининг номидан ва иккитиси Тиррен, этрускларнинг яна бир номи билан аталгани бежиз эмас.

Аmmo, бу Рим цивилизациясига кўрсатилган ягона таъсир эмасди. Бузоқ юнон колонизацияси даврида Сицилия оролда, шунингдек, жанубий ва марказий Италияда юнонлар кўлаб колониялар ташкил қилган бўлиб, уларнинг аҳолиси маҳаллий аҳоли билан қизгин алоқа ўрнатади. Апеннин яриморали аҳолисига Шимолий Африка қирғоқлари, Жанубий Испания, Сицилия ва Сардиниядаги финикияликлар маъзилгоҳларини назорат қилиб турган карфагенликларнинг ҳам таъсири катта эди. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётнинг нисбатан юқори поғонасида турган бу халқлар Қадимги Рим цивилизациясининг қарор топишида катта из қолдирган.

Тибр дарёсининг шимоли-ғарб томонида яшовчи этрусклар италий қабилалари орасида муҳим ўрин эгаллайди. Мил. авв. VI асрга келиб уларда қуддорлик муносабатлари юқори даражага эришади. Марказий Италиянинг катта ҳудудини эгаллаб олган этрусклар жанубга қараб юришда давом этади ва

¹ Сўшти пайтда фанда бир нарий фараз пайдо бўлди. Унга мувофиқ, Шумер мил. авв. XXIV асрда Аккад шўқи Бузоқ Саргон томонидан эриб этилгандан сўнг семитлаштирилиб жараёни бошлашди, Шумер аҳолисининг бир қисми мамлакатдан чиқиб кетди. Этрусклар ана шу шумерларнинг авлоди бўлиши мумкин. Шумер маданияти вакиллариининг бошқа бир қисми Марказий Осиёга кўчиб келиб, бу ерда уларнинг маҳаллий халқлар билан аралашуви натижасида пайдо бўлган этнос Қадимги Турк цивилизациясига асос солди. Қаранг: Мингазов Ш. Этруски и турки. <http://kitap.net.ru/mingazov/etruski.php>.

фақат Жанубий Италияда ионилар уларни тўхтатиб қолди. Мил. авв. III асрда аста-секин этрусклар римликлар томонидан бўйсундирилиб, романлаштирилди. Римликлар этрускларнинг ҳунармандчилик, қурилиш техникаси, шаҳарсозлик, бадиий маданият ва мафкура соҳасидаги кўлаб ютуқларини ўзлаштириб олдилар. Узоқ давом этган этномаданий аралашув натижасида мил. авв. I асрга келиб Апеннин яриморлида битта латин тилида сўзлашувчи ягона Италия халқи шаклланди.

Тарихи | Қадимги Рим тарихи деганда Апеннин яриморлидаги Тибр дарёси бўйида яшовчи кичик бир фуқаролар жамоаси томонидан бўйсундирилган кўлаб халқлар тарихи тушунилади. Бу жамоа Италия шаҳарлар федерациясига бош бўлиб, Ўрта Ер денгизидagi қудратли давлат — Рим империясининг марказига айланади. Одатда, Қадимги Рим тарихи мил. авв. VIII аср (мил. авв. 753 йил 21 апрель Римга асос солинган афсонавий сана)дан миладий V аср (476 йил 23 август куни Ғарбий Рим империясининг охириги императори Ромул Августул тахтдан аъдарилди)гача бўлган даврни қамраб олади. У қуйидаги даврларга ажратилади: Римнинг энг қадимги тарихи ёки подшолик даври — мил. авв. VIII—VI асрлар. Ундан кейинги республика даври — мил. авв. VI—I асрлар. Бу давр, ўз навбатида, қуддорлик жамияти шаклланган республика даври (мил. авв. VI—III асрлар)га ҳамда Рим томонидан Италия зафти этилган сўнги республика даври (мил. авв. II—I асрлар)га бўлинади. Республика даврида Италияда қуддорлик муносабатлари кенг ривожланиб, Рим Ўрта Ер денгизидagi қудратли давлатга айланади. Мил. авв. I аср охири — миладий V аср — бу Рим тарихининг империя даври. Империя даврининг дастлабки икки асри (мил. авв. I — миладий II аср) — бутун Ўрта Ер денгизга бўйлаб қуддорлик муносабатларининг кенг ёйилиши билан характерланувчи илк империя, яъни принципат¹ даври. III аср — бу Рим империясининг тарқалиб кетиши хавфини солган инқироз даври. Инқирозни ештиб ўтишга империяни ташкил қилишнинг янги шакли — доминат² ёрдам берди. Сўнги Рим империяси даври — доминат — III асрдан V асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр қуддорлик муносабатларининг

¹ Принципат (лот. Principatus — биринчи, асосий, бош) — Рим тарихидagi давр (мил. авв. I аср — миладий II аср) республика империяга айланиётган давр, ammo император амалда иккаҳоким бўлса-да, формал тенглар ишда биринчи (princeps) ҳисобланган.

² Доминат (лот. Dominatus — ҳукронлик, устунлик, dominus — хўжалик) — Қадимги Римда принципат ўрнига келган давлат бошқаруви шакли.

таназзудга юз тутиши ва илк феодал муносабатларининг шаклланиши билан характерланади.

Рим тарихининг илк даври ҳақида кўлаб афсоналар мавжуд. Шаҳар Троянинг ҳимоячиси бўлган Эней авлодлари, ёнаётган қалъадан қутулиб чиққан шаҳар ҳимоячилари томонидан қурилган деб ҳисобланади. Шу қутулиб қолганлар дегиз орқали Апеннин яриморли қирғоқларига сузиб келиб, Тибр дарёсининг денгизга қуйилиш жойидаги қирғоқларга ўрнанадилар ва Альбу-Лонгу шаҳрига асос соладилар. Энейнинг авлодлари ака-ука Рем ва Ромул Палатин тепалигида кейинчалик Рим номини олган (жанжалда ўз акасини ўлдирган Ромул номидан олинган) шаҳарга асос соладилар. Аслида қандай бўлганидан қатъи назар, археологик қазилар мила VIII асрга оид маънавий қолдиқлари борлигини тасдиқлади. Айнан шу ерда Рим шаҳри қад кўтарди¹ ва кейинчалик жуда катта империянинг марказига айланди.

Рим тарихининг подшолик даврида ҳали урув-қabila муносабатлари сақланиб қолган эди. Афсоналарда айтилишича, Рим подполигининг жами аҳолиси уч юзга урувга бўлинган. Ҳар ўрта урув курияга, ҳар ўрта курия эса трибага бирланган. Шу тариқа илк рим жамиятида учта триба бўлган. Барча уч юз урувнинг аҳолиси «рим халқи»ни — урув орқали курия ва триба билан боғланган кишиларгина мансуб бўлган рим фуқаролик жамоасини ташкил қилади.

Рим жамоасининг тенг ҳуқуқли аъзоси фақат патрицийлар, яъни асладолар зотига мансуб кишиларгина бўлиши мумкин эди. Кўчкнчилар ва зафти этилган вилоятлар аҳолиси плебейлар қатламини ташкил қиларди. Улар ҳам тахсан озод кишилар эди, ammo ҳеч қандай ҳуқуққа, шаҳарда ер ва жамоа экин майдониди ўз улушига эга эмасди. Плебейлар ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланар, патрицийлар ҳомийлиги остига ўтиб, улардан ер оларди. Бу қарам кишилар (класилар) патрицийга бўйсунар, omma олдида уни иззат-икром кўрсатар эди. Рим аҳолисининг энг қуйи қатлами куллар эди. Улар сафини ҳарбий асирлар, қўшни қабилалардан ва қулфуруш савдогарлардан сотиб олинганлар тўлдирар эди. Куллар сафини тўлдирешнинг муҳим манбаи кабал куллик бўлган. Қадимги одат бўйича қарз олган киши уни устама фонд билан қайтариши лозим эди. Акс ҳолда, уни судга тортинар, у ёки қарзини қайтариши ёки фарзандини, хотинини ёштки ўзини сотиб, бадалини узиши лозим

¹ Ривоятга кўра Рим егизга — Палатин, Эсквилин, Квиринал, Целий, Капитолий, Виринал ва Авентин тепаликларига қад кўтарган.

бўларди. Куллиқнинг бундай шакли, айниқса, Рим этрусклар ҳукмронлиги остида қолгандан сўнг кучайди.

Этруск шохлари Римда мил. авв. 516 йилгача ҳукмронлик қилдилар. Улар итида энг ёрқин шахс Сервий Туллий (мил. авв. 578—534 йиллари ҳукмронлик қилган) бўлиб, у кейинги республика даври тарихиши кўп жиҳатдан белгилаб берган Рим цивилизацияси қадимги даврининг энг булук ислохотчиси эди. У зодагонларнинг таъсирини камайитиришга қаратилган ислохотлар ўтказди ва шу сабабли ислохотлардан норози зодагонлар томонидан ўлдирилди. Унинг сиёсатини кўйви Тарквиний Магурр давом эттиради. Аммо у ҳам қувиб юборилгандан сўнг сенат шох ҳокимиятини бекор қилади. Римда республика даври бошланади.

Мил. авв. 510 йили Римда республика бошқаруви ўрнатилди. Патрицийлар ҳокимиятини ўз қўлларига олди. Бу бошқарув умумий иш (Respublica) деб аталди қилинди. Қадимги Рим цивилизациясишиш кейинги икки асрдаги тарихий иккита асосий омил билан белгиланади: патрицийлар ва плебейлар ўртасидаги қарама-қаршилик ҳамда Римнинг бутун Италияни бўйсундириш учун кураши. Патрицийлар ҳокимиятининг барча асосий механизмлариши ўз қўлларида ушлаб турарди. Республиканинг олий органи сенатда ҳам улар ўтирарди. Икки ҳокимиятининг тепасида турган консуллар ҳам улар орасидан тайинланар эди. Коҳин ҳам фақат патрицийлардан бўлиши мумкин эди. Суд ҳокимиятини ҳам улар эгаллаганди. Ва ниҳоят, энг катта ер майдонлари ҳам патрицийлар қўлида жамланган эди. Плебейларнинг патрицийларга қарши кураши ўз моҳиятига кўра ерга эгаллик қилиш ва теши сиёсий ҳуқуқлар учун кураш бўлди. Бу кураш турли усулларда олиб борилиб, плебейлар эришган муҳим ғалабалардан бири мил. авв. 495 йили улар манфаатларини ҳимоя қилувчи халқ трибунларининг жорий қилиниши бўлди. Трибун плебейлар орасидан бир йил муддатта сайланиб, унинг шахси дахлсиз ҳисобланар, veto, яъни сеша ва бошқа ҳокимият вакилларишиш қарорларига тақиқ қўйиш ҳуқуқига эга эди. Кейин, мил. авв. 450 йили ёзма қонун («XII таблица қонунлари» деб аталган)лар қабул қилиниб, бу патрицийларнинг суд соҳасидаги ўзбошимчиликларига чек қўйди. Кейинги йили ҳудудий трибундаги плебейлар ишилари томонидан қабул қилинган қарорлар сенатниш тасдиқсиз қонун кучиши олишига эришдилар. Мил. авв. 367 йили иккитомий фонддан битта патриций эгаллик қилиши мумкин бўлган энг кўп ер миқдори 500 югер (125 га.) билан чекланиши ерларниш патрицийлар қўлида жамланиш жараёнини тўхтатди. Шу қонун билан консуллардан бири плебейлар орасидан сайланиши ҳам белги-

лаб қўйилди. Мил. авв. 326 йили қдрз эвазига қул қилиш (қабал куллик) тақиқланди, мил. авв. 300 йили эса плебейлар коҳинлар коллегияси таркибига кириши ҳуқуқини ҳам олдилар.

Агар бу пайтда Рим Апеннин яриморалини эгаллаш учун бошқинчилик урушлари олиб бормаётганида, плебейларниш ўз ҳуқуқлари учун кураши ҳам бу қадар муваффақиятга бўлмасди. Чунки плебейлар қўшиннинг катта қисмини ташкил қилгани ҳолда, жиддий ҳарбий ва сиёсий куч сифатида тиқилиши мумкин эди. Натижада, мил. авв. III асрга келиб рим фуқаролик жамияти узил-кесил патрициан-плебейлик жамияти тарзида қарор топди. Римликлар ошида уддабуруп ер эгаси, жасур жангчи ва магурр фуқаро тушунчалари уйғуллашиб кетди. Рим жамиятининг асосини шахсий манфаат билан жамият манфаати ўртасидаги муносивлик юяси ташкил қилади. Жамиятнинг юқори қатламидан патрицийлар билан бир қаторда, плебейлар ҳам жой эгаллади. Натижада иккаласи бирлашиб, яши иккиёзли қатлам — побилитетни ташкил қилди.

Италияниш катта қисми устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун Римга икки аср (мил. авв. V—III асрлар) керак бўлди. Шу билан бир пайтда, бутун яриморалга римликларнинг урф-одатлари тарқалди, италий қабилалари романилашиб борди. Мил. авв. III асрга келиб Римниш ҳам физикюлияклар томонидан Африканинг шималида асос солинган кучли денгиз давлати Карфаген билан муносабатлари мураккаблашди. Дастлаб италийдан карфагенликлар жойлашиб олган Сицилияга эгаллик қилиш масаласида манфаатлар тўқнаш келди. 1-Пун (римликлар карфагенликларни «пунлар» деб атаган) урушишиш (мил. авв. 264—241 йиллар) натижасига кўра римликлар Сицилия ва Сардини ороллариши эгалладилар ва карфагенликларни катта товош тўлашга мажбур қилди. 2-Пун уруши (мил. авв. 218—201 йиллар) натижасида Карфаген ўзининг Африкадаги барча ерларидан айрилди, флоты йўқ қилинди, Карфаген энди Римниш руҳсатсиз уруш олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. 3-Пун уруши (мил. авв. 148—146 йиллар) натижасида Карфаген тўлиқ римликлар томонидан эгалланди ва сенатнинг қарорига кўра шаҳар вайрон қилинди, унинг ҳудуди шудор қилиниб, лангнатланганлик белгиси сифатида туз сешиб ташланди. Шаҳарнинг тирик қолган 500 минг аҳалиси куллиққа олиб юборилди¹.

Римликлар шу даврда Македонияни талади, Сурия қиролини мағлуб қилди, кейинчалик Грецияни ва Кичик Осиёниш фар-

¹ Циркин Ю.Б. Карфаген и его культура. —М., Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1987. —С. 68—69.

бий қисмиши забт этди. Шу тариқа Рим кичик шаҳар-давлатдан Ўрта Ер денгизидagi йирик давлатга айланди.

Уруш даврида Рим томонидан эгалланган катта бойлик, янги ерлар, кўп сонли қуллар оқими республиканинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига катта ўзгаришлар киритди. Аммо Римнинг гулаб-яшнаши, қолибона юришлари, иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришларида бошланаётган инқироз ва таназул белгилари сезилиб турарди. Жуда кўп сонли қуллар ва уларнинг аянчи аҳволи доимий кўзроқ хавфиши солиб турарди. Мил. авв. 134–132 йиллардаги Сицилия қуллар кўзроқони ва мил. авв. 73–71 йиллардаги Спартак кўзроқони бутун Римни жунбўшга келтирди. Ҳар иккала кўзроқон ҳам тафқатсиз бостирилишига қарамасдан (Сицилияда кўзроқон қатнашчиларидан йигирма минг киши қатл қилинди), энди қуларсиз яшай олмайдиган Рим доимий ижтимоий танглик ҳолатида туришга мажбур эди. Тангликнинг яна бир манбаи италийлар аҳолиси бўлиб, уларнинг ўз ҳуқуқлари учун мил. авв. 91 йили бошлаган кўзроқони мил. авв. 91–88 йиллардаги Иттифоқчилик урушига айланди (Италия аҳолиси Римнинг фақат иттифоқчиси ҳисобланарди) ва барча озод италийлар аҳолисининг Рим фуқаролигини олишти билан яқунлади.

Мил. авв. I асрнинг ўрталарига келиб Рим чуқур инқироз ҳолатига тушиб қолди. Забт этилган ерлардаги кўзроқонлар, Шарқдаги чўзилиб кетган ва давлатнинг тинқасини қуритаётган уруш, Римнинг ўзидаги фуқаролар уруши республика тузумининг ҳалокатидан даҳшат берарди. Қўлаб урушларда ном чиқарган саркарда Луций Корнелий Сулла фуқаролар уруши даврида Рим тарихида биринчи марта шаҳарни штурм билан олди ва мил. авв. 82 йили ўзини умрбод «диктатор» деб эълон қилди. У нобилитет манфаатлариши кўлаб ва армияга таяниб иш юритган бўлса-да, уч йилдан кейин диктаторлик ваколатларини ўзидан соқит қилишга мажбур бўлди.

Римда республика давлат тузумининг инқирози ва Рим империясига асос солиш бўйича дастлабки муваффақиятли қадамлар Гай Юлий Цезарь (мил. авв. 100–44 йиллар) даврида ташланган бўлиб, у амалда ҳарбий диктатура ўрнатган эди¹. Цезарь ар-

¹ Инқироз даврида сенатнинг қаршичилигига қарамасдан Красс, Помпей ва Цезарь империя бошқарувиши қўлга оладилар (триумвират). Аммо кўп ўтмай Красс парфияликлар томонидан ўлдирилди, Помпей билан Цезарь ҳам ўзари келишмай қоладилар. Улар империя бошқарувиши иккига бўлиб оладилар ва Рубикон дарёси бунга чегара бўлади. Мил. авв. 49 йили Цезарь «Иккиримдан кўраман», дея Рубикон дарёсини кесиб ўтади ва Помпейни енгиб, «Римнинг диктатори» деб эълон қилинади. Шундан бери жақон тарихида «Рубикондан ўзини» ўрнатилган муҳим чегарадан ўтиш, тақдирининг бурлиқш нуқтаси сифатида қаралади.

мияга таяниб халқ йилини ҳокимиятини баргараф қилди, сенатни ўзини бўйсундирди, давлатни мустақкамлашга қаратилган бир қатор қонулар қабул қилди, суд тизими, пул ва тақвим ислоҳотини амалга оширди, бутун Италия аҳолисини рўйхатдан ўтказди. Мил. авв. 49–45 йиллардаги фуқаролар урушида республика тарафдорларини енгиб, мил. авв. 44 йили умрбод диктаторлик ваколатларини қўлга киритди. Мил. авв. 48 йили сенат унга императорлик мақомиши берди. Илгари фахрий ҳарбий унвон бўлган императорлик энди давлат бошлангиининг мақомига айланди. Цезарь сенатда уюштирилган фитна натижасида ўлдирилди. Аммо, аристократик республика қайта тикланмади.

Империянинг қарор топиши жараёни Октавиан (мил. авв. 63–19 йиллар) даврида яқунлади. Октавиан Цезарь даврида бошланган ислоҳотларни охирига етказди ва империя ҳудудини анча кенгайттирди. Итоаткор сенат унга Август (Илоҳий) ва император унвонларини инъом этди. Яна у умрбод халқ трибуни, барча қўшиқлар қўмондони ва, ҳатто, буқок понтифик – бош қоқин лавозимларини ҳам эгаллади. Аммо у Цезарининг тақдирини ва чуқур республикачилик анъаналарини эсда тутиб, номига бўлса-да республика бошқаруви (сенат, халқ йилини, магистратура)ши сақлаб қолишни маъқул кўради. У сенат принцеси (яъни, биринчи сўзга чиқиш ҳуқуқи билан сенат рўйхатида биринчи турувчи) деган республикачиликнинг эски унвонини қабул қилди (шу сабабли кўпчилик тарихчилар Рим империясининг биринчи даврини «принципат» деб аташади).

Октавианнинг ворислари даврида империяни кенгайтириш учун урушлар давом эттирилди. Император Траян даврида (98–117) империя кенгайтишининг энг юқори даражасига етди. Аммо кейинги давр варварларга қарши доимий урушлар билан ўтди. IV асрда гушқларнинг Европага кириб келиши империя учун янги хавфни пайдо қилди. Буларнинг барчаси империяда катта куч ва сарф-харажатлар талаб қилиб, уни ҳолдан тойдирди. Рим чиқиб бўлмас инқироз ҳолатига кирди.

Принципат даври ривожланишидаги зиддият жуда ҳайратланарли. Бир томондан цивилизациянинг инқирози кўзга яққол ташланади: қулик ва қул меҳнатининг ушумсизлиги кўришади, Рим фуқаролик жамияти белгиларини йўқотади, яққаҳоқимлик принципи давлатни бошқаришга Марк Аврелий сингари доно шахслар билан бир қаторда, Нерон каби зотимларнинг келиши учун ҳам имконият туғдиради, Италия антик цивилизациянинг маркази ролини йўқотиб боради. Инқироз император Домициан Максимин (284–305) даврида империя-

ни сақлаб қолишнинг сўшти воситаси сифатида «доминат» деб аталган (*dominus* — жаноб, ҳукмдор) ва истибодда асосланган мустабид режимларнинг ўрнатилишига олиб келди. Бу сиёсий ва молиявий ҳолатни бироз юмшатган бўлса-да, тушқунлик жараёнларини бутунлай тўхтата олмади. Бир қанча императорларнинг уринишларидан сўнг ҳокимиятга император Константин (306–337) келади. Бу императорнинг нафақат Рим цивилизацияси тарихида, балки бутун Евроосиё кешликларидаги цивилизациявий жараёнларда алоҳида роли бор. У балки сўнгги марта империяни жишлантириш ва мустаҳкамлашга эришди. Аммо унинг тарихий хизмати фақат шунда эмасди. У эски савдо колонияси Византия ўрнида янги шаҳарга асос солди, уш «Янги Рим» деб атаб, 324 йили пойтахтни шу ерга кўчирди. 330 йили эса унинг шарафига «Константинополь» деб атади ва кейинчалик Византия цивилизациясининг марказига айланди. Константин тахтга ўтирган биринчи христиан император бўлиб, Яҳудияда пайдо бўлган янги диннинг жишлантирувчи кучини бириктириб бўлиб англаган эди.

Ички зиддиятлар ва варварларнинг босқинидан заифлашган империя Константиннинг ўлимида сўнг яна бир ярим аср тарих сахнасида тура олди. 395 йили император Феодосий империяни иккита — Ғарбий ва Шарқий Римга бўлиб, ўлими Аркадий ва Гонорийга беради. 410 йили абадий шаҳарниш таслим бўлганлиги ҳақидаги хабар бутун антик дунёни ҳайратта солди. Вестготлар сардори Аларих ўз кўпинлари билан Римга бостириб кириб, уш талади. Ғарбий Рим империяси ўрнида бирин-кетин варварларнинг қиролликлари пайдо бўла бошлади. Ва шикоят, 476 йили Римда ҳарбий хизматда бўлган Одоакр сўнгги император Ромул Августулни тахтдан аздариб, унинг императорлик нишонларини Константинопольга жўнатади. Шу сана Ғарбий Рим империясининг тутатилган йили сифатида расман қабул қилинган.

Шундай қилиб, Рим империясини учта зарба барбод қилади: иккинчи-иккинчи иккинчи, маънавий тушқунлик ва халқларнинг буюк кўчиси (варварлар босқини).

Дин ва диний тизим

Қадимги Рим динлари узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтган. Римликлар дини дастлаб, топонимларидан фарқли равишда, анистик дин эди ва худди ионларникидек тотемизм қолдиқлари кучли сезилиб турарди. Ромул ва Ремши боқиб олган она бўри (Қашиталий бўриси) ва Қашиталийда боқиладиган муқаддас тоғлар ҳақидаги афсоналар ҳам шуша ишора қилади. Фети-

стик тасаввур қолдиқлари Юпитер-топ, Юпитер-чақмоқ, Янус-эшик култларига ва Нум Помпилийнинг муқаддас қуролга сиёсийда яққол кўзга ташланади. Рим анемизмининг ўзига хос томоши унинг мавҳумлиги ва қиёфасизлиги эди. Мавҳум тупунчалар илохийлаштирилиб, Галаба, Умид, Бахт каби ибодатхоналар қурилган.

Подшолик давридаги римликлар учун олам яхши ва ёвуз рухларга тўла бўлиб, ибодат, мўъжизавий сеҳр-жоду ва қурбонликлар орқали уларни шафқатга чақирини лозим эди. Римликларнинг асосий фаолияти деҳқончилик бўлганлиги учун уларда табиатнинг барча ҳодисаларини, қишлоқ хўжалик ишларини акс эттирувчи кўлаб маъбудлар мавжуд эди. Масалан, кўриқ ерларни ўзлаштиришда уларга уш маъбуд ёрдам берган: Вервактор, Редаратор, Обаратор, далаги ўртташда Стеркулицияга, экинга — Сатурн ва Семонга қурбонлик қилинган. Бошоқларнинг етилишига Лактурн ҳомийлик қилган.

Оила ҳафсизлиги ва хотиржамлигини кўлаб маъбуд ва маъбудалар ҳимоя қилган: Лара ва Пената уй-жойга паноҳгоҳ бўлганлар; Янус эшикни, Веста — оилани кўриқлаган. Ҳар бир киши ўз ҳомий-руҳига — ўзида шахснинг ҳаётини қудратини ифода этган генийга эга бўлган. Улар «гениус фамилис» — оила фариптаси ва «гениус лоци» — тураржой фариптасига бўлишган. Маиллар марҳумларнинг руҳи ҳисобланган. Улар яхши рухлар бўлган, аммо марҳумнинг оила аъзолари ўлганларнинг руҳларини тишлантириш учун зарур бўлган барча маросимларни бажо келтирмаса, маиллар кўрқинчли ва кекчи лемурлар қиёфасида пайдо бўлган. Бу рухларни римликлар инсоний қиёфада тасаввур қилмаган, уларга ҳайкаллар ўрнатмаган, ибодатхоналар ҳам қурмаган. Аммо улар ичидан Осмон худоси Юпитер¹ ва дастлаб ўсимликлар ҳомийси, кейинчалик уруш

¹ Римда диний тасаввурларнинг шаклланишини кучли таъсир кўрсатган этрускаларда ибодатхона Тив, Уи ва Меневра худоларига бағишланган бўлиб, римликлар уларни Қашиталий Училиги — Юпитер, Юнова ва Меневра деб атайдилар. Этруск алаҳларининг пантеони қадимги туркларнинг дини — тагрийлик пантеонига жуда ўхшаб кетади. Чунотчи, Осмон худоси бир хил: этруска — Тив, тагрийча — Денер (Тенер), туркча эса — Тагри тарихда жиришайди. Шунер, турк ва этруски динларининг қиёсий таҳлили доврча амалга оширилгани, агар шундай илмий таҳлил олганлар томонидан амалга оширилса, унинг натижаси этрускалар ва қадимги туркларнинг қелиб чиқини битта қадимги цивилизацияга мансублиги ҳақидаги фаразни исботловчи кучли далил бўлиши мумкин. Қаранг: Мингазов П. Этруски и турки. <http://kitap.net.ru/mingazov/etruski.php>.

худоси бўлган Марс умумиталия боп худолари ҳисобланган. уларга алоҳида иззат кўрсатилган.

Худоларнинг антропоморфизмга ўтиши ва ибодатхоналар қурилиши этрусслар таъсири остида юз берган. Юнонлар дини таъсири остида қадимги латиш ва умумиталия худолари инсоний қиёфа касб этади (антропоморфизм) ва уларни худди Грециядаги сишари тасвирай боплайдилар. Рим тақводорлиги, энг аввало, барча маросимларни жуда аниқлик ва қатъият билан бажаришда акс этади, зеро, маросимни бажаришда кичик хатога йўл қўйиб ёки ундан четга чиқиш худоларни хафа қилиб, уларнинг жаҳлини чиқариши мумкин. Римда культларнинг сони жуда кўп бўлганлиги сабабли уларнинг номларини, вазифаларини ва маросимларни аниқ биладиган коҳинлар армиясини ҳам шакллантириш лозим эди. Коҳинлар «индигстамент» — қайси кунлари қайси худоларга бағишланиши, ибодат шакли ва қондаси ҳамда қандай қурбонлик амалга оширилиши кўрсатилган ва расман тасдиқланган жадвал тузиб чиқардилар. Коҳинлар махсус тақвим ҳам юритиб, унда шартномалар тузиш, йиғинлар ўтказиш учун маъқул кунлар ҳамда ҳеч нарса қилиш мумкин бўлмаган «бахтсиз кунлар» белгилаб боришган. Римда қушларнинг учушига қараб маълум аломатларни кўра оладиган фолбин-коҳинлар — авгурулар ва тарустиялар коллегияси фаолият юритган.

Мил. авв. II асрдан бошлаб Римга юнонларнинг таъсири ортиб боради. Бу даврда худолар пантеони узил-кесил шаклланиб, уларнинг кўпчилиги юнон худолари билан бир хил эди. Рим пантеонининг асосий худолари қуйидагилар:

Юпитер — осмон, момақалдирок, чақмоқ ва турли самовий ҳодисалар худоси, Рим пантеонининг бош худоси;

Юнона — Юпитернинг хотини, никоҳ, оилавий муҳаббат ва ҳосилдорлик худоси;

Янус — икки қиёфали, бошлашиш ва якуланиш худоси, ҳамма нарсанинг ибтидоси;

Сатурн — одамларга деҳқончиликни, узумчиликни ўргатган, экинлар худоси;

Марс — уруш худоси, фуқаролар жамоаси ҳомийси;

Целестин — намгарчилик, денгиз худоси, йилқиччилик ҳомийси;

Минерва — донитшмандайлик маъбудаси, ҳунармандчилик ва санъат ҳомийси;

Венера — муҳаббат, гўзаллик ва ҳосилдорлик маъбудаси;

Диана — ой, овчилик маъбудаси, ёввойи ҳайвонлар ҳомийси;

Меркурий — савдо ва чорваччилик худоси, чорводорлар, савдогарлар ва йўловчилар ҳомийси;

Церера — деҳқончилик ва ҳосилдорлик маъбудаси;

Плуто — ер ости дунёси ва марҳумлар худоси;

Прозерпина — Плутонинг рафиқаси, жаҳатнам маъбудаси;

Веста — оила ва олов маъбудаси;

Вахт — ўсимликлар, узумчилик ва виночилик худоси;

Флора — ўсимликлар, гуллар ва ёшлик маъбудаси;

Фортуна — тақдир, тасодиф, бахт ва омад маъбудаси;

Вулкан — олов ва темирчилик худоси.

Мил. авв. I аср — милодий эранинг дастлабки асрларида, фуқаролар урушлари даврида, Римда Шарқ динлари ва мағия, тушларнинг таъбиринга ишониш ва астрология кенг тарқалади. Рим империясининг ҳукмронлиги катта ҳудудларга ёйилиб, у ерларда яшаётган китилар ўзини алданган, хўрланган ва ҳақоратланган ҳис қиларди. Чунки ҳамма жойда зўравонлик ва ваҳшийлик ҳукмрон, тақаббурлик ва манманлик вожиб, аммо ҳеч қаерда ор-номусдан дарак ҳам қолмаган; озодлик ва мустақкам бахт йўқ эди. Бебахт бечоралардан нафратланарди, уларга жабр-зулм қиларди, омадлилар эса бахтига ишонишмасди ва талвасага тушиб, айп-ипратда вақтини тол қиларди. Кўилаб шаҳарлардаги бутун ҳаёт жабҳаларида, ёввойи ҳайвонлар ва одамлар курашадиган, бир-бирини қийнайдиغان ва ўлдирадиган ҳис-ҳаяжонли ўйинлар атрофида тўнланган эди. Қадимги Рим вайроналари ичда энг характерлиси амфитеатр қолдиқлари эканлиги шундан бўлса керак. Ўйинлар ҳаётга завқ баришлагайдек бўларди, аммо инсон қалбининг тапшиқли ҳолати фақат чуқур диний саросима билан ифодаланар эди.

Куллар ва қуйи катламдаги аҳолининг оғир аҳволи, маъжуд адолатсизлик Рим империясида, айниқса, унинг шарқий провинцияларида оғирзамон ва нариги дунё тўғрисидаги таълимот — эсхотологиянинг ҳамда оламни қутқарувчи халоскор худоларнинг ташрифи — масихчиликнинг вужудга келишига олиб келади. Кишилариинг орзу-умидлари мужассамланган бу таълимотларга фақат диний эмас, кўпроқ сиёсий аҳамият касб этади императорлик култи қарама-қарши қўйилади. Императорлар халқ оммаси орасида кенг тарқалган худолар — Гелий (қуёш ва ҳосилдорлик худоси) ва Геркулес (меҳнат ва маданиятни акс эттирган) билан тенглаштириллар эди. Шу даврда Римга шарқий културлар: мисранлар Исидаси, яҳудийлар Яхваси,



Диана. Париж. Лувр.

форсларнинг Митраси ва Сурия худолари ҳам кириб келади ва, айниқса, қуйи қатлам орасида кенг тарқалади. Бу худолар кириб келиши билан ибодатхоналардаги эски худолар ва кохишлар кескиш ўзгариши ёки бутунлай йўқ бўлиб кетishi лозим эди. Аммо дехқончилик билан шугулланган халқларда юзлаб авлодларнинг ҳаёти ибодатхона билан узвий боғланган бўлиб, китилар олти маросимлар, қўшиқиб қолган ҳаёт маросими бузишдан қўрқини, қурбонлик, ибодат ва эътиқод сири билан банд бўлаган.

Шарқдан кириб келган, кишиларга ажр ва таскин келтирувчи бўлуши боқий умр ювси кундалик ҳаёти умидсиз ва оғир бўлган одамлар томонидан илҳқ қабул қилинди. Осирис билан Алиснинг бириктириш бўлган Серапис худосиши одамлар «руҳлариши кутқарувчи» сифатида қабул қилади. Маъбуда Исидда ҳам ўзига қўшлаб мухлислар жалб қилади. Ибодатхоналарда гўдак ўғли Горш кўтариб олган самовий малика – Исиданинг ҳайкаллари ўрнатилади. (У кейинчалик христианликда гўдак Исо Масихди кўтарган Биби Марям образига титмоал бўлаган бўлса ажаб эмас). Унинг пойига шамлар ёқиб, ташба қилганлар, назр-ниёз қилишган, сочлари қиртишлаб олинган, уйланмаслик қасамини ичган кохишлар унинг меҳроби ёнида хизматта шай туришган.

Рим империясининг юксалиши бу култ учун Фарбий Европа оламга йўл очди. Серапис-Исидда ибодатхоналари, кохишларнинг қўшиқлари ва кейинши ҳаётга ишоич руҳи Рим байроқлари ортидан Шотландия ва Голландияга кириб келди. Аммо Серапис-Исидда динининг мухлифлари кўп бўлиб, улар ичида энг кучлиси Митра дини эди.

Митра дини келиб чиқишига кўра форслар дини бўлиб, унинг моҳияти бироз упутилган ривоятда – муқаддас буқани қурбонлик қилган Митрада мужассамлашган. Бу асида Серапис-Исиддага шисбатан ҳам ибтидоий дин бўлиб, қонли қурбонликлар даврига мансуб эди. Митра давридан қолган ёдгорликларда акс этган буқанинг ёнидаги ярадан доим мўл кон оқди ва бу қондан янги ҳаёт пайдо бўлади. Митрага эътиқод қилган кишилар қурбонлик қилганш буқанинг қонига чўмилганш; улар буқа сўйилганш кўприк остидан ўтишлари ва буқанинг қони уларга оқши лозим бўлган. Бу икки дин ва улар қатери дастлабки императорлар даврида Рим фуқаролари ва қулларнинг қалби ўтун курашган бошқа динлар ҳам шахсий динлар эди. Улар ҳар бир кишини ўз шахсиши кутқаришга ва шахсий абадий ҳаётга эришишига чорлайди. Қадимги худолар, аввало, шаҳарнинг ёки давлатнинг ҳомий-худолари бўлган

ва шундан сўнггина алоҳида шахсларнинг худосига айланган. Қурбонлик ҳам шахсий эмас, ижтимоий характердаги маросим бўлган. У жамоанинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб амалга оширилган. Аммо дастлаб юшоилар, кейин эса римликлар динни сиёсатдан ажратди. Миср анъаналарига мувофиқ, дин фақат парити дунё муаммолари билан шугулланмадиган бўлди.

Бу янги, шахсий умрбоқийлик динлари қадимдаги давлат динларини маънавий ибтидодан ва катта завқдан маҳрум қилди. Аммо уларнинг ўрнини боса олмади. Аста-секин ягона худо мавжудлиги ва бошқа худолар унинг мужассамлиги тўғрисидаги тасавурлар шаклланиб борди. Моноотеизмга, мистицизмга интилиш, идеалистик фалсафанинг ривожланиши охири-оқибатда христиан динининг баалабасини таъминлади.

I асрда Рим империясининг текка ўлкаси бўлган Фаластинда христианлик пайдо бўлди. Аср ўрталарига келиб Римда христиан жамоалари мавжуд эди. I–III асрлар мобайнида христианлик Рим империясида ва ундан ташқарида кенг тарқалди. Империя ҳукумати христиандарга нисбатан шубҳа билан қарарди, чунки улар охиризомон ва қиямат қойини фақат кутиб яшамасдан, уларни чорлаши билан ҳам ўзларига нисбатан шубҳа уйғотади. Христиандар ҳокимиятга садокатсизликда ҳам айбланиди, чунки улар давлат худолари (жумладан, императорларнинг)нинг ҳайкаллари пойига қурбонлик қилиш маросимларида қатнашишдан бош тортадилар. Бу ҳол христиандарнинг таъкиб қилинишига олиб келди. Бу таъкибни император Нерон бошлаб берган бўлса, у императорлар Домитриан, Траян, Марк Аврелий, Диоклетиан даврида шубҳа чиқиб, мишгаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлди. Шунга қарамаддан, христиандар оммаланишида давом этди ва IV асрга келиб шундан кучга айландики, энди у билан императорлар ҳам ҳисобланишга мажбур бўлди. 313 йили императорлар Константин ва Лициний барча динларнинг, жумладан, христиандарнинг ҳам тенглиги эълон қилишган Милан эдиктини имзолайдилар. 325 йили император Константин христианликни «давлат дини» деб эълон қилади. 395 йили Бузюк Феодосийнинг фармонида мувофиқ барча мажусий ибодатхоналар ёшилди ва шу даврдан бошлаб христианлик Рим империясининг шонли расмий динига айланди.

Адабиёт | Фуқаролар уруши даври – бутун Апеннин яриморали маданий ҳаётда ҳайратланарли ва ибратан ўзгаришлар даври ҳам бўлди. Римга ўзаро қонли тўқнашулар манбаи бўлган моддий бойликларгина эмас, маънавий қадриятлар ҳам мерос бўлиб қолдики, уларни жадал

улаштириш ажойиб натижаларга олиб келди. Рим ва Италия энди маданият соҳасидаги ташландиқ чекка ўлка бўлмай қолди. Голибларнинг ўзлари энди ягона антик маданиятни яратипта киришдилар. Италия бошидан кечираётган полис тузумишнинг ишқирози римликларни юнонлардаги шундай жараёнларни ўрганишга, юнон фалсафаси, тарихшунослиги ва адабиёти ёрдамида ишқироздан чиқиб йўлларини излашга мажбур қилди. Агар Сципион Эмилиан даврида юнон маданиятини ўрганиш унда италияликларнинг азалий урф-одатларига таҳдидаи кўрган кишилар томонидан қаршиликка учраган бўлса, Помпей ва Цезарь даврида жамиятта хавф солаётган ишқироздан қандай қутулиш йўлларини юнон донишмандларининг асарларидан излаш бошладилар. Юнонлар тажрибасига фақат жамиятнинг юқори қатлами эмас, Италиянинг чекка ўлкаларидан чиққан ўрта қатлам ҳам мурожаат қила бошлади. Айнаи улардан чиққан Цициро, Веррон, Катулл ва Лукреций қабилар Рим маданиятининг энг буюк асарларини яратдилар.

Мил. авв. III аср ўраларида, юнонларда уларнинг мумтоз адабиёти орта қолган, эллинистик адабиёт эса ўзининг энг юқори даражасига елакчон эришган бир пайтда, Ўрта Ер денгизининг ғарбий қисмида, Италияда антик даврнинг иккинчи адабиёти — рим адабиёти ривожлана бошлади. Бу адабиётнинг кейинги Европа адабий жараёнидаги ўрни Ғарбий Европа маданият тараққиётида Римнинг тарихий роли билан белгиланади. Рим адабиёти юнонлар ва Ғарбий Европа адабиётлари ўртасида боғловчи восита бўлиб хизмат қилди. Аммо, унинг ахамиеши шундагига эмас.

Юнон адабиётининг услубий шакллари ва юнон адабий жанрларини қабул қилган Рим, юнонларда сақланиб қолган қолоқ жиҳатларни рад этди. Масалан, юнон драмаси, трагедияси ва комедиясида хорнинг иштироки мажбурий бўлган. Дионисга бағишланган байрамларда бўладиган театр томошаларида хор унги эҳтиёж йўқолгандан сўнг ҳам драмада фаолият юритаверади. Рим драмасида бу мажбурийлик бартараф қилинган.

Рим адабиёти ўзининг энг яхши намуналарида кўпинча юнон адабиёти турли давларда яратган асарларнинг ижодий қайта ишланганлиги тарзида намоён бўлади¹. Вергилий поэмалари ва Гораций шеърлари расман, масалан, классик давр юнон адабиётига тақлид қилса-да, шу билан бирга, эллинистик адабиёт ютуқларидан — асарлар давомида эпос ва янги тилдаги лирикани яратиш

¹ Қаранг: Тринский И.М. История античной литературы. Учебник для университетов, изд. 4-е изд., испр. и доп. — М.: Высш. шк., 1983. — С. 256.

жараёнида тўпланган ҳамма тажрибалардан фойдаланади. Юнонларнинг эски жанрлари римликларда янги мазмун касб этади.

Уйғошиш давридан бери келаятган айтанага кўра Рим адабиётини адабий лотин тилининг ривожланиш босқичларига мос равишда «архаик», «классик» («олтин») ва «кумуш» давлар) ва «сўнгги» давларга бўлиш қабул қилинган. Шу нуқтадан назардан рим адабиёти куйидаги давларга бўлинади:

I. Энг қадимги давр — Римда юнон намунасидаги адабиёт пайдо бўлишидан олдинги давр (мил. авв. 240 йилгача).

II. Архаик давр — Цицероннинг адабий фаолияти бошлашидан олдинги давр (мил. авв. 240 — 81 йиллар).

III. Рим адабиётининг олтин даври: а) Цицерон даври — Рим прозасининг гуллаган даври (мил. авв. 81 — 43 йиллар); б) Август даври — Рим поэзиясининг гуллаган даври (мил. авв. 43 йилдан милодий 14 йилгача).

IV. Рим адабиётининг кумуш даври — император Троянинг ўлимгача бўлган давр (14 — 17 йиллар).

V. Сўнгги императорлик даври (117 — 476 йиллар).

Римда адабиёт нисбатан кеч, мил. авв. III асрнинг ўрталарида, Рим жамиятининг эллинишари жараёнида пайдо бўлади. Адабиётдаги бу кечиктип, албатта, римликларнинг бадиий ижодга «қобилиятсизлиги»да эмас, балки Рим тарихи илк даври ривожланишининг ўзига хослигида эди.

Юнон адабиёти билан танишишдан анча олдин римликлар ўз ёзувигача эга бўлган; поэтик ва прозаик адабиёт куртаклари анча эрта пайдо бўлиб, Рим жамиятининг юнон намуналарини қабул қилишга мойиллигини оптирди. Агар аша шу тайёргарлик жараёни бўлмаганда, юнон маданияти билан тўқнашув бундай шиддатли адабий жараёнга олиб келмаган бўларди. Натижада адабиётнинг илк ривожланиши даврида ўзига хос Рим поэзияси вужудга келди. Аммо, бу илк поэзия тез орада унутилиб кетди. Эпний таъсири остида юнон намуналарига тақлид уни барбод қилди.

Мил. авв. III аср охири — II аср бошларида римликлар назарда фалсафадан фарқли равишда адабиёт билан шугулланиш ушчалик бесамар иш деб қаралмасди, зеро, ўша даврдаёқ адабиётга римча ватанпарварликни тарбиялашда хизмат қилиши мумкин бўлган муҳим восита сифатида қарай бошлашган эди.

Иккинчи Пул урушининг якуни (мил. авв. 201 йил) Рим тарихининг бурилиш нуқталаридан бири бўлди. Рим Италия худаидан Ўрта Ер денгизининг сиёсий майдонига чиқди, шарққа, эллинизм мамлакатларига қараб силжиди. Бу мурак-

қаб давр бўлиб, унда, умуман, маданиятнинг, хусусан, адабиётнинг роли ҳам янгидан намоён бўлади.

Бу давргача Рим адабиёти стихияли равишда ривожлашган бўлса, энди уни мафкуравий таъсир воситаси, ташвиқот қуроли сифатида қадрай бошладилар. Пул урушлари даврида ўзи билан бирга ёзувчиларни олиб юрган карфагенликлар саркардаси Ганнибал адабиётнинг ташқи сиёсий мақсадлардаги аҳамиятини ҳам римликлар олдида намоён қилди. Римликлар ҳам энди ўз сиёсатини адабиёт воситасида ташвиқот қилишга киришдилар. Фабий Пиктор Рим тарихининг дастлабки баёнини ёзиб, топонимда эълон қилди. Шу тариқа адабиётнинг янги имкониятлари очилиб, унинг олдида янги вазифалар пайдо бўлди. Энди адабиётнинг сиёсий тузумга, мафкурага хизмат қилиши адабиёт ривожланишининг энг муҳим шартларидан бирига айланди.

Адабиётнинг бу янги босқичини Квинт Энийнинг (мил. авв. 239 – 169) кўп қиррали фаолияти бошлаб боради. Унинг энг кўзга кўринган асари «Анналар» тарихий достони 18 китобда бутун Рим тарихини – Энейнинг Троядан қочишидан то шoirнинг ўзи яшаган давргача қамраб олади. Эний эпос ва драмалар билан чеklangиб қолмади. Энийнинг маърифат-парварлик фаолияти унинг бир қатор дидактик асарларида ва юнон фалсафасини омалаштиришида намоён бўлади.

Эний ўзининг адабий фаолиятини юқори баҳолаб, шеърларини абадиётга дахлдор деб ҳисолайди. Унинг тарихий роли шундаки, у рим адабиётининг воқеий даражасини юқори кўтарди, юксак поэзиянинг услубий шаклларида ишлаб чиқди, шеърият тилини ислох қилди. Айни пайтда, унинг фаолиятидаёқ адабиётнинг оммадан узоқлашши жараёни кўла ташланади: Эний – эллинишланган аристократия манфаатларига хизмат қилувчи маърифатли юқори қатлам шoirи эди¹.

Эний ўзига хос мактаб яратди. Шoir Пакувий, камедеограф Цецилий Стаций, Теренций кабилар Эний мактабига мансубдир.

Мил. авв. I асрда машхур Рим адиби, буюк нотик, ёзувчи, юнон фалсафасининг билимдони Цицерон (мил. авв. 106 – 43) яшаган. Унинг публицистик асарлари Рим прозасининг энг яхши намуналаридан ҳисобланади. Цицерондан 50 дан ортиқ нутқлар ва нотиклик санъати назариясига бағишланган асарлар сақланиб қолган. Цицерон фақат машхур ёзувчи эмас, атоқли нотик, таниқли давлат арбоби, юрист ва файласуф

¹ Қаринг: Троицкий И.М. История античной литературы. Учебник для вузов и пед. ин-тов. — 4-е изд., испр. и доп. — М.: Высш. шк., 1983. — С. 295.

ҳам эди. Унинг ижодий фаолияти прозанинг юксак намунаси бўлган Рим адабиётининг «олтин даври»ни бошлаб берди.

Мил. авв. I асрда Рим поэзияси ҳам катта муваффақиятларга эришади. Буюк Рим шoirлари Лукреций (мил. авв. 96 – 55) ва Катулл (мил. авв. 87/84 – 57 йилга яқин) Цицероннинг замондошлари эди. Лукреций эволюция назарияси ҳақида тушунча берувчи «Нарсаларнинг табиати ҳақида» номи ажойиб фалсафий поэмаи яратади. Лирик шoirлар ичида Гораций (мил. авв. 65 – 8) машхур бўлиб, унинг эпикуреизм ва стоицизм руҳида ёзилган лирик одалари бизнинг даврамизгача етиб келган. Унинг «Поэзия ва санъат» трактати классицизмнинг назарий асоси бўлиб қолди. Шoir Овидий (мил. авв. 43 – 18) ҳам машхурликда Горацийдан кам эмасди. Юмор ва ҳазил билан йўнрилган ишқий элигиялар, «Севги вакили», «Муҳаббатнинг давоси» каби дидактик поэмалар унинг қаламига мансуб. «Метаморфозалар» ва «Фастлар» мифологик достонлари Европа миқёсида аҳамиятга молик ёлгорликлар ҳисобланади. Овидий ўрта асрлар ва Уйғонинг даври адабиётининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

Император Август даври (мил. авв. 63 – мил. авв. 14 йиллар) Рим поэзиясининг олтин даври сифатида тарихга кирган. Унинг даврида буюк шoirлар ва ёзувчилар ижод қилганлар. Августнинг дўсти – мулкдор ва санъат ҳомийси Гай Меценат – унинг исми умумий номга айланган – атрофида Римнинг ўтмишини улутлаган шoirлар тўғрисида ташкил топди. Улар ичида энг машхури Вергилий эди. Унинг «Энеида» асари Августнинг буюртмаси билан ёзилган бўлиб, Рим халқини ва Августнинг аجدодларини маънавиятга боғлади. Римнинг буюк лирик шoirи Гораций ҳам Меценатнинг яқин дўсти бўлган. Унинг шеърлари ва, айниқса, «Ёлгорлик» одалари абадиётга дахлдор асарлардан ҳисобланади.

Шoir Вергилий (мил. авв. 70 – 19) Рим миллий эпосига айланган 12 китобдан иборат «Энеида»нинг муаллифи сифатида шухрат қозонди.

Бу давр Рим адабиётида «Метаморфозалар ва Олтин эшак» номи аллегорик-саргузапт роман муаллифи Апулей (II аср), Плутарх (46 – 119), сатириклар Ювенал (60 – 127), Петроний (66 йили вафот этган), Лукрион (120 – 190) каби машхур адиблар ижод қилган. Энг машхур ёзувчилардан бири Веррон (мил. авв. 116 – 27) эди. Унинг беш асари «Қадимги илоҳий ва инсоний ишлар» – ўзига хос тарихий, географик ва диний энциклопедия. 500 га яқин грамматик, тарихий-адабий асарлар, машхур шахсларнинг таржиман хралари, фалсафий тадқиқотлар ҳам унинг қаламига мансуб. Веррон ҳаёт давридаёқ катта обрў ва машхурликка эришади.

Плавт (мил. авв. 250 – 184) ва Теренций (мил. авв. 190 – 159) кўзга кўринган Рим камеднографлари бўлган. Улар юнонлардан олинган сюжет ва бадний қолатларни римликлар ҳаётига хос бўлган жиҳатлар билан бойитди. Улар томошидан яратилган ахлоқий комедияларда Рим жамиятининг хундалик ҳаёти ва асосий муаммолари ўз аксини топган. Айтишларича Плавт 130 дан ортиқ комедия яратган бўлиб, шулардан 20 таси бизнинг давримизгача етиб келган. У ўз комедияларида хасис оталар, ёлланма аскарлар, муҳтожликда кун кечирувчи ўсмирлар, айёр ва тошқир қулларни акс эттирар экан, зимдан юнон жамиятининг ахлоқий бузуқлигига римликлар поқдромонлигини қарама-қарши қўяди. Плавт комедиялари ёрқин Рим юмори ва широдор лотин тилида ёзилган дастлабки пьесалар эди. Теренций комедиялари эса персонажлар тавсифининг аниқлиги, улар ҳаракати сабабларининг пухталлиги, драматургиянинг моҳироналиги билан ажралиб туради. У комедиянинг асосий мавзуси (оила, муҳаббат ва инсонийлик муаммолари)ни ёритар экан, Плавт юморига хос бўлган беадаблик, дағаллик ва кўюллик усулларини қўлламайдди. Унинг асарлари нозик ва нафосатли тилда ёзилган, маърифатли китобхонга мўлжалланган.

Бу даврда Рим театр санъати ҳам, асосан, юнон маиший комедияларига тақлид тарзида ривожланган бўлса-да, Рим жамиятига хос воқеалар асосига қурилган эди. Антик классикадан бошланган юксак трагедия жанри гуноҳнинг фожиавийлиги ва тақдирнинг муқаррарлиги ҳақидаги ўз воқеи билан римликлар қизичлигини уйғота олмади. Бу жанр ақл-идрок тамойиллари ва аниқ қуқуқ нормалари асосида яшовчи римликлар ҳис-ҳаяжонини жунбишга келтириши мумкин эмасди.

Санъат

Эллишлар тарихини кенг маънодаги ижодкорлар яратган бўлса, Римда тарихнинг яратувчилари сиёсатчилар бўлган. Улар учун санъат ҳаётнинг маъносини ташкил қилмаган. Юнон санъаткорларидан фарқли равишда римликлар демиурглар, яъни яратувчилар эмасди. Албатта, улар юнонларга нисбатан истеъдодсиз бўлмаган, фақат Римда ижодкорнинг роли бошқачароқ, умуминсоний муаммоларга камроқ боғланган, кўпроқ жорий эҳтиёжларга мосланган эди. Агар қадимги юнонлар учун санъатнинг маънавий-тарбиявий вазифаси асосий аҳамиятта эга бўлса, римлик учун унинг амалий вазифаси бош мавзу ҳисобланади. Юнонлардан фарқли равишда римлик учун санъат ҳаётни безаш, уни ташкил қилишнинг воситаси бўлиб хизмат қилади.

Шунга қарамайдан, Рим санъати тарихида ҳам ўз «мўъжизалари» бор. Римда ўз санъати анча кеч, паҳарга асос со-

линган мил. авв. 753 йилдан тўрт асрда сўнг, мил. авв. III – IV асрларда пайдо бўлади. Дастлаб архитектура ва меъморчилик, кейин эса тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик шаклланади. Рим санъати ҳақида ҳикоятчи олимлар фақат республикачиликнинг охириги асрларидан бошлаш мумкин деб ҳисобланади. Рим санъатини юнонларникидек юксакликка кўтарган барча ижодий кучларнинг раванқини Империя тузумига ўтишни бошлаб берган Юлий Цезарь даври билан боғланади.

Одатда римликларнинг дастлабки динлари ва мифологияси уларнинг образларда мужассамлашганини талаб қилмаган, фақат забот этилган халқлар, хусусан, юнонлар маданияти таъсири остида римликлар дунёқаршида ўзгариш юз беради ва бадний ижодга эҳтиёж пайдо бўлади. Бу мураккаб муаммо бўлиб, олимлар орасида ягона қараш мавжуд эмас ва кўпчилик тадқиқодчилар ҳақиқий санъат фақат ташқи кучлар таъсири остида пайдо бўлиши мумкин эмас, деб ҳисобланади¹.

Римнинг эллинизм тасвирий маданияти билан бевосита таъшиуви мил. авв. III асрда Буюк Греция орқами юз берди. Мил. авв. II асрда Греция забот этилгандан сўнг алоқалар доимий характер касб этди. Кейинги асрда, император Август даврида классик санъат давлат санъати мақомини олди ва «Август классицизми» деб аталадиган бўлди. У билан бир пайтда турли хил эллинистик оқимлар ҳам мавжуд бўлиб, империянинг инкирози даврида улар чекка ҳудудлардан кириб келган йўналишлар билан қўшилиб кетди. Шу тариқа Римда бадний плюрализм ўрнатилди.

Римда аниқ амалий ва рационал қурилиш асосларига эга бўлган архитектура асосий роль ўйнайди. Муайян инсон шахсига жиддий эътибор қаратилган ҳайкал ва Рим давлати учун аҳамиятта эга бўлган реал тарихий воқеалар акс эттирилган бўртма нақш муҳим ўрин эгаллайди. Қадимги юнон санъатининг негизини ташкил қилган антик мифология Рим санъатида шундай самарали аҳамият касб этмади. Юнонлар томошидан яратилган бадний шакллар ва обрешлардан Рим санъатида ҳам кенг фойдаланилган бўлса-да, римликлар талқинида улар ўзларининг бадний-поэтик моҳиятини йўқотади.

Қадимги Рим санъатида реал унсур ҳаёлий тўқимадан, ҳаётини воқелик мавҳум фалсафий мушоҳададан устуи туради. Бундан ташқари, Римда жамият манфаатларига хизмат қилган расмий санъат билан хусусий эҳтиёжларга мўлжалланган

¹ Қараңг: Духтреева Н.А., Акимова Л.И. Античное искусство: Очерки. – М.: Дет. лит., 1988. – С. 117–118.

санъат ўртасида қатъий чегара мавжуд бўлган. Расмий санъат давлат мафкурасини ўрнатилишининг фаол шакли бўлганлиги учун Рим сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган.

Рим архитектурасида мафкуравий мақсад жамият ҳаётини ташкил қилиш вазифаси билан кўпилиб кетади; қурилиш амалиётида шу вазифаларга тўлиқ жавоб берадиган тоз мослашувчи усуллар ишлаб чиқилди.

Империянинг якунига келиб тахта Константин, расман христианликни қабул қилган биринчи император ўтиради. Бу даврга келиб антик дин бутунлай саҳнадан тушиб кетди. Империянинг мураккаб даврида ушбу камбала христианлар жамоасидан кучли ва жамиятда таъсирли ташкилотга айланган черковнинг қўллаб-қувватлаши билангина бошқариш мумкин эди. Ҳокимиятнинг марказлашуви ягона ҳудудга сиёсийни тақозо этади ва у одамлар назарида худонинг ердаги поёни – император бўлади. У барчасини ўз қўлларида тўшлайди ва унинг ҳокимияти энди оддий инсонлардан юқори турувчи байриқбиний кучга айланади.

Санъаткор Константинни айнан шундай тасаввур қилади. У – буюк арбоб, унинг танасида қудратли руҳ яшайди. Рим ҳукмдорининг юзида III аср портретларининг аввалги психологик таҳлили сақланиб қолган. Ундаги ҳамма жиҳатлар қатъий бир мантқиқ билан боғланган. Аммо император образи аввалги цезарларнинг тасвирларини чекалаб турган инсоний доирадан анча ташқарига чиқади. Унинг чеҳрасида бугун дунёнинг мўжизаси ва инсоний руҳ намоён бўлади. У атрофда бошқа ҳеч нарса кўрмайди, бутун ўй-хаёли фақат битта нуқтага – ўзига қаратилган, ўзида жамланган.

Римда қурилган Ғалаба арқасида бўртма пақш бор: Константин Форумда бутқ сўзламоқда. Унда Рим йиғинларидаги эркин баҳсларга ишора ҳам йўқ. Ҳаммаси қатъий тартибга бўйсундирилган: марказда император, қулларча ялтоқланиб, унинг оёзига боқиб турган ўз малайлари қуршовида, атрофда эса журъатсиз ва унсиз оломон. Ҳеч ким полимайди, ҳеч ким порозилик билдирмайди. Ҳамма бутун вужуди билан қулоқ бўлиб, хўжайиннинг сўзларини тинглайди. Ҳукмдор қолган барчадан шунчалар юксакликка кўтарилганки, халқ унинг учун том маънода оломонга – қиёфасиз, маданиятсиз тўдага айланиб қолган. Бу – империя ҳалокатиининг бошланиши. Бу – тарихнинг келажак авлодларга ишораси. Бу – рамз эди. Зеро, одамларни итнаткорликка, шукроналикка, ёвузликка қарши чиқмасликка датьяат этаётган янги дин аштик даврдагидек оёраларга эмас, рамзларга таянаётган эди.

VIII БОБ

ҚАДИМГИ ТУРК ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ



фақат кўчманчиликка асосланган, деб ҳисобловчи европалик тадқиқотчилар томонидан улар тарихи ҳам, дивлатчилиги ҳам, маданияти ҳам бўлмаган, фақат тили яқин қабилаларнинг аралашуvidан иборат этно-лингвистик бирлик сифатида қаралиб келинган. Ҳозирги кунда ҳам бир қатор олимлар томонидан қадимги туркларга нисбатан «кўчманчи цивилизация» атамаси қўланилмоқда. Аслида кўчманчилик қадимги туркларнинг бирламчи ҳаёт тарзи бўлмаган ва уларнинг катта қисми ўтроқ ҳаёт кечирган.

Бундан ташқари, ёзма манбаларни билмаслик (туркийларнинг қадимги ёзуви — Урхун-Енисей ёзувлари билан ҳам европаликлар фақат XIX аср охирида таниди) ва эҳдилом, турклар босқинлари, улар келтирган даҳшат ва кўрқув ҳақида сақланиб қолган хотиралар, гететик даражада, бейхотиёр турклар маданиятининг қабул қилинмаслигига сабаб бўлди. Агар арабларнинг Испаниядаги кичик босқинини айтмасак, қадим замонлардан бери Европага¹ турклардан бошқа ҳеч бир халқ босгириб кирмаган. Шу сабабли босқинчилик ёки у билан боғлиқ ваҳшийлик деганда европаликлар кўз олдига, бировчи навбатда, турклар намоён бўлади. Тарихда турклар (хунвлар, гунвлар, қипчоқлар, салжуклар ва бошқ.)нинг босқинлари табиий офатларга тенглаштирилади. Айни пайтда ажабланирлиси шундаки, европаликларнинг босқинлари, македониялик Александрдан бошлаб римликлар ва салибчиларгача бўлган юришлар салкам инсонпарварлик акцияси деб қаралади².

Юқоридаги омилларнинг ҳаммаси қўшилиб, XVIII — XX аср Европа тадқиқотчилари томонидан турклар дунёсининг варварлар жамияти сифатида камситилишига олиб келди.

Шу сабабли XVIII — XX асрлардаги локал цивилизациялар концессияларида ва маданий-тарихий типлар баёнида ҳамда цивилизациялар муаммолари билан шуғуллалаётган кўччилик ҳозирги замон олимларининг концепцияларида ҳам «туркий цивилизация» тушулмаси мавжуд эмас. Шунингдек, бу тушунчанинг йўқлиги европалик олимларнинг этногенез, антропосферанинг таъсири, пассионарлик каби масалаларга этиборсизлигидан бўлиши ҳам мумкин. Аслида турк цивилизациясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши бевосита турклар

¹ Дунёий дариёнинг фарб томони пиларда тугалайти, чунки Шаркий Европанинг катта қисми аслиий турк ерлари ҳисобланади.

² Будова Н.М. Западные торки и страны Востока. http://bukvy.net/look/quman_nouki/51246-Zapadnye-turki-i-strany-Vostoka.html. — С. 12.

«Турк халқи ҳеч қачон йўқ бўлмасин, доим халқ бўлсин!», деган истак амалга ошгунча кўплаб замонлар ўтди, турк халқлари тарихида қанчадан-қанча фожиаи воқеалар содир бўлди, ammo тақдирининг шу мураккаб синовларига қарамасдан, турк халқлари ўз номи, гурури ва қадим маданиятини сақлаб қола олди.

Бироқ қадимги турклар¹ маданияти инсоциатининг ибтидо-сига дахлдор бўлса-да, замонавий фалсафа, тарих ва маданиятшунослик фанларида «туркий цивилизация» атамаси нисбатан кеч пайдо бўлган. Бунинг сабаби шундаки, «цивилизация» тушунчасининг ўзи жамият тараққиётининг алоҳида сифат даражасини белгилаш учун Европа фанита Маърифатчилик даврида (XVIII аср) киритилган бўлиб, асосан, Фарб ижтимоий фашининг ўша даврдаги илмий тушунчалари доирасида шакллантирилган. «Цивилизация» тушунчаси, биринчи навбатда, Фарб маданиятидаги ўзликни аниқлаш жараёниши акс эттирди. Сўнги икки-уч аср давомида Фарб тадқиқотчилари бу тушунча ёрдамида Фарб жамиятининг бошқа «оддий» халқлардан фарқини, тўғрироғи, «устуналиги»ни аниқлашда фойдаланиб келдилар. Шу даврда геосиёсий кешликда ҳукмрон бўлиб олган Европа жамияти цивилизациявийлик меъзони ҳам ҳисоблашиб, европалик бўлмаган, «ноцивилизациявий», «қолоқ» халқлар интилиши лозим бўлган намуна сифатида қаралди. Шу сабабли XVIII — XX аср тадқиқотчиларининг тушунчасида инсоциатининг цивилизациявий тараққиёти Европа билан боғлиқ ҳамда бу тушунчанинг асосини давлат, ёзув, моддий асослар ва иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

Туркий халқлар дунёси эса мулақо бопқача, айтиш мумкинки, ўзгача цивилизация. Туркий халқларнинг ҳаёт тарзи

¹ Қадимги турклар деганда хунвлар (гунвлар) ҳам назарда тутилмоқда.

дунёсининг этногенези билан боғлиқлиги ҳозирги замон олимлари иш асарларида батафсил тадқиқ қилинган.

Туркий цивилизациянинг мавжудлиги тўғрисидаги гипотеза қадимги матнларни таққослаш асосида туркиялик олимлар томонидан тақлиф қилинган. Хусусан, 1924 йили Франциянинг Виши шаҳрида «Глозель битиклари» деб ном олган, тахминан мил. авв. XXV асрга мансуб деб ҳисобланаётган ёзувлар топилади. Европалик тилшунос олимлар ўзларига маълум бўлган ҳинд-европа тиллари билан солиштириш асосида бу ёзувни ўқиб учун бир печка ўн йиллар самарасиз уриқдилар. Кейин чиқиб турк бўлган парижлик пианиночи Х. Таржаш тасодифан ёзувдаги туркча сўзларга эътибор қаратади ва битикни қадимги ёзувлар бўйича мутахассис Козим Маршанга жўнатади. К. Маршан турк тилларидан фойдаланган ҳолда Глозель битиклари мағнини ўқиди ва 1993 йили бу ҳақда Сарбошша университетидан илмий маъруза билан чиқди¹.

Бутунга келиб «туркий цивилизация» фақат публицистик ва лингвистик адабиётларда эмас, фалсафий-тарихий ва маданиятшуносликка оид тадқиқотларда ҳам умумий қабул қилинган категорияга айланади. Аммо шунга қарамасдан, турклар дунёсини мустақил цивилизация сифатида қабул қилиш муаммоси бутун ҳам муҳим ва долзарблигига эришмоқда. Шу сабабли, қадимги турклар дунёсининг цивилизациявий параметрларини умумий қабул қилинган цивилизация пазарияси доирасида қараб чиқиш юқоридаги муаммага аниқлик киритиши ва туркий халқларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улақни ҳиссасини тан олиш имконини бериши мумкин².

Қадимги турклар амалга оширган иккита кашфиёт — эгар-жабдуқ, бричка³ ва темирнинг кашф этилиши⁴ улар тақдирини икки хил роль ўйнади. Биринчидан, металлдан ясалган меҳнат куролларининг пайдо бўлиши қишлоқ хўжалигида ҳақиқий инқилобга олиб келди, озиқ-овқат кўпайди ва бу ҳол, ўз нав-

¹ Қаранг: Мингазов Ш. Этруски и турки. <http://kitap.net.ru/mingazov/citruski.php>.

² Қаранг: Амибекова С.Ш. «Туркская цивилизация» в системе цивилизационных классификаций. http://lib2.znate.ru/docs/index_347339.html.

³ Бричка (гўрт «надиракан арава») ҳам асли турклар ихтироси бўлиб, халқларнинг Буюк Кўчида асосий транспорт воситаси бўлган. Бу пайтда Европада икки гаддиравалли жавг аравалари уриф бўлган.

⁴ Агар халиблар рудани тоблаб қилдириш орқали темир олган бўлсалар, турклар рудани эритишни кашф этганлар. Рудани эритиш орқали аниқ сифатли темир олинган.

батида, демографик бўҳронга, аҳоли сонининг кескин ўсишига сабаб бўлди. Энди темир асраҳалар билан қуролланган ва иккинчи кашфиёт туфайли қаттиқ эгар, узанги ва зотан билан «бе-затилган» отда ва ҳам транспорт воситаси, ҳам уй роилини ўйнаган намат ўралган аравада узоқ масофага юриш мумкин бўлди ва шундан билан кўпайиб бораётган турклар яқин агрофни, кейинчалик эса аниқ узоқдаги ҳудудларни ҳам бомабола забот этиш имкониятига эга бўлди. Иккинчидан, қадимги туркларнинг айнан истилочилик интиляплари уларнинг кўчманчи цивилизациялар дунёсига мансублиги тўғрисидаги фикрга асос бўлди. Агар кўчманчиликка шундай нуқтаи назардан қаралса, янги даврнинг ҳақиқий кўчманчилари испаълар, инглизлар, французлар ва руслар бўлиб чиқади. Зотан, масалан, испаълар ва инглизларчалик узоқ ҳудудларга қадимги турклар ҳеч қачон бостириб бормаган. Турклар Олтойдан Атланттик океангача бўлган масофани икки ярим асрда босиб ўтди, йилига ўртача қирқ километр силжиди. Икки ярим аср давомида одамлар тўхтовсиз кўшайди, доимий янги ерларни ўзлаштирдилар, кейин эса бу ерда кичик ўил қолиб, катта ўиллар навбатдаги ерларни ўзлаштириш учун жўнаб кетдилар. (Ота уйида кичик ўилнинг қолгани қадимий турк одағи бўлиб, у ҳозир ҳам сақланиб қолган¹).

Аслида ҳам миллатлар шаклланмаган, муқим чегаралар мавжуд бўлмаган қадимги даврда (нафақат қадимги даврда) дегарли барча халқлар босқинчилик билан пуғулланган ва фақат энг кучлиларининг набабага эринган ва катта империялар ташкил қилган. Қадимги турклар эса жуда кучли халқ эди. Шунингдек, XX асрда олиб борилган тадқиқотлар турклар кўчиб келган ёки босиб олган, деб ҳисобланган Шарқий Европанинг катта қисми азалий турк ерлари эканлигини кўрсатди. Масалан, рус тадқиқотчиси С. Е. Маловнинг (1880—1957) ёзишича, «миллодан беш аср илгари турклар, асосан, ҳозир яшаётган ҳудудда (кичик ўзгаришларни ҳисобга олмаганда) истиқомат қилган. Европада Дунай дарёси, Волганинг ўрта ва қуйи оқими ҳамда Урал хавзаси туркларнинг энг қадимги маконлари бўлган»².

Бундан ташқари, тарихда хўжалик фаолиятининг биронта типини соф ҳолда мавжуд бўлмаган. Хўжалик доим комплекс ҳолда мавжуд бўлади ва айрим фаолият турлари устувор бўлиб, бошқа

¹ Қаранг: Аджи М. Азиатская Европа /Мурад Аджи. — М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2008. — С. 33—34.

² Гумбетов Г. Историческая прародина турков. <http://procbtu.ru/text.php?avlon=1520&f.html&kniga=1&p=view>. — С. 13

бирлари ёрдамчи тур ҳолатида бўлиши мумкин. Чорвачиликнинг турли шакллари ярим ўтrock, кўпчилик ҳолларда тўлиқ ўтrock ҳолатдаги деҳқончилик билан қўшиб олиб борилган. Кўплаб турк халқларининг деҳқончилик билан шуғулланганлиги тўғрисида маълумотлар сақланиб қолган. Масалан, америкалик биолог ва физиолог олим Жаред Даймонднинг ёзишича, «Қишлоқ хўжалиги мустақил пайдо бўлган марказ мақомига даявогар тўққизта номзод ичида ўсимликларни маданийлаштириш (тахминан мил. авв. 8500 йил) ва ҳайвонларни хошанилаштириши (тахминан мил. авв. 8000 йил) вақтининг аниқ ўриштирилганлиги нуқтан назаридан, Жануби-Ғарбий Осиё¹ пешқадамлик қилади; умуман, озиқ-овқат маҳсулотларини бирламчи ишлаб чиқаришнинг радиоуглерод усули билан аниқланган даври бўйича ҳам шу минтақа олдинги ўринда туради»². Шунингдек, турк тилидаги қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларининг номлари, атамалар ҳам туркларнинг фаолият турлари фақат кўчманчи чорвачилиқдан иборат бўлганлиги ҳақидаги даявони рад этади. Ҳозирги замон турк тилларида сақланиб қолган ва кенг қўлланиладиган бугдой, арча, тарик, қовун, тарвуз, ошқовоқ, гўза каби кўплаб атамалар ва палов, бешбармоқ каби миллий таомларнинг илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалиши ва ҳақиқий туркча эканлиги туркларнинг, айрим олимлар таъкидлаётганидек, фақат кўчманчи чорвачилик билан эмас, асосан, ўтrock деҳқончилик билан шуғулланганлигидан далолат беради.

Юқорида айтилганидек, Кичик Осиёнинг шимол-шарқий қисмида яшаган халиблар тахминан мил. авв. XIV асрда биринчи бўлиб темирни эритиш ва қўллашни ўрганганлар. Латин тилидаги «*calibis*» — «пўлат» айнан шу қабиладанинг номидан олинган ва латин тилидан келиб чиққан европа тилларида ҳозиргача қўлланилади. Рус тилидаги «калибр», «калибровка» сўзлари ҳам шу қабила номи билан боғлиқ.

¹ Жануби-Ғарбий Осиёга ҳозирги Туркия, Эрон, Ироқ, Афғонистон, Суудия Арабистони, Арабистон империясидаги қишқик давлатлар, шунингдек, Грузия, Озирбайжон ва Арманистони кирди. Олимларнинг тахмин қилишларича, бу ҳудуднинг катта қисмида шу даврда (мил. авв. V–III асрлар йиллик) турк ва мўғул халқларининг аجدодлари бўлган қадимги илмий қабидалари яшаган. Қаранг: Каримов В.Р. Таъриҳиестан п становление еврокскийи мира. <http://tengrifund.ru/konferencii/2-aya-konferenciya/tengriestvo-i-stanovlenie-tyurkskogo-mira>.

² Қаранг: Джаред Даймонд. Ружьа, микроба, сталь. <http://knigosite.org/qaibxok/70652/rf/>. — С. 83.

Айни пайтда еврошалик олимларнинг кўпчилиги кўчманчи ҳисоблайдиган қадимги туркларда металлургияга оид олтин, кўмуш, темир, жез каби атамалар ҳақиқий туркча бўлиб, бошқа тиллардан кириб келмаган ва бу туркларда қадимдан металлургиянинг, қилч, болта, қалкон, узук, сирға, билгузук каби сўзлар эса қуролсозлик ва заргарликнинг ҳам ривожланганлигидан далолат беради. Маълумки, доимий кўчиб юрган халқ кент миқёсда металлургия билан шуғулланиш имкониятига эга эмас.

Қадимги Турк цивилизациясининг шаклланишида империячилик омилининг роли ҳали етарли тадқиқ қилинган эмас. Зеро, табиий савол туғилади: қандай омиллар қадимги туркларга улкан империялар яратиш имконини берди? Қандай куч турли қабила, халқ ва ирқларга мансуб китпиларни ягона давлатга бирлаштирди? Фақат қурол кучи билан бундай улкан империяларни яратиш мумкин эмасди. Демак, жуда катта ҳудудга тарқалиб кетган кўплаб халқларни бирлаштирувчи қандайдир универсал мафкура зарур эди. Тангрилик Буюк Даштда яшаётган халқларни бирлаштирувчи шундай мафкура родини ўйнади. Шундай мафкуранинг маъжудлиги Турк эли (тарих адабиётларида Турк хоқонлиги деб аталадиган давлатни қадимги туркларнинг ўзлари айнан «Турк эли» деб атаганлар) сингари давлатларнинг шаклланиши учун асос бўлди. Кўпинча цивилизацияга хос белгилар сифетида қараладиган анча ривожланган ёзув ва бу ёзув орқали ифодаланган тарихий хотира ҳам бевосита Турк эли шаклланишининг натижаси эди. Зеро, шонр ёзганидек:

Мозорлар сукутда, майитлар жимжит,

Фақат Сўзга берилган абадий ҳаёт.

Асрлар қатъидан жаҳон мазорига

Жаранлайди ёзувлар фақат¹.

Қадимги турклар кўҳла дунёнинг этник тарихида ҳам фавқулодда буюк роль ўйнаган. Улар жуда катта ҳудудларни босиб олган, маҳаллий аҳоли билан араланиб, бутун болаи қитъаларнинг этник харитасини бир неча бор ўзгартириб юборган, улкан империялар бунёд қилган, ижтимоий тараққиёт йўналишини ўзгартирган, маданиятлар синтезида ўзига хос кўприк родини ўйнаган ва ўзлари ҳам жаҳон маданиятида катта из қолдирган.

Қадимги туркларнинг лингвистик тарихи ҳам жуда узоқ даврларга бориб тақалади. Қадимги турк тили билан тушус-машъжур ва мўғул тиллари ўртасида кўп яқинлик ва умумийлик бор. Бу тилларни қиёсий-тарихий ўрганиш натижасида уларнинг эш қадимги

¹ Буин И. Собрание сочинений, В6–т.Т. 1. — М.: «Художественная литература», 1987. — С. 287.

ривожланиш босқичлари ашиқланган. Улар куйидагича: Олтой даври (бу даврда турк, мўғул ва тунгус-маньчжур тиллари шона олтой тили сифатида машқуд бўлган). Хунт даври (бу давр мил. ав. V асрдан мил. ав. IV аср охиригача бўлган даврини қамраб олади, шунда туркий-мўғул, тунгус-маньчжур тиллари ажралиб чиқаётган эди). Туркий тиллар хунт даврида икки қисмга ажралган: Шарқий хунт ва Ғарбий хунт. Ғарбий хунт тилларига булғор, авар, хазар, чуваш, бажноқ, гагауз, Болқон ярыморлидаги аксарият тиллар, кумик, қараим, ўзбек, туркман, озарбайжон ва бошқа бир қатор тиллар киради. Шарқий хунт тилларига қадимги уйгур, қирғиз, тува, хакас, шор, ёкут, чулим, тагар, олтой ва Шарқдаги кўпгина тиллар мансуб. Бу тиллар мил. ав. V асригача — Қадамги Турк давлати ташқил тошиб, ёзув такомиллашгуна қадар бўлган туркийларнинг ота-боболари тилларидир¹.

Қадамги турклар тарихи Буюк Дашт билан боғлиқ. Уссурийдан Дунай ва Карпатгача бўлган Европий кентликлари Буюк Дашт ёки Қичоқ Дашти деб аталган. Унинг шимолий чегараси Сибирь тайгаси ва Шарқий Европа ўрмонлари ҳисобланади, жанубда эса Хуанхэ дарёси, Эроннинг тоғ ёнбағри чўллари ва воҳалари, Каспий денгизи ва Кавказ тоғлари билан чегарадош. Қадимда бу даштни юнонлар Скифия, форслар Турон, хитойлар эса Бэй-ху (шимолий варварлар дашти) деб аташган. Буюк Дашт географик жиҳатдан икки қисмга бўлинади: шарқий қисми Ички, Марказий ёки Ўрталик Осиё деб аталади ва у Мўғулистон, Жўнгория ҳамда Шарқий Туркистонни ўз ичига олади. Сибирдан унн Саян, Хамар-Дабан ва Яблоневи, Тибетдан — Куньлуш (Қорнгу тоғ) ва Нашпаш тоғ тизмалари, Хитойдан — Буюк Хитой девори, даштнинг ғарбий қисмидан эса Тоқай Олтой, Тарбағатой, Саур ва Ғарбий Таш-Шань ажратиш туради. Буюк Даштнинг ғарбий қисмига ҳозирги Қозовистон, Ертисув, Ўзбекистоннинг бир қисми, Қора денгиз бўйидаги даштлар ва Душайнинг бир қисми киради. Буюк Дашт — сийрак аҳолига, кескин ўзгаришчан иқлимга, сувсиз чўллارга эга бўлган улкан совуқ ҳудуд².

Қадамги туркларнинг ота юрти — Қадамги Олтой³, шу Буюк Даштнинг таркибий қисми, кескин ўзгаришчан иқлимга эга юрт.

¹ Рахмон Н. Турк доқолиғи. — Т.: А.Қадрий номиданги халқ мероси наприёти. 1993. 45—46 бетлар.

² Қарағ: Гумилев А.Н. Хунну. Стенная трилогия. <http://www.ozon.ru/context/detail/id/1424933/>. — С. 7.

³ Қадимда «Олтой» атамаси ҳозиргига нисбатан эрта кент ҳудудини билдирган. Шарқда бутун Жанубий Сибирь, Байкал ва Байкал орнини ҳам қўпганда, ғарбда Пошаргача Олтой ҳисобланган. Қарағ: Аджи. М. Азиатская Европа /Мурад Аджи. — М.: АСТ: АСТ Москва, 2008. — С. 21.

Асосан даштдан иборат, турк этник бирлигининг яшаш муҳити бўлган шу юрт ва ундаги анча оғир яшаш шароити Қадамги Турк цивилизациясини вужудга келтирган даъватта айлинди ва халқнинг жанговар характерини, фақат шу цивилизацияга хос жиҳатларни белгилаб берди. А.Ж.Тойнби концепциясига биноан уни «дашт даъвати» деб аташ мумкин. Шу даъват билан қадимги турклар Сибирь ўрмонларидан чиқиб, дашт кишиларига айландилар ва Буюк Даштнинг кимсасиз кентликлари уларнинг янги ватани бўлиб қолди. Мутлақо нотаниш географик муҳит уларда мослашиш билан боғлиқ катта қийинчиликларни келтириб чиқарди. Аммо турклар бу қийинчиликларни мағнат билан енгиб ўтдилар, аввалги ҳаёт тарзларидан нимашики сақлаб қолиш мумкин бўлса, ҳаммасини қолдирди, нимадан воз кечиш лозим бўлса, ҳаммасидан, баъзан, ҳатто, қадимги анъаналарга зид бўлса-да, воз кечдилар.

Янги мамлакатда шароит шафқатсиз ва бераҳм бўлиб, фақат бу ернинг қонунарига риоя қилган кишигина яшаб қолиши мумкин эди. Қанча болалар чақалоқ пайтидаёқ вафот этганлиги, бу дашт қанчадан-қанча нимжон ва касалманд кишиларни ҳалок қилганлиги энди маълум эмас. Тирик қолганлари, лотин тарихчиси Аммиан Марцеллин (330—400) ёзганидек: «Даштда туғилиб, унинг бағрида ўсганлар болалиқдан совуқ, очанк ва чанқоқликда чишққан ҳамда шу даштнинг шафқатсиз характерини ўзларига мерос қилиб олганлар. Турклар бежиз ўзларини забардаст деб атамаганлар»⁴.

Цивилизация учун бошқа бир рабатлаштирувчи куч қадимги турк халқининг янги ерларни ўзлаштириш учун қилган ҳаракати бўлди ва уларнинг ғарб ва жануб томон интилишлари бу ерлардаги маҳаллий аҳоли билан муқим алоқалар ўрнатилишига олиб келди. Шу тариқа ўзига хос географик ландшафтга эга бўлган Марказий ва Ўрта Осиёни⁵, Шарқий Европани бирлаштирган. Ғарбий Европа чегаралари билан туташган

⁴ Қарағ: Рахмоналшев Р. Империя тюрков. Великая цивилизация. adm.ru/books/Imperiya-turkov--Vol_. — С. 3.

⁵ Марказий Осиё ва Ўрта Осиё географик атамаслари ушқ, нақт аниқ белгилашган чегарага эга бўлмаган. А.Гумилев Осиёнинг бир қисмини — шимолий ва жанубий географик кентлик билан, ғарбий эга Каспий денгизи билан чегаралайди, асосан шарқий чегара номини асосан қилиб қолди. Рихтофен жанубда Тибетдан шимолий Олтойгача, ғарбда Пошаргача шарқда Хингангача бўлган чегарани «Марказий Осиё» деб атади. «Ўрта Осиё» деб эса тоғ элида Туркистон ҳавзаси, яъни ғарбда Каспий денгизидан шарқда Пошаргача, шимолий Орош-Иртин дилисидан жанубда Косетдоғ ва Хингангача бўлган мамлакатларга айтади. Қарағ: Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона. <http://www.centrasia.ru/cnf.php?sl=6>

қадимги турк этносининг умумий макони шаклланди. Шу мақолада қадимги турк даъволари вужудга келди, ривожланди ва яқин топди.

Бу ушқан маконда бир-биридан жуда узоқ яшаган қадимги турклар мутлақо яққаланиб ҳаёт кочирмаганлар. Фарбдаги скифлар, Воага ва Жанубий Урал бўйларидаги сарматлар, Урта Осиё сак (шак) ва массагетлари, Саян-Олтой динлаиналари, тагар ва маймир қабилалари, Мўтулистон, Байкалбўйи ва Ордос аҳолиси бир хил қурол ва от ашёжонларига эга бўлган, санъатда бир хил образлар ва рухий ҳолатлардан фойдаланган, бир-бирига тушунарли тилда сўзлашган. Маҳаллий аъёналар ҳам сақланиб қолса-да, улар маданиятдаги яқинликни сусайтирмади. Буюк Дафт моддий ва маънавий маданият унсурларининг бирлиги орқали Евроосиёнинг фарбу шарқини бирлаштирди¹.

Қадимги туркларда ҳокимиятни тапқил қилишнинг устивор шакли ҳарбий демократияга асосланган давлат бўлиб, дастлаб мил. авв. I миң йилликнинг ўрталарида пайдо бўлган. Қадимги турклар бутун Евроосиё бўйлаб ўндан зиёд шундай империялар, оригинал давлатлар ташкил қилди, ҳудуд яқинлиги ва ўзига хос ижтимоий-иқтисодий тизим асосида тинч ва осойишта яшаш истагида бўлган кўплаб халқларни бирлаштирди. Вужудга келган цивилизациянинг ўзига хос жиҳати шунда эдики, турклар Евроосиё кенгликлариди барча этносларни бирлаштириб, синергетик² бутунликни ҳосил қилувчи юғини ярата олдилар. Евроосиё ҳудудида турк этноси бошчилигида интеграцион жараёнларнинг бундай амалга оширилиши қадимги турклар цивилизациясининг кенг ҳудудга тарқалишига олиб келди³.

Бу цивилизациявий маконда вужудга келган давлатларнинг кўпчилигидан хотира бўлиб фақат уларнинг номигина қолган. Янги шаклланган халқлар туркларнинг буёқ ўтмишини улар хотирасидан ўчириб ташлаш учун барча воситалардан фойдаланди. Турон тарихи қайта-қайта ёзилиб, унда ўзига хос буёқ цивилизацияши яратган қадимги турк халқининг номи бутунлай тилга олинмади.

¹ Қаранг: Файзрахманов Г. Древние турки в Сибири и Центральной Азии. <http://padabum.com/d.php?id=9651>. — С. 31–32.

² Синергетика (новончадан — «фазолағ») ёки мураккаб тизимлар назарияси — динамика турғун, возволицион, аммо адағил бўлган тизимларнинг фазолағ юритиши.

³ Қаранг: Аязбекова С.И. «Туркская цивилизация» в системе цивилизационных классификационных. http://lib2.uu.se/ru/docs/index_347339.html.

Туркий олимлардан бири яқин ўтмишдаги шундай ҳолатни қўйидагича таърифлайди: «Мен илгари ўз аجدоғларимни, илдизимни билмаганлигим учун хиёлат тортиб, уялиб юрардим. Ҳозир ҳам шундай ноқулайлик ҳис қиламан, аммо бутунлай бопқа муносабат билан — бизнинг аждоғларимиз нақадар соф, ҳалоқ, машур ва улугвор кишилар бўлган экан. Биз, уларнинг авлодлари ким бўлдик. Улар биздан устун эди. Аммо бугун жарашадор бир ҳис онгимиз ва қалбимизни эгаллайди: биз тенглашадиган, ўртак оладиган, фахрлансак арзийдиган аждоғларимиз бор... Биз ҳам, албатта, улардек бўламиз»¹.

Машхур Британия энциклопедиясида ҳам қадимги турклар мамлақати ҳақида маълумот келтирилган. Аммо замонавий Европани ўзларининг евромарказчилик юғиси қай даражада имконият берса, турк мавзуси шу даражада қизиқтиради. Улар учун бутун дунё Европага бир илова бўлиб тулолади.

Шу сабабли бугунги туркийлар Турон давлати асосчиси Алп Эр Тўнта ва хон Баламир ҳақида ҳеч нарса билмамайди. Шоҳ Қоратуннинг юксалиши ҳақида-чи? Доншмад Донд қайси иши билан ўз номини абадийлаштирди? «Кўчманчилар» ҳақидаги қалин китобларда улар тўғрисида ҳеч нарса ёзилмаган.

Балки муаллифлар айван қичоқ шоҳлари — Баламир, Қоратун, Дошад дафтликларни Европага боплаб келганлиги, турклар олдида Византия ва Рим тиз чўкканлиги ҳақида ёзиш у ёқда турсин, ҳатто, ўйлашга ҳам уялишар. Қадимги турклар ичида энг улуғи, халқнинг фахри — Аттила ҳақида ҳам ҳақиқат хали тўлиқ айтилмаган.

Аттила туркларнинг Буёқ кўчсини яқинлади: Европа ушга тобе бўлди, унга ўлсон тўлади...

Ёшиямас Аттилан Рим кўшиқлари ёки бирлашган Европа марлуб эга олмади, уни ўз улутворлиги маҳв этди. Улутворлик — бу жуда оғир юк. Бу юк Аттиладай буёқ жангчини ҳалоқ қилди, унинг ўлими эса туғил халқининг тинчлигини олиб кетди! Саркарданинг ўлимидан сўнг ундан бир юз саксон тўрт нафар(!) ўғил қолди, қизларини эса ҳеч ким санамаган. Танида Аттила қони кўпириб турган тахт даъвогарлари тишгити навбаг кутиб ўтиришлари мумкинмиди? Албатта, йўқ. Шафқатсиз ўзаро урушлар бопланди... Турклар ўзаро жанг қилдилар. Бу уруш улар бўйнига қуллик зашжирлари осилгунча давом этди².

¹ Бисенбаев А. Мифы древних турков. http://nogaystan.ucoz.ru/load/ok_bisenbaev_mify_drevnikh_turkov/1-1-0-3. — С. 24.

² Қаранг: Адж М. Азиатская Европа /Мурад Адж. — М.: АСТ: АСТ Москва, 2008. — С. 35.

Биз, замонавий авлод кўпинча аجدодлар фаолиятига бутуннинг назари билан боқиб, соддагина «яхши – ёмон» тарзида баҳо беришга ҳаракат қиламиз ва шундан келиб чиқиб, уларни тан оламиз ёки рад этамиз. Аммо ўйлаб қаралса, тарихда ўтмас из қолдирган аجدодларимиз, номини минг йиллардан бери кўчада халқлар фахр билан ёд олиб келаётган Аттиладек буюк зотлар бизнинг баҳомизга, тан олишимизга муҳтожмикин?

Аттиладан кейин улардан қолган ҳудудларда турлича аталган кўчада давлатлар ташкил топди. Уларни ҳам анча ривожланган, А.Н.Гумилев таъбири билан айтганда, пассионар турк қабилалари ташкил қилдилар, уларнинг ҳар бирида кўп сонли туркийлар яшади.

Баъзан давлат ҳалокатга учраганда, этнос, уни яратган халқнинг номи ҳам тарихдан ўчиб кетган. Шу тариқа Хунн империяси ҳалокатга учрагандан сўнг хуннлар ҳам этник бирлик сифатида барҳам топди, гуинлар ҳам Аттиладан кейин тарқалиб кетди, Буюк Турк хоқонлиги инқирозга юз тутгандан сўнг турк-юталар ҳам тарих саҳпасидан тушиб кетди. Аммо «турк» номи бутунлай йўқолиб кетмади. Аксинча, у Осиё ва Европа бўйлаб кенг тарқалди. Араблар Амударёдан шимолда яшайдиган барча халқларни турклар деб атади, улар эса бу номни қабул қилдилар, зеро қадимги турклар этник бирлик сифатида барҳам топгандан сўнг «турк» тушунчаси Буюк Даштда яшовчи барча халқлар учун шон-шухрат ва жасорат рамзи бўлиб қолди. Кейинчалик бу этноним тил оиласининг номига айланди, қадимги туркларнинг бевосита авлоди бўлмаса-да, улар тилини қабул қилган кўчада халқлар энди турк деб атала бошланди¹.

Қадимги туркларнинг инсоният тарихидаги роли жуда улкан. Турк маданиятининг ютуқларини кўчада бошқа халқлар қабул қилди. Қадимги турклар маданияти Волга Булғорияси, Олтин Ўрда, Қозон, Аптархонийлар, Қрим, Қосим, Туман (Тюмень), Сибирь хонликлари, Нўғой Ўрдаси, Ўрта Осиё ва Қозонистондаги туркий давлатлар, Кичик Осиёдаги Салжуқийлар ва Усмонийлар империяларида давлатчилик ва маданият тараққийлашининг асосий омилларидан бирига айланди. Қадимги турк давлатларининг тарихи, моддий ва маънавий маданияти барча туркий халқларнинг тарихий меросидир².

¹ Қаранг: Гумилев А.Н. Древние турки. – М.: Айрис-пресс, 2004. – С. 9.

² Қаранг: Файзрахманов Г. Древние турки в Сибири и Центральной Азии. <http://padabum.com/d.php?id=9651>. – С. 176.

Қадимги турклар ўрнига келган бошқа қабилалар ва халқлар ўз давлатларини яратдилар. Шарқий Европада ҳам таниқда турк қони оқса-да, бошқача ном билан аталувчи, ўзга динга сиғинувчи ва ўзгача тилда сўзлашувчи халқлар, уларнинг давлатлари вужудга келди. Шу тариқа этногенез ва янги этнослар шаклланишининг мураккаб жараёнлари давом этди. Бу жараёнларнинг раёбатлаштирувчи кучи, янги этник бирликларнинг асоси бўлиб турклар қолаверди. Шу билан Хиттойдан Атлантика океанигача бўлган катта ҳудуддаги халқларнинг тили, урф-одатлари ва характерида қадимги турклар таъсири ҳамон сезилиб туради.

Қадимги турклар цивилизациясининг чегараларини этнолингвистик ҳамда макон ва замон нуқтаи назаридан белгилаш биз юқорида баён қилган цивилизацияларшиқига нисбатан анча мураккаб, зеро бу қадимги цивилизациялар ичида нафақат ҳудуди жиҳатидан энг каттаси, балки инсоният тарихида эгаллаган ўрнига кўра ҳам энг буюкларидан биридир.

Тарихи | Қадимги Турк цивилизациясининг тарихи жуда қадим замонлардан бошланади ва милодий эрanning VIII асригача, яъни Турк хоқонлиги барҳам тошгунча бўлган даврни қамраб олади.

Қадимги тарихчиларнинг ёзишича, мил. авв. IX – IV асрларда Евроосиёнинг улкан кентликларида, Фарбий Сибирь ва Шарқий Европа даштларида скифлар ёки скиф қабилалари иттифоқига кирувчи халқлар яшаган. Мил. авв. III асрда улар ўрнига сарматлар келди. Ҳинд-европа тилшуносларининг таъкидлашларича, ушбу қабилалар иттифоқига кирувчи халқлар эрон тиллар гуруҳига кирувчи тилларда сўзлашган. Ушбу тезисни ҳеч қандай таъкидий таҳлилсиз айрим тарихчилар ҳам қабул қилганлар. Эроншуносларнинг назариясига кўра, турклар Сибирь ва Европанинг автохтон аҳолиси эмас, улар ёш халқ бўлиб, мил. авв. VI асрдагина ушбу минтақада пайдо бўлган¹.

Аммо олимлар орасида бу муаммага бошқача қарашлар ҳам мавжуд. Масалан, британиялик таниқли тарихчи ва археолог Гордон Чайлд шундай ёзади: «Скифларнинг этник мансуб-

¹ Масалан, Э.Рувеладзе Ўрта Осиё ҳудудида қамқдан яшаган аҳолини, жумладан, массагетлар, сакар, сарматларни ва, ҳатто, улардан олдин истиқомат қилган халқларни ҳам қатъий тарзда хинд-европа халқларига, улар тилини шарқий эрон тилларига қўшади. Жанубий Сибирда туркларнинг халқ сифатида шаклланишини ҳам фақат V асрда юз берган деб ҳисоблайди. Қаранг: Эвард Рувеладзе. Цивилизация, государство, культура Центральной Азии. <http://www.protobulgarians.com/Russian%20translations/Rveladze%20E.pdf>. – С. 10 – 45.

литини аниқлашда кўманчи маросимларини ўрганиш ҳол қилувчи аҳамиятга эга. У эронлар ва ҳиндлар, шунингдек, бошқа ҳар қандай ҳинд-европа халқларига хос бўлган маросимдан кўнра фарқ қилади. Қабила бошлиқлиги қабрига ўлдирилган хотинлари ва хизматчилари ҳам кўйилган, даҳма атрофида қозикқа осилган отлар тулуғи (чучело) ўрнатилган. Бу оғатлар Геродот томонидан ёзилган, кўнраб кўрвонларни очиб жариёнида уларнинг излари шиканиш, аммо улар мутлақо орийларга хос эмас. Улар Мўғулистоннинг кўчманчи қабилалариникига пўлак мос келади, орийларникига эса мутлақо мансуб деб бўлмайдди, шунингдек, бу оғатлар уларга кўнраб асрлар давомига мавжуд бўлганлиги Миттс томонидан кўрсатишган. У скифларни гушлар, татарлар ва бижаналарнинг (печенеглар, туркий халқ) монголлар аждодлари деб ҳисоблайди ва бу қоран шубҳа туждирмайди¹.

Скиф ва сарматларнинг туркий тилда сўзлашувчи халқлар бўлганлиги ёки скиф-сармат иттифоқи бир неча тилларда сўзлашувчи этносларни бириктирганлиги ҳақида маълумотлар кўнраб сақланиб қолган. «Скиф» ва «сармат» атамалари йиғма этнонимлар бўлган².

Антик муаллифларнинг маълумотларига³ таянган айрим тарихчилар мил. ав. IX—IV асрларда Ғарбий Сибирь, Марказий Осиё ва Шарқий Европада мавжуд бўлган скиф-сармат иттифоқи ёки шу ҳудудларга тарқалган сарматлар иттифоқи (мил. ав. III аср — мил. ав. III аср) таркибига кўра полиэтник, яъни скиф-сармат иттифоқи таркибидagi сарматлар эрон халқлари, скифлар эса туркий бўлганлигини ва унда туркий халқлар кўнралиги ташкил қилганлигини таъкидлашади⁴.

Айрим олимларнинг тахмин қилишича, мил. ав. V—III минг йилликларда ҳозирги Эрон, Ироқ, Афғонистон, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг катта қисмини ўз ичига олган, Қадамги Шумердан Олтойгача бўлган ҳудудда олтой қабилалари, ҳозирги турк ва мўғул халқларининг аждодлари яшаган. Аммо кейинчалик бу ҳудудга қадамги семит, орий ва бошқа қабилаларнинг бир неча тўққонлари кириб келиши натижасида қадамги ол-

тойликлар Олтой, Саянь, ҳозирги Хитой, Мўғулистон ва Сибирь томонларга кетишга мажбур бўдилар. Ўзгалар томонидан босиб олинган ерларда қолган қадамги олтойликлар эса босиб келган аҳоли билан аралшиб кетди⁵. Шунингдек, баъзи олимларнинг таъкидлашича, Ғарбий Сибирь даштларида хунлардан олдин ҳам туркий қабилалар яшаган. Мил. ав. II—I минг йилликлар чегарасида, яъни буидан уч минг йил олдин бу ерларда қорасуқ ва унга яқин прототурк қабилалари пайдо бўлади⁶.

Мил. ав. III—II минг йилликларда Олтойдан Воагагача бўлган ҳудудда яшаган аҳоли Андронов маданиятини яратувчилар бўлиб, рус академиги антрополог В. П. Алексеевнинг таъкидлашича, европид ирқига мансуб кнпчилар бўлган ва кичик дарёлар бўйларида ўтроқ бўлиб яшаганлар. Бирок, улар хўжалигининг асосини чорвачилик ташкил қилган. Андронов маданиятининг энг ривожланган даври мил. ав. XV асрга тўғри келади. Шу даврда бу маданият ўз ҳудудини кенгайтириб, бевосита Ўрта Осиё чегараларига етиб келади.

Кейин бу ҳудудларда кўчманчи қабилалар яшаганлиги ҳақида ёзилган. Кўчманчилар ҳақида гап кетганда ҳақли савол туғилади: кўчманчи чорвачилик Марказий Осиёдаги қабилалар ҳаёт тарзини бирламчи ва шона усули бўлганми? Бу саволга тадқиқотчилар археологик ва бошқа манбалар асосида «йўқ» деб жавоб берадилар. Мил. ав. II минг йилликда Марказий осийлик қабилалар ўтроқ яшаган, асхдончилик ва чорвачиликни ўзлаштиришган. Бу қабилаларнинг моддий ва маънавий маданияти I минг йилликда яшаган кўчманчи қабилаларникига нисбатан анча юқори бўлган. Кейин иқлимнинг кескин ўзгариши, мил. ав. I минг йилликда юз берган даҳшатли қурғоқчилик даштлик қабилаларни кўчманчи чорвачиликка ўтишга мажбур қилди. Жуда сийрак ўтларни пода тез еб кетганлиги ушун аҳоли ҳам чорва ортидан кўчиб юришга мажбур бўлди⁷.

Хушхў дарёсининг қуйи томонида иқлим намлигича қолди ва хитойлар ўтроқ ҳаёт кечиринида давом этдилар. Аммо иқлим кескин ўзгарган ҳудудлардаги чорвачилик ҳам доимий кўчманчилик ҳаёт тарзини такозо этмайди. Хусусан, россия-

¹ Чейлд Гордон. Арийца. Основатели европейской цивилизации. — М.: ЗАО Центрполиграф, 2008. — С. 52—53.

² Қаранг: Файзрахманов Г. Древние тюрки в Сибири и Центральной Азии. <http://pedahum.com/d.php?id=9651>. — С. 5—6.

³ Қаранг: Марделлин А. Римская история. <http://www.e-reading.ws/book.php%3Fbook%3D37723>. — С. 164—172.

⁴ Қаранг: Чейлд Гордон. Арийца. Основатели европейской цивилизации. — М.: ЗАО Центрполиграф, 2008. — С. 53.

⁵ Қаранг: Карпов Б.Р. Тюркчество и становление тюркского мира. <http://lenqilund.ru/konferencii/2-aya-konferenciya/turkizatsiya-i-stanovlenie-tyurkskogo-mira>.

⁶ Қаранг: Халиков А.Х. Татарский народ и его предки. http://www.iknol.info/uk/Records/Tatarskij_narod_i_ego_predki.html. — С. 54.

⁷ Қаранг: Файзрахманов Г. Древние тюрки в Сибири и Центральной Азии. <http://pedahum.com/d.php?id=9651>. — С. 40.

лик археолог олим, академик С. И. Руденко дашт чорвачилигининг улта вариантыни ажратиб кўрсатади:

— қабилла ўтроқ яшайди, аммо оила аъзоларининг бир қисми чорва билан бирга кўчиб юради;

— бугун қабилла баҳордан кузгача чорва билан кўчиб юради;

— қабилла йил давомида кўчиб юради.

Дастлабки икки вариантда чорвачилик, албатта, қишлоқ хўжалиги билан қўшиб олиб борилади, чунки чорва учун см-хашак тайёрлаш ҳам шунинг тақово этади. Учинчи вариант нисбатан кам бўлиб, асосан, Орол денгизи бўйидаги ярим чўл зоналар ва Шарқий Мўғулистонда учрайди¹.

Хайёт кечириш усулининг кескин ўзгаришига — кўчманчи чорвачиликка ўтилишига қарамасдан, қадимги турклар ўз хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришда давом эдилар ва шу тариқа жаҳон маданияти ва инсоният тарихининг ўзига хос муҳим қисми бўлиб қолди.

Қадимги Турк цивилизацияси юқорида баён қилинган Месопотамия, Қадимги Миср, Қадимги Яхудий, Эрон, Хитой, Қиндистон ва Грек-Рим цивилизацияларидан фарқ қилса да, унинг инсоният тарихидаги роли ушбу цивилизацияларникидан мутлақо кам эмас, зеро у Ер биосфераси ва бошқа қадимги цивилизациялар билан узвий боғланган эди.

Қадимги туркий халқлар ичида биринчи бўлиб ўз давлатчилигини ташкил қилган ва Турк цивилизацияси шаклланишига катта ҳисса қўшган халқ хушлар² бўлди. Хушлар тарихини ўрганиш бўйича деярли ягона манба хитой тарихий солномалари ҳисобланади. Солномалардаги узук-юлуқ хабарларга қараганда, мил. авв. III минг йилликда ҳам хитойлар хушларга қарши урушлар олиб борган. «Самовий империя»нинг дастлабки императорларидан бири, мил. авв. 2357 йили тахтга келган император Яо даврида ҳам хушлар Ордосда яшаганлар.

¹ Гумилев А.Н. Петерохронология, увлажнение Евразии в древности. http://eastlib.ru/gumilev/gumilev_6.html

² Ҳозир кўпгаб халқларда ўликни янада теранроқ англаш, халқнинг қадим илдизларини топишга юнгиллиб жараёни кузайтган бир пайтда, баъзи хушларнинг тўлиқ акриллаштирилиши, қинчоқлантирилиши ёки «қозоқлаштирилиши»га уринган мақолалар ҳам пайдо бўлмоқда (айниқса, илгиринг мақолаларида). Ҳатти баъзи рус налимлари ҳам хушларни «даъво қилмоқда». Бизнингча, хушлар, биринчи навбатда, барча туркий халқларининг умумий аجدоди бўлиб, қадимда Еришский киндикларида яшаган бошқа кўпгаб халқларнинг жумладан, руслар ва украинларнинг ҳам шаклланишидаги этник жараёнларда феодал кичирок этган.

Сима Цяннинг ёзишча, хушлар тарихи ўз уйдан қочиб, 500 нафар яқинлари билан хушларга келиб қўшилган Хитойдаги Ся сулоласи тоқининг ўлими Шун-вэйдан бошланади. У афсонавий хитой сулоласи Ся (мил. авв. 2219—1819 йиллар) даврида хушларга йўлбошчилик қилган. Хитой тарихий анъаналарига кўра Шун-вэй хушларнинг аждоди ҳисобланади. Унинг даврида Ордосдаги кўчманчи қабилалар билан ди қабиласи ва хитойдан келган қочқинчиларнинг аралашуvidан хушлар ҳосил бўлган. Афсонада келтирилган бу воқеа археологик маълумотларда ҳам ўз тасдиғини топади. Улар ҳақида маълумот мил. авв. 1300—1200 йиллари хайвонлар суягига битилган иероглиф ёзувларда ҳам сақланиб қолган¹. А.Н. Гумилев ҳам бу афсонавий маълумотлар тарихий реаликни жуда тахминий ёритса-да, улардаги рационал асосни тан олмаслик ҳам нотўғри бўлар эди², деб ёзади.

Мил. авв. 1200 йили хушлар Гоби чўлини кесиб ўтиб, тарихий қаҳрамонликни амалга оширдилар — улар бу чўлни бўйсундирган биринчи халқ бўлди³. Хушлар Сибирнинг Минусин даштларига қарасук маданиятини олиб келиб, андронов маданиятини сиқиб чиқарди. Фарбий Сибирга биринчи марта хитойча усул кириб келди. Аммо бу ўзга маданиятнинг оддий ўзлаштирилиши эмасди. Янги маданият асосида янги ярқий тип — монголоид ва европоид ирқларининг аралашмаси пайдо бўлди. Бу ирқ вақимларининг ташқи кўриниши замонавий ўзбекларни эслатади, улар ҳам европоид ва монголоид ирқлари компонентларидан таркиб тошган⁴.

Этнос пайдо бўлиши билан унинг сиёсий тизими, айниқса, империя типидagi йирик сиёсий тизимларнинг шаклланиши ўртасида анча вақт ўтади. Хуш этносида қабилаларни бирлаштирган сиёсий ташкилотнинг шаклланиш даври ҳақидаги масала афсуски ҳозирги кунгача баҳсли бўлиб қолмоқда. Анъанавий нарратив тарихшунослик хуш халқи тарихининг бошланишини, юқорида айтганимиздек, мил. авв. II минг йилликка олиб бориб

¹ Қаранг: Файзрахманов Г. Древние тюрки в Сибири и Центральной Азии. <http://padabam.com/d.php?id=9631>. — С. 40—41.

² Қаранг: Гумилев А.Н. История народа хунны. <http://www.klex.ru/Tzh>. — С. 10—11.

³ А.Н. Гумилев С.И. Руденконинг археологик тадқиқотлари натижасини тахлил қилиб, хушлар Гоби чўлидан мил. авв. XII асрда эмас, мил. авв. X асрда ўтган деган тахминини айтади.

⁴ Қаранг: Гумилев А.Н. История народа хунны. <http://www.klex.ru/Tzh>. — С. 17.

тақаса, уларда сиёсий тизимнинг «ядроси» шаклланиб, унинг асосида кейинчалик Хунн империяси тапқил топилиши ми. авв. V—III асрларга тааллуқли деб ҳисобланади. Чунки Хунн давлатидек йирик сиёсий бирикманинг пайдо бўлиши кучли этносий негизнинг машжуд бўлишига тақозо қилади ва маълум вақт ўтгандан сўнггина апа шу негиз асосида империячилик конфедерациясига сиёсий интеграциялашув жараёни учун замин ҳозирланади. Шу сабабли хунн жамияти фақат ми. авв. III аср ўрталарига келиб иктымий табақаланишга, ривожланган бошқарув тизимига ва шаклланиш олий ҳокимият органларига эга бўлган марказлашган сиёсий тизим тарзида намойиш бўлади¹.

Инсоният тарихи — мураккаб ҳодиса. Унда битта арзигулик яшиликнинг пайдо бўлиши ўн, ҳатто, юз йиллар давомида ўзгирмасдан келаётган аълоавий ҳаёт тарзига янги тенденцияларни олиб киради. Бу тенденциялар моддий ва маънавий ҳаётда катта ўзгаришларга сабаб бўлади. Шундай ўзгаришларни археологлар хунн отлик аскарларининг қуролларида аниқладилар. Ми. авв. VI асрда ҳарбий ислоҳот ўтказилиб, хунн енгил отлик кўшини оғир қуролланган отлик кўшинга айланди. Хуннларда мураккаб тизимли камон пайдо бўлди². Хитойда ва бошқа кўшини халқларда бундай қуроллар ҳали йўқ эди. Ҳақли савол тузилади: бу янгилик хуннларда қасрдан пайдо бўлди? Бу саволнинг жавоби қадимги халқлар ўртасидаги мураккаб алоқалар тизимига ва ўзаро таъсирга бориб тақалади. Коммуникация тизимининг деярли мавжуд эмаслигига қарамасдан, бир-биридан анча узоқда жойлашган цивилизациялар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар мавжуд бўлган. Янги ихтиролар бутун Шарқ бўйлаб тарқалган.

XX асрнинг ўрталарида археолог С.П. Толстов Қадамги Шарқ маданиятининг ўзига хос таянч нуқталаридан бири — Қадамги Хоразмнинг буюк цивилизациясини очди. Хоразм македониялик Александр босқинлари даврида ҳам ўз мустақиллигини сақлаб қолган эди. Қадамда Ўрта Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган массагетлар ҳам қадимги хуннлар билан жуда яқин алоқада бўлган. Орқал ва Каспий бўйларида яшаган

¹ Қаранг: Крадин Н.Н. Империя хунну. <http://www.twirpx.com/files/262785/>. — С. 31—32.

² Хуннларнинг мураккаб камони узунлиги 140 см. бўлиб, еттига кўшимча тирсақлардан (тўртта икки ёнида ва унга ўртада) иборат бўлган. Қаранг: Руденко С.И. Куллура Хунну и монгольские курганы. М. — Л. 1962. — С. 25.

аҳолини юнонлар массагет¹, хитойлар юэчжи деб атаганлар. Ми. авв. 530 йили массагетлар форсларни жангда маълум этди. Форслар шоҳи Кир ҳалок бўлди. Массагетлар юнон-македон босқинчиларга қарши қўзғалган Ўрта осийликларнинг ҳам олдинги сафида бўлди. Македониялик Александр кўшинига қарши кураш массагетларниш кучига куч қўшди, ҳарбий саъятида катта ўзгаришларга олиб келди. Улар армияни ислоҳ қилиб, шарқда ҳукмрон кучга айланди. Оғир қуролланган отлик кўшини массагетлар сарматлардан олди. Сарматлар ўз отлик кўшинининг устуналигини Евроосийнинг тарбида намойиш қилди². Оғир қуролланган совет киёган отлик кўшини қадимда фақат Осирияда, униш ҳам кам содди отлик кўшинида мавжуд бўлган. Массагетлар эса кучли отлик кўшини туфайли ми. авв. III асрда Марказий Осиёдаги барча қабилалар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Массагетлардан шарқда яшаган хуннлар ҳам уларга ўлиш тўлади. Шу тариқа массагетлар орқали хуннларга янги ҳарбий техника кириб келди. Улар бу янгиликдан жуда унумли фойдаландилар. Массагетлар таъсирдан озод бўлган хуннлар кучли армияга таяниб, бутун иктымий тизимни қайта қурди. Бу ҳол, айниқса, Модэ панюй («тантрикут», «энт буюк») даврида яққол кўлга ташланади. Агар Модэга хунн жамияти 24 уруғни бириктирган урув-жамоалари иттифоқидан иборат бўлса, Модэ даврига келиб империя кўринишидаги ҳақиқий давлатга айланди. Модэ Туман шашойнинг ўли бўлиб, ми. авв. 209 йили ҳокимиятга келди ва қисқа мудатда марказлашган сиёсий ҳокимиятни ва қатъий тартибли кучли армияни яратди. Аслида ми. авв. 209 йил бутун хунн халқи тақдирида ҳал қилувчи йил бўлди. Агар Модэнинг ақли ва қобилияти бўлмаганда, хуннлар ўз кўшини келатлар сингари уруғлар ўртасидаги ички можароларга ёки германлар ва самнитлар сингари бошиқаларнинг кўшинига ёлланшга ёки скандинавлар ва прокезлар каби бемақсад талончилик урушларига сарфлашга мажбур бўларди. Модэнинг ҳокимиятига келиши ҳақида сақланиб қолган Хитой тарихий маълумларида айтиляптики, отаси ундан қутулиш ва кичик хотинидан бўлган ўлига ҳокимиятни қолдириш учун Модэни душман дунхулар саройига гаровга беради. Ўзи эса тўсатдан

¹ Уларнинг туркий халқ бўлганини бутун кўпчилик олимлар ўртасида тин олинган маълумот ҳисобланади.

² Қаранг: Файзрахманов Г. Древние турки в Сибири и Центральной Азии. <http://rodatam.com/d.php?id=9631>. — С. 30—31.

³ Модэ баъзи маълумларда Босхар, Мете ёки Маудун, Босур Тантрикут, Ўзгирок ҳам дегилади.

олдин юз бергаш воқеаларнинг такрорлангани эди¹. Тимучин билан Модэ ўртасида кўплай ўхшашликлар бўлишига қарамастан, бир нарсани унутмаслик лозим: Модэ биринчи бўлиб бу йўдан борган эди². У Қадимги Турк цивилизацияси доирасида биринчи бўлиб империячилик таянчага асос солди, империянинг ўзини яратди. Агар Чингизхондан олдин Буюк Даштда биринчи туркий империяни яратган шахс Модэ хоқон бўлса, шу даштнинг катта қисmini охириги марта йирик туркий империя таркибига бириктира олган буюк эгон Амир Темур бўлди. Эгон, Модэ хоқон. Атилла, Чингизхон ва Амир Темур туркий цивилизация доирасида буюк империяларни яратган улуғ хоқонлар эди.

Модэ хунналарнинг буюк қўшиниси ва доимий рақибси Хитойни «дўстлик ва ҳамкорлик» шартномасини тузишга мажбур қилди ҳамда Хитой маликаларидан бирини уйланиб, бу шартномани қариндошлик алоқалари билан мустақкамлади. Хитой ҳар йили ушга совға кўришишида ўлпон тўлади.

Модэ ҳаётининг бошида ҳаёлига ҳам келмаган бутуқликнинг чўққисига етиб, мил. авв. 174 йили вафот этди. Ворисларнинг биронтаси қобилиятда ушга тенгласа олмаган бўлса да, Модэнинг ишини яна уч юз йил давом эттирдилар³.

Хитой ҳукмдорлари турт аср давомида Осиёда ҳукмрон макени эгаллаш, Сибирни босиб олиш учун ҳаракат қилдилар. Сибирдан кейин улар Европани қариб бориши мумкин эди, зеро бу пайтда ушбу ҳудудда хунналардан бошқа Хитойга тенг келадиган куч бўлмаган. Аммо хунналар хитойларни Сибирга ўтказмади, бу уларнинг буюк тарихий хизматидир. Хитойнинг Сибирга кириши учун иккинчи бор ашаддий уришни VII–VIII асрларда, Буюк Турк хоқонлиги даврида кузатилади. Бу сафар ҳам турклар Сибирни сақлаб қолдилар⁴. Кейинчалик, XVI асрдан бошлаб, руслар кичик-кичик туркий давлатларни биринкетин босиб олиб, Сибирни эгаллаш бошлаганларида, турклар ҳам, хитойлар ҳам аввалги қудратини аллақачон йўқотган, ўз кучини кўрсатиш, ҳукмронлик қилиш навбати эса руслар каби ёш, пассионар, жашғари халқларга келган эди.

¹ Қаранг: Крадин Н.Н. Империя хунну. <http://www.twitrix.com/ile/262765/>. – С. 60.

² Қаранг: Шу асар, 62 бет.

³ Қаранг: Гүмилев А.П. История народа хунны. <http://www.klex.ru/74/>. – С. 39.

⁴ Қаранг: Файзрахманов Г. Древние тюрки в Сибири и Центральной Азии. <http://padabum.com/d.php?id=9651>. – С. 50.

Мил. авв. II–I асрлар ва милодий I аср давомида Хитой хунналар империясига қарши доимий ҳаракатлар олиб борди. Натижада I асрга келиб хунн жамияти ҳарбий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан жуда заифлашиб қолди, у тобора тарқоқлашиб борди. Хитойдаги шафқатсиз тартиблар, очлик туфайли хунналарга қочиб ўтган турли хил жиноятчилар, сиёсий эмигрантлар хунналар билан яқинлашиб кетмади ва охири давларда Хитой томонига ўтиб кетди¹. Хитой билан бўлган урушларда хунн халқининг саралашан, жашовар қисми қарилиб кетди. Даштнинг ичкарасига кетган хунналар аҳоли соҳини теда тиклаб олди, аммо халқнинг эшик қудрати бошқа тикланмади. Бундай ташқари, ҳарбий қудратда хунналарга тенг кела олмаган Хитой уларга нисбатан доимий мафкуравий таъйик ўтказиб, хунн ёшлари ва эдагонларини хитой маданиятига жалб қилиш сиёсатини олиб борди. Оқибатда 48 йилга келиб Хунн империяси шимолий ва Жанубий конфедерацияларга бўлиниб кетди. 86 йили шимолий хунналар жанубий Хунналарга бостириб келди. 87 йили хитойлар, сяньбийлар ва динавийларнинг бириктирилган қўшини хунналарга қарши ҳужум бошлади. Юлю пантойни қўлга олиб, тириклайин терисини шилдилар. 93 йили шимолий хунналар мавлублиятга учради. Бу мавлублият хунн халқи тарихидати машҳум воқеа бўлди. Хунн халқи майда урушларга бутунлай бўлиниб кетди². Хунналарнинг бир қисми ғарбга қараб чекинди ва ҳозирги Шарқий Қозовистон ҳудудида янги давлатга асос солдилар. Улар бир неча ўн йил мобайнида муваффақият билан Хитойга қарши турди. Аммо шу даврда сяньбийлар (мўғуллар аجدоди) кучайиб, хунналарга қарши тўхтовсиз ҳужумлар уюштирди. Хунналар 155 йилгача ўз мустақиллигини сақлаб тура олди. 155 йили сяньбийлар ҳукмдори Таншихан хунналарни ўз ерларидан қувиб юборди ва Шимолий Хунн давлати тугатилди. Хунналар бир неча урушларга бўлиниб кетди. Бир қисми сяньбийлар билан қўшилиб кетди, бошқалари Хитойга кўчиб ўтди, учинчилари тоғли Тарбағатай водийси ва Еттисувда жойлашди. 20–30 миш қўшиндан иборат «бўйсунмас» деб аталувчи яна бир қисми эса сяньбийлар таъкибидан қутулиб, кучли бижанаклар ери орқали ғарбга ўтиб кетди³.

¹ Қаранг: Батулин Н.Я. (Иакшф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. <http://www.twitrix.com/ile/261318/>. – С. 78.

² Қаранг: Файзрахманов Г. Древние тюрки в Сибири и Центральной Азии. <http://padabum.com/d.php?id=9651>. – С. 60.

³ Қаранг: Шамбаров В.Е. Великие империи Древней Руси/Валерий Шамбаров. – М.: Алгоритм, 2012. – С. 224.

Хунн хоқонлиги таркибида фақат хушлар эмас, туркий тилда сўзлашувчи кўплаб халқларнинг аجدодлари яшаб, ўзларининг моддий ва маънавий маданиятларини ривожлантирган эди. Шу сабабли Хунн хоқонлиги ва бошқа хунн давлатлари ишқирозга учрагандан кейин қадимги турклар тарихида фоживали давр бошланиб, бу давр Буюк Турк хоқонлиги ташкил топгунгача давом этди.

Марказий Осиёда қолган хуш-сибий уруғлари алоҳида этник субстратни ташкил қилди ва кейинчалик – VI–XI асрларда – улар асосида ва Буюк Даштда юз берган пассионар силжишлар натижасида бошқа турк ва мўғул этнослари шаклланди. Хитойда қолган хушлар хитой супер этносига сингиб кетди. Хуннларнинг суғдийлар билан аралашувидан эса юнбань этноси пайдо бўлди¹.

Сибирда шимолий ва жанубий хушларнинг уторлар билан аралашishi натижасида янгида пассионар ва жанговар халқ вужудга келди. Бу халқ фарбга қараб кўчиб, йўл-йўлакай бошқа туркий халқлар билан аралашиб, ашча ўзгарган этносни ҳосил қилди ва улар энди гушлар² деб атабди.

Хуннлар ва гушлар муаммосига кўплаб асарлар бағишлаган А.Н.Гумилев хушлар ва гушлар – бу туркий халқлар эканлигини таъкидлайди. Гушлар фарбга қараб кўчиши жараёнида бошқа қабилалар, аввало, уторлар, кейин эса готлар ва германлар билан кучли ассимиляциялашувига қарамасдан, ўзларининг туркий тилини ва урф-одатларини сақлаб қолган эди.

Гушларнинг II–IV асрлардаги тарихи тўғрисида маълумотлар жуда кам. II асрнинг биринчи ярмида яшаган антик муаллиф Дионисий Периегет Каспий бўйидаги гушлар ҳақида ёзади. Птолемей эса гушларнинг Волгадан шарқдаги кенгликларда яшashi ҳақида маълумот беради. Амман Марцелининг ёзишича, фарбда гушлар дун келган дастлабки халқлар сарматлар, аланлар ва роксоланлар бўлиб, бу воқеа 370 йили юз беради³. Аланлар гушларни душманларча қабул қилди, ammo

¹ Қаранг: Гамзин А.В. Гушны и образование евразийского суперэтноса <http://ukhtonga.ru/gunny1.html>

² К.А. Иностранцевдан бошлаб («Хунну и гушны». – А., 1926) кейинги адабиётларда тўғи иккити халқ ҳақида тил кетиётганидек, уларни адаштириб кўбюрмалик учун «хушлар» ва «гушлар» атавлари қўлланилган. Аслида ҳозирги тадқиқотчиларнинг кўпчилиги уларни бигга халқ деб ҳисоблашади. Қаранг: Об этнической принадлежности хунну. <http://do.gondoks.ru/docs/index-22162.html> page = 6.

³ Қаранг: Марцелин А. Римская история. Кн. XXXI. <http://www.klassika.druid.ru/reading/ws/book.php%3Fbook%3D3777>. – С. 168.

гушлар кўшни утор қабилалари тимсолида ўзларига яхши дўст топдилар. Айтиш лозимки, бу гушлар характериниш ўзига хос томони бўлиб, улар дўшман билан мардона жанг қилишни билганидек, дўстликка садоқатни ҳам жуда қадрлашган⁴.

375 йили гушлар сарматлар билан бўлган жангда ғолиб чиқиб, эроний халқларнинг Евроосиёдаги кўп асрлик ҳукмронлигига чек қўйди, туркий этносиниш минг йиллик ҳукмронлигини ботлаб берди, уларнинг шарқдан фарбга қараб силжиши учун имконият яратди. Фарбий Европани забт этиш хон Баламир даври (370 йиллар)да бошланиб, Рутила даври (V асрнинг биринчи ярми)да давом эттирилди ва Аттила даври (445–453) да якуланиди. Фарбга қараб кўчган гушлар Рим империясининг қулашига, Европада қуддорлик тузумининг барҳам топишига ва янги феодализмнинг шаклланишига улкан ҳисса қўшдилар.

370 йиллари аланларни ҳам маълум қилган гушлар Азов ва Болтик денгизлари ҳамда Тиса ва Дон дарёлари оралиғидаги катта кенгликларни эгаллаган Готлар империяси чегараларига етиб келди. Готлар императори Эрманарих (Германарих) қадимги афсоналарда халқларнинг буюк кўчиши давридаги жасур қирол сифатида тасвирланади. Ammo шунга қарамасдан, Эрманарих империяси 371 йили хон Баламир бошчилигидаги гушлар ҳужуми натижасида вайрон қилинди. Готларнинг остготлар ва вестготларга бўлиниб кетиши ҳам шу даврга тўғри келади. Шу тариқа Европадаги герман қабилаларини ва бошқа кўплаб халқларни ҳам бирлаштирган Гушлар империясига асос солинди.

Гушлар фарб ва шарққа қараб доимий юришлар уюштирди. IV аср охирида Дунай бўйига кириб келиб, тох готлар билан иттифоқда Рим империясига қарши, тох империя билан иттифоқда готларга қарши урушлар олиб борди.

Ўрта Осиё ҳудуди Мода шапой давридаёқ хуннлар томонидан ўзлаштирилган эди. V асрда гушларнинг жануби-фарбий гуруҳи – оқ гушлар бевосита Сосонийлар империяси чегараларига етиб келди. 450 йилларда сосонийларнинг ўзаро урушларида эфталитлар⁵ ёрдамида таянган шох Перуз бу ёрдам учун уларга Шарқий Тохаристон (Бахтрия)ни берди. 484 йили эса Сосонийлар армияси эфталитлар томонидан тор-мор қилинди. Сосонийлар VI аср охиригача эфталитларга ўлпон тўлади. Ўрта Осиёда оқ

⁴ Қаранг: Шамбаров В.Е. Великие империи Древней Руси/Валерий Шамбаров. – М.: Алгоритм, 2012. – С. 224.

⁵ Айрим фарб ва Шарқ манбаларида оқ гушлар умртнинг ҳукмдори Эфталанос (470–496) номинан олтииб, эфталитлар деб ҳам кўлади.



Аттила

гунналар қарийб бир ярим аср (420—565) ҳукмронлик қилди.

376—465 йиллари Гушлар империясида ҳукмронлик қилган шоҳлар ичида Аттиладан тапқари Донат, Харатон (Қоратун) ва Радо¹ (Руйа) ҳам тарихда катта из қолдирган. Ғарбда Баламир бошлаб берган марказлашган ягона империяни яратиш ишини Аттила яқинга отқазди.

Рим империясининг шарқий провинциялари Аттила томонидан забт этилди. Амалда Уралдан Рейн дарёсигача бўлган ҳудудларда гушлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Гушларнинг улкан армияси Европанинг ичкари ҳудудларига ҳужумлар уюштирди. Франклар, тюринглар, бургундлар бўйсундирилди. 451 йили Аттила бошчилигидаги армия Галлияга² кириб келди. Гушларга қарши турган Рим армиясига Азций бошчилик қилди. У бир пайтлар гушлар қўлида гаровда бўлиб, Рутила ва унинг жияши Аттила билан дўстлашган, уларнинг тили ва жанг қилиш тактикасини яхши ўрганган эди³. Иккала армиянинг тўқнашуви 451 йили Шампанининг Каталаун кенгликларида, Марна дарёси бўйида юз берди. Бу жанг тарихга «Халқлар жанги» номи билан кирган. Рим ва гот тарихчилари қолдирган маълумотларга кўра, гўё жангда гунналар мағлуб қилиниб, улар армияси тор-мор этилган. Аммо бошқа бир қатор олимларнинг фикрига кўра, бу жангда ҳеч ким юлиб бўлмаган, кўплаб қўшинидан айрилган иккала армия ҳам жанг қилиш қобилиятини йўқотган. Бу «мағлубиятга қарамасдан Аттила қўшинлари кейинги йили Апешин яримролига юришни давом эттирди. Бу юриш қўшинда тарқалган эпидемия сабабли тўхтаб қолди ва Аттила сулҳ тузишга рози бўлди. Рим папаси Лев I бошчилигида элчилар Аттила қароргоҳига келиб (волиб томон сулҳ сўраб мағлуб томон қароргоҳига келади), жуда катта пул ва ҳар йили тўланадиган ўлсон ваъда қилганидан сўнг сулҳ тузилди ва Аттила қўшинлари Паннония (Венгрия) га қайтиб кетди.

¹ Улар Рим ва Византия тарихчиларининг асарларида шундай номлар билан аталган; аслида уларнинг туркийча номлари қандай бўлганини билмайлик.

² Мил. авв. II асрдан биналаб ҳозирги Франция ҳудуди Рим империяси томонидан забт этилган. Римликлар бу ерда яшайдиган кельтларни галлар, ҳудудни эса Галлия деб аташган.

³ Қаранг: Шамбаров В.Е. Великие империи Древней Руси/Полерий Шамбаров. — М.: Алгоритм, 2012. — С. 237.

Азций Каталаун жангида текинган гушларни таъқиб қилиб, вужудга келган имкониятдан охиригача фойдаланмаган. Рим тарихчиси Йордан бу билан Азций готларнинг кучайиб кетишига йўл қўйишни истамаган, деб ёзади. Аммо айрим тарихчилар бунинг бошқа, Азцийнинг Аггалага муносабати билан боғлиқ шахсий сабаби ҳам бўлиши мумкин деб ҳисоблашади.

Бундан бир ярим минг йил олдин Каталаун кенгликларида аслида Европанинг тақдири ҳал қилинган эди. Ким билсин, агар Рим мағлуб бўлганда Европа тарихи ҳам, ундаги туркий халқлар тақдири ҳам бутунлай бошқача кечган бўлармиди?

Шунга қарамасдан, Рим империяси ўрнига ипсоният тарихидаги энг забардаст саркардалардан бири Аттила бошчилигидаги Гушлар империяси келди ва шу сабабли уни халқларнинг Буюк Кўчип даври империяси деб аташ мумкин. Рим ва Гуш империялари ипсоният тарихидаги энг буюк ўнга империя қаторига киради ва шундай империялар мавжуд бўлганлигининг ўзи бутун ҳам кишиларни хайратта солади⁴.

452 йили ўзининг қолган қўшинлари билан Аттила Италиянинг Венеция провинциясига бостириб кирди. У пайтлар бу провинция 50 та шаҳарлардан иборат бўлиб, улар ичида йярити, Адриатика қирғоқларидаги энг катта шаҳар Аквилея эди. Гушлар босқинидан қочган шаҳар аҳолиси денгиз кўрфазидидаги оролчаларга ўрнаниб олди. Улар сувда ҳаёт кечиришни ва сув устига уйлар қуришни ўрганишди. Шу тариқа тўлиқ сувда жойлашган мапихур Венеция шаҳри, кейинчалик эса ўз савдогарлари билан тапилган қудратли Венеция савдо республикаси вужудга келди.

453 йили Аттила Бургундия маликаси Ильдикога уйланди ва никоҳ кечаси тўсатдан вафот этди. Тахмин қилишларича, у заҳарланган бўлиши мумкин. Аттиланинг ўлими Ғарбий Рим империясининг ҳам ҳалокати эди. Зеро, гушлар йўлбошчисининг ўлими давлатнинг бирлигини сақлаб қолишга умидсиз ҳаракат қилаётган Рим империясига берилган охириги зарба бўлди. Энди Галлия ўз омадини сингаб кўришга тайёр эди. Аттиланинг Константинополни забт этишдан воз кечиши эса бу империянинг ҳалокатини орта суриб, ушга яна минг йил яшаш имкониятини берди. Иккала ҳолатда ҳам Аттила жаҳон тарихига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди.

⁴ Қаранг: Великое переселение народов. Второй этап — гуннский. Ше:///C:/Users/USER/Desktop/Қадамга%20цивилизациялар/Великое%20переселение%20народов.%20Второй%20этап%20

Аммо Аттиланинг ўлиmidан сўнг Гуннлар империясида тахт учун кураш, ўзаро можаролар бошланиб кетди. Гуннларнинг ўзаро жанжалидан фойдаланган бир қатор забт этилаган халқлар ҳам бош кўтарди. Аттила фарзадларининг (улар ичида энг таниқлилари Эллак, Денгизик ва Ирник эди) 450 ва 460 йилларда империяни тиклаш учун қилган ҳаракатлари ижобий натижага олиб келмади. Айниқса, ўзаро урушларда Аттиланинг катта ўғли ва вориси Эллак, 463 йили готлар билан бўлган урушда Денгизик халқ бўлгандан сўнг империя узил-кесил тарқалиб кетди. Гуннларнинг бир қисми аста-секин Днепр қирғоқларига қайтди ва шаклланаётган янги этнослар таркибига сингиб кетди.



Аттила даврида Гуннлар империяси.

Аммо гуннлар номи бутунлай ўчиб кетмади, улар бошқа туркий этнослар билан қўшилиб, кўплаб янги туркий халқларнинг этногенезида фаол иштирок этди.

Шундай халқлардан бири бўлган қадимги турклар VI – VII асрларда Осиёда катта империяга асос солиб, уни ўз халқининг номи билан Турк эли (Буюк Турк хоқонлиги) деб атади. Буюк Турк хоқонлиги Хунн империясининг бевосита вориси эмасди, аммо у ўзининг даълат ва ижтимоий тузумига кўра турк давлатчилиги анъаналарининг бевосита давомчиси бўлди.

Кўпчилик тадқиқотчилар томонидан ишончли манба деб қараладиган Хитойнинг Суй сулоласи солномаси «Вей-шу»да ёзилишича, милоддан бир неча аср илгари турклар Хуанхэ дарёсининг шимолида истиқомат қилишган. Улар Шарқий Ганьсуда кўчиб юрган бир қанча этник элементларнинг аралашувидан ҳосил бўлган. Шимолий хуннлар мағлубиятга учрагандан сўнг турклар хитойлар ҳужуми натижасида тўлик қирилиб кетиш даражасига келиб қолган, қорларда яшири-

ниб юришга мажбур бўлган эди. Турклар фақат ўзларининг жасурлиги ва қайсарлиги туфайли яшаб қолишга эришдилар, бопқа кўплаб халқлар сингари хитой суперэтноси таркибига сингиб кетмади. Бир неча авлод ўтгандан кейин, 439 йили тирик қолган турклар йўлбоғчиси Ашина ўзининг 500 оиладан¹ иборат қабиладошлариши бошлаб Жанубий хуннлар давлатига, Муганхон кўл остига келди. Аммо шу йили хуннлар Хитой билан бўлган жангда мағлубиятга учради, Муганхон эса асир олиниб, қата қилинди. Тирик қолган хуннлар Гоби тўлидан ўтиб, Олтой тоғининг этакларига қолдилар. Ашина ҳам ўз қавми билан Олтойга келиши мажбур бўлди².

Хитой манбаларида уларни «ту-кю» деб аташади. Хитой-иғнослар бу сўзни «туркюот» деб таржима қилишган. «Турк» хитой тилида кучли деган маънони аниқлатади, «юот» — кўплик кўшимчаси, фақат мўтул тилида. Хитой тилида «р» товуши бўлмаганлиги сабабли улар бу сўзни «ту-кю» шаклида талаффуз қилганлар. «Ашина» сўзи ҳам туркча эмас, мўтулчадан келиб чиққан бўлиб («поно», «чоно» — бўри), туркча «бўри» дегани. «А» кўшимчаси эса хитой тилида ҳурмат маъносига кўлланилади. Шу тариқа «Ашина» — «олийжашоб, ҳурматли бўри» маъносини билдиради. Кўпинча адабиётларда кўлланиладиган туркюот атамаси ҳам асли хитойча «ту+кю», мўтулча «турк+ут» шаклида бўлиб, туркийча «турклар» деган маънони билдиради³.

Бошқа бир афсонага кўра, «турк» сўзи Олтой тоғининг энг қадимги номидан келиб чиққан⁴.

Хитой солномалари фақат тарихий воқеалар ҳақида эмас, туркларнинг афсоналарини ҳам сақлаб қолган. Шу афсоналардан бири тарзда ваҳший душман томонидан хуннларнинг кириб ташлашганига ҳақида ҳикоя қилади. Бутун халқдан фақат ўн ёшли бола тирик қолади. Уни ҳам оёқ ва кўларини кесиб, қаминшор кўлига ташлайдилар (баъзи олимлар бу кўл Болотон бўлиши мумкин деб ҳисоблайдилар, шу кўл ёшида Аттила кўшинлари мағлубиятга учраган). Болани урвочи бўри топиб, боқиб олади ва орадан бир неча йил ўтиб бўри ун-

¹ 500 рақам эниқ сон бўлмасдан, хитойларда сунча кўп эмас деган маънони аниқлатади.

² Қаранг: Фойзрахманов Г. Древние турки в Сибири и Центральной Азии. <http://padalium.com/d.php?id=9651>. — С. 87.

³ Қаранг: Гумилев Л.Н. Три исчезнувших народа http://www.lib.msu.ru/biblioteka_gumilev/137426.html.

⁴ Қаранг: Рахмонов Н. Турк хоқонлиги. — Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993. 12-бет.

дап ҳомяладор бўлади. Боланинг тирик қолганилигини эпиттан душманлар уни топиб ўлдирадидлар. Бўри эса Олтой томошларга қочиб кетиб, қорларда яшириниб юради ва ўнта ўтил туради. Кейинчалик шу ўнта ўтил туркларнинг ўпта уруғига асос солади. Бўрининг набираларидан бири Ашина номини олади.

Ашинанинг қабиладоллари ўз уруғини «турк» деб атади. Турклар IV—VI аср бошларда жужанларга¹ қарам бўлиб, Олтой ёнбаирларида ҳаёт кечиритган. Темир эритиш ва ундан қуроолар ясаш туркларнинг асосий фаолияти бўлган. Жужанлар армиясини қуроолантириш ҳам уларга турклар ўлшон тарзида откаиб берадиган темир қурооларга тўлиқ бораик эди.

Бу пайтда туркларнинг этник ошги ҳам ўсиб борди. Ашина ҳақидаги ривоятни ҳар бир турк болаеси билади ва бўриши ўзининг аждоди деб ҳисоблайди. Туркларнинг байровида бўрининг олтиранг боши ҳилпираб туради. Шу тариқа қадимги турк этноси тикланди. Хитой йилномаларида ёзилишича, туркий тил милоддан 25 аср илгари ҳам маълум бўлган².

534 йили Ашина уруғиниш ва барча туркларнинг йўлбошиси Бумин бўлиб, у «Буюк ябғу» унвоини олади. Турклар 50 миш оилалик ўзиларни ўзларига бўйсундириб, улар билан биргаликда жушанлар ҳукмронлигига қарши кураш ботлади. Турклар ва ўзилар қудратли кучга айлашиб, жуда катта ҳудудни эгаллаб олдидлар.

545 йили туркларни руҳлантириб юборган яна бир воқеа юз берди. Бумин ябғу қароргоҳига Хитойнинг Жанубий Вэй давлатидан элчилар келди. Бу Турклар давлатиниш халқаро миқёсда таш оланиши эди. Хитой солномачисининг ёзишчига, бу воқеа турклар томонидан жуда юқори баҳоланган, уларда ватаншарварлик туйғусини жўш урдирган.

552 йили Бумин туркларнинг асрий душманлари бўлган жушанларга қарши уруш бошлади ва жужанлар қўшинини тор-мор келтирди. Жужанлар қарбга, Қора денгиз бўйлариш ва Қаршаг тоғлари орқали Венгрияга қочди. Бу ерда уларни аварлар деб атадилар. Қадимги Хунг хоқонлигига қарашли деярли барча ерлар Турк хоқонлиги таркибига кирди (552—630 йиллар Биринчи Турк хоқонлиги даври деб юритилади). Буминнинг ўлимидан

¹ Жужанлар ягона илдишга эга бўлган халқ эмас. Улар туран жинишчи ва қочқинчи тўдалар аилди бўлган. Чингиз Айтматов ўзининг «Асрга титиғулик кун» номли романида ёзганидек, ўз тарихи ва холирасини унутган манқурлар — жужанлар эди.

² Қаранг: Файзрахманов Г. Древние турки в Сибири и Центральной Азии. <http://padahum.com/d.php?id=8651>. — С. 90.

сўш Иссиқ хоқон озгина тахтада ўтириб, унинг ўрнига Муқан хоқон келди. У бир қанча мўғул қабилаларини бўйсундириб, 555 йили Сарик денгизга, унинг укаси Истами хоқон эса Еттисой, Қозонистон ва Хоразмини забт этиб, Орол денгизига чикди. Ўрта Осиёда турклар ўн беш йил «ушланиб» қолди. Бир пайтлар сармат қабилалариниш босқинчилик тўлқинлари билан дунёни титреган қудратли ва жангари Суғдиёна ўз қудрати ва жангиварлигини йўқотиб, вазмин бўлиб қолган эди. Энди Суғдиёнани «қувноқ» ўлка деб аташарди ва у ўзининг Самарқанд ва Бухоро каби йирик савдо шаҳарлари, мўл-кўл бозорлари, ҳунармандчилик марказлари билан мапҳур эди. Суғдиёна илгаритидек атрофта ёлланча қўшин эмас, қуроолсозлик ва мяскарлик маҳсулотлари, ажойиб тиламлар ва нафис матолар откаиб берарди. Суғд савдогарлари Хитойдан Византия ва Сурияга ўтадиган ипак савдосини ўз қўлларида ушлаб тургашлари учун афсонавий бой эдилар. Ипакдан тўқилган шойи фақат ундан чиройли кийим тикилиши ва экзотик келиб чиқиши учунгина жуда қиммат турмасди. Ундан тикилган кийим битдан сақланишининг ягона йўли бўлганлиги учун ҳам қадрланарди.

Турк хоқонлиги билан Суғдиёна ўртасидаги муносабатлар, бу ўлка хоқонлик томонидан забт этилгандан сўнг ҳам табиий равишда, аввалгидай давом этди. Марказий Осиёдаги бир қанча халқлар учун умумий муомала воситаси бўлган суғд тили Биринчи Турк хоқонлигида ҳам расмий давлат тили сифатида қабул қилинган бўлса да, суғдларнинг туркларга таъсири унча кучли эмасди. Бумин ва Истами хоқонлариниш келиб чиқиши ҳақидаги ривоятда бўришини ўзилари бўлган илк турк йиғитлариниш турфошьяк суғд қизларига уйланганлиги ҳақида айтилади¹. Бу ривоят икки халқ ўртасидаги муносабатлариниш жуда чуқур, афсоналар замонига бориб тақалишидан, уларнинг аралашиб кетганлигидан далилат беради.

VI асриниш 60-йилларида турклар Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон, Шарқий Туркистоннинг бир қисмини эгаллаган Эфталитлар (оқ гуянлар) давлатини забт этди. VI аср охириги чоратида Шимолий Хитойнинг Чжоу ва Ци давлатлари ҳам туркларга қарам бўлиб қолди. Буюк Турк хоқонлиги (энди давлат шундай атала ботланди) Византия билан иттифоқда Буюк ипак йўли устидан ҳукмронлик қилиш учун Эронга қарши уруш бошлади. 571 йили туркларнинг Эронга ҳужумидан сўнг Амударё икки давлат ўртасидаги чегара қилиб белгилади. 576 йили турклар

¹ Қаранг: Раҳманалшев Р. Империя тюрков. Великая цивилизация. <http://www.ru/taoaks/impctiya-tyurkov/>—Vol... — С. 15.

Бокфорти эгаллади, 581 йили эса Херсонести қамал қилдилар. Хоқонлик жуда катта ҳарбий ва иқтисодий қудратга эришди.

Хуннлар давлати сингари Буюк Турк хоқонлиги ҳам жуда катта ҳудудни қамраб олди. Турклар ҳокимияти Хуннлар давлати таркибига кирган Ордос, Мўғулистон, Байкалбўйи, Тува, Олтой, Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиёдан тапқари Шарқий Европанинг қатор ҳудудларига ҳам ёйиди.

Улар, юқорида айтилганидек, оғда юриш техникасини мукамаллаштириб, қаттиқ эгар ва узангини кашф эдилар. Шу билан биз ҳозир билган от анжомларини такомиллаштириш жараёни якуллади. Бу аслда ўз даври учун жуда катта ишқилобни ҳодиса бўлиб, транспорт воситалари ва ҳарбий ит ривожини янги босқичга олиб чиқди. Ҳарбий қуроол ҳам такомиллаштирилди: турклар ҳали хуннлар даврида кашф қилинган мураккаб таркибли камондан кенг фойдалани бошладилар, тўғри оғир қилит ўрнини отлик жанги учун қулай бўлган эгик шамшир эгаллади. Туркларнинг яна бир катфияти, аравага ўрнатилган ва китиз билан ўралган ўтов қўшишининг ҳаракатчанлигини кескин оширди.

VI асрнинг 60-йилларидан Буюк Турк хоқонлиги ўша даврнинг энг кучли давлатлари – Хитой, Эрон ва Византия ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқалар тизимига қўшилди, буюк давлатлар қаторидан жой олди.

Муқан хоқон ўрнига келган Тобго хон 578 йили Хитойга бос-тириб кириб, унинг армиясини тор-мор қилди. 580 йили турклар ўз қудратининг энг чўққисига кўтарилди. 581 йили Тобго хон вафот эди. Шу йили Буюк Турк хоқонлигининг аҳволини ёмонлаштирган яна бир воқоа юз берди. Туркларнинг ападдий душмани генерал Ян Цзянь давлат тўнтариши ўтказиб, Хитойнинг Чжоу сулоласини аудариб ташлади ва Суй сулоласига асос солди. Сиёсий ҳолат ўзгарди – Суй сулоласи императорлари туркларга қарши жангари сиёсатни кучайтирдилар.

70–80-йиллари хоқонлик Хитойга, Эронга ва Византияга қарши урушлар олиб борди. Ўзининг зирҳли отлик қўшинидан фойдаланган турклар бу урушларнинг деярли барчасида ғалаба қозонди. Аммо доимий олиб бориладиган урушлар иқтисодни издан чиқарди, халқни қашшоқлаштирди, давлатнинг силасини қуритди ва унинг ҳалокатини яқинлаштирди.

587 йили Суй сулоласи Жанубий Хитойни ҳам бўйсундирди. Энди Хитой Буюк Турк хоқонлигидан кучлироқ давлатга айланди. Хитойнинг хоқонлик ички ишларига аралашуви ҳам турклар давлатида сиёсий аҳволни ёмонлаштирди. Хитойликларнинг сатий-

ҳаракатлари туфайли турк бекарининг илгариги ватанпарварлик ҳуйбулари ўрнини мол-мулкка ташналик ва аста-секин хонлик ҳисси эгаллади. Турк урушлари ўртасида ҳокимият учун кураш кучайди. Шоболно хоқон (588–600) ўзини қарам деб билиб, ўлпон тўлапта рози бўлди. 588 йили у Хитойга ўз ўлимини гаровга ва у билан ўлпон тарзида 10000 от, 20000 қўй, 500 туя ва буқалар юборди¹.

Урушлар, зодагонларнинг бойлик ортидан қувити халқни қашшоқлаштирди, бу 581 йили Буюк Турк хоқонлигининг бир-бирига душман ятқи давлатга – Шарқий ва Ғарбий Турк хоқонлиқларига бўлиниб кетилишига олиб келди. Шарқий хоқонлик Олтойдан Буюк Хитой деворигача бўлган ерларни эгаллади. Унинг хоқонлари Хитойга қарши халқни бирлаштиришга эришдилар ва яна ярим аср бу хоқонлик гуллаб-яшнади.

Ғарбий хоқонлик Олтойдан Қримгача бўлган ерларни эгаллади. Аввалги унитар давлат – Турк эли ўрнига ўнта қабилаларнинг конфедерацияси вужудга келиб, бу ҳол Ашина уруғининг қудрати ва эътиборини сусайтирди.

Ғарбий Турк хоқони давлатнинг аввалги мустақиллигини тиклашга уриниб, шу мақсадда 593 йили хоқонликнинг иккала қисмини бирлаштирди ва улар ўртасида тинчлик муносабатлари ўрнатди. 630 йили хитойликлар телес қабилалари ёрдамида Шарқий Турк хоқонлигини тор-мор қилди ва хоқонлик 50 йил мобайнида Хитойга қарам бўлиб қолди.

659 йили Ғарбий Турк хоқонлиги ҳам хитойликлар томонидан вайрон қилинди. 630–680 йиллар иккала турк хоқонлиги учун ҳам оғир кечди. Бу даврда улар Хитойнинг Тан сулоласига хизмат қилишга мажбур бўлди. Бу элик йил мобайнида Хитой турклар учун помонатина «хон»² унвонини сақлаб

¹ Қаранг: Бичурин Н.Я. [Иакинф]. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т.1. <http://www.iairp.com/file/267548> – С. 267.

² Н. Раҳмоннинг ёзишича, туркларда давлат бошлари хон бўлиб, ундан кейин ябуу турган, бу лавозимга асосан хон уруғидан сайланган. Азимо ябуу тахтга меросхўр бўла олмаган. Тахт меросхўри «тегин» деб аталаган. Шад унвони қондош ва бирор бекалик ёки вилоятга ҳокимлик қилган шахсга берилган. Қаранг: Н. Раҳмон Турк хоқонлиги. – Т.: А.Қодирий номдаги халқ мероси наприёти. 1993. 49-бет. Ғ.Бобоевнинг ёзишича XX асрнинг 90-йилларида ташланган бахтирийча ёзувларда хоқон, элгабар, тудун, торхон, бек каби хонлик бопқарувига қос ўлаб унвон ва эпитетлар учрайди. Қаранг: Ғ.Бобоев. Бахтирийча ҳужжатларда Турк хоқонлиги тарихининг кашф этилган янги саҳифалари. // Жамият ва бопқарув. 2013 йил 3-сон. 88–91-бетлар. Бу ҳол Турк хоқонлигида мажбур бўлган унвон ва лавозимлар тизимини қайта кўриб чиқишни тоқоло элади.

қолди, аммо мустақиллик йўқ эди. Бу фожиали воқеалар ҳақида Култегин битикларида қуйидагича ёзилган: «Беклари, халқи инсофсиз бўлгани учун, табғач¹ халқи ҳийлакор бўлгани учун, тоймас бўлгани учун, фирибгари бор учун, оға ва ишани бир-бирига қайрагани учун, беки, халқни бир-бирига чаққани учун турк халқи ушлаб турган давлатини қўлдан чиқариб юборган, хоқонлик қилиб турган хоқонини йўқатиб юборган. Табғач халқига бек бўладиган ўғил боласи кул бўлди, сулув қиз боласи чўри бўлди. Турк беклари туркча ошани ташлаб, табғач бекларининг табғачча ошани қабул қилиб, табғач хонига қарам бўлди. Эзлик йил меҳнатини, кучини берди»².

Биринчи Турк хоқонлиги тарқаб кетгандан сўнг Шарқий Европада ҳали гуниллар давридан бери маълум бўлган туркий халқлардан бири хазарлар ўз давлатини — Хазар хоқонлигини туздилар. Бу давлат 650—969 йиллари мавжуд бўлиб, Кавказ, Волгабўйи, Қозоғистон, Азовбўйи ва Қримни эгаллаган эди. Хазарларда хоқон ва ҳукмрон элита Ашина уруғидан бўлиб, улар орасида яҳудо дини кенг тарқалди. Хазарларнинг Византия билан муносабатлари яхши бўлишига ва у ердан христианлик дини кибриб келишига қарамасдан, IX асрда иудаизм Хазар хоқонлигида давлат дини бўлиб қолди. Кейин Византиянинг кўтманчиларни хазарларга қарши гўлгўлжлаши оқибатида хоқонлик кучсизланиб борди ва X асрда бутунлай тарқалиб кетди.

Айни пайтда Шарқий хуниларнинг ватанпарвар қисми Хитой зулмидан озод бўлиш учун тўхтовсиз ҳаракат қилди. 679—681 йиллардаги қўзғолонга хоқонларнинг Ашина уруғидан бўлган Қутлау чор исмаи кичи бошчилик қилиб, қўзғолонда турклар юлиб чиқди. Қутлау чор Элтерип хон номини олди ва бу билан турклар империяси яна тикланталигини эълон қилди. 681—745 йиллар Иккинчи Турк хоқонлиги даври деб аталади.

Турклар озодлиги учун Тўшоқуқ ҳам катта хизмат қилди. Тўшоқуқ Хитойда тарбияланиш, яхши билим олган ва қандайдир гуноҳи учун у ерда қамокда ҳукм қилишган бўлиб, озодликка чиққач туркларнинг хитойликларга қарши курашига бошчилик қилган. У доно киши бўлганлиги учун Элтерипга маслаҳатчи бўлди. Бизгача етиб келган Тўшоқуқ битиклари ўз даврининг йирик сиёсий ҳужжати, хонлик йўлини тунган турк зодагонларига қарши муҳолифатчилар декларацияси эди.

¹ Турклар эски одағи кўра Тань империясини Табғач, хитойликларни эса табғачлар деб аташган.

² Қаранг: Н. Рақмон. Турк хоқонлиги. — Т.: А.Қодирий номидати халқ мероси нашрийти. 1993. 53—54-бетлар.

681 йили Иккинчи Турк хоқонлиги тарихи бошланади. 681 йилдан 745 йилгача Буюк Даштда яна турклар ҳукмронлик қилдилар. 691 йили Элтерип вафот этиб, турклар одағи кўра укаси Қапаған хон тахтга ўтирди. Унинг даврида (691—716) Шарқий Турк хоқонлиги қисқа муддатга ўз чегараларини Маньчжуриядан Сирдарёгача кенгайтирди. Аммо 712—713 йиллардаги юришда турклар араблардан малубиятга учради. Шарқий Турк хоқонлигининг кейинги тарихи Урхун-Енисей ёдгорликларида батафсил ёзилган.

Турклардаги мавжуд қондага кўра Қапаған хондан кейин тахтга Қутлау Элтерипнинг ўғиллари Мўғулиён ва Култегин келиши лозим эди. Аммо Қапаған ўзи тирик пайтида ўғли Букуши «кичик хон» деб эълон қилди ва бу ҳаракати билан тахт ворислиги тўғрисидаги қадимги турк одағини бузди. Кейинги воқеалар унинг қаттиқ адашганлигини кўрсатди.

715 йили бўйсундирилган халқларнинг бош кўтариши пайтисидо хоқонликда оғир шароит вужудга келди. Жасур ва қобилиятли Култегин ўзининг қатъий ҳаракатлари, акаси Мўғулиённинг ёрдами ва Тўшоқуқнинг доно маслаҳатлари билан хоқонликни сақлаб қолди. У Буку кичик хонни қата қилдириб, акаси Мўғулиённи Билга [Доно] хоқон номи билан тахтга ўтказди. 722—741 йиллари Шарқий Турк хоқонлигида тинчлик ҳукм сурди. 727 йили Хитой билан ҳам тинчлик шартномаси тузилиб, унга кўра Хитой ҳар йили юз минг тўд шойи ўлмон тўлайдиган бўлди.

731 йили енгилмас саркарда Култегин вафот этди. 734 йили Билга хоқон захарлаб ўлдирилди. Тахтга Билга хоқоннинг ўғли Йўллик тегиш келиб, у 742 йилгача шарқий хоқонликни бошқарди. Бу даврда тахт учун ўзаро курашлар қизиб кетган эди. Тахтга ўтказилган охириги хон Баймен, ҳатто, турк уруғидан ҳам эмасди. 745 йили Шарқий Турк хоқонлиги уйғурлар томонидан вайрон қилинди.

Шу санани Қадимги Турк цивилизациясининг якуни деб қарап мумкин.

Дин ва диний тизим

Қадимда Буюк Дашт орқали Рим ва Византияш, Эрон ва Ҳиндистонни Хитой билан боғлаган йўллар, бу йўллардан савдо карванлари билан бирга буддавийлик, несторианлик, манихейлик каби динлар ва турли-туман ғоялар ҳам ўтган, албатта, ўз изларини қолдирган. Аммо бу динлар ва ғояларнинг турклар орасида қабул қилиниши жуда мураккаб кетди.

Чунки юқорида айтилганидек, Қадимги Турк цивилизацияси ўзгача, дашт цивилизацияси эди. Туркларнинг ҳаёт тарзи, дунёқараши ва шу дунёқарапнинг асоси бўлган диний тасаввурлари ҳам ўзга цивилизация кишилариникидан фарқ қилади. Билга хоқон буддавийликни қабул қилиб, ибодатхона қурдириш истагини айтганида, доно Тўнқоққ қуйидаги сўзлар билан уни бу йўлдан қайтаради: «Будда ва Лао Цзи одамларни кўпичлашмакка, мўминликка ўргатади. Бундай сабоқлар жангчилар учун маъқул эмас»¹. Бу сўзларда ўзга динларнинг қабул қилиниши фақат туркларнинг жанговар ҳаёт тарзи учун эмас, умуман, Турк цивилизацияси учун ҳам катта хавф эканлиги яққол кўзга ташланади. Зеро шарқда Хитой, шарбда Византия, жанубда Эроннинг буюк цивилизациялари билан бевосита чегарадош бўлган турклар фақат жанговар характери, мустақиллик руҳи ва, албатта, маънавий қудрати туфайлигина ўзлигини сақлаб қолиши мумкин эди.

Қадимги турклар ҳали буддавийлик, христианлик ва исломши қабул қилишларидан олдин ўзларининг анча қадимийроқ динига эга бўлганлар. Бу — космик худо култига, Яратувчига ишонч руҳига асосланган дин. Фанда бу дин «тантрийлик» номини олган. Буюк Даштда яшовчи барча халқлар учун характерли бўлган Тангри ҳақидаги дастлабки тасаввурлар мил. авв. V — IV минг йилликларга бориб тақалади². Тангри термини «осмон», оламнинг кўриниб турган қисми, «худо», «маъбуд», «ҳукмдор» каби маъноларни ашлатади³. Қозоқ тадқиқотчиси Н.Аюповнинг таъкидлашича, «очиқ дунёқарап» сифатидаги тантрийликни яхшироқ тушушиш учун, аввало, «Тангри» сўзининг этимологиясига эътибор қаратмоқ лозим. Тангри сўзи қадимги турк ёзма манбаларида ва Маҳмуд Кошварийнинг «Девону лувотит турк» асарида «Тягри» шаклида ёзилган. Бу сўз икки илдиздан ташкил тошган: «Тэн» — «Осмон», «Ри» — «Одам». Қадимги турк ва хун тилларида «тан» — тонг, кўепнинг чиқishi, бутун оламнинг ёришиб кетишини, «ри» эса — «одам» деган маънони ашлатади. Ҳозирги замон турк тилларида «эр» («ер», «яри») эркак маъносини ашлатади. Шунга асосланган маънавий хулоса «Тангри» сўзи маъносининг

¹ Қаранг: Рехминьянцев Р. Империя тюрков. Великая цивилизация. http://www.ru/books/Imperiya_tjurkov_Vel... — С. 19.

² Қаранг: Файзрахманов Г. Древние тюрки в Сибири и Центральной Азии. <http://padabum.com/d.php?id=9651> — С. 68 — 69.

³ Қаранг: Древнетюркский словарь. — Л., 1969.

бир неча вариантилариши бериши мумкин. Биринчидан, Тангри ҳамма нарсанинг ибтидоси. Инсон-Осмон ёки Самовий Одам — Борлиқнинг Ибтидоси. Иккинчидан, ҳамма нарсага ҳаёт бахш этувчи борлиқ, ҳаётгий ибтидо, бу — Ҳаётнинг ўзи. Шу тариқа Н.Аюповнинг фикрича, Тангри тушунчаси мутлақо оддий Осмон эмас, бу шунчаки Самовий Худо ҳам, оддий Яратувчи — Худо ҳам эмас. Тангри — бу аслида Ибтидо, бу анланмайдиған ва идрок қилиб бўлмайдиган Абсолют Ҳақиқат, Абсолют Рух, уни оддий рационал усул билан билиб бўлмайди¹.

Шунга қарамасдан, кўпчилик олимларнинг фикрича, бу сўзнинг ҳақиқий этимологияси ҳозиргача номаълум бўлиб қолмоқда. Қадимги турклар ўз динини қандай атаганигини аниқ ҳеч ким биламайди. XIX асрда олтой-саян халқларида ҳали бу дин сақлашиб қолган бўлиб, улар оддий қилиб «янг», «анг» («идрок», «онг») деб аташган.

Пайғамбарлар ва уларнинг издошлари томонидан яратилган семит динларидан² фарқли равишда тантрийлик инсоннинг табиатга ва унинг стихияли кучларига муносабати билан боғлиқ илк диний ва мифологик тасаввурларни ўзида мужассамлаштирган халқ дунёқараши асосида, табиий равишда, тарихий йўл билан пайдо бўлган. Тантрийликда пайғамбарларнинг умуман мавжуд эмаслиги ҳам боғиз эмас.

Инсоннинг уни ўраб турган олам, табиат билан яқин алоқаси бу диннинг ўзига хос характери томони ҳисобланади. Тантрийлик табиат кучларини илоҳийлаштириш ва аجدодлар руҳини ҳурмат қилиш асосида пайдо бўлган. Аммо турклар айрим қадимги халқлар сингари табиатнинг даҳшатли кучларидан қўрққани учун эмас, ундан мамнулиги туфайли уни илоҳийлаштирган, зеро табиат кўкқисдан пайдо бўладиган даҳшатли ғазабига қарамасдан, кўпчилик ҳолларда сахий ва меҳрибон ҳам бўлади. Қадимги турклар табиатта жонли мавжудод сифатида қарашни билганлар. Айнан тантрийлик дини бепойён даштда яшовчи туркларга табиат руҳини ҳис қилиш, ўзини унинг бир қисми сифатида анлаш, у билан уйғунликда

Қаранг: Абаев Н.В. Тантризмство как религия и философия древних тюрко-монголь Внутренней Азии. <http://www.turkologiya.ru/archives/1091> — С. 7.

² Яхудо, христианлик ва ислом динларининг барчасида (Алрия) Иброҳим пайғамбар тан олинити сабаблан кўпчилик олимлар бу динларни умумий ном билан «Иброҳим динлари» ёки бу динларни яратган халқларнинг динийстик жиҳатдан семит тиллар оиласига мансублигини инобатта олиб, «семит динлари» деган умумий ном билан аташади.

япан, унинг маромига бўйсуниб, ранго-ранг бўёқларидан роҳатланиш ва чексиз гўзаллигига ошно бўлиш илмини берди.

Тангрини баъзан хунлардаги Ченли, хитойлардаги Тянь, нумерлардаги Денгир билан тенглаштирадilar. Уларнинг барчаси осмон деган маънони ашлатган. Тангриликнинг моҳиятини англаш бўйича тўлиқ ягона қараш тадқиқотчилар орасида ҳали шаклланмаган. Бир қисм олимлар тангрилик таълимоти онтология (ягона худо ҳақидаги таълимот), космология (утта олам ва уларнинг ўзаро мулоқоти тўғрисида таълимот), мифология ва демонология (аждоғлар руҳини табиат руҳларидан ажратиш) билан бирга, XII—XIII асрларда яқунланган концепция шаклини олди, деган хулосага келганлар. Айни пайтда қадимги қўлёзмалардан бирида айтилишича, туркийлар 165 йилда тўлиқ шакланган динга эга бўлганлар¹. Айрим олимларнинг таъкидлашича, бу дин кутнолар шоҳи Канишка (Хон Эрка) томонидан васият қилинган шимолий буддавийликнинг мустақил ривожланиш йўлига эга йўналиши бўлиб, тангрилик дини сифатида шаклланган².

Барча мутахассис олимлар қадимги турк динини «монотеистик дин» дея тан олганлар, ammo на мусулмонлар, на христианлар ўз дини билан тангрилик ўртасида бироқ бир ўхшашликни кўрмайди. Тангрилик буддавийлик, ислом ва христианликдан шунчалар фарқ қиладики, улар ўртасида руҳий яқинлик бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблашади. Тангрилик билан кўплаб умумийликларга эга бўлган ягона дин — яшонарнинг миллий дини — синтоизм.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, тангрилик — ўз теологик доктринасининг ёзма баёнига эга бўлмаган дин. Ўта оддий ва кам сонли муқаддас қондаларнинг барчаси фақат овзак шаклга ва кузатишга асосланган эди. Маросимларнинг оддийлиги ва таълимотнинг аниқлиги туфайли тангрилик бир неча миш йил ёзма қондаларсиз мавжуд бўла олади ва диний маросимлар ва тажрибанинг барқарорлигини сақлаб қолди. Айни пайтда бошқа бир қатор олимлар тангриликнинг асосий қонунлари — урф-одатлар, маросимлар ва қондалар ёзилган муқаддас китоби — «Пластир» (турк тилида — эҳром тожи) мавжудлиги ҳақида таъкидлашмоқдалар³.

Тангрига сизиниб — бу Кўк Осмонга сизиниб, у ерда Яратувчи Тангрининг абадий уйи жойлашган. Тангри мурувватли, ҳамма нарсани билувчи, қонот миқёсидаги ягона худо сифатида тасаввур қилинади. У инсон, халқлар ва давлатлар тақдирини ҳал қилади. У — оламни яратувчи, унинг ўзи шу Олам. Қонотдаги ҳамма мавжудод, жумладан, руҳлар ва, албатта, инсон ҳам унинг измида⁴.

Туркларнинг олам ҳақидаги қонотидан уларнинг анъанавий дунёқараши келиб чиқади. Зотан ҳар бир халқнинг маданияти — бу фақат унинг моддий турмуш тарзи, фольклор қўшиқлари ва рақсларининг эмас, бу яна Оламнинг, инсоннинг ва бутун тирик мавжудотнинг келиб чиқиши ҳақидаги мифларни ўз ичига олган анъанавий ва маънавий дунёқараши, бу ҳаёт ва ўлимни англаш, инсон, макон ва замон қонотидан, аждоғлар ҳақидаги ҳикоялар, ўтмишда шу халқлар ва қабилаларда мавжуд бўлган анъаналар, маросимлар ва урф-одатлар ҳамдир. Туркларнинг анъанавий дунёқараши ҳаётнинг маъноси агроф-муҳитни бириктириш ва унда инсоннинг ўрнини англашда деб билган. Ижтимоий онгини бутун қудрати инсоннинг бу дунёдаги ўрнини инсон ва олам ўртасидаги фарқда асосланиб эмас, ўхшашликлар орқали аниқлашга қаратишган.

Туркларнинг космологияга оид тасаввурларини олимлар сақлашиб қолган кам сонли матнлар орқали тиклашга ҳаракат қилганлар. Бу матнлар дунёнинг тузилишига олиб келган воқеалар, яъни ибтидоий хаосдан космик тизим пайдо бўлганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Қадимги туркларда ҳам нумерлар ва қадимги мисрликлардаги каби олам йўқдан бор бўлмайди, балки у тартибга солинган хаоснинг маҳсули сифатида қаралади. Оламнинг яратилиши — ибтидоий номатълум бўлган ҳайратли ва сеҳрли давр. Шу сабаб Оламнинг пайдо бўлиши замон (вақт) ва маконнинг яратилиши сифатида қаралади ва бу яратиш ибтидоларнинг чексиз қаторидан иборат бўлади. Шу маънода оламнинг интиҳоси, охирамони ҳам йўқ деб қаралади. Бу жуда муҳим фарқ, чунки барча жаҳон динларининг характери жиҳатларидан бири, уларда охирамони ҳақидаги қонотнинг мавжудлигидир.

Шунингдек, жаҳон динлари тарғиб қилган ердаги ҳаётнинг аҳамиятсизлиги, вақтинчалиги, инсоннинг бу дунёда меҳмон, бор-

¹ Қаранг: Реалия мира. Энциклопедия. — М., 1996. — Т. 6. — 1.1. — С. 214.

² Қаранг: Аджи М. Аштанская. Енрон/Мурад Аджи. — М.: АСТ: АСТ Москва, 2008. — С. 29.

³ Қаранг: Реалия мира. Энциклопедия. — М., 1996. — Т. 6. — 4.1. — С. 214.

⁴ Қаранг: Мифы народов мира. Энциклопедия: в 2-х т. // Гл. ред. С.А. Токарев. — М.: НИ Большая Российская энциклопедия, 2000. — Т. 2. — С. 301.

йўни тақдириниш қули океаниги тўғрисидаги роя қадимги туркларнинг дунёқарашига мос келмаганлиги учун уни қабул қилмаган. Жаҳон динлари одамларга бу дунёдаги ҳаёт катта аҳамиятта эга эмас, асосийси итбаткор бўлиш, унсиз бўйсунуш, вақтида ибодат ва тавба қилиш лозим, шунда нариги дунёда, албатта, жаннат насиб қилади, дея тартиб қилади. Дўзахга тушишни истамаган гуноҳкорларга Яратганиш олдида гуноҳларидан фориғ бўлиш имкони берилади: камбағаллар ибодат қилиб, бойлар эса пуллари билан, масалан, муқаддас шаҳарларга зиёрат қилиш ёки хайр-эхсон орқали гуноҳдан фориғ бўлиши мумкин. Ўрта асрларда католик руҳонийлар одамларни пул эвазига гуноҳлардан фориғ қилишга бориб етдилар. Руҳонийлар индугенциялар — гуноҳдан фориғ қилишанлик тўғрисида ёрлик сота бопладилар¹. Бундай мунофиқлик католиклар дунёсини ларзага келтирган Реформация² жараёниниш бошланишига туртки бўлди.

Тангриликда христианлик ва исломдаги гуноҳ тушунчаси мавжуд бўлмаган, инсон мунофиқлик қилишдан қўрққан, зеро мунофиқлик унинг бойлигига, ўзи ва фарзандларининг соғлиғига зиён етказишига, анъаналар ва маросимларни бузганлик учун жазонинг муқаррарлигига турклар тин дилдан ишонганлар. Чунки Ер инсонга фақат ташқи қобикни, жисмини ато қилади. Элибор берган бўлсангиз, қадимги мисрликларда инсоннинг маънавий қисмини унинг руҳи, қалби, исми, сояси ва эш асосийси, таржима қилиб бўлмайдиган, илохий, абадий ҳаёт ибтидоси — *ка* ташкил қилиши ҳақида айтилганди. Қадимги туркларда ҳам олғ ва ирда, тақдир ва эрк, муваффақият ва бахт ҳаммаси йиғилиб «қули» деб аталади, қутга эга бўлиш инсонни ердаги бошқа жониворлардан ажратиб туради. Турилганда ҳар бир инсонга Тангри қут ато қилади ва вафот этганда уни қайтариб олади, инсоннинг қути кўкка, Тангри ҳузурига учиб кетади³. Чақалок дунёга келганда отанаси ва ақиллари «Қутгаи бўлсин!» дея тилак қилишлари одат бўлган. Ёки: «Ухлаётган одамни бехосдан уйғотма, қути учиб кетади», дейишган қадимги турклар.

¹ Қаранг: Бисенбаев Р.Н. Древнетюрское мировоззрение «тенгрианство». <http://www.tatvestera.ru/creation/3id=25>. — С. В4.

² Реформация — XV асрда Германияда пайдо бўлган ва Европанинг кўплай мамлакатларига ёйилган, катolik чиркнини ислоҳ қилиш ташебууси остида ўтган иккинчи ҳаракат.

³ Қаранг: Бисенбаев А. Мифы древних тюрков. http://noqaystan.uz/ru/load/ak_bisenbaev_mify_drevnikh_turkov/1-1-0-3. — С. 6.

Қадимги турклар инсон ўлаганидаш сўш барча жазолардан халос бўлишига, унинг руҳи озодликка эриштишга ишонишган. Инсоннинг нариги дунёдаги хотиржамлиги қариндошларининг марҳумни кўмиш маросимларини ва қурбонликни қаңдай бажо келтиришга боғлиқ деб қаралган. Агар маросимлар ва қурбонлик анъаналарга мос амалга оширилган бўлса, марҳумниш руҳи тинч ором тошиб, қариндошларига ҳомийлик қилган, акс ҳолда, душманга шиланган. Шу сабабли ажлолар руҳига сажда қилган қадимги турклар жаҳон динларидаги каби ўзларини худонинг бандалари эмас, «Осмон фарзандлари» деб атаганлар. Айнан шу ҳол турклар характеридаги мағрурлик, жасурлик, тенглик каби хислатларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатган.

Оламнинг яратилиши ҳақидаги қадимги турклар тасаввури, юқорида айтилганидек, шумерлар ва қадимги мисрликлардаги каби хаоснинг тартибга келтирилиши тарзида қаралади. Бу жараён қадимги турк мифларидан бирида шундай ифодаланган: Дастваб Ер ҳам, Осмон ҳам бўлмаган, фақат ҳаммасидан қудратли, мавж уриб турган Дунё Уммон бўлиб, унинг юзида иккита гўзал ўрдак сузиб юрарди. Улардан бири Уммон гирдобига шўғлиб, узок вақт сув тагида юрар ва шу билан ўзини овулар эди. Сув остидаги зимистон уни кўрқитмас, аксинча, қадрдон бўлиб қолган, сув устида энди узок тура олмасди.

Иккинчиси уни кутиб юқорида қоларди. Уни Уммоннинг қоронву гирдоби ўзига жалб қилмас, аммо ёмизликка кўникиш жуда овир эди. Шундай кунларнинг бирида ўрдак сувнинг теп-текис сатҳига боқиб, оламни яратишга қарор қилди.

Буниш учун у дастваб ерни яратишга аҳд қилади. Шунда шўғлиб чиққан ўрдак унга Уммон тагида қум борлигини ва ундаш тузроқ ясаш мумкинлигини айтади. Юқоридаги ўрдак уни Уммон остига қум олиб келиш учун жўнатлади. У олиб келган қумни юқоридаги ўрдакка беради, аммо бир қисмини яшириб қолади. Қумни олган ўрдак уни тўққиз кун ёғоч тўқмоқда савалайди ва шунда теп-текис юзали ер пайдо бўлади, ўрдак эса энди Яратувчи-Ўрдакка айланади. У ўзи яратган ерга ҳавас билан боқиб турганида, иккинчи ўрдак яшириб қолган қумни тумпутидан сочиб юборади, шунда ер устида тоғлар, тепаликлар ва жарликлар пайдо бўлади. Яратувчи-Ўрдак иккинчи ўрдакнинг такаббурилиги ва қумни яшириб қолганлиги учун унга Ердан жой бермайди ва:

— Мен яратган олам такаббурлик, шуҳратпарастлик ва алдамчилик дунёси эмас, — дейди.

Айбдор ўрдак ҳассанинг учи сирадиган жойни илтимос қилиб олади ва шу жойдан ер тагига шўшиб кетади.

— Сен шитганча бўла қолсин, Қуйи дунёда (нарити дунёда) ҳукмронлик қилавер, — дейди Яратувчи-Ўрдак.

Шу тариқа Яратувчи-Ўрдак иккинчи ўрдакнинг Қуйи дунёга ҳукмронлигини тап олади. Иккаласи кейин ўрмонларни ўстиради, уларни турли ҳайвонлар, қушлар билан тўлдирди ва охирида Яратувчи-Ўрдак одамни — эркак ва аёлни яратишга қарор қилади. Этниги лойдан, суюгини ёвотдан ясаб, яримига жоп ато этади. Инсонга жоншиш қолган яримини бошқа ўрдак — Қуйи дунё ҳукмдори беради.

Шундан сўнг Яратувчи-Ўрдак одамлар яшashi ва меҳнат қилиши учун уларга ер, нон ва қонун беради. Инсон яратилгандан бошлаб Яратувчи-Ўрдак — Тангри, иккинчи ўрдак эса — Эрлик номини олади. Инсонни яратган Тангри осмонга кўтарилади ва у ердан туриб оламни бошқаради. Шу сабабли одамлар кейинчалик унга «Кўк-Тангри» дея мурожаат қила бошлайдилар.

Оламнинг яратилиши ҳақидаги сюжетлар қадимги турк мифларида ҳам сақланиб қолган. Култегин шарафига ёзилган машҳур битикда: «Баландда зангори осмон (Тангри), пасда қора ер яратилганда улар ўртасида инсон болаларига жон ато қилинган», дейилади. Оламни яратиш — фақат маконда тартиб ўрнатиш бўлмасдан, вақтсизлик тутаб, вақтнинг, замоннинг бошланиши сифатида ҳам қаралади.

Маълумки, осмонликлар, хусусан, қадимги туркларнинг тафаккур тарзи тарбликлар тасаввурига нисбатан табиатга яқинлиги билан ажралиб туради. Инсоннинг макон, замон ва Контот билан чамбарчас боғлиқлик ҳисси қадимги туркларнинг миллий тақвимига ҳам асос бўлган. Қадимги турклар жаҳон динларини қабул қилгунча ҳайвонлар номи билан аталган ўн икки цикли тақвимдан фойдаланганлар. Бу тақвимдан дастлаб қачон ва қаерда фойдалана бошлаганлиги номаълум, бироқ ўн икки йиллик тақвимда ҳайвонлар номи ва кетма-кетлиги бу тақвимдан дастлаб Марказий Осиёнинг туркий қабилалари фойдаланган дейиш учун асос бўлади. Кейин тақвим нисбатан тезлик билан Осиёнинг бошқа халқларига тарқалди ва уларнинг кўпчилиги бутун ҳам ундан фойдаланмоқда.

Адабиёт Туркий халқлар ичида энг қадимгиларидан бири бўлган хунларда ёзувнинг мавжуд бўлганлигини исботловчи далилларнинг шу пайтгача топила-


ганлиги уларнинг ўзига хос маданиятга эга бўлганлигини рад этиш учун етарли асос деб қараб келинди. Терига ёки қайин цўслоғига битилган қадимги ёзувларни топишнинг мушкуллиги хунларда ёзув бўлганлиги тўғрисидаги тахминларнинг ҳам рад этилишига сабаб бўлди. Бироқ, олимлар томонидан тўпаланган янги маълумотлар бу қотиб қолган қарашларни ўзгартирмоқда.

«Уч подшолик тарихи»да ёзилишича, Хитой билан қадимги Камбоджадаги Фунан давлати ўртасида элчилар алмашинади. 245–250 йиллар оралиғида Хитой элчилари Камбоджага келади ва сафардан қайтган хитойлик элчи Кань Тай Фунан давлати ҳақидаги маълумотида шундай ёзади: «Уларда китоблар бор, архивларда сақлайдилар. Уларнинг ёзуви хун ёзувини эслатади. Фунанликлар ҳиндча ҳарфлардан фойдаланган». Бу маълумот хушлар тарихини ўрганиш учун шохоятда қимматли. Хитой дипломати хун ёзуви ҳақида мутлақо маълум, исбот талаб қилмайдиган ҳолат ҳақида гаширгандай, фақат таққослаш учун келтириётгандай ёзган. Яна бир муҳим ҳолат шундаки, у хун ёзувининг ҳинд ёзувидан келиб чиққанлигини ҳам таъкидламоқда, демак хушлар Фарб билан маданий алоқалар ўрнатган. Бу алоқаларга яна бир мисолни Филип Гюиз ўзининг «Древняя Персия» номли асарида келтиради: «Сўзгиданган шимолда жойлашган вилоятларда қўлланилган ва сўз тилига жуда яқин бўлган хоразм тили, асосан, ўзининг кейинги шаклига ва араб ёзувида сақланиб қолган (IX–XIII асрлар). Аммо маҳаллий ёзувда битилган иккита сопол идишдаги битик анча қадимги бўлиб, мил. авв. III ёки II асрларга мансуб. Айнан шу тил гетерогрифик элементлари билан Уралдан келтирилган кўпгаб шимгаларда, қумуш идишлардаги ёзувларда, ёвч ва шерига, сўяк ва алебастрга битилган қадимги ёзувларда учрайди»¹.

Афсуски, фольклор ва хун маънавий маданиятининг бошқа манбалари йўқ бўлиб кетган², тўғрироғи, ҳозирча топилмаган. Зеро, юқорида айтилганидек, маданият мутлақо язсиз йўқ бўлиб кетмайди, этник, лингвистик ва маданий жиҳатдан воясиз бўлган халқлар маданиятида яшайди. Хушлар маданияти ҳам улардан кейин Буюк Даштда шакланган турк ва мўғул халқлари маданиятида ўз аксини топди. Зотан, улар бирга-

¹ Филип Гюиз. Древняя Персия. <http://www.uzum.ru/81917-5liip-cuuziz-drevnyaya-persiya.html>. — С. 189.

² Қаранг: Гумилев А.Н. История народа хунны. <http://www.blex.ru/2ch>. — С. 64.

Тўнжук
тош битиги.

ликда битта буюк цивилизацияни – Қадимги Турк цивилизациясини ташкил қилади. Мўғулистоннинг Урхун дарёси бўйида жойлашган Кўкпин-Урхун водийсида, қадимги турклар ойкуменасининг марказида, қадимда шу ердан ҳарбийлар, кўчманчилар ва қарвон йўллари «дунёнинг тўрт томонига» – Сарик денгиздан Каспийгача, Хушхэ дарёсидан Ирғиш ва Сирдарёгача қараб кетган жойда маҳобатли тош қаср қурилган, унинг деворла-

ри аждаҳо тасвири билан безатилган, ичига қаҳрамон жангчи ҳайкали ўрнатилган бўлиб, гашқор безаклар – нақш ва расмлар унинг жасоратига бағишланган. Мармартопдан ясалган тошбақа (қадимги Хитой космогониясида олам образи бўлиб, хитойликлар уни ҳинд ведаларидан олган) ҳайкали устига уч метрлик яхлит ёдгорлик тош ўрнатилган. Қасрга қираверишда, саваналар жойлашган майдончага балбаллар – яккама-якка олингувларда қаҳрамон жангчи шахсан енган аскарларнинг тош ҳайкалчалари қўйилган. Ёдгорлик топнинг уч томонида қадимги турк тилида эмас, суяк тилида, бир томонига эса санскрит тилида лавҳа битилган. Туркий тилдаги ёзувлар сад кейинроқ пайдо бўлган ва улар ичида энг қадимгиси Тўнжук битиклари бўлиб, 715 йилга тегишли деб ҳисобланади. Бироз кейин, 732 ва 735 йиллари Билга хоқон ва Қултегинга бағишланган ёзувлар пайдо бўлган. Бу ёзувлар кейинчалик Урхун-Енисей руи ёзуви номи билан илмий муомалага киритилган. Урхун-Енисей ёзувлари очилган пайтда олимлар ва кеш жамоатчилиқ орасида жуда катта қизиқиш уйғотди. Чунки бу битиклар Буюк Турк хоқонлиги ҳақида, тарихиши ўрғашш ичигида бошланаётган қадимги турклар ҳақида бевосита унинг хоқонлари томонидан қолдирилган ёзувлар эди.

Тошларга битилган қадимги ёзувлар шартли равишда Урхун ва Енисей ёзувларига бўлинади. Урхун ёзувларига Шимолий Мўғулистоннинг Урхун, Селенга ва Тола дарёлари бўйида топилган ёзувлар, Енисей ёзувларига эса Енисей дарёси ҳавзасида топилган ёзувлар қиради. Биринчи гуруҳ матнларини Қултегин парафига ёзилган Кичик ва Катта битиклар, Билга хоқон шарафига ёзилган битиклар, Тўнжук битиклари ва Оптин битиклари ташкил қилади. Енисей гуруҳида бир қатор майда битиклар, шунингдек, турли шахсларнинг қабрларига ўрнатилган ёдгорлик топларидаги битиклар қиради.

Шевадаги айрим фарқларга қарамасдан бу икки гуруҳ матнлари ҳам битта тилда битилган ва бу ҳол қадимда Марказий ва Ўрта Осиё ҳамда Жанубий Сибирь кешликларига тарқалган умумтурк адабий тили ва ёзув аъёналари мавжуд бўлганлигидан далолат беради¹.

Урхун ёзувларининг муаллифлари Йўлтегин, Тўшоққу ва Элтемиш бўлиб, улар битиклар орқали тарихда ўз номиларини ҳам қолдирган. Йўлтегин ўқувчиларга хоқонни ва унинг сафдошларини ташиштиради, жанчиларни салаб ўтади. Қултегин битик тоши Билга хоқон битик тоши билан бир вақтда топилган. Билга хоқон битик топидан бир километр шимол-шарқда жойлашган. Унга шикаст етмаган, шунинг учун у кўп тадқиқотчилар томонидан ўқилган ва кўшма тилларга таржима қилинган. В.Томсон ҳам Урхун алифбосини Қултегин битик тошига асосланиб аниқлаган. В.В.Радлов уни немис тилига таржима қилган. Сўнгра бу битик тошни турли тилларга таржима қилиш, вақир этиш ишлари билан П.М.Мелноранский, С.Е.Малов, И.В.Стеблева шуғулланганлар. Ўзбек олимларидан Фиграт, А.Қшомов, Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов, Н.Раҳмон ва М.Исҳоқов қабиларнинг хизматлари катта.

Турк олимларининг бу соҳадаги ишлари ҳам диққатга сазовордир. Улар туркий халқлар орасида битик тошларни энг кўч ўрганганлар, ўзига хос мактаб яратганлар.

Қултегин битик тоши мрамарга ўйиб ишланган. Мрамар тош ўртасида беш бурчакли қалқоп тасвири туширилган. Унга ўйиб ишланган лавҳа архар тасвири билан безатилган. У туркларда хоқонлик тамғаси бўлган.

1958 йили археологик қазинмалар пайтида бу ердан иккита ҳайкалча топилган. Ҳайкалчаларда Қултегин ва унинг хотини тасвиранган эди. Қултегин ҳайкалчасининг бош қисмида чўл бургутининг тасвири туширилган. Бургут қадимги туркларда хоқонлик рамзи ҳисобланган. Бу рамзий тасвир фақат лашкарбони ва хоқонларга ўрнатилган ёдгорликларда учрайди.

Иккинчи битикнинг муаллифи Тўнжук – давлат арбоби, саркарда ва файласуф. У битикни: «Мен, доно Тўнжук», дея ўзини тавсифлашдан бошлайди. Кейин биринчи хо-

Қултегин
битик тоши.

¹ Қаранг: Стеблева И.В. Древняя тюркоязычная литература. Часть I. <http://ravshir.livejournal.com/24576.html>.

қонлик тарихига қайтиб, Қутлуғ Эатеришни таъқид қилади, аҳолининг камлигини айтиб, ўзи бошчилик қилган юришларни санайди: «Мен қўшинга йўлбошчи бўлдим, тунлари ухламадим, кунлари тинмадим, қизил қон тўкиб, қора терга ботиб, мен халққа кутимни бердим, узок ҳарбий ҳужумлар уюштирдим».

Учинчи битикнинг муаллифи Эатемеш ўз сулоласини баён қилиб, тарихга назар ташлайди ва ўз қасамёдини айтади: «Мен хоқон учун тарбияланганман!». Кейин у халқнинг хулқини кескин қоралайди.

Бу ёзувларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, қоя тошлардаги битиклар тарихда биринчи марта ўз муаллифига эга бўлди. Демак, қадимги туркларда муаллифлик ва адабиёт анъаналари мавжуд бўлган, бу эса жаҳон маданияти тарихида ҳам қимматли ҳодиса саналади. Битикларнинг бирида Йўллиттегин ўз исмини қолдирган бўлса, бошқа бир битикда «Култегин» йилшомасининг муаллифи ўз номидан эмас, Билга хоқон номидан ҳикоя қилади. Бу ҳам анъана. Битикнинг мазмунига келсак, Йўллиттегин хоқондек кенг миқёсда, империячилик тафаккури даражасида фикрлайди. Бу даврда Турк хоқонлиги жуда катта ҳудудни эгаллаган қудратли давлат бўлиб, қўшнилари у билан ҳисоблашишга мажбур эди. Шаҳзода буни жуда яхши билади. У туркларни улуғлайди: «*Юқорида хўк осмон пастда қора ер қилишанда, иккасининг ўртасида ишон болалари яраган. Ишон болалари устидан оша-бобом Бумин хоқон, Истами хоқонлар ташвиш ўширганлар. Улар тахшиш ўшириб, Эл (давлат) таъсис қилдилар, Тёрю — турк халқларининг қонунини жорий қилдилар, боши борларни бошини эгишга, тиззаси борларни тиз чўкишга мажбур қилдилар! Улар ўз халқини Шарқ ва Ғарбга жойлаштирдилар. Улар доно хоқонлар эдилар, улар мард хоқонлар эдилар*»¹. Йўллиттегин турк халқининг адолатли, тadbиркор хоқонлари Бумин ва Истамини афсонавий-эпик руҳда тасвирлаб, идеал хоқон образини яратди. Бумин ва Истами турк давлатининг асосчиларидир. Улар хоқон бўлиб тахтга ўтирилганларидан кейин лашкар тортиб, тўрт тарафдаги халқни бирлаштириб, қудратли давлат барпо қилишга эришганлар². Империя яратганлар.

¹ Кляшторный С. Евразия: первая империя тюрков и их цивилизация. <http://tatworld.ru/article.shtml?article=431&heading=45§ion=0>. — С. 24.

² Қарав: Раҳмон Н. Турк хоқонлиги. — Т.: А. Қодирий номидagi халқ мероси нашриёти, 1993, 74-бет.

Умуман, империячилик роясига муносабат қандай бўлишидан қатъи назар, Йўллиттегин учун бу реаллик эди. У бошқата фикрлаши мумкин эмасди. Чунки Турк хоқонлиги кичик бир князлик ёки қабила эмас, қудратли империя, Йўллиттегин эса аша шу империячилик роясининг ифодачиси эди. Бу роя Месопотамия, Эрон ва Юпон-Рим цивилизацияларидаги сингари «орнинг тўрт томони»ни бирлаштирган оламшумул империя яратиш орзусини илгарти суради. Йўллиттегин Билга хоқон номидан бу орзунини шундай ифодалайди: «*Фалакдай худодан бўлган турк доно хоқони бу дунёга келдим. Сўзлашим тутал эшишгин, кедитимдаги иним, жиним, ўғилларим, иттифоқ уруғим, халқим, ўнадаги шағанит беклар, чаңдаги тархонлар, буйруқ беклар, ўттиз тўққиз ўғуз беклари, халқи, бу сўзларимни яхшилаб эшит, диққат қилиб тингла! Олдинга — кунчиқарга, ўннга — жанубга, орқога — кунботарга, чаши — шимолгача булган ер пчидаги халқ менга қарайди. Шунча халқни мамшун қилдим. У энди ёғуз эмас*»¹.

Ёдрорликлар абадий эл, илоҳий эл роясини намойиш қилади, бу эса халқ тарихига сингиб кетган империячилик рояси эди. Зеро Турк хоқонлиги фақат империя ҳолатида мавжуд бўлиши, этномаданий ўзинлигини сақлаб қолиши мумкин эди².

Йўллиттегин давлатининг шаклланиш жараёни, унинг ички ва ташқи душманлари ҳақида ҳикоя қилади ва энг, асосийси, ана шу империя — Буёк Турк хоқонлигининг ҳалокатини ҳам олдиндан айтиб беради.

Империялар пайдо бўлади, ривожланади ва кейин ҳалокатга учрайди. Бу — қонуният. Йўллиттегин пайтига келиб Турк хоқонлигида ҳам ишқирознинг белгилари пайдо бўла бошлаган эди. Тегин буни сезади. У: «Вақти келиб империя тарқалиб кетади», деб ёзади. Тегин бунинг сабабини ҳам билади: «*Сиз — беклар, камбаволлар, очлар ва душманлар борлиги*

¹ Қарав: Н. Раҳмон. Турк хоқонлиги. — Т.: А. Қодирий номидagi халқ мероси нашриёти, 1993, 71-бет.

² Тарихда кўпгаб этномаданий бирликларнинг ягона мавжудлик шакли империя бўлган. Масалан, Рим цивилизацияси ўз тили, маданияти, давлатчилиги билан фақат империя тартидагина мавжуд эди. Империя тарқалгани туфайли бу этномаданий бирлик ҳам ўзининг барча атрибутлари билан мезийга юз тутди. Турк хоқонлиги карашли ҳудуднинг катта қисмини эгаллаган Россия ҳам империя ҳолатидагина мавжуд бўлиши мумкин. Зотан бугун кўзга ташланайотган империячилик амбициялари қайсидадир спесиёй гуруҳнинг хоҳиши эмас, шу этномаданий, спесиёй бирликининг ягона мавжудлик шакли холос.

тўғрисида ўйламайсиз. Сиз турк империясининг манфаатлари тўғрисида ўйламайсиз. Сиз ўзаро низолтасиз. Сиз империяни яратган Билга хоқон анъаналарини, Элмериш анъаналарини унутдингиз. Сиз ташқи душманга қарши курашган пайтдаги қаҳрамонлиқни унутдингиз».

Асарнинг марказий қаҳрамони қилиб муаллиф Култегинни — шахзода ва ботирни олади.

Йўлғитегини достонининг қиммати яна шундаки, унинг барча қаҳрамонлари VII—VIII асрлардаги тарихий шахслар эди. Йўлғитегининг буюк хизмати шундаки, у Култегин, хоқонлар ва Турк хоқонлиги ҳақидаги ҳақиқатни тошбитик тарзда минг йиллар кейинги авлодларга етказди. Йўлғитегин битиклари тарихий ҳужжат. Бу асар диққат билан ўқилса, қадимги турк тилининг бойлиги ва гўзаллиги очилади, асарнинг мантиси яққол намоён бўлади. Айнан шу мантис қадимги туркларнинг дунёқарашини аниқлашга кўмаклашади.

Бундан ташқари, қадимги туркларнинг доимий мукамалликка интилиши ҳам тилда, ёзувларда ўз аксини топган. Урхун-Енисей ёзувларидан анча кейин ёзилган битикларнинг, масалан, «Игорь йилномаси»нинг тилини ҳозир тушуниш қийин. Айни пайтда қадимги турк ёзувлари тилини XXI асрда ҳам бемалол тушуниш мумкин.

Мифлар¹ Қадимги туркларнинг аجدодлари ўз ривоятлари ва эртакларини қандай қилиб унутиб юборганлиги ҳақидаги афсонада айтилишича, қадим замонларда Буюк Тангри туркларга ёзувни ўргатиб, шундай дебди: «Сиздан доно халқ, олимлар ва найғамбарлар, подшолар ва хонлар чиқади...» Тангрининг насихатлари қуёшдек катта, ўшақдай соф ва ёрқин китобларга ёзилган эди. Қадимги турклар бу китобларни теридан ясалган олтин қулфли сандиқларда сақларди. Фақат катта байрам кушлари оқсоқоллар бу китобни очиб, одамларга Тангрининг доно сўзларини ўқиб берарди. Бир куни қадимги турклар кенг водийга кўчишди. Шу пайт кунлар ёмғирли келиб, дарёлар тошди, карвон йўлларини ҳам сув босди. Сув шунчалар кўп эдики, кенг дарё бўлиб оқди, юк ташувчи этакларнинг елкасига чиқди ва юклар ҳам сувга тўлди. Китоблар ҳўл бўлиб, варақлари ёшишиб қолди. Қариялар китобларни қуритиш учун

¹ Қадимги турк мифларини ёзишда А. Бисенбиевнинг «Мифы древних тюрков» асаридан фойдаланилди. Қаранг: Бисенбаев А.К. Мифы древних тюрков. http://pogovstan.ucoz.ru/load/ak_bisenbaev_mify_drevnikh_tjurkov/1-1-0-3

дарахта осиб қўйдилар, ўзлари эса мудраб қолишди. Шу пайт пайдо бўлган оқ ситир китоб варақларини ражиб ташлади.

Албатта, бу афсона холос. Аммо, афсуски, жанговар турк хоқонларининг буюк тарихи ростдан ҳам ўтмишда қолиб кетди, турклар руц ёзувини унутдилар. Ўша замонлардан бери афсоналар авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Қадимги турк мифларини шартли равишда қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин:

- худолар олами ҳақида;
- оламнинг яратилиши ҳақида;
- оламнинг тузилиши ҳақида;
- турк халқининг яратилиши ҳақида;
- ҳаёт ҳақида, қандай яшап кераклиги ҳақидаги мифлар.

Қадимги туркларнинг тасавурида борлиқ учта оламдан ташкил топган: юқори, ўрта ва қуйи олам. Юқори оламнинг ҳукмдори, бутун дунёни бошқарувчи бош худо — Буюк Тангри. У одамлар ва давлатларга ҳаёт бахш этади, уларнинг умрини белгилайди, хонларга тахт ато қилади, айбдорларни жазолайди.

Ўрта оламнинг ҳукмдори — Ер-Сув, қуйи оламники эса — Эралик.

Тангри жуда баҳайбат паҳлавон тарзида тасаввур қилинади. Шу сабабли балад дарахлар унга бағишланади, қурбонликка отлар сўйилади. Тангри — ҳаммасини билувчи, дунёнинг олийжаноб ва адолатли ҳукмдори. У балад осмонда яшайди. Тангри ва Осмон тушунчалари қадимги турклар ва мўғуллар учун бир хил маънони англатган. Улар барча вайри-одатий, кипшини ҳайратга солувчи, мўъжизавий ходисаларни «кўк», «самовий», Тангрига тегишли, илоҳий деб аташган. Ер-Сув ва Тангрини турклар бир-бири билан курашмайдиган, бир-бирини тўлдирадиган битта ибтидонинг икки томони деб қарашган. Аммо Ер инсонга фақат ташқи қобилини беради, Тангри эса қут ато қилади. Инсон вафот этгандан сўнг фақат унинг жисми ерда қолади, қути эса самога, Тангри ҳузурига ўтиб кетади.

Қадимги турклар билардики, инсон умри Тангрининг ўзи томонидан ўлаб қўйилган. Култегиннинг ўлимидаш сўнг Билга хоқон шундай дейди: «Инсон болалари Тангрига маъқул бўлган пайтда ўлмоқ учун яралганлар». Шу сабабли турклар ёрдам сўраб Тангрига мурожаат қиладилар ва агар мурожаат Ер-Сувга қаратилган бўлса, Тангри, албатта, тилга олинади. Чунки Ер-Сув — она, Тангри — ота ҳисобланган.

Туркларнинг тасавурида оламни яратиш жараёнида Тангри билан бирга Умай ҳам қатнашади. Умай — «оққуш» деган маънони ашлатади. Жуда қадим замонларда, ҳали Буюк Уммондан бошқа ҳеч нарса бўлмаган даврда сув устида оққуш шаклидаги Умай сузиб юрарди. Айтишларича, оққуш кўйган тухумдан бу олам яралган экан. Умай — афсонавий қуш. Қадамги турклар унинг эзгу ниғтли кишиларга омад ва шон-шухрат келтиришига чин дилдан ишонишган, шу сабабли оққушни ҳеч қачон ўлдирмаганлар. Турклар мурувватли Умайни Тангрининг умр йўлдоши деб ҳисоблашган. Иккаласи бир бўлиб турк эмига ҳомийлик қилган. Тангри — абадий тинчлик, Умай эса тураниш, яшаш ва ўлимдан иборат бўлган ердаги ҳаётини акс эттирган.

Ўрта олам — одамлар оламининг асосий худоси — муқаддас Ер-Сув ҳисобланган. Ўн еттита соф кўнгилли санамлар Ер-Сувнинг хизматида бўлганлар. Улар ичида энг қудратлиси Ио хон. У Ернинг киндиги жойлашган. Олам дарахти ўсиб чиқиб, Юқори оламгача кўтариладиган жойда яшайди. Қадамги турклар ҳар йили икки марта — баҳорда ва кузда дарё бўйларига ёки тепаликларга йўғилиб, Ер-Сув бошчилигидаги Ўрта олам илоҳларига қурбонликлар қилишган.

Тангрига сизинган қадимги турклар қуйи олам ҳукмдори, одамларни бир-биридан ажратувчи, юқори оламнинг душмани, оловли худо Эрлик мавжудлиги тўғрисида ҳам ҳеч қачон унутмаганлар.

Эрликнинг қароргоҳи қуйи олам, нариги дунё. Эрлик Тангрининг укаси эди. У ўзининг бузук нияти туфайли қуйи оламга тушиб қолган. Тангри ерни яратгандан сўнг ҳассанинг учи сипадиган жойни Эрликка бериб, шу ерда қуйи оламга тушиб кетишини айтади. Эрлик ҳассасини шу ерга тикқанда ундан тўғри, илон, қурбақа каби махлуқлар чиқиб келади. Эрлик уларга: «Одамзоднинг абадий душмани бўлинг!» дейди-ю, ўзи қуйи оламга тушиб кетади. Тангрининг жаҳли чиқиб, Эрликка қўш бор жойда пайдо бўлишни таққилайди. Шундан бери Эрлик Қуйи олам ҳукмдори бўлиб қолган. У Қуйи оламда ёвуз руҳлар дунёсини яратди. Бу ёвуз руҳлар эса Эрликнинг ҳассаси қолдирган тешик орқали Юқори оламга чиқади, ҳеч қийинчиликсиз одамларнинг уйларига киради, уларга касалликлар ва бошқа бахтсизликлар олиб келади, болаларнинг руҳини ўтирлайди. Бу руҳлар Қуйи оламга тушгандан сўнг Умайнинг ҳомийлигидан маҳрум бўлади ва ёвуз руҳларга айланиб, Эрликнинг хизматида ўтади. Илсон вафот этгандан

сўнг унинг қути самога, Тангри хузурига учиб кетади, тани эса Эрлик ҳукмида бўлади.

Эрлик темирчилик ҳомийси ҳам ҳисобланади. У туркларга темирчиликни ўргатди, оқибатда турклар ўзлари ясаган темир қуроллар ва асбоб-анжомлар туфайли ярим дунёни эгалладилар. Турклар тасавурида темирчилар Қуйи дунё билан боғланган, шу сабабли одамлар темирчилардан ҳайқииб туришган.

Аммо Эрлик одамларга инъом этган энг буюк наъमत — бу ўлим эди. Ҳа, қадимги туркларнинг мифларига кўра ўлим наъमत бўлган. Чунки бир пайтлар, ҳали ўлим йўқ вақтда, ҳамма жониворлар, жумладан, одамлар ҳам абадий яшашга маҳкум эдилар. Улар қариб кўр, қар бўлиб қолган, сон-саноксиз авлодлари эса ўз-ўзидан қўпайиб, аждоҳларини эсламай ҳам қўйган эди. Одамлар нима қилишни билмасдилар. Шунда доно қарға Ўрта оламга ўлимни чақиритишни маслаҳат беради. Ҳали ўлим нималигини билмаган одамлар бунга рози бўладилар. Қарға Эрликнинг рухсати билан Қуйи дунёдан ўлимни бошлаб келади. Бу хизмати эвазига у уч юз йил яшаш ва ўлаксалар билан овқатлашиш ҳуқуқини олади.

Ўлим ҳақ, дейишган қадимги турклар. Чунки у маълум муддатдан сўнг барчага, одамларга ҳам, бошқа жониворларга ҳам келади. Энди улар қанча умр берилганлиги ва ўлим қачон келишини ҳам биларди. Шунда олам дўзахга айланди. Ўлим кунини кутган ва унинг қачон келишини билган одамларнинг фарёди кўкка — Буюк Тангрига етиб борди. Тангри одамларга абадий умр бериш мумкин эмаслигини биларди. Шунда у кимнинг қачон ўлишини фақат ўзи белгилайдиган бўлди. Ҳеч бир жонзот қачон ўлишини билмайди. Аммо бу билан олам мукамал бўлиб қолмади. Энди кучлилар кучсизларни ўлдириб, уларни еб бошладилар. Қушлар кучли қанотларида, ҳайвонлар эса бақувват оёқларида ўлимдан қочиб қутуламан деб ўйлашарди. Аммо ўлимнинг қачон ва қаерда келишини ҳеч ким билмасди.

Эрлик Қуйи олам ҳукмдори бўлса-да, одамларнинг қалб дунёсига аралаша олмаган, фақат ўлган кишиларнинг моддий қисмини қабул қилган. Одамларнинг умрини эса Тангри белгилайди, ўлган кишининг қути ҳам унинг хузурига учиб кетади.

Шу тариқа ҳаёт ва ўлим, эзгулик ва ёвузлик, мукамал олам муаммоси қадимги турк адабиётининг ҳам асосий мавзусига айланади. Бу адабиёт ўзининг фақат унга хос бўлган ифода шакллари, кучли фалсафаси ва эзгуликка йўғрилган



Култегин хайкали.

мантинги туфайли асрлар оша барча туркий халқларнинг умумий мероси сифатида яшаб келмоқда.

Санъат

Қадимги турклардан эҳромлар ҳам, муҳташам саройлар ҳам, маҳобатли ибодатхоналар ҳам сақланиб қолмаган. Қадимги турклар санъати улар дунёқараши, ҳаёт тарзи сингари табиатта яқин, унинг ажралмас қисми эди.

Ҳозирда Евроосиё деб аталаётган қадимги турклар юртида ўз даврининг уста ҳайкалгарошлари томонидан яратилган тош ҳайкаллари бугун ҳам кўплаб учратиш мумкин, гўё улар шиддат билан ўтаётган вақтни бир лаҳзага бўлса-да тўхлатмоқчи бўлгандай, қотиб туришибди. Қадимги турклардан қолган санъат намуналари ичида энг кўп учрайдиган шу тош ҳайкаллар бўлиб, улар қизил-сарик гранитдан ва қумтошдан ясалган. Бу ҳайкаллarning баландлиги 1—2 метр бўлган. Уларда ҳеч қандай ортиқча қашам бўлмаса-да, ўз

маҳобати билан кишида кучли таассурот уйғотади. Тош ҳайкаллардан ташқари тошга ишланган йирик тасвирилар ҳам бўлиб, қадимги ҳайкалгарошлар унда фақат қоғазнинг мутаносиблигини эмас, тасвирланаётган кишининг кийими, қурол-аслаҳаси, безаклари ва юз тuzилишидаги ўзига хос жиҳатларни ҳам акс эттиришга ҳаракат қилган. Бу, биринчи навбатда, турк содагонларининг VI—VIII асрларга оид саваналари — Тўнжук, Култегин ва Билга хоқон ёдгорликларидаги ҳайкаллarga тегшли.

Қадимги турк шахзодаси Култегин 731 йили вафот этган. Урхун дарёси бўйида унинг шарафига ёдгорлик мажмуаси барпо қилинган. Мажмуа таркибига ибодатхона ва шахзодага бағишлаб ўрнатилган ёдгорлик тош кирди. Ибодатхонанинг кириш қисмига тик турган ва ўтирган одамлар ҳамда ҳайвонларнинг ҳайкаллари ўрнатилган, ёдгорлик тош эса курашаётган аждарлар тасвири билан безатилиб, Култегинга бағишлаб ёзув битилган. Мажмуада олиб борилган археологик қазинишлари пайтида шахзода ва унинг рафиқаси ҳайкаллари топилган.

Култегин қанотларини ёйган бургут тасвири билан безатилган бош кийимда, хотиржам ҳолда тасвирланган. Култегин-

нинг рафиқаси тасвирланган деб тахмин қилинаётган бопқа бир ҳайкалдаги аёлнинг юзи, маҳкам сиқилган лаблари унинг феъл-атворидаги қатъийлик ва жасурлик хислатларидан далолат бериб турибди.

Машҳур турк сиёсий арбоби Тўшоқуқнинг қабридан кўзлари ютабиний катта, лунжлари пишган, оғзидан узун тўртта тишлар чиқиб турган ғароиб бир махлуқнинг тасвири тошланган. Шундай тасвирилар Култегин ёдгорлик мажмуасида ҳам бор. Ташқи кўринишига кўра бу тасвирилар бир-биридан фарқ қилса-да, ясалаш усулига кўра бир-бирига ўхшаш: юзнинг қисмларига алоҳида шакл берилган бўлиб, кейин бир-бирига бириктирилган. Тахмин қилинишича, улар яхлит меъморий безакнинг бир қисми бўлиб хизмат қилган. Кейинчалик, буддавийлик тарқалиши даврида, даҳомарни — эътиқодли асровчиларни, тантризмнинг¹ важдоҳатли худоларини шундай тасвирилай бошлайдилар.

Бицоларнинг томини безатиш учун турклар юмалоқ сопол лашпақдан фойдаланган бўлиб, унинг юз томони ўсимликлар ва ҳайвонлар тасвири билан безатилган. Қадимги туркларнинг тасвирий санъат асарлари ҳали нисбатан кам топилган. Кўичилиги ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Қадимги турклар тарихига хулоса қилиб шунни айтиш лозимки, бу цивилизация маълум маънода, умуман, қадимги цивилизациялар тарихига ўзига хос яқин ясайди. Зеро, халқларнинг Буюк кўчишидан сўнг кўплаб қадимги этник бирикмалар тарқалиб кетди, уларнинг таркибий қисмларидан эса бўлуши халқларнинг асослари яратилди. Бу даврда фақат катта этник ўзгаришлар эмас, инқилобий ижтимоий силжитилар ҳам юз берди. Шаклланаётган янги ижтимоий тузум аввалги уруқ-қабилачилик ва қуддорлик муносабатларига қақшатқич зарба берди. Қуддорликнинг таянчи бўлган Рим империяси «варварлар» босқини ва қулаар кўзролониянинг шиддати остида қулади. Янги халқлар оқими олдидан Ғарбда Византия, Шарқда — Хитой сақланиб қолди, холос. Улар ҳам энди феодал империяларга айланди.

¹ Тантризм — тантра матбуларда баён қилинган марксизмлар ҳақидаги гирли таълимот бўлиб, спиритизмлар тилларида «тантризм» номини олган. Миладий эрнинг биринчи асрларида пайдо бўлган буддавийлик ва ҳиндуйликдаги оқим. Йил усулларини қабул қилган ва эзотерик амалиёт тизимини ишлаб чиққан. Ушбу диний-фалсафий концепция асосида инсон-миқриқоси юзиси ва қандайдир жансий энергетик кўтқидо тўғрисидаги тасаввур йтиди. Ҳиндистон, Непал, Бутан ва айниқса, Тибетда кенг тарқалган.

Осиёлик туркларнинг асосий истиқомат ҳудуди бўлиб қолган Ўрта Осиёнинг катта қисми (бу ҳудуд эрон тилларида «Туркистон» – Турклар мамлакатини номини олади) VIII асрга келиб араблар томошидан забт этилди. Ўрта Осиё турклари халиф ҳокимиятини тан оқдилар, унинг иттифоқчисига айландилар ва ислом дини турклар орасида кенг тарқалди. Ислом динини қабул қилган турклар ўз номи ва тилини йўқотмади, аммо улар маданияти араб-муслмон цивилизацияси доирасида катта ўзгаришларни бошидан кечирди. Булок Даштда туркий халқлар ва уларга эргашган кўплаб қабилаларни бириштириб турган давлат, тил ва маданият бириктириш эҳди ўзликни англашнинг ислом динига ва араб-муслмон маданиятига мансублик ҳисси билан алмашди. Минг йиллар давомида Булок Даштда яшаган халқларнинг дунёқарашини акс эттириб келган тангрилик урф-одатлари, маросимлари таққиланди, улар билан бирга, энг қадимги халқ ривоятлари ва афсоналари ҳам унутилди, улар ўрнини ислом дини ва маданияти билан боғлиқ ривоят ва афсоналар эгаллади.

Усмоний турклар ҳам турк номи, тили ва маданиятини сақлаб қолган бўлса-да, давлатчилик ва ижтимоий муносабатлар ислом анъаналари ва шариат қоидалари асосига қурилган бўлиб, бу кейинчалик мамлакатнинг европача тараққиёт йўлидан боришини қийинлаштирди. Араб ва форс тилларининг таъсири туфайли турк адабиёти оддий халқ учун тушунарсиз ҳолатга келиб қолди. Тилни «тозалаш» учун қилинган кўплаб ҳаракатлардан сўнг «Усмонийча» деб номланган янги адабий тил ва адабиёт яратилди.

Ғарбдаги турклар эса Византия империяси, кейин Европада пайдо бўлган давлатлар ҳукмронлиги остига тушиб, уларнинг армияларида хизмат қилди, христианликни қабул қилди, аста-секин тили, маданияти ва, ҳатто, номини ҳам йўқотиб, шаклланди. Ғарб цивилизациясига сиқиб кетди.

Кейинчалик Булок Даштнинг катта қисмини эгаллаган Русь давлати таркибига кирган туркий халқларнинг ҳам бир қисми христианликни қабул қилиб, Россия империясининг ҳамда замонавий рус ва украин миллатларининг шаклланиши жараёнига аришувлик таъсир кўрсатди.

ХУЛОСА

Инсоният тарихи кўп жihatдан бугун ҳам охиригача ўрганилмаган соҳа. Хали бор-йўри бир-икки аср муқаддам олимлар фақат инсоният тарихининг сўнгги икки-уч минг йили ҳақида тасавурларга эга бўлиб, унинг ҳам асосий қисми афсоналар ва тахминлардан иборат эди. Айниқса, жамиятда диннинг ўрни кучли, одамлар орасида диний тасавурлар устувор бўлган даврларда инсоният тарихи ҳам ҳукмрон диний ақидаларга мос равишда қараларди. Фаннинг бошқа соҳалари сиқари тарих ҳам жуда қийинчилик билан ўзига йўл очиб борди.

Тарих фанларида кўшинча инсоният тараққиёти дастдан юқорига, оддийдан мураккабга қараб қилинган тўхтовсиз ҳаракат сифатида тушунирилиб келинди. Бу, албатта, содда, бутунги давр киниси қабул қилини осон бўлган таъриф. Аммо тараққиётда прогрессдан ташқари регресс деган тушунча ҳам мавжуд ёки ҳаракат тўлқинсимон бўлиши ҳам мумкин. Албатта, Ерда ҳаёт пайдо бўлгандан бери бир неча цивилизациялар алмашганлигини бутун охиригача тасаввур қилиш қийин. Зеро улар ўз маданий қиёфасига, ахборотни етказиш усулига ва, ҳатто, бутун биз «билим» деб атайдиган тушунчанинг улардаги талқини кўра ҳам ҳар хил бўлган.

Бутун тарихий жараёнинг бизга маълум бўлган назариясига мувофиқ мос тушмайдиган жуда кўплаб билимлар пайдо бўлди. Шу билимларнинг юксак чўққисидан орта боқиб, аجدодларимиз минг йиллар олдин бу билимлардан хабардор бўлганлигига ҳайратланмасдан вложимиз йўқ. Қадимги цивилизацияларни диққат билан ўрганиб, бир нарсани тушунгандай бўламиз: тарихий жараёнда хатолар ёки чалқашликлар бўлмайди, ҳаммаси бугун бизнинг фикр қудратимиз идрок қила олмайдиган, биз билган маънада мос тушмайдиган қандайдир сири кучга бўйсунадигандек туюлади. Бутунги инсон юз йиллар давомида ўзини тараққиётнинг юксак чўққисидан хис

қилиб, қадим тарихни инсониятнинг болалик даври, қолоқлик, жаҳолат даври сифатида бироз писандисизлик билан ўрганиб келди. Аммо қадимги цивилизацияларни ўрганган, уларнинг сирларини очган сари уларда маънавий етуқликнинг янги ва мураккаб қирраларини кашф этгандек бўламиз. Бугун шиддат билан ривожланаётган, айниқса, техник тараққиётнинг чеки йўқдай туюлаётган замонда инсон интилаётган коммунал сифатларининг кўпчилиги минг йиллар олдин яшаган аждоғларимизнинг ҳаётий тамойиллари бўлганлигини тасаввур ҳам қилиш қийин.

Бугун биз қадимги цивилизациялар, уларни яратган халқлар ҳақида кўп нарса билмаймиз. Минг йиллар давомида давлатлар, халқлар, динлар ва урф-одатлар алмашди. Ҳар бир янги пайдо бўлган дин, мафкура ўтмиш ҳақида ўзига мос маданият ва афсоналар яратди, эскилари эса йўқ қилинди. Аммо бизгача етиб келган ривоят ва афсоналар, шаҳар ва саройлар қолдиқлари, тасаввурлар инсониятнинг фақат бугуни ва келажаги эмас, ўтмиши ҳам буюк бўлганлигидан далолат беради.

Ушбу китобда классик эра бўсағасида турган инсониятнинг диний, адабий ва бадний тасаввурлари дунёсини умумий тарзда тасвирлашга ҳаракат қилинди. Биз ҳаммага маълум бўлган маълумотлар устида батафсил тўхталмадик. Яхши маълумки, Шарқ Ғарбга кишилиқ маданияти ўзини изҳор қилиши ва авлоддан-авлодга етказиши мумкин бўлган воситани — алифбоши берган. Бизгача етиб келган кўплаб Ювон-Рим афсона ва мифларининг Шарқда пайдо бўлганлиги ҳам кўпчиликка аён. Аммо биз бу рўйхатни ва Шарқ билан Ғарб ўртасидаги баҳсни давом эттирмоқчи эмасмиз. Бугунги қалтис дунёда айрим давлатлар ўзларини цивилизация тараққиётининг энг юксак намунаси ҳисоблаб, бошқа халқларни шуңдай бўлишга даъват этаётган, ҳатто, қуролкучи билан зўрлаётган, халқлар, динлар ва мазҳаблар ўртасида уруш ўчоқларини очиб қўйиб, кейин урушни қандай тўхтатиш тўғрисида маслаҳатлар бераётган бир пайтда, китобхонша цивилизациялар тараққиёти уларда учрайдиган айрим хусусий жиҳатларга қарамасдан, умумий маънода инсониятнинг эзгулик сари интилиш йўли экашлигини тарихий мисоллар орқали кўрсатиш эди. Зотан, инсоният тарихи ўта мураккаб, аммо узвий ва ажралмас жараён, жорий сиёсатдан фарқли равишда уни ёлгон билан ямаб бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Абасев Н.В.* Тезирианство как религия и философия древних татаро-монголов Внутренней Азии. <http://www.mesoeurasia.org/archives/1097>.
2. *Б. Абдолниёзов, М. Исоқов.* Авеста ва қадимги чорвачилик. http://ziyonet.uz/uzc/library/?searchby=library&offset=0&search_query=%D0%90%D0%B2%D0%B5%D1%81%D1%82%D0%BE%20%D1%82%D0%B0%D1%80%D0%B8%D1%85%D0%B8
3. *Әбелгазый Баһадир хан. Шәжәрәи төрөк.* <http://www.tatknigafund.ru/books/1129/read>. 12–13.
4. *Авеста: Янги китоби./М.Исоқов таржимаси.* — Т.: «Шарқ», 2001.
5. *Аджи М.* Азиатская Европа/Мурад Аджи. — М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2008.
6. *Албегиль М.Ф.* Индия: беспредельная мудрость. <http://www.twirpx.com/file/236223/>.
7. *Аязбекова С.Ш.* «Тюркская цивилизация» в системе цивилизационных классификаторов. <http://lib2.znate.ru/docs/index-347339.html>.
8. *Баганин М.А.* Древние цивилизации и пророки. <http://radabush.com/d.php?id=12067>.
9. *Багж Э.А.У.* Мумия. Материалы археологических исследований египетских гробниц. <http://bookmix.ru/book.phtml?id=390882>.
10. *Безертишов Р.Н.* Древнетюркское мировоззрение «тезирианство». <http://www.tatveleran.ru/creation/?id=25>.
11. *Берзин А.* Краткая история буддизма в Индии до вторжения в XIII веке. <http://coollib.net/b/3839>.
12. *Бисенбаев А.* Мифы древних тюрков. http://nogaystan.ucoz.ru/load/ak_bisenbaev_mify_drevnikh_tjurkov/1-1-0-3.
13. *Бичурин И.Я.* (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. <http://www.twirpx.com/file/267548>.

14. *Ф.Бобоёров*. Бактриёча ҳужжатларда Турк хоқонлиги тарихининг кашф этилган янги саҳифалари // *Жамият ва бошқарув*. 2013. №3.

15. *Бонгард-Левин Г.М., Гринцовский Э.А.* От Скифии до Индии: Древние арии: мифы и история. <http://rutracker.org/forum/viewtopic.php?t=1189005>.

16. *Будаев Н.М.* Западные тюрки в странах Востока. http://bukvy.net/books/guman_nauki/51246-Zapadnie-tyurki-v-stranah-Vostoka.html.

17. *Бэшем Артур*. Цивилизация Древней Индии. <http://razum.ru/naukaobraz/istoriya/41271-artur-byeshem-civilizaciya-drevnej-indii.html>.

18. *Васильев А.С.* История религий Древнего Востока. <http://www.alleng.ru/d/relig/relig007.htm>.

19. *Вейнберг И.П.* Человек в культуре древнего Ближнего Востока. <http://padabum.com/d.php?id=41199>.

20. Великое переселение народов. Второй этап — гуннский. [file:///C:/Users/USER/Desktop/Қадимги цивилизациялар/Великое переселение народов. Второй этап](file:///C:/Users/USER/Desktop/Қадимги_цивилизациялар/Великое_переселение_народов_Второй_этап).

21. *Вонг Е.* Даосизм. <http://www.olymp48.de/de/books/product/19529/357>.

22. *Галанин А.В.* Гунны и образование евразийского суперэтноса <http://ukhtoma.ru/gunny1.html>

23. *Грейвс Р.* Мифы Древней Греции. — М., Прогресс, 1992.

24. *Грум-Гржимайло Г.Е.* Западная Монголия и Урянхайский край. 2 тома. <http://rutracker.org/forum/viewtopic.php?t=2741698>. 1-том.

25. *Грэй Д.Г.* История Древнего Китая. <http://nemaloknig.info/read-50324/>.

26. *Гумилев Л.Н.* История народа хунны. <http://www.klex.ru/7zh>.

27. *Гумилев Л.Н.* Хунну. Степная трилогия. <http://www.ozon.ru/context/detail/id/1474933/>.

28. *Гумилев Л.Н.* Гетерохронность увлажнения Евразии в древности. http://eastlib.ru/gumilev/gumilev_6.html

29. *Гумилев Л.Н.* Тысячелетие вокруг Каспия. — Б.: Азернешр, 1990.

30. *Гумилев Л.Н.* Древние тюрки. — М.: Айрис-пресс, 2004.

31. *Гумилев Л.Н.* Этногенез и биосфера Земли. — М.: Айрис-пресс, 2004.

32. *Гоиз Фалил*. Древняя Персия. <http://www.razum.ru/81917-filip-guiz-drevnyaya-persiya.html>.

33. *Даймонг Джаред*. Ружья, микробы, сталь. <http://knigosite.org/getbook/78652/rf>

34. *Дангмаев М.А.* Цивилизация Древнего Ирана. www.persia.ru/main/?page=515.

35. *Джеймс П., Торн Н.* Тайны древних цивилизаций. <http://padabum.com/d.php?id=18655>.

36. *Дмитриева Н.А., Акимова Л.И.* Античное искусство: Очерки. — М.: Дет. лит., 1988.

37. *Дорфман М.* Евреи и жизнь. Как евреи произошли от славян/ Михаил Дорфман. — М.: АСТ: Красноярск: АБУ: Владимир: ВКТ; 2008.

38. *Драчук В.* Дорогами тысячелетий. <http://www.booksgid.com/science/3538-viktor-drachuk-dorogami-tysjacheletij.html>.

39. Древнекитайская литература. Поздняя древность. <http://www.abirus.ru/content/564/623/625/645/654/11654.html>.

40. Древняя Индия — цивилизация древней Индии. <http://www.historie.ru/civilizacii/drevnyaya-indiya/228-drevnyaya-indiya-civilizaciya-drevney-indii.html>.

41. *Дорошенко Е.А.* Зороастризм в Иране. (Историко-этнографический очерк). Глава I.

42. *Дьяконов И.М.* История Мидии от древнейших времен до конца IV века до н.э. <http://www.kniga.ru/books/677700>.

43. *Елисеєфф В., Елисеєфф Д.* Цивилизация классического Китая. http://thebiglibrary.ru/load/istorija/civilizacija_klassicheskogo_kitaja_vadim_eliseeff_daniel_eliseeff/12-1-0-1026.

44. *Емсалянов В.В.* Древний Шумер. Очерки культуры. <http://www.twirpx.com/file/294653/>.

45. *Ш.А. Ёвқочев ва бошқ*. Марказий Осиё динлари тарихи. http://ziyonet.uz/uzc/library/?searchby=library0&offset=0&search0_query=%D0%B6%D0%B0%D2%B3%D0%BE%D0%BD%20%D0%B4%D0%B8%D0%BD%D0%BB%D0%B0%D1%80%D0%B8%20%D1%82%D0%B0%D1%80%D0%B8%D1%85%D0%B8

46. *Захутин А.* Особенности и основные этапы развития древнекитайской цивилизации. http://antonyaz.do.am/publ/24_osobennosti_i_osnovnye_etchary_razvitija_drevnekitajskoj_civilizacii/1-1-0-65.

47. Зороастризм. <http://www.kabeza.ru/content/view/273/>.

48. Иерусалимский Храм царя Ирода. <http://www.isracity.com/jerusalem/history/irod.html>.

49. *Изразль Жерар*. Кир Великий. <http://www.twirpx.com/file/1087431/>.

50. Ивжил. Тавротдан Мусо пайгамбарнинг биринчи китоби. Ибтидо. Забур. — Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм. 1992.

51. История мировых цивилизаций. Древнеиндийская цивилизация. http://godsabay.ru/civilizations/civilization_indiya.html.

52. История мировых цивилизаций: учебное пособие / коллектив авторов; под науч. ред. Г.В.Драча, Т.С.Паниотовой. — М.: КНОРУС, 2012.

53. *Каримов Б.Р.* Таштрианство и становление тюркского мира. <http://tengrifund.ru/konferencii/2-aya-konferenciya/tengrianstvo-i-stanovlenie-tyurkskogo-mira>.

54. *Кляшторный С.* Евразия: первая империя тюрков и их цивилизация. <http://tatworld.ru/article.shtml?article=431&heading=45§ion=0>.

55. *Кляшторный С.Г., Султанов Т.И.* Казахстан. Летопись трех тысячелетий. <http://padabum.com/d.php?id=34693>.

56. *Крадия Н.Н.* Империя хунну. <http://www.twirpx.com/file/262785/>.

57. *Крамер Н.* Сэмюэл. История начинается в Шумере. — <http://goldenshara.com/viewtopic.php?t=7766>.

58. *Крамер Н.* Сэмюэл. Шумеры. Первая цивилизация на Земле. http://bookz.ru/authors/samuel_-kramer/6umeri-_177.html.

59. Краткий очерк истории зороастризма. <http://www.razum.ru/naukaobraz/istoriya/55064-doroshenko-e-a-zoroastrijcy-v-irane.html>.

60. *Крал А.А.* Египет первых фараонов: Хеб-Сед и становление древнеегипетского государства. <http://maat.org.ru/books/0039.shtml>.

61. *Левин Г.Г., Федорова А.Г.* К вопросу арийства и таштрианства. <http://tengrifund.ru/konferencii/1-aya-konferenciya/k-voprosu-arjstva-i-tangrianstva>.

62. *Марцелин А.* Римская история. Кн. XXXI. <http://www.e-reading.ws/book.php%3Fbook%3D37773>.

63. *Маслов А.А.* Утраченная цивилизация: в поисках потерянного человечества. — Ростов н/Д: «Феникс», 2005.

64. *Махмудова Г.Т.* Историко-философский анализ учения Зороастризма (на материалах «Авесты»). Автореферат диссер-

тации на соискание ученой степени доктора философских наук. http://ziyonet.uz/uzc/library/?searchby=library&offset=0&search_query=%D0%B0%D0%B2%D0%B5%D1%81%D1%82%D0%BE

65. *Мечников И.А.* Цивилизация и великие исторические реки. <http://ruknigi.net/books/25844-tsivilizatsiya-i-velikie-istoricheskie-riki/>.

66. *Мингазов Ш.* Этруски и тюрки. <http://kitap.net.ru/mingazov/etruski.php>

67. *Монтэ Пьер.* Повседневная жизнь египтян во времена великих фараонов. <http://annales.info/egiptet/monte/egramind.htm>.

68. *Мортимер Уилер.* Пламя над Персеполием. <http://book.tr200.net/v.php?id=1582814>.

69. *Мортимер Уилер.* Древний Индостан. Раннеиндийская цивилизация. http://bookz.ru/authors/mortimer-wiler/drevnii-_323.html.

70. *Морэ А.* Египетские мистерии. — <http://elbooka.com/raznaja-literatura/kniga-ezoterika/64935-more-aleksandr-egipetskie-misterii.html>.

71. *Москати Сабатино.* Цивилизации Древнего Востока. — М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010.

72. *Москати С.* Древние семитские цивилизации. www.litmir.net/br/?b=151185&p=3

73. *Мэнчип Уайт Джон.* Боги и люди Древнего Египта. sharedbook.ru/book/58210.html.

74. *Немировский А.И., Ильинская А.С., Уколова В.И.* Античность: история и культура: Пособие для учащихся ст. классов общеобразов. учреждений и студентов пед. вузов.: В 2 т. Т. 1. — М.: АО «Аспект пресс», 1994.

75. Об этнической принадлежности хунну. <http://do.gendocs.ru/docs/index-72162.html?page=6>.

76. *Олмстед Альберт.* История Персидской империи. www.litmir.net/br/?b=151184.

77. *Опарин А.А.* Всемирная история и пророчества Библии. <http://nauka.bible.com.ua/vs-istor/> — С.20.

78. *Оппенгейм А.А.* Древняя Месопотамия. Портрет погибшей цивилизации. <http://www.twirpx.com/file/875332/>.

79. *Перепелкин Ю.Я.* История Древнего Египта. <http://review3d.ru/perepelkin-yu-ya-istoriya-drevnego-egipta>.

80. *Рагозина З.А.* История Ассирии: от возвышения ассирийской державы до падения Ниневии. — М., 1998.

81. Қ. Ражабов. Алл Эр Тўнга (Афросиёб). — Т.: «O'zbekiston», 2014.
82. Рахманалиев Р. Империя тюрков. Великая цивилизация. adm.w.ru/books/Imperiya-tyurkov--Vel...
83. Рахмон Н. Турк хоқоналиги. — Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1994.
84. Религии мира. Энциклопедия. — М., 1996. — Т. 6. — Ч. 1.
85. Ривеладзе Эварг. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. <http://www.protobulgarians.com/Russian%20translations/Riveladze%20E.pdf>.
86. Саттс Генри. Величие Вавилона. История древней цивилизации. Двуречья. http://bookz.ru/authors/genri-saggs/vel4ie_630.html.
87. Сессиль Рот. История евреев с древнейших времен по шестидневную войну. <http://www.litmir.net/br/?b=37500&p=2>.
88. Сибилева И.В. Древняя тюркоязычная литература. Часть I. <http://ravshir.livejournal.com/54576.html>.
89. Тойнби А.Дж. Постигание истории. М.: Прогресс, 1991.
90. Тодд Эмманюэль. После империи. *RaxAmericalpa* — начало конца. <http://bookz.ru/authors/emmanuel-todd/toddemanuel01.html>
91. Томкинс П. Тайны Великой пирамиды Хеопса. <http://laifotit.ru/viewtopic.php?f=50&l=2603>.
92. Тронский И.М. История античной литературы: Учебник для ун-тов и пед. ин-тов. — 4-е изд., испр. и доп. — М.: Высш. шк., 1983.
93. Тураев Б.А. История Древнего Востока. <http://historik.ru/books/item/100/s00/z0000044/st011.shtml>.
94. Томенев. А.Н. Государственное хозяйство Древнего Шумера. http://aliensbooks.ru/index.php?Itemid=24&category_id=236&flpage=flpage.tpl&option=com_virtuemart&page=shop.product_details&product_id=21961
95. Уайт Артур Эварг. Боги и люди Древнего Египта. <http://magic-kniga.ru/shop/product/10950.html?a=3595>
96. Уэллс Г. История цивилизации: В 2 кн. Кн. 1: От зарождения жизни до возникновения христианства. — М.: ТЕРРА — Книжный клуб, СПб.: Северо-Запад, 2000.
97. Файзрахманов Г. Древние тюрки в Сибири и Центральной Азии. <http://padabum.com/d.php?id=9651>.
98. Федорова Л.В. Идея тенгрианства и саркальность инстигута власти. (Из материалов IV-й Международной научно-

практической конференции «Тенгрианство и этическое наследие народов Евразии: истоки и современность», 09–10 октября 2013 г., Улан-Батор, Монголия). file:///C:/Users/USER/Downloads/D098.

99. Фортунатов В.В. История мировых цивилизаций. http://www.alleng.ru/d/hist_vm/hist120.htm.
100. Фрай Р. Наследие Ирана. <http://padabum.com/d.php?id=31668>.
101. Франкфорт Т., Франкфорт Г.А., Уилсон Дж., Якобсен Т. В преддверии философии. Духовные искания древнего человека. <http://www.twitrx.com/file/251404/>.
102. Фрэзер Дж.Д. Золотая ветвь: Исследование магии и религии. — М.: Политиздат, 1986.
103. Халиков А.Х. Татарский народ и его предки. http://www.uknol.info/uk/Records/Tatarskij_narod_i_ego_predki.html.
104. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. www.litmir.net/br/?b=11594.
105. Хук С. Мифология Ближнего Востока. — М.: Центрполиграф, 2009.
106. Циркин Ю.Б. Карфаген и его культура. — М., Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1987.
107. Чайлд Г. Арийцы. Основатели европейской цивилизации. — М.: ЗАО Центрполиграф, 2009.
108. Шамбаров В.Е. Великие империи Древней Руси/Валерий Шамбаров. — М.: Алгоритм, 2012.
109. Шарма Р.Ш. Древнеиндийское общество. — М.: Прогресс, 1987.
110. Шри Шримад А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада. Источник вечного наслаждения. — М.: Бхактиведанта Бук Траст. «Воздушный транспорт», 1990.
111. Елена Элк. Индия. <http://elena-elk.narod.ru/Ancient-civilizations/India.html>.
112. Элиаде Мирча. История веры и религиозных идей. В 3-т. Том I: от каменного века до элевсинских мистерий. http://royallib.ru/book/eliade_mircha/istoriya_veri_i_religioznih_idey_tom_1_ot_kamennogo_veka_do_elevsinskih_misteriy.html.
113. Якобсен Торкильд. = Сокровища тьмы: История месопотамской религии. = Янко Слава. slavaaaa@yandex.ru.
114. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: «Чўлпон», 1992.



МУНДАРИЖА

Киритиш.....	3
I боб. МЕСОПОТАМИЯ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ	9
Шумерлар.....	10
Тарихи.....	16
Шумерларда дин ва диний тизим.....	28
Адабий жанр. Мифология.....	32
Санъат.....	37
Бобилликлар ва Ассурликлар.....	40
Тарихи.....	40
Дин ва диний тизими.....	47
Адабиёт.....	51
Санъат.....	55
II боб. ҚАДИМГИ МИСР ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ	59
Тарихи.....	64
Дин ва диний тизими.....	74
Адабиёт.....	82
Қуёш худоси Ра ҳақидаги мифлар.....	86
Оламнинг яратилиши ҳақидаги мифлар.....	87
Санъат.....	92
Ҳайкалтарошчилик.....	97
III боб. ҚАДИМГИ ЯХУДИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ	101
Тарихи.....	104
Дин ва диний тасаввурлар.....	120
Адабиёт.....	126
Санъат.....	132
IV боб. ҚАДИМГИ ЭРОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ	135
Тарихи.....	141
Диний тизим ва адабий жанр.....	153
Адабиёт.....	165
Санъат.....	168

V боб. ҚАДИМГИ ҲИНД ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ	173
Тарихи.....	179
Дин ва диний тизими. Қадимги ҳудудлар.....	190
Буддизм.....	194
Ҳиндуизм.....	198
Жайнизм.....	201
Адабиёт.....	202
Санъат.....	207
VI боб. ҚАДИМГИ ХИТОЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ	211
Тарихи.....	215
Дин, диний тизим ва дунёқараш.....	220
Конфуцийлик.....	222
Досизм.....	227
Адабиёт.....	229
Санъат. Ҳайкалтарошчилик.....	233
Архитектура.....	233
Тасвирий санъат.....	234
VII боб. АНТИК ЦИВИЛИЗАЦИЯ	237
Қадимги Юнонлар.....	238
Тарихи.....	243
Дин ва диний тизим.....	246
Олимпда яшовчи ўн неки худолар.....	247
Адабиёт.....	252
Гомер.....	253
Гомернинг рақиблари.....	255
Тақдирчилар.....	257
Эпос ва унинг масаллари.....	260
Санъат.....	262
Архитектура.....	265
Ҳайкалтарошчилик.....	268
Қадимги Римликлар.....	271
Тарихи.....	276
Дин ва диний тизим.....	282
Адабиёт.....	287
Санъат.....	292
VIII боб. ҚАДИМГИ ТУРК ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ	295
Тарихи.....	307
Дин ва диний тизим.....	329
Адабиёт.....	336
Эпослар.....	342
Санъат.....	346
Улоғи.....	349
Бойлаштирилган адабиётлар рўйхати.....	351

Эргашев Ш.
Э74 Қадимги цивилизациялар. / Ш.Эргашев. —Тошкент:
«O'zbekiston» НМИУ, 2016. —360 б.

ISBN 978-9943-28-497-5

УЎК: 94(575.1)

КБК 63.3(57)64

Ижтимоий-сиёсий нашр

ШУҲРАТ ЭРГАШЕВ

ҚАДИМГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР

Муҳаррир *Икзат Аҳмедов*

Рассом-дизайнер *Дилмурод Мула-Охунлов*

Техник муҳаррир *Татьяна Харитоновна*

Кичик муҳаррирлар: *Дилбар Холмашова, Гулбайра Ералиева*

Мусахҳид Сурайё Салоҳутдинова

Компьютерда тайёрловчи *Гулмира Қулназарова*

Нашриёт лицензияси А1 №158, 14.08.2009.

Босишга 2016 йил 19 февралда рухсат этилди.

Бичими 60x90^{1/16}. Офсет қовози. «Virtec Baltica Uz»

гарнигурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табоғи 22,5. Нашр табоғи 22,87.

Адади 3000 нуска. Буюртма №15-924.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.


Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz





«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-26-497-5



9 789943 264975